



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**



**Доцент Неъматилла Исматовнинг
80 йиллигига бағишланган**

**“ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДАГИ
МУАММОЛАР” МАВЗУСИДАГИ RESPUBLIKA
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ**



ЖИЗЗАХ 2018 ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР

Республика илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

Жиззах. 13-14 апрел 2018 йил

Жиззах - 2018

География ва география таълимидаги муаммолар. Конференция материаллари тўплами. -Жиззах: ЖДПИ нашри, 2018. -254 бет.

Республика илмий-амалий конференция материаларида географиянинг табиий, ижтимоий - иқтисодий география, замонавий география таълимида педагогик ва инновацион технологиялар, гидрология, картография, топонимика, геоэкология ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги минтақавий муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган мақолалар киритилган.

Масъул муҳаррир: г.ф.н. О.Мухамедов

Таҳрир ҳайъати: проф. А. Абдулқосимов

проф. Л. Алибеков

проф. Ф. Ҳикматов

проф. С. Аббосов

проф.Н.Комилова

доц. Б.Калонов

г.ф.н.проф. Қ. Ҳакимов

ўқит. М. Ғўдалов (масъул котиб)

Тўпланда берилган мақолаларнинг илмийлиги, мазмуни, статистик маълумотлари ҳамда имловий ва грамматик хатоликлар учун муаллифлар масъул.

Жиззах давлат педагогика институти Кенгаши йиғилишининг 2018 йил 16 апрелдаги № 6 -сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Жиззах давлат педагогика институти. 2018

ЖОНКУЯР УСТОЗ, ФИДОИЙИ ОЛИМ ВА МЕХРИБОН ОТА

Хурматли устозимиз, география фанлари номзоди Исмаев Неъматилла Исмаевич ярим асрлик педагогик фаолияти давомида жуда кенг кўламли ишларни амалга оширди. Устознинг серкирра ижоди ва фаолиятини ҳозирги кунда ҳам шогиридлари томонидан ўрганилмоқда ва давом этказиб келинмоқда.

Устоз, 1942 йил 16 июлда Жиззах вилояти Зомин тумани Жалоир қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, 1958-1959 йилларда Зомин тумани 1-мактабда лаборант, 1959-1960 йиллар Зомин тумани 11-мактаб ўқитувчиси вазифасида ишлаган. 1960 йилда Самарқанд Давлат университетининг география факультетига ўқишга кириб, мазкур университетни 1965 йилда имтиёзли дипломлар билан битирган. 1965-1966 йиллар Самарқанд ДУ Табиий география кафедраси ассистенти, 1966-1967 йиллар стажёр-тадқиқотчи, 1967-1970 йиллар Украинанинг Львов Давлат университетига аспирантурада таҳсил олган. 1972 йилда г.ф.д. профессор. П.Н.Цыс илмий раҳбарлигида “Ғарбий Туркистон тоғлари геоморфологияси” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган. 1970-1978 йилларда Самарқанд ДУ “Умумий табиий география” кафедраси ассистенти лавозимида фаолият олиб борган.

Н.И.Исмаевнинг Жиззах Давлат педагогика институтидаги фаолияти 1978-1979 йилларда “Фуқаро муҳофазаси ва тиббий тайёргарлик” кафедрасида катта ўқитувчиликдан бошланади. 1979-1983 йилларда эса “Табиатшунослик асослари” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлайди. 1983-1988 йилларда ушбу кафедрада доцент вазифасини бажарувчи, 1988-1995 йилларда эса доцент лавозимида фаолият олиб борган. Жиззах Давлат педагогика институтида янги очилган биология-география йўналишида талабалар сони ортиши билан табиатшунослик асослари кафедраси негизида 3 та кафедра ташкил этилиб, улардан бири “География-экология” кафедрасига 1995-2001 йилларда доцент Н.И.Исмаев мудирлик қилади ва айна вақтда Жисмоний маданият факультети декани вазифасида ҳам ишлаган. Н.И.Исмаев институтда янгидан ташкил этилган Кимё-биология факультетининг таркибида талабалар сони ортиши муносабати билан 2001-2005 йилларда География бўлими бошлиғи, 2005-2012 йилларда эса География ва иқтисодий билим асослари кафедраси мудир лавозимларида ишлаган.

Н.И.Исмаев илмий-педагогик фаолияти давомида 150 дан ортиқ илмий мақолалар ва 4 та ўқув-услубий кўлланмалар муаллифи. Табиий географик жараёнларнинг тарқалиш қонуниятлари билан шуғулланади. Унинг раҳбарлигида география ва уни ўқитиш методикаси кафедрасининг ўқув базаси мустақамланди, институт ахборот-ресурс марказида географияга оид 1500 га яқин дарслик, ўқув кўлланма, ўқув-услубий мажмуадан иборат илмий кутубхона ташкил этилди. Н.И.Исмаевнинг саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда география ва уни ўқитиш методикаси кафедраси институтнинг энг нуфузли кафедраларидан бирига айланиб бормоқда.

Н.И.Исмаев раҳбарлигида география кафедрасининг бир неча ходимлари – М.Ғўдалов, Б.Зикиров Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2012-2014 йилларга мўлжаллаб эълон қилинган танловда қатнашиб ғолиб бўлган. Танловда кўлга киритилган грант асосида амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастури доирасида ИТД-7 – Табиатдан оқилона фойдаланиш ва экология йўналишига тегишли “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланиши, динамикаси ва атроф-муҳитга таъсирини тадқиқ қилиш” мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб ниҳоясига етказилди.

Хурматли устозимиз Неъматилла Исмаев домла шогиридларга меҳрибонлиги, ишда инзомлиги, ҳамда ўрни келганда шогиридларга нисбатан талабчанлиги билан ажралиб турар эди.

Устознинг етук географ мутахассислар тайёрлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўз мевасини бера бошлади. Синчков ва меҳрибон устоз томонидан танлаб олинган шогиридлар ва илмий иш учун мавзу берилган тадқиқотчилар бугунги кунда устознинг ишини давом эттирмоқда. Унинг илмий салоҳиятининг поклиги, талабчан ва адолатпарварлиги боис, устоз ишлаган жойда дўстона кайфият, ҳамжиҳатлик муҳити шаклланиб борган.

Устозимизнинг география фанининг ривожланишига қўшган хизматларини эътиборга олган ҳолда, уни республика географ олимлари орасида хурмат эътибор қозонган таниқли олим, моҳир педагог деб бемалол айта оламиз. Домланинг олижаноб инсонийлик хусусиятлари, камсухан, кенг фикрловчи, ўз фикрини раvon ва қисқа баён этиши ва берган қимматли ўғитлари унинг шогиридлари қалбида йўлчи юлдуз бўлиб порлаб туради.

Устоз меҳрибон умр йўлдоши, 4 та фарзандларнинг сеvimли отаси ва 7 та набиранинг севикли бобаси эди. География фанининг ҳақиқий жонкуяри, меҳрибон устоз – доцент Неъматилла Исмамовнинг порлоқ хотираси дўстлари, ҳамкасблари ва миннатдор шогирдлари қалбида умрбод сақланиб қолади.

География ўқитиш методикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари

Ҳаёт сабоқлари

Устозимиз география фанлари номзоди, доцент домла Немат Исмамов ҳақида сўз айтганда у киши ҳақида, ишлари ҳақида сўз орқали ёрита оламанмикан...

Неъмат Исмамов домла кенг маънодаги мураббий инсон, донишманд суҳбатдош эди. У киши қайси гапни қачон ва қандай айтишни жуда яхши билар эди. Шунинг учун бўлса керак, домла бирор масалада ким биландир суҳбатлашса, бу мулоқот, албатта суҳбатдошларининг хотирасида бир умрга сақланиб қоларди ва уларда домла билан қайта суҳбатлашиш иштиёқи пайдо бўларди. Бинобарин, мен ҳам домла билан суҳбатларимизда теран мулоҳазалар, теша тегмаган гаплар эшитардим ва қимматли ҳаётий сабоқ олардим. Бу суҳбатларимиздан кўпчилиги ҳатто у кишининг юз ифодалари хатти-ҳаракатлари билан хотирамда сақланиб қолган.

Бизга қарата шундай деган: “Бахт, омад ғойибдан бериладиган неъмат бўлса ҳам, уни асраб-авайлаш, қадрига етиш керак! Уни қўлдан бой бермасликка интилинглар. Бунинг учун ўртангизда меҳр, хурмат, ва баҳамжиҳатлик ва сизларга берилган бахт учун шукроналик бўлмоғи зарур.”

Бир қарашда бу оддий гапдек бўлиб туюлади. Аммо бу ўғитлар ўша лаҳзада ғоят теран маънода касб этган. Домла ҳар бир инсоннинг ҳаётда яхши излар қолдириши фақат унинг ўзига ва иродасига боғлиқлигини кўп такрорларди.

Шу ўринда айтиш керакки, домла нафақат шогирдларига, фарзандларига, балки ўзларига нисбатан ҳам ўта талабчан инсон эди. Мақсад аниқ белгилаб олинган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни хуш кўрар эди. У кишининг бекорчиликдан, шунчаки эрмак учун суҳбат қилиб ўтирганини умуман кўрмаганман. Оддий суҳбат учун ажратилган вақт ҳам суҳбатдошлар учун фойдали бўлишига ҳаракат қилар эди. У киши ҳаётда вақтни беҳад қадрлаган инсон эди.

Домлага хос ажойиб фазилатларидан яна бири шуки, у киши ўзларига яқин инсонлар, дўст-биродарларга жуда эътиборли, меҳрибон эди.

Домла боқий дунёга кетган бўлсада, бу дунёда фарзандлари, илмга чанқок шогирдлари, умр бўйи йиғилган илмий рисолалари ҳамда у киши билан боғлиқ кўп ёрқин хотиралар қолди. Иш юзасидан, уйдаи, турли давралардаи кўпчилиқ билан суҳбатда бўлганимда у кишини таниган-билган, суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар, албатта, домла ҳақида сўз очади. Бирлари суҳбатларини, сўзларини, бошқалари эзгу ва ибратли ишларини, яхшилиқларини, хуллас, домла билан боғлиқ бирон воқеани ёдга оладилар. Буларнинг барчаси инсонлар манфаатини кўзлаб қилинган ишлар, инсонларни ўйлаб амалга оширилган ҳаракат ва илгари сурилган фикр мулоҳазалардир.

Дарҳақиқат домла Немат Исматов инсон бўлиб яшади, инсоний ва ҳаётий сабоқлари билан шогирдлари қалбида бир умрга қолди.

Қаршибоева Насиба Ҳайдаровна
биология фанлар номзоди

I - ШЎБА.

ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Абдулқосимов А. А., Аббасов С.Б., Сабирова Н.Т. (Самарқанд, СамДУ)
**ҚИЗИЛҚУМ ЛАНДШАФТЛАРИНИ ЧЎЛЛАНИШИДА АНТРОПОГЕН
ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ**

Ҳозирги фан-техника ва технологияларнинг барқарор тараққиёт этиб бораётган ҳамда сайёрамизда истиқомат қилаётган аҳолининг сони йил сайин кўпайиб 7,5 миллиард нафардан ошган даврда арид ўлкаларда, жумладан Қизилқум ландшафтлари доирасида чўлланиш жараёнларининг фаол ривожланиб боришига фақат табиий омиллар эмас, балки антропоген омиллар ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Олиб борилган ландшафт типологик, ландшафт экологик (геоэкологик), ландшафт динамик ва регионал илмий тадқиқотлар Қизилқум ҳудудидаги ранг-баранг арид ландшафтларнинг чўлланиши жараёнида табиий омилларга нисбатан антропоген омилларнинг таъсир доирасида кучлироқ эканлиги кўзга яққол ташланади ва бунинг оқибатлари турли хил шаклларда намоён бўлади. Бунга сабаб, биринчидан, Қизилқум чўли турли-туман қимматбаҳо қазилма бойликларга, бепоён маҳсулдор яйловларга, агроландшафтларни ривожлантириш учун хизмат қиладиган термик ресурсларга бой регион эканлиги бўлса, иккинчидан, бундай табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш бевосита инсоннинг хўжалик фаолияти доираси билан чамбарчас боғлиқ эканлигидадир (Абдулкасимов А.А., Аббасов С.Б., 1999).

Юқорида эътироф этилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, арид ландшафтларни чўлланишига таъсир кўрсатаётган барча турдаги жараёнларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Булар иқтисодий, чорва молларини боқиш, социал, ҳарбий ва ҳуқуқий омиллардир.

Иқтисодий омиллар. Арид ўлкаларнинг чўлланишига ва чўл ландшафтлари майдонининг тобора кенгайиб боришига антропоген омиллар ичида энг кучли таъсир кўрсатадиган гуруҳи иқтисодий омиллардир. Арид ландшафтлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, чўлларни ўзлаштиришда агротехника қодаларига амал қилмаслик, экосистема ва геосистемаларнинг бир бутунлик ҳамда уларнинг компонентлараро алоқадорлик хусусиятларига эътибор бермаслик тарихий шаклланган экологик мувозанатнинг бузилишига ва турли хил геоэкологик вазиятларнинг вужудга келишига шарт-шароит яратади. Айниқса, Қизилқумнинг чўл ландшафтларига салбий таъсир кўрсатишда ва катта зарар етказишда кўп йиллар давомида олиб борилаётган геологик қидирув ишларини ташкил этишда ва топилган конларда фойдали қазилмаларни ер тагидан қовлаб олишда қўйилган техник хатолар етакчи роль ўйнайди.

Компонентлараро алоқадорлиги заиф ва тупроқ-ўсимлик қоплами ўта мўрт бўлган кумли ва майда тошли арид ландшафт комплекслари шароитида геологик қидирув техникалари ва автотранспорт воситаларининг ҳудуд бўйлаб тартибсиз ҳаракати, уларни жойдан жойга кўчиб юриши натижасида тупроқ грунтларининг юқори қатлами кучли майдаланиб, ўсимлик қоплами катта зарарланади. Бундай жараёнлар арид ландшафтларнинг тупроқ ва ўсимлик қопламларининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, ўсимликларнинг деградиацияланишига, тупроқларда дефляция ва сув эрозияси жараёнларини жадаллашувига имконият яратиб, катта-катта майдонларда чўлланиш ҳодисасини кучайтиради ва ноҳуш геоэкологик вазиятларни вужудга келтиради. Демак, кумли ва майда тошли (тошлок) чўл ландшафт комплекслари доирасида олиб борилган ва борилаётган геологик қидирув ишлари, уларнинг техник воситаларини тартибсиз ҳаракати натижасида ҳосил бўлган бузилган ерлар чўлланишнинг ҳақиқий ўчоғига айланиб, бундай кўнгилсиз жараённи фаол ривожланишига тўлиқ шароит яратиб бермоқда.

Чорва молларини боқиш натижасида арид ландшафтларнинг чўлланиши.

Қизилқум чўли Ўзбекистон Республикасида чорвачилик яйлов хўжалиги кенг ривож топган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда чорва молларининг, айниқса кўп сонли қорақўл кўйларининг йил давомида узлуксиз боқилиши чўл геосистемаларининг ҳозирги ҳолатига уларнинг маҳсулдорлигига, фитоценозлар таркибидаги ўсимлик турларининг тадрижий камайиб боришига кучли таъсир этади. Шунинг учун арид ландшафтлар доирасида антропоген чўлланиш жараёнларини жадаллаштиришда етакчи омиллардан бири бўлиб, чорва молларини муайян жойларда ҳаддан ташқари боқилиши хизмат қилади.

Геоботаник яйловшуносларнинг фикрича, чорва молларини яйловларнинг ўсимлик қопламига ва уларнинг биомассаларини маҳсулдорлигига таъсири ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Бу эса бир қатор омилларга, яъни мол туёғининг сонига, мол боқишнинг миқдорий ифодаланишига, унинг давомийлигига боғлиқ. Ҳаддан ташқари континентал иқлимли, шамол фаолияти кучли ва сийрак ўсимлик қопламининг барқарорлик даражаси заиф бўлган чўл шароитида чорва молларини ҳаддан ташқари кўп боқилиши чўл яйловларининг дигрессияланишига ва чўлланаётган ландшафтларнинг майдонини кенгайиб боришига сабаб бўлади.

Қизилқум яйловларининг сув билан кам тامينланганлиги, қудуқлар тўрининг ниҳоят даражада сийраклиги чўлланиш жараёнини янада мураккаблаштиради. Қудуқлардан 2-3 км радиусдаги майдонларда чўлларнинг туб ўсимликлари молларни меъридан ортиқча боқилиши ва уларни теварак-атрофдан сувлоқ жойларга доимий равишда келиб кетиши натижасида кучли ўзгаради, қудуқлар атрофидаги 0,5-0,7 км масофагача бўлган жойларда тупроқларнинг гумус қатлами тўлиқ йўқолади. Оқибатда қудуқлар атрофида дефляция жараёни кучайиб, кўчма қумлар ва барханлар ҳосил бўлади. Яйловларда чорва молларини ҳаддан ташқари боқилиши фитоценозлардаги ўсимлик турларининг сонини 2-3 мартагача камайишга олиб келади. Буларнинг орасида йўқолиб бораётган ва нодир ўсимликларнинг турлари ҳам учрайди (Национальная программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан, 1999). Юз бераётган чўлланиш жараёнлари Қизилқум чўлида биологик хилма-хилликнинг мувозанатини бузилишига ва яйловларда биомассаларнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

К.Т.Антонова (1979) Қизилқум ўсимликларининг чорва молларини боқиш билан бевосита боғлиқ бўлган динамик ўзгаришларини ўрганиб, чўл ҳудудлари яйлов сифатида узок йиллардан буён хўжаликда фойдаланиб келинганлигини таъкидлаган. Шу боисдан Қизилқумнинг аксарият майдонидаги табиий ўсимликлар антропоген омиллар таъсирида кучли ўзгарган ва деградациялашган. Айниқса, унинг дастлабки маҳаллий ўсимликлари шундай қайта ўзгаришларга дуч келганки, ҳозирги пайтда хўжаликда фойдаланилаётган ўсимликлар кейин пайдо бўлган иккиламчи антропоген ўсимликлар типи ҳисобланади. Жумладан, Марказий Қизилқумнинг жанубий чекка қисмидаги ҳозирги қандим ва черкез формацияли ўсимликлар дунёси антропоген омиллар таъсирида ўзгарган иккиламчи ўсимликлар формацияси бўлиб, улар олдинги саксовулзорлар ўрнида вужудга келган. Бу чўлланиш жараёнининг қумли чўл ландшафт комплекслари доирасида, хусусан уларнинг компонентлари таркибида юз берган бир кўриниши ҳисобланади. Натижада, динамик ўзгаришлар фақат ўсимликлар формациясида рўй бериб қолмасдан, балки бутун қумли чўл геокомплексларида ҳам динамик ўзгаришлар содир бўлади.

В.А.Николаев (1972) кўплаб манбаларни ва кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида чорва молларини яйловга ҳайдаш радиусини куйидаги нормада амалга оширишни таклиф этади. Бундай кўрсаткичлар тоғ яйловларида 2,5 км, тоғолди зоналарида 5 км, жануби-шарқий Қорақумда 6 км, Қизилқум ва Жануби-Ғарбий Туркманистонда 7 км, Унгузорти Қорақумида ва Жануби-Шарқий Туркманистонда 8 км дан ошмаслиги керак (Абдулкасимов А.А., Аббасов С.Б., 2001).

Социал омиллар. Қизилқумнинг арид ландшафт комплекслари доирасида чўлланиш жараёнининг фаоллашиб боришида социал омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса, чўл шароитида маҳаллий аҳолининг марказлаштирилган ёқилғи билан

таъминланмаганлиги уларни теварак атрофидаги чўл ҳудудлардан ўтин тайёрлашга ва кунлик турмушда фойдаланишга мажбур этади. Қизилқум шароитида ўтин асосан дарахтлардан, буталардан ва ярим буталардан тайёрланади. Шунинг учун ҳам аҳоли яшайдиган пунктларнинг ва воҳаларнинг атрофларидаги катта катта майдонларда оқ ва қора саксовуллар, қандим, черкез, қум акациялари каби дарахтсимон ва бута ўсимликлар кесилиб кетган, шувоқлар ўрилиб жуда сийраклашиб қолган.

Чўл шароитида мўрт тупроқ қопламини ва мустаҳкамланган қум массивларининг барқарор ривожланишини ҳимоя қилувчи, вегетация даврида табиий намликни узоқроқ муддатга сақлаб турувчи функцияларини бажарадиган ксерофит дарахтлар, буталар ва ярим буталарнинг шафқатсиз кесилиб кетиши дефляциянинг динамик ривожланишига ва ҳудудлар иқлимининг янада аридлашиб боришига қулай имконият яратиб беради. Натижада флора таркибидаги кўплаб қимматбаҳо ва доривор ўсимликлар тури камайиб, биологик хилма-хиллик аста-секин камбағаллашиб боради. Оқибатда фаоллашиб бораётган чўлланиш жараёлари чўл ўсимликларининг ранг-баранглигига ва ландшафт комплексларининг барқарор ривожланишига катта зарар етказиб, мураккаб ва кескин регионал геоэкологик вазиятларни вужудга келтиради.

Қизилқум чўлининг фауна ва флора комплекслари таркибидаги турларнинг кескин камайиши айрим ноёб ва қимматбаҳо ўсимлик ва ҳайвон турларининг ҳатто йўқолиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Рекреацион объект сифатида кишиларнинг, хусусан сайёҳларнинг эътиборини ўзига жалб этадиган ландшафт комплексларига ҳаддан ташқари туристик юкнинг ортиб бориши ҳам салбий экологик оқибатларга олиб келади. Йиллар давомида рекреацион нуқтаи назардан қизиқарли бўлган ландшафт объектларига туристларнинг меъёрдан ортиқ ташриф буюришлари чўл шароитида биринчи навбатда дефляцион жараёни ривожлантиришга шароит яратади.

Ҳарбий омиллар. Бепоен Қизилқум чўлидаги арид ландшафтларнинг антропоген чўлланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган омиллардан яна бир гуруҳи ҳарбий омиллардир. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳаракатдаги қўшинлар ичида асосий ўринни қуруқлик қўшинлари эгаллайди. Улар замонавий ҳарбий техникалар билан қуролланган бўлиб, ўзларининг ҳарбий машқларини ва жанг машғулотларини чўл зонасида олиб боради. Ҳарбий машғулотлар пайтида кўплаб тасма занжирли танклар, бронетроспортёрлар, оғир юк машиналари ва минглаб аскарлар қумли чўл бўйлаб юзлаб километр масофани босиб ўтадилар.

Қуруқлик қўшинларининг уруш машқлари ва машғулотларини ўтказиш пайтидаги жангавор ҳаракатлари, узоқ масофаларга чўзилган хандакларнинг қазилиши, аҳён-аҳёнда стратегик қуролларни синаб кўрилиши мўрт эол қумли ва шўрхоқ тупроқли ландшафт комплексларини, уларнинг заиф, барқарор бўлмаган тупроқ ва ўсимлик қопламини паймол қилиб техноген шамол ва сув эрозияларини ривожланишига ёрдам беради. Бунинг оқибатида псаммафит ва галофит ўсимликлар қоплами сийраклашади, тупроқларнинг гумус қатлами тўлиқ йўқ қилиб ташланади, техноген ландшафтларнинг майдони кенгайди, чўлларнинг биологик хилма-хиллиги камаяди, геоэкологик вазиятлар кескинлашади. Чунки ўта континентал иқлим шароитида шаклланган арид ландшафтлар доирасида вужудга келган оғир техноген жароҳатлар 15-20 йил ичида ҳам қайта тикланиш ёки ўзининг дастлабки табиий ҳолатига қайтиш имконига эга эмас.

Ҳукуқий омиллар. Антропоген чўлланиш жараёнларини бутунлай қамраб оладиган ва унинг моҳиятини тўлиқ англаб етишига даъват этадиган омиллардан бири юридик ёки ҳукуқий омиллар ҳисобланади. Чўл шароитида табиатдан фойдаланишнинг ҳукуқий жиҳатлари қанчалик даражада ҳимоя қилинган, пухта ишланган ва ҳаётда унга қатъиян амал қилинадиган бўлса, чўлланиш жараёнини шунчалик даражада олдини олиш ва секинлаштириш имконига эга бўлиши мумкин.

Бинобарин, бунга эришиш учун ер, сув, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини, атроф-муҳит табиатини муҳофаза қилиш ва бошқа геоэкологик йўналишлар тўғрисида тузилган ҳужжатлар, қабул қилинган қарорлар

ва ишлаб чиқилган қонунлар сермазмун ва ҳар қандай муаммолар талабига жавоб бера оладиган даражада бўлиши керак. Шу билан бирга барча қабул қилинган ҳужжатлар, қарорлар ва юридик қонунларни амалда бенуқсон тадбиқ қилиниши сўзсиз антропоген чўлланиш жараёнини секинлашишига ва антропоген чўллар майдонини аста-секин камайишига олиб келиши мумкин. Акс ҳолда қабул қилинган қарорлар ва ишлаб чиқилган қонунлар кучсиз бўлса ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши назорат қилинмаса, антропоген чўлланиш жараёни нафақат Қизилқум чўлида, балки бошқа регионларда ҳам янада кенг ривожланиб, кескин геоэкологик вазиятлар вужудга келаверади. Бундан биринчи навбатда инсониятнинг яшаш жойи ва уйи бўлган она табиат азият чекса, иккинчидан табиат кучоғида истиқомат қилаётган барча аҳоли ҳам қаттиқ азият чекади. Агар чўлланиш жараёнининг олди олинмас экан, ундан келажак авлодлар ҳам ўз улишини олади.

Адабиётлар:

1. Абдулкасимов А.А., Аббасов С.Б. Опустынивание ландшафтов Кызылкума и вопросы их оптимизации. //Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 1999. № 1-2. - С. 76-80.
2. Абдулкасимов А.А., Аббасов С.Б. Ландшафтно-экологические исследования Центрального Кызылкума. - Самарқанд, 2001. -153 с.
3. Граве Л.М. Опыт классификации измененных природных комплексов. //Современные проблемы природного районирования. М., 1975. –С. 163-172.
4. Морозова О.И. Пастбища в пустыне и предгорной полупустыне. М., Сельхозгиз, 1959. -301 с.
5. Николаев В.А. Природные кормовые ресурсы Туркменистана. -Ашхабад: Илим, 1972.
6. Национальная программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан. Т., -1999.

Рахматуллаев А., Мамажонов Р.И., Мирзоев А.И., (Самарқанд, СамДУ) Адилова О.А.
(Жиззах, ЖДПИ)

ҒЎБДИН ТОҒИДА ШАМОЛ ТЕЗЛИГИНИ ЎЛЧАШ БЎЙИЧА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР

Ғўбдин тоғи, айниқса, унинг шарқий қисмлари Сангзор водийсидан доимо эсиб турадиган «Илон ўти» шамолнинг таъсирида бўлади. Бу маҳаллий шамолни Булунғур тумани худудида «Булунғур шамоли» деб ҳам аташади. Сангзор водийси шамолда Мирзачўл ва жануби ғарбда Зарафшон ва жанубда Қашқадарё водийлари ўртасида жойлашган бўлиб, улар ўртасида шамол йўлаги вазифасини бажаради. Йилнинг қиш, куз ва баҳор ойлари шимолдан, шимоли-шарқ томондан келадиган совуқ ҳаво оқимлари Мирзачўл худуди орқали Сангзор водийсига кириб келади ва Қашқадарё ҳамда Зарафшон водийлари томон ҳаракатланади. Шу сабабли ҳам йилнинг совуқ ойларида шамол асосан шимолий ва шимоли-шарқий йўналишларда эсади. Ёз ойлари эса, Сангзор водийсининг шарқий томонида жойлашган баланд тоғларда шаклландиган совуқ зич ҳаво юқори ҳаво босимини ҳосил қилади, шу сабабли ҳам ёз давомида шарқий йўналишдаги шамоллар кўп такрорланади. (Балашева и др. 1963)

Шамол тезлиги ва йўналиши бўйича аниқ маълумотлар олиш мақсадида Ғўбдин тоғининг энг шарқий чеккасида жойлашган Эшмонтўп қишлоғида 8,5 метр баландликка, уй томи тепасига 2014 йил 18 май куни анеморумбометр асбоби ўрнатилди. Ушбу шамол ўлчагич асбоби ҳозирга қадар ишлаб турибди. Қишлоқда дарахтларнинг ва баланд биноларнинг йўқлиги туфайли шамол эркин ҳаракатланади. Шу туфайли ҳам анеморумбометр баландлиги катта бўлмаса ҳам шамол тезлиги ва йўналиши тўғрисида аниқ маълумотларни олиш мумкин. Шамол ўлчагич асбобидан Гинвич вақти билан (соат

5-00, 11-00, 17-00, 23-00) суткада тўрт марта шамолнинг ўртача тезлиги, максимал тезлиги ва йўналиши дафтарга қайд қилиб борилади.

Эшмонтўп қишлоғи денгиз сатҳидан 870-890 м баландликда бўлиб, Сангзор водийсидан Самарқанд водийси томон ҳаракатланадиган ҳаво оқимларига очик жойлашган. Шу сабабли ҳам йил давомида шамолнинг тезлиги катта. Қуйида Эшмонтўп қишлоғида ва Булунғур метеорологик станциясида 2015 йилда олиб борилган ўлчаш ишлари маълумотларини 1-жадвалда келтирамиз.

1-жадвал

Эшмонтўп қишлоғи ва Булунғур метеорологик станциясида шамолнинг ўртача ойлик ва йиллик тезлиги, м/сек (2015 йил)

Станция ва пост	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил бўйи
Эшмонтўп	4,2	3,2	5,1	3,9	3,9	3,3	4,9	4,0	4,3	3,7	5,0	5,0	4,2
Булунғур	2,0	2,5	3,2	2,9	3,1	2,8	3,4	3,0	2,6	2,6	2,7	3,1	2,8

1-жадвалдан йил давомида Эшмонтўп қишлоғида шамолнинг ўртача тезлиги Булунғур метеорологик станциясига нисбатан 1,5-1,8 баравар ортиқлиги кўриниб турибди. Айниқса, бу фарқ январь, ноябрь ва декабрь ойларида янада ошади. Эшмонтўп қишлоғида шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 4,2 м/сек бўлишлиги катта кўрсаткич ҳисобланади ва бундай тезликдаги шамол Самарқанд вилоятининг биронта метеорологик станциясида қайд қилинмаган.

Шамол тезлиги 3,0 м/сек дан бошлаб самарали электр энергия бера бошлайди, яъни шу тезликда у аккумуляторни зарядлайди. Шамол тезлиги 3,0 м/сек дан кам ҳолатда олинган электр энергия қуввати паст бўлади ва у аккумуляторни зарядламайди. Шу сабабли ҳам 3,0 м/сек тезликдаги шамол самарали электр энергиянинг бошланғич нуқтаси деб ҳисобланади.

Эшмонтўп қишлоғида 2016 йил ўлчаш натижалари асосида шамол тезлигининг йил давомида тақсимланиши фоизда ҳисоблаб чиқилди. Бу қуйидаги кўринишга эга: 1) шамолсиз вақт (штиль) – 2,8%; 2) 1-2 м/сек тезликдаги шамол – 4,5%; 3) 3-5 м/сек – 46,1%; 4) 6-7 м/сек – 27,9%; 5) 8-10 м/сек – 16,6 м/сек; 6) 10 м/сек дан катта тезликдаги шамол – 3,3%.

Ушбу рақамлардан ҳам шамолсиз ва жуда кучсиз эсадиган, электр энергия бермайдиган вақтлар йилнинг 6,3 % ни ташкил қилишлиги кўриниб турибди. Қолган 93,7 % вақтларда шамолдан электр энергия олиш мумкин. Шамол тезлиги 6,0-10,0 м/сек лик вақт йилнинг 44% ни ташкил қилади. Бундай катта тезликдаги шамоллардан парраклар диаметри 5,0 ва 7,0 метр бўлганда олинладиган электр энергия миқдори қуйидаги 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Дамтери 5,0 ва 7,0 метр узунликдаги парраклардан электр энергия олиш имкониятлари (Я.Н.Шифтер бўйича, 1983)

Винт диаметри	Тавсиф	Шамол тезлиги, м/сек							
		5	6	7	8	9	10	12	15
5	Кучи (кВт) ШЭИК 35%	0,55	0,96	1,52	2,27	3,23	4,43	7,66	15
	Парраклар тезлиги (айланиш/минут)	115	138	161	183	206	229	275	344
7	Кучи (кВт) ШЭИК 35%	1,09	1,88	2,98	4,45	6,33	8,69	15	29,3
	Парраклар тезлиги (айланиш/минут)	82	98	115	131	147	164	197	246

2-жадвалдан шамол тезлиги 5,0 м/сек бўлганда 5 метр диаметрли паррак 550 ватт, 6,0 м/сек да 960 ватт, 7,0 м/сек да 1,52 кВт ва 10,0 м/сек да 4,43, 15,0 м/сек да 15 кВт

энергия бериш мумкинлиги, худди шунингдек, 7,0 метр диаметрли парракда шу тезликдаги шамолларда қарийб яна икки баравар кўп электр энергия беришлиги кўриниб турибди. Шамолдан энергия олиш шамол тезлигидан ташқари парраклар узунлигига ҳам боғлиқ. Лекин, Ўзбекистон шароитида парраклар диаметри 3,0-7,0 метр бўлганлиги маъқул. Чунки, парраклар узунлиги қанча катта бўлса, уларни айлантириш учун шамол тезлиги ҳам катта бўлиши керак.

2-жадвалдаги ҳисоб ишлари ШЭИК (шамолдан энергия ишлаб чиқариш коэффициенти 35% ҳолат учун олинган. Бу шамол генераторида парраклар айланаси доирасидан ўтадиган ҳаво оқимидан олинган энергия ҳисобланади, яъни 100% ўтадиган ҳаво оқими энергиясининг 35% дангина фойдаланади. Лекин, такомиллашган шамол қурилмаларида парраклар доирасидан ўтадиган ҳаво оқимининг 49% гача энергиясини ушлаб қолиш мумкин. Агарда фойдали иш коэффициенти шундай ҳолатга етказилса электр энергия олиш миқдори янада ошар эди.

Эшмонтўп қишлоғидаги шамоллардан битта шамол қурилмасидан қанча миқдордаги электр энергия олиш мумкин? 1-жадвалдан 2016 йилда шамолнинг ўртача тезлиги 4,2 м/сек лиги кўрсатилган, бу ўртача кўрсаткич. Шамол тезлиги тез ўзгарувчан ҳаво оқими бўлганлиги туфайли, у икки ўлчаш оралиғида гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туради. Агарда ўртача тезликка максимал шамол тезлиги кўшиб ҳисобланса, сўзсиз, суткалик, ойлик ва йиллик шамол тезлиги кўпаяди. (Рахматуллаев ва бошқ, 2015). Ўртача ва максимал тезликлар биргаликда кўшиб ҳисобланса Эшмонтўп қишлоғида шамол тезлиги 6,0 м/сек дан ошади. Шу ҳисоб бўйича паррак диаметри 5,0 метр узунлигидаги битта шамол қурилмаси 1,5- 4,0 кВт/соат, 7,0 метр узунлигидаги шамол қурилмаси 2,0-8,0 кВт/соат электр энергия бериш мумкин. Бу рақамларни умумлаштириб ўртача кўрсаткичлар олинса Эшмонтўп қишлоғи шароитида битта шамол қурилмаси йил давомида ўртача 3,5-5,0 кВт/соат электр энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга. Агарда Эшмонтўп қишлоғи атрофида ва Сангзор водиясидан келадиган шамол йўлакларига кўплаб шамол қурилмалари қурилса улардан катта миқдорда электр энергия олиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Балашева Е.Н., Житомирская О.М., Караульщикова Н.Н., Сабина Н.Г. Климатическое описание Зарафшанского района. –Л., 1963, -119 с.

2. Рахматуллаев А., Жумабоев Т., Адилова А. Сангзор водийсининг шамол ресурслари ва улардан электр энергия ишлаб чиқаришда фойдаланиш //География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2015, -104-105 б.

3. Шефтер Я. И. Использование энергии ветра. 2-изд, переработанное и дополненное. М., 1983, - 200 с.

Sabitova N.I., (Toshkent, O`zMU), Kayumova M.M., Abdullayeva N.

(Jizzax, JDPI)

JIZZAX VILOYATIDA YERLARNI QAYTA SHO`RLANISHNING HUDUDIIY TOFOVUTLARI

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 55-моддасига биноан табиий обyekтлар, jumladan yer umumxalq boyligidir va davlat muhofazasida turadi. Yerdan samarali foydalanish va tuproqni muhofaza qilish hamda meliorativ holatini yaxshilash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish umumiy davlat muammosida alohida o`rin tutadi.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга еришгандан со`нг ва huquqiy davlat qurish munosabati bilan o`z hududida yer munosabatlarini tartibga solishda yerlardan oqilona foydalanish, meliorativ holatini yaxshilash va muhofaza qilishning asoslarini yaratish va takomillashtirish imkonini berdi.

Tuproqlarning va gurunt suvlarining shoʻrlanishi, (tuzlar miqdori, tarkibi, zahirasi), ifloslanishi, gumusning, ozuqa elementlarining kamayishi, shamol eroziyasi, suv-fizik xossalari yomonlashib borayotganligi aniqlandi. Bu jarayonlarni toʻxtatish, tuproq ekologo – meliorativ holatini yaxshilash va unumdorligini oshirish maqsadida bir qator tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Jizzax viloyati sugʻoriladigan yerlari 387320 gektar boʻlib, umumiy yer fondining 18,3% ni tashkil etadi. Sugʻoriladigan boʻz tuproqlar ichida toʻq tusli boʻz tuproqlar 0,9%, tipik boʻz tuproqlar 10,5 %, tipik boʻz tuproqlar mintaqasining boʻz oʻtloqli tuproqlari 2,7%, och tusli boʻz tuproqlar mintaqasini oʻtloqli - boʻz tuproqlari 6,1 %, oʻtloqli tuproqlar 6,9% va botqoq oʻtloqli tuproqlar 1,7 % ni egallagan.

XX asrda olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalari bilan solishtirilganda shu narsa koʻzga tashlandiki, viloyat sugʻoriladigan tuproqlarining va sizot suvlarining shoʻrlanishi faollashib kengayib bormoqda. Bu esa tuproqlarning barcha xossalarning yomonlashishiga va unumdorlikning pasayishiga olib kelishi ilmiy tadqiqot ishlari natijalari bilan tasdiqlandi.

Jizzax viloyatidagi 275,7 ming gektar sugʻoriladigan ekin maydonlari turli daraja va koʻrinishdagi gidromeliorativ va sugʻorish tizimlari bilan qamrab olingan. Jizzax va Sirdaryo viloyatlarida 3 mingga yaqin nazorat quduqlari boʻlib, ulardan olingan maʼlumotlar yer osti suvlari sathini hamda grunt suvlari, undan tashqari tuproqdagi shoʻrlanish yoʻnalishlari va intensivlik darajasini koʻrsatib turadi. Bundan tashqari Jizzax viloyatida 15796 kilometr uzunlikdagi ochiq va yopiq yotiq zovurlar faoliyat koʻrsatib, yer osti sizot va zaxkash suvlarni viloyat hududidan tashqariga chiqarib yuborishga xizmat qiladi. Jizzax viloyatining meliorativ xoʻjaligi chindan ham yetarlicha qudratli va puxta tizimlarga ega ekanligiga ishonch hosil qilamiz¹.

Hozirgi kunda Jizzax viloyati tuproqlari turli darajada shoʻrlangan boʻlib, respublikada eng koʻp shoʻrlangan viloyatlar sirasiga kiradi. 1990 yillarda Jizzax viloyatida 33,8 % ni, shu jumladan oʻrtacha 34,6 % va kuchli 10,6 % ni tashkil etgan holda, bu vaziyat viloyat iqtisodiyotining kelajagi uchun katta tahdid va tashvish sifatida qaralgan edi.

Oʻzbekiston Respublikasi Yergeodezkadastr davlat qoʻmitasining 2001 maʼlumotlariga koʻra Jizzax viloyatida 78,2 foizni tashkil etgani holda kuchsiz shoʻrlangan yerlar oʻtgan oʻn yil davomida 23,1 % dan 36,6 % ga va kuchsiz shoʻrlangan yerlar maydoni 7,5 % dan 27,5 % gacha , kuchli shoʻrlangan yerlar maydoni esa 3,1 % dan 14,1 foizgacha ortgan. Oʻrtacha va kuchli shoʻrlangan yerlar maydoni ayniqsa, viloyatning Doʻstlik, Zarbdor, Zomin, Arnasoy, Mirzachoʻl (50 – 77 %) tumanlarida hamon yuqoriligicha qolmoqda.

Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi agrar, suv xoʻjaligi masalalari va oziq-ovqat qoʻmitasining 2002 yil 13-noyabrida boʻlib oʻtgan va Oʻzbekiston Respublikasi Yer kodeksini Jizzax viloyatida bajarilishi haqidagi majlisi qarorida taʼkidlanishicha, viloyatda kadastr zonalar boʻyicha sugʻoriladigan yerlarning maydoni 1990 yildagi 270828 gektardan 1999 yil hisobiga koʻra 275770 gektarga yoki 2 % ga (4942 ga.) oshgan boʻlsa, sugʻoriladigan yerlarning unumdorligi, yaʼni ball boniteti 53 dan 50 ballga tushib qolgan.

Sugʻoriladigan tuproqli hududlar koʻpincha tabiiy va sunʼiy suv oʻtkazuvchanlikka ega emas, shuning uchun tuproqlari shoʻrlanishga uchragan.

Hozirgi vaqtda sugʻoriladigan tuproqlar orasida kuchsiz shoʻrlangan va yuvilgan yerlar koʻproqni (46,8%) tashkil etadi. Qator tumanlarda sugʻoriladigan tuproqli shoʻrlanishga tortilgan maydonlarning yarmidan koʻpini kuchsiz shoʻrlangan va yuvilgan tuproqlar egallagan. Bu tumanlarni yerlari meliorativ jihatdan qulay hisoblanadi. Shu bilan birga qator tumanlarning sugʻoriladigan tuproqlari maydonlari kuchli shoʻrlangan. Bunda Forish va Arnasoy tumanlari alohida ajralib turadi. Kuchli shoʻrlangan tuproqlar 39,9-42,6 % gachani tashkil qiladi. Keyingi oʻn yillikda shoʻrxoklar maydoni juda tez qisqardi, bu jadal ravishda ularni meliorativ holatini yaxshilanishi va qishloq xoʻjaligiga foydalanishga kiritilishi natijasidir.

¹“Oʻzbekiston ovozi” 2000 yil 16 noyabr

Meliorativ holati qiyin bo'lgan bu yerlarni o'zlashtirilishi munosabati bilan o'rtacha va kuchli sho'rlangan maydonlar ko'paydi va viloyatning umumiy holati yomon yerlar ko'payganligini tasvirlab berdi. Ularning keyingi meliorativ holatini yaxshilash maqsadida aniq chora-tadbirlarni ishlab chiqish kerak.

Hozirgi kunda sho'rlangan yerlarni sog'lomlashtirish, tuproq unumdorligi va ekinlar hosilini oshirish uchun melioratsiyaning nazariy va amaliy jabhalaridagi strategik rejalarida keskin o'zgarishlar qilish davr talabi hisoblanadi, jumladan:

Sug'oriladigan zonalarda mavjud kollektor – zovur tarmoqlari va vertikal skvajinalarning texnik nosozligi va ish samaradorligining o'ta pastligi bois, hozirda vujudga kelgan gidromorf suv rejimini yarim gidromorf suv rejimi bilan almashtirish eng maqbul meliorativ rejim hisoblanib, bunda yer osti sizot suvlarining sathini “kritik” (2,5 – 3,0 m) chuqurlikdan pastda ushlab turishga qaratilgan barcha gidromeliorativ tadbirlar majmuasi o'z aksini topishi kerak;

Adabiyotlar:

1. Abdullaev X.A “O'zbekiston tuproqlari” Toshkent 1973 yil
2. Baratov P “O'zbekiston tabiiy geografiyasi ” Toshkent “O'qituvchi” 1996-yil.
3. “Sirdaryo va Jizzax viloyatlarining sug'oriladigan tuproqlari” Toshkent “Fan” 2005 y.

Абдуллаев И.Х. Усмонова Г.Э., Рузиева У.Т. (Тошкент, ТДПУ) ГЕОГРАФИК ҒОЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЭВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТЛАР ТАЪСИРИ

Эволюция таълимотнинг илк сарчашмалари XVIII асрлардаёқ Жорж Луи Бюффон асарларида кузатилган бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмида Жан-Батист Ламарк, Карл Рулье каби олимлар асарларида намоён бўла бошлади. Шу билан бирга таълимотни шаклланиши ва бир бутун илмий ғояларнинг ривожланиши, табиатшуносликнинг янги даврини бошлаб берган Чарлз Дарвиннинг уч буюк асари дунё юзини кўргандан сўнг, бошланди. Эволюцион таълимот Россияда, А.Бекетов, И.Сеченов, К.Тимирязев, И.Мечниковларнинг асарлари туфайли кенг оммалашди.

Географик ғояларнинг ривожланишида эволюцион таълимотнинг роли ҳақида Ю.Саушкин асарларида яққол намоён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, географиянинг ўрганиш объекти-географик қобик ривожланиши ҳам Ердаги ҳаёт эволюцияси билан бевосита боғлиқдир. Организмлар ва уларнинг турлари, шу жумладан, антропология тўғрисидаги билимлар география фанининг ривожланиш шартларидандир. География бу таълимотдан, биринчи навбатда, ривожланиш ғоясини, Ерда бўлаётган барча ҳодиса ва жарёнларга тарихий ёндашиш ғоясини олди. Шундай ёндашувни П.Кропоткин, академиклар Л.Берг, В.Сукачев, И.Герасимов, К.Марков, А.Яншиннинг асарларида учратиш мумкин. Улар моддалар алмашувининг асосий босқичлари (4 млрд йил муқаддам бошланганлиги, энг содда бирикмалар, оралик органик моддалар, аминокислоталар ва бошқалар ривожланиши; протохужайралар, хужайралиларнинг шаклланиши; фотосинтез, автотроф оксидланувчи ва тикланувчи биосфера; нафас олиш ва CO² ажралиши).

Бундай ёндашув энг аввало, палеогеография – географик қобикнинг ривожланиши ва табиат билан инсоннинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги фаннинг шаклланиши билан аниқ илмий ифодасига эга бўлди. Палеогеографик тадқиқотлар орқали географик ўтмишда ер юзасидаги ўзгаришлар ҳозирги замонга нисбатан унчалик катта бўлмагани ва тарихий ривожланиш жараёни қачонлардир бир хилда ва анча содда тузилмага эга бўлган географик қобикнинг мураккаблашиб, ҳудудий табақалашувининг кенгайиб боришидан иборат эканлиги маълум бўлди.

Палеогеография географик фанлар тизимида иккинчи даражали ва келажакка эмас, балки ўтмишга қаратилган фан сифатида қабул қилинган, гарчи геология билан бир каторда, фаолияти замонавий табиатга йўналтирилган географик палеогеография ҳам

мавжуд эканлиги маълум. Масалан, А.Величко палеогеографиянинг предмети ўтмишдаги табиий шароитларни реконструкция қилиш, замонавий ландшафт қобиғининг шаклланиш тарихини таҳлил қилиш мақсадида, бу шароитларнинг вақт давомида ўзгариш қонуниятларини ўрнатишдан иборат бўлган эволюцион география деб ўзгартиришни таклиф этган.

Бугунги кунда “Глобал ўзгаришлар” Халқаро геосфера-биосфера дастурининг “Табиий ва табиий-антропоген географик тизимларнинг эволюцияси ва ўзгариши” географияда эволюцион таъсирнинг кўринишидир. Ер тарихидаги ва унинг замонавий ривожланиш босқичидаги ўзаро боғлиқ глобал, регионал ва локал географик тизимларининг ўзгаришларини аниқлаш ва тушунтириб бериш мақсадида бу ўзгаришларни башорат қилишни ўрганишдан, географик тизимларни бошқариш йўллари аниқлашдан иборат. Академик В.Котляков “Ер ландшафт қобиғи ва унга антропоген таъсир кўрсатиш босқичлари, унинг келгуси ривожланиш йўллари тавсифи, эволюцион назариясини ривожланиши билан боғлиқдир.. В.И.Вернадскийнинг “Биосфера ва ноосфера” тўғрисидаги таълимоти ҳам эволюцион ўзгаришларга мисол бўла олади. Биосфера тўғрисидаги таълимот – қатор табиий-илмий ва ижтимоий илмий йўналишларни ўз ичига олган билимларнинг мажмуидир ва унда худудийлик яққол намоён бўлади.

“Биосфера” термини француз олими Жан-Батист Ламарк асарларида илк бор ишлатилган, ва бу термин 1875 йилда, жонсиз материя дунёси, унда тирик мавжудотларнинг ўрни мавжудлигини, австриялик геолог Эдуард Зюсс томонидан келтирилган. Фақат XX асрнинг 20-йилларидагина буюк рус олими В.Вернадский томонидан ҳаёт тарқалган қобиқ ва сайёрамизнинг алоҳида бир қобиғи сифатида – биосфера тўғрисидаги изчил таълимот сифатида аниқ намоён бўлди .

В.И.Вернадский миллиард йиллар давомида Ер қиёфасининг ўзгариши ер пўстида, сайёранинг юза ва чуқур қатламларида рўй берган геологик жараёнлар билан боғлиқ деб кўрсатади. Тирик организмларнинг пайдо бўлиши натижасида, қотиб қолган Ер қобиғи ҳамда тирик моддалар ўртасида бетўхтов, модда ва энергия алмашинув рўй бера бошлаган. Бу эса ўз навбатида, тирик моддалар фаолияти натижасида вужудга келган биосферанинг “ҳаёт майдони” сифатида шаклланишига сабаб бўлган.

В.Вернадский биосфера тўғрисидаги таълимотини ривожлантирди, уни биосферанинг ноосферага (сўзма-сўз таржима қилганда – “ақл идрок қобиғи”, “фикрловчи қобиқ”) айланиб бориши тўғрисидаги таълимот билан тўлдирди. Ноосфера сайёрамиздаги янги геологик ҳодиса ва унда инсон илк бор энг муҳим геологик куч бўлиб ҳисобланади, деган эди. Ноосфера тўғрисидаги таълимотнинг бош ғояси – коэволюция, яъни табиат билан кишилиқ жамиятининг уйғунликда ривожланиши ғоясидир. Замонавий таъриф бўйича *ноосфера*– бу биосферанинг инсоният ақл-идроки ҳукмронлик қиладиган энг олий даражада ривожланган босқичи, унда инсоннинг онгли фаолияти Ердаги тараққиётнинг энг муҳим, белгилаб берувчи омили бўлиб ҳисобланади (В.П.Максаковский).

Биосфера ва ноосфера таълимоти географияда жуда кенг қўлланилади, унинг диққат марказида “инсон–табиат–жамият” тизимининг ўзаро боғлиқлик қонуни ётади. В.И.Вернадский географик қарашлари бу таълимотни қарор топишида иштирок этувчи фанларнинг мазмун-моҳиятини сезиларли тарзда бойитган , инсоният экологиясини ташкил этади. Кишилиқ жамияти атроф-муҳитга мослашуви муаммоси билан хозирда шаклланиб бораётган тиббий география билан ҳам узвий боғлиқ. Кейинги вақтларда айнан географлар томонидан, биосферадаги ўзгаришлар жараёни ҳамда унинг ҳаракатланиши ва ривожланишида инсон омилининг кучайиб бориши, бу тўғрисидаги географик ғояларнинг ривожланиши география фанини эволюцион таълимотлар билан узвий боғлиқлигини кўсатади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев И.Х. Экология ва табиийтни муҳофаза қилиш. УМК., Т.:, 2014. – 211с.
2. Максаковский В.П. Географическая культура. – М.: ВЛАДОС,1998. – 415с.

Ғобдин тоғи Нурота тоғлар тизимига киради ва Помир тоғларининг ғарбидаги Туркистон тизмасининг ғарбий тоғ массивларидан ҳисобланади. У жанубдан Зарафшон водийси билан, шимолдан Қўйтош – Қўшработ ботиғи билан, ғарбда Куруқсой сойи орқали Қорачатоғ билан чегараланган ва шарқда Сангзор водийси орқали Чумқортоғ ва Молгузар тоғларидан ажралиб туради. Маъмурий жиҳатдан Ғўбдин тоғининг жанубий ёнбағирлари Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига, шимолий ёнбағирлари Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманига қарайди.

Ғўбдин тоғи шарқдан ғарбга 41 км чўзилган, шимолдан жанубга эса энг кенг жойи 16 км ни ташкил қилади. Унинг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 1630 м кўтарилиб туради, ўртача баландлиги 1200 – 1300 метр. Тоғнинг энг баланд чўққиси унинг ўрта қисмида жойлашган. Ушбу баландликдан ғарбга ва шарққа томон тоғ пасайиб боради. Ғўбдин тоғида йирик булоқлар, катта серсув сойлар кам, шу сабабли ҳам аҳоли кўп эмас. Қишлоқлар асосан тоғнинг шимолий ёнбағирида тоғ олди текислигида ер ости сувлари булоқлар шаклида сизиб чиқадиган зонада жойлашган. Қишлоқларнинг катталиги булоқларнинг кўплиги ва серсувлигига боғлиқ. Каттароқ булоқлар ёнида каттароқ қишлоқлар, кичик булоқлар ёнида кичик қишлоқлар шаклланган.

Ғўбдин тоғи ўртача баландликдаги тоғлар қаторига киради ва маҳаллий аҳоли томонидан тўлиқ яйлов сифатида фойдаланилади. Тоғ кенглик бўйича чўзилганлиги учун унинг жанубга ва шимолга қараган ёнбағирлари табиати билан бир биридан фарқ қилади. Тоғнинг соя шимолий ёнбағирида қор узок ётади, ёгин сувлари ерга яхши сингади, шу сабабли ҳам сув доимо оқиб турадиган булоқлар кўп, сойлар анча серсув. Тоғнинг курук жанубий ёнбағирига нисбатан шимолий ёнбағирида қишлоқлар сони ва улардаги аҳоли сони 8 – 10 баробар кўп. Аҳоли сонига боғлиқ ҳолда чорва моллар сони ҳам катта. Демак, тоғнинг шимолий ёнбағирида аҳолининг табиатга таъсири ҳам катта.

Ғўбдин тоғи яйлов сифатида фойдаланишдан ташқари тоғ ёнбағирларида лалми деҳқончилик ҳам ривожланган. Буғдой, арпа, нўхот, махсар, лалми тарвуз экилади. Лалми деҳқончилик ҳамма ер майдонининг 10 – 12 фоизидан ошмайди. Лалми деҳқончилик айниқса тоғ олди текислигида яхши ривожланган. Тоғ ёнбағирларида ернинг ҳайдалиши тупроқларнинг ювилиши, шамол эрозиясининг кучайиши учун қулай шароит яратади.

Ғўбдин тоғи бундан 200 – 300 йил олдин қалин дарахт ва буталар билан қопланган. Арча, қора бодом, учқат, қайрағоч, дўлана, наъматак, ёввойи гилос ва бошқалар тоғ ёнбағирларини тўлиқ қоплаган. Кейинчалик аҳоли сонининг кўпайиши билан улар ёқилғи учун қирқиб юборилган.

Ҳозир бу дарахт ва буталар қишлоқлардан узок жойларда тоғ ёнбағирларида қолган. Тоғнинг жанубий ёнбағирида Ингичкасой номли сой бўлиб, унинг қуйи қисмида аҳоли доимо яшайдиган қишлоқлар бор. Бу сой узунлиги ва ҳавза майдонининг катталиги бўйича Ғўбдин тоғидаги энг катта сой ҳисобланади. Ушбу сойнинг юқори қисмида тоғ ёнбағирларида қалин бодомзорлар учрайди, сойнинг ўнг қирғоғида кичик майдонда қалин дўланалар ўсиб турибди. Дўлана, албатта табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан муҳофаза қилинганлиги учун қирқиб юборилмаган. Сой ёни, кейин эса сой ўзани бўйлаб юк машина тоғнинг анча баланд қисмига қадар кириб боради ва ёқилғи учун бодомча ва бошқа буталар қирқиб қишлоққа келтирилади. (Рахматуллаев А. ва бошқалар. 2017)

Хулоса қилиб айтганда, Ғўбдин тоғида дарахт ва буталар табиий ҳолда ўсиши мумкин. Бунинг исботи сифатида иккита маълумотларни келтирамиз. Биринчиси, Ғўбдин тоғининг шарқ томонидан ўтган Самарқанд – Тошкент катта автомабил йўли атрофига экилган ихота дарахтлар. Бу дарахтлар маҳаллий қурғоқчиликка чидамли қайрағоч, акация, бодом, дўланалардан иборат бўлиб, улар суғорилмайди, ёмғир ва қор сувлари

ҳисобига кўкариб турибди. Иккинчи мисол, Ғўбдин тоғининг энг шарқий қисмидаги биз ташкил қилган мониторинг участка ичига экилган уч турдаги дарахт ва буталар (арча, бодомча ва қайрағоч) қор ва ёмғир суви ҳисобига кўкариб яхши ўсмоқда. Демак, чорва моллари тегмаса ва қирқиб юборилмаса Ғўбдин тоғининг ёнбағирларида маҳаллий турдаги дарахт ва буталар табиий ҳолда кўкариши мумкин. (Раҳматуллаев А, Адилова О.А, 2015)

Тоғларда сойлар, йирик булоқлар атрофларида кичик – кичик деҳқон-чилик ерлари мавжуд. Уларда мевали дарахтлар, узум, сабзавотлар экилади. Кейинги йилларда Ғўбдин тоғининг жанубий ёнбағрида Бот-бот канали суви билан бир неча юз гектарли интенсив боғлар ташкил қилинди. Уларда олма, шафтоли, гилос, нок, ўрик етиштирилмоқда. Ғўбдин тоғининг шимолий ёнбағрида тоғ олди текисликларида артезиан сувлари чиқарилиб суғорма деғқончилик ривожланмоқда.

Ғўбдин тоғидаги қадимги тоғ жинсларининг асосий қисмини палеазой эрасига хос кристал сланецлар ташкил қилади. Улар осон ковлаб олинади ва тез майдаланади. Унинг майдаланган бўлаклари кумга ўхшамайди, улар турли шаклдаги узунчоқ ёки доира шаклдаги пластинкалардан иборат бўлади. Майда сланецларни қурилишда ишлатиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам тошлар ковлаб олинган жойларда, чуқурликлар ёнида катта микдордаги сланец майда тошчалари ва кумлари қолмоқда. Чуқурлар эса очик ҳолда қолдирилмоқда. Эшмонтўп қишлоғи яқинида биз ўттизтадан ортиқ чуқурлар ва ялонғоч тош уюмларини санадик. Бу кичик рельеф шакллари алоҳида микроҷўлланиш участкалари бўлиб, уларда узоқ йиллар ўсимликлар ўсмайди. Кучли шамол пайтлари тоғ жинси тўдаларидан чанг зарралар атрофларга тарқалади, кучли ёмғир пайтлари эса улар сув билан қир ёнбағри бўйлаб пастга ҳаракатланади. Тоғлардаги, шу жумладан Ғўбдин тоғидаги тошларнинг қурилиш материали сифатида олиниши устидан ҳеч қандай назорат йўқ. Қишлоқ аҳолисининг айтиши бўйича тошларнинг ковлаб олиниши, яйловларда ўсимлик қопламанинг кескин камайиши туфайли Эшмонтўп қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаб келган ягона булоқ суви кескин камайди, ёз ойлари оқиб чиқмайди. Шу сабабли ҳам қишлоқ аҳолиси истеъмол учун қудуқ сувидан фойдаланади. Июл, август ойлари қудуқ сувининг ҳам сатҳи пасайиб кетади.

Тоғ ёнбағирларида дарахт ва буталарнинг қирқиб юборилиши, табиий ўт қопламанинг сийраклашиши, ҷўлланиш жараёнининг кучайиши, Ғўбдин тоғида булоқ сувларининг кескин камайишига, ёки қуриб қолишига, сел ҳодисаларининг кучайишига, кичик сурилмаларнинг ва тош кўчишларининг жадаллашишига сабаб бўлмоқда.

Адабиётлар:

1. Раҳматуллаев А, Адилова О.А. Табиий географик илмий тадқиқот-ларни жадаллаштиришда дала тажриба участкаларининг рўли. Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 15 жилд. -Тошкент: 2015, 13-17 б.
2. Раҳматуллаев А, Ширинбоев Д, Адилова О.А. Ғўбдин тоғ яйлов-ларида ҷўлланиш жараёнининг ривожланиш динамикаси. География XXI асрда: Муаммолар, ривожланиш истикболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Самарқанд: 2017, 105-107 б

Sabitova N.I.(Toshkent,O`zMU), Abdullayeva S.I., Sattorova S.A. (Jizzax, JDPI)

JIZZAX VILOYATI TUPROQLARINING MELIORATIV HOLATI

Tuproq inson hayotida juda katta ahamiyat kasb etar ekan, u doimo ijtimoiy munosabat, ya'ni mulkiy, iqtisodiy, siyosiy, ma'rifiy-madaniy, ekologik-sotsiologik harakterdagi kishilar o'rtasida yuzaga keladigan murosa ob'ekti bo'lib qoladi. O'zbekiston Respublikasii konstitutsiyasining 55-moddasiga binoan tabiiy obyektlar, jumladan yer umumxalq boyligidir va davlat muhofazasida turadi. Yerdan samarali foydalanish va tuproqni muhofaza qilish hamda

meliorativ holatini yaxshilash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish umumiy davlat muammosida alohida o`rin tutadi.

Jizzax viloyati tuproq qoplamlarini o`rganish, sug`orma dehqonchilikning yuritilishi ta`siri bilan bog`liq holatda, tuproqlarning qator xususiyatlarini ochish imkoniyatini yaratadi. Hudud sug`orma dehqonchiligi asosan keyingi yuz yillikda boshlangan, lekin tuproq qoplami o`zlashtirishlar, sug`orishlar ta`sirida deyarli o`zgarishga uchragan. Dehqonchilik qilinadigan joylardagi tuproqlar sug`orish va ishlov berish natijasida madaniy tuproqlarga aylangan. Tarkibida mineral tuzlar bo`lgan bo`z tuproqlar sug`orilganda unumdorligi bilan ajralib turadi.

O`lkaning janubiy chekkasidagi tog` etaklarida oddiy va to`q tusli bo`z tuproqlar tarqalgan. Okean sathidan 2000 m dan baland joylarda jigar rang tuproqlar uchraydi.

Qizilqumoldi va sho`rxok botqoqliklar dengiz sathidan 300 - 400 m balandlikda bo`lgan hududlarni o`z ichiga oladi.

Yirik sho`rxak botiqlar Arnasoy, Tuzkon, Aydarsuv to`lqiniga qadar juda kam o`rganilgan. Qizilqumoldi tuproqlari ham yetarlicha yaxshi o`rganilmagan. Bu yerda asosan och tusli va qumoq tuproqlar tarqalgan. Bu tuproqlar lyoss va lyossimon jinslardan juda quruq, keskin kontinental iqlim sharoitida paydo bo`lgan. Ularning yuza qismlarida chiqindi miqdori 0,98 foizni tashkil etadi. Hudud tuproqlaridan qisman sug`orma dehqonchilikda, asosan cho`l yaylov chorvachiligida foydalaniladi.

Past tog` oldi tekisliklarida tuproqlar 400 - 500m mutloq balandliklarda, asosan Shimoliy Nurota tizmasining shimoliy tomonlari va Mirzacho`lning Jizzax viloyati qismida bo`lgan katta hududlarda tarqalgan.


Keskin kontinental iqlimli, yog`inlar miqdori kam sharoitda doimiy sho`r tuproqlar shakllangan, gips va karbonat qatlamlari turlicha chuqurlikda. Bular och tusli bo`z tuproqlarda chirindi miqdori 1,5 foizgacha gips qatlami 60 - 80 sm bo`lgan chuqurlikda yotadi. Bu tuproqlarning katta qismidan yangi o`zlashtirilgan sug`orma dehqonchilik yuritiladigan yerlarda, qolgan qismi cho`l - yaylov chorvachiligida foydalaniladi. Sangzor daryosi yuqori terrasalari va baland tog` oldi tekislik tuproqlari Sangzor daryosining yuqori oqimi, Zomin tog`lari, Chimqortov, Molguzar tizmalari shimolidagi tog` oldi provlyuvial tekisliklarida, G`allaorol tog` oralig`i, Sertepa tekisligida 800 -1200 m balandliklarda shakllangan. Tuproqlar provlyuvial va allyuvial kesib chiqishiga ega bo`lgan lyossimon jinslardan hosil bo`lgan. Bu tuproqlarning eng ko`p qismini tipik va to`q tusli bo`z tuproqlar tashkil etgan, ularning tarkibida chirindi miqdori 2 - 4 foiz. Bundan tashqari allyuvial - o`tloq tuproqlari ham tarqalgan. Bu balandliklarda tarqalgan tuproqlarning deyarli hammasi lalmi tuproqlar bo`lib, lalmikor xo`jalik yuritish va chorvachilikda ahamiyatlidir. Jizzax viloyatida tipik va och tusli bo`z tuproqlar mintaqasida ko`proq och tusli bo`z tuproqlar tarqalgan. Ular asosan bo`z – o`tloqi va o`tloqi- bo`z tuproqlar tarqalgan joylarda ko`proq uchraydi. Sug`oriladigan o`tloqi tuproqlarning shakllanishi uchun yer osti suvlari sathi 1- 2,5 m bo`lib, davriy yoki mavsumiy bo`lishi kerak. Tog` osti tekisliklarida yer osti suvlari oqimi sekin harakatlanishida va ularni jadal ravishda sug`oriladigan dalalardan va sug`orish tizimlaridan tushib to`planishida, tuproqning quyi qatlamlarini doimiy namlab turishidan vujudga keladi. Natijada yer osti suvlari ko`tarilib avtomorf (qurg`oqchil) bo`z tuproqlar, oraliq bo`z-o`tloqi tuproqlarga o`tib gidromorf (namchil) o`tloqi tuproqlarga aylanadi. Vaqtlar o`tishi bilan o`tloqi tuproqlarning tashqi belgilarini oladi va bu tuproqlarga xos o`simliklar olami ham yuqorida paydo bo`ladi.

Sug`oriladigan o`tloqi-bo`z tuproqlar, yerlarni quritish ishlari natijasida shakllangan. Kelib chiqishiga ko`ra, bu tuproqlar o`tloqi va bo`z tuproqlar o`rtasidagi oraliq tuproqlar bo`lib, morfologik (tashqi) belgilarida gidromorfizm jarayonlari aniq ko`rinadi. Tuproqni keyingi rivojlanishi kuchsiz yer ostidan namlanish sharoitida boradi. Yer osti suvlari 4-5 m chuqurlikda yotadi. Tuproqni quyi qismlari doimiy kapillyar namlanish ostida bo`ladi. Sug`oriladigan o`tloqi-bo`z tuproqlar o`tkinchi bo`lib, chala qurg`oqchil (poluavtomorf) tuproqlardir. Hozirgi sharoitda sug`oriladigan o`tloqi-bo`z tuproqlarni meliorativ holati yomonlashib qolgan va kerakli agromeliorativ va agrotexnik tadbirlarni o`tkazishni talab etmoqda. Sug`oriladigan bo`z-o`tloqi tuproqlar kelib chiqishiga ko`ra, o`tkinchi bo`lib, bo`z tuproqdan o`tloqi tuproqlarga aylanib

bormoqda. Jizzax viloyati tuproqlari turli darajada sho‘rlangan bo‘lib, respublikada yerlari ko‘p sho‘rlangan viloyatlar sirasiga kiradi. Tuproq meliorativ holatining yomonlashuviga va unumdorligining pasayishiga sabab bo‘luvchi sho‘rlanish jarayonlari viloyatda 161166,04 gektar yoki 76,4 % ni yerni tashkil etadi. Jizzax viloyatining Mirzacho‘l tumanida 97,5% yoki 30394,1 gektar, Zomin tumanida 96,3% yoki 23763,0 gektar, Arnasoy tumanida 89,0% yoki 28445,25 gektar, Paxtakor tumanida 70,2% yoki 19187,05 gektar, Do‘stlik tumanida 71,5 % yoki 24355,5 gektar yer turli darajada sho‘rlangan. Bu tumanlar meliorativ holati qoniqarsiz yerlar jumlasiga kiradi.

Sho‘rlanmagan tuproqlar viloyat sug‘oriladigan yerlarining 49737,81 gektarini, bu viloyat sug‘oriladigan yerlarining 23,6 % ini tashkil etadi. Kuchsiz sho‘rlangan tuproqlar viloyat sug‘oriladigan yerlarining 84829,31 gektari, ya‘ni 40,2 % ni tashkil etadi. SHu jumladan, Zafarobod tumanida kuchsiz sho‘rlangan tuproqlar tuman sug‘oriladigan yerlarining 29,8 % ni (8215,8 gektar), Paxtakor tumanida 43,9 % ni (12013,67 gektar), Zarbdor tumanida 28,3 % ni (9663,8 gektar), Do‘stlik tumanida 28,5 %ni (9694,4 gektar), Arnasoy tumanida 47,6% ni (15216,65 gektar), Zomin tumanida 33,5 % ni (8256,9 gektar)ni tashkil etadi. Mirzacho‘l tumanida kuchsiz sho‘rlangan tuproqlarning hissasi tuman bo‘yicha eng ko‘p 69,8 % yoki (21768,1 gektar)ni tashkil qiladi. O‘rtacha sho‘rlangan tuproqlar viloyatda 68436,53 gektar bo‘lib, bu viloyat sug‘oriladigan yerlarining 32,4 % ni tashkil etadi. O‘rtacha sho‘rlangan tuproqlar viloyatning barcha tumanlarida tarqalgan. Sho‘rlanish tipi asosan xlorid-sulfatli va sulfatli. O‘rtacha darajadagi sho‘rlanish viloyatning Zafarobod tumanida 31,5% yoki (8696,3 gektar), Paxtakor tumanida 25,8 % (7060,1 gektar), Zarbdor tumanida 23,0% yoki (7855,3 gektar), Do‘stlik tumanida 39,0% (13270,8 gektar), Mirzacho‘l tumanida 25,8% yoki (8045,8 gektar), yerni tashkil etadi. O‘rtacha sho‘rlangan yerlarning hissasi Zomin tumanida viloyat bo‘yicha eng ko‘p 54,1 % (13342,8 gektar) ga to‘g‘ri keladi.

Kuchli va juda kuchli sho‘rlangan tuproqlar viloyatda 7900,9 gektarni tashkil etib, 3,7 % ni tashkil etadi. Sho‘rlanish tipi xlorid-sulfatli va sulfatli. Kuchli va juda kuchli sho‘rlangan tuproqlar Zafarobod tumanida 2,1 % (580,0 gektar), Paxtakor tumanida 0,4 % yoki (113,3 gektar), Do‘stlik tumanida 4,1 % yoki (1380,3 gektar), Mirzacho‘l tumanida 1,8 % (580,2 gektar)ni tashkil etadi. Viloyat tumanlaridan Arnasoy va Zomin tumanlari tuproqlari meliorativ jihatdan qoniqarsiz hisoblanadi. Zomin tumanida kuchli sho‘rlangan tuproqlar 8,8 % yoki 2164,0 gektarni tashkil etadi. Arnasoy tumanida kuchli va juda kuchli sho‘rlangan tuproqlar 9,6 % yoki 3063,1 gektarni tashkil etadi .



1- rasm. Jizzax viloyati tumanlaridagi sug‘oriladigan yerlar tuproqlarining sho‘rlanish darajalari (% hisobida)

Hozirgi kunda sho`rlangan yerlarni sog`lomlashtirish, tuproq unumdorligi va ekinlar hosilini oshirish uchun melioratsiyaning nazariy va amaliy jabhalaridagi strategik rejalarida keskin o`zgarishlar qilish davr talabi hisoblanadi, jumladan:

- Sug`oriladigan yerlarda yer osti suv balansini halokatli buzilishini va gurunt suvlarining keskin ko`tarilishining oldini olish uchun sug`orish tartibotlarini to`g`ri yo`lga qo`yish;
- Melioratsiya muammolarini muvaffaqiyatli hal etish uchun har bir xo`jalik, tuman, viloyatlarda sug`oriladigan ekin maydonlari har yili muntazam ko`rikdan o`tkazilishi va muntazam kuzatishlar olib borish talab etiladi;

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Jizzax viloyatida yerlarni o`zlashtirish hamda sug`orma dehqonchilik ishlari olib borilganda tabiiy komponentlarning bir-biriga bog`liklik xususiyatlari hisobga olinishi lozim. Tabiiy komponentlarning biror bittasiga ko`rsatilgan salbiy ta`sir (tuproq komponenti misolida ko`rdik) boshqa komponentlarning ham o`zgarishiga olib kelmoqda. Botiqda olib boriladigan har bir agrotexnik ta`dbirlarda komponentlarning o`zaro aloqalari hisobga olinib kompleks tadqiqot nuqtai nazardan yondashish taqozo etilmoqda.

Adabiyotlar:

1. O`zbekiston milliy ensiklopediyasi. 3-jild. Gidrofiliya – Zebralar. T.: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2002y.
2. Nizomov A., Alimqulov N., Tillyaxodjaeva Z. Tabiiy geografik jarayonlar. (o`quv qo`llanma). Toshkent – 2015
3. Hakimov Q, Odilova O. “Jizzax viloyati geografiyasi”, Toshkent: “Sharq”, 2015 y.

Zikirov I.Ya., Sattarov S.M., (Guliston, GulDU), Hakimov B.B.(Jizzax, JDPI)

O`ZBEKISTONDA TABIIY GEOGRAFIK JARAYONLARNING TADQIQ ETILISH TARIXI

O`zbekiston sharoitida tabiiy geografik jarayonlarni o`rganish tarixi juda uzoq davrlarga borib taqaladi. Tarixiy davrlarda yashab o`tgan geograflar, tarixchilar, tabiatshunoslar, sayyohlar hamda mahalliy aholi tabiiy resurslardan foydalanish maqsadida o`z zamonalarida bo`lib o`tgan kuchli zilzilalar, vulqon otilishi, sel kelishi, bo`ronlar, qum bo`ronlari, ko`chkilarning yuz berishi haqida ma`lumotlar yozib qoldirganlar. Ularning tafsilotlari, keltirgan zararlari xususida yozib qoldirganlar. Masalan, Narshaxiy (X asr), Beruniy (XI asr), Yoqut Xamaviy (XII asr), Zahiriddin Muhammad Bobur (XVI) shular jumlasidandir. Ushbu olimlar tabiiy geografik jarayonlar xususidagi ma`lumotlarni maxsus tarzda emas, balki ayrim masalalarni bayon etish mobaynida tavsiflaydilar.

Abu Rayhon Beruniyning ona shahri Kotni 993 yili degish yuvib ketganligi xususida «Al Osor Boqiya an-al Qurun al Xoliya» («O`tmish xalqlaridan qolgan yodgorliklar») asarida yozib qoldiradi. Qadimgi mualliflar tomonidan bayon etilgan tabiiy geografik jarayonlar o`z davrida «tabiiy geografik jarayonlar» termini ostida ifoda etilmasada, ayrim xalq terminlari tarzida atalgani ma`lum. Masalan, sel, ko`chki, surilma degish va boshqalarni xalq tabiiy geografik terminlari sirasidan bo`lib, ular zamonaviy ilmiy adabiyotlarda xam aynan shu ko`rinishda ishlatiladi.

O. K. Lange O`zbekistonda dastlabki yirik injener geologik maktabni shakllantirdi. Bu maktabning asosini akademiklar X.M.Abdullaev, G.O.Mavlonov, A.N.Sultonxo`jaev, g.f.d., professor N.N.Hojiboev, U.U.Umarov kabi olimlar tashkil etib ular o`zidan tabiiy geografik jarayonlarning tadqiq etilishiga oid juda katta ilmiy me`ros qoldirgan.

H.M.Abdullaev 1946 yili doktorlik dissertasiyasini himoya qilgach, shu yili O`zbekiston Fanlar Akademiyasining akademigi vazifasiga saylandi. U shu bilan birgalikda tabiiy geografik jarayonlarni o`rganish ishlariga ham o`z hissasini qo`shgan olimdir. H.M.Abdullayev tashkil etgan «Geologiya» ilmiy tekshirish instituta qoshida «Glyasiologiya» laboratoriyasi faoliyat ko`rsatar ekan, unda A.A.Kreyter, K.G.Kagarov, M.Nosirov, A.Lesnyak, A.Kim, A.Bassin kabi glyasiolog olimlar O`rta Osiyo tog` muzliklari, ularning tabiatdagi o`rni va ular bilan bog`liq holda kechadigan tabiiy geografik jarayonlar ustida ilmiy tadqiqot ishlarini olib bordilar.

Akademik G'ani Orifxonovich Mavlonov gidrogeologiya va injenerlik geologiyasi sohasida yirik mutaxassis, shu yo'nalishning O'zbekistondagi ko'zga ko'ringan vakili va asoschilaridan biridir. U 1960 yili Toshkentda GIDROINGEO (Gidrogeologiya va injenerlik geologiyasi) ilmiy tadqiqot institutini tashkil etishga erishadi. Shu bilan birgalikda leyos yotqiziqqlarining shakllanishi va uning asosida yuzaga keladigan tabiiy geografik jarayonlarni o'rganishga katta hissa qo'shgan olimdir. Uning tashabbusi bilan GIDROINGEO ilmiy tadqiqot instituta qoshida, «Injenerlik geodinamikasi» bo'limi tashkil etildi.

1969 yilning oxirida GIDROINGEO ilmiy tadqiqot instituti, ishlab chiqarish va olimlar kuchini birlashtirish maqsadida «O'zbekgidrogeologiya» ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi tarkibiga kiritildi.

GIDROINGEO ilmiy tadqiqot instituta qoshida tashkil etilgan «Injenerlik geodinamikasi» bo'limi tabiiy geografik jarayonlarni injenerlik geologiyasi nuqtai-nazaridan turib tadqiq etgan. Bo'lim qoshida dastlab P.M.Karpov, keyinchalik 1972 yildan R.A.Niyozov boshchiligida «Yon bag'irlar va qiyaliklar turg'unligi» laboratoriyasida, X.V.Vahobov, V.I.Martem'yanov, B.T.Ismoilov, A.A.Bashkirova, V.D.Minchenko faoliyat ko'rsatdi. Ushbu laboratoriya olimlari surilmalarning yuz berish xususiyatlarini tadqiq etadilar.

P.M.Karpov, keyinchalik A.P.Pushkorenko boshchiligida sel jarayonlari «Quyuciq oqim o'choqlari» laboratoriyasida o'rganildi. Bu laboratoriyada injener geologlar bilan birgalikda geograf S.R.Saidova, Sh.Xo'jaev, V.Kim kabi olimlar faoliyat yuritdilar.

Ushbu laboratoriya ilmiy xodimlari suv omborlar qirg'og'ining abraziya tufayli qayta shakllanish muammosini o'rganishga ham katta e'tibor qaratgan holda tadqiqotlar olib bordilar.

Tabiiy jarayonlardan biri bo'lgan karst jarayoni esa, g.f.d. professor M.M.Mamatqulov boshchiligida «Karst va speleologiya» laboratoriyasida nafaqat O'zbekiston, balki butun O'rta Osiyo hududi bo'yicha o'rganildi. Bu laboratoriyada karst jarayoni asosan geograflar M.A.Hoshimov, A.Alimov, K.R.Arilov, I.A.Ogajonov, A.Nizomovlar tomonidan tadqiq etilib, O'rta Osiyoning xususan O'zbekistonning tog'lik xududlarida karst jarayonining rivojlanish xususiyatlari o'rganildi.

O'zbekistonda dastlab 1982 yili «Karst va speleologiya» laboratoriyasida prof. M.M.Mamatqulov boshchiligida K.Aripov va A.Nizomovlar tomonidan suffoziya jarayonini o'rganish, yer ostida kechayotgan ayrim tabiiy geografik jarayon (o'pirilma, kon sathining shishishi, karst hodisasi) larini tadqiq etish ishlari ham yo'lga qo'yiladi.

Keyinchalik O'zbekistonda Sankt-Peterburg hamda Moskva geomorfologlar maktabi namoyondalarining izdoshlari sifatida bir guruh O'zbekistonlik Yu.A.Skvorsov, A.Yu.Alferov, N.A.Kogay, Yu.Ya.Kuznesov, O.Yu.Poslavskaya, M.M.Mamatqulov, G.F.Tetyuxin, B.V.Yakovich kabi geomorfolog olimlar shakllanadi. Ular O'zbekiston, O'rta Osiyoning geografik tuzilishi haqidagi ilmiy g'oyalarni yoritish arafasida ayrim tabiiy geografik jarayonlar xususida ham o'z fikrlarini bildiradilar. Keyingi davrlarda tektonik, gravitasion, denudasion, glyasial, suffoziya, eroziya, akkumlyatsiya, eol kelib chiqishga ega bo'lgan tabiiy geografik jarayonlar B.A.Fedorovich, A.B.Bobojev, M.SH.Shermatov, A.Rafiqov, X.Vahobov, A.N.Nig'matov A.Nizomov kabi olimlar tomonidan jiddiy tadqiq etildi va bu boradagi ilmiy ishlar hozirda ham davom etmoqda.

Bugungi kunda O'zbekistonda tabiiy geografik jarayonlarning tadqiq etilishi asosan landshaftshunos olimlar, g.f.d.prof. A.Rafiqov, g.f.n.dots. Sh.S.Zokirov, g.f.n.dots. R.Xoliqov, g.f.n. Sh.Sharipov, g.f.n.dots N.Alimqulov ishlarida o'z aksini topmoqda. Ushbu ishlarning aksariyati O'zbekistonda tabiiy geografik jarayonlarning tarqalishi va ekologik holatini aks ettirish bilan birga ularni kartalashtirishga ham qaratilgan.

Adabiyotlar:

1. M.Mamatqulov. O'rta Osiyo geomorfologiyasi. T.2008
2. A.Nizomov va boshqalar. Tabiiy geografik jarayonlar T.2015
3. P.Baratov.,M.Mamatqulov. O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi.T.2002

Ғўдалов М.Р., Шоғдоров Т.А., Зиқиров Б.Я., (Жиззах, ЖДПИ)
**АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАРИНИ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИНИ
ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Таянч сўзлар: Арид ҳудуд, экотизим, геотизим, ландшафт, компонент, таянч тажриба участкаси, микроклим, кимёвий анализ, гидрокимёвий.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон республикаси арид ҳудудда жойлашганлиги сабабли, бош муаммо - сув эканлигини кунлик ҳаётимиз ёки матбуотимиз орқали чоп этилаётган мақолалар ҳам кўрсатиб турибди. Бугунги кунда республикамиз ҳудудидаги сув манбалардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида, табиий равишда пайдо бўлган сув ҳавзалари қуриб (Орол денгизи) бораётганлигини ва баъзи бир ҳудудларда эса ташлама кўллар (Айдар-Арнасой, Сарикамиш ва Денгизкўл) нинг акваторияси кенгайиб, ўзига хос бўлган экотизим (геотизим) лар шаклланаётганлигини кўрамиз. Ушбу экотизимлар ёки сув ҳавзаларини атроф-муҳит ландшафтларига кўрсатаётган таъсирини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали, янгидан пайдо бўлиши мумкин бўлган “Орол муаммо” си каби муаммоларни олдини олган бўлар эдик.

Биз ҳам сув ҳавзалари атрофида бўлаётган табиий географик жараёнларни ўрганиш мақсадида, Айдар-Арнасой кўллар тизимида кўп йиллик кузатиш ишлари олиб бормоқдамиз. Арид ҳудудда ҳосил бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизими ўзгарувчан экотизим ҳисобланади. Экотизимдаги ўзгаришлар ландшафтнинг ҳамма компонентларига, биринчи навбатда ўсимлик, ҳайвонот, ер ости сув сатҳи ва минераллашиш даражасига ҳам таъсири бўлади. Иккинчи томондан арид ҳудудда ўзига хос микроиклим ҳосил бўлиб, атроф-муҳит иқлимига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Атроф-муҳит иқлимидаги ўзгаришлар шу жойда тупроқларга, ўсимлик қопламига ва ҳайвонот оламига ҳам таъсири бўлмоқда. Ушбу ўзгаришларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва олдиндан башорат қилиш катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Асосий қисм. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсири энг актуаль муаммолардан бири бўлганлиги сабабли, 2012-2014 йилларга мўлжалланган А7-ХТ-0-30670 рақамли “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланиши, динамикаси ва атроф-муҳитга таъсирини тадқиқ қилиш” мавзусидаги илмий-амалий-тадқиқот доирасида комплекс равишда ўрганиб чиқилди.

Лойиҳа бўйича биз тавсия қилаётган илмий ишланмалар, шу пайтгача Айдар-Арнасой кўллар тизими бўйича олиб борилган тадқиқотларимизнинг мантикий давоми ҳисобланади. Ҳозиргача олиб борилган тадқиқотлар ландшафт компонентларининг биттаси (сув, ўсимлик ва бошқалар) ёки баъзи табиий жараёнлар (қирғоқ емирилиши, шўрланиш, сув шўрлиги ва бошқалар) билан чегараланган. Биз лойиҳага киритган тадқиқотлар комплекс характерга эга бўлиб, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг пайдо бўлишидан ҳозирга қадар ривожланиши ҳамда сув режими, гидрокимёси, сув-туз баланси, ўсимликлари, ҳайвонот олами, уларнинг ўзаро таъсири туфайли кўллар геотизимининг шаклланиши, кўлларнинг ўраб турган атроф ҳудудлар иқлимига, тупроқларига, ўсимликларига, ер ости сувларига таъсирлари тадқиқ қилинади. Албатта илгари олинган маълумотларнинг ҳам илмий қиймати катта. Биз ҳозир олган маълумотлар билан илгари олинган маълумотларни таққослаб хулосалар берамиз.

Тўпланган ҳамма материаллар тартибга солинади, карталар тузилади ва географик информация тизими (ГИС) асосида рўй бераётган жараёнларни кўрсатувчи моделлар тузилади.

Ҳозирги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизими майдони 3702 км² ва сув ҳажми 44,1 км³ ни ташкил қилган улкан сув ҳавзасига айланди. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва ботиғи катта майдонни эгаллаганлиги туфайли ҳам, бир вақтда комплекс ўрганиш ҳамда кузатиш ишлари олиб бориш бир мунча қийинчилик (йўл, вақт ва маблағ) лар туғдиради. Шу сабабли ҳам, Айдар-Арнасой кўллар тизими қирғоқларида ландшафт хусусиятига кўра бир-бирдан фарқ қиладиган 3 та таянч тажриба участкалари ажратилди.

Биз биринчи таянч тажриба участкаси сифатида, Қили дарёсининг (Сангзор дарёсининг қуйи оқими) Тузкон кўлига қуйилиш жойини танладик. Ҳудуд Қили дарёси томонидан келтирилган аллювиал ётқизиклар билан қопланган. Аллювиал ётқизиклар билан қопланган бу ҳудудда, тупроқ, ўсимлик ва кўл қирғоқларининг ривожланиши, Айдар-Арнасой ҳавзасининг бошқа ҳудудларидан тубдан фарқ қилади.

Иккинчи таянч тажриба участкаси Айдар-Арнасой кўллар тизимининг жанубий қирғоқларидан, яъни Шимолий Нурота тоғ тизмаси емирилиши натижасида вужудга келган пролювиал ётқизиклар билан қопланган ҳудудни танладик. Экспедициялар даврида пролювиал ётқизикларга боғлиқ ҳолда, тупроқ ва ўсимликларнинг хусусиятлари биринчи таянч тажриба участкасидаги тупроқ ва ўсимликларидан фарқ қилиниши аниқланди.

Учинчи таянч тажриба участкаси Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шимолий қисмида, Боймурот қишлоғининг кўл билан туташ жойи танланди. Бу ҳудуд Қизилқум чўлининг қумлари билан қопланган. Шу сабабли ҳам кўл қирғоқлари, дастлабки иккита таянч тажриба участкасидан фарқ қилиб қўлтиқлари кўп ва эгри-бугри кўринишга эгадир.

Экспедициялар давомида таянч тажриба участкаларининг табиий компонентлари ва ландшафтлари ҳамда кўл қирғоқлари комплекс равишда ўрганилади. Тадқиқотлар жараёнида метеорологик асбоблар (аспирацион психрометр, кўл анемометри, тупроқ термометрлари ва бошқа портатив аппаратлардан) ёрдамида ҳарорат, намлик, босим ва шамолни сутка давомида, ойлик ва фаслий ўзгаришларини кузатиб бордик ва ўтган йиллар даврида аниқланган маълумотларга нисбатан таққослаб кўрилди. Кимёвий анализ учун ландшафтининг табиий компонентлари бўлган, сув, тупроқ ва ўсимликлардан намуналар олиб, текшириш учун Самарқанд Давлат унверситети қошидаги “Микроэлементлар” лабораториясига юборилади ва комплекс равишда ўрганиб чиқилди.

Хулоса. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атроф-муҳит ландшафтлар динамикасини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотларимизда қуйидаги ишларни бажариш режалаштирилган:

- кўл акваториясининг вақт давомида ўзгариб туришини энг характерли даврларга бўлиш ва уни карталарда кўрсатиш;

- кўл сувининг ҳозирги ҳолатдаги қирим-чиқим балансини аниқлаш;

- кейинги йиллар бўйича тузларнинг қирим-чиқим балансини аниқлаш; бунинг учун кўлларга коллектор-зовур сувлари орқали йил давомида тушадиган тузлар миқдори аниқланади, ҳар бир коллектор-зовурдан олинадиган сувларни кимёвий таҳлил қилиш ишлари бажарилади;

- кўл суви таркибидаги асосий ионлардан ташқари феноллар, нитратлар, пестицидлар, баъзи оғир металллар миқдори аниқланиб кўлнинг асосий гидрокимёвий ҳолати баҳоланади. Бу таҳлиллар кўлдаги балиқлар ва баъзи сувда сузувчи қушларга сувдаги ортиқча элементларнинг таъсирини ўрганиш учун зарур;

- кўлнинг иқлим шаклланишидаги ҳиссаси ва уларнинг атрофдаги микроиқлимга таъсир кўлами ўрганилади. Бу иш метеорологик асбоблар ёрдамида махсус ўлчашлар билан аниқланилади;

- кўлнинг атроф ҳудудлар ер ости сувларига таъсири: сув сатҳига, йиллик режимига, гидрокимёвий ҳолатига ва бошқалар;

- кўлга тушадиган сув миқдорининг кўпайиш ва камайишига боғлиқ ҳолда кўл акваториясининг ўзгаришини башоратлаш;

- кўл суви шўрлигининг ортиши ва камайиши флора ҳамда фаунада акс этиши;

- кўл геотизими ва атрофини ўраб турган чўл, тоғ олди текислик ва тоғ геотизимлари ўртасидаги ўзаро таъсирлар ўрганилади.

Айдар-Арнасой кўллар тизимидаги таянч тажриба участкасида олиб борилган комплекс тадқиқотлар натижасида, кўлнинг пайдо бўлиш тарихи ва ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар тўпланиб, келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида илмий башоратлар ишлаб чиқилмоқда. 3 та таянч тажриба участкасини ўрганган ҳолда, Айдар-Арнасой ҳавзаси ландшафтлари ва уларнинг таксономик бирликлари ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Бу маълумотларга таянган ҳолда, халқ хўжалигини турли соҳаларини ривожлантириш мумкин.

Таянч тажриба участкасидаги иқлим элементларини комплекс ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, экотуристтик маршрут йўналишларини аниқлаш,

чорвачилик соҳасида яйловларнинг маҳсулдорлиги, балиқчилик ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантириш имкониятлари вужудга келади.

Айдар-Арнасой ботиғидаги 3 та таянч тажриба участкасидан маълумотлар, кузатиш ва ўрганиш методларини андоза сифатида бошқа йирик сув объектлари (Сариқамиш кўли, Денгизкўл, Қорақир кўллари ва йирик сув омборлари) да фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Исмамов Н., Ғўдалов М. Айдаркўл ботиғи ландшафтларининг динамик ўзгариш жарёнлари. Экология хабарномаси –Тошкент. 2006, №1 -12-13 б.
2. Холматов Э. И, Ишанкулов Р., Мавланов А. А., Сафаров И Арнасой-Айдаркулская озерная система: экологические проблемы сегодня и завтра. Экологический вестник. Тошкент. 2000, № 2,18-22 с.
3. Холматов Э., Ғўдалов М. Айдаркўл кўллар тизими атрофидаги экологик вазият. Экология хабарномаси. Тошкент. 2005. № 2 -30-31 б.
4. Ғўдалов М.Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. Тошкент. “Фан ва технология” нашриёти. 2014, 33-41 б.
5. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни муҳофазаси бўйича Миллий маъруза. (2002, 2004, 2006, 2008 йиллар). Ташкент. 2008.

Сабирова Н.Т. (Самарқанд, СамДУ)


АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИНИНГ АГРОИРРИГАЦИОН ЛАНДШАФТЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Ландшафтлар ўзаро таъсир алоқадорликда бўлади ва ривожланади. Ландшафтларда рўй берадиган алоқадорлик икки томонлама бўлиб, у оддий кўрингани билан аслида жуда мураккаб динамик жараёнлар йиғиндисидан иборат бўлади. Ушбу мақолада кўл ва агроирригацион ландшафтларни ўзаро алоқадорлиги ўрганилади. Бундай алоқадорликни таҳлил ва тадқиқ қилиш агроирригацион ландшафтларда юз бераётган геоэкологик вазиятни олдини олишда ҳамда кўллар тизими билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда дастур амал бўлиб хизмат қилади.

Агроирригацион ландшафтларнинг вужудга келиши ва ривожланиши эса ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, суғориладиган ерлар энг кучли ўзгартирилган, антропоген ландшафтларга мансуб бўлган геосистемалар гуруҳи агроирригацион ландшафтлар деб аталади (Жонқобилов И.Х. ва бошқалар, 2016. 44 б.). Агроирригацион ландшафтлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосий қисмини етказиб берадиган ва шу билан мамлакат иқтисодиётини ўсишига катта ҳисса қўшадиган соҳалардан бири ҳисобланади. Лекин, суғориладиган ерлар майдонининг кенгайтириш билан боғлиқ ҳолда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, мелиоратив ишларнинг етарлича амалга оширмаслик, агротехник қоидаларни тўғри йўлга қўймаслик, кўпгина геоэкологик муаммоларни юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли агроирригацион ландшафтлар билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш, суғориладиган ерлар ҳолатини таҳлил қилиш, оптималлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Инсоният ҳеч қачон табиатни кучли ўзгартиришга ҳаракат қилмасликлари керак, табиат бундай ўзгаришдан ўзини тезда ўнглай олмайди ва кейинчалик инсониятга катта зарар келтириши мумкин. Шундай номуносибликларга 1960 йиллар Мирзачўлни ёппасига ўзлаштирилишини айтишимиз мумкин. Бунинг таъсирида Айдар шўрхоклигида антропоген, ирригацион кўл юзага келди ва бугунги кунда бу кўлни ҳажми кенгайиб, агроирригацион ландшафтларга таъсири ортиб бормоқда. Бундай ўзаро алоқадорлик куйдагича намоён бўлади (1-чизма).

1-чизма. Агроирригацион ландшафтларни ўзаро алоқадорлиги



Кўллар тизими агроирригацион ландшафтлар билан ўзаро боғланган бўлиб, бу алоқадорликни ижобий томонларидан кўра, салбий томонлари кўпроқ. Нимага? Чунки, Агроирригацион ландшафтлардан чиққан зовур, коллектор-дренаж сувлари тўғридан-тўғри Айдар-Арнасой кўллар тизимига қуйилади ва бу кўлнинг сув сифати кўрсаткичларини ўзгаришига ҳамда минерализациясини ошишига олиб келади.

Шуни айтиш жоизки, дастлаб, янги ўзлаштирилган агроирригацион ландшафтларда кимёвий бирикмалар, минерал ўғитлар, гербицид, пестицидларнинг қўлланилиши энг юқори нормалардан ортиқ бўлган. Жумладан, 1982 йилда ана шундай янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ҳар бир гектарга 239 килограмм азот ва 229 килограмм фосфор солинганлиги, шунда ҳам ҳосилдорлик кам бўлганлигига 65 килограмм минерал ўғит етмаганлиги қайд қилинган (Ҳошимов З., 1984. 50-51). Гербицидларни қўллаш шу вақтлардаги меъёри гектарига (делапон, симазин, атразин, аминотриазол) 30 кг дан, (сульфат аммоний) 400 кг гача қилиб белгиланган (Мирзаев А., 1979. 284-285 б.). Айниқса бу ўлчамдаги, кимёвий воситалар очик сув ҳавзаларини, каналларни ўсимликлардан тозалаш мақсадларида кенг қўлланилган. Булар албатта катта рақамлар ҳамда руҳсат этилган меъёрдан ортиқ. Умуман, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида олиб борилган бундай тадбирлар охир оқибат зовур ва коллектор тизимлари орқали кўлга ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди албатта. Бу кимёвий бирикмалар узок йиллар давомида парчаланмасидан сақланади ва атроф-муҳитга ўзини салбий таъсирини кўрсатиб келаверади.

2018 йил феврал ойида зовур ва коллектор-дренаж сувларидан намуна олиб, таҳлил қилдик. Таҳлилларимиз албатта ижобий эмас. Бунда зовур ва коллектор сувларини 1 литрида баъзи хавфли кимёвий бирикмаларни меъёрдан икки ёки уч маротаба ортиқ эканлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал). Биз биргини зовур ёки коллектор мисолида келтирдик.

1- жадвал

Зовур ва коллектор сувларининг гидрокимёвий таркиби* (26.02.2018)

№	Кимёвий бирикмалар номи	Ўлчами	РЭМ	Зовур сув	Коллектор суви
---	-------------------------	--------	-----	-----------	----------------

1	Сульфатлар	мг/дм ³	100,0	302,0	278,4
2	Фасфатлар	мг/дм ³	0,3	0,1	0,2
3	Азот аммоний	мг/дм ³	5,0	7,4	18,8
4	Нитратлар	мг/дм ³	40,0	70,0	75,0
5	Хлоридлар	мг/дм ³	300,0	993	383

**Таҳлиллар Самарқанд шаҳар «Сувоқова» бошқармасининг оқова сувлар аналитик лабораторияси бўлимида ўтказилди.*

Кўлга бундан ташқари йирик коллекторлар Оқбулоқ, Қли, Марказий Мирзачўл ташламалари келиб қўйилади ҳамда агроирригацион ландшафтларида туз тўпланиш, шўрланиш, тупроқни турли кимёвий ашёлар билан ифлосланиш ҳам айнан шу ирригацион тизимлар ўтган ҳудудларда, Жиззах вилоятининг Арнасой, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Пахтакор ва Мирзачўл туманларида юз беради ва кўлнинг корреляцион алоқадорлиги чегараси ҳам кўпроқ шу ҳудудлар билан боғлиқ бўлади.

Ташлама сувлар ҳисобига кўл сувининг минераллизацияси ортиб боради ва у ер ости сувларига таъсир кўрсатади. Кўл, ер ости сувларининг минераллизациясига (кўл атрофи ҳудудларида ер ости сувларининг минераллизацияси 7 г/л-10 г/л) таъсирдан ташқари сизот сувлар сатҳини ошишига, агроирригацион ландшафтларда тупроқларни қайта шўрланиш, ботқоқланиш жараёнларини кучайишига олиб келади.

Бундай алоқадорликни, салбий оқибатларини олдини олишда, энг аввало агроирригацион ландшафтлар билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш ва суғориш тизимларини тўғри йўлга қўйиш, кимёвий бирикмалардан кам фойдаланиш ёки нормадан ортиқ фойдаланмаслик, қишлоқ хўжалиги ихтисослашувига эътибор қаратиш, селекция ишларни ривожлантириш каби таклифларни келтиришимиз мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, кўллар билан боғлиқ муаммолар кўпайиши ва атроф-муҳитга салбий таъсири янада ортиши мумкин.

Адабиётлар:


1. Жонқобилов Х.И., Назаров Г.М., Абдуллаев И.С. Қашқадарё вилоятининг геоэкологик карталарини тузиш.-Қарши. Насаф, 2016. -108 б.
2. Мирзаев А. Суғориш ва зах қочириш мелиорацияси. Т.: Ўқитувчи, 1979. -384 б.
3. Сабирова Н.Т. Арид иқлимли минтақа кўллари тадқиқ этишнинг долзарб масалалари (Айдар-Арнасой кўллари тизими мисолида).\\Ўзбекистон География Жамияти Ахбороти. - Т.: 2017, - Б. 93-95.
4. Ҳошимов З. Суғориладиган гектар самараси. Т.: Ўзбекистон, 1984. – 66 б.

Абдумўминов Б.О. (Термиз, ТерДУ) МУТЛОҚ ВА НИСБИЙ БАЛАНДЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Ер юзи турли хилдаги рельеф шаклларида тоғлар, адирлар, текисликлар, пасттекисликлар ва ботиклардан иборат бўлиб, уларнинг абсолют ва нисбий баландликларини аниқлаш топографиянинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бизга маълумки нуқталарни нисбий баландлиги денгиз сатҳига қараб аниқланади. МДХ давлатлари учун нисбий баландлик Болтиқ денгизи сатҳига қараб аниқланади, яъни Болтиқ денгизи суви сатҳи абсолют “0” нуқта деб қабул қилинган ва бошқа нуқталар нисбий баландлиги ушбу нуқта асосида аниқланади (1-расм).



а)



б)




в)

1-расм. Нисбий баландликни аниқлаш (а), топокартадаги нукта баландлиги (б), Кронштад футушток (в).

Ҳозирги кунда геодезик съёмкаларни бажаришда, хусусан, нукталарни нисбий баландлигини аниқлашда замонавий геодезик асбоблардан фойдаланмоқда. GPS приёмниклари, электрон нивелирлар, электрон тахзометрлар шулар жумласидандир. Спутникавий навигацион GPS системалари пайдо бўлиши ва геодезик приёмникларни кенг ишлаб чиқариш сабаби билан 80-йилларни охирида геодезик техника ва технология соҳасида революцион ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозирги пайтда GPS системаларини қўллаш соҳаси кенгайиб бориб, улар ёрдамида топографик съёмкалар ва режалаш ишлари ҳам бажарилмоқда (2-расм).

GPS приёмниклари бевосита жойнинг ўзида нукталарнинг географик координаталари (φ, λ) ва баландлигини (H) сунъий йўлдош орқали тезкор равишда аниқлаб беради. Ҳозирги кунда Россия, Германия, АҚШ, Швейцария давлатларида турли хил аниқликдаги GPS приёмниклари ишлаб чиқарилмоқда.



2-расм. GPS приёмниги ёрдамида нукталар баландлигини аниқлаш усули.

Нукталар баландлигини аниқлашда GPS приёмниклари билан бир қаторда кейинги йилларда юқори аниқликдаги нивелирларнинг янги тури – электрон рақамли нивелирлар ишлаб чиқилди ва улар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда. Буларга мисол қилиб Dini 11, Dini 21, Carl Zeiss (Германия), Dini 12, Dini 12T, Dini 22 Trimble, (АҚШ), DNA 03, DNA 10, Leica (Швейцария) рақамли нивелирларини келтириш мумкин (3-расм). Улар ёрдамида нукталарнинг баландлигини тезкор аниқлаш имкони туғилмоқда.



а)



б)



в)

3-расм. Элекирон геодезик асбоблар: тахеметр (а), теодолит (б) ва нивелир (в)

Мазкур геодезик асбоблардан фойдаланиб нуқталарнинг ҳам абсолют ҳам нисбий баландликларини аниқлаш имкони мавжуд. Бугунги кунда кўплаб лойиҳа ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар “ЎзГАШЛИТИ”, “Ергеодезкадастр” кўмитаси ва унинг таркибидаги корхоналар, геодезик ва топографик ишларни амалга оширувчи корхоналарда ушбу геодезик асбоб–ускуналардан фойдаланиб келинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нуқталарнинг мутлоқ ва нисбий баландлигани аниқлашда битта координаталар системасидан фойдаланиш зарур. Сабаби турли координаталар тизими турли ердаги бошланғич сатҳларга эгадир. СК-42 тизими Болтиқ денгиздан фойдаланиб бошқа нуқталарнинг баландликларини аниқласа, WGS-84 тизими эса Ўрта денгиздан бошланғич сатҳни олади ҳамда ҳисоблаш ишларида фойдаланиб қолган нуқталар баландлиги ҳисоблаб топилади. Айрим геодезик асбобларда GPS приёмниклари ўрнатилган бўлиб, улардан бевосита нуқтанинг абсолют ўрнини аниқлаш мумкин бўлади.

Ҳар бир ўлчаш ишларининг камчилиги бўлгани каби, замонавий асбоблар ёрдамида нуқталарнинг нисбий ва абсолют баландликларини аниқлашда ҳам ўзига хос камчиликлар мавжуд бўлиб, ўлчаш ишлари кўп қаватли турар жойларига яқин жойда олиб борилса хатоликлар ортиши, ҳар бир асбоб қувват талаб қилади, уларда узоқ вақт ўлчаш ишларини олиб бориб бўлмайди ва шу каби хатоликлар учраши мумкин.

Адабиётлар:

1. E.Mirmakhmudov, E.Safarov, D.Fazilova. United Nations/Latvia Workshop on the Applications of Global Navigation Satellite Systems. 14-18 may 2012
2. Абдумўминов Б.О. Ўзбекистон Республикаси топокарталари баландлик асосларини ўрганиш. Маг. дисс. –Т. 2012.
3. www.geostart.ru сайти

Usmonov Yu. Q., Ubaydullayev D. K., Ko'chimova R. (Jizzax, JDPI) JIZZAX VILOYATI TUPROQLARNI EROZIYADAN SAQLASH CHORA TADBIRLARI

Tuproq unumdorligini oshirishda uning eroziyaga uchrashi oldini olish muhim ahamiyatga ega. Tuproq chirindili qatlamining suv va shamol tasirida yemirilishi eroziya deyiladi. Eroziya sodir bo'lgan maydonlarda suv va shamol tuproqning unimdor qatlamini yemirib bir joydan ikkinchi joyga olib borib yotqizadi. Natijada tuproqning unumdorligi pasayib, bu yerga ekilgan ekinlarning hosildorligini hoyatda kamayib ketadi. Eroziyalanish jarayoni butun dunyoda keng tarqalgan bo'lib, Jizzax viloyati tog' va tog'oldi hududlarida katta maydonlarni tashkil qiladi. Shuning uchun ham bu jarayon xalq xo'jaligiga jumladan qishloq xo'jaligiga katta iqtisodiy zarar yetkazadi.

Jizzax viloyatida suv ta'sirida yemirilish tog'oldi hududlarida keng tarqalgan bo'lib, qiya yerlarda yomg'ir, qor va o'simliklarni sug'orish uchun berilgan suv tuproqning unimdor qatlamidan har xil kattalikdagi tuproq zarralari bilan birga ozuqa moddalarini ham qiyalik bo'yiga yuvib ketadi. Bizga gidrologiyaning nazariy kursidan ma'lumki oqimning tezligi to'g'ridan to'g'ri joyining qiyaligiga bog'liq;

$$V=C\sqrt{Ri}=m/s$$

Viloyatimizdagi Baxmal, Zomin, Forish va G'allaorol tumanlaridagi minglab gektar sug'oriladigan yerlar aynan tog'oldi qiya joylarga to'g'ri keladi. Ilmiy tadqiqotlarning olib borgan ishlariga ko'ra biz tuproqlarning o'rtacha yillik yemirilishi gektariga 100-150 tonnani tashkil etadi, shundan 0,8-1 tonna chirindi 100-120 kg azot va 110-165 kg fosfordir.

Tuproqning yemirilgan qismida ozuqa moddalari yetishmasligi sababli o'simliklar nimjon bo'lib, o'simliklar sust rivojlanadi va hosildorlik keskin kamayib ketadi. Qiyaligi past va yemirilish natijasida ozuqa moddalarining nihoyatda ko'p to'planishi tog'oldi hududlarining quyi qismi eng qulay joy bo'lib hisoblanadi. Jizzax viloyatida tuproq eroziyasiga qarshi kurashish, suv va shamol ta'sirida yemirilgan tuproqlarning unumdorligini oshirish davlat ahamiyatiga ega tadbirlaridandir. Tuproqni eroziyalanishidan saqlash uchun quyidagi agrokompleks tadbirlarini amalga oshirish zarur.

1. Tog'li hududlarda qiyaligi kuchli yerlarni ko'ndalangiga haydash, bu yerlarga har xil serildiz o'simliklar va mevali daraxtlar ekish.
2. Tog'li rayonlarda yaylovlardan to'g'ri foydalanish.
3. Tog'li rayonlarda dehqonchilik qilishda yerlarni terrasalar shaklida tekislab, dalalar atrofida mevali daraxt va toklar ekish.
4. Tuproq yuzasining zichlashishiga yo'l qo'ymaslik va yomg'ir suvlarining bir joydan oqmasligini oldini olish.
5. Jarlar yoqasiga daraxtlar ekib, jarlik eroziyasining kengayishiga, sug'oriladigan maydonlardan jarliklarga suvning oqib ketishiga yo'l qo'ymaslik va har xil to'siqlar hamda suv yig'iladigan kichik havzalar barpo etish.
6. Sug'orish eroziyasining oldini olish uchun tuproqning fizik-kimyoviy hususiyatlarini yerning qiyaligini nazarda tutib ilg'or suvchilar tajribasidan foydalangan holda ekinlarni sug'orish, jo'yakka beriladigan suvning miqdorini to'g'ri belgilash va sug'orish eroziyasiga moyil yerlarda suvni jildiratib sug'orish muhim ahamiyatga ega.
7. Mahalliy va kimyoviy o'g'itlarni tuproqqa mexanik ishlov berishdan oldin yerga solish maqsadga muvofiqdir.

Yuqorida ko'rsatilgan tavsiyalarga rioya qilsak suv eroziyasini oldini olgan bo'lamiz va tuproq muhitidagi mineral o'g'itlarni saqlab qolamiz. Bu esa yuqori hosil garovidir.

Xulosa qilib shuni aytish mumkini Jizzax viloyati tog'oldi hududlarida qishloq xo'jalik ekin turlarni ekishda albatta joyining qiyaligini e'tiborga olib ekish tavsiya etiladi. Agar suv eroziyasi kuchli bo'lgan hududlarda eroziyani kamaytirishning iloji bo'lmasa jo'yaklarni joyining qiyaligiga ma'lum burchak ostida yo'naltirib ekishni tavsiya etamiz. Bu holat fan nuqtayi nazaridan to'liq o'z yechimini topgan deb hisoblaymiz. Bunda jo'yaklardagi oqish tezligi ruhsat etilgan deyarli yaqin bo'ladi oqibatda jo'yaklarda yuvish jarayoni sekinlashadi suv eroziyasi jarayoni kuzatilmaydi, tuproqning unimdor qatlami to'laligicha saqlanib qoladi. Xulosa qilib shuni aytib o'tish joyizki, tuproq va uningunimdorligini saqlash kishilik jamiyati oldidagi eng muhim vazifalardan biridir. Chunki faqat tuproq kishilik jamiyatida inson mehnati natijasida tabiiy oziq-ovqat va kiyim-kechak beradi.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va oliyanob xalqimiz bilan birga quramiz. T; "O'zbekiston", 2017, -488
2. Boboxo'jayev I., Uzoqov P. Tuproqlar geografiyasi. – Toshkent, 1996.
3. Toshxo'jayev R. Tuproqlar geografiyasi. Ma'ruzalar matni. – Toshkent, TDPU. 2000.
4. Ziyamuhamedov E. A. "Tuproq organik moddasi va unimdorligi" O'zbekiston Milliy Entsiklopediyasi Toshkent 2008-yil, 204-bet.

Абдумўминов Б.О., Хўжақулов Ж. (Термиз, ТерДУ)

ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРНИНГ БАЛАНДЛИКЛАР ТИЗИМИ

Ҳозирги кунда дунёнинг турли хил минтақаларида нуқталарнинг абсолют баландликларини аниқлашда ўзига хос бўлган баландликлар тизимидан фойдаланиб

келинмоқда. Ҳатто дунёнинг айрим давлатлари ҳам ўзининг баландликлар системасига эгадир. Шундай баландлик тизимидан бири Normalhöhenull баландлик тизими ҳисобланади.

Normalhöhenull 1992 йилдан Германияда ишлатиладиган баландликлар тизими бўлиб, унда баландликлар ҳисоби Валленхорстдаги авлиё Александр черковидаги белгига кўра юритилади. Normalhöhenull немисчада – “нол нормал денгиз сатҳи баландлиги” деган маънони англатади.

Европадаги машҳур баландлик тизимларидан бири Amsterdam Ordnance Datum баландлик тизимидир. Бу баландлик тизими инглизчада Амстердам Картографик сатҳи деган маънони билдиради. 1879 йилдан Нидерландияда қабул қилинган баландлик тизими бўлиб, баландликнинг 0 даражаси – денгиз сатҳидан 9 фут 5 дюйм баландликда, Амстердам марказидаги белгига тўғри келади.



1-расм. Валленхорстдаги авлиё Александр черковидаги белги



а)



б)

2-расм. Амстердам картографик сатҳининг ташқи (а) ва ички (б) кўриниши

Бу бошланғич сатҳ Нидерландия учун бошланғич сатҳ бўлибгина қолмай, балки кўпгина Европа давлатлари учун ҳам бошланғич сатҳ вазифасини ўтаб келмоқда. Мазкур тизими Normalhöhenull тизими учун асос вазифасини бугунги кунда ҳам қўлланилиб келинмоқда.


European Terrestrial Reference System 1989 баландлик тизими италянчадан таржима қилинганда “1989 йилги Европа ер сатҳини референс тизими” деган маънони англатади. European Terrestrial Reference System 1989 баландлик тизими Италия ва бир қанча Европа давлатларида қўлланиладиган баландликлар тизими бўлиб, баландликлар ҳисоби Евроосиё литосфера қатлами баландлигига қараб юритилади.

Кўпгина давлатларда баландликнинг “0” даражаси денгиз сатҳига ёки дарё сувининг кўп йиллик сатҳий ўлчашлари ўртачасига қараб аниқланади. Исроилда баландликнинг “0” даражаси куруқликдаги бирор-бир нуқтага нисбатан аниқланади (3-расм).

Ўрта денгиз сув сатҳи WGS-84 тизимининг “0” нуқтаси ҳисобланади. Буни қуйидаги 4(а)-расм орқали кўриб чиқамиз.



3-расм. Исроил давлатининг 0 баландлик нуқтаси.



4-расм. WGS-84 тизимида баландликни аниқлаш (а), Ўрта денгиз сатҳининг йиллар давомида ўзгариши (б)

Шуни айтиб ўтиш керакки, WGS-84 тизимида аниқланаётган баландликни ҳам аниқ деб бўлмайди. Чунки, бизга маълумки океан, денгиз сувлари сатҳи йиллар давомида ўзгариб туради (4(б)-расм). Ўрта денгиз суви сатҳи ўзгариб турса унда аниқланаётган баландликлар ҳам ўзгариб туради. WGS-84 тизимида аниқланаётган баландликлар йилига 2 см га ўзгариб туради.



а)



б)

5-расм. Кронштадт футштокиннинг ташқи (а) ва ички (б) кўриниши.

Россия, Ўзбекистон ва МДХ нинг кўплаб давлатлари ҳамда Польшада Ер юзаси нуқталарининг абсолют баландлиги Кронштадт футштоки нолидан аниқланади.

Мазкур келтириб ўтилган баландликлар тизимларида қуйидаги камчиликлар мавжуд:

- Болтиқ баландлик тизими литосфера қатламлари футушток баландлиги ўзгаришини кўрсатмайди. Кронштадт футштокиннинг ҳолати бу футуштокнинг баландлигини ўзгаришини кўрсатмайди.

- WGS 84 тизими Ер массаси марказини 2 см аниқликда қайд этган, бу эса бирмунча кўпол ўлчаш ҳисобланади. Бирок бу кўрсаткич Ер массаси марказига нисбатан кўпол хато ҳисобланмайди.

- 1990 йилдаги Ер ўлчамлари (ПЗ-90) –ГЛОНАСС – глобал навигацион йўлдош тизимининг ишлашини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Адабиётлар:

1. Абдумўминов Б.О. Ўзбекистон Республикаси топокарталари баландлик асосларини ўрганиш. Маг. дисс. –Т,: ЎзМУ, 2012.
2. Абдумўминов Б.О., Сатторов А.У., Эрناзаров И. Топокартадаги баландликларни ҳисоблаш усулларини солиштириш ва таҳлил қилиш. Ўзбекистон география жамияти ахборотномаси. 43-жилд. Тошкент 2014.

Usmonov Yu.Q., Usmanov M.R., Borliboyev T.B. (Jizzax, JDPI)
**JIZZAX VILOYATI TUPROQLARINING SHO'RLANISH SABABLARI VA
 SHO'RLANISHGA QARSHI CHORA-TADBIRLAR**

Tabiiy resurslardan samarali foydalanish va uni muhofazalash, hozirgi vaqtdagi insoniyat oldidagi turgan dolzarb vasifalardan biri hisoblanadi. Bu muamolar orasida tuproqning sho'rlanishi alohida o'rin tutadi. Chunki tuproqning sho'rlanishi hisobidan qishloq xo'jalik ekin turlarining hosildorligi keskin pasayib ketadi. Tuproq sho'rlanish darajasiga ko'ra 5-turga bo'linadi. Sho'rlanmagan, oz sho'rlangan, o'rtacha sho'rlangan, kuchli sho'rlangan va sho'rxok tuproqlarga bo'linadi. Sho'rlangan va sho'rxok tuproqlarga bo'linadi. Sho'rlangan tuproqlar va sho'rxoklar tarkibida uchraydigan tuzlar asosan 3 kation (Na^+ , Mg^{++} , Ca^{++}) va 4 aminoning (Ce^- , So_4^- , Co_3^- , HCO_3^-) ximiyaviy birikishi natijasida hosil bo'lgan quyidagi tuzlar – osh tuzi, magniy karbonat, nordon yoki choy sodasi, gips, magniy bikarbanat ohak va kalsiy bikarbanatdan iborat. Bu tuzlarning dastlabki 8 xili o'simliklar uchun zararli, qolgan 4 xili zararsiz. Bularning ichida eng xavfli soda, osh tuzi, magniy xlorid, kalsiy xlorid, natriy sulfat va taxir tuzlar. Tuproq tarkibidagi tuzlarning o'simliklarga tasiri juda murakkab jarayondir. Sho'rlanishning ortishi undagi soda, xlorid va sulfatlarning ko'payishi natijasida tuproqning sifati yomonlashadi, unumdorligi pasayadi. Tuzlar tarkibidagi anionlarning nisbiy miqdoriga ko'ra sho'rxoklar xloridli, sulfatli, xlorid sulfatli, sulfat-xloridli, kationlarning nisbiy miqdoriga ko'ra natriyli, kalsiyli, magniyli va ularning aralashmasidan iborat bo'lishi mumkin. Quruq iqlimli oblastlarda uchraydigan sho'rlangan tuproqlar va sho'rxoklar har xil yo'l bilan paydo bo'lgan. Tuproqda paydo bo'lishiga tog' jinslari tarkibidagi suvda eriydigan xar hil tuzlar sabab bo'ladi. Jizzax viloyatidagi tuproqlarning tuzlari asosiy manbai tog' muzlaridagi uchlamchi va to'rtlamchi davr yotqiziqlari orasidagi tog' jinslari tarkibidagi tuzlar erib yuza suvlari va shamol ta'sirida yer yuzasida tarqalishidir. Dengiz va ko'l sohilida tuzli tuzonlarning shamolda uchib kelishi ham tuproqlarning sho'rlanishiga sabab bo'ladi. Bu ayniqsa Orol bo'yi atrofidagi tumanlarda keng tarqalgan. Suvda eriydigan tuzlarning tuproqda to'planishida biologik jarayonlar ham katta rol o'ynaydi. Dasht va cho'llarda o'sayotgan o'simliklar tuproqning chuqur qatlamlaridagi suvda eriydigan tuzlarni ildizi orqali oladi. Bu o'simliklarning qoldiqlari chirishi natijasida tuproqda yil sayin tuzlar ko'paya boradi. Professor V.A.Kovda ma'lumotiga ko'ra, o'simliklar qoldig'ida har yili 1 ga yerga o'rtacha hisobda 500 kg tuz qo'shilishi mumkin.

Tuproq sho'rlanishining asosiy sabablaridan yana biri miniralashgan sizot suvlarning tuproq yuzasiga yaqin joylashganligidir. Ma'lumki sizot suvlar u bu darajada mineralashgan bo'ladi. Sizot suvlar tuproq yuzasidan bug'langanda bu suvlar tarkibidagi tuzlar tuproqning yo'qori qismida to'plana boradi. Demak sizot suvlar qancha ko'p bug'lansa va mineralashganlik darajasi qancha yuqori bo'lsa, tuproq shuncha kuchli darajada sho'rlanadi. Tuproqning sho'rlanmasligi uchun sizot suvlar sathi kritik chuqurlikdan pastda bo'lishi kerak. Aks holda esa tuproq sizot suvlarning tez bug'lanishi hisobiga sho'rlanadi.

Sizot suvlarning muayan chuqurligi ko'pgina omillarga, birinchi navbatda, tuproqning kapilyarlik xususiyatga bog'liq, mexanik tarkibi og'ir, soz tuproqlarda muayan chuqurligi 3-4 metr ga yetadi, qumli tuproqlarda esa 1 metrgacha kamayadi. Muayan chuqurlik sizot suvlarning mineralashuviga qarab ham o'zgaradi. Sizot suvlarning mineralashuvi qancha kam bo'lsa, muayan chuqurlik tuproq yuzasiga shuncha yaqin bo'ladi.

Sizot suvlarning chuqurligi ham tuproq strukturasi, ham ekin turiga bog'liqdir. Strukturali tuproqda kapilyarlik darajasi strukturasisiz tuproqqa nisbatan ancha kam kapilyarlat orqali sizot suvning ko'tarilish balandligi ham shuncha kam bo'ladi. Sizot suvlarning muayan chuqurligicha iqlim ham katta ta'sir ko'rsatadi. Iqlim qancha issiq va quruq bo'lsa muayan chuqurlik shuncha pastroqda bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining asosiy tuproq maydonlari

№	Tuproqlar	Maydoni, ga.	Hamma yerga nisbatan, (foiz)	Dengiz sathidan balandligi, m
---	-----------	-----------------	------------------------------------	----------------------------------

1	Bo'z qo'ng'ir	11488	25,3	130-150
2	Sahro-qum	1372	3,04	120-150
3	Taqir va taqirlashgan	1784	3,96	120-180
4	Taqir o'tloq	465	1,02	120-150
5	O'tloq va botqoq, o'tloq	1854	4,12	80-100
6	Sho'rxok	1272	2,81	80-100
7	Ko'chma qumlar	12114	27,54	120-150
8	Suv xavzalari	118	3,14	120-150
Tog' oldi va tog' mintaqasi				
9	Och tusli bo'z	2592	5,74	250-500
10	Tipik bo'z	3051	6,77	500-750
11	To'q tusli bo'z	1055	2,33	750-1200
12	Jigarrang va qo'ng'ir (o'rta tog' zonasi)	1662	3,68	1200-2800
13	O'tloq-bo'z	781	1,72	250-500
14	O'tloq va botqoq, o'tloq	748	1,64	250-500
15	Tuproqsiz tosh yerlar	3000	6,0	–
	Jami:	44884	100,0	–

(O'zbekiston davlat yer loyihalash instituti ma'lumotlari asosida)

Sug'oriladigan hududlarda uzunligi va qalinligi bo'yicha tabiiy suv oqimlaridan oshadigan sun'iy gidrografik tarmoq tashkil etilgan. O'zbekistonda sug'oriladigan hududning katta qismini turli darajada yer o'zanlaridan oqadigan ariqlar va kanallar suvi bosmoqda. Filtrlash natijasida sug'orish suvlarning 40 foizi yo'qotiladi. Bunday sug'orish kanallari va ariqlarining foydali ish koeffitsenti (FIK) 0,6 dan oshmaydi. Qishloq xo'jaligi ekin maydonlarini sizot suvlar ko'tarilishi (1,0-1,5 m) natijasida suv bosmoqda. Qishloq xo'jaligi uchun yaroqli suv bosgan yerlar qariyb 5 million kishi yashaydigan 20 foiz maydonni egallaydi. Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xorazm va Navoiy viloyatida yerlarni sug'orish davrida sug'oriladigan yerlarning 40 foizini, Farg'ona vodiysi va Samarqand viloyatida 30-40, Toshkent, Sirdaryo, Jizzax va Buxoro viloyatida 20-30 foizini suv bosmoqda. Tog' etagidagi sug'oriladigan och rang va o'ziga xos bo'z yerlar sug'orish natijasida yemirilmoqda. Bu yerlarning qariyb yarmi qiyaliklar va past-baland yerlardan iborat. Ushbu yerlarda sug'orish natijasida yemirilishning rivojlanishi mumkinligi delta tekislaridagi yerlarga qaraganda ancha yo'qori. Avvaldan sug'orilib kelinayotgan hududlarning katta qismini 30 %ni qiyaliklar va ayrim uchastkalarini 50 %ni tikliklar tashkil etadi. Katta hududlarini adirlar egallagan Andijon, Samarqand, Surxondaryo, Namangan va Toshkent viloyatlarida kuchli va o'rtacha yemirilgan maydonlar ko'p.

Bundan tashqari, O'zbekistonning dehqonchilik qilinadigan sug'oriladigan hududlarida jarliklar paydo bo'lishi keng tarqalgan. Bunday jarlarning ko'payishi va rivojlanishining asosiy sababi sug'oriladigan paykallardan suvni nazoratsiz chiqarish va ariqlarning buzilishi hisoblanadi. Sug'oriladigan hududlarda qirg'oq va tub jarliklar ko'p. Ko'pincha jarliklar paydo bo'lishini tezlashtiradigan suffoziya-karst o'pirilmalari (o'pqnlar) uchraydi. Boshqali ekinlar ekiladigan lalmi yerlar yemirilishi asosan bo'z yerlarda va qisman qora tuproqli yerlarga tarqalgan. Yemirilishning asosiy turi – bu atmosfera jala yog'ingarchiliklari tufayli tuproq usti qatlamining yuvilib ketishidir. Vayron qiluvchi toshqinlar, Katta vayron qiluvchi kuchga ega sel oqimlari respublika xo'jaliklari va yer holatiga katta zarar yetkazadi. Ayniqsa, Farg'ona vodiysidagi tog'lar yonbag'irlarida joylashgan sel havzalari ancha xavfli (sel oqimlari asosan Qirg'iziston Respublikasi hududida shakllanadi). Qashqadaryo, Samarqand va Toshkent viloyatining tog' yonbag'irlarida ham ko'plab sel manbalari bor. Markaziy Osiyoda 90-yil mobaynida qayd etilgan sel oqimlari (2245) umumiy miqdorining qariyb 75 foizi O'zbekiston ulushiga to'g'ri keladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki: Tuproq muhitida tuzlarning to'planishiga qarshi ilmiy-tadqiqot ishlarini iqlim omillariga sug'orilayotgan suv qaysi xavzadan kelayotganiga

bog'lab tekshirish bu sohadagi bilimlarimizni yanada oydinlashtiradi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2018-yildagi qarori esa tuproqshunos va gidrogeologik olimlarga yo'l xaritasi vazifasini o'taydi. Tuproq muhofazasining muhurligini aniqlashga, mazkur sohaning muamolariga e'tiborni kuchaytirishga va zarur chora-tadbirlar qabul qilishga yo'naltirilgan harakatlarimiz ekologik toza mahsulotlarni yetishtirishda tuproq sifatini ta'minlash har bir tuproq shunos olimning ma'sul vazifasidir.

Адабиётлар:

1. Ziyomuxamedov E.A Tuproq organik moddasi va unumdorligi. 2008-204 bet.
2. I.A.Karimov. Qishloq xo'jaligi taraqqiyoti-tokin hayot manbai, T. O'zbekiston, 1998.
3. Abdug'aniyev A., Abdug'aniyev A.A. – Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti – (darslik) –T.: - TDIU, 2004, 304 bet.
4. Agrar sohada islohatlarni yanada chuqurlashtirish muammolari va echimlari. Toshkent. "Mehnat" 2002.
5. Saytlar: www.wto.org, www.usda.gov, www.fao.org, www.dehqon.uz, www.msbx.uz, www.uz.bir.uz, www.chamber.uz, www.qmii.uz

Adilova O., Ismatov M., Mamatqulova F. (Jizzax, JDPI)

CHO'LLANISHNI RIVOJLANTIRUVCHI TABIIY VA ANTROPOGEN OMILLAR

Hozirgi ilmiy texnika davrida ekologik muvozanatning buzilishi va buning oqibatida o'simlik, hayvonot olamiga jiddiy zarar yekazilmoqda, natijda landshaftlarning mahsuldorligi yildan – yilga pasayib bormoqda. Landshaftlarning degradasiyasi ayniqsa quruq iqlimli hududlarda, cho'llarda tobora rivojlanib bormoqda. Bularning asosiy sababi tabiat va jamiyat o'rtasidagi munosabatlarning keskinlashuvi va tabiiy resurslardan foydalanishda yo'l qo'yilgan xatolardir. Eng asosiysi xatto tabiatning tabiiy tiklanish qobiliyatini hisobga olmaslikda aks etadi. Bularning hammasi tabiat komponentlarida qashshoqlanishga va cho'llanish jarayoning rivojlanishiga olib keladi. Bunday jarayonlar ayniqsa quruq iqlimli cho'l va chalacho'l mintaqalarida yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Yer sharida cho'l va chalacho'llar 34,4 mlrd gektarni yoki butun quruqlikning 22 % ni tashkil etadi. Ulardan asosan yaylov sifatida foydalaniladi. Ularning maxsuldorligi juda past bo'lib, yillar va fasllar davomida iqlimiy omillarga bog'liq ravishda o'zgarib kelmoqda. Respublikamiz cho'l va chalacho'l yaylovlari 32 mln gektarni tashkil qilgani holda, ular yaylov chaorvachiligini intensiv rivojlantirish, aholini chorvachilik mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda eng ko'p cho'llanish jarayoniga ta'sir etuvchi omillar asosan ikki hil, ya'ni tabiiy va antropogen omillar ta'sirida sodir bo'lmoqda. Tabiiy omillar asosan iqlimiy hususiyatlarga bog'liq bo'lib issiq quruq va atmosfera yog'inlarining kamligi sababli sodir bo'ladi. Bunda yer osti suvlari sathining pasayishi, atmosfera yog'inlari miqdorining kamayishi va bug'lanishning ortishi, yoz va qishda haroratlar amplitudasining kattalashishi, tuproq sho'rlanishining ortishi, davomli qurg'oqchil iqlim 2-3 yil ketma-ket kelishi tufayli tuproqning yuqori qatlamida namlik zahirasi kamayishi va boshqalar kuzatiladi.

Qayd etilgan tabiiy omillar tufayli o'simliklarning nobud bo'lishi, ularning ayrim turlarining yo'qolishi va natijada yaylov mahsuldorligining kamayishi kuzatiladi. Bunday salbiy o'zgarishlar cho'llanish jarayonining rivojlanishiga sabab bo'ladi. Bizga ma'lumki yaylovlarda chorva mollar boqish me'yori, 1 bosh qo'y uchun 2-3 gektar yaylov zarur, ammo bu me'yorga xech bir joyda rioya etilmaydi. Shu sababli yaylovlarda cho'llanish jarayoni inson xo'jalik faoliyati, ya'ni antropogen yoki texnogen omillar natijasida ham rivojlanmoqda. Antropogen cho'llanish jarayoni hosil bo'lishi va ko'lamiga qarab, quyidagi omillar ta'sirida sodir bo'lmoqda.

- yaylovlarda chorva mollar soning me'yordan ortiq boqilishi
- o'simliklarning degredatsiyaga uchrashi

- tuproqlarga ishlov berishda agrotexnik qoidalarga amal qilmaslik, tuproqning yuza unumdor qismining suv va shamol erroziyasiga uchrashi
- yo'l qurilishi, geologic qidiruv, quvur yotqizish, kanallar qurishi
- suv havzalarining qurishi natijasida sho'rxoklar hosil bo'lishi
- sanoat korxonalarini va aholi manzilgohlarining barpo etilishi;
- yerlarni sug'orish natijasida sho'rlanishning paydo bo'lishi va b. (Nazarov va b., 2013).

Ma'lumotlarga ko'ra, mamlakatimizda yaylovlarning 23,6 ming gektaridan foydalanib kelinmoqda. Shundan 17,8 mln. ga qorako'lchilik yaylovlari. Cho'l yaylovlari Navoiy viloyatida 9,3 mln. ga, Qoraqalpog'istonda 3,5 mln. ga, Buxoro viloyatida 2,4 mln. ga, Qashqadaryo viloyatida 1,0 mln. ga, Samarqand viloyatida 0,6 mln. ga, Jizzax viloyatida 0,5 mln. ga va Surxondaryo viloyatida 0,4 mln. ga ni tashkil etadi. Yaylovlar iqlim xususiyatlari va foydalanishiga ko'ra 4 tipga ajratiladi: 1) buta-barra o'tli qumli cho'l yaylovlari, 2) chala buta eefemer cho'l yaylovlari, 3) shora o'tli sho'rxok yaylovlari va 4) efemer-efemeroidli chala cho'l yaylovlari.

Mamlakatimizda qorako'lchilikda foydalanilayotgan yaylovlarning 40 %i turli darajada cho'llanishga uchragan va yaylovlar hosildorligi o'rtacha 21 %ga pasayib, hosildorlik 1,8 s/ga ni tashkil etadi. Antropogen omillar ta'siri ostida cho'llanish jarayoni aholi manzilgohlariga yaqin hududlarda tog' yonbag'irlarida va tog' oralig'i vodiylarida kuchli sodir bo'lmoqda.

Yaylovlarning ekologik holatini yaxshilash, cho'llanish jarayonini oldini olishda yaylov meyoriga rioya etish, fitomeliorativ tabirlarni to'g'ri tashkil etish muhim ahamiyat kasb etadi. Sun'iy fitosenoz tashkil etish va ulardan maksimal foydalanish orqali yaylovlar hosildorligini 2-3 barobar oshirish mumkin. Buning uchun fitomeliorant sifatida tanlamayotgan istiqbolli ozuqabob o'simlik turlarining ekologik – biologik xususiyatlarini o'rganish zarur.

Mamlakatimizdagi cho'l va chala cho'l yaylovlarning maydoni 32 mln. ga ni tashkil etadi. Ammo, keyingi o'n yilliklarda cho'llarda chollanish jarayonlarining kuchayishi tufayli yaylovlarning hosildorligi yildan - yilga kamayib bormoqda.

Hozirg paytda insonyat rivojlanishning tabiiy resurslardan foydalanish bo'yicha tadbirlarni qat'iy tartibga solishi lozim bo'lgan davrda turibdi. Bir qator hollarda inson o'zining xo'jalik faoliyatida tabiiy resurslarni iste'mol qilish va ularning tabiiy tiklanishi orasidagi dinamik muvozanatning ekologik to'siqni buzib o'tdi. Arid oblastlarda chuchuk suv, yaylovzorlar va boshqa resurslardan foydalanishda endi cheklashlar lozim. Bu jarayonlar to'g'risida aniq tasavvurga ega bo'lish cho'llanishni bartaraf qilish uchun zarur bo'lgan tadbirlarni, uning eng xavfli o'choqlarini belgilash va aniq tadbirlar rejasini ishlab chiqish va zarur tavsiyalar berish zarur hisoblanadi.

Atrof tabiiy muhitni optimallashtirish va tabiatdan oqilona foydalanish g'oyalarini hayotga tadbir etish fan – texnika taraqqiyotining hozirgi bosqichidagi eng dolzarb muammolar jumlasiga kiradi. Tabiatga antropogen ta'sirning misli ko'rilmagan darajada o'sishi oqibatida yuzaga kelgan bu muammolar sivilizatsiyaning bundan keyingi rivojlanishi tabiatni "bo'ysundirish"ning ilgari konsepsiyalariga tayanish mumkin emasligini va jamoatchilik ongida inson va tabiat hamkorligining juda zarurligini ko'rsatdi. V.B. Sochavaning (1978) fikricha, bunday hamkorlik inson va uning tabiiy muhiti munosabatlaridagi tanazzulni yuzaga keltiradigan aloqalarning vujudga kelishi va tarkib topishini mustasno qilmog'i va tabiatga xos bo'lgan tendensiyalardan foydalanishga va optimallashtirishga, uning xususiy emas, balki integral rejimiga asoslanmog'i lozim. Shunday ekan tabiat bilan hamkorlik qilish – tabiatdan uning qonunlarini teran anglab olgan holda tabiiy muhitning saloxiyatiga putur yetkazmasdan oqilona foydalanish zarurdir.

Cho'llashishga qarshi kurash o'zaro ta'sirdagi tabiiy va antropogen omillar sistemasini chuqur tushunilib yetishga va natijada cho'llashish tarqalgan hududlarda yuz berayotgan iqtisodiy o'zgarishlar tamoyillarini ishlab chiqish zarur bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Antropogen landshaftshunoslik. Ilmiy maqolalar to'plami. Samarqand. 2014 yil
2. Nazarov I.Q. Geografiyaning dolzarb muammolari. Toshkent. "Muharrir" 2013 y

3. “СНО’1 yaylovlarini rivojlantirish va modernizatsiyalash” mavzusidagi ilmiy – amaliy konferensiya materiallari. Samarqand. SQKITI 2012 y.

Иқомиддинова М. (Термиз, ТерДУ)

ЭРИК (МАЛЛА) РАУДЕНИНГ ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАРИ

Биз биламизки “Буюк географик кашфиётлар даври”да инсониятга номаълум бўлган кўплаб ерлар кашф этилиб, катта-кичик ороллар хариталарга туширилди. Дунёнинг географик қиёфаси янгидан ўзгарди. Ҳозирги кунгача янги ерларни кашф қилиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар, баҳс мунозаралар мавжуд. Масалан Шимолий Америка материгини сайёҳ Христофор Колумб очган, деб саналса-да, баъзи манбаларда ушбу материкка Европа шимолида яшаган викинглар биринчи бўлиб етиб боргани ҳақида маълумотлар бор. Бундай маълумотлар Гренландияга биринчи бўлиб келган викингларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ оғзаки ижоди намуналари, яъни «сага»ларида ҳам яшаб келмоқда.

Викингларни Исландиядан Гренландияга бошлаб келган биринчи сардор эса асли келиб чиқиши норвегиялик бўлган Эрик Рауде (Малла) ҳисобланади. «Малла» сайёҳнинг лақаби бўлиб, бу унга сочи ва соқолининг ранги учун берилган. Эрик Рауде 950-йилда Норвегияда Торвальд Асвальдсон оиласида туғилган. Қирол Херальд Ажойибсоч ҳукмронлиги даврида унинг оиласи қотилликда айбланиб, Норвегиядан қувғин қилинган. Натижада Асвальдсонлар Исландияга келиб жойлашади.

Эрикнинг феъли тезлиги Исландияда ҳам доимо унга муаммолар келтирарди. Хуллас, 980-йилда Малла икки кишини ўлдиришда айбланган: бунга асосий сабаб биринчидан ўз қўшнисини, яъни қарзга олган қайикни қайтаришни хоҳламагани учун, иккинчидан, бошқа бир викингни ҳалок этилган хизматкорлари учун қасос сифатида. Натижада Эрик Исландиядан ҳам уч йилга бадарға қилинган. Шундан сўнг, Рауде ўзига чиқарилган ҳукм муддатини ўташ учун ғарбга томон сузишга ва ҳаво очик бўлган пайтда Исландиянинг ғарбий қирғоқларидаги тоғлар тепасидан кўриш мумкин бўлган музли ергача етиб боришга қарор қилди.

Ушбу ер Гренландия ороли бўлиб, у Исландиядан 280 км узоқликда жойлашган ва унга биринчи бўлиб 875-йилда норвег денгизчиси Гунбьёрн сузиб борган. Шундай қилиб, Эрик Малла 982-йилда оиласи, хизматкорлари ва уй ҳайвонлари билан бирга Исландиядан ғарбга қараб сузиб кетган. Сузиб юрувчи музлар Маллага қирғоққа тушиш имконини бермагач, сайёҳ, оролнинг жанубий қисмини айланиб ўтиб, Юлансхоб (ҳозирги Какарток ёнида) деган жой яқинида тўхтади. Уч йил қувғинда юрган вақтида Эрик оролнинг ҳаммаёғини кезиб чиқиб, ҳатто, оролнинг шимоли-ғарбий чеккасидан анча узоқда бўлган Диска оролигача борган. Аммо бу ерда муқим яшайдиган бирор кишини учратмаган.

Қувғин муддати тугагач, Эрик Исландияга қайтиб келган ва бу ердаги маҳаллий викингларни ўзи борган оролга кўчиб боришга даъват қила бошлаган. Эрик оролни Гренландия, яъни норвег тилидан таржима қилганда «Яшил ер» деб атаган. Ушбу номнинг Эрик Рауде томонидан Гренландияга тўғри ёки нотўғри берилганлиги борасидаги мунозаралар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Баъзи олимларнинг фикрича, оролнинг иқлими ўрта асрларда юмшоқ бўлган ва Эрик келиб тушган Гренландиянинг жануби-ғарбий қисмлари қалин яшил ўтлар билан қопланган бўлиши мумкин. Бошқа мутахассислар эса Эрик бу номни оролга кўчиб борувчиларни кўпроқ жалб қилиш, ишонтириш учун «тарғибот» мақсадида қўйган дейишади. Ҳозирда эса маҳаллий халқ тилида орол Калаалит Нунаат, яъни «Ер шаридаги енг катта орол», деб аталади. Манбаларда ёзилишича, Эрик Малла 986-йилда Исландиядан 25 та кема билан Гренландия томон йўлга чиқиб, ушбу кемалардан фақатгина 14 таси 350 киши билан оролга етиб келган. Натижада Эрик Малла Гренландияда Эйстрибйг (Шарқий шаҳар) номли биринчи аҳоли пунктини барпо этди.

Эрик Рауде умрининг охириги йилларида денгиз саёҳатига чиқмаган бўлса-да, унинг Шимолий кутбга яқин ҳудудларни ўрганиш борасидаги бошлаган ишларини ўғиллари

давом эттирган. Жумладан, тахминан 1000-йилларда Эрик Рауденинг ўғли Лейф Эрикссон Гренландиядан ғарбда катта ерни ҳозирги Шимолий Американинг шимоли-шарқий

4.Илмий станциялари қисмларини учратган. Эрикнинг бошқа ўғиллари Торвальд ва Торстейнлар ҳам Шимолий Америкага бир неча бор саёҳат қилишган.Эрик Рауде асос солган Гренландияга кўчиб келувчилар тез орада кўпайиб, орол энг гуллаган пайтда бу ерда 5000 кишигача яшаган. Оролнинг майдони 2 175 600 км кв бўлиб, ҳозирги кунга келиб оролда 56260 киши истиқомат қилади. Норвег сайёҳи Эрик Рауде томонидан очилган Гренландия XVIII асрнинг бошига қадар Норвегияга тегишли бўлган. 1721-йилдан оролни Дания томонидан ўзлаштириш бошланган ва ушбу мамлакат 1744-йилда оролда ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Адабиётлар:

1. К.Гадоев, С.Бердиева “Жаҳонгашта сайёҳ олимлар” 2012 йил,29-34 бетлар
2. Жаҳон мамлакатлари .Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2017-йил 79-бет.
- 3.www.google.uz сайти
- 4.www.geografiya.uz сайти

Oblaqlov H.A., Hamroyev Sh. (NavDPI)

INSONIYAT HAYOTI UCHUN ATMOSFERANI TASIRI

Yerdagi hayot koinot bilan bog`liq va doim muhofazaga muhtoj. Atmosfera yerning qobig`i sifatida har qanday himoyaga tayyor. Olimlarimizning ilmiy tadqiqotlaridan ma`lumki, agarda koinotdan tushayotgan meteoroid atmosferada yonib ketmaganda yerning har km.kvga har 3-4 kunda bittadan meteoroid tushib turgan bo`lar edi. Atmosfera tarkibi mavjudotlar uchun muhim biologik ahamiyatga ega. Unda 78 foiz azot, 21 foiz kislorod, 0.9 foiz argon va 0.3 foiz karbonat agidrid mavjuddir. Atmosfera havosining tarkibi turli sabablarga ko`ra, (mavsum, yillar, okeanlar, tog`lar qarab) o`zgarishi mumkin. Lekin bu o`zgarishlar atmosferaning o`zgarishiga ta`sir qilmaydi. Bizga ma`lumki qayerda suv ko`p bo`lsa,o`simlik serob qayerda o`simlik ko`p bo`lsa, havosi toza, kislorod toza hisoblanadi. Lekin hozirgi paytda antropogen ta`sir natijasida toza kislorodga boy havoni topish kundan kunga murakkablashib bormoqda.

- 1.Issiqlik samarasi ta`sirida;
- 2.Cho`llashish jarayoni ta`sirida;
- 3.Sanoatkorxonalarini ta`sirida: laboratoriyalar ta`sirida;
- 5.Samalyot, raketalar va turli xil avtomobil transport vositalari ta`sirida;
- 6.Ixtiyoriyva ixtiyorsiz yog`inlar ta`sirida;

Hozirgi paytda havo tarkibidagi turli xil zaharlangan gazlar,nurlar va biologik xususiyatga ega bo`lgan kasalliklarni ko`rish mumkin.

Havoni ifloslanishi ta`sirida sodir bo`lgan kondensatsiya natijasida har yili 5,5mil.Odam vafot etmoqda.

Iflos havo oqibatida 2013-yil Xitoyda 1.6ming, Hindistonda 1,5ming, AQSH va Yevropada 300ming kishi vafot etgani aytiladi.AQSHning ko`plab mintaqalarida avtomobil is gazi ta`siri 20 foiz bo`lsa,Sharqiy Osiyoda qishloq xo`jaligi zaharli o`g`itlar va boshqalar 40 foizni tashkil etadi.2013-yilda Jahon Sog`liqni Saqlash Tashkilotining olkogol kasalliklarni o`rganish xalqaro agentligi (LARC) hisobot e`lon qilindi. Unda havoni ifloslanishi saraton kasalligini asosiy sababchisi ekanligi aytiladi. Havoni ifloslanishi oqibatida yuz beradigan o`limning 50 foiz ko`mir sabab bo`lar ekan. Amerikalik olimlarning aytishicha havoning ifloslanishi yuqori bo`lsa, 2-guruh,3-guruh,4-guruh qon guruhidagi odamlarda infark kasalligida kasallanish ehtimoli yuqori bo`ladi.Havoni ifloslanishida qishloq xo`jalik va qurilishni hisobga oladigan bo`lsak hozirgi zamon har bir avlodida pishiq g`isht temir beton,sement juda faol xizmat qilmoqda. Bir g`ish kuydirish uchun sarf bo`ladigan energiya issiqligi havo haroratini oshiradi,sement zavodlarini oladigan bo`lsak,unga yaqin yashash juda murakkab bo`ladi. U nafaqat inson u yerdagi o`simlik va hayvonotga ham kata ta`sir etadi. Havodagi chang hamda

ifloslangan kimyoviy zaharlar namga to'yingan havoni tarqatish xususiyatiga ega ekanligi ta'sirini yanada kuchaytiradi. Chang o'simlik uchun zararli bo'lgan va nafas o'tishiga insonga astma va allergiyaga olib kelishi mumkin.

Yer yuzasida hozirgi vaqtda 10mln tonnadan ortiq ifloslangan kimyoviy moddalar borligi aniqlangan. Tabiat o'zini o'zi tozalash qobiliyatiga ega. Atmosferadagi ifloslanish va tozalanish o'zaro teskari jarayondir. Har qanday ifloslanish, tabiat uni bartaraf etish uchun himoya reaksiyasini talab etadi, bu qobiliyadan insoniyat uzoq vaqt davomida o'z maqsadi yo'lida foydalanib keldi. Masalan uzoq yillardan buyon ishlab chiqarish chiqindilari tabiat tamonidan qayta ishlandi deb, havoga chiqarib tashlandi. Atmosferani o'zini tozalash qobiliyatini ma'lum chegarasi bo'lib, agar u chegara buzilsa, atmosfera o'zini tozalash chiqindini to'liq tarqalishi va parchalanishini ta'minlay olmaydi. Bu ifloslanish darajasidan oshib borganligi sir emas. Inson sog'ligiga xavf soladigan kasalliklarni kamaytirishga doir tayyorlangan hisobotga yopiq makonlar va ochiq makonlardagi havoni ifloslanishiga olib keladigan omil inson sog'ligiga salbiy ta'sir qilgani ma'lum qilindi. Havoning ifloslanishi har yili 3.7 mln aholining yoqilg'i va xom-ashyodan foydalanishga majbur bo'lgan yopiq maydonlardagi havoning ifloslanishi esa 4.3 mln aholining ertangi hayotdan ko'z yumishiga sabab bo'lmoqda.

O'zbekistonda havoning ifloslanishi tog'oldi va tog'oraliq botiqlarda joylashganligi iqlimni iliq va quruqlashishiga sabab bo'lmoqda. Havoning ifloslanishiga sabab, sanoat va transportlardan chiqayotgan gazlar bilan yuqori darajada Toshkent, Farg'ona iqtisodiy rayonlarida kuchli ifloslangan. Metallurgiya, kimyo, mashinasozlik markazlari bo'lgan Olmaliq, Angren, Toshkent, Farg'ona, Bekobod, Andijon, Chirchiq, Navoiy shaharlarida havo ifloslanishi darajasi juda yuqori. Bir qator zararli birikmalar bo'yicha ko'rsatgichlar rejimidan yuqori bo'lgan bu shaxslarning ba'zilarida fotokimyoviy simob xavfi mavjud. Zararli birikmalarning 50 foiz dan ortig'i uglerod oksidiga tog'ri keladi. Toshkent shahri ustida ozon qatlamining 10-12 foizi kamaygan. Orol dengizining qurigan qismi katta maydoning havosini ifloslashga sabab bo'lmoqda. O'zbekiston havosini ifloslanishini muhofaza qilish to'g'risida maxsus qonun (1996-yil) dekabr oyida qabul qilingan. Havoning ifloslanishi hududlarga qarab juda murakkab vaziyatlarni keltirib chiqarmoqda. Yevropa olimlari ifloslangan havo o'pka saratoniga olib kelishi haqida ma'lum qiladilar. Kasallikning eng xavfli tamoni esa, bir joyda uzoq vaqt davomida istiqomat qilgan insonlarda kuzatilishi ma'lum bo'ldi. Shu tariqa tadqiqot mualliflari havoni qattiq zararlilar bilan ifloslanishi Yevropada o'pka saratonini rivojlanib ketishiga olib kelishini aytdilar. Sanoat korxonalarini tashlanayotgan chiqindilar ko'pi havoga chiqarilishi havoda tarqalmagan zaharli moddalar shamol, yomg'ir, suv va boshqa iste'mol omillariga qo'shilib inson organizmiga bevosita ta'sir qiladi. Natijada moddalar yuriga qarab kimgadir og'ir hastalik misol qilib aytsak yurak, asab, o'pka va boshqa kasalliklar yoki tug'ilgan bolalarni nogiron yoki aqli zaif bo'lishi va boshqa salbiy natijalarni ko'rsatadi. Xulosa qilib aytganda bizning kundalik hayotda har taraflama sog'lom va aqli rivojlangan insonlar yashashi qiyin va juda murakkab bir davrda bu muammoni oldini olish eng asosiy ishlardan desak xato bo'lmaydi. Havoni iflosligi har taraflama o'rganilib ajdodlarimiz ko'plab fikrlar yuritishgan. Buyuk sharq olimlaridan biribo'lgan tib ilmining asoschisi Abu Ali Ibin Sino shunday deydi: Agar havo tarkibida chang bo'lmasa odamlar 1000 yilgacha umr ko'rgan bo'lar edi. Inson doimiy tabiatga ta'sir etib turar ekan ba'zan salbiy ba'zan ijobiy tamonga o'zgartirib yuborishi mumkin. Lekin inson xohlasa o'zini har doim turli ne'matlardan zilol kabi toza suv, shaffof havoni yaratishga uni asrab qolishga qodir ekanligini bilishi kerak deb o'ylayman. Inson ona vatan, ota va ona hamda farzandlarini asrayman desa eng avvalo tabiatni asrashi kerak bo'ladi. Inson hayoti uchun zarur bo'ladigan har bir yurak urishidan tortib inson umri davomida har qanday vaziyatda unga kuch bag'ishlagan havo va boshqa ne'matlarga tayanadi.

Adabiyotlar:

1. Alibekov L.A. Ekologo-geograficheskie problemi Sentralnoy Azii, Samarqand, 2010, 416 b.
2. Salimov X.V. Ekologiya (o'quv qo'llanma) Navoiy, «konchi-texproekt», 2015, 270 b.

Ходжиматов А.Н., Юлдашов А.У., Садикова Д.Х., Рашидов А.А.
(ТДПУ, ГулДУ, ЎзР Миллий гвардияси ХТИ)


ХОРАЗМ ВОҲА ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ШАРОИТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Воҳа ландшафтларини уларнинг мелиоратив ҳолатининг мураккаблик даражаси бўйича баҳолаш учун биз томондан: 1) мураккабланишган; 2) ўртача мураккаб; 3) мураккаб; 4) жуда мураккаб тоифа даражаларидан фойдланилдики, қайсики унинг заминда воҳа ландшафтларинининг мелиоратив ҳолатини соғломлаштириш ётади.

Куйи Амударё дельтасининг литологик-геоморфологик хусусиятлари у ҳудудларда **оддий мелиоратив** шароитни ажратишга имкон бермайди, шу боис бу мураккаблик (оддий) тоифа мазкур ҳудудларда йўқ.

Аммо Хоразм воҳасидаги **мураккабланишган** табиий - мелиоратив мажмуа (ТММ) лар гуруҳидан **нисбатан мураккабланишган** кичик гуруҳни ажратиш мақсадга мувофиқ.

Нисбатан мураккабланишган кичик гуруҳига Хоразм воҳасининг маълум ҳудудларида ер ости сувлари оқими суст ва жуда суст, кам ва ўртача шўрланган, таркиби гидрокарбонат – сульфатли, айрим жойларда хлорид-сульфатли грунт сувли, суғориладиган ботқоқ ва ўтлоқ тупроқли, сунъий дренажланган ва текисланган, қумоқли - лойқали ва қумли кенг тўлқинсимон ясси текисликлар киради. Бу гуруҳдаги ТММ Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб (Хоразм воҳаси) чўзилган, биринчи қайир усти террасаси (7, 13); Сарикамиш дельтасидаги Дарёлик ва Даудан қадимги қуруқ дарё водийларини (8) эгаллайди (расм).



Хоразм – Тўртқўл воҳаси табиий – мелиоратив ҳолати мураккаблигини баҳолаш.

Табиий - мелиоратив ҳолати мураккаблик даражаси: 1-нисбатан мураккабланишган; 2-ўртача мураккаб; 3-мураккаб; 4-жуда мураккаб.

Ҳудуднинг табиий сув ўтказувчанлиги: 5-жадал, жойларда грунт сувлари оқими нисбатан кучсиз, 6- кучсиз, 7- жуда кучсиз, айрим жойларда оқимсиз, 8-оқимсиз.

Тупроқларнинг шўрланиш даражаси: 9-шўрланмаган, айрим жойларда доғсимон кучсиз шўрланган, 10-кам шўрланган, 11-кам шўрланган, жойларда доғсимон ўртача тарзда шўрланган, 12-кам шўрланган, аммо айрим жойларда доғсимон тарзда ўртача ва кучли шўрланган, шўрхоқлар ҳам мавжуд.

Ўртача мураккаб ТММга айрим майдонларда ер ости сувлари оқими суст ва жуда ҳам суст бўлган, кам – ўртача - кучли минераллашган, таркиби гидрокарбонат – сульфат ва хлорид – сульфатли грунт сувли, суғориладиган ботқоқ ва ўтлоқ тупроқли, бироз (сунъий) дренажланган ва амалда оқимсиз, қисман текисланган, қумоқли, лойқали, лойли – лойқали ва лойқали – қумли, ясси ва кўлли, бироз тўлқинсимон текисликлар мансубдир. Сарикамиш бўйи дельтаси (Хоразм воҳаси) худудида бу гуруҳ Дарёлик ва Даудан қадимги дарё ўзанларининг ТММ ларини қамраб олган (12). Бу қадимги дарё ўзанларининг литологик – геоморфологик тузилиши нисбатан барқарор мелиоратив тартибга эришиш учун анча қулайроқ. Суғориш меъёрининг оптималлиги таъминланса, замин грунт сувлари оқимини пастқамликлар томон оқизишга қодир.

Мураккаб ТММ гуруҳи ер ости сувлари оқими анча суст ва қийин, ўртача ва кучли минераллашган, таркиби гидрокарбонат - сульфат, хлорид -сульфат, сульфат - хлоридли, айрим жойларда хлорид - натрийли, жуда кам ва дренажланмаган (жадал сунъий дренажланган), турли даражада шўрланган суғориладиган ботқоқ, бироз ботқоқлашган ювилган тупроқли текисланган, қумоқли-лойқали ясси текисликларни қамраган. ТММ Сарикамиш дельтаси миқёсида Дарёлик ва Даудан қадимги дарёлар оралиғини, Даудан билан кўл текисликлари ўртаси (10); Амударёнинг ўнг соҳилидаги қайир ва қайир усти террасаларини (Тўрткўл воҳаси) (17) ишғол этган.

Жуда мураккаб ТММ ер ости сувлари барқарор юза жойлашган, таркиби хлорид - сульфат ва сульфат - хлоридли, суғориладиган ўтлоқ, баъзи жойларда суғориладиган ўтлоқ-тақир ва суғориладиган ботқоқ тупроқли жуда кам ва дренажланмаган (жадал сунъий дренажланган) мураккаб қумоқли – лойли, лойқали - лойли, айрим жойларда қумли ётқизиқли, оқимсиз пастқамликлар мажмуасидаги ясси текисликларни ўз ичига олади.

ТММ Хоразм воҳасининг суғориладиган энг чекка жанубий қисmlарини, яъни Унгузорти Қорақумига туташ бўлган жанубдаги депрессион пастқамликлардаги пахтазор дала майдонларини (11) ҳамда Тўрткўл воҳаси – Амударёнинг янги суғориладиган аллювиал – дельта текисликларини (18) қамраб олган.

Мазкур баҳолаш ажратилган ТММ да ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда воҳа мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш бўйича аниқ ва мажмуали чора-тадбирларни қўллашга асос бўлади.

Mardonov Z.A., Pardaboyev S.B. (Jizzax, JDPI)
**SANGZOR DARYOSI VOHASIDA O'SADIGAN AYRIM DORIVOR
O'SIMLIKLAR BIOLOGIYASI.**

***Achillea millefolium* L.** - Oddiy bo'ymadaron *Asteraceae* (*Compositae*) Murakkabguldoshlar oilasiga kiradi. Ko'p yillik, bo'yi 20-50 (ba'zan 80) sm ga yetadigan o't o'simlik. Ildizpoyasi shoxlangan bo'lib, yer ostki novda hosil qiladi. Bunday novdadan ildizoldi barglar va poyalar o'sib chiqadi. Poyasi bir nechta, tik o'suvchi, yuqori qismi shoxlangan bo'lib, ular qalqonsimon gul to'plamlari bilan tamomlanadi.

Geografik tarqalishi. O'simlik keng tarqalgan bo'lib, o'rmon o'rmon-cho'l va cho'l hududlarida hamda tog'li tumanlarda (tog' etaklaridagi tekisliklarda, yonbag'rlarda) ochiq yalangliklarda va quruq o'tloqlar, qirlar, yo'l yoqalari, o'rmon chetlari va boshqa yerlarda o'sadi.

Mahsulot tayyorlash. O'simlik gullaganda (poyasining yuqori qismidan gul va barglari bilan birga) o'roq bilan o'rib olinadi. Ba'zan ildiz oldi to'pbarglar alohida yig'iladi. Soya yerda quritiladi.

Mahsulotning tashqi ko'rinishi. Tayyor mahsulot o'simlikning yer ustki qismidan (poyaning yuqori qismidan, bargdan va gul to'plamlaridan hamda ba'zan ildiz oldi to'pbarglardan) iborat. Poyasi biroz qirrali, siyrak bargli, kulrang-yashil tusli bo'lib, uzunligi 15sm. Bargi tukli, kulrang-yashil, ikki marta patsimon ajralgan. Barg plastinkasining bo'lagi (segmenti) lansetsimon yoki chiziqsimon bo'lib, 3-5 juft, tishli bo'lakchaga qirqilgan. Gullari savatchaga to'plangan. Savatchalar o'z navbatida qalqonsimon to'pgulni tashkil etadi.

Kimyoviy tarkibi. O'simlik tarkibida karotin, K va C vitaminlar, axillein va betonitsin alkaloidlari, 0,8% gacha efir moyi, matrikarin izomeri, millefin laktoni, 0,31% xolin, asparagin, smola, oshlovchi, achchiq (proxamazulen- axillin) va boshqa moddalar bo'ladi.

Ishlatilishi. O'simlikning dorivor preparatlari me'da-ichak (me'da yarasi va gastrit hamda shilliq qavatining yallig'lanishi) kasalliklarni davolash, ishtaha ochish va qon to'xtatuvchi dori sifatida (ichakdan, bachadondan va gemmoroidal qon oqishi) hamda burun, milk va yaralar qonaganda uni to'xtatish uchun ishlatiladi.

Thalictrum minus L. - Kichik sanchiqo't Ayiqtovondoshlar- *Ranunculaceae* oilasiga kiradi. Kichik sanchiqo't bo'yi 15-60 sm ga yetadigan ko'p yillik o't o'simlik. Poyasi tik o'suvchi yoki bukilgan (egilgan), shoxlangan. Barglarining umumiy ko'rinishi keng uchburchak shaklli, uch yoki to'rt marta patsimon bo'lingan bo'lib, bandi yordamida yoki bandsiz (poyaning yuqori qismidagilari) poyada va shoxlarda ketma-ket o'rnashgan. Barg bo'lakchalari mayda, keng tuxumsimon yoki teskari tuxumsimon, uch bo'lakli, tekis qirrali.

Geografik tarqalishi. O'simlik cho'l o'tloqlarida, chakalakzorlarda, o'rmonlardagi o'tloqlarda, o'rmon chetlarida, archazorlarda, tog' bag'irlarida daryo vodiylarida va boshqa yerlarda o'sadi.

Maxsulot tayyorlash. O'simlik gullagan vaqtida yer ustki qismi orib olinadi, aralashmalardan tozalab, soya yerda quritiladi.

Maxsulotning tashqi ko'rinishi. Tayyor maxsulot poya, shox, barg va gullari aralashmasidan iborat. Barglar uch-to'rt marta patsimon bo'lingan. Barg bo'lakchalari mayda, keng tuxumsimon, tekis qirrali yoki uch bo'lakli. Gullari mayda, gul qo'rg'oni oddiy, 4-5 ta to'q qizil binafsha rangli gulkosacha bargidan tashkil topgan.

Kimyoviy tarkibi. Yer ustki qismi tarkibida 0,3-1,1 % alkaloidlar, 1,64 % gacha flavonoidlar, kumarinlar, 3,1 % gacha saponinlar, organik kislotalar, vitamin C, oshlovchi va boshqa moddalar bor.

Ishlatilishi. Yer ustki qismidan olingan taliktrimin gidroxlorid preparati bachadon kasalliklarini davolash uchun ishlatishga tavsiya etilgan.

Hippophae rhamnoides L. - Jumurutsimon chakanda (chirqanoq) Jiydadoşlar - *Elaeagnaceae* oilasiga kiradi. Bo'yi 4-6 m bo'lgan ikki uyli buta yoki daraxtcha. Poyasi sershox va tikanli bo'lib, qo'ng'ir yashil po'stloq bilan qoplangan. Bargi oddiy, chiziqsimon yoki chiziqsimon-lansetsimon, tekis qirrali, yuqori tomoni kulrang – to'q yashil, pastki tomoni esa oq yoki qo'ng'ir rangli yulduzsimon tangachalar bilan qoplangan, shuning uchun biroz sarg'ish, qo'ng'ir kulrang yoki kulrang yoki oq tusli bo'lib ko'rinadi. Barglari poyada kalta bandi bilan ketma-ket joylashgan. Gullari bir jinsli, ko'rimsiz. Otaliq gullari mayda, kumush qo'ng'ir rangli bo'lib, kalta boshqoqchaga to'plangan. Otaliq gulidagi gulqo'rg'oni 2 ta ellipssimon bargchadan tashkil topgan. Changchilari (otaliqlari) 4 ta. Onalik gullari 2-5 tadan bolib, qisqa bandi bilan shoxchalar qo'ltig'iga o'rnashgan. Onalik gulida gulqo'rg'oni naychasimon, ikki bo'lakli, ichki tomoni sariq rangga bo'yalgan. Onalik tuguni bir xonali, yuqoriga joylashgan. Mevasi-dumaloq yoki cho'ziqroq, to'q sariq yoki qizg'ish rangli, sersuv, danakli meva.

April - may oylarida gullaydi, mevasi avgustdan boshlab oktyabrgacha pishadi. Meva to'kilmasdan kelasi yil bahorgacha o'simlikda saqlanib qoladi.

Geografik tarqalishi. Daryo, ko'l va dengizlarning shag'alli hamda qumli qirg'oqlarida, tekislik va tog'lardagi to'qayzorlarda o'sadi. Ba'zi joylarda qalin chakalakzorlar xosil qiladi. Asosan O'rta Osiyoda, G'arbiy va Sharqiy Sibirning janubiy tumanlarida, Kavkazda, Sobiq Ittifoq Ovrupo qismining janubiy tumanlarida uchraydi.

Maxsulot tayorlash. Chakanda o'simligining mevasi odatda kuzda yoki qishda yig'iladi. Meva sovuq ta'sirida o'zining achchiq va taxir ta'mini yo'qotib, nordon-shirin mazali bo'lib qoladi. Meva pishgandan so'ng (kuzda) mevali shoxlar qirqib olinadi va ochiq yerda, shoxlar ustida, ustini archa shoxlari bilan berkitib, qishgacha saqlanadi. Qishda esa muzlagan mevalar shoxlaridan toza muz ustiga yog'och bilan qoqib olinadi. Muzlagan meva uzoq vaqt buzilmay saqlanadi.

Maxsulotning tashqi ko'rinishi. Tayyor mahsulot dumaloq yoki biroz cho'ziqroq sersuv, danakli mevadan iborat. Pishgan meva hushbo'y hidli, tilla rang sariq yoki qizg'ish rangga bo'yalgan bo'lib, uzunligi 0.8-1 sm. Danagi silliq, to'q jigarrang, tuxumsimon, uzunasiga joylashgan jo'yaklari bo'ladi.

Kimyoviy tarkibi. Chakanda o'simligining mevasi tarkibida 450 mg foiz vitamin C, 0.035 mg vitamin B₁, 0.056 mg vitamin B₂, 145mg vitamin E, 60 mg karotin va boshqa karotinoidlar, 0.79 folat kislota, 9 (mevaning yumshoq qismida) yog', flavonoidlar (izoramnetin va boshqalar), 3.65 qand, ursol kislota, 2.64 organik (asosan olma va vino) kislotalar, oshlovchi va boshqa moddalar bo'ladi. Urug'i tarkibida 12.5 yog', 0.28 mg vitamin B₁, 0.38mg vitamin B₂, 14.3mg vitamin E va 0.3 mg karotin bo'ladi.

Chakanda moyi yarim quriydigan, quyuq konsistensiyali, to'q sariq rangli bo'lib, o'ziga xos hidga va mazaga ega. Moy olein, steari, lenol, lenolein va palmitin kislotalarnong glitseridlaridan tashkil topgan bo'lib tarkibida 180-300 mg karotinoidlar (Shu jumladan, 40-100 mg karotin), 110-165 mg vitamin E va F bo'ladi.

Ishlatilishi. Chakanda moyi og'riq qoldiruvchi va yarani tez bitiradigan ta'sirga ega. Radioaktiv nurlar bilan davolanganda uning ta'siridan zararlangan teri, shilliq qavatlar, yaralar va kuygan qizil o'ngach hamda me'da shilliq qavatlari, te'ri yarasi, vitamin yetishmasligidan kelib chiqqan avitaminoz hamda ba'zi ginekologik kasalliklarni davolashda ishlatiladi.

Adabiyotlar:

1. Хамидов Г. Узбекистонда фойдали усимликларни мухофаза этиш. – Тошкент, 1990. –62 б.
2. Холматов Х.Х., Русча-лотинча доривор усимликлар лугати. – Тошкент: Ибн Сино, 1992. – 200 б.
3. Холматов Х.Х., У.А. Ахмедов Фармакогнозия –Тошкент, 1995.
4. Холматов Х.Х., Косимов А.И. Доривор усимликлар. –Тошкент, 1994. – 189 б.

Тошбоев З.М., Эргашева Д.А., Омонова М.Ў., Мусурмонова М.К.
(Жиззах, ЖДПИ)

ПОМИР ТОҒЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Ўрта Осиё ўлкасининг жанубида жойлашган Помир тоғларини кўпинча “дунё томи” деб ҳам аташади. Помир тоғлари жуда баланд бўлишига қарамасдан унинг худудидан қадимдан савдо қарвон йўллари ўтганлиги туфайли унинг табиатини ўрганиш кўпгина сайёҳ ва тадқиқотчиларни қизиқтириб келган ҳамда унинг табиат манзаралари Помир тоғлари орқали ўтган ҳар қандан кишини ўзига жалб қилган. Помир тоғлари табиати, аҳолиси ҳақидаги географик тасаввурлар ва билимлар жуда қадимги даврларга тегишли. Помир тоғлари табиати, аҳолиси ва унинг хўжалик юритиши ҳақида маълумотлар берувчи археологик топилмалар палеолит, мезолит ва неолит даврларида Вахш водийсида қадимги одамлар яшаганлигидан далолат беради. Ўша даврларда бу ерда яшовчи одамлар хўжалик юритиш давомида маҳаллий табиий шароит ҳақидаги географик билимларга эга бўлганликларини бу ерда топилган тарихий манбалардан билиш мумкин.

Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган хитой географи Сюан Цзяннинг 629-645 йиллардаги саёҳати давомидаги тўплаган маълумотлари орқали сайёҳнинг Помир тоғлари табиатининг географик ўрганилишига оид дастлабки манбалардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, Помир тоғлари тўғрисидаги маълумотлар машҳур венециялик саёҳ

Марко Полонинг Хитойга қилган саёҳати давомида тўпланган. Ўзининг 1271-1275 йиллардаги иккинчи саёҳатига Марко Полонинг отаси Никколо Поло 17 ёшли ўғли Марко билан биргаликда улар папанинг Осиёдаги элчиси сифатида саёҳат уюштириб, узок йиллар бўлишди. 1271 йилда Никколо, Маффео ва ўн етти ёшли Марко саёҳатга жўнашди. Помир тоғлари томон йўл олишди. Саёҳатчилар жазирама чўл ва серҳосил адирлардан кўп кун юриб, Сапурган (Шибирғон) шаҳрига етиб келишди. Бу ерда Марконинг кўнглини хушлайдиган жуда кўп овланадиган ёввойи қушлар бор эди. Сайёҳлар Балхдан чиқишиб, кўп кунлар давомида ёввойи қушлар, мевалар, ёнғоқлар ва узумларга бой бўлган жойлар, шунингдек, кенг буғдойзорлардан юришди. Ушбу гўзал ерларни ташлаб, венецияликлар бир неча кунга яна чўлга тушиб қолишди ва ниҳоят, мусулмонлар ҳудуди бўлмиш Окс (Амударё) дарёси ёқасида жойлашган Бадахшонга келишди. Карвон бу ерларда Марко хасталаниб қолганлиги туфайли бир йилга ушланиб қолади. Ака-ука Пололар Марконинг буткул соғайишига ишонч ҳосил қилиш учун ҳам Бадахшоннинг ажойиб иклимида яшашни лозим топишди. Сайёҳлар Бадахшондан юқорига кўтарилгани сари Помир тоғлари йўналишида – Окс дарёси оқими бўйлаб юришди; улар Кашмир водийсидан ўтишди. Карвон Кашмирдан шимоли-шарқ томон юриб, Помир тоғларига кўтарилди. Марконинг йўл кўрсатувчилари бу жой дунёдаги энг баланд чўкки эканини айтишди. Марконинг таъкидлашича, Помирда бўлган пайтида ҳаво шу қадар совуқ эканки, ҳаттоки бирон бир қуш ҳам кўзга кўринмасди. Пололар Помир тоғларининг Гез дарёси дарасидан тушиб, Қашқар дарёсининг жанубий куйилиши жойи, ҳозирда Синцзян деб номланувчи Шарқий Туркистоннинг кенг текисликларидан чиқишди.

Помир тоғ тизмалари ва музликларининг текширилиш тарихи бевосита Ўрта Осиёнинг табиати ва табиий ресурсларининг текширилиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада Ўрта Осиёнинг тоғли районларида географик, геоботаник ва зоологик тадқиқот ишларини олиб боришда ҳамда амалга оширишда А.П.Федченко томонидан ташкил этилган экспедициянинг хизмати катта бўлган. 1868 йилда Табиёт фани ҳаваскорлари Москва жамиятининг топшириғига биноан А.П.Федченко хотини О.Федченко билан Ўрта Осиёнинг бир қатор районларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида дастлаб Қўқон хонлигига ташриф буюрган ва хонликка қарам бўлган ҳудудлар билан танишган. 1869 йилда Самарқанд шаҳрига келиб, унинг теварак-атрофи билан танишган, Зарафшон водийсининг ҳосилдор ерларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганган, аҳоли ўртасида этнографик кузатишлар олиб борган. Шу билан бирга географияга, ботаникага, зоологияга ва этнографияга оид материаллар тўплаган.

А.П.Федченко 1870 йилда Кўҳистоннинг ички районларига кириб бориб, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларида бўлган, Искандаркўлда дам олиб, унинг атрофидаги тоғ ўрмонлари билан танишган. 1871 йилда Қизилқумнинг шарқий Сирдарёбўйи районлари билан танишиб, Қурама тизмаси орқали Фарғон водийсига келган ва унинг жанубий қисмида жойлашган Олой тизмасига кўтарилган, Олой водийсига ташриф буюриб, унинг табиати ва табиий ресурсларини ўрганган. Туркистон тоғ тизмасига кўтарилиб, унинг музликлари билан танишган. А.П.Федченко экспедиция давомида Олойорти тизмасини кашф этиб, унинг орографик тузилишини батафсил ўрганади ва унга Олойорти тизмаси деб ном берган.

Помирнинг шимолий қисми Олойорти тизмаси билан чегарадош эканлигини эътиборга олиб, Р.Д.Забиров (1955) Помир музликларининг ўрганилиши даврини А.П.Федченконинг Кўҳистон тоғларида, жумладан, Олойорти тизмасида олиб борган текширишлар даври билан боғлайди.

XIX асрнинг охирида Халқаро музлик комиссияси ташкил қилиниши муносабати билан унинг таркибига Россиядан вакил сифатида И.В.Мушкетов ҳам киритилади. Халқаро музлик комиссияси тузилиши билан бир вақтда, 1895 йилда Россия География жамияти қошида И.В.Мушкетов раислигида музлик комиссияси барпо этилади. 1897 йилда Ўрта Осиёда, Тошкентда Россия География жамиятининг Туркистон бўлими иш бошлайди. Мазкур илмий марказнинг ташкил этилиши Ўрта Осиёда географик тадқиқот

ишларини олиб боришда, музликлар тўғрисида системали равишда маълумотлар тўплашда ва уларнинг илмий натижаларини чоп этишда катта рол ўйнайди.

Помирда музликларнинг тарқалиши тўғрисидаги дстлабки қисқача маълумотлар 1870 йиллардан бошлаб пайдо бўлган. 1871 йил А.П.Федченко биринчилар қаторида Олой водийсига ташриф буюриб, визуал кузатишлар олиб борган, Олойorti тоғ тизмасини кашф этиб, унда музликлар борлигини қайд қилиб ўтган. 1878 йилда В.Ф.Ошанин Помир тоғ системасидаги энг йирик Пётр I тизмасини ва Муксув дарёсининг юқори қисмида жойлашган энг катта водий музлигини кашф этган. В.Ф.Ошанин томонидан кашф этилган музлик фақат Помир ва Ўрта Осиёда эмас, балки сайёрамиздаги энг йирик тоғ музлиги эканлиги исботланди. Бу музликка гляциологик нуқтаи назардан берилган биринчи таъриф В.Ф.Ошаниннинг қаламига мансубдир.

В.Ф.Ошанин Ғарбий Европадаги Альп тоғ системасининг энг баланд чўққиси Монбланнинг геологик тузилишини ва Монблан музлигининг гляциологик хусусиятларини ўрганишда иштирок этиб, ортига қайтиб тушиш пайтида ноқулай об-ҳаво шароитига дуч келиб, 29 ёшида ҳалок бўлган дўсти ва сафдоши А.П.Федченконинг номини абадийлаштириш мақсадида ўзи кашф этган улкан музликни 1880 йилда Федченко музлиги деб атаган. Помирнинг Қоратегин тизмасига ташкил этган экспедицияси учун В.Ф.Ошанин География жамиятининг Кичик олтин медали билан тақдирланган. Помирга борган экспедиция ва саёхатлар орасида рус сайёҳи ва энтомологи В.Ф.Ошаниннинг саёхатлари диққатга сазовордир. В.Ф.Ошанин 1878 йил Помирга саёхат қилиб, Қоратегин ва Дарвоз тизмаларига уюштирилган экспедицияга бошчилик қилди. Бу экспедиция табиатшунослар жамиятининг Туркистон бўлими томонидан уюштирилган эди. Ошанин ниҳоятда катта Пётр I тизмасини ва унинг шарқ томонидаги ғоят катта Федченко музлигини кашф этди. Ошанин Помирнинг табиатини, орографияси ва геологиясини ўрганди.

В.Ф.Ошанин икки экспедициясининг муҳим якунлари: ўлканинг энг катта музлиги – Федченко музлигини кашф этиш, Дарвоз ва Пётр I тизмаларини илк бор орографик тасвирлаш, Олой водийси ва Бадахшоннинг биринчи ҳамда энг тўла табиий-географик тавсифини яратиш, уларни батафсил тасвирлаш, кўплаб янги ҳайвон турларини аниқлаш ҳамда ўрганилган ҳудудларнинг анча аниқ карталарини тузишдан иборат бўлди.

Н.А.Северцев 1878 йилда Шарқий Помирда бўлиб, Помирнинг орографик схемасини тузган. Бу регионда ҳозирги музликларнинг кам ривожланганлиги ва қадимги музликларнинг географик тарқалиши кенг масштабли бўлганлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар тўплаган. Унинг бутун экспедицияси давомида тўплаган материаллари 1886 йилда чоп этилган “Помир тоғ системасининг орографик очерки” (Орографический очерки Памирской горной системы) монографиясида ёритилган.

1877 йил сайёҳ Европа олимларидан биринчи бўлиб Помир тоғлигининг марказий қисмларини батафсил текширди ва унинг орографияси, геологияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиб, келиб кетадиган паррандаларнинг йўллари картасини ишлаб чиқди. Н.А.Северцовнинг экспедицион тадқиқотлари натижасида Тяньшань билан Помирга умумий географик тавсиф бериб, Тяньшань ва Помирнинг ўзаро геологик ва географик муносабати, Помир билан Тяньшань яхлит бир тоғ системаси эмаслиги, Помирнинг орографик плани, ички регионал тафовутлари ва Баланд Осиёни Олд Осиё билан боғлаб турувчи баҳайбат тоғ тугуни “бутун Осиё қитъасининг орографик маркази” эканлиги узил-кесил ҳал қилинди. Помир орографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид бой материал тўплаган.

Россия География жамиятининг топшириғига биноан В.И.Липский 1896-1899 йиллар давомида Помирнинг шимоли-шарқий қисмидаги тоғ тизмаларида мавжуд бўлган музликларни ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширган. У гляциолог саёхатчилар орасида биринчи бўлиб Дарвоз ва Пётр I тоғ тизмаларининг айрим ички районларига кириб бориб, бир қатор музликларни кашф қилган ва улар тўғрисида кўплаб маълумотлар тўплаган. А.А.Федченко 1901-1904 йилларда Помирнинг жанубий

районларида бўлиб, тоғ музликларига оид маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланган. Экспедиция давомида Рушон ва Шохдара тоғ тизмаларида гляциологияга тааллуқли бўлган кузатиш ишларини амалга ошириб, 100 дан ортиқ музликларни рўйхатга олган.

Помир тоғ системасидаги музликларни мунтазам равишда кузатиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш 1903 йилдан бошланган. Бундай хайрли ишга Н.Л.Корженевский раҳбарлик қилиб, 1904 йилда Пётр I тизмасининг шимолий ёнбағридаги музликларни, Муксув дарёсининг ўрта оқими бўйлаб жойлашган Мушкетов, Фортамбек ва бошқа музликларни кашф этди. 1910 йилда Федченко музлигининг охиригача қисмига белги ўрнатган ва у белги кейинчалик 1914 йилда текширилган. Олиб борилган кузатишлар натижасида Федченко музлигининг охири 1910 йилдаги ҳолати 1914 йилга келиб анча олдинга силжиганлиги аниқланган.

С.С.Неуструев билан О.Э.Кнорринг Помирдан Қорақўлга бордилар ва Помир пости орқали Қашқарнинг бир қисмида ҳам бўлдилар. С.С.Неуструевнинг бу экспедиция натижаларига бағишланган махсус асарида (1914) ўрганилган ҳудудларнинг табиий географик шароити, айниқса тупроқлари кенг тасвирланади. С.С.Неуструев Помир табиати ҳақида сўз юритар экан, уни тупроқларига кўра баланд тоғ саҳроларига киритади. Айни вақтда Помир совуқ саҳролари тупроқлари билан Турон чўллари тупроқ қопламидаги айрим ўхшашликларни ҳам эътироф этади.

Д.В.Наливкин 1924 йил Помир экспедицияси ва Копетдоғга уюштирилган геологик-географик экспедицияларини, шунингдек, 1928 йил Помир баланд тоғ экспедицияси ва Иссиқкўл комплекс экспедицияларини ташкил этган. Д.В.Наливкин Помир тоғларини текшириб, унинг деярли ҳамма жойида қадимги музликлар қолдирган “изларни” (трог шаклидаги дарё водийлари, мореналар) учратган. Шуларга асосланиб, Ғарбий Помирда – водий музликлари, Шарқий Помирда эса қоплама музликлари тарқалган деган хулосага келган (Баратов, 2002).

Н.Л.Корженевский 1923 йилдан 1926 йилгача Помирнинг марказий қисмларига бориб, Танимас, Кўкжар, Мўксув дарёларини ва у ердаги музликларни, шунингдек Фанлар Академияси тизмасини пухта ўрганди. 1923 йилнинг ёзида Н.Л.Корженевский ТОРГОнинг (Россия География жамияти туркистон бўлими) Помир баланд тоғликларига уюштирилган экспедицияга раҳбарлик қилди. Бу экспедицияда ботаник И.А.Райкова, геолог И.И.Бездека ва топограф С.А.Полозов ҳам иштирок этди. Улар Ўш – Катта Помир йўли – Мурғоб қишлоғи – Аличур водийси – Яшилкўл – Буромал ва Лангаркўтал доvonлари – Сарез кўли – Мурғоб қишлоғи – Катта Помир йўли маршрути бўйича узок ва машаққатли йўл босиб қимматли географик маълумот тўпладилар. Экспедиция давомида табиий ландшафтлар тасвирланди, геологик, геоморфологик, топографик ва ботаник маълумотлар тўпланди. Бинобарин, Помирнинг ички районларига ўтказилган бу экспедиция ҳам ўлка географик ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

1924 йил ёзида толмас сайёҳни Помир ва Олой тоғ системалари чегарасидаги Мўксув дарёсининг улкан тоғ-музликлари райони чорлади. У Мўксув дарёсининг фанга деярли номаълум бўлган бош ирмоқларини ва Мушкетов, Федченко, Танимас музликларини ўрганиб, ажойиб географик тасвирини берди. 1925 йил олимни Помирнинг энг ички ва кириб бориш ниҳоятда мушкул бўлган районида – Танимас дарёси бошларида учратиш мумкин эди. Сайёҳ бу саёҳатида йўл-йўлакай Помирнинг энг катта кўллари Қорақўл, Яшилкўл ва Сарез кўлида тўхтаб, уларни тасвирлади. Унинг Сарез тўғон-кўлининг вужудга келиши ва ҳолати ҳақидаги илмий хулосалари айниқса муҳим. Н.Л.Корженевский бу саёҳатида қадимги тўртламчи давр музланишлари ва улар ҳосил қилган рельеф шакллари ҳақида муҳим янги илмий хулосалар баён қилди. Жумладан, у тўртламчи даврда икки марта катта музланиш бўлганлигини таъкидлайди.

Олим 1926 йил Помирнинг ва бутун Ўрта Осиёнинг энг улкан Федченко музлигини ўрганган сайёҳ бир қанча географик кашфиётлар қилди. Масалан, у Музжилға чўкқисидан жануби-ғарбда фанга номаълум бўлган жуда баланд ва тепаси оппоқ қалин қор билан

қопланган тоғ тизмасини илк бор кўриб, тасвирлади. Н.Л.Корженевский бу тизмани Фанлар Академияси тизмаси деб, унинг энг юксак чўққисини эса машҳур геолог академик Карпинский номи билан атади. Олимнинг бу экспедиция натижалари асосида ёзган “Мўксув ва унинг музликлари” асари (1927) географик, айниқса орогидрографик тасвирининг муфассаллиги ва ёрқинлиги билан ўқувчиларни ҳамон ҳайратга солиб келади.

Помир музликларини текширилиш тарихида биринчи бўлиб Н.И.Косиненко 1909 йилда ўзининг отряди билан Федченко музлигининг атрофини айланиб чиқиш маршрутини тузган. Шу билан бирга у Федченко музлик тилининг 30 км масофадаги қуйи қисмини текшириб, унинг катта қисмига Бивачний музлиги деб ном берган. Кейин Баланд Кийик водийси бўйлаб Танимас музлигига (ҳозирги Грумм-Гржимайло музлиги) борган ва унда гляциологияга оид кузатиш ишларини олиб борган. Бартанг водийсига ташириб буюриб, Язғулом тизмасининг чўққилари билан танишган.

Помирнинг энг мураккаб ички районларини комплекс текшириш ва илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида 1928 йилда собиқ Иттифоқ Фанлар академияси ташаббуси билан катта экспедиция ташкил этилади. Бу экспедиция Помир музликларининг текширилиш тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Экспедиция янги техника ва аниқ ўлчов асбоблари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, унинг ходимлари Федченко музлигини батафсил текширган, фототеодолит съёмкалар ўтказган, музликларнинг аниқ топографик карталарини тузган. Федченко музлик системасининг майдони 900 км² га тенг эканлигини биринчи марта аниқлашга муваффақ бўлганлар.

Помирда 1933 йилда биринчи стационар кузатиш ўчоғи Федченко музлигининг чекка қисмида бунёд этилди. У дунёдаги энг биринчи гляциологик обсерватория бўлиб, денгиз сатҳидан 4000 м дан баландроқда жойлашган. 1932 йилда Тожикистон комплекс экспедицияси кенг кўламда дала тадқиқот ишларини бошлади. Бу экспедицияда географлардан К.К.Марков ва Н.Л.Корженевский фаол иштирок этиб, бир қатор музликларда гидрологик, метеорологик ва актинометрик кузатишлар олиб борган, ҳозирги музликларнинг морфологиясини ўрганган, уларнинг структураси, эриши ва ҳаракатига оид маълумотлар тўплаган. К.К.Марков (1935) Помир тоғлари геоморфологиясига оид очеркини ёзган. Кузатишлар давомида тўплаган барча материаллар тадқиқотчиларнинг илмий мақолаларида ва монографияларида ўз аксини топган. Географ-алпинист Е.В.Тимашев 1947-1950 йилларда Пётр I тизмасининг жанубий ёнбағридаги Гандо музлигини батафсил ўрганган ва Помирнинг энг баланд чўққиларини забт этишда иштирок этган. 1950 йилда Б.П.Бархатов Язғулом ва Рушон тоғ массивларидаги музликларнинг умумий музланиш характерини ўрганиб, тўпланган материалларни қиёсий таҳлил қилган.

О.Е.Агаханянцнинг асосий ўрганиш объекти Помир тоғлари бўлиб, у ўз умрининг катта қисмини ушбу ҳудудда ўтказган. О.Е.Агаханянц илмий ишларидан ташқари, бир қатор илмий-оммабоп китоблар ва саргузашт ҳикоялар тўпламини ҳам ёзган бўлиб, ўзининг Помирга қилган саёҳат таассуротларини “Помир тоғларининг бир йили (геоботаникнинг ёзганлари)” асарида (1987) бадиий услубда тасвирлаб берган.

Москва ДУ География факультети томонидан ташкил этилган экспедиция 1948-1950 йиллар давомида И.С.Шукин раҳбарлигида Помирнинг шимол-ғарбий районида, Ванч ва Язғулом дарё водийларида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Экспедиция таркибидаги гляциологик отрядга Р.Д.Забиров бошчилик қилиб, Шимоли-шарқий Помирнинг бир қатор йирик музликларини ўрганган, тадқиқот олиб борилган ҳудудлардаги музликларнинг мукамал карта-схемаларини тузган. Амалга оширилган кузатиш ишлари ярим стационар шаклда бўлиб, бир неча музликларнинг юзасининг эриш жараёни, уларнинг гидродинамик ўзгаришини ва микроклимий шароитларини батафсил ўрганишга қаратилган. Олимнинг ҳисобалишча ўша вақтда Ванч дарёси бошланувчи музликнинг қалинлиги 300-500 м гача етган, кенглиги 25-30 км дан ошган. Экспедиция давомида тўпланган барча материаллар Р.Д.Забиров томонидан таҳлил

қилинган ва системалаштирилган. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг асосий натижалари Р.Д.Забировнинг кўплаб мақолаларида ва 1955 йилда чоп этилган “Оледение Памира” номли монографиясида муфассал баён этилган.

М.Б.Дюргеров, Н.А.Урунбаев (1977) Помирнинг фирнли музликлар платосида гляциологик тадқиқотлар олиб борган, музликларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини ўрганган. Н.А.Кузнецов, В.И.Квачев (1982) Федченко музлиги ва унинг ирмоқларида 1976-1978 йилларда дала кузатиш ишларини амалга оширган, ирмоқлардан оқиб келган музликлар, музлик тилларининг ҳаракати, уларнинг чекиниш тезлиги тўғрисида маълумотлар тўплаган. Ю.С.Усков, Н.Дилмуродов (1983) Помирнинг Сугран дарёси ҳавзасидаги музликларнинг эриши, ҳаракати ва силжиши ҳақидаги материаллар илмий мақолада ёритилган.

Помир музликлари тўғрисида статистик маълумотлар ва картографик материаллар тўплашда ва уларни системага солиб таҳлил қилишда, ҳар қайси тоғ тизмасига гляциологик тавсиф беришда Л.Д.Долгушин ва Г.Б.Осипованинг (1989) хизмати катта. Уларнинг берган маълумоти бўйича, Помирда 6729 та музликлар бўлиб, умумий майдони 7493,4 км² ни ташкил этади. Л.Д.Долгушин ва Б.Г.Осипова Помир тоғ системасининг табиий шароити, орографик тузилиши, геоморфологик ва иқлим хусусиятларига қараб 4 та районга бўлган: 1.Шимолий Помир; 2.Марказий ва Ғарбий Помир; 3.Жануби-Ғарбий Помир; 4.Шарқий Помир. Муаллифларнинг “Музликлар” (Ледники, 1989) номли монографиясида музликларнинг тоғ тизмалари бўйича географик тарқалиши, сони, майдони, типлари, сифатий ва микдорий кўрсаткичлари ҳамда районлари муфассал ёритилган (Абдулқосимов., Баширов, 2014)

К.К.Марков 1932-1935 йилларда “Ҳукумат ва ФАнинг Помир экспедицияси” фаолиятида иштирок этиб, кейинчалик Тожикистон-Помир экспедицияси деб ўзгартирилди. Тяньшан тоғларидаги музланиш сабабларини тушунтириб, Шимоли-Ғарб, Помир, Антарктиданинг геоморфологияси ва палеогеографияси бўйича бир қатор муҳим масалаларни ҳал этди.

А.Н.Розанов Тожикистон худуди тупроқларини ўрганиб, баландлик тупроқ минтақаларининг турли худудлардаги ўзига хос структурасини аниқлаган. Бунда у Тожикистон тоғларида янги тупроқ типи “кўнғир ўрмон тупроқлари”ни ажратиб, уни Рамани кўнғир тупроқларининг аналоги (ўхшаши) деб ҳисоблади. А.Н.Розанов Тожикистонда тупроқлар баландлик зоналлигининг уч типини ажратиб, уларни табиий гароитдаги муҳим регионал тафовутлар билан асослади. Булар – Шимолий Тожикистон, Жанубий Тожикистон ва Шарқий Помир баландлик зоналари типларидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Абдулқосимов А.А., Баширов А.Н. Помир музликларининг текширилиш тарихи. Антропоген ландшафтшунослик. Илмий мақолалар тўплами. СамДУ нашри. Самарқанд. 2014. 56-61 б.

2.Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. Ўқув қўлланма. Т. Ўқитувчи. 2002.

G.Xoldorova G., Suyunov D.(Jizzax, JDPI), Begbo'tayev E. (JPI AL)

TEMURIYLAR DAVRIDA GEOGRAFIK BILIMLARNING RIVOJLANISHI

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardanoq xalqimiz tarixiy-madaniy merosini qayta tiklash va undan jamiyatni ma'naviy yangilashda unumli foydalanish zarurati tug'ildi. Chunki, «jamiyat taraqqiyotidagi har qanday o'zgarishlar, yangiliklar, ayniqsa, insoniyat rivojiga turtki beradigan jarayonlar, kashfiyotlar o'z-o'zidan yuz bermaydi. Buning uchun avvalo asriy an'analar, tegishli shart-sharoit, tafakkur maktabi, madaniy-ma'rifiy muxit

mavjud bo'lmog'i kerak. Millatning tabiatida, qonida, nasl-nasabida ezgulik va ma'rifat sari intilish mafkurasi va qonuniyati jo'sh urishi lozim.»¹

Respublikamiz birinchi Prezidenti I.A. Karimov, - «har bir kishi, millat, xalq o'z tarixini bilishni istaydi, shuning uchun olimlarimiz o'zbek xalqining tarixiy o'tmishi, o'zligi, ma'naviyati va madaniyati to'g'risida ilmiy yaxlit konsepsiya yaratishlari zarur,»² – deb ta'kidlaydi. Umumiy o'rta ta'lim tizimida allomalar merosini o'rganishning ahamiyati haqida gapirar ekanmiz avvalo, mutafakkir bobokalonlarimizning bizga qoldirib ketgan boy tarixiy merosi, ularning ilmiy-nazariy ahamiyatini ham chuqurroq anglab olishimiz zarur deb hisoblayman. Shu bilan bir qatorda ularning faoliyatlari ham bizni qiziqitirmay qolmaydi.

Zamonaviy geografik fanlar tizimining tugal shaklga kelishi va o'zaro rivojlanish bosqichiga o'tishi uchun juda uzoq vaqt talab etildi. Qadimgi va O'rta Asrlar davri geografiya fanida umumiy tushunchalar va bilimlarning amaliy tarzda to'planishini o'zida namoyon etsa yangi davr bu fanning boshqa fanlar bilan bog'lanishi va geografik qobiq komponentlarini o'rganish jarayonida tarmoqlanish va ixtisoslashuv davri hisoblanadi. Geografiya fanining asosiy mohiyati va nazariyasining yaxlit va yagona ko'rinishga ega bo'lmaganligi va barcha fanlar hamda ijtimoiy hodisalar bilan bog'lanishi ilmiy doiralarda geografiya fanining maqsad va vazifalari borasidagi munozaralariga sabab bo'ldi. Bu munozarlarda bildirilgan fikrlar fanning rivojlanish yo'lini belgilashga xizmat qiladi. Binobarin, geografik fanlar tizimi juda murakkab va ko'p qirrali ko'rinishdadir. Shunga ko'ra geografik tushunchalar va unga bog'liq rivojlanish bosqichlari tarixini o'rganish dolzarb masala hisoblanadi.

Buyuk sarkarda Amir Temur ilm-fan, ma'naviyat ahliga, inson tarbiyasiga, odob axloqiga, uning adolatni sevishga, vatanparvarlik va insonparvarlikka o'rgatishga katta ahamiyat bilan qaragan. U yoshlarning ilmi, savodli bo'lishini istagan. Shu boisdan har bir shaharda masjid, madrasalar qurish, ulamo-yu domlarni moddiy rag'batlantirish siyosatini amalga oshirdi [4]. Bundan ko'rinib turibdiki, Amir Temur mamlakatning ravnaqi, taraqqiyoti, komil insonni tarbiyalash uchun xizmat qiladigan ilm-fan sohiblarini izzat-hurmat qilib, ularning ijod etishlariga, insonni tarbiyalash uchun qulay sharoit yaratib bergan va yoshlar tarbiyasi bilan shug'ullanuvchi muallim va mudarrislar belgilab, ularga nafaqa tayinlagan. Temuriylar hukmronligi davrida ta'lim-tarbiya, madaniyatimiz va ma'naviyatimiz rivojiga katta hissa qo'shildi va ular hozirda ham o'z ahamiyatini saqlab kelmoqda.

XIV asrning 50-yillarida Amir Temur siyosat maydoniga chiqdi. Markazlashgan yirik feodal davlat barpo etildi. Madaniyat, maorifqaytadan yuksala boshladi. Shuning uchun XIV asrning 2-yarmi va XV asr tarixida Sharq uyg'onish davrining 2-bosqichi deb ataladi.

Temur Movorounnahrda boshqa o'lkalardan hunarmandlarni olib keltirdi. Samarqand va Xirotda madrasalar, kutubxonalar, rasadxonalar qurildi. Tibbiyot, riyoziyot, falakkiyot, geografiya, tarix, adabiyot, falsafa, tabiatshunoslikka oid ajoyib asarlar yaratildi.

Temurdan so'ng temuriylar davrida mamlakat Movorounnahr va Xuroson davlatiga ajralgan holda boshqarildi. Samarqand va Xirotda madaniyati, ilm-fan markaziga aylandi. Shohizinda, Go'riamir, Bibixonim masjidi, Registon maydoni, qator bog'lar va boshqalar barpo etildi.

Ulug'bek zamoniga kelib esa matematika, astronomiya fanlari rivojlandi. Tibbiyot, tarix, adabiyot va diniy bilimlarga e'tibor berildi. Buxoro, Samarqand, G'ijdivonda madrasalar qurildi.

Amir Temur jahonda kuch-qudrat zo'rlik, zo'ravonlikda emas, aksincha, adolatda ekanligini chuqur anglab yetdi. Adolatni kuch bilan, kuchni adolat bilan uyg'unlashtirdi. Buyuk saltanat sohibi "Kuch adolatdadir" shioriga qat'iy amal qilib, davlatni boshqarishda jabr – sitam yo'lini berkitgan.

Amir Temurning ibratli pand-nasihatlari, uning mazmun-ma'nosining kengligi, mantiqlik kuchliligi, ta'siri barkamol shaxsdagi ijobiy xislatlarni shakllantirishga ma'naviy asos bo'ladi.

¹ Каримов И.А. «Жамият мафкуриси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин» Тошкент. «Ўзбекистон» 1998й.

² Каримов.И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент. «Ўзбекистон» 1998й.

Uning insonga xos ijobiy sifatlar to'g'risidagi qarashlari yoshlarni vatanni sevishtga, xalqparvar bo'lishga, o'z xalqiga xizmat qilishga, adolatli bo'lishga chorlaydi. Buyuk sarkarda Amir Temur ilm-fan, ma'naviyat ahliga, inson tarbiyasiga, odob axloqiga, uning adolatni sevishtga, vatanparvarlik va insonparvarlikka o'rgatishga katta ahamiyat bilan qaragan. U yoshlarning ilmi, savodli bo'lishini istagan. Shu boisdan har bir shaharda masjid, madrasalar qurish, ulamo-yu domlarni moddiy rag'batlantirish siyosatini amalga oshirdi [4]. Bundan ko'rinib turibdiki, Amir Temur mamlakatning ravnaqi, taraqqiyoti, komil insonni tarbiyalash uchun xizmat qiladigan ilm-fan sohiblarini izzat-hurmat qilib, ularning ijod etishlariga, insonni tarbiyalash uchun qulay sharoit yaratib bergan va yoshlar tarbiyasi bilan shug'ullanuvchi muallim va mudarrislar belgilab, ularga nafaqa tayinlagan. Temuriylar hukmronligi davrida ta'lim-tarbiya, madaniyatimiz va ma'naviyatimiz rivojiga katta hissa qo'shildi va ular hozirda ham o'z ahamiyatini saqlab kelmoqda.

Temuriylar davri ilm-fani va madaniyatining yuksalishiga ulkan hissa qo'shgan buyuk alloma va davlat arbobi Mirzo Ulug'bekdir. Uning avlodlarga krdirgan ilmiy merosining eng asosiysi „Zij"i bo'lib, bu asar „Ziji Ulug'bek", „Ziji jadidi Ko'ragoniy"nomlari, bilan mashhur.

Ulug'bek „Zij"i o'zining tarkibiga ko'ra, VII—XI asrlarda boshlangan astronomik an'anani davom ettirgan bo'lsa-da, uning ilmiy saviyasi ilgari „Zij"lardan ancha yuqori turadi. Zij"ning birinchi maqolasi eralar va kalendarlar masalalariga bag'ishlangan, ikkinchi maqolada matematika va sferik astronomiya muammolari ustida so'z boradi. Uchinchi maqola, asosan, astronomiya masalalariga bag'ishlangan. Bunda quyosh, oy va besh sayyoraning harakat lari tavsifi haqida so'z boradi. Asarning oxirgi — to'rtinchi maqolasi, asosan, ilmi nujumga bag'ishlangan. Ulug'bek ishlab chiqqan astronomik jadvadda falak alburj tekisligining xatti istivoga og'maligi 23 daraja, 30 daqiqa, 17 soniyaga teng bo'lib, hozirgi hisob bo'yicha u 23 daraja, 30 daqiqa, 49 soniyani tashkil etadi. Tafovut 32 soniyaga tengdir. O'sha davrdagi boshqa astronomik jadvallarning birontasida bunday aniqlik bo'lmagan. XV asrda O'rta Osiyo hududidagi davlatlarda ijtimoiy va madaniy yuksalish kuzatilgan. Bu davrda turli sohalar bilan birgalikda gyeografik bilimlar ham boyib bordi. Ushbu davrda quyidagi ishlar amalga oshirildi:

1. Hofizi Abru tarixiy gyeografik asar yozgan.
2. G'iyosiddin Naqqosh Xitoyga safar qildi.
3. Abdurazzoq Samarqandiy Hindistonga elchi bo'lib bordi.
4. Ulug'byek rasadxonasida zij tuzildi.
5. Ali Qushchi astronomik va gyeografik tadqiqotlar olib bordi.

Ta'kidlash kyerakki, Sharq sayyohlari olis yurtlarga asosan elchilik yoki savdogarlik ishlari bilan borganlari uchun, ularning yozuvlar aniq geografik bilimlardan ko'ra tasvir va tarixiy etnografik ahamiyatga egadir. Samarqandda Qozizoda Rumi, Mansur Koshiy, Xirotda Navoiy, Jomiy, Behzod, tarixchi Xondamir, xattot Sulton Ali mashhadiy va boshqalar ijodi gulladi. Ali Qushchi astronomiyaga oid «Risola dar falakkiyot» asarini yozib, unda geometrik bilim asoslari, tibbiyot fanlari va boshqa sohalarga oid boshlang'ich bilimlarni bayon etdi.

Amir Temur davlatchiligi va uning adolatli ijtimoiy-tashkilotchilik ishlari; Mirzo Ulug'bekning koinot va ta'limni ommaviy ravishda olib borish haqidagi ta'limoti; Mirzo Boburning millatlararo do'stlikni va adolatni qadrlash hamda ta'limni (shu jumladan, o'zbek alifbosini ya'ni «Xatti Boburiy»)ni isloh qilish sohasidagi ishlari; lardagi ma'naviy-axloqiy ta'limotlarda teran ifoda etilgan.

Demak, bizning ajdodu-avlodlarimiz ham jismonan, ham ma'nun komillikka orzu-havas qilganlar. Bu esa insonni kamolot sari yetaklashi aniq, chunki mustaqil yurtimiz azal-azaldan ilmu ma'rifat, ziyo va madaniyat maskani sifatida jahonga mashhur bo'lib kelgan.

Demak, buyuk bobolarimizning o'lmas merosi bugungi yoshlarimizning ma'naviy tarbiyasida va ayniqsa ularning milliy dunyoqarashi kengayishida bitmas-tuganmas xazinadir.

Adabiyotlar:

4. O'zbekiston milliy entsiklopediyasi. 6-jild. Miriy-Parxish. T.: "O'zbekiston milliy entsiklopediyasi" davlat ilmiy nashryoti. 2003 y.
5. Uvatov U. O'zbekiston buyuk allomalar yurti. «Ma'rifat» gazetasi, 2005 yil, 1 oktyabr.

6. Jabborov U. Sohibqiron davrida adolat // “Milliy tiklanish” gazetasi, 2007 yil, 11 aprel.
4. Amir Temur va temuriylar davrida madaniyat va san’at. Toshkent. G’afur G’ulom nomli nashriyot, 1996 y.
5. Mo’minov I. Amir Temurning O’rta Osiyo tarixida tutgan urni va roli. Toshkent. Fan, 1993 y.

II - ШЎБА

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Комилова Н.Қ. (Тошкент, ЎЗМУ), Зайнутдинова Д.К. (Жиззах, ЖДПИ)
**ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР КАСАЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, фармонда айнан, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенг амалга оширишга катта эътибор қаратилган.²

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 22 декабр куни 2017 йилда мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Она ва бола саломатлигини асраш” масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда она ва бола саломатлигига, ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялашга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга устувор аҳамият берилмоқда. Юртимиз келажагини белгилаб берувчи ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш борасида «Соғлом авлод учун» ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилаш ва экологик муҳит мусаффолигини муҳофаза қилишга қаратилган «Ибн Сино» Халқаро жамғармалари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг бош мақсади халқ саломатлигини ҳимоялаш бўйича давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш, Ибн Сино ва замонавий тиббиёт илм-фани асосида шарқ таъбиотини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатлардан иборат жаҳон рейтингида ўсиб бораётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаб бориш бўйича ҳозирча тўла-тўқис ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжуд. Чунончи, бугунги кунда республикада гўдаклар ўлими ва уларнинг айрим касаллик гуруҳлари жумладан, нафас олиш, юкумли-паразитар касаллик гуруҳлари билан касалланиши камайиб бораётган бўлсада, бироқ улар орасида хавfli ўсма, қон ва қон яратувчи аъзолар тизими билан боғлиқ касаллик гуруҳлари билан касалланиш кўрсаткичлари бирмунча ортиб бормоқда. Болалар саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда аввало минтақаларда аҳолининг санитария маданиятини ошириш ва санитар-эпидемиологик назоратни (мониторингни) кучайтириш, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа тиббий хизмат муассасалар ҳамда ходимлар сони ва сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 7 февраль.

Тадқиқотлар ҳудудларда профилактика-диагностика, болаларни эмлаш ишларини, санитария-эпидемиология хизматини янада яхшилаш лозимлигини кўрсатади. Шу ўринда республикада юқумли хасталикларни тарқалишига доир чора-тадбирлар тизимини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бироқ, афсуски, аҳоли манзилгоҳлари, шаҳарча ва қишлоқларни табиий газ ва хусусан ичимлик сув билан таъминлаш аввалгидек ҳамон долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада кўп ишлар қилинган бўлсада, аммо оддий маиший қулайликларга эга бўлмаган аҳоли манзилгоҳлари кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, турли йирикликдаги марказлардан бирмунча узоқда жойлашган қишлоқларда аҳолининг электр энергия, ичимлик суви, табиий газ ва бошқа маиший хизматлардан фойдаланишда зарурий имкониятларни йўлга қўйиш лозим. Республиканинг айрим вилоятларида (Жиззах, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) аҳолининг тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳамда дарё, ариқ, қудуқ сувларидан тўғридан-тўғри фойдаланишлари аҳоли айниқса, болалар орасида баъзи касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бу ҳол, ўз навбатида, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумки, ичимлик сувининг таркиби билан боғлиқ ҳолда кўпгина касаллик гуруҳлари, жумладан юқумли касалликлар, шунингдек, овқат ҳазм қилиш аъзолари хасталиклари кенг тарқалади.

Ҳозирги вақтда республикада болалар саломатлигини яхшилашга тўсиқ бўлган географик ва нозоэкологик муаммолар куйидагилар:

- йирик саноат мажмуалари жойлашган ҳудудларда (Ангрен, Олмалик, Чирчиқ, Фарғона, Навоий ва ҳ.к.) урбоэкологик вазиятнинг салбийлашуви ва бунинг оқибатида баъзи касаллик турларининг ортиб бориши;

- Орол ва Оролбўйи минтақаси нозогеографик вазиятининг кескинлашуви (ичимлик сув таркибининг меъёрий талабларга жавоб бермаслиги, атмосфера ҳавоси таркибида туз ва чанг миқдорининг юқорилиги);

- теварак-атрофдаги ҳаво, сув ва тупроқнинг саноат чиқиндилари, пестицидлар ҳамда минерал ўғитлар билан зарарланиши оқибатида аҳоли орасида умумий касалланиш ва ўлим ҳолатларининг айрим ҳудудларда ортиб бориши;

- Мирзачўл иқтисодий районида жойлашган Айдаркўл-Арнасой кўллари тизими атрофида нозоэкологик вазиятнинг кескинлашуви оқибатида келгусида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ бирмунча ўзгаришлар юзага келиши мумкин;

- саноат ҳамда маиший турмуш чиқиндиларини қайта ишловчи замонавий технологияларнинг йўқлиги, мавжудларининг эса талабга жавоб бермаслиги; тоғ-кон чиқиндилари, турли радиоактив элементлар билан боғлиқ омиллар ва бундай ҳудудларда аҳоли саломатлигига зарар етказилаётганлиги ва б.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 7 февраль.
2. Комилова Н.Қ. Тиббиёт географиясининг назарий ва амалий масалалари. Илмий монография. –Т.: “SHARQ”, 2016.- 267 бет.

Тожиева З.Н. (Тошкент, ЎзМУ),

АҲОЛИ СОНИ КўПАЙИШИ ВА ЖОЙЛАНИШИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аҳоли ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш мамлакатнинг келажак тараққиётини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса аҳоли ривожланишидаги асосий демографик омилларни, сифатий хусусиятларини тарихий жараёнлар билан боғлаб илмий асосда таҳлил қилиш, маълум даврлардаги ўзгаришларининг аниқ сабабларини кўрсатиб бериш, аҳолининг ўсиб боришини қай

тарзда бўлишини олдиндан аниқлашни тақозо этади. Айни пайтда аҳоли ўсиши ва ривожланишида вужудга келаётган муаммоларни ижтимоий географик нуқтаи - назардан ёндошган ҳолда ҳар бир регионнинг табиий, иқтисодий ва демографик хусусиятларини ҳисобга олиб ўрганиш лозим.

Одатда, демографик жараёнлар давлатларнинг ҳуқуқий, диний ва миллий хусусиятларига мос ҳолда мустақил ривожланади. Кўпгина ҳолларда урф-одатлар, миллий анъаналар вақт ўтиши билан мамлакатларнинг олиб бораётган сиёсати доирасидаги дастурларга мослашади ва демографик жараёнлардаги ўзгаришларда ўз ифодасини топади. Бу эса демографик жараёнлар боришида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш ёки демографик ўтиш даврини вужудга келишига сабаб бўлади.

Аҳоли ўсишининг барқарорлашуви тезлашиб бормоқда. Бу кўпгина мамлакатларда оилани режалаштириш дастурининг самарали амалга оширилиши, аёлларнинг ўта юқори иқтисодий ва социал маърифатига эгаллиги билан боғлиқдир (Ю.В. Новиков, 2002, 67-б.). Ўрганишлар шуни кўрсатадики, демографик жараёнларга экология ва кишилар соғлиғининг ёмонлашувигина эмас, балки айнан ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам таъсир қилади. Россияда нашр қилинадиган "Семейный совет" газетасида ёзишича, "Ғарбда қайд қилинмаган никоҳлар сони ортиб борапти. Бундай эр-хотинлар одатда фарзанд кўришни исташмайди. Булардан кўринадики, фарзанд замонавий оилалар учун асосий мақсад, интиқлик билан кутиладиган меҳмон бўлмай қолди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 2050 йилга бориб ер шарида иккитадан ортиқ фарзанди бўлган оилалар умуман қолмас экан" ("Оила ва жамият" газетаси, 1998 й.-№2).

Аҳоли ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларга ижтимоий иқтисодий шароитлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Натижада, бу кўрсаткичлар дунё мамлакатларида турли тарихий даврларда ўзгариб борган. Чунончи, собиқ Иттифоқнинг парчаланиши унинг таркибидаги республикаларда аҳоли ўсиши ва ривожланишида кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бунда умумий ҳол-туғилиш даражасининг пасайиши бўлди. В.Ц.Урланис "мамлакатдаги туғилиш ва ўлимнинг даражаси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига жамият иқтисодий тизимига, ишлаб чиқариш муносабатларининг типига боғлиқ, дейди. Аҳолининг сони, унинг ўсиб боришини туғилиш ва ўлим сонига қараб аниқлаш мумкинлигини ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан чамбарчаслигини" (В.Ц.Урланис, 1974, 73-б) алоҳида таъкидлайди.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар билан аҳолининг сони гоҳ кўпайиб ёки гоҳ камайиб бориш масалалари турли хил фанлар нуқтаи назаридан кўплаб олимлар илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Булар қаторига, иқтисодий география, демография, иқтисод ва социология, статистика кабилар қиради. Жумладан, ҳозирги шароитда аҳоли ва ҳудуд тушунчаларини ўзаро боғловчи, аҳоли ўсиши ва ривожланишидаги масалаларни ёритиб бериш аҳоли географиясининг вазифаларидан ҳисобланади.

"Аҳоли ҳудуд бўйлаб қандай тарқалади-бу сўзсиз демографларнинг муҳим вазифаларидан биридир, маълум бир ҳудудни ўрганишда, шу ёки бошқа ҳудудда қанча одам яшашлиги-бу география фанининг масаласи" деб ёзади А.Я. Боярский (1985, 15-б). Бир бутун ҳудуд бўйлаб кишиларнинг жойланишини эса у махсус аҳоли географияси фанининг предмети эканлигини, яъни аҳоли географияси ўрганишлигини таъкидлайди. Демак, аҳоли сонини ўсиши, ривожланиши ва ҳудудий жойлашуви билан боғлиқ табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳамда ҳудуднинг иқтисодий ўзлаштириш жараёнини аҳоли кўпайиши ва жойланишига таъсирини юқоридаги ҳар учала фан нуқтаи назаридан илмий тадқиқ ва ташхис этиш мумкин бўлади.

Тобора глобаллашган, интеграциялашган жамиятга кишиларнинг кириб бориши, юқори даражадаги турмуш тарзига эга бўлиш аҳоли сони камайишида, хусусан, туғилиш даражаси қисқариши ва ўз навбатида, аҳоли ўлим кўрсаткичлари ортишида акс эта бошлайди. Мазкур ҳолларда аҳоли сони бирдан камаймайди, ҳатто маълум йилларгача

унинг умумий мутлоқ миқдори кўпайишда давом этади. Одатда, аҳоли ўсишидаги бундай ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан макон ва замонда узвий боғлиқликда рўй беради. Демак, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар демографик жараёнларда ўтиш даврига сабаб бўлади, бу даврда аҳоли ўртасида шакланган демографик майл, фикр, қараш ва хохишлар ретроспектив даврдан бутунлай фарқ қилади ва уларни бошқа орқага қайтариб бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Боярский А.Я. Курс демографии: Учеб. пособие/-М.: Финансы и статистика, 1985.-391 с., ил.
2. Новиков Ю.В. Экология, окружающая среда и человека. Учебное пособие для вузов, средних школ и колледжей. - 2 е изд., исп и доп. / Ю.В.Новиков. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. Б. 433
3. Перцик Е. Н. География городов (геоурбанистика): Учебное пособие для геогр. спец. вузов. – Высш. шк., 1991. Б.131.
4. Урланис Б.Ц. Проблемы динамика населения СССР. - М.: Наука, 1974. -335 с.

Kalonov B.H. (Navoiy, NDPI)

NAVOIY VILOYATIDA AHOLINI GEOGRAFIK JOYLASHUYINING O`ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Navoiy viloyati O`zbekiston Respublikasi hududining markaziy va shimoliy qismida joylashgan, maydoni 110,9 ming km.kv. bo`lib, Qizilqum cho`lining katta qismini egallaydi. U maydonining kattaligi jihatidan mamlakatimizda Qoraqalpog`iston Respublikasidan keyingi ikkinchi o`rinda turadi. Viloyat katta masofada shimol va shimoli-sharq tomondan Qozog`iston Respublikasi bilan chegaradosh, shuningdek, viloyat hududi sharq va janubi-sharqda Jizzax hamda Samarqand viloyatlari, janub tomonda qisqa masofada Qashqadaryo viloyati bilan, janubi-g`arbda Buxoro viloyati hamda g`arb tomonda Qoraqalpog`iston Respublikasi bilan chegaradosh. Navoiy viloyati geografik kartada o`ziga xos hududiy ko`rinishga ega, ya`ni uning asosiy yuki, aholisi, qayta ishlash sanoati – demografik va iqtisodiy salohiyati nisbatan kichik maydonni egallagan chekka janubiga to`g`ri kelsa, katta maydonni egallagan markaziy va shimoliy hududlari esa ekstensiv, haqiqiy cho`l hududlariga xos yaylov chorvachiligi va tog`-kon sanoatiga ega. Navoiy viloyatida ishlab chiqarish munosabatlarining xarakteri, ishlab chiqaruvchi kuchlarning rivojlanish darajasi va o`tgan yillar mobaynida ularning joylashishi, shuningdek aholining daromadi darajasining hududiy farqlari, transport bilan ta`minlash kabi iqtisodiy – ijtimoiy sohalar jadallik bilan rivojlanmoqda.

Aholining joylashuvi ma`lum davrda aholining makon bo`ylab taqsimlanishi jarayoni, hamda aholi manzilgohlarining shakllanishi natijasidir. Aholining joylashuvi murakkab ijtimoiy – iqtisodiy jarayon bo`lib, jamiyat hayotining juda ko`p qirralarini aks ettiradi. Ayni paytda mazkur jarayon qator omillar ta`sirida sodir bo`ladi. “Aholining yer yuzi bo`ylab joylashuvi qator omillar bilan bog`liq. Ularga tabiiy sharoit va aholi punktlari shakllanishining tarixiy xususiyatlari, demografik o`tishning hozirgi bosqichi, rivojlanish darajasi va xo`jalik tarkibi kabi sotsial – iqtisodiy omillarni kiritish mumkin”.³

Qizilqum cho`li hududida barpo bo`lgan bu viloyat tabiiy resurslarga boy va aholining notekis joylashganligi ishlab chiqarish kuchlarining taraqqiyot darajasini ancha kamaytirmoqda. Demografik omillarga ko`ra Navoiy viloyati respublikada 11 o`rinda turadi. Demografik jarayonlarda viloyatda tug`ilish 21,4 promilla, o`lim esa 4,7 bo`lib, tabiiy o`sish esa 16,7 promilladir. Yangi yerlarni o`zlashtirish natijasida barpo etilgan viloyatlar bilan taqqoslaganda Sirdaryo viloyatida aholini o`sishi 18 promilla, Jizzax viloyati esa 22,9 promillani tashkil etadi.

O`zbekistonda aholi yashab kelgan maskanlar, areallarning ko`pchiligi juda qadimdan boshlab shakllanib kelgan. Eng qadimgi aholi maskanlari inson yashashi uchun zarur biologik

³ Bo`riyeva M.R., Tojiyeva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. T. – 2011.-72-bet

resurslar mavjud sharoitlarda, daryo bo'ylari, la'lmikor yerlarda, dehqonchilik va chorvachilik uchun xos bo'lgan hududlarda joylashgan. Shuningdek, aholini joylashuviga ta'sir etuvchi eng muhim omillardan yana biri, bu aholining mehnat resursi ekanligi. Albatta har qanday ishlab chiqarish jarayoni ishchi kuchisiz sodir bo'lmaydi. Ammo bu o'rinda ikki holatni qayd etish lozim: birinchidan, shunday korxonalar borki, ularga son jihatidan ko'p ishchi kerak. Masalan, tikuv fabrikasi, konserva zavodi, paxta yetishtirish, unni qayta ishlash korxonalarining mehnat sig'imi katta. Ayni bir paytda boshqa korxonalarga mehnat resurslarining miqdori ko'p bo'lishi shart emas, balki malakali ishchi kuchi talab qilinadi. Mazkur korxonalar va tarmoqlar radio yoki priborsozlik, aniq mashinasozlik va shunga o'xshash, odatda, malakali ishchi kuchi mavjud bo'lgan shaharlarda joylashtiriladi. Bunday ilmtalab korxonalarni tashkil etishda ba'zi rivojlangan mamlakatlarda maxsus texnopolis va fan shaharlari yaratilgan.

Aholining yer yuzi bo'ylab joylashuvi qator omillar bilan bog'liq. Ularga tabiiy sharoit va aholi punktlari shakllanishining tarixiy xususiyatlari, demografik o'tishning hozirgi bosqichi, rivojlanish darajasi va xo'jalik tarkibi kabi sotsial – iqtisodiy omillarni kiritish mumkin. Aholining joylashuvida eng asosiy omil bu tabiiy sharoitdir. O'zbekiston aholisining asosiy qismi inson yashashi uchun qulay tabiiy sharoitga ega bo'lgan qishloq xo'jaligi bilan shug'ullanish imkoniyati bor hududlarida joylashgan. Navoiy viloyati aholisining asosiy qismi Zarafshon daryosi havzasida, shuningdek, chorvachilik va yangi yerlarni o'zlashtirish natijasida tabiiy resurslarga boy hududlarda joylashgan.

O'zbekistonda mahalliy aholining tabiiy ko'payishini nisbatan yuqoriligi va uning migratsion harakatining faolsizligi mehnat zaxiralarining ko'plab shakllanishiga olib keladi. Shu sababli Respublikada mehnatga layoqatli aholi soni miqdoran juda ko'p. Ularning soni, ayniqsa, qishloq joylarida va sust rivojlangan kichik shaharlarda yuqori. Binobarin, bunday joylarda ish o'rinlarini kengaytirish, yangi sanoat va boshqa korxonalar, madaniy – maishiy muassasalarni qurish, mehnat bozorini shakllantirish zarur.

Aholi, albatta, faqat ishchi kuchi emas, u balki ko'proq darajada iste'molchi hamdir. Bu omilning roli esa hozirgi kunda xalqning yashash sharoiti va darajasini yaxshilash doirasida keskin oshib bormoqda. Muvaqqat ijtimoiy qiyinchiliklarni yengillashtirish uchun aholining kundalik hayoti uchun zarur bo'lgan oziq – ovqat, kiyim – kechak va uning boshqa ehtiyojlarini qondiruvchi mahsulotlarni yetarli darajada ishlab chiqarish talab etiladi. Shu bois, iste'mol omili oziq – ovqat korxonalarini o'ziga "tortadi", ya'ni bunday zavod yoki fabrikalar, aholiga xizmat ko'rsatish tarmoqlari qishloq va shaharlarda joylashtiriladi.⁴

Aholi soni bo'yicha Navoiy viloyati respublikada oxirgi o'rinlardan birini egallaydi. Viloyat aholisi 2018 yil 1 yanvar holatiga ko'ra 958700 kishini, respublika aholisining esa 3 foizini tashkil etadi. Bu ko'rsatgichga ko'ra viloyat respublikada faqat Sirdaryo viloyatidan oldinda turadi xolos.

Aholi joylashuvining eng asosiy ko'rsatkichi aholi zichligidir. Aholi zichligi, 1km² ga to'g'ri keladigan doimiy aholi sonidir. Hozirda O'zbekistonda aholi notekis joylashgan bo'lib, respublikada aholisi eng zich joylashgan hududlar Andijon (1km² ga 590 kishi), Farg'ona (457 kishi), Namangan (306 kishi), Xorazm (257 kishi) bilan bir qatorda aholi zichligi o'ta darajada siyrak bo'lgan hududlar Qoraqalpog'iston Respublikasi (9.8 kishi), Navoiy (9.1 kishi) ham mavjud.

Navoiy viloyatining demografik salohiyati uncha katta emas. Hududning katta qismi Qizilqum cho'lidan iborat ekaligi, shuningdek, suv zaxiralarining tanqisligi tufayli aholi zichligining eng past ko'rsatkichlariga ega. Bu ko'rsatkich bo'yicha viloyat O'zbekistonda oxirgi o'rinda turadi.

O'rtacha bir qishloq tumaniga 13.9 ming km² dan yer to'g'ri keladi (Respublikada bu ko'rsatkich 2.7 ming km² ni tashkil qiladi). Qishloq tumanlarining katta ekanligi hududning qishloq xo'jaligi va aholi joylashuvi uchun qulay sharoitga ega emasligidan darak beradi. Chindan ham, aholi zichligi bu yerda ancha past. Jumladan, Uchquduq tumanida 1 kishiga ham

⁴ Soliyev A.S va boshqalar, "Mintaqaviy iqtisodiyot". – T.,2003.-20-bet.

yetmaydi, Tomdi tumanida esa bundan ham kam – 0.5 kishi. Faqat Xatirchi (117 kishi) va Karmana (106) tumanlarida aholi zichroq joylashgan. Tumanlarning aholi soni Tomdida 15990 kishidan Xatirchida 177623 kishigacha farq qiladi.

Qishloq xo`jaligini ishlab shiqarishni ilmiy asoslangan holda oqilona joylashtirish muhim sotsial vazifalarni hal etish imkoniyatlarini beradi. Ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, tabiiy, iqtisodiy va mehnat resurslaridan to`la foydalanish imkoniyatlarini beradi. Viloyatning cho`l (Tomdi, Uchquduq, Konimex) tumanlarida bugungi kunda mehnat resurslarining ortiqchaligi ko`rinmoqda. Bu tumanlarda kelajakda aholini ish bilan t`minlashni yaxshilash maqsadida chorvachilikka ixtisoslashgan qo`ychilik, qoramolchilik, yilqichilik, tuyachilik, parandachilik va baliqchilik fermer xo`jaliklarini ilmiy asosda tashkil etishni, ular ishlab chiqargan maxsulotni shu joyning o`zida qayta ishlashni tavsiya qilamiz.

Adabiyotlar:

1. Soliyev A.S., Mahamadaliyev R.Y., Qurbonov Sh. O`zbekiston hududlari ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi. -T., 2010.
2. Soliyev A.S. va b. Mintaqaviy iqtisod. -T., 2003. -20- bet.
3. Bo`riyeva M.R., Tojiyeva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. - T., 2011. -72-bet.

Файзуллаев М.А. (Қарши, ҚарДУ)

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикада олиб борилаётган бозор ислохотларда аграр тармокни ривожлантиришга катта эътибор берилиши ушбу соҳанинг иқтисодийда тутган ўрни ва салоҳияти билан белгиланади. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Мазкур стратегия қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда ғалла билан таъминлаш, ғалла мустақиллигига эришиш вазифасини ҳал этишга қаратилди. Аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жиддий ижобий ўзгаришларга эришиш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, озиқ-овқат етиштириш ва чорва маҳсулдорлигининг ошиши учун замин тайёрлади. Жумладан, 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,5 баробар кўпайди. Бундай ютуқларга эришиш ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги – маҳсулотлар ҳосилдорлиги ошириш билан ҳам боғлиқ бўлди.


Суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон учун муҳим бўлиб, унинг иқтисодий самардорлиги лалмикор деҳқончиликка нисбатан 3-3,5 марта, баъзи ҳолларда 5 мартагача юқори бўлиши мамлакатда суғориладиган ерларнинг мунтазам кенгайишига олиб келди. Масалан, 1940 йилда республикада суғориладиган ерлар 2672,6 минг гектар бўлса, 1950 йил – 2605,4, 1960 йил – 2692,6, 1970 йил – 2845,6, 1980 йил – 3517,7, 1990 йил – 4221,8, 2000 йил – 4277,6, 2005 йил – 4279,0 минг гектарга етди [3], 2015 йилда эса ушбу тоифадаги ерлар 4212,0 минг гектарни ташкил қилди. Демак, келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, республикада суғориладиган ерлар майдони динамикаси, яъни кенгайиб бориши асосан 1990 йилларгача давом этган ва уларнинг ҳозирги миқдори тахминан шу йиллар даражасига тўғри келади.

Республикада суғорма деҳқончиликни ривожлантириш асосида қудратли сув хўжалиги шаклланди бўлиб, сувга бўлган йиллик талаб 70-71 млрд.м³ ни ташкил этади, унинг 92,0 фоизи қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланилади (49-50 млрд. м³). Умумий сув сарфининг 60 млрд. м³ дарё сувларидан, 11 млрд. м³ ер ости сувларидан ва қайта ишлатиладиган сувлардан иборат. Мамлакатимиз сув хўжалиги тасарруфида

умумий узунлиги 1355 км бўлган (сув сарфи 25 минг м³/сек.дан ортиқ) йирик 80 га яқин канал, ҳажми 16,8 млрд. м³ дан иборат 54 та сув омборлари, 28,1 минг км хўжаликлараро, 172,4 минг км ички хўжалик каналлари (34 минг км бетон билан қопланган), 11633 та дренаж ва сув чиқариш кудуклари ва кўплаб зовурлар мавжуд [4].

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Бу даврни қишлоқ хўжалигини *интенсив* ривожлантириш босқичи сифатида баҳолашимиз мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, ўша даврда асосий валюта рурсулари, республика учун ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт қилишни асосий манбаси эди. Айнан шу йилларда ғалла етиштиришга – дон мустақиллигига алоҳида эътибор берилди бошланди ва бу вазифа пахта яққаҳоқимлигини чеклаш ҳисобидан амалга оширилди [6]. Масалан, мамлакат ғалла экин майдонлари 1990 йилдан 2015 йилгача 433,2 минг гектардан 1610,7 минг гектаргача ёки деярли 4 марта кўпайди, ҳосилдорлик 12,8 ц/га дан 44,1 ц/га гача ортди, ялпи ҳосил 553,5 минг тоннадан 6545,3 минг тоннагача ошди (расм).

Ғалла экин майдонлари янги ўзлаштирилган ҳудудлар суғориладиган пахта майдонлари эвазига кўпайтирилди ва юқори ҳосилдорликка эришилди. 1991-2015 йилларда пахта билан банд экин майдонлари республикада 1721,0 минг гектардан 1342,5 минг гектаргача, бунга мос ҳолда етиштирилган пахта хом ашёси 4646,3 минг тоннадан 3442,3 минг тоннага камайди. Таҳлил қилинаётган йилларда ем-хашак экинлари майдони ҳисобига ғалла майдонлари кенгайтирилганлиги ва пахта майдонларининг у даражада камайиб кетмаганлигини ҳам кўришимиз мумкин.



Расм. Ўзбекистон Республикасида пахта ва ғалла экинлари ҳосилдорлиги (ц/га)

Расм Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шу даврда чорва яйловларининг қишлоқ хўжалиги ерлар таркибидан чиқиб кетиши, суғориладиган ерларда ем-хашак экинлари майдони кескин қисқарганлиги чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Чунончи, 1991 йилда республикадаги барча яйловларнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалиги тасарруфида эди; чорва молларининг кўп ва тизимсиз боқилиши, яйловлар маҳсулдорлиги камайиб кетганлиги ва яйловларнинг қайта тикланмаётганлиги боис, уларнинг майдони 40 фоизга камайиб кетди.

Яроксиз ҳолатга келган яйловларнинг бир қисми захира ерлар тоифаси, яна бир қисми ўрмон фондига ўтказилди. Мамлакат чорвачилиги қарийб 13 млн гектар яйлов ерларга эга, уларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида, яъни чўл ҳудудларида жойлашган бўлиб, чорва молларининг (қўйлар) асосий қисми шу ерларда боқилади. Республикада чорвачилик маҳсулдорлиги бўйича Тошкент, Навоий ва Хоразм вилоятлари пешқадам ҳисобланади. Ялпи кўрсаткичлар ҳақида сўз борганда, гўшт етиштиришда Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, сут етиштиришда Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, тухум тайёрлашда Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва Андижон, жун тайёрлашда Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Жиззах вилоятлари етакчилик қилади [1], [2]. Қишлоқ хўжалигининг мустақиллик даврида интенсив ривожланишининг яна бир хусусияти шундаки, бу йилларда экин майдонлари ҳажми, хусусан суғориладиган ерлар миқдори деярли ўзгармади, ва айни вақтда ердан фойдаланиш унумдорлиги ва таркиби, аграр тармоқларнинг ихтисослашуви ҳамда мулкчилик шаклларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Тарихий географик нуқтаи назардан республикада қишлоқ хўжалиги ривожланиши икки йўналишни ўз ичига олади. Унинг экстенсив ривожланиш даврида суғориладиган ерлар майдони кўпайиб бориши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ортиб борди. Иккинчи – интенсив ривожланиш даврида эса янги ерларни ўзлаштириш жараёни тўхтади, аграр соҳа ишлаб чиқариши ва унинг ташкилий таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликлари шаклланди ва уларнинг ривожланишига устувор аҳамият берилди. Хусусан, фермер хўжаликлари кўпроқ янги ерлар ўзлаштирилган ҳудудларда кўпроқ ташкил этилди ва улар асосан стратегик маҳсулотлар – пахта ва ғалла, чорвачиликда гўшт ва жун етиштиришга ихтисослаштирилди.

Адабиётлар:

1. Солиев А. Ўзбекистон географияси. – Т.: Университет, 2014. – 404 б.
2. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 280 бет.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси- 12-жилд – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 285.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 12-жилд – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 301-302.
5. Faizullaev M.A. Characteristics of agriculture in Uzbekistan in the years of independence // European science review. №3-4. – Austria, Vienna, 2015. – P. 67-69

Калонов Б. Ҳ., Ҳасанова Н.М. (Навоий ДПИ)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ

Қишлоқ хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим етакчи тармоғидир. Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Айниқса бу соҳада бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиши, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларга катта аҳамият берилмоқда.

Навоий вилояти мамлакатимизнинг шимолий қисмида жойлашаган бўлиб майдони 110 минг км.кв., майдонининг катталиги жиҳатидан мамлакатимизда Қорақалпоғистон Республикасидан кейинги иккинчи ўринда туради. Навоий вилояти иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим роль ўйнайди. Вилоят ер ресурслари билан яхши таъминланган. Вилоят хўжалиги асосан саноатга, кўпроқ унинг оғир тармоқларига ихтисослашган экан, табиийки, бу ерда қишлоқ хўжалигига кам ўрин қолади. Бунинг энг асосий сабаби вилоят

худудининг чўллик хусусияти, агроиклимий ресурсларнинг танқислиги, тупрок катламининг ривожланмаганлиги, сув манбаларининг етишмовчилигидир. Бинобарин, бу худудда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари жуда чекланган. Қишлоқ хўжалиги вилоят ялпи худудий маҳсулотининг атиги 15,0 фоизини, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 4,7 фоизини беради. Агроиктисодиёт тизимида чорвачилик, асосан унинг жун - гўшт йўналиши етакчилик қилади. Унинг ҳиссасига жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 54,1 фоизи тўғри келади.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 8891,9 минг гектарни ёки умумий худуднинг 81,2 фоизини ташкил қилади. Жами экин майдонлари 105,9 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг атиги 1,3 фоизига тенг. Интенсив қишлоқ хўжалиги нисбатан жанубий районларда ривожланган. Жумладан, Хатирчи туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 27,6 фоизи экин майдонлари билан банд. Ушбу кўрсаткич Карманада 25,7, Қизилтепада 14,6, Навбахор туманида 14,3 фоизини ташкил қилади. Аксинча, яйлов ва пичанзорлар марказий ва шимолӣ худудларда кўп. Бу ерларда яйлов чорвачилигида асосан қўйчилик, жумладан, қоракўл қўйлари боқиш учун шароит қулайроқ. Томди ва Учқудуқ туманларида пичанзор ва яйловлар жами экин майдонининг 100 фоизини, Конимехда 99,5 фоизини ташкил қилади.

Вилоятда жами экин майдони 100,0 минг гектардан ортиқ бўлиб, унинг ярми донли экинлар билан банд, шу жумладан буғдой 48,3 минг га ерга экилиб, 235 минг т буғдой олинган, ҳосилдорлик 49,1 ц/га. Шунингдек, дон учун маккажўхори ҳам экилади, унинг майдони 1,0 минг гектардан озроқ. Пахтачилик сустроқ ривожланган асосий муаммо сувнинг етишмаслиги. Ушбу техника экинига 36,0 минг га ер ажратилган ва ундан 110 минг т га яқин пахта хом ашёси олинмоқда, ҳосилдорлик 30,8 ц/га. Пахта етиштириш кўпроқ Хатирчи, Қизилтепа ва Навбахор туманларида йўлга қўйилган. Бошқа техника экинларидан қисман масхар, кунгабоқар ҳамда зиғир ва кунжут экилади. Айни вақтда 1,4 минг га ерга картошка экилиб, 51 минг тонна атрофида ҳосил олинмоқда. Сабзавот экинининг умумий майдони 3,5 минг га, ялпи ҳосил 185 минг т. Мазкур соҳа асосан жанубий туманларда ривожланган. Шаҳар атрофи хўжалигига ихтисослашган Кармана туманида бу тармоқ кўпроқ аҳамиятга эга.

Табиийки, чорвачиликка ихтисослашган минтакаларда ем-ҳашак базаси ҳам мустаҳкам бўлмоғи лозим. Бироқ, Навоӣ вилоятида асосан яйлов чорвачилиги ривожланган, ем-ҳашак экинлари эса 7,5-8,0 минг гектарга экилади. Ем-ҳашакдан пичан учун беда, силос учун маккажўхори экилади. Мевачилик ҳам сустроқ ривожланган асосан жанубда 5,8 минг га ер боғдорчилик билан билан банд, 6,5 минг га узумчиликка ажратилган. Боғдорчилик ва хусусан узумчилик Хатирчи туманида яхшироқ йўлга қўйилган. Бу туманда кўп миқдорда сифатли қишмиш тайёрланади.

Ҳар йилда ўртача қишлоқ хўжалигида 100-110 минг т гўшт (тирик вазнда), 315 минг т сут, 186 млн дона тухум, 3063 тонна жун, 323 минг бирлик қоракўл териси, 960 тонна пилла етиштирилади. Жун ва қоракўл терисини етиштиришда Навоӣ вилояти республикада олдинги ўринларда туради. Мамлакатда етиштирилган жуннинг 11,4 фоизи ва қоракўл терисининг 28,3 фоизи айнан шу вилоят зиммасига тўғри келади. Йирик шохли қорамоллар сони, 1.01.2013 йил ҳолатида, 356 минг бош, шу жумладан, сигирлар 159 минг бош, қўй ва эчкилар (асосан қўйлар) 1707 минг бош. Қўйчилик борасида Навоӣ вилояти республикамизда кескин ажралиб туради.

Навоӣ вилоятида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштириш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида илмий-техника тараққиётига эришиш, фермер хўжаликлари моддий техника таъминотини яхшилаш асосида ялпи маҳсулотни кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Вилоятда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кўплаб кичик корхоналар қурилган. Бу кичик корхоналар қишлоқ жойлардаги ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда катта рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни илмий асосланган

ҳолда оқилона ташкил этиш, ихтисослашувни такомиллаштириш қатор муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш имкониятларини беради. Бу биринчидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тибий, иқтисодий, меҳнат ресурсларидан ва хўжалик бўғинларининг ички имкониятларидан тўла фойдаланишни юзага келтиради. Иккинчидан эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишни ва ихтисослашувини такомиллаштириш, озиқ-овқат муаммосини ижобий ҳал этади. Қишлоқ хўжалигида илмий-техника тараққиётига эришиш, фермер хўжаликлари моддий техника таъминотини яхшилаш асосида ялпи маҳсулотни кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Шунингдек ҳисобга олиб вилоятда суғориладиган ерлардан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини мақсадга мувофиқ ихтисослаштириш бугунги кун тартибидаги асосий масала ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Солиев А., Назаров М., Курбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. –Т.: Мумтоз сўз, 2010. –332.
2. Вилоятлар статистика бошқармаси мълумотлари. 2017.

Ҳакимов Қ.М. (Жиззах, ЖДПИ), Ерматова Н.Н.
(Тошкент, Республика таълим маркази)

“ЖИЗЗАХ” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ: ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР ҲУДУДИ

Эркин иқтисодий зона - хўжалик юриштирининг янги шаклларида бири бўлиб, улар дастлаб ўтган асрнинг олтинчи йилларида Япония, Германия, АҚШ, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларда ташкил этилган. Ҳозирда энг самарали фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий ҳудудлар Хитойда ташкил этилган. Бугунги кунда 140 га яқин мамлакатда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар мавжуд. Уларда 70 миллион киши меҳнат қилади ва йиллик савдо айланмаси 500 миллиард доллардан кўп.

Мамлакатимизда халқаро тажрибалар афзалликларини иқтисодиёт тармоқларига жорий қилиш мақсадида, 1996 йили “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” ги қонун қабул қилинди. 2008 йили республикада биринчи бўлиб, “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси” ташкил этилди. Эркин иқтисодий зона мамлакат ичида давлат томонидан маълум бир иқтисодий мақсадларни кўзлаб ташкил этилган, махсус маъмурий ва иқтисодий тартибга эга алоҳида ҳудуд ҳисобланади.

Унда мулкчилик шаклидан қатъий назар фаолият юритаётган субъектлар учун бошқа ҳудудларга нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этилади. Ҳозирда, айнан шундай ҳудудларда изчил амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантириш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ мамлакатимизда навбатдаги эркин иқтисодий зонага асос солинди. Эркин иқтисодий зона вилоятда яхлит амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ушбу махсус ҳудуд вилоятнинг ислох этилаётган саноат тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўтган йили “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 163 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил давомида махсус ҳудуд тасарруфдаги корхоналар томонидан 38 миллион долларлик маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

2017 йилда замонавий технологиялар билан таъминланган корхоналарда 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Иш ўринларининг 60 фоизини олий ўқув юрлари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари банд этди. Ҳозир эркин иқтисодий ҳудудда юк ва енгил автомобиллар учун тормоз колодкалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, кир ювиш

машинаси, микротўлқинли печ, светодиодли чироқлар, полипропилен иплар, видео ва IP телефонлар, телекоммуникация ускуналари, интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар каби турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июндаги “Хорижий инвестициялар иштирокидаги “Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive” корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида Франциянинг “Пежо Ситроен” гуруҳи билан ҳамкорликда автомобиль заводи қурилмоқда. Янги заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Peugeot» ва «Citroen» енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқарилади. Қўшма корхонанинг устав капитали 30 миллион евро бўлиб, лойиҳани амалга оширишга умумий қиймати қарийб 130 миллион евро инвестиция жалб этилади. 2019 йилда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади ва йилига 16 минг дона замонавий автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Маҳсулот ички бозордан ташқари яқин ва узок хориж давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Жиззах вилоятида замонавий нефтни қайта ишлаш комплекси ҳам барпо этилмоқда. Қиймати 2,2 миллиард доллар бўлган лойиҳа йилига 5 миллион тонна нефть хомашёсини қайта ишлаш имконини беради. Мажмуа учун хомашё Қозоғистондан нефть қувури орқали етказиб келинади. Бу энергия ресурсларини етказиш харажатларини кескин камайтиради ва лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширади. Мажмуанинг географик жойлашуви ишлаб чиқарилган маҳсулотни мамлакатимизнинг барча ҳудудларига ва экспортга минимал харажатлар билан етказиш имкониятини беради.

Заводда углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича энг замонавий, экологик ва энергетик жиҳатдан самарадор технологиялар ўрнатилади. Улар асосида жаҳон стандартларига жавоб берадиган мотор ва авиация ёқилғиси, бензол, мазут, битум ва бошқа нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Авиация керосини ишлаб чиқариш миқдорини ошириш ҳаво кемаларининг парвоз географиясини сезиларли даражада кенгайтириш, мамлакатимиз авиация соҳасини янада ривожлантириш имконини беради. Мажмуанинг ишга туширилиши 2 мингдан зиёд, соҳага алоқадор ва хизмат кўрсатиш тармоқларида қўшимча 14 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2017 йилги 332-сонли қарори билан Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш комплекс чора-тадбирлари тасдиқланган. Мазкур қарорда вилоят аҳолисини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш белгиланган. Қарор талабларини амалда бажариш учун, вилоятда уч мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришдан тортиб хизмат кўрсатиш соҳасигача қамраб олинган катта-кичик лойиҳаларнинг сони 3048 тадан кўп. Белгиланган лойиҳаларнинг ҳаётга тадбиқ этиши туфайли вилоятда яқин икки йил ичида 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган барча хайрли ишлар, юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришга қаратилган. Қолаверса, барча сайъ-ҳаракатлар чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, туризм ва бошқа соҳаларни изчил ривожлантиришга сабаб бўлади.

2017 йили Жиззах вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6,3, қурилиш ишлари 11,8, чакана товар айланиши 15,2 фоизга ўсди. Ўтган йили саноат соҳасини ривожлантиришга доир 304, қишлоқ хўжалигида 696 лойиҳа амалга

оширилди. Тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2017 йилда 80,3 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш, ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан нодавлат секторини мустаҳкамлаш, қишлоқ жойларда янги саноат корхоналарини барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифалари бўлиб қолаверади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2013 й. Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2013 й. Қарори
3. Солиев А.С. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. - Т.; 2011

Мухамедов О.Л., Шоғдорев Т.А. (Жиззах, ЖДПИ)

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАФОВУТЛАРИ

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг иккинчи асосий тармоғи чорвачиликнинг аҳамияти катта. Айниқса кейинги йилларда кўпайиб бораётган шаҳар аҳолиси учун мунтазам равишда сут ва сут маҳсулотлари талаб этилади. Вилоятнинг ҳар хил ландшафт турларига бойлиги табиий ҳолда ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланишида асосий омил бўлган ва шунга мос равишда табиий хўжалик тармоқлари шаклланган (Солиев А. 2014).

Вилоятда чорвачилик тармоқлари таркибини ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда маълум даражада тафовутлар мавжуд бўлиб табиий ва иқтисодий омиллар таъсирида шаклланади. Жумладан, йирик шохли қорамолларни боқиш ва уларнинг наслдор зотларини етиштириш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада фермер хўжаликлари ва кейинги йилларда аҳоли хонадонларида зотдор қорамоллар боқишга қизиқиш ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бундан кўришиб турибдики, мазкур тармоқ ривожланиши ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий шароитлардан келиб чиққан ҳолда интенсив хўжалик шаклининг ошиб боришидан дарак беради. Натижада сифат ва самарадорлик даражасининг кўтарилишида маълум даражада индустриал соҳанинг ҳам ривожланишига таъсир этади ёки яқин туради.

Жиззах вилоятида йирик шохли қорамоллар боқиш ҳудудларнинг табиий шароити ва хўжалик ихтисослашувига мос равишда турлича кўрсаткичга эга. Масалан, 2010 йилда вилоят бўйича 611204 бош қорамоллар боқилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 825147 тага етган. Бу давр мобайнида йирик шохли қорамоллар сони 213943 тага кўпайган ёки 135 фоизга ошган. Мазкур ҳолатни туманлар миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак маълум даражада тафовутларни кўришимиз мумкин. Вилоятда йирик шохли қорамоллар боқиш бўйича Бахмал тумани етакчилик қилади. 2015 йилда туман бўйича 105615 бош йирик шохли қорамоллар боқилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 124,2 фоизга ўсди. Вилоятда боқиладиган йирик шохли қорамолларнинг 18,2 фоизи Бахмал тумани ҳиссасига тўғри келади. Туманнинг табиий шароити қулайлиги, табиий яйловлар маҳсулдорлигининг юқорилиги ва аҳолисининг мазкур тармоқ бўйича кўп йиллик малакага эгаллиги ушбу соҳанинг бирмунча ривожланишига сабаб бўлган.

Вилоятда йирик шохли қорамоллар боқиш бўйича Ғаллаорол (136034 бош) ва Зомин (114063 бош) туманлари ҳам катта салмоққа эга бўлиб, минтақада мазкур тармоқнинг юқоридагиларга мос равишда 16,4 ва 13,8 фоизни ташкил этади.

Йирик шохли қорамолар сонининг энг паст кўрсаткичи Зафаробод (31369 бош) ва Арнасой (40716 бош) туманлари ҳиссасига тўғри келиб, вилоятда боқиладиган қорамолларнинг юқоридагиларга мос равишда 3,8 ва 4,9 фоизини ташкил этади. Ушбу туман ҳудуди текисликлардан иборат бўлиб асосан деҳқончиликка ихтисослашганлиги чорва моллари сонини бирмунча чеклайди.

Жиззах вилоятида йирик шохли қорамоллар сони динамикаси 2010-2015 йилларда вилоятдаги улишини таҳлил қиладиган бўлсак унча катта бўлмаган тебранишга эга. Масалан, 2010 йилда Бахмал туманининг вилоятдаги ҳиссаси 19,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 18,2 фоиздан иборат бўлган. Худди шундай ҳолат Арнасой (5,0-4,9%), Жиззах (8,1-7,9%) ва Дўстлик (7,8-7,1%) туманларида ҳам кузатилади. Бунда асосан деҳқончилик тармоғининг ривожланганлиги, тоғолди ҳудудларида томчилатиб суғоришга мослаштирилган интенсив боғларнинг барпо этилаётганлиги яйловлар майдонининг қисқаришига сабаб бўлади. Қолган туманларнинг вилоятдаги улуши кўрилатган йиллар давомида секинлик билан ошиб борган.

Вилоятда шу жумладан сигирлар сони ўрганилганда йирикшохли қорамоллар таҳлилидаги ҳолат такрорланди. Аини пайтда вилоятда сигирлар сони 234509 бошни ташкил этиб йирик шохли қорамолларнинг 28,4 фоизини ташкил этади.

Вилоятнинг табиий шароити қўй ва эчкилар боқиш учун ҳам қулай ҳисобланади. 2015 йилда қўй ва эчкилар сони 1727437 бошни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 363605 бошга кўпайган ёки 126,6 фоизга ўсди. Қўй ва эчкиларнинг сони бўйича Бахмал (271476 бош), Ғаллаорол (265079) ва Зомин (187775 бош) туманлари етакчилик қилади. Вилоятдаги улуши юқорилардагига мос ҳолда 15,7; 15,3 ва 10,8 фоиз. Қўй ва эчкилар сонининг энг паст кўрсаткичи Арнасой (19805 бош) ва Пахтакор (32754 бош) туманларига, яъни вилоятдаги жами қўй ва эчкилар сонининг 1,1 ва 1,8 фоизи тўғри келади. Бундан кўришиб турибдики, вилоят қўй ва эчкиларининг катта қисми тоғли ҳудудларда боқилади. Мазкур тармоқнинг ривожланиши учун табиий шароит энг асосий таъсир этувчи омил саналади.

Кўрилатган йиллар мобайнида вилоят ва унинг туманларида қўй ва эчкилар сони кўпайиб борган. Бироқ Фориш туманининг вилоятдаги улуши йиллар давомида пасайиб бормоқда. Бунда асосан Айдаркўл атрофидаги ерларда ўрмон хўжалиги томонидан саксавулзорларга айлантирилиши қўй ва эчкилар боқишни чеклайди. Натижада туманда мазкур тармоқнинг бироз қисқариши кузатилмоқда. Ўрганилаётган тармоқ маҳсулотларининг озиқ-овқат ва енгил саноатда айниқса тўқимачиликни ривожлантиришда аҳамияти катта. Кейинги йилларда табиий хом ашё асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида савдоси чаққон. Бу борада вилоятда етарли даражада хом ашё яъни жун маҳсулоти мавжуд. Аҳолини иш билан таъминлашда қишлоқ жойларда мазкур хом ашё асосида гилам, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар қуриш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда паррандачиликнинг аҳамияти катта. Бу борада вилоятда қулай шароит ва хом ашё базаси мавжуд. Донли экин майдонининг катталиги бўйича Жиззах (206 минг га) вилояти Қашқадарё (223 минг га) вилоятдан кейинги иккинчи ўринда туради. Ҳосил олиш бўйича Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларидан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди (526 минг тонна) (Солиев А.2014).

Донли экинлар ҳиссасининг бирмунча юқорилиги паррандачилик тармоғининг ривожланишига асос бўлган. Кейинги йилларда сув хавзаларида паррандалар боқиш анъана тусига кириб бормоқда. Вилоятда 2015 йили 2530193 бош парранда боқилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 752097 бошга кўпайган ёки 142,2 фоизга ўсган. Барча турдаги паррандалар боқилишини туманлар даражасида таҳлил қиладиган бўлсак маълум даражада тафовутлар борлигини кўришимиз мумкин. Мазкур тармоқнинг ривожланиши бўйича Ғаллаорол тумани етакчилик қилади (10537726 бош). Вилоятда боқиладиган паррандаларнинг 41,6 фоизи ушбу туман ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринни Зомин

тумани эгаллаб вилоятдаги улуши 12,5 фоизни ташкил этади. Таҳлиллардан маълум бўлишича ўрганилаётган йилларда яъни 2010-2015 йиллар мобайнида барча турдаги паррандалар боқиш динамикаси Зомин туманида 229,3 %, Арнасой туманида 224,1 % ва Ғаллаорол туманида 166,8 фоиздан иборат бўлди. Арнасой туманида барча турдаги паррандалар боқиш бўйича Айдаркўл кўллар ҳавзасига боғлиқ ҳолда сув паррандаларини боқиш ҳисобига йилма-йил ўсаётганлигини изоҳлаш мумкин.

Вилоятда паррандалар боқишнинг энг паст салмоғи Янгиобод (43672 бош) ва Дўстлик (64431 бош) туманлари ҳиссасига тўғри келиб, минтақада боқиладиган паррандаларнинг юқоридагиларга мос равишда 1,7 ва 2,5 фоизини беради. Ҳаттоки Жиззах шаҳрида 144001 бош парранда боқилиб вилоятдаги улуши 5,6 фоизни ташкил этади (2015 й.). Бунда асосан аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда паррандачилик фабрикаларининг ташкил этилганлигига мос равишда шаклланган.

Вилоят гўшт етиштириш бўйича республика вилоятлари орасида қисман ажралиб туриб, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидан кейинги ўринларни эгаллайди. 2015 йилда 176796 тонна гўшт етиштирилиб, 2010 йилга нисбатан 52607 тоннага кўпайди ёки 142,3 фоизга ўсган. Мазкур ҳолатни туманлар даражасида таҳлил қиладиган бўлсак Бахмал тумани етакчилик қилади. Вилоятда етиштириладиган гўштнинг 16,4 фоизини ёки 29054 тоннасини беради. Кейинги ўринларни Зомин (13,6 %) ва Ғаллаорол (12,3 %) туманлари эгаллайди. Мазкур туманларда табиий яйловлар ва пичанзорларнинг нисбатан кўплиги гўшт етиштириш учун замин яратади. Умуман олганда вилоятда фойдаланиладиган ерларнинг 38,4 фоизи экин майдонлари билан, 59,8 фоизи пичанзор ва яйловлар билан банд (Солиев А. 2014).

Гўшт етиштиришнинг энг паст салмоғи Янгиобод (2,3 %) ва Мирзачўл (2,8 %) районларига тўғри келади. Ўрганилаётган давр мобайнида гўшт етиштириш суръатлари деярли барча туманларда ўсиб борган. Бироқ Фориш, Янгиобод туманлари ва Жиззах шаҳрида унинг камайиши кузатилади. Фориш туманида яйловларнинг қисқариши билан изоҳланиса, Жиззах шаҳрида кейинги йилларда кенг ободонлаштириш ишлари, кўп қаватли уйлар қурилиши билан тавсифланади.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда сут етиштиришнинг ҳам аҳамияти катта кейинги йиллар шаҳар жойларда сутни қайта ишлайдиган кичик корхоналарнинг сони ошиб бормоқда. Бу албатта аҳоли сони ва турмуш тарзига мос ҳолда талабнинг кўтарилиб бориши билан боғлиқ. Вилоят ва унинг туманларида сут етиштириш ҳолати таҳлил қилинганда гўшт етиштиришдаги вазият деярли тақрорланди. Бу икки тармоқ ривожланишига таъсир этувчи омиллар бир хил бўлиб, улар ўзаро алоқадорликда жойлашади ва ривожланади.

2015 йилда вилоят бўйича 501033 тонна сут ишлаб чиқарилиб, 2010 йилга нисбатан 166681 тоннага кўпайган ёки 149,8 фоизга ўсди. Вилоятда етиштириладиган сутнинг 18,8 фоизи Бахмал ва 13,7 фоизи Ғаллаорол туманига тўғри келсада, лекин ўрганилаётган даврда (2010-2015йй) сут етиштиришнинг ўсиш динамикаси Зомин (152,6 %) ва Зарбдор (152,3 %) туманларида жадаллик билан бормоқда. Бу албатта интенсив хўжаликнинг ташкил этилишига мос равишда содир бўлади.

Аҳолини оқсилга бой маҳсулотлар билан таъминлашда тухум етиштириш ҳам муҳим саналади. Кейинги йилларда қандолатчиликнинг ривожланиши, инсонлар овқатланиш рационалида тухум ва у билан боғлиқ маҳсулотлар тайёрланиши ва истеъмоли талабининг ортиб бориши тухум етиштиришни кўпайтириш каби масалаларни кўндаланг қўяди. Бу борада юқорида таъкидланганидек етарли хом ашё базаси ва имкониятлар мавжуд. Жумладан, вилоятда 2015 йилда 196,5 млн дона тухум етиштирилиб 2010 йилга нисбатан 89,3 млн донага кўпайган ёки 183,3 фоизга ўсган. Туманлар даражасидаги таҳлиллардан маълум бўлишича Ғаллаорол тумани вилоятда етиштириладиган тухумнинг деярли ярмини беради (41,7 %). Кейинги ўринларни Жиззах тумани ва шаҳри эгаллайди (8,4-7,4 %). Мазкур тармоқнинг жойлашувига энг аввало истеъмол омили таъсир этиб шаҳар ва шаҳар атрофида ташкил этилишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда вилоятда чорвачиликнинг ҳудудий ташкил этилиши табиий шароит, хом ашё базаси, аҳолининг кўп йиллик малакалари, тармоққа фан ва технологияларнинг тадбиқ этилишига мос ҳолда шаклланади ва ривожланади.

Адабиётлар:

1. Солиев А. Ўзбекистон географияси. Тошкент “Университет” 2014
2. Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари 2010-2016

Қувандиқов О.Х. (Самарқанд, СамДУ)

Самарқанд вилоятида боғдорчиликни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш масалалари

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон халқ хўжалигининг энг муҳим ва айни пайтда етакчи тармоғидир. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноат тармоқларини хом ашёга бўлган талабини қондиришда қишлоқ хўжалигини аҳамияти катта. Бу соҳага хўжалик юритишнинг янги шакллари ташкил этиш, ривожлантириш, ўз навбатида ерга ва мулкка бўлган муносабатларни тубдан ўзгаришига олиб келади.

Республикамиз қишлоқ хўжлагада боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қанча фармон ва қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январь даги ПҚ-255-сонли Қарори «Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ва Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари соҳани кенг қамровли ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бунинг натижасида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилиб, ҳар хил мева боғлари купайтирилмоқда. Айниқса, интенсив боғ майдонларини кенгайтириш, серхосил, эратапишар, бозорбоб навларини купайтиришга, привардида аҳолини мева маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга эришишдир.

Самарқанд вилоятида ҳам боғдорчилик азалдан ривожланган тармоқлардан бири ҳисобланади. Бунга воҳанинг ўзига хос иқлимий хусусиятлари, тупроқ, сув билан таъминланганлик даражасининг етарли эканлигидадир. Тарихдан ҳам маълумки, Соҳибқурон Амир Темур ўз даврида Самарқанд атрофида ун иккита боғ майдонларини яратиб уларга ном берганлиги бежизга эмас. Чунки бу боғлар айнан Самарқанд шароитига мос келганлигидадир.

Боғдорчилик асосан вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари бўлган Ургут, Тайлоқ, Булунғур, Самарқанд, текисликда Жомбой, Пастдарғом, Оқдарё, Каттақўрғон туманларида унимдор тупроқ, етарлича сув манбаларига эга жойларда кенг тарқалган. Аксинча, Нарпай, Пахтачи, Иштихон туманлари пахтачиликда, Қушробод, Пойариқ туманлари узумчилик-чорвачиликка, Нуробот тумани чорвачиликка ихтисослашуви юқоридадир. Ваҳоланки, бу туманларда ҳам боғдорчиликни айрим тармоқлари, жумладан, ўруғли ва донакли мева йўналишлари кенгайиб бормоқда. Боғдорчиликни ривожлантиришда вилоятнинг аҳоли ва меҳнат ресурслари, қайта ишлаш саноат тармоқларининг иқтисодий географик жойлашуви ҳам муҳимдир. Шу билан бирга Зарафшон дарёси ва унинг атрофида жойлашаган каналлар, суғориш шахобчаларининг мавжудлиги улароқ вилоят ҳудудларида қишлоқ хўжалик тармоқлари, жумладан, боғдорчиликни ҳудудий жойланиши ва ривожланишида яққол намаён бўлади.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида кейинги йилларда янги боғлар, шу жумладан, пакана ва ярим пакана (интенсив) мевали боғлар барпо этишга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки бу боғлардаги мевали дарахт кўчатлари

тез ҳосилга кириши ҳамда майдон бирлиги ҳисобига юқори ҳосил бириши билан ажралиб туради. Шу билан бирга интенсив усулда парваришланаётган дарахтларнинг танаси кичик бўлганлиги учун, уларга шакл бериш ва мевасини териб олиш жуда қулайдир. Бундан ташқари бундай боғларда мева дарахтлари таги ва танасига қуёш нурунинг бемалол тушиши ва ҳаво айланишининг яхши бўлганлиги сабабли унда пишиб етилган меванинг мазаси, ранги, кўриниши, сифатли бўлади. Агар ушбу мева боғларда агротехника тадбирлари ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли қилиб олиб борилса, интенсив боғлар иккинчи йилдан ҳосилга қиради. Шу йилда ҳар гектаридан 5-7 тоннагача, учинчи йилда 7-10 тоннагача, тўртинчи йили 60-80 ва бешинчи йилда эса 80-95 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Бу боғлар маҳаллий боғларга қараганда 4-5 баробар кўп ҳосил бериши билан аҳамиятлидир. Ушбу боғларни яна бир афзаллик томони ердан унумли фойдаланишдир. Эски боғ майдонларининг ҳар гектар ерига 250-300 туб дарахт экиладиган бўлса, интенсив усулдаги боғ майдонларига эса гектарига 2200-2800 тубгача пакана қўчат ўтқизиш мумкин. Эски боғларни ариқ билан бир маротаба суғорганда гектарига 1000 куб метр сув сарфланса, интенсив боғларда томчилаб суғориш йўли билан атига 70-80 куб сув етарли бўлади. Интенсив боғларнинг афзаллиги ҳам ердан, ҳам сувдан тежамкорликка эришиш билан бирга, унинг эрта ҳосилга кириши сабабли ундан юқори мўл ҳосил олишдир.

Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг 2016 йил 1-январ ҳолатига кўра, вилоятда мевали боғ экин майдонлари 17236 гектарни, шу жумладан интенсив боғлар 7968 гектарни ёки 46 фоизни ташкил қилган. 2017 йилга келиб вилоятда интенсив боғ майдонлари 9,3 минг гектардан ошган. Ушбу даврда 1 минг 300 гектар ёнғоқзор, 230 гектар пистазор ва 60 гектардан ортиқ унаби плантациялари интенсив усулда барпо этилган. Бунинг натижасида қўшимча 800 та янги иш ўринлари яратилган.

Келажакда Самарқанд вилоятида боғдорчиликни ривожлантириш тадбирлари аҳолини мева маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳамда бу маҳсулотларни республикамизнинг турли жойларига чиқариш, консерва заводлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш, шунингдек, меваларни қуритилган ва қадоқланган ҳолда чет мамлакатларга экспорт қилиш салоҳиятини ўстиришдир. Вилоят ҳудудларини боғдорчилик соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар, ушбу тармоқдан янада самарали фойдаланишга шароит яратиш билан бирга мева маҳсулотлари билан ички истеъмол бозорини тўлдириш ҳамда жойларда кичик корхоналар қуриш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январь даги ПҚ-255-сонли Қарори «Мева сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони. 11.01.2006.
2. Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 09.10.2017.
3. Куликов И.М. Научная и инновационно-инвестиционная стратегия развития плодоягодного комплекса АПК, как важнейший резерв в формировании здорового организма человека в XXI веке// Сб.статей. - М. 2006. – 157 с. с ил (С. 9 - 31).
4. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси. 2015-2017 й.

Ҳақимов Қ.М. Ниёзов Н.О. Уралова М.У. (Жиззах, ЖДПИ)

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРНИ ЎРНИ

Миллий истиқлол шарофати билан халқнинг умуммиллий бойлиги бўлмиш моддий, маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан

фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ноёб моддий мерос объектларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Шу боис, халқимизнинг моддий мерос объектларига бўлган ихлос ва ҳаваси ошди ҳамда бундай барҳаёт сарчашмалардан баҳраманд бўлиш маънавий заруриятга айланди.

Бинобарин, аждодлардан мерос бўлиб қолган муқаддас тарихий масканларни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш республикани давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда шу заминда яшаётган барча юртдошларимизнинг муқаддас вазифасидир. Масалан, сўнгги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни (2001 й. №269) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори (2014 й. №200), бу соҳадаги барча ишларга давлат миқёсида аҳамият берилаётганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, халқ эъзозига сазовор бўлган маданий мерос объектлари Жиззах воҳасида ҳам кўп, уларни катта фахр ва ғурур билан тилга олиш мумкин. Ана шулар қаторига, X асрда тўғони гранит тошлар ва сувга чидамли махсус қотишмалардан тайёрланган қадимий Хонбанди гидротехник иншоотини киритиш мумкин. Мутахассисларнинг аниқлашича, мазкур тўғон иншооти Ўрта Осиё - кўҳна Тўрон халқлари бунёд этган суғориш иншоотлари орасида энг қадимгисидир.

“Жиззах вилояти зиёратгоҳлари” китоби муаллифи Оға Бургутли маълумотлари бўйича, вилоят ҳудудида 372 моддий, маданий ва археология мероси объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар мавжуд. Уларнинг барчаси маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган ва давлат муҳофазасига олинган. Шу билан бирга, вилоятда ҳали ўз тадқиқотчиларини кутаётган табиий, тарихий ва археологик масканлар жуда кўп. Бундай табаррук қадамжоларни аниқлаш, давлат реестрига киритиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш, улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш ниҳоят даражада муҳим ва савобли ишдир.

Мазкур мақолада маданий мерос объекти сифатида рўйхатга киритилган ва давлат муҳофазасига олинган мўътабар қадамжолардан бири “Ҳазрати Эшон халифа” зиёратгоҳи ҳақида сўз боради. Ушбу табаррук маскан Фориш туманининг чекка тоғли ҳудудидаги Андагин қишлоғида жойлашган. Қадамжо Жиззах шаҳридан 120 км., туман маркази - Боғдон шаҳарчасидан 45 км. шимоли-ғарбдаги узоқликдадир. Қишлоқ атрофидаги табиий ландшафт деярли ўзгармаган, табиати ниҳоятда гўзал, баланд тоғлар, серсув булоқлар кўп.

Андагин номининг этимологияси ҳақида бир неча талқинлар мавжуд. Шулардан бири, академик А.Муҳаммаджоновга тегишли, унга асосан қадимий сўғд тилига хос бўлган, Андагин сўзи анди - «яқин», гин - «сув», яъни сув яқин маъносини беради. Ушбу ҳудудда олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, қишлоқда тахминан IV-V асрларда қурилган, атрофи девор билан ўралган ва маҳаллий халқни хавф-хатардан сақлаш учун хизмат қилган, қадимий истехкомли қалъа ва қўрғон мавжуд.

“Ҳазрати Эшон халифа” зиёратгоҳи қишлоқнинг ўрта қисмида жойлашган. Бу манзилни сўнги макон тутиб, авлиёлик мақомига эришган азиз зотнинг исмлари Жалолиддин ибн Абдукарим бўлган. Нияти холис ул киши, ҳақ ва ҳақиқатга эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилганлар. Бухоронинг ўз даврида машҳур бўлган Мир Араб мадрасасида мукамал таълим олиб, зоҳирий илмларни мароқ билан ўрганганлар. Ўз даврининг донишманди бўлган, мўътабар шахс, одам ва олам моҳияти устида бир умр мушоҳида юритган, дунёни мукамал, ҳаётни тўқис, инсонни баркамол кўришни орзу қилган. Пири комил эътиқоди билан ўзгаларга намуна бўлган, бутун ҳаётини илм, маърифат ва донишмандликка бағишлаган. Азиз зотнинг хужраларида эски буйра, китоблар тахланган тахта ва ёстикдан бошқа нарса бўлмаган.

Жалолоддин домла - нақшбандия тариқатини воҳа бўйлаб кенг тарқалишида холис хизмат қилганлар. Нақшбандия - ислом динининг фалсафий таълимотларидан бўлиб, бу йўлга кирганлар ўзларини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклаб, яъни ички ва ташқи руҳий иллатлардан покланиб Аллоҳ висолига эришиш, ҳақиқатни англаш учун ўзларини доимо такомиллаштириб борганлар. Шу боис, нақшбандия таълимотининг асосий шиори “дил ба ёру, даст ба кор”, ўзининг мўътадиллиги, дунё ва охират ишларини баробар олиб боришни тарғиб қилиши билан бутун дунёга машхур.

Бунинг маъноси - ҳар бир инсон дилида доимо худони сақласину, унинг қўли эса ризку рўз топиш учун доимо меҳнатда бўлсин. Бинобарин, домла Жалолоддин ҳазратлари каромат соҳиби бўлишлари билан бирга, меҳнат қилиш ва уни эвазига рўзғор тебратишликни хуш кўрганлар. Донишмандлар дейдиларки, “авлиё худо эмас - худо ундан жудо эмас”. Авлиёлар албатта, ўз кароматлари билан азиздурлар.

Зиёратгоҳни ҳозирги ҳудуди салкам 0,5 гектарни ташкил этади. Мазкур маданий мерос объекти ҳозирда қайта қурилмоқда. Зиёратгоҳ ҳовлисида ажойиб булоқ бор ва мўъжазгина ҳовуз қурилган. Чашма суви шифобахш хусусиятларга эга бўлиб, ундан доимо тоза зилол сув оқиб туради. Ҳовузда реликт ҳисобланган гулмоҳи баликлари кўп.

Асосий бинога киришдаги чап томонда аёл кишининг қабри жойлашган. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар доим то дунё яралибтики, яхшилик билан ёмонлик курашиб келади. Ривоят қилинишича, аёл ёш боласи билан жоҳил ёвлардан қочиб, уларнинг қўлига тушмаслик учун Яратгандан нажот сўраб илтижолар қилган ва шу жойда ер ёрилиб боласи билан бирга ерга кирган. Кейинча, ғайб илмида авлиёлик мақомига эришган домла Жалолоддин, ул киши билан ғойибона учрашганлар ва қабр жойини аниқлаганлар. Маҳаллий аҳоли орасида ер қаърига боласи билан бирга ғойиб бўлган аёл, “Ҳазрати Биби Рўшноӣ” номи билан машхур.

Бинонинг ўнг томонидаги хонада, XIX асрда яшаган ва маҳаллий халқ орасида Ҳазрати Эшон халифа номи билан танилган, домла Жалолоддин қабрлари жойлашган. Зоти шариф бутун умри давомида асосан тариқат одобларидан сабоқ бериб, халқни динга тарғиб этиш ва исломий ахлоққа чорлаш билан шуғулланганлар. Шариат аҳкомларига нафақат ўзлари, балки бошқаларни ҳам тўла ва мукамал амал қилишга даъват қилганлар. Ушбу табаррук масканни пайдо бўлиши, уни муқаддас ва мўътабар зиёратгоҳга айланишида Жалолоддин домлани хизматлари беқиёс бўлган.

Ҳовли ичкарасида диний ва миллий маросимларни ўтказиш учун янги бино қурилган. Зиёратгоҳ ҳовлисидан ташқарида зиёратчилар учун ошхона хизмат кўрсатади. Миллий маросимларда таом тайёрлаш учун қазон, ўчоқ ва барча ошхона жиҳозлари муҳаё қилинган. Зиёратга келиб кетувчилар улардан бепул фойдаланишади. Сўнгги йилларда муқаддас қадамжо атрофи янада ободонлаштирилди, турли хил арча дарахтлари ва гуллар ўтказилди. Зиёратгоҳ ҳовлисида бир нечта қадимий тут ва ёнғоқ дарахтлари бор. Кекса дарахтларнинг ёши тахминан 250-300 йилни ташкил қилади.

Дарҳақиқат, халқ маънавий, руҳий жиҳатдан қувват оладиган, диний ва миллий кадриятларга эъзоз кўрсатишга чорлайдиган муқаддас қадамжолар Жиззах воҳасида кўп, аммо уларни фақат маҳаллий даражада, яъни туман ёки вилоят миқёсида кўпроқ билишади. Вилоятда зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида авлиёлик мақомига эришган сиймолар абадий қўним топган қутлуғ масканларни республика ва халқаро даражадаги маданий мерос объектларига айлантириш зарур. Айнан, улар зиёрат туризмни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, зиёрат туризми саёҳатнинг энг мақбул ва кишиларни маънавий юксалишига хизмат қиладиган муҳим туридир. Чунки ҳар бир инсон эътиқод қилади, сиғинади, ўзида руҳий ва маънавий жиҳатдан покланишга эҳтиёж сезади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, яқин келажакда вилоят миқёсида зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бинобарин, муқаддас қадамжоларда қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш зиёратчилар сонини кўпайишига хизмат қилади.

Жиззах вилояти ҳудудидаги зиёратгоҳлар бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларни жонлантириш, талабга жавоб берадиган зиёратгоҳларни диний сайёҳлик маршрутларга киритиш мақсадга мувофиқ. Бу учун қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга: аниқланган барча муқаддас қадамжоларни давлат реестрига киритиш; зиёрат туризми объектларини аниқлаш ва уларнинг картасини тузиш; зиёратчилар учун қулай ва зарурий шарт-шароитлар яратиш; муқаддас қадамжоларни оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарғиб қилиш ва рекламасига жиддий эътибор қаратиш; зиёрат туризми ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни (2001 й. 30.08. № 269).
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори (2014 й. 21.07. № 200).

Намозов Ж.А. (Тошкент, ЎЗМУ)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЕР - СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХУДУДИЙ ТАҲЛИЛИ

Қишлоқ хўжалигининг тараққий этиши ер ва сув ресурсларининг кўп жиҳатдан бир – бирига мувофиқ келиши билан боғлиқ. Бунда уларнинг етарли даражада мавжуд бўлиши билан бирга, унга бўлган талаб, парвариш ҳам муҳим рол ўйнайди. Мазкур ресурслардан фойдаланилаётганда биринчи навбатда унинг хўжалик учун аҳамиятли бўлган қисмига эътибор қаратилади. Яъни, буларга асосан суғориладиган ва экин ерлар ҳамда чучук сувлар киради. Самарқанд вилоятининг асосий таъминотчиси Зарафшон дарёси бўлганлиги сабабли, унинг ҳудудидаги барча сувлар фойдаланишга яроқли. Бироқ ер ресурслари ҳақида бундай дейиш қийин, чунки, унинг ҳамма қисмидан ҳам иқтисодиётда интенсив фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун мазкур тадқиқотда, эътибор кўпроқ қишлоқ хўжалиги учун қимматли бўлган суғориладиган ерларга қаратилади.

Кўп йиллик кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, вилоят қишлоқ хўжалигига бир йилда ўртача 3273,2 млн м³ сув сарфланади. Сувнинг асосий истеъмолчиси эса суғориладиган ерлар бўлиб, айнан шулар орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мумкин. Минтақада суғориладиган ерларнинг умумий майдони 379595 гектарни ташкил этади (2016 й.). Шундан 1 гектар суғориладиган ерга вилоят бўйича ўртача 8684,5 м³ сув тўғри келади ҳамда юқоридаги жадвалда мазкур кўрсаткич асосий индикатор сифатида кўлланилади (1 – жадвал). Ушбу рақам ҳудудлар бўйича фарқ қилиб, айнан мана шу тафовутлар уларнинг сув билан таъминланганлик ҳолатини аниқ кўрсатиб бера олади. Жумладан, сув ресурслари билан нисбатан яхшироқ таъминланган ҳудудларга Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Пайариқ, Нуробод, Самарқанд туманлари киради. Бу ерда бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган сув ресурслари вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган туманлар назарда тутилмоқда.

1 – жадвал

Вилоятнинг суғориладиган ер ва сув ресурслари салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро нисбати

№	Туманлар	Суғориладиган ерлар (гектар ва %ҳис.)	Сув ресурслари (млн м ³ ва % ҳис.)	1 га ерга тўғри келадиган сув (м ³ ҳис.)
1	Булунғур	29859	236,0	7903,2
		7,9	7,2	0,910
2	Жомбой	31600	242,6	7677,9

		8,4	7,4	0,884
3	Иштихон	31503	262,8	8343,1
		8,4	8,0	0,961
4	Каттакўрғон	34606	346,3	10008,1
		9,2	10,6	1,152
5	Нарпай	27493	288,3	10484,5
		7,3	8,8	1,207
6	Нуробод	6961	66,1	9500,5
		1,8	2,0	1,094
7	Оқдарё	28657	207,7	7248,2
		7,6	6,3	0,835
8	Пастдарғом	53896	461,8	8569
		14,3	14,1	0,987
9	Пахтачи	23720	269,7	11369,3
		6,3	8,2	1,309
10	Пайариқ	40817	410,4	10055,8
		10,8	12,5	1,158
11	Самарқанд	15454	146,1	9450,8
		4,1	4,5	1,088
12	Тайлоқ	16284	129,0	7921,8
		4,3	3,9	0,912
13	Ургут	30306	195,7	6456,1
		8,0	6,0	0,743
14	Кўшработ	5745	10,7	1863,5
		1,5	0,3	0,215
Вилоят		379595	3273,2	8684,5
		100	100	1,000

Жадвал Зарафишон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (ЗИТХБ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди, 2016 йил.

Изоҳ. Жадвал каср кўринишда берилган бўлиб, унинг суратида мутлоқ, махражида эса нисбий кўрсаткичлар берилган. Жумладан, суғориладиган ер ва сув ресурсларининг вилоятга нисбатан улуши ҳамда уларнинг ўзаро нисбати индекси келтирилган.

Шунинг учун вилоятнинг энг кўп (14,1 %) сувдан фойдаланадиган тумани Пастдарғом бу қаторда йўқ, чунки район минтақада энг кўп суғориладиган ерларга ҳам эга ҳудуд ҳисобланади. Умуман олганда, Пастдарғом тумани ҳисобига ҳам ушбу индекс ёмон ҳолатни қайд этмайди (0,987), яъни бу ерда (вилоят билан) деярли тенглик кузатилади. Деҳқончилик яхши ривожланмаган Нуробод тумани шунчаки, суғориладиган ерларга ҳам анча камбағал. Пайариқ эса ҳам ер, ҳам сув ресурслари билан етарли таъминланган асосий ҳудудлардан биридир. Бу борада энг ёмон кўрсаткич Кўшработ тумани ҳисобига кузатилади. Суғориладиган ерларга нисбатан сув ресурслари улуши 4,5 марта кам, бироқ, аксинча, ер ресурслари шунча кўп. Бунинг сабаби сифатида мазкур ҳудуд ер ресурсларининг унумдорлиги пастроқ эканлиги ва шунинг учун бу ерда асосан чорвачилик ривожлантирилганлигини кўрсатиш мумкин. Бироқ шу билан бирга, туман вилоятда суғориладиган ерлардан фойдаланиш коэффициенти ҳам энг паст ҳудуд ҳисобланади. Пахтачи тумани эса Нарпай билан биргаликда суғориладиган ерларига қараганда кўпроқ сувдан фойдаланмоқда.

Умуман минтақанинг суғориладиган ер ва сув ресурслари билан таъминланганлиги бир – бирига алоқадор жараён бўлиб, мазкур ҳодиса Корреляция – Спирмен коэффициентида ҳисоблаб чиқилди. Натижалардан маълум бўлишича (0,82) суғориладиган ер ҳамда сув ресурслари ўзаро кучли боғланган. Бунинг сабаби, биринчидан сув захираси етарли бўлган жойларда ушбу ерлар кўплиги бўлса, иккинчидан кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши режасида ҳам лимитнинг катта қисми суғориладиган ерларга берилишидир.

Вилоятнинг суғориладиган ер ва сув ресурслари таъминланганлик ҳолати ҳамда унинг ҳудудий хусусиятлари бу борадаги айрим муаммоларни кўрсатиб бера олади. Масалан, сувни кўп талаб қиладиган деҳқончилик ҳудудларида унинг етишмаслиги ёки аксинча, бошқа жойларда сув унча зарур бўлмаган шароитда меъёрдан ортиқчалиги ва ҳоказо. Бунда бирор туманнинг табиий шароити қайси экин турларини етиштиришга ихтисослашганлиги билан боғлиқ. Булардан ташқари, давлат режаси, бозор талаби ва таклифи, аҳоли ҳоҳиш истаклари, тушунчалари, турмуш шароитлари ҳам таъсир кўрсатади.

Самарқанд вилояти аграр соҳа ишлаб чиқаришида республиканинг таянч ҳудудларидан ҳисобланса ҳам, ўзининг имкониятларидан максимал фойдалана олаётгани йўқ. Айрим тоғ ва чўл ҳудудларини ҳисобга олмаганда, бу минтақа ҳам ер, ҳам сув, умуман олганда, агроиқлимий ресурслар билан жуда яхши таъминланган, ваҳоланки бу ресурслар миқдори камайиб борапти. Айниқса, унумдор ер ресурслари кишлоқ хўжалиги бўлмаган соҳалар учун, шунчаки қурбонликка берилмоқда. Сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси, маданияти пастлиги сабабли, ҳаттоки, юқори ўзан атрофидаги ҳудудларларда ҳам унинг етишмаслиги кузатилади.

Адабиётлар:

1. Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари. – Самарқанд, 2006 - 2016 й/р.
2. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: Университет, 2014. – 404 б.
3. Ўзбекистон Республикаси ер фонди. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр давлат қўмитаси маълумотлари. – Т., 1991 - 2016 й/р.

G'apparov A. N., Hakimov B., Mutalov J.U., Jumanova M.M. (Jizzax, JDPI)

JIZZAX VILOYATI URBANISTIK STRUKTURASINING HUDUDIY TAHLILI

Muayyan mintaqa urbanistik strukturasi deyilganda, hududdagi shahar aholisining umumiy rivojlanishi va shahar aholi punktlarining hududiy joylashuvi, hududiy va miqdoriy o'sishi, umumiy aholi punktlari tarkibidagi nisbatlari tushuniladi.

Jizzax viloyatida aholi punktlarining rivojlanish omillari va shaharlashish xususiyatlari tahlil qilinganda shu narsa ma'lum bo'ladiki, mintaqa urbanizatsiya jarayonida umumiy tabiiy, iqtisodiy va ijtimoiy geografik omillar bilan birgalikda viloyatning tabiiy muhit nuqtai nazaridan tafovutlarga ega ikki mintaqaga ajralishi, shu bilan birga ushbu mintaqalarning inson xo'jalik faoliyatiga jalb qilinishidagi davriy farq hamda xo'jalik tizimi xususiyatlari ham o'ziga xos o'rin egallaydi.

Ta'kidlash joizki shaharlar Jizzax viloyatining iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishida alohida o'rin egallaydi. Garchi, viloyat iqtisodiyoti qishloq xo'jaligi bilan har tomonlama bog'liq bo'lsada, shaharlarning kelajakda sanoat va xizmat ko'rsatish tarmoqlarini rivojlantirishda tayanch vazifasini bajarishi aniqdir. Binobarin, viloyatdagi har bir tuman va tabiiy – xo'jalik mintaqalarida aholining demografik rivojlanishi barobarida shahar aholi punktlarining taraqqiy etishi va o'sishiga e'tibor qaratish maqsadga muvofiq bo'ladi. Buning uchun eng avvalo viloyat

tarkibidagi har bir tumanning urbanizatsiya salohiyati va imkoniyatlarini tahlil qilish, shaharlarning xo'jalik tizimida qanchalik muhim o'rin egallashi mumkinligi tadqiq qilish kerak bo'ladi. Yuqoridagi boblarda viloyat tarkibidagi tumanlar va ulardagi aholi punktlarining o'zaro tafovutlari jadvallar asosida ko'rsatib berildi. Ko'rsatib o'tilgan ma'lumotlardan bilsa bo'ladiki, mintaqa tumanlarida urbanizatsiya darajasi o'zaro ancha farq qiladi. Ayni farq shahar aholi punktlarining miqdorida ham sezilarli darajadadir. Ayrim tumanlarda shahar aholi punktlari soni juda kam, lekin shahar maqomiga ega bo'lmagani holda shahar darajasida rivojlanish salohiyatiga ega qishloqlar mavjud bo'lsa, boshqalarida shahar maqomi berilgan aholi punktlarining o'z funktsional ahamiyatiga ko'ra shahar darajasida rivojlanish imkoniyatlari cheklangan. Ushbu xususiyatlarni belgilash va tahlil qilish eng avvalo mintaqa aholi punktlari tarkibini qiyosiy-geografik tavsiflash maqsadga muvofiqdir.

Jizzax viloyati urbanistik strukturasi quyidagi ko'rsatkichlar asosida tahlil qilish nazarda tutiladi:

- Viloyatda shahar aholi punktlarining rivojlanishini davriy-hududiy nisbatda ko'rib chiqish.
- Jizzax viloyatidagi aholi punktlarining ichida shaharlarning umumiy ulushi;
- Viloyatdagi shaharlarning hududiy nisbatdagi o'rni;
- SHaharchalarning umumiy aholi punktlariga nisbatan tutgan miqdoriy va qiyosiy o'rni;
- SHahar va shaharchalarning nisbiy tahlilini tumanlar kesimida o'rganish.

Viloyat shaharlari nisbatan kichik bo'lib, faqat Jizzax shahri aholisi ko'pligi hamda sanoat markazi sifatida o'z o'rniga egadir. Lekin ayni vaqtda tahlil ostidagi asosiy masala shaharlarning shakllanishi va rivojlanishidagi davriy nisbat bo'lib, viloyat shaharlarining rivojlanishi asosan XX asrning ikkinchi yarmidan va mustaqillik yillaridan boshlanganligini e'tirof etish kerak. SHunga ko'ra viloyat shaharlarining shakllanishi, rivojlanishi va iqsodiy ijtimoiy mavqega ega bo'lishini 3 davrga; qadimgi, XX asrning ikkinchi yarmi hamda XXI asrning birinchi 10 yilligi davrlariga ajratish mumkin. Qadimgi davr asosan Jizzax shahri bilan bog'liq bo'lib, ushbu shahar respublikadagi yirik shaharlar qatorida turadi. SHaharning yiriklashuvi ayniqsa sobiq ittifoq davri hamda mustaqillik yillariga to'g'ri keladi. SHahar aholisi Jizzax viloyati tashkil topgan davrdan boshlab intensiv ko'payib borgan, bunda tabiiy ko'payish bilan birga, mexanik o'sish ham katta o'ringa ega bo'lib, Mirzacho'l iqtisodiy rayonida Jizzax shahrining yirik sanoat tuguni sifatida rivojlanishi bilan bog'liq.

Jizzax shahri aholisining ko'payish dinamikasiga e'tibor qaratilsa ko'rinadiki, shahar aholisi 1959 yildan 1990 yilgacha, ya'ni 40 yil ichida 10 barobar ko'paygan. Bu holat ushbu yillar ichida shaharlashish jarayoni jadal kechganligini ko'rsatadi. Mustaqillik yillarida shahar aholisining o'rtacha ko'payish jadalligi yiliga 2000 kishini tashkil etadi. 1939 yildan 1990 yilgacha o'tgan 50 yil mobayinidagi ko'payish jadalligi 2,14 ming kishi bo'lganligi bilan qiyoslaganda bu holat ancha yuqori jadallikni ko'rsatadi. Albatta 2-jahon urushi va undan keyingi iqtisodiy og'ir yillarni hisobga olish zarur, 1959 yildan mustaqillikacha bo'lgan davrdagi ko'payish tezligi yiliga o'rtacha 3 ming kishini tashkil etgan bo'lib, ushbu yillar mobaynida Jizzax shahri respublikadagi yirik yengil sanoat markazlaridan biriga aylangan edi.

Viloyatdagi boshqa shaharlar asosan sobiq ittifoq davrida asosan kichik sanoat tugunlari va aholi manzilgozlari sifatida shakllantirilgan va tuman markazlari funktsiyasini bajargan. SHu nuqtai nazardan ularning davriy rivojlanishida katta tafovutlar sezilmaydi.

Viloyat hududidagi aholi punktlari tarkibidagi shaharlar ulushi yuqorida aytilganidek 2009 yildan keskin ko'tarildi, binobarin viloyatda shahar aholi punktlarining umumiy ulushi 8% ni tashkil etadi, bu o'z navbatida juda past ko'rsatkichdir. SHahar aholisining ulushi 47% ekanligi, shaharlarda aholi soni tobora ko'payib borayotganligi bilan belgilanadi. Lekin viloyat tumanlarida shaharlashish jarayoni bir tekis emas, bu shaharlar soni va shahar aholisi miqdorida ham ko'rinadi. Buni aniq tasavvur qilish uchun shaharlar miqdori va ulardagi aholi soni bo'yicha tabaqalanishni tumanlar bo'yicha ko'rib o'tish kerak bo'ladi.

Viloyatda shaharlarning aholi soni bo'yicha tabaqalanishi haqida ma'lumot.


(Jizzax shahridan tashqari)

1-jadval

№	Tumanlar	SHahar- lar soni	Viloyat shaharlarining aholi soni bo'yicha taqsimlanishi.			
			2000-5000	5000- 10 000	10 000- 20 000	20 000- 50 000
1.	Arnasoy	2	1	0	1	0
2.	Baxmal	7	6	0	1	0
3.	Do'stlik	2	0	1	1	0
4.	Jizzax	7	1	1	5	0
5.	Zomin	5	2	1	1	1
6.	Zarbdor	4	1	1	2	0
7.	Zafarobod	4	3	1	0	0
8.	Mirzacho'l	3	2	0	1	0
9.	Paxtakor	2	0	1	0	1
10	Forish.	2	1	1	0	0
11	Yangiobod.	2	2	0	0	0
12	G'allaorol	7	3	3	0	1
14	Viloyat bo'yicha	47/100%	22/ 46,8%	10/21,3%	12/25,5%	3/6,4%

Jadval tuzilishida Jizzax shahri hisobga qo'shilmaganligining sababi viloyatdagi shaharlar aholi soni bu shaharga nisbatan ancha kam ekanligidir. Ko'rinib turibdiki, aholisi 20 mingdan 50 minggacha bo'lgan birmuncha kattaroq shaharlar soni ikkita xolos. Viloyatda eng ko'p sonli bo'lgan aholisi 2 mingdan 5 minggacha bo'lgan shaharlar esa tashqi ko'rinishi va turmush tarzi asosan qishloqlarga xosdir.

Jizzax viloyati shaharlarining aholi soni bo'yicha tabaqalanishi nisbatlari



Doimo ta'kidlanganidek viloyat har jihatdan ikki qismga, ya'ni tog' va tog' oldi hamda cho'l yoki tekislik mintaqalariga ajraladi va viloyatning umumiy geografik tafovutlarining asosini belgilaydi. SHu nuqtai nazardan shaharlar soni, ulardagi aholi miqdori ham ayni tafovutlarga bo'ysunadi.

Viloyat tabiiy mintaqalari bo'yicha shaharlarning qiyosiy manzarasi

2-jadval

mintaqalar	Mintaqalardagi shaharlar soni	viloyat aholi punktlari sonidagi ulushi	mintaqa shaharlari aholi soni	Viloyat aholisi sonidagi ulushi %
Tekislik mintaqasi				
(Arnasoy, Mirzacho'l, Do'stlik, Zafarobod, Paxtakor, Zarbdor tumanlari)	17	36%	157188	27%
Tog' va tog' oldi mintaqasi				
(Baxmal, Jizzax, Zomin, Forish, G'allorol, Yangiobod tumanlari)	30	64%	260989	45%
Jizzax shahri			163204	28%
Viloyat bo'yicha shahar aholisi soni	47	100%	581381	100%

Viloyat mintaqalari bo'yicha shahar aholi punktlarini qiyosiy tahlil qilinganda ko'rinib turibdiki, tog' va tog' oldi mintaqasida shaharlar va ularda yashovchi aholi ulushi umumiy viloyat miqyosida katta o'rin egallaydi. Bu o'z navbatida viloyatda aholi joylashuvi va xo'jalik

tizimidagi o'zgarishlar bilan bog'liq. Tog' va tog' oldi hududlari qadimdan aholi yashaydigan mintaqa bo'lib, aholi punktlarining umumiy miqdori ham ancha ko'p, xo'jalik tizimi ham qadimdan shakllangan. CHo'l mintaqasi nisbatan yaqinda o'zlashtirilgan, aholi punktlari reja asosida bunyod qilingan. Mustaqillik yillarida xo'jalik tizimida keskin o'zgarishlar sodir bo'lganligi, o'zlashtirilgan mintaqada mehnat resurslariga ham munosabatni o'zgartirdi. SHu bilan birga ushbu hududlarga ko'chirib keltirilgan aholi o'z joylari bo'lgan tog' oldi hududlariga qayta boshladilar. SHuningdek aholi asosan yirik shaharlar atoriga to'plana boshladi. Bu holat mulkchilikda xususiy sektorning ahamiyati ortadigan har qanday muhitga xosdir.

Jizzax viloyatida urbanizatsiya darajasi 2009 yilda turli qishloqlarga shaharcha maqomini berish tadbiri natijasida ko'tarildi. Qishloqlarga shaharcha maqomining berilishi tumanlar bo'yicha ancha notekis amalga oshirildi. Ularning nisbatini – jadval ma'lumotlarida ko'rib o'tilgan edi. Ayni shaharchalarning tumanlar bo'yicha miqdori va ulardagi aholi sonining viloyatdagi umumiy shaharlar soni va shahar aholisining soniga nisbatlarini tahlil qilish orqali, ularning viloyat urbanistik strukturasi qanchalik o'rin egallashlari ma'lum bo'ladi.

Viloyat yangi shaharchalarining nisbati haqida ma'lumot.

3-jadval

№	Tumanlar nomi	Yangi shaharchalar soni	Yangi shaharchalarning umumiy sonidagi ulushi %	Yangi shaharchalardagi aholi soni (kishi.2017 01.05. holatiga)	Yangi shaharchalardagi umumiy aholi sonidagi ulushi %
1	Arnasoy	2	5.8%	7476	3,7%
2	Baxmal	6	17.6%	25271	12,5%
3	Do'stlik	1	2.9%	6717	3,3%
4	Jizzax	7	20.5%	76437	37,9%
5	Zomin	3	8.8%	13441	6,6%
6	Zarbdor	2	5.8%	15420	7,6%
7	Zafarobod	3	8.8%	16232	8%
8	Mirzacho'l	2	5.8%	8977	4,4%
9	Paxtakor	1	2.9%	8844	4,3%
10	Forish	0	0	0	0%
11	Yangiobod	2	5.8%	5219	2,5%
12	G'allaorol	4	11.7%	17466	8,6%
jami		34	100%	201500	100%

Yangi shaharcha maqomi berilgan shaharchalar viloyatdagi mavjud shaharlar qatorida salmoqli o'rin egallaydi. Yangi shaharchalar viloyatdagi shaharlarning 72% ini, yangi shaharchalar aholisining soni viloyatdagi shahar aholisining 34 % dan ortig'ini tashkil qiladi.

Viloyat urbanistik strukturasi shahar va shaharchalarning o'zaro nisbatini tahlil qilish ham ahamiyatga egadir. Xususan ularning miqdoriy va hududiy nisbatini aniq tasavvur qilish viloyatda aholining hududiy joylashuvi, mehnat resurslari va ishlab chiqarishni tashkil qilish masalalarini o'rganishda muhim ma'lumot sifatida ahamiyatga ega bo'lishi mumkin.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan ma'lum bo'ladiki, viloyatda shaharlar ta, shaharchalar esa tadir. Ularning hududiy nisbati umumiy ravishda tahlil qilingan edi, endi shahar va shaharchalarning o'zaro nisbatini tasavvur qilish bilan viloyat urbanistik strukturasi tahlilini yakunlash mumkin.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q" Toshkent: "O'zbekiston". 1998.
2. Mirziyoyev Sh. "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz". T; "O'zbekiston", 2017.

Usmanov M.R., Juraxujayev D.D., Muhammedov J.S (Jizzax, JDPI)
**JIZZAX VILOYATI EKOTURISTIK IMKONIYATLARIDAN SAMARALI
FOYDALANISH**

Bugungi kunda turizm aksariyat mamlakatlarda milliy iqtisodiyotga salmoqli daromad keltiruvchi sohalardan biri hisoblanadi. Jahon sayyohlik tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra mazkur soha daromadi yiliga bir necha trillion dollarni tashkil etmoqda. Turizm va turistik xizmatlar tobora rivojlanib borishi natijasida so'nggi yillarda uning bir necha noan'anaviy turlari-ekoturizm, agroturizm, arxeologik, etnografik, ekstremal sharoitlar turizimi va boshqalar shakllana boshladiki, ushbu yo'nalishlar mutaxassislar tomonidan tez taraqqiy etayotgan sohalar sifatida e'tirof etilmoqda. Ayniqsa sayyohlikning istiqbolli turlaridan biri-ekoturizm jadal rivojlanmoqda. Buning sabalaridan biri shuki shahar shovqinidan, turli omillarga ko'ra ifloslantirilgan suv va havodan, shuningdek ijtimoiy qarama qarshiliklardan charchagan inson o'zini go'zal va musaffo tabiat qo'ynida uning bir bo'lagi sifatida xis etib, xayot tashvishlaridan xoli bo'lgisi va tabiat bilan yolg'iz qolgisi keladi. Zero o'zi yaratgan tabiat uni yana o'z bag'riga olganida vujudda yangilanish va tiklanish jarayonlari kechayotganligini xis etadi. Jizzax viloyati ana shunday go'shalardan biri hisoblanadi. Har yili viloyatga 25 mingdan ortiq mahalliy 4-5 mingdan ortiq xorijlik sayyohlar tashrif buyurmoqda. Ularning aksariyat qismi tabiat ishqibozlari-ekoturistlardir.

Taniqli olimlarimiz A.Soliyev va M.Usmonovlar tomonidan 2005 yilda chop etilgan "Turizm geografiyasi" nomli kitobda mamlakatimizni 6 ta turistik rayonga ajratilgan. Bular Toshkent, Mirzacho'l, Farg'ona, Zarafshon, Janubiy hamda Quyi Amudaryo turistik rayonlaridir. Jizzax viloyati Mirzacho'l turistik rayoniga kiritilgan bo'lib u o'zining ekoturizm imkoniyatlariga boy hududlardan biri ekanligi bilan ajralib turadi. Bu yerda bir vaqtning o'zida qizigan qum cho'llar va qor bilan qoplangan viqorli tog'larni uchratish mumkin. Viloyatning ana shunday o'ziga xos landshaftlari, o'simlik va hayvonot dunyosi, xushmanzara archazor tog'lar (Zomin tumani), Turkiston tog' tizmalari bag'ridagi noyob ekotizmga boy bo'lgan Zomin milliy bog'i, Zomin qo'riqxonasi (qo'riqxonada hududida yovvoyi o'simliklarning 700 dan ortiq turi, kam uchraydigan va yovvoyi hayvonlarning 150 turi mavjud), O'rikli soy sharsharasi, 1000 yoshli Boboyong'oq, Aydar-Arnasoy ko'llari qolaversa Forish tumani hududidagi takrorlanmas landshftlar nafaqat mahalliy balki xorijlik sayyohlarda ham katta qiziqish uyg'otmoqda. Viloyat shunday ekoturistik imkoniyatlarga ega ekan, biz bundan oqilona va samarali foydalanishimiz kerak.

Biz viloyat ekoturizm sohasining hozirgi holatini tahli qilib, quyidagi taklif va mulohazalarni berib o'tmoqchimiz:

-mazkur soha bo'yicha malakali mutaxassislar (turagent, turopoperator va gidtarjimon) tayyorlash;

-dam oluvchilarning xavfsizligini to'la qonli taminlash;

-umumiy ovqatlanish joylarida xorijlik sayyohlar uchun o'z milliy taomlarimizdan tashqari chet el xalqlarining ham milliy taomlarini tayyorlashni yo'lga qo'yish;

- transport xizmatlari tizimini yaxshilash, yo'l va yo'l bo'yi infratuzilmasi bilan bog'liq muommolarni hal qilish;

-marshrutlar yo'nalishiga qarab sayyohlarni estetik zavq bag'ishlovchi transportning o'ziga xos tarmoqlari (velosipet, motosekl, ot, eshak, tuya, chana, kema va b.)da olib yurish;

-tabiatning betakror manzaralarini tomosha qilish uchun chodir tikish va kempinglar qurishda o'ziga xos talablarga rioya qilish, shuningdek ulardan foydalanishda xavsizlikni taminlash;

- ekoturistik hududlarda mehmonxonalar, restoranlar va xizmat ko'rsatish inshootlarini tabiat hamohangligida qurish va jihozlash;

-ekoturestik hududlar sanitariyasiga e'tibor qaratish;

-sayyohlarning bo'sh vaqtini maroqli o'tkazish maqsadida ularni xalqimizning go'zal urf-odatlarini va o'yinlari bilan tanishtirish.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, viloyatda ekoturizmni tashkil etish har tomonlama qulay hamda foydalidir. Bunda masalaga bir tomonlama emas, balki ko'p tomonlama yondashish talab etiladi. Hamma narsa tabiiy va o'z holicha saqlanmog'i kerak. Aholi istiqomat qilmaydigan ekoturistik hududlarda mehmonxonalar, restoranlar va xizmat ko'rsatish inshootlarini tabiat hamohangligida qurish va jihozlash aksincha bo'lganda esa sayyohlarni imkon qadar barcha sharoitlarga ega bo'lgan uy mehmonxonalariga joylashtirish lozim. Sayyoxlar uchun xam bu qiziqarli bo'lib, maxalliy axolining yashash tarzi, urf odatlari, maxalliy taomlari va oilva iy an'analari o'z ko'zlari bilan ko'ribgina qolmay ularga bevosita ishtirok etishlari mumkin. Bu sayyoh uchun qiziqarli va zavqli bo'libgina qolmasdan balki tabiat va inson o'rtasidagi azaliy yaqinlik va munosabatlarning tub ildizlari tabiat va qishloqlarimiz xayoti blian chambarchas bog'lik ekanligini tushunib yetadilar, ularni qanday bo'lsa shundayligicha saqlanib qolinishining ahamiyatini anglaydilar.

Viloyatda ekoturizmni rivojlantirish imkoniyatlari yetarlicha, faqatgina biz ulardan oqilona va samarali foydalanishimiz lozim. Bu esa, o'z navbatida, mamlakat iqtisodining rivojlanishiga, Jizzax viloyatini kelajakda asosiy "Turistik mintaqa"ga aylanishiga qolaversa jahon turistik markazlaridan biri bo'lishiga asos bo'lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz, T; "O'zbekiston", 2017.
2. Komilova F. Xalqaro turizm bozori. T., TDYI, 2001.
3. Soliyev A.S., Usmonov M. "Turizm geografiyasi". Samarqand, 2005-yil
4. Internet saytlar: www.jizzax.uz; www.uzbektourism.uz;

Аллаёров Р.Х., Бўрибеков М.Ф., Хидиров М.Ш., Рахмонқулов А.Н.

(Тошкент, ТДПУ)

ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўзларидаги мавжуд табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида туризмга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда сўнгги йилларда қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар ушбу соҳани ривожланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Жумладан, 2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида" ги фармоннинг имзоланиши бу соҳадаги янги қадамлардан бири бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида **"...мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин"** лигини алоҳида қайд этиб, **"...биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур "** эканлигини таъкидлаб ўтган эдилар .

Шу боисдан Ўзбекистоннинг турли минтақаларида туризмнинг қатор турларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Дунё мамлакатларида экотуристтик объект ёки ресурс сифатида гўзал дарё водийлари, канёнлар, хурвикор тоғлари, кўл соҳиллари, шаршаралар, чўллардаги кум барханлари хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳам қатор экотуристтик имкониятларга эгаллиги барчага маълум. Мамлакатнинг шарқий ва жанубий қисмини баланд тоғлар ва тоғ оралиқ ботиқлари эгаллаган бўлиб, улар Ўзбекистон майдонининг 21,3% ини ташкил этади. Ушбу тоғлардан Амударё ва Сирдарё хавзасидаги юзлаб дарё ва сойлар бошланади. Дарёлар юқори оқимида чуқур ва тор водийдан оқиб ўрта оқимида бироз кенгаяди. Айрим жойларда баланд шаршаралар, баъзи жойларда эса тор канёнлар ҳосил қилади. Тоғлар ва улардан бошланган дарёлар водийси мавсумлараро ҳам турли қиёфага киради. Жумладан, тоғ водийлари баҳорда эфемер ва эфемероидлар билан қопланиб ўзгача қиёфага кирса, ёзда ўзининг салқин ва баҳаволиги билан сайёҳлар эътиборини тортади. Кузда дов-дарахтлар барг ташлаб, мевали дарахтлар ҳосил беради. Қиш фасли эса тоғлардаги қор ва музликлар майдони кенгайиб хурвикорлик касб этади.

И.П.Герасимов (1937) Ўрта Осиё тоғли ўлкасини 4 қисмга – баланд тоғ, ўрта тоғ, паст тоғ ва дарё водийларига ажратади. Баланд тоғ минтақаси мутлоқ баландлиги 2000 м дан юқори бўлган тоғ дарёларининг катта қияликдаги сувайирғич қисми ва унга туташ платоларидан иборат [Аманбаева З.А., 34].

И.А.Хасанов ва П.Н.Фуломовлар (2006) Ўзбекистон тоғли қисми рельефининг асосий хусусияти сифатида тоғ тизмаларининг тоғ оралиқ ботиқлари билан ғарбга очиқ ва шу томонга баландлиги пасайиб борадиган тоғ олди текисликларининг ёнма-ён жойлашганлигини эътироф этишиб, тоғли ҳудудлар ораграфик тузилишини 2 га: 1) тоғ системалари ва 2) тоғ оралиғи ва тоғ олди ботиқларига ажратишади.

Ўзбекистон тоғ олди ва тоғлари таснифида гипсометрик поғонаси юқоридан пастга томон глятсиал-нивал, тоғ-тундра, тоғ-ўрмон, тоғ-ўтлоқ, тоғ-ўрмон-дашт, дашт, чала-чўл ландшафт турлари ажратилади [Хасанов И.А., ва б., 12]. Ушбу ландшафтлар Ўзбекистоннинг турли тоғларида турлича баландликда мавжуд. Масалан, глятсиал-нивал ландшафтлар Угом, Писком, Чотқол тоғ тизмаларида 3200 метрдан баландда жойлашган бўлса, Ҳисор тизмасида ушбу ландшафт тури 3500 метрдан баландда вужудга келган.

Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларининг экотуристтик салоҳиятлари анча кенг бўлиб, бундай салоҳиятни қуйидаги экотуристтик ресурслар белгилаб беради:

- **иклимий ресурслар.** Тоғлар табиати инсонларга доим хуш ёқиб келган. Улар мусаффолиги билан даволанишда ҳам ёрдам беради. Тоғлар ёзда об-ҳавонинг салқинлиги, куз ва баҳорда ўзига хос мўтадиллиги билан характерланади;

- **геоморфологик ресурслар.** Ўзбекистон тоғлари геоморфологик экотуристтик ресурсларга – даралар (танги, канён), ғорлар, қоялар, карлингларга анча бойлиги билан тавсифланади. Улар ўзларининг нафақат гўзал табиати билан, балки тарих сирасорларини ўз бағрида сақлаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир;

- **органик ресурслар.** Ўзбекистон тоғ водийлари органик ресурсларнинг (айниқса ўсимликларнинг) мавсумий алмашилиши билан хусусиятлидир. Масалан, баҳорда тоғ, тоғ олди, водий ёнбағирлари эфемерлар билан ёппасига қопланиб ўзгача тароват касб этса, кузда тоғ-водий қиёфаси дов-дарахтнинг барг ташлаши билан ўзгаради. Яна шунингдек, баҳорда қушлар, турли сут эмизувчилар ҳаракати фаоллашса, қишда тоғларнинг 2200 метрдан баланд қисмларида ёввойи табиатнинг эталонлари – қор барси, силовсин, кабиларни учратиш мумкин;

- **гидрологик ресурслар.** Дарёлар, сойлар, шаршаралар, (Сангардак, Хўкизбурун) тоғ кўллари, юзлаб булоқлар (уларнинг аксарияти мафтункорлиги билан бирга шифобахшлиги билан ҳам аҳамиятли), музликлар (Ботирбой, Северцов) тоғ-водий ландшафти билан уйғунлашиб гўзал манзара ҳосил қилган.

Юқорида кўрсатилган экотуристтик ресурслар тоғ ландшафтларининг экотуристтик салоҳиятини нақадар юқори эканлигини белгилайди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини ўсишида муҳим рол ўйнайди.

А.Низомов ва бошқалар (2014) “Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари” номли монографиясида тоғ ва баланд тоғ минтақаси бўйлаб 30 та йўналишдаги асосий нуқталарни кўрсатишган. Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларида ҳар бир дарё водийсида ана шундай экотуристтик йўналишлар ажратса бўлади. Бундайлар қаторига Кўксув, Писком, Угом, Оқсув, Тўполон, Сангзор, Катта Ўрадарё, Шоҳимардон, Сўх, Ғовасой водийларини қўшиш ўринлидир.

Геомажмуаларнинг экотуристтик имкониятларини белгилаб берувчи омилларнинг экотуристтик имкониятларини юзага келтирадиган мавқеига қараб иккига – кучли ва кучсизга бўлиш мумкин. Кучли омилларга рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари кириб, улар экотуристтик имкониятларнинг юзага келишида етакчи ҳисобланади. Кучсиз омилларга тупроқ ва ўсимлик қопламани ҳамда ҳайвонот дунёсини киритиш мумкин [Шамуратова Н.Т., 11].

Ўзбекистон тоғ водийларида кучли омилларнинг етакчилиги ва кучсиз омилларнинг ҳам текисликка нисбатан устуворлиги экотуризмни ривожлантириш мумкинлигини кўрсатади. Тоғ водийлари ландшафтларидан экотуристтик объект сифатида фойдаланиб, ушбу ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш орқали минтақалар иқтисодиётини ривожланишига ва тоғлик халқлар яшаш шароитининг яшиланишига эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Маърифат, 2017 йил 23 декабрь.
2. Аманбаева З.А. Тоғли ҳудудлар-геоэкологик тадқиқотлар марказида // География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДПУ, 2015. Б. 34-35.
3. Хасанов И.А., Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Т., 2007.
4. Хасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). – Т., 2010.
5. Низомов А., Аманбаева З., Сафарова Н. Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари. – Т.: Фан ва технология, 2014. 104 б.
6. Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақ. эт. дисс. авт. –Т.,2011. 27 б.

Облоқулов К.К. (Самарқанд, СамДУ)

АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАРНИНГ ТУРИСТИК ИМКОНИАТЛАРИ

(Зомин миллий боғи мисолида)

Ҳудудларнинг ўзгартирилиши дастлабки табиатнинг озгина қисмини бўлса ҳам сақлаб қолиш муаммосини, ҳамда маълум бир мамлакат, жамият ёки бутун инсониятнинг маданиятидаги маданий-тарихий қадриятларини ифодаловчи инсон томонидан яратилган объектларни сақлаш муаммосини келтириб чиқарди. Бунинг учун дунёнинг деярли барча давлатларида қуруқлик ва сув майдонларида маълум бир ҳудудлар ажратилб олинган ва бу ҳудудлар алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар деб эълон қилинган. Бундай ерларда инсоннинг хўжалик фаолияти қатъий чекланган, ўсимлик ва ҳайвонот олами ривожланиши қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган ҳамда инсон томонидан яратилган объектларни сақлашдан ташқари барчаси таъқиқланган. Табиати муҳофаза қилинадиган хилма хил ҳудудлар миллий боғлар алоҳида ўрин тутади. Муайян жой учунгина хос ёки ноёб ландшафтларни шунингдек, маҳаллий ҳайвонот ва ўсимлик оламини ҳимоя қилиш асосий вазифаси бўлган миллий боғлар, айни вақтда қатъий регламентга асосланган дам олиш ва туризм маскани ҳамдир (Алибеков Л.А., 2013,

10 б.). Туризм эса хўжалик фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва алоҳида кўриқланувчи ҳудудларда қатъий назорат қилинувчи ҳажмда режали амалга оширилади.

Мамлакатимизда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

- давлат кўриқхоналари;
- мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари;
- миллий боғлар;
- давлат табиат ёдгорликлари;
- айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;
- муҳофаза қилинадиган ландшафтлар;
- айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

Алоҳида экологик, маданий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, рекреация, илмий ва маданий мақсадларда сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланиш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар *табиат боғлари* ҳисобланади.

Бугунги кунда энг даромадли соҳалардан бири бу туризм ҳамда туристик хизматлар ҳозирги кунда тобора ривожланиб бормоқда ва уларнинг йиллик кўрсаткичи бир неча триллион долларни ташкил қилмоқда. Сўнгги йилларда туризмнинг бир неча ноанъанавий турлари – экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, экстремал шароитлар туризми ва бошқалар мутахассислар томонидан тез тараққий этаётган соҳалар сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, сайёҳликнинг энг истиқболли турларидан бири – экотуризм жадал ривожланмоқда.

Экотуризмнинг таркибий қисмлари ичида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар экотуризми алоҳида салмоғли ўрин тутди ва кўпчилик олимлар экотуризм тушунчасига нисбатан фақат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар экотуризмни қўллашади.

Дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатларининг экотуристлари ўз юрти ва табиатига бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтириш мақсадида ўз мамлакатларида экотуристлик саёҳат уюштиришади. Экотуристлар антропоген, инсон омиллари таъсир кўрсатмаган табиатга яъни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни кўришга ошиқадилар. Ҳозирги кунда цивилизациядан узокроқда сақланиб қолган ҳудудлар камайиб бормоқда ва улар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга айлантирилмоқда.

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида ҳам туризм, айниқса, экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2016 йили вилоятга 23 мингдан ортиқ маҳаллий ва 4 мингдан зиёд хорижлик сайёҳлар ташриф буюрган. 2017 йилнинг биринчи ярмида хорижлик сайёҳлар сони 3 мингдан ошган. Уларнинг аксарияти табиат ишқибозлари – экотуристлар ҳисобланади [2].

Жиззах вилоятининг энг йирик экотуристлик объектларидан бири бу -Зомин миллий боғидир. Зомин миллий боғи Туркистон тоғ тизмасининг ғарби ҳамда Моргузар тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашган. Миллий боғ бой наботот ва ҳайвонот дунёси, хушманзара арчазор тоғлари билан машҳур. Йилдан йилга Зомин туманига хорижлик сайёҳларнинг қизиқишлари ортмоқда. Зомин миллий боғида пиёда юриш ва тоғ туризмни юксак даражада ривожлантириш учун имкониятлар катта. Чунки бир гектар арча ўрмонларидан суткада 24 кг фотосинтлар чиқаради. Бу эса 20 минг аҳоли яшайдиган бир шаҳар аҳолисини турли хил бактериялардан тозалайди. Шу сабабли Миллий боғда буғма касаллиги билан касалланган инсонларни даволайдиган санатория фаолият кўрсатмоқда. Туркистон тоғ тизмалари бағридаги бой экотизимга эга бўлган Зомин Миллий боғида ёввойи ўсимликларнинг 800 дан зиёд тури, кам учрайдиган ва ноёб ёввойи ҳайвонларнинг 150 тури учрайди. Ўриклисой шаршараси, 1000 ёшли Бобоёнғоқ каби табиат ёдгорликлари нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бугунги кунда Зомин туманида сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида янги иншоотлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда Зомин дам олиш зонасида 370 ва 160 ўринли 2 та янги санатория қурилиб ишга туширилди. Ўрликсой, Хулкар, Усмонлисой, Пишағар қишлоқларида сайёҳлар учун 6 та уй-меҳмонхона куриб битказилди. Хорижлик сайёҳлар учун эса маиший, транспорт, йўл бошловчилик, ошхона каби хизматлар йўлга қўйилди.

Лекин, бу ҳудудларнинг йирик туристик имкониятларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичларни қониқарли даражада деб бўлмайди. Яъни туристик инфратузилмаларни ривожланганлик ҳолати ва туристларга кўрсатилаётган хизматлар сифати паст, уларнинг турлари ҳам чекланган. Шундай экан келажакда ушбу ҳудуднинг туристик имкониятларини ошириш, туризмни ривожлантириш мақсадида қуйдагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

- чет эл сайёҳлари учун ўзига хос туристик имкониятларини яратиш ва кенгайтириш;
- туристларнинг арзон ва сифатли дам олиш эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;
- маҳаллий ва чет эл сайёҳларни жалб қилувчи реклама роликларини тайёрлаш ва тарқатишни кенг йўлга қўйиш;
- ҳудуда туризм имкониятларини кенгайтириш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- янги иш ўринларининг яратилиш ва х.к.

Адабиётлар:

1. Алибеков Л.А. Зомин миллий боғи ва геоэкологик муаммолар ечимининг географик асослари. Т.: Fan va texnologiya, 2013. -132 б.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. -Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002. - 704 б.
3. <http://jizzaxcity.uz>

Ахунбобоев М.М., Усанов.А.А., Умирзоқов О.А. (Гулистон, ГулДУ) СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ БАНДЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ


Сирдарё вилоятида доимий аҳоли сони 2018-йил 1-январ ҳолатига кўра 815.7 минг кишини ташкил этди ва 2017-йилда 12.6 минг кишига ёки 1.6%га ўсди жумладан шаҳар аҳоли сони 349.8 минг (жами аҳолининг 42.9%) қишлоқ аҳолиси 469 минг киши (57.1%) ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра Сирдарё вилояти бўйича 2017-йил январ – декабрда меҳнат ресурслари сони 475.1минг кишини ташкил этиб 2016-йилга нисбатан 4.9минг кишига ёки 0.4%га ўсиши кузатилди.

Бу меҳнат ресурслари таркибида фаол аҳоли сони 371.9минг нафарни (жами меҳнат ресурсларининг 78.3%) иқтисодий нофаол аҳолиси эса 103.2минг нафарни (21.7%) ни ташкил этиб вилоятда иш билан банд аҳоли сони 553.1минг кишини ташкил этиб 2016-йилнинг мос даврига нисбатан 0.2%га ўсди.

Вилоятда меҳнат ресурслари сони туманлар бўйича турлича тақсимланган бўлиб биз буни қуйидагио диаграммада кўришимиз мумкин

Mehnat resurslari sonining tumanlar bo'yicha taqsimlanishi, ming kishi
(2017 yil yanvar-dekabr, ming kishi)




Демак вилоятда энг кўп меҳнат ресурсларига Сирдарё тумани (74.5минг киши), энг кам кўрсаткич эса Ширин шаҳри (11.1минг киши) эгаллик қилади. Бу ҳолат албатта туманларда яшовчи аҳоли сони билан узвий боғлиқдир.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш билан бандларнинг асосий улуши қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчиликда банд 48%, таълим 9.9% , савдо 6.5%, қурилиш 6.7% ва бошқа хизматлар соҳасида 4.1% тоғри келади . Буни қуйидаги диаграммада кўришимиз мумкин:

Ish bilan band aholi sonining iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha taqsimlanishi

(2017 yil yanvar-dekabr, jami bandlardagi ulushi, %da)



Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Республикада фақат Сурхондарё вилоятдан кейин 2-ўринни эгаллайди . Юқоридаги диаграммада ҳам кўришимиз мумкинки вилоят аҳолиси иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлигида қишлоқ,ўрмон , балиқ хўжалигининг улуши юқори таълим ва савдо улуши ҳам ошиб бормоқда

Шу ўринда шуни алоҳида эътиборга олиш керакки вилоятда иш билан банд аҳоли сони 2016-йилнинг мос даврига нисбатан 0.2%га ошди . Вилоят аҳолисининг миграция оқибатида шакилланганлиги вилоятда тадбиркорликнинг юқори бўлишига олиб келган. Бу жиҳатдан бошқа вилоятлардан анча фарқ қилади. Миграция эса селектив яъни “танловчанлик” “териб олиш” хусусиятига эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандларнинг жами

бандликдаги улуши 79.5%ни ташкил этади ва бу кўрсаткич ҳам йилдан - йилга ўсиб бормоқда.

Вилоят бўйича иш билан банд аҳоли сонига давлат ва нодавлат секториди тақсимланиши куйидаги диаграммада кўришимиз мумкин :

Ish bilan band aholi sonining iqtisodiyot sektorlari bo'yicha taqsimlanishi

(2017 yil yanvar-dekabr, jami bandlardagi ulushi, %da)



Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки вилоятда давлат секторининг улуши (18,3%) камайиб, нодавлат секториди банд аҳоли улуши (81,7%) ортиб бормоқда. Юқоридаги фикримизни тасдиқлаган ҳолда вилоятда хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда ва инвестициялар оқими кучаймоқда дейишимизга асос бўла олади.

Адабиётлар:

1. А.Солиев Ўзбекистон географияси. Тошкент.2014
2. Сирдарё вилояти статистик маълумотномаси.
3. Ўзбекистон география жамиятининг ахборотномаси.Тошкент ЎЗМУ – 2011

Usmanov M.R., Xayitboyeva S.R., Soipova N.Yu. (Jizzax, JDPI)
**O'ZBEKISTONNI TURISTIK RAYONLASHTIRISHNING BA'ZI
MASALALARI**

Turizm geografiyasi iqtisodiy va ijtimoiy geografiyaning bir qismi bo'lib, u turli mamlakat va mintaqalarda sayyohlikning shakllanishi, rivojlanish va xududiy tashkil etish xususiyatlari hamda qonuniyatlarini o'rganadigan fandır.

Turizm jahondagi ko'pgina mamlakatlar singari respublikamiz iqtisodiyotiga o'zining hissasini qo'shayotgan qishloq xo'jaligi, sanoat, transport va boshqa makroiqtisodiy tarmoqlar qatori rivojlanib bormoqda. Biroq, hozirgi paytda turizm imkoniyatlari O'zbekiston Respublikasida samarali foydalanilmayotganligi tufayli u xalq xo'jaligining asosiy tarmoqlari ko'rsatkichlaridan ancha orqadadir. Ta'kidlash joizki, O'zbekistonning geografik o'rni turizmni rivojlantirishda Markaziy Osiyo davlatlari ichida ancha qulaydir. Bu borada Respublikaning birinchi Prezidenti I.A.Karimov o'z asarida, «Amudaryo va Sirdaryo oralig'ida joylashgan O'zbekiston xalqaro aloqalarini yo'lga qo'yish nuqtai nazaridan va o'z taraqqiyot istiqbollari jihatidan qisman qulay jo'g'rofiy-strategik mavqega ega. Qadim zamonlarda Sharq va G'arbni bog'lab turgan Buyuk Ipak yo'li O'zbekiston hududi orqali o'tgan. Bu yerda savdo yo'llari tutashgan, tashqi aloqalar hamda turli madaniyatlarning bir-birini boyitish jarayoni jadal kechgan. Bugungi kunda ham Yevropa va Yaqin Sharqdan Osiyo-Tinch okeani mintaqasiga olib boradigan yo'llar shu yerda kesishgan» – deb yozadi. Darhaqiqat, mamlakatimiz sivilizatsiya o'choqlaridan biri sifatida dunyo xalqlari madaniyati, san'ati, arxitektura, shaharsozlik va ilm faniga ulkan hissa qo'shdi.

Binobarin, turistik rayonlashtirish va rayon ichidagi turistik majmualarning o'zaro aloqadorligi bevosita ishlab chiqarishining o'sishiga, uning tizimlarini yaxshilashga, shuningdek, iqtisodiyotning turizmga to'g'ridan-to'g'ri aloqador bo'lmagan sohalarida ham mehnat unumdorligini oshirishga ko'maklashadi. Bundan tashqari, turistik iste'mol ko'p bo'lgan

iqtisodiy jarayonlarni rag'batlantiradi, noturistik tarmoqlar uchun qo'shimcha bozor ochadi va bu bevosita ishlab chiqarishni rivojlantirishga olib keladi.

Demak, turizm sohasida qo'shimcha xizmatlarning paydo bo'lishi yangi ish joylarni vujudga keltirishga, turistlarni joylashtirish, ovqatlantirish, transport xizmatlarini tashkil etish, qo'shimcha xizmatlarni amalga oshirishga imkoniyat yaratadi. Buning uchun, bizningcha, mintaqaning xo'jaligi, aholisi, soni, tarkibi va boshqa xususiyatlarni o'rganish bilan bir qatorda O'zbekiston Respublikasi turistik imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda ularni ilmiy jihatdan chuqur o'rganish maqsadida rayonlashtirish katta ahamiyatga ega. Biroq, ta'kidlash lozimki, turistik rayonlashtirishning nazariy va metodologik masalalari uzil-kesil yechilmagan. Rekreatsion rayonlashtirish nazariy masalalari bilan V.A.Kotlyarov (1978), N.S.Mironenko, I.I.Pirojnik, I.T.Tverdoxlebov (1989) va boshqa olimlar izlanishlar olib borgan. Binobarin, turistik rayonlashtirish bilan rekreatsion rayonlashtirish bir-biriga yaqin va bar birining imkoniyatlaridan kelib chiqishi kerak, deb hisoblaymiz. Keyingi yillarda O'zbekistonda turistik va rekreatsion rayonlashtirish muammolari bilan A.Rafiqov, A.Soliev, Q.Abirqulov, A.Abdulqosimov, A.Ochilov, Sh.Zokirov, Sh.Azimov, R.Qurbonniyozov kabi olimlar turlicha yo'nalishlarda tadqiqot olib borishgan. Biz taklif etayotgan O'zbekistonning turistik rayonlarida kichik hududlarni yirik turistik rayon hosil qilish nuqtai nazardan unga asos qilib hududiy turistik majmualar tushunchasidan foydalandik.

Ma'lumki, iqtisodiy geografiyada rayonlar eng avvalo ikki shaklda ajratiladi: integral (oraliq) va sohaviy (tarmoq) rayonlar. Shuningdek, rayonlashtiriladigan ob'ekt hududiy uzluksiz yoki diskret, ya'ni areal ko'rinishda bo'ladi. Ikkinchi shakldagi rayonlashtiriladigan hodisa yoki voqelik hududning ayrim joylarida mavjud bo'ladi, xolos (Soliev, Qarshiboeva, 1999). Masalan, turistik rayonlashtirishda tabiiy landshaftlarni jozibaligi (attraktivnost) hisobga olinganda, turli rayonlar – cho'l, tog', voha va boshqa landshaft rayonlari ajratiladi va ular butun mamlakatni qoplab oladi. Ayni vaqtda ijtimoiy-madaniy nuqtai nazardan turistik rayonlashtirishda belgilangan rayonlar areal (azonal) ko'rinishda bo'ladi. Chunki, arxeologik yodgorliklar, arxitektura va shaharsozlik ob'ektlari, qadamjo va boshqa turistik elementlar hududning faqat ayrim joylarida uchraydi. Binobarin, ana shunday ijtimoiy-iqtisodiy va tarixiy-madaniy ob'ektlarni turistik jihatdan rayonlashtirish ancha qiyinchiliklar tug'diradi.

Turistik rayonlashtirish sohaviy yoki tarmoq rayonlar turkumiga kiradi. Bunday rayonlar ham hududiy mehnat taqsimoti va hududiy ixtisoslashuv asosida vujudga keladi. Rayon shakllantiruvchi omillar sifatida tabiat manzaralari (peyzaj, landshaft), ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-tarixiy ob'ektlar va turistik infratuzilma xizmat qiladi.

Mironenko, Pirojnik, Tverdoxlebovlar fikricha, hududiy turistik tizim yoki majmualar turistik rayonlarga nisbatan tor tushunchadir. Biz ham aynan shu fikr tarafdorimiz. Zero, hududiy turistik majmualar (HTM) yuqorida ta'kidlaganimizdek, turistik rayonlarning ichida shakllanadi va ularning quyi pog'onalariga mos keladi.

Ma'lumki, iqtisodiy va ijtimoiy geografiyada xududiy tizim yoki majmualar g'oyasi muhim o'rinni egallaydi. Ular jumlasiga eng avvalo N.N. Kolosovskiy yaratgan (1947) hududiy ishlab chiqarish majmualari (HICHM) kiradi. Shunga mos holda TG uchun hududiy turistik majmua (HTM) tushunchasi katta ahamiyatga ega. Bizningcha, HTM –ma'lum bir hududda yagona infratuzilma asosida turli turistik ob'ektlarning o'zaro aloqadorlikda rivojlanishi va uni boshqarishni anglatadi. HTM avvalo V.S.Preobrajenskiy tomonidan ilgari surilgan hududiy turistik tizim (HTT) bilan chambarchas bog'liq. Ammo HTM bilan HTT o'rtasidagi tofovut ko'proq ularning hududiy jihatdan qanday masshtabni egallashi yotadi. Ayni paytda biz taklif etayotgan HTM tushunchasi HTT dan farqli o'laroq kichik (lokal) hududni egallashi bilan ajralib turadi hamda tizim tarkib qoidasiga muvofiq serqatlamlı, pog'onasimon bo'ladi.

O'zbekistonni turistik rayonlashtirishda viloyat va mintaqalarning geografik o'rni hamda turistik ob'ektlarning o'zaro aloqasini, foydalanish imkoniyatini inobatga olishni lozim topdik. Turistik rayonlarga ham integral rayonlar kabi ma'muriy iqtisodiy birliklar doirasida ko'rish ma'qulroq. Chunki, bunday miqyosda statistika masalasi, boshqaruv muammolari osonroq o'z yechimini topadi. Yuqoridagi keltirilgan fikrlarga tayangan holda O'zbekistonni mavjud

iqтisodiy rayonlar to'riini e'tiborga olib, mamlakatimizdagi turistik faoliyatni quyidagi tartibda ko'rishni lozim topdik:

1. Toshkent turistik rayoni (Toshkent viloyati);
2. Mirzacho'l turistik rayoni (Sirdaryo va Jizzax viloyatlari);
3. Farg'ona turistik rayoni (Namangan, Andijon, Farg'ona viloyatlari);
4. Zarafshon turistik rayoni (Samarqand, Buxoro, Navoiy, viloyatlari);
5. Janubiy turistik rayoni (Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlari);
6. Quyi Amudaryo turistik rayoni (Xorazm viloyati, Qaraqalpog'iston Respublikasi).

Ushbu turistik rayonlarning imkoniyat va salohiyati jihatidan bir – biridan ajralib turadi. Ammo soha oldida turgan muammolarning o'xshashlik tomonlari mavjud. Bular, yo'qori malakali kadrlar yetishmasligi, tarixiy va tabiiy turistik ob'ektlarni muhofaza qilish va oqilona foydalanish, reklama qilish, turizm bozori va infratuzilmasini shakllantirish hamda yuksaltirish barcha turistik rayonlarning birlamchi muammolari hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi turistik rayonlarini tadqiq qilishda jahon tajribasidan keng foydalanish katta samara beradi. Shu bilan birga turizm kichik va o'rta tadbirkorlikni rivojlantirish, firma va korxonalar o'rtasida sof iqtisodiy raqobatni yuzaga keltirish muhimdir. Binobarin, respublikaning har bir turistik rayoni, viloyati, tumani va qishloqlari o'ziga xos turistik ob'ektlarga ega. Ulardan oqilona foydalanish O'zbekistonni turizm rivojlangan davlatlar qatoriga olib chiqishga imkon beradi.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q" Toshkent: "O'zbekiston". 1998.
2. Mirziyoyev Sh. "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz". T; "O'zbekiston", 2017.
3. Komilova F. "Xalqaro turizm bozori" T.: TDIU. 2001 y.
4. "O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi", 7-jild. –T. 1998 y.

Холдорова Г. М., Ҳазратқулова Г. М., Муродова Г. (Жиззах, ЖДПИ)
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

“Сайёҳат нима бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай жиҳатдан кўпроқ нарса ўргатади. Баъзида бошқа жойда ўтказилган бир кун, уйда ўтказилган ўн йилдан кўпроқ нарса беради”

француз ёзувчиси Анатолий Франс.

Ўзбекистонда сўнги 2 йил давомида энг кўп эътибор берилаётган соҳалардан бири сўзсиз - **туризм соҳасидир**. Туризмни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан бир қанча қарор ва фармонлар чиқарилганлиги ҳамда унинг ижросининг самарадорлиги кунлик ҳаётимиздаги ўзгаришларда ўз аксини топиб бормоқда. Ташқи ва ички туризмни параллел равишда ривожланиб бориши натижасида, сайёҳлар оқими бир неча баробар ўсишига эришилди. Бу ўз навбатида, сайёҳлар орқали тушадиган даромадни ҳам ортишига олиб келади. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов маълумотига кўра, 2017 йилда Ўзбекистонга 2 млн хорижлик сайёҳ келганлигини ва ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,3 % ни ташкил этганлиги тўғриси маълумотларни бериб ўтилган. Яқин йилларда хорижлик сайёҳлар оқимини 4-4,5 млн га ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини 5 фоизга етказиш бўйича ишлар олиб борилаётганлиги ҳам диққатга сазовардир.

Ҳар бир соҳани ривожланиши, алббата илмий асосга таянади. Шу жумладан туризм соҳасини ривожланиши ҳам бундан мустасно эмасдир. Биз ҳам ўзимиз яшаётган ҳудудда, яъни Жиззах вилоятида туризмни ривожлантиришни кичик бир илмий лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Бу лойиҳада сайёҳларни Жиззах вилояти ҳудудида ҳаракатланиши учун маршрут йўналишларини ўргандик. Келгусида сайёҳларни ҳаракатланишига янада қулай

бўлиши учун методик тавсиялар ва схематик карталарини ишлаб чиқишни ҳам режалаштирдик.

Жиззах вилоятининг майдони 21,2 минг км² бўлиб, шимолдан-жанубга 175 км, ғарбдан-шарқга эса 150 км масофага чўзилган. Вилоят ҳудудининг катталиги туфайли ҳам академик Қ. Зокиров томонидан ажратилган 4 та баландлик минтақалар (чўл, адир, тоғ ва яйловлар) нинг барчаси мавжуддир. Бу баландлик минтақаларининг ҳар бири ўзига хос мафтункор табиати билан ажралиб туради. Қолаверса вилоятнинг шимолий-ғарбий ҳудудларини эгаллаган Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳам табиат манзараларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Бу ҳудудларда экотуризм нуқтаи назардан ўрганиш ва илмий тадқиқот ишлари олиб бориш бугунги куннинг актуаль муоммаларидан бири ҳисобланади. Вилоят ҳудудини экотуристлик хусусиятлари, жойлашиши ва маршрут йўналишларини ҳисобга олган ҳолда 3 та экотуристлик ҳудудларга ажратдик. Экотуристлик ҳудудларни номлашда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидагича номладик: 1. Зомин-Хўжамушкент экотуристлик ҳудуди, 2. Сангзор ҳавзаси экотуристлик ҳудуди, 3. Нурота ва Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристлик ҳудуди. Экотуристлик ҳудудларга Жиззах шаҳридан бориладиган маршрут йўналиши белгиланди ва тахминан бўлсада масофалар аниқланди.

1. Зомин-Хўжамушкент экотуристлик ҳудудиди. Жиззах шаҳридан чиққан сайёҳлар ушбу йўналишда Пишағор ғори, “Хўжай Сероб”, “Кўк тўнли ота” зиёратгоҳлари, Зомин шаҳри, Зомин сув омбори, Зоминсой дарёси ва унинг ирмоқларини, остона ва шаршараларини, тоғ манзараси ва арчазорларни, Зомин санаторияси, Супа, Чортангри, Мик қаъласи, Култепа архелогик қазилмалари, Ховатак-Гулшани санаторияси, Хўжамушкент сув омбори ҳамда Хўжамушкент авлиё мақбарасини зиёрат қилиш имкониятига эга бўлади. Бу маршрут бўйлаб сайёҳат қилинганда бориб-келиш йўлларини ҳисобга олганда, тахминан 280 км йўл босади. Йўлнинг асосий қисми автобус ёки микроавтобуслар орқали, 8-10 км лик масофа отлар билан ва 1-2 км пиёда ёки киши фаслида Зомин миллий боғ ҳудудида чанғилар ёрдамида ҳаракатланиши мумкиндир.

Зомин-Хўжамушкент маршрутида ҳаракат қилган сайёҳлар қизиқишларига кўра илмий-тадқиқот ишлари, даволаниш, спорт ўйинлари, дам олиш ва зиёрат амалларини ҳам бажариши мумкиндир. Сайёҳат бир неча кун давом этадиган бўлса, Зомин миллий боғи ҳудудидаги кемпингларда ва Зомин шаҳридаги меҳмонхоналарда қолаверса уй-меҳмонхоналарида дам олиш имкониятлари бор.

Экотуристлик ҳудудни ривожлантириш учун амалий ишлар бошланган. Зомин шаҳрини замонавий туристлар шаҳрига айлантириш учун кенг кўламдаги қурилиш ишлари олиб борилмоқда, яъни маҳаллий туристик ҳудуддан халқаро туристик ҳудуд босқичига ўтмоқда.

2. Сангзор ҳавзаси экотуристлик ҳудуди. Жиззах шаҳридан чиққан сайёҳлар ушбу йўналишда Сангзор оромгоҳи, Темуранг дарвозаси, Сангзор дарёсининг ўрта ва юқори оқимлари, Садир Воқос авлиё мақбараси, булоғи ва ўзига хос бўлган балиқлари, Ойқартоғ манзаралари, Новқа-ота зиёратгоҳи ва булоқлари, Маржанбулоқ минерал сувлари ва даволаниш масканларига бориш мумкин бўлади. Бу маршрут бўйлаб сайёҳатга бориб-келиш йўлларини ҳисобласак, тахминан 190 км йўл босади. Йўлнинг асосий қисми автобус ёки микроавтобуслар билан, Маржанбулоқ-Жиззах йўналишида 40 км тез юрар поездларда, шунингдек сайёҳларнинг хоши ва истакларига кўра ҳаракатланишнинг турли хил воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Сангзор маршрутида ҳаракат қилган сайёҳлар қизиқишларига кўра илмий-тадқиқот ишлари, даволаниш, спорт ўйинлари, дам олиш ва зиёрат амалларини ҳам бажариш мумкиндир. Сайёҳат бир неча кун давом этадиган бўлса, Ғаллаорол ва Ўснат шаҳарларидаги меҳмонхоналарда, маҳаллий аҳолининг уй-меҳмонхоналарида ҳамда ёз фаслида чодирларда ҳам дам олиш имкониятлари бор.

Экотуристлик ҳудудни ривожлантириш учун ҳозирги кунга қадар етарли даражадаги амалий ишлар олиб борилмаган. Фақат, Садир Воқос авлиё мақбараси ва Маржанбулоқ санаторияси ҳудудидаги қурилиш ишлари ҳамда хизмат кўрсатиш бир-мунча талаб

даражасига яқин бўлса, ҳудуднинг қолган қисмларида кенг кўламда қурилиш ишларини олиб бориш лозим бўлади.

3. Нурота ва Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристтик ҳудуди. Жиззах шаҳридан чиққан сайёҳлар ушбу йўналишда Темирязовда оҳақтош қазиб олиниши, Хонбанди тўғони, Нурота тоғидаги минг йиллик савр дарахти, ёнғоқзорлар ва булоқларни, Писталитоғ манзаралари, Айдар-Арнасой кўллари ва Тузкондаги шифобахш балчиқларни, тўқай ва чўл манзаралари, Мирзачўл минерал сувлари ва даволаниш масканларига бориши мумкин бўлади. Бу маршрут бўйлаб сайёҳат қилинганда бориб-келиш йўлларини ҳисобга олганда, тахминан 230 км йўл босади. Йўлнинг асосий қисмида микроавтобуслар билан, шунингдек сайёҳларнинг хоши ва истакларига кўра тўқай ва чўл манзараларини томоша қилаётганда от ва туялардан, кўл манзараларини томоша қилаётганда қайиқлардан фойдаланган ҳолда ҳаракатланиши мумкин.

Нурота ва Айдар-Арнасой кўллар тизими экотуристтик ҳудуд маршрутида ҳаракат қилган сайёҳлар қизиқишларига кўра илмий-тадқиқот ишлари, фенологик кузатишлар, даволаниш, сув спорти ўйинларини ташкил қилиш ва дам олиши мумкиндир. Сайёҳат бир неча кун давом этадиган бўлса, Дўстлик шаҳридаги меҳмонхонада, Мирзачўл санаториясида ва кўл атрофидаги кемпингларда ҳамда ёз фаслида чодирларда ҳам дам олиш имкониятлари бор.

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги экотуристтик ҳудудининг табиатини томоша қилиш ва белгиланган ҳудудда ов қилиш мақсадида араб сайёҳлари йилда 2 маротаба (бахор ва куз фаслида) доимий равишда келмоқда. Араб сайёҳларини бу ҳудудга қизиқишига, кўл ва чўл манзараларининг ўзаро уйғунлиги, ҳамда қушлар оламига бойлиги, қолаверса баҳор ва куз фаслида иссиқ минтақаларга учувчи қушлар Айдар-Арнасой кўллари орқали ҳаракатланишини кузатиш мумкин. Ҳудуд табиатининг ўзига хос ва мафтункорлиги каби хусусиятлари, келгусида чет эллик туристлар оқимини янада кенгайтириш имкониятини беради.

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги экотуристтик ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб туризмнинг экотуризм йўналишини ривожлантириш, табиати чет эллик туристларни қизиқтираётган ушбу ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳалқаро талаблар даражасига кўтариш лозимдир.

Адабиётлар:

1.. Ғўдалов М.Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. Тошкент. “Фан ва технология” нашриёти. 2014, 33-41 б.

Норов Ш.Ш., Сувонов Б. (Навоий, НДПИ) НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИНГ ТАКРОР БАРПО ЖАРАЁНЛАРИ

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг вазифаларидан бири аҳоли ишлаб чиқариш фаолиятини ҳудудий хусусиятларини, уларга таъсир этувчи иқтисодий, ижтимоий ва демографик омиллар таъсирини, аҳоли прогнозини ўрганишдир. Демографик жараёнлар ва аҳоли такрор барпо бўлишидаги ҳудудий жиҳатларини ўрганишда демографик ҳолатини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳудуднинг демографик вазиятини шаклланишида демографик жараёнлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Асосий демографик жараёнларга туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш, никоҳ ва ажралиш киради. Ушбу жараёнларни республикамиз ва унинг алоҳида минтақалари миқёсида ўрганиб чиқиш кийинги йилларда ўзининг муҳимлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Навоий вилоятининг демографик салоҳияти унча катта эмас. Вилоят мамлакатимизда аҳоли сони бўйича фақатгина Сирдарё вилоятидан олдинда туради. Майдони 111,0 минг.кв.км.ёки республика ҳудудининг 25 фоизини ташкил этган ҳолда

аҳоли сони эса, 958,700 минг киши (01.01.2018) ёки республика аҳолисининг 3 фоизини ташкил этади. Вилоят аҳолисининг зичлиги ҳар кв. км га 8,0 киши тўғри келади. Вилоят аҳоли сони ва унинг зичлиги жуда катта ҳудудий фарқларга эга. Кармана тумани (ҳар кв. км га 112,9 киши), туманлари мавжуд. Аҳолига оид бундай ҳудудий фарқларни демографик жараёнларда ҳам кўришимиз мумкин.

2016 йилда вилоятда туғилиш даражаси 20,4 промиллени ташкил этган ҳолда маъмурий бирликлар бўйича катта ҳудудий фарқларга эга. Туғилиш даражасининг ҳудудий фарқларига кўра вилоят шаҳар ва туманларини учта гуруҳга бўлишимиз мумкин;

- Туғилиш даражаси паст бўлган ҳудудлар: Навоий шаҳри, Қизилтепа, Навбахор, Томди туманлари;

- Туғилиш даражаси ўртача бўлган ҳудудлар: Зарафшон шаҳри, Кармана, Нурота, Хатирчи туманлари;

- Туғилиш даражаси юқори бўлган ҳудудлар: Учқудуқ ва Канимех туманларидир.

Демографик вазиятнинг шаклланишида ўлим ҳам асосий жараёнлардандир. Ўлимга таъсир этувчи омиллар икки гуруҳга яъни эндоген ва экзоген омилларга боғлиқ бўлади. Эндоген омиллар ички омиллар бўлиб, инсон организмидаги ўзгаришлар бўлган омиллардир. Экзоген омиллар эса ташқи омиллар бўлиб, улар таъки муҳит таъсирида содир бўлади. Вилоят ўлим кўрсаткичларига иккинчи омилнинг таъсири каттадир. Навоий вилоятининг мулоқ сони 4146 кишини ташкил этган, яъни ўлимнинг умумий коэффенти 4,7 промиллга тенг бўлган. Ўлим кўрсаткичларида ҳам шаҳар ва қишлоқ туманларида ҳудудий фарқлар яққол кўзга ташланади.

- Ўлимнинг умумий коэффенти нисбатан кам бўлган ҳудудлар (4,5 промиллегача), Зарафшон шаҳри, Навбахор, Томди, Қизилтепа туманлари.

- Ўлимнинг умумий коэффенти ўртача бўлган ҳудудлар (4,6-5,0 промиллегача), Навоий шаҳар, Хатирчи, Кармана, Нурота туманларидир.

- Ўлимнинг умумий коэффенти нисбатан юқори бўлган ҳудудлар (5,1 промилледан юқори), Учқудуқ ва Канимех туманларидир.

Аҳолининг табиий ҳаракати, аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткичлари орқоли ифодаланади. Аҳолининг табиий кўпайишини мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлари мавжуддир. Аҳолининг мутлоқ кўрсаткичлари асосида ҳудудларин таққослаб бўлмайди, чунки ҳар бир ҳудуд аҳолисининг сони турлича бўлиб, улардаги туғилганлар ва ўлганлар сони аҳолининг умумий сонига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳудудлар аҳолисини таққослашда табиий ўсиш коэффентидан фойдаланилади. Навоий вилоятида табиий ўсишнинг мутлоқ сони 13876 кишини ташкил этган. Аҳолининг 15,7 промиллени ташкил этган ҳолда туманлар бўйича қўйидаги ҳудудлар фарқларга эгадир;

- Табиий ўсиш коэффенти 15,0 промилледан кам бўлган шаҳар ва туманлар, Навоий шаҳар, Қизилтепа, Навбахор, Навбахор, Томди туманлари,

- Табиий ўсиш коэффенти 15,1 промилледан 18,0 промиллегача бўлган қишлоқ туманлари, Канимех, Нурота ва Канимех туманларидир.

- Табиий ўсиш коэффенти юқори кўрсаткичи Учқудуқ туманига тўғри келди, яъни табиий ўсишнинг нисбий кўрсаткичи 20,0 промиллени ташкил этган.

Навоий вилояти демографик жараёнлари ва уларнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганишда қўйидаги хулосаларни кўрсатишимиз мумкин. 2012 йилда вилоят демографик жараёнлари шаҳар ва қишлоқ туманларида катта ҳудудий фарқлар кўзга ташланди. Табиий кўпайиш кўрсаткичлари қишлоқ туманларида айниқса, чўл ҳудудида жойлашган олис туманларда юқори бўлди.

Адабиётлар:

1. Бўриева М. Р., Тожиева З. Н., Зокиров С. С., Аҳоли географияси ва демография асослари. –Т., 2011.

2. Солиев А. С., Назаров М., Қурбонова Ш., Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. –Т., 2010.

Oblaqulov H. A., (Navoiy, NavDPI)

NAVOIY VILOYATIDA JAHON MIQYOSIDA ETROF ETILGAN TARIXIY YODIGORLIKLAR

Navoiy viloyatida turizm sohasini rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yuzaga kelayotganligi turizmning viloyat iqtisodiyotiga yanada integratsiyalanishini mamlakat iqtisodiyotida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Jahon iqtisodiyoti tajribasidan ma'lumki turizm mamlakat xazinasini uchun zarur bo'lgan valyuta tushumini ta'minlash, yangi ish joylarini vujudga keltirish va shu bilan birga aholining turmush darajasini ko'tarish uchun xizmat qiladi. Navoiy viloyatining geografik o'rnini nihoyatda qulay, ajoyib tabiiy iqlim sharoitiga ega ekanligidan tashqari, uning insoniyat taraqqiyotidagi o'rnini ham beqiyos.

Jahon miqyosida etrof etilgan tarixiy yodigorliklar Navoiy viloyatida turizmni rivojlantirishda hissasi yuqori baholanadi. Jumladan

Nurota chashmasi yodgorliklari Nurota me'moriy obidalari ulug' ajdodlarimiz tomonidan bunyod etilgan millotdan avvalgi me'morsozlik bilimlari va amaliyotining qadimiy boy va noyob namunalaridan hisoblanadi. X asrlardayoq bu yerda jome' masjid, ko'plab rabotlar va muqaddas ziyoratgohlar mavjud bo'lgan. Akademiklar Yahyo G'ulomov va Ahmadali Asqarovlarning yozishlaricha "Chashma" sohilidagi madaniy qatlam yoshi 40 ming yilga teng. Hududda hozirga qadar saqlanib qolgan qadimiy binolardan biri panjvaqt masjid-xonaqosidir. U XVI asrda tiklangan bo'lib, keyin bir necha bor kengaytirilgan. Uning ikki tomonida XIX asrning o'rtalarida masjidga taqab qurilgan ayvonlar joylashgan. Ikkinchi bino 16 ta ustun asosiga qurilgan bo'lsa ham aholi tomonidan "Chilustun" ya'ni "Qirq ustun", deb ataydigan jome' masjididir. Bino tomi 25 ta kichik gumbaz bilan qoplangan. Masjid XVI asrda qurilgan, lekin uning eski qismidagi tosh poydevor saqlanib qolgan. Peshtoqidagi yozuvning guvohlik berishicha 1321/1903-1904 yillarda masjidida tubdan ta'mirlash ishlari o'tkazilgan.

Nurota shahridagi "Chashma" me'moriy majmuasini sayyohlik markaziga aylantirish va mazkur qadamjoga tashrif buyuruvchi sayyohlarga servis xizmati ko'rsatilishini takomillashtirish bo'yicha ham diqqatga sazovor ishlar amalga oshirilmoqda.

Bugungi kunda kompleksda joylashgan "Chilustun", "Ko'k gumbaz" va "Domalla" tarixiy masjidlari, ziyoratgoh hovlisi zamonaviy talablar asosida ta'mirlanib, obodonlashtirilgan hamda Kompleksga kiraverishdagi maydonda qadimiy xalq og'zaki ijodi va folklor ashula va raqs tomoshalari namoyish etilish maqsadida 2012 yil mart-noyabr oylarida "Nurjahon" folklor dastasining tomoshalari grafigi ishlab chiqilgan.

Shuningdek, kompleksda xorijiy sayyohlarga xizmat ko'rsatish sifatini oshirish maqsadida mazkur kompleksda viloyat "Sayohat va ekskursiyalar byurosi" DKning hududiy markazini ochish masalasida ishlar boshlandi..

Qosim shayx azizon honaqohi (XVI asr) XVI asrda Karmana bekligi ma'naviy hayotida o'chmas iz qoldirgan Qosim Shayx Azizonning hayoti va faoliyati ezgu va xayrli ishlarga qaratilgan edi. Buxoro hukmdori Abdullaxon II hazrat Qosim Shayxga bo'lgan ixlosi yuzasidan 1558 yilda Karmanada xonaqoh barpo ettirgan. Ushbu bunyodkorlik ishlarida Qosim Shayxning o'zlari ham qatnashgan va homiylik ko'rsatgan.

Xonaqohning sharqiy tomonida Qosim Shayx sag'anasi bor. Sag'ana marmar va Abdullaxon g'ishti bilan tiklangan, ayrim joylarda Qur'oni Karim oyatlari bitilgan. 1910-1911 yillarda Buxoro amiri Amir Abdulahadxonning vafotidan so'ng uning og'li Sayid Olimxon qabrini Qosim Shayx dahmasi yoniga unga monand qilib qurdirgan. Ikkinchi honaqoh Qosim Shayx honaqohidan 300 yil keyinroq qurilgan bo'lsada yaxlit bir-biriga monand ulkan bir yodgorlik majmuasi tashkil qilingan. 2001 yilda ushbu majmua to'la ta'mirlandi va bugungi kunda Navoiy viloyatidagi eng tarixiy va obod madaniy meros ob'ektlaridan biri sifatida qadrlanib, avaylab asralmoqda va foydalanilmoqda.

Raboti malik karvonsaroyi (XI asr) Raboti Malik karvonsaroyi Karmana-Buxoro yo'li bo'yi oralig'ida, XI asrning 70 yillarida qoraxoniylardan biri Shamsulmulk Nasr ibn Ibrohim

tomonidan qurilgan bo'lib, XII asrning birinchi choragida Arslonxon Muhammad ibn Sulaymon (1102-1130 y.) tomonidan qayta ta'mirlangan. Karvonsaroy ichida maishiy sohalarga doir xizmatlar faoliyat ko'rsatgan. Jumladan, mehmonxona, oshxona, sartaroshxona, omborxona, masjid, tosh hammom va boshqalar. Karvonsaroyga suv Sardobadan sopol quvurlar orqali keltirilgan. Sardoba va Karvonsaroy orasi 50 metrni tashkil etadi.

1999-2000 yillarda karvonsaroyning poydevori konservatsiyalandi. Uning poydevori 1 metr balandlikda pishiq g'ishtdan qaytadan terildi, kirish darvozasi peshtoqlari va devorlari ta'mirlandi, old devorlarining asl holini ko'rsatish uchun 3,5 metr balandlikda qaytadan tiklandi.

Raboti malik sardobasi (XI asr) Raboti Malik karvonsaroyidan 120 metr oralikda janubiy-g'arb tomonda ichimlik suv manbai bo'lgan sardoba joylashgan. Uning – diametri 13 metrli, gumbaz ostidagi karvonsaroyga zamondosh bo'lgan Sardoba qurilgan. Sardoba hovuzining aylana devori yerdan 12 metr chuqurlikka qadar pishiq g'ishtdan qurilgan bo'lib, unda muzday toza suv butun yoz bo'yi saqlangan. XVI asrdagi mualliflardan biri Raboti Malik sardobasining suvini Makkadagi laziz Zam-zam suviga qiyoslaydi. Sardoba karvonsaroy kabi yolg'iz yo'lovchilar uchun ham butun boshli karvonlar uchun ham qo'nalg'a hisoblangan. Karvonsaroy o'zining dastlabki vazifasi bilan XVIII asrgacha xizmat qilib kelgan. Turizm sohasida Raboti Malik karvonsaroyi va sardobasi dunyo sayyohlarining e'tiborini tortmoqda.

Deggaron me'moriy yodgorligi (XI asr) Karmana shahridan 30 km g'arbdagi Hazora qishlog'ida joylashgan yodgorlik Movarounnahrda eng qadimgi masjidlardan biridir.

Uning qurilish davri XI asr boshlariga tegishli bo'lib, murakkab va noyob loyiha asosida bunyod etilganligi bilan qimmatlidir.

Ushbu yodgorlikdan azaldan masjid sifatida foydalanib kelinmoqda. Masjidning va qishloqning nomi qadimda shu yerda yashagan aholining asosiy mashg'uloti o'tga chidamli qozon tayyorlashidan olingan.

Movarounnahrda yagona bo'lgan ushbu obida 2006 yilda qayta ta'mirlanib, hozirgi kunda bu yodgorlik majmuasi butun musulmon olamiga mashhur ziyoratgohga aylantirilgan. Shuningdek, majmua hududida keng ko'lamlı obodonlashtirish ishlari bajarilib, Mavlono Orif Deggaroniy tarixiy muzeyi tashkil etildi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining "Turizm to'g'risidagi" qonuni. O'zbekistonning yangi qonunlari.-T.: Adolat, 2000.
2. Gulimetov F.E., Allaberdanov A.A ., Turizm geografiyasi- T.: 2004
3. Internet ma'lumotlari. WWW.narod.ru.

Қодирова М.М. (Навой, НДПИ)

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНФРАСТРУКТУРА ТАРМОҚЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ишлаб чиқариш тармоқлари ўз-ўзидан, тасодифан ҳудудий тарқалмайди, балки маълум шарт-шароитлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади ёки ҳудудий ташкил этилади. Бу омилларни яхши билиш ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизимининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишга асос бўлади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш маълум қонуният, принцип ва омиллар асосида амалга оширилади. қонуниятлар, энг аввало, омилларнинг ўзаро алоқадорлиги, ишлаб чиқариш корхона ва тармоқларининг маълум ҳудудий ва технологик мажмуа шаклида ташкил этилиши, бу тармоқлар ривожланишидаги мутаносибликлардан келиб чиқади. Масалан, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўзининг қонуниятлари мавжуд. Ишлаб чиқаришга нисбатан истеъмол, таклифга кўра талабнинг устунлиги, эркин рақобат, очик иқтисодиёт юргизиш, уни либераллаштириш шулар жумласидандир. Булар, албатта, ишлаб чиқаришни жойлаштиришга, иқтисодий маконнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда барча шарт-шароитлар, омиллардан келиб чиқилади. Лекин маълум тармоқни ҳудудий ташкил этишда ҳамма омил эмас, улардан фақат айримлари етакчи, ҳал этувчи рол ўйнайди. Бунинг учун яратиладиган маҳсулот бирлигига, масалан, сув ёки электр қуввати, ишчи кучининг қай даражада сарфланишини аниқлаш талаб этилади.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини электр қувватисиз тасаввур қилиш қийин. Ушбу соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у яратган маҳсулотни, яъни электр қувватини жамғариб, омборхонларга йиғиб бўлмайди, ундан айни пайтнинг ўзида, синхрон равишда фойдаланиш керак. Бундан ташқари, электр қуввати юқори кучланишли электр тармоқлари орқали узоқ масофаларга ҳам узатилиши мумкин.

Одатда электр қуввати омилини ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишида энг аввало унинг арзон хилларига урғу берилади. Арзон электр қуввати сув станцияларидан олинади, чунки сув сувлигича ГЭСдан кейин ҳам қолаверади, иссиқлик электр станцияларида эса кўмир, мазут ёки табиий газ тамомила сарфланади.

Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг табиий кўпайишини нисбатан юқорилиги ва унинг миграцион ҳаракатининг фаолсизлиги меҳнат заҳираларини кўплаб шаклланишига олиб келади. Шу сабабли Республикада меҳнатга лаёқатли аҳоли сони миқдоран жуда кўп. Уларнинг сони, айниқса, қишлоқ жойларида ва сустривожланган кичик шаҳарларда юқори. Бинобарин, бундай жойларда иш ўринларини кенгайтириш, янги саноат ва бошқа корхоналар, маданий-маиший муассасаларни қуриш, меҳнат бозорини шакллантириш керак.

Аҳоли, албатта, фақат ишчи кучи эмас, у балки кўпроқ даражада истеъмолчи ҳамдир. Бу омилнинг роли эса ҳозирги кунда халқнинг яшаш шароити ва даражасини яхшилаш доирасида кескин ошиб бормоқда. Муваққат ижтимоий қийинчиликларни енгиллаштириш учун аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва унинг бошқа эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотларни етарли даражада ишлаб чиқариш талаб этилади. Шу боис истеъмол омили озиқ-овқат корхоналарини ўзига «тортади», яъни бундай завод ёки фабрикалар, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари қишлоқ ва шаҳарларда жойлаштирилади.

Истеъмол омили фақат халқ эҳтиёжи билан белгиланмайди. Ишлаб чиқаришнинг ўзини талаби, бошқа хил маҳсулотларнинг кенг миқдорда сарфланиши, уларнинг транспортда келтиришнинг ноқулайлиги ҳам бундай корхоналарнинг истеъмол районларида қурилишини тақозо этади. Транспорт омили жуда муҳим, чунки у ишлаб чиқаришнинг бевосита давом эттирувчи тармоғи ҳисобланади. Транспорт инфраструктураси бўлмаса хом ашё ҳам келтирилмайди, маҳсулот ҳам истеъмолчиларга етказилмайди, ҳудудий меҳнат тақсимоти ривожланмайди. Шунинг учун транспортнинг аҳамияти барча бошқа омиллар таъсири билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади ва уни «соф» ҳолда ажратиб олиш қийин. Шу билан бирга транспорт масаласи иқтисодий географик ўрин омили билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Зеро, бу ўрин объектнинг энг аввало ташқи иқтисодий муносабатларини аниқлатади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда илмий-техника тараққиётининг аҳамияти ҳам жуда юқори. Ушбу омилнинг таъсири бир қатор тармоқларни ҳудудий ташкил этилишида аниқ ва равшан кўринади. Масалан, «илмталаб» машинасозлик заводлари юксак даражада фан-техника салоҳиятига эга бўлган йирик шаҳарларда жойлаштирилади.

Ҳозирги кунда инфраструктура тизимининг мавжудлиги ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Йўл, ер ости ва ер усти қурилмалари, электр узатувчи шахобчалар, турар жой, маиший хизмат кўрсатиш объектлари муҳайё бўлган жойлар янги ишлаб чиқаришни, қўшма корхоналарни ўзига жалб қилади. Хорижда бундай жойларни саноат парки деб аташади.

Ҳозирги вақтда қулай инвестиция маконини яратиш ҳам катта мазмун касб этади. Инфраструктура ва бошқа шароитларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларнинг ҳал этилганлиги, кафолатланганлиги хорижий сармоядорларнинг кириб келишига қулайлик яратади. Кўпинча инвесторлар ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган,

ижтимоий-сиёсий барқарорлик, арзон ишчи кучи бўлган ҳудудларни қидирадилар. қурилган қўшма корхоналар эса минтақа ва миллий иқтисодий ривожлантиришга, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркибига сезиларли ўзгаришлар киритади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
2. Рўзиев А., Абирқулов К. Ўзбекистон иқтисодий географияси.- Т.: “Шарқ” 2001.
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси Т.: “Университет”, 2014.

Negmatov S.Q., Ismoilov U. (Navoiy, NavDPI)

JIZZAX VILOYATI EKOTURIZMI VA SANOATINING RIVOJLANISHIDA AYRIM XUSUSIYATLAR

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan Jizzax viloyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish uchun qabul qilingan chora-tadbirlar rejasiga ko'ra cho'l hududlarida xom ashyodan foydalangan holda ma'lum bir sanoat tarmoqlarini shakllantirish va shuningdek ekoturizmni rivojlantirishga juda katta e'tibor berilmoqda. Ayniqsa, viloyatning Do'stlik, Arnasoy, Zafarobod tumanlarida bu sohada juda katta ishlar boshlab yuborilgan. Shu o'rinda Zafarobod tumanini geografik nuqtai nazardan tahlil qiladigan bo'lsak, sanoatni va turizmni rivojlantirishga imkoniyatlar geografik nuqtai-nazardan tahlil qilib qarasaq ancha yuqoridir, ya'ni, Tuzkon ko'lining tuman hududida joylashgani ekoturizmni rivojlantirishga katta xizmat qilishini bilgan holda yurtboshimiz bu yerlarga e'tiborni kuchaytirmoqda. Tumanda Chimqo'rg'on sement zavodi qurilishi aholini ish bilan bandligini qolaversa, turmush darajasini yaxshilashga xizmat qildi. Bu yerdagi sementning sifatligi Respublikamizni boshqa sementdan ustun turishi bilan ajralib turadi. Shuningdek, xomashyo shu yerning o'zida mavjudligi ham ancha yengillik tug'dirmoqda.

Zafarobod tumanining Fayzulla Xo'jayev QFY da hozirda turizmni rivojlantirish maqsadida juda katta ishlar boshlab yuborilgan. Bu yerda Pistalitog' va Baliqlitog' pasttog'lari joylashganligi geografik nuqtai nazardan juda qulay o'ringa ega. Tuzkon ko'liga quyiluvchi Kili daryosi Fayzulla Xo'jayev, Cho'liguliston va Chimqo'rg'on QFY larida baliqchilik ya'ni baliq ovlash va uni aholi iste'moliga yetkazib berish bilan shug'ullanilmoqda. Tumanda aholining oqsilga bo'lgan ehtiyojini qondira oladigan tarmoq baliqchilikni rivojlantirishga ham imkoniyatlar juda kengligi ma'lum. Kili daryosining o'ng va chap sohillari quyilish joyiga bo'lgan hududlarning tuprog'i qumoq tuproq bo'lganligi sababli qumga moslashgan qishloq xo'jalik o'simliklarini o'stirish lozim. Shuningdek, bog'larni, ya'ni mevali daraxtlarni kengaytirish ham maqsadga muvofiq.

Jizzax viloyatida sanoatni rivojlantirish uchun barcha imkoniyatlar, yer osti boyligi yetarlicha mavjud. Oltin, polimetall rudalari, ohaktosh, volfram va boshqalar shular jumlasidandir. Viloyat toza ichimlik suvi bilan ham yetarlicha ta'minlangan. Viloyatning shimoli Qozog'iston Respublikasi bilan chegaradosh bo'lishi unga neftni qayta ishlash zavodi qurilishi uchun imkon bermoqda, ya'ni Qozog'iston, Rossiya davlatlari neftini qayta ishlash natijasida o'zining iqtisodiy salohiyatini birmuncha yaxshilaydi. Viloyatning Zafarobod tumanida ekin maydonlari suv bilan ta'minlashning yaxshilash maqsadida 2017-2018 yillarda suv ombori qurilishi boshlangan. Sanoati so'nggi yillarda ildamlilik bilan rivojlanib bermoqda. Viloyatning ochiq industrial zonaga aylantirilishi sanoat korxonalarini va fabrikalar paydo bo'lishiga olib kelmoqda.

2017 yil Jizzaxda Fransiyaning Pejo kompaniyasi bilan hamkorlikda kichik yuk va mikroavtobuslar ishlab chiqarishni yo'lga qo'ymoqda. Shu nuqtai nazardan ish bilan ta'minlanganlik darajasi ham oshmoqda.

Jizzax viloyatida yengil, oziq-ovqat sanoati yaxshi rivojlangan. Suningdek, qurilish materiallari ishlab chiqarish ham yaxshi yo`lga qo`yilgan. So`nggi yillarda oziq-ovqat sanoati Jizzax, Yangiqishloq, G`allaorol, Zomin shaharlarida yo`lga qo`yilgan. Yengil sanoat Jizzax va Zomin shaharlarida rivojlangan. Do`stlik, Paxtakor shaharlarida moy ishlab chiqarish korxonalarini bor. Do`stlik shahrida boshqa sanoat tarmoqlariga nisbatan oziq-ovqat sanoati birmuncha yaxshi shakllangan. Bu shaharda un, yo`g`, non ishlab chiqarish korxonasi va zavodlari mavjud. Dashtnobod tumani ham bu borada ya`ni oziq-ovqat sanoati bo`yicha ildam ketmoqda. Undan tashqari, Jizzax viloyati uchun Marjonbuloq oltin koni ham juda katta sanoat ahamiyatiga ega. Shuningdek, Jizzax shahrida akkumulyator, plastmassa zavodlari ham mavjud.

Sement zavodi va boshqa atrof - muhitga zarar yetkazadigan korxonalar aholi turar joyidan uzoqda qurilmoqda. Yana bir inson salomatligiga jiddiy ta`sir etadigan sanoat tarmog`i neftni qayta ishlash zavodi ham aynan Zafarobod tumanining aholidan uzoqda keng yoydoq joyda qurilishi ko`zda tutilgani ham maqsadga muvofiqdir.

“Zomin sanatoriyasi” tuman markazidan 50 km uzoqlikda viloyatdagi iqlimiy kurort, Turkiston tog' tizmasining shimoliy etaklarida, dengiz sathidan 2000 m balandlikda joylashgan. Shu tufayli havoda atmosfera bosimi nisbatan past, kislorod va quyoshdan kelayotgan ultrabinafsha nurga boyligi aynan yuqori nafas yo'llari va asab tizimi kasalliklariga bog'liq bo'lgan bemorlar uchun juda foydali bo'lganligi sababli bemorlarni davolashga moslashgan. Sihatgoh tog' yonbag'rida joylashgan 7 qavatli zamonaviy binodan iborat. Binoning birinchi va ikkinchi qavatlarida davolash bo'limi, oshxona, qabulxona, ma'muriyat joylashgan. Bu yerda 15 nafar oliy toifali va 40 nafar malakali hamshiralar ishlaydi. Davolashda fizioterapiya omillaridan keng foydalaniladi. Shuningdek, G`allaorol, Forish, Mirzacho'l tumanlarida balneologik sanatoriyalar ham faoliyat ko'rsatadi. Sulfatxlorid natriyli Chimqo`rg`on balchig`ida fizioterapiya va davolash profilaktika muassasalarida foydalaniladi.

Qo`ytoshda ohak, vollastanit, volfram konlari, Ko`tarmada ohak konlari mavjud. “Jibri” (O'zbekiston-Buyuk Britaniya) qo`shma korxonasi yiliga 50 ming tonna chigitni qayta ishlanib o`simlik yog`i olinadi. “Kumush tola” (O'zbekiston-Tojikiston) qo`shma korxonasi yiliga 80 tonnadan ziyod ipak tolasini tayyorlaydi, “Paxta interneyshenel” (O'zbekiston-Suriya) qo`shma korxonasi yiliga 10 ming tonna lintdan sellyuloza ishlab chiqarish quvvatiga ega, “Baxmal sharob” (O'zbekiston-Polsha) qo`shma korxonasida mineral suv qadoqlanadi. Paxta tolasidan eshilgan ip tayyorlovchi “Irtartekstil” (O'zbekiston-Pokiston), yog`-moy va sovun ishlab chiqaruvchi “Madina” (O'zbekiston-Xitoy), “Jizzax-Telekom” (O'zbekiston-Indoneziya) qo`shma korxonalar hissasi sezilarli. Jizzax shahrining Qipchoq mahallasida zavod mavjud. Bu zavod ohak ishlab chiqarib, Toshkent, Sirdaryo va Samarqand viloyatlariga eksport qilingan.

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkinki, Jizzax viloyatida sanoatni va ekoturizmni rivojlantirishga yetarli darajada imkoniyatlar mavjud. Hududning iqtisodiy geografik o`rningi qulayligi va qo`shni davlatlar bilan chegaradoshligi ham qulay shart-sharoitlar yaratadi.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. O'zbekiston iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish yo`lida. -T.: “O'zbekiston”, 1995.
2. Soliyev A.S. O'zbekiston geografiyasi T.: “Universitet”, 2014.
3. Internet ma'lumotlari.

Бердикулова М.Т., Абдиқолиқова Г. (Қарши, ҚарДУ)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИ

Демографик вазият – асосий демографик жараёнлар бўлган туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш, миграция ва урбанизация (шаҳарлашув) да ўз ўрнини топади. Ўзбекистонда кейинги 25 йил ичида янги демографик вазият вужудга келди. Бу йиллар орасида мамлакат аҳолиси 10 млн. кишига кўпайди ва ҳозирги кунда 32,6 млн. кишидан ошди. Ўзбекистон аҳолисининг энг юқори суръатлар билан ўсиши 1959–1970 йилларга тўғри

келган. Ўзбекистоннинг замонавий демографик вазияти эса мустақиллик йилларида шаклланди (1-жадвал). Унинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагилар ташкил этади:

➤ Пасайиш тенденциясига хос бўлган аҳоли мутлоқ сони ўсишининг кескин қисқараётганлиги;

➤ Туғилиш кўрсаткичининг пасайиши. Туғилишнинг умумий коэффиценти 1991 йилдаги 34,5 %о дан 2016 йилда 23,2 %о гача пасайди, яъни 25 йилда деярли 1,5 баробар қисқарди. Туғилишнинг бундай сезиларли пасайиши энг аввало мамлакат қишлоқ аҳолиси учун хосдир, қишлоқдаги туғилиш ва табиий кўпайиш даражаси шаҳар аҳолисига яқинлашиб қолмоқда;

➤ Республика минтақалари, вилоятлари, шаҳарлари ва қишлоқ туманлари бойича туғилиш даражаси ва табиий ўсишнинг ўртасида ҳудудий табақаланишнинг мавжудлиги;

➤ Мамлакатда аҳоли миграцион оқимининг кучайиши (асосан эмигрантлар ҳисобига);

➤ Аҳоли ўсиши суръатларининг пасайганлигига ва аҳоли сони мутлоқ ўсиши сезиларли камайганлигига қарамай, ўтган йилларда туғилиш юқори бўлганлиги ҳисобига республиканинг катта демографик салоҳиятини истикболда сақланиб қолиши;

➤ Мамлакатнинг меҳнат ресурслари салоҳиятининг ҳам юқориликча қолиши. Аҳоли умумий сонидан унинг улуши ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 1991 йилда республика аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши 48,8 фоизни, 2000 йилда 52,3 фоизни, 2016 йилда эса 56 фоизни ташкил этади.

1-жадвал. Мамлакатдаги ҳозирги демографик вазият (киши ҳисобида).

Йиллар	Аёллар				Эркеклар			
	Туғилиш	Ўлим	Шундан 1 ёшгача	Табиий кўпайиш	Туғилиш	Ўлим	Шундан 1 ёшгача	Табиий кўпайиш
Жами аҳоли								
2007	295001	63876	3309	231125	313916	73554	4753	240362
2008	313124	64506	3327	248618	332972	74286	4648	258686
2009	314389	62031	3144	252358	336931	71579	4454	265352
2010	305902	64426	2952	241476	328908	73985	4086	254923
2011	299395	66345	2716	233050	323440	76908	3810	246532
2012	300408	66734	2634	233674	324698	79254	3756	245444
2013	326535	66878	2657	259657	352984	78794	3912	274190
2014	344759	68296	3282	276463	373277	81465	4406	291812
2015	351475	68984	3414	282491	382666	83051	4906	299615

Ўзбекистон Давлат Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ишланди.

Ўзбекистоннинг ҳозирги демографик вазияти ва унинг ривожланиши истикболлари республика аҳолисининг умумий иш билан бандлигида, унинг динамикасида, ёш – жинс таркибида ҳамда шу каби демографик ҳолатларида бевосита акс этади. Демографик вазиятнинг шаклланишида аҳолининг жинсий таркиби асосий омил ҳисобланади. Аҳоли таркибида эркеклар ва аёллар салмоғининг тенглиги, яъни мутаносиблиги уларнинг никоҳга кириш ва оилаларнинг ташкил топишига қулай вазият яратади. Маълумотларга қараганда, дунёдаги жуда кўп давлатларда 15–30 ёшлардаги аёлларга нисбатан эркекларнинг сони бироз юқорилиги кузатилади. Бироқ, Европа, Австралия, Американинг баъзи давлатларида эса 5–9 ёшли гуруҳлардан бошлаб эркеклар салмоғи камайиб кетган. Бунинг сабаби, шу давлатларда ўғил болалар ўлимнинг юқорилигидир. Ўзбекистонда асосий никоҳга кириш ёшларида эркеклар ва аёллар нисбати деярли тенгдир.


Туғилиш суръати XX асрнинг 2–ярмида жуда юқори бўлган. Агар Ўзбекистонда 1950 йил туғилишнинг умумий коэффиценти 30,8 %о ни ташкил этган бўлса, 1960

йилларда 39,8 % га тенг бўлган. Ўзбекистонда бугунги демографик вазият, айниқса, туғилиш жараёнининг камайиб бориши (1991 йилларда туғилишнинг умумий коэффиценти 34,5 % ни ташкил этган бўлса, 2004 йилларда бу кўрсаткич 20,5 % га тенг бўлди ёки 14 % га камайди. 2016 йилда мамлакатда туғилишнинг умумий коэффиценти 23,2 %, ўлим коэффиценти 4,8 %, табиий кўпайиш коэффиценти 18,4 % ни ташкил этган. Бу эса яқин келажакда жами аҳоли салмоғида қариялар улушининг ортиб боришидан далолат беради. Бу ҳол эса, қарияларнинг ижтимоий-демографик гуруҳ сифатидаги мавқеи ошиб боришини кўрсатади.

БМТ маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби таққосланса, болалар салмоғининг анча юқорилиги кўрсатилади. Ўзбекистон қариш шкаласи бўйича жаҳондаги аҳолиси “ёш” давлатлар қаторига киради. Мамлакатда меҳнат ресурслари меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғининг кўплиги билан характерланади. Республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга: меҳнат захиралари жами аҳолининг 56 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 300-350 минг кишига кўпаймоқда.

Ўзбекистон вилоятлари орасида Қашқадарё ўзига хос демографик вазиятига эга бўлган вилоят ҳисобланади. 2018 йил 1 январь ҳолатида вилоят аҳолиси 3148,1 минг киши (мамлакат аҳолисининг 10 фоиздан ортиғига тенг), шундан 1358,4 минг шаҳар аҳолиси, 1789,7 минг қишлоқ аҳолисини ташкил этади. Умумий аҳолининг 43,1 фоизи шаҳарларда, 56,9 фоизи қишлоқларда яшайди. Вилоят қишлоқ туманлари демографик вазияти таҳлил қилинганда, туғилиш кўрсаткичлари энг кам бўлган Қарши шаҳрида - 20,1 %; қишлоқ туманлари – Муборакда 23,3 % дан 29,8 % гача (энг кўп Чирокчи тумани) ўзгариб боради [1-расм]. Табиий кўпайиш кўрсаткичлари энг юқори: Чирокчи, Яккабоғ, Қамаш ва Дехқонобод туманлари, нисбатан кам табиий кўпайиш Қарши шаҳри, Қарши ва Муборак туманларида кузатилмоқда.

1-расм. Қашқадарё вилоятида аҳоли табиий кўпайиши кўрсаткичлари (ҳар минг кишига, промилледа)



Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ишланди.

Статистик маълумотларга кўра, 2016 йилда республикада жами меҳнат ресурслари 18,7 млн. кишини ташкил этиб, шундан 99,4 фоизи меҳнатга лаёқатли аҳолини, қолган қисми эса ишлаётган ўсмирлар ва нафақахўрларни ташкил этади. Мамлакат меҳнат ресурсларининг 75,9 фоиз қисми ёки 14,2 млн нафари иқтисодий фаол аҳоли тоифасига, шундан 13,7 млн нафари иш билан банд аҳоли тоифасига киради. Қашқадарё вилояти меҳнат ресурслари 1759,4 минг киши бўлиб, мамлакат жами меҳнат ресурсларининг 9,5 фоизини ташкил этади.

Қашқадарё вилояти ўзининг демографик салоҳияти билан мамлакатда ўз мавқеига эга бўлиб, аҳолисининг табиий кўпайиши юқори бўлган вилоятлар қаторида эканлиги худуднинг етарлича меҳнат ресурслар билан таъминланганлиги, яқин йилларда минтақа учун ишчи кучи билан боғлиқ муаммолар учрамаслиги кузатилади.

Umarov N., Burxonov B., Qo'chqarova U. (Andijon, AnDU)

FARG'ONA MINTAQASI AHO LISINI UY-JOY BILAN TA'MINLASHNING BA'ZI GEOGRAFIK JIHATLARI

Ma'lumki, jamiyat hayoti uchun zarur bo'lgan barcha boyliklar insonning mehnati natijasida yaratiladi. Ishlab chiqarish jarayonida qatnashayotgan mehnat qurollari, zamonaviy texnologiyalar, xomashyo, yoqilg'i va boshqa qo'shimcha materiallar faqat inson qo'li, mehnati tufayligina harakatga keltiriladi va ular ishlab chiqaruvchi kuchlar sifatida namoyon bo'ladi. Shuningdek, aholi eng avvalo, aziz inson hamda ayni vaqtda yaratilgan barcha boyliklarning asosiy iste'molchisi hamdir [4]. Shu nuqta'i nazardan aholini o'rganish, hamda ijtimoiy muhofaza qilish masalalarini tadqiq etish har qanday mamlakatning iqtisodiy rivojlanishida muhim omil hisoblanadi. Aholi joylashuvi va aholi punktlarini zamonaviy, ijtimoiy infratuzilmalarga ega va uzoq kelajakga mo'ljallangan dastur asosida tashkil etish bugungi kunning ustuvor vazifalaridan biridir.

Davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, ilg'or xorijiy tajribalarni tahlil qilish, mamlakatni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlarni amalga oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan **ishlab chiqilgan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasining to'rtinchi yo'nalish uchinchi bandida arzon uy-joylar barpo etish bo'yicha maqsadli dasturlarni amalga oshirish, aholining hayot sharoitlari yaxshilanishini ta'minlovchi yo'l-transport, muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish hamda modernizatsiya qilishga alohida e'tibor qaratilgan. Buning uchun aholi, eng avvalo, yosh oilalar, eskirgan uylarda yashab kelayotgan fuqarolar va uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj boshqa fuqarolarning yashash sharoitini imtiyozli shartlarda ipoteka kreditlari ajratish hamda shahar va qishloq joylarda arzon uylar qurish orqali yanada yaxshilash bugungi kunning zarurati hisoblanadi**[1].

Qishloq xo'jaligida yerlardan foydalanishning bozor iqtisodiyotiga mos keladigan nazariy-metodologik asoslarini ishlab chiqish, mavjud amaliyotni chuqur tahlil qilish, ibratli xorijiy tajribalarni o'rganish asosida qishloq xo'jaligi yerlaridan foydalanishni hududiy tashkil etishni tashkil etishni takomillashtirish va uning istiqbolli yo'nalishlarini aniqlash muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega[2]. Mazkur yo'nalishda amalga oshirilayotgan ishlarning geografik asoslarini o'rganish masalaning yechimlarini bosh mezoni hisoblanadi. Farg'ona mintaqasi O'zbekistonning aholisi eng zich bo'lgan hududi ekanligi hamda mamlakat miqyosida alohida ijtimoiy-iqtisodiy-demografik salohiyatga ega ekanligi sababidan mazkur yo'nalishdagi ishlarni amalga oshirishda boshlang'ich mintaq bo'lishi zarurligi ravshandir.

Farg'ona mintaqasi respublika maydonini 4,1 foizini tashkil qilgani holda, jami aholining 28,6 foizini o'zida jamlagan. Mintaqa aholisining o'rtacha zichlik ko'rsatkichi har 1 km² hududga o'rtacha 510 kishini tashkil etadi. Bu esa mamlakat aholisining o'rtacha zichlik ko'rsatkichidan 7 barobar kattadir (1-jadval).

Bundan ko'rish mumkinki, ayni paytda Farg'ona mintaqasida aholini turarjoy bilan ta'minlash muammosi Respublikaning boshqa hududlarga qaraganda dolzarb. Mazkur holat hozirgi kunda mintaqada aholiga uy-joy qurish masalasi yuzasidan olib borilayotgan ishlarga yangicha yondashuv talab etadi.

1-jadval

Farg'ona mintaqasi aholisini respublikada tutgan o'rni

Hudud nomi	Maydoni, ming km²	Jami aholi, ming kishi	Shahar aholisi, ming kishi	Qishloq aholisi, ming kishi	Aholining o'rtacha zichligi, kishi
O'zbekiston Respublikasi	448,9	32 653,9	16 533,9	16 120,0	73
Farg'ona mintaqasi:	18,3	9 330,7	5 369,3	3 961,4	510
Andijon	4,2	3 011,6	1 576,5	1 435,1	717
Farg'ona	6,7	3 620,1	2 049,6	1 570,5	540
Namangan	7,4	2 699,0	1 743,2	955,8	365

O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi ma'lumoti asosida tuzildi

Qishloq xo'jaligida iqtisodiy samaradorlikka erishish, uni uzoq muddatga saqlash qishloq joylarda ijtimoiy infratuzilmaning barpo qilinganligi bilan chambarchas bog'liq [2]. Ma'lumki, turarjoy binolarini qurish maqsadida umumiy yer fondidan maydonlar ajratilishi natijasida qishloq xo'jaligining unumdor tuproqli maydonlari qisqaradi va shu bilan bog'liq ravishda paxta-bug'doy dalalari, qishloq xo'jalik ekinlari yetishtiradigan maydonlar kamayishi oqibatida qishloq xo'jalik mahsulotlari aholini ehtiyojini to'la qondira olmasligi, ayniqsa, yer resurslari cheklangan Farg'ona mintaqasida chorvachilik sohasida chorva hayvonlarini ozuqa bilan ta'minlash murakkablashadi. Qishloq xo'jalik maydonlari qisqarishi oqibatida unda yetishtiriladigan mahsulotlarga bo'lgan ehtiyojni qondira olmasligi, talabni bajargan taqdirda ham qishloq xo'jaligida yetishtirilayotgan mahsulotlarni narhi keskin ko'tarilishi mumkin. Eng asosiysi ushbu jarayon sezilarli darajada Farg'ona mintaqasi iqtisodiyotiga ta'sir etadi, tabiiy muhitda salbiy o'zgarishlar yuz beradi, tabiiy landshaftlar maydoni qisqarib, o'rnini antropogen bino-inshootlar egallaydi va mazkur jarayon bilan bog'iliq ravishda ro'y beradigan tabiiy hodisalarni sodir bo'lishiga o'z ta'sirini o'tkazadi hamda mintaqa iqlimini o'zgarishiga sabab bo'ladi. Kislorod manbalari qisqaradi va o'z navatida ekologik muhitni yanada taranglashishiga olib keladi.

Yuqorida aytib o'tilgan holatlarni oldini olish maqsadida hududlardan intensiv foydalanish, aholi manzilgohlarni joylashtirish va ko'p qavatli turarjoylarni qurish maqsadida ushbu sohalarda taraqqiy etgan jahonning yetakchi davlatlari tajribasini o'rganib, tahlil qilgan holda mamlakatimiz sharoitlariga moslab, uni mamlakat, xususan, Farg'ona mintaqasida amalga tatbiq qilish lozim. Jahonning ilg'or davlatlarida yer resurslarini rejali taqsimlash maqsadida aholini turarjoy bilan ta'minlashda baland va ko'p qavatli binolar quriladi. Bunda ko'p sonli aholini zamonaviy barcha qulayliklarga ega bo'lgan uylarda yashashini ta'minlash, kichik hududda jamlash, shuning bilan birgalikda ekin maydonlarining qisqarishi juda kam miqdorda ro'y berishiga, unumdor yerlarni behuda yo'qotilishiga barham beriladi. Bugungi kunda respublikamizda qurilayotgan namunali uylar mamlakat aholisini turar joyga bo'lgan ehtiyojini qisman ta'minlamoqda. Lekin, bugungi kunda qurilayotgan namunali uylardan bittasi o'rtacha 60 m² maydon egallaydi. Bu uy bir qavatli, ikki qavatli bo'lsa ham faqat bitta oila uchun mo'ljallangan. Shu bilan birgalikda xonadonda bitta oila doimiy yashashi mumkin, xolos. Bitta oilada o'rtacha 5 kishi istiqomat qilsa, shu turdagi 75 ta uyda 375 nafar aholi istiqomat qiladi. Shunday honadonlardan 25 tasi 5 ming m² maydonni egallaydi(ko'cha va boshqa kichik maydonlar bilan birga). Agar, 5 ming m² maydonga 10 qavatli turarjoy binosi bunyod etilsa, uning har bir qavatida 50 tadan jami binoda 500 ta honadon bo'ladi va har bir honadonda o'rtacha 5 kishi yashashini inobatga olsak, bu binoda jami 2,5 ming aholi istiqomat qilishi ta'minlanadi. Tahlil natijalari shuni ko'rsatmoqdaki, hozirgi kunda qurilayotgan namunali uylarga nisbatan, 10 qavatli uylarda salkam 7 barobar ko'proq aholi yashashi ta'minlanadi va parallell ravishda shuncha barobar qishloq xo'jaligiga tegishli yer resurslarini kamayishi oldi olinadi. Bu holat faqat bitta bino misolida xolos. Agar shunday ko'p qavatli turar joy binolardan 10 ta qurilsa maydoni 50 ming m² ni egallaydi va 5 ming oila yoki o'rtacha 25 ming aholi uy-joy bilan doimiy ta'minlanadi. Faqat 10 qavatli turarjoy binolari qurilsa va hozirgi kunda mavjud aholi (9 330,6 ming kishi, 2018-yil 1-yanvar)ni doimiy turarjoy bilan ta'minlash uchun, 3 732 ta

10 qavatli uy zarur bo'ladi. Hisob kitoblarga ko'ra 3 732 ta uy 186,7 km² maydon (yoki mintaqa umumiy hududini 1.0 foizi) ni egallaydi.

Mintaqada aholi o'sish sur'ati hozirgi darajada saqlanib qolsa tabiiy holda u bilan parallel ravishda aholini uy-joy bilan ta'minlash masalasi yanada murakkablashib boradi. Mintaqada ko'p qavatli turarjoylar qurish orqali mazkur muammoga yechim topish mumkin bo'ladi. Zero, Farg'ona mintaqasi qishloq xo'jalik yer maydonlaridan samarali foydalanish, mavjud yer resurslaridan reja asosida foydalanish hamda ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish mamlakatimiz mintaqaviy siyosatining muhim vazifalardan biridir [2].

Ko'p qavatli turarjoylar qurish bo'yicha jahon tajribasini mamlakat yoki Farg'ona mintaqasi miqyosida amalga tabiiq etish doirasida ko'plab geografik jihatlarni hisobga olib tahlil qilish lozim. Ko'p sonli aholini hayotiy masalasi ma'suliyatli vazifa hisoblanadi. Shunday muhim omillardan biri zilzila. Ma'lumki, Mamlakatimiz Yer sharining ikkita yirik seysmik mintaqalarining biri - Alp-Himolay seysmik mintaqasi hududida joylashgan. O'zbekiston Respublikasi joylashgan hudud Yevrosiyo va Hind-Avstraliya litosfera plitalari to'qnashgan seysmik mintaqada joylashganligi mamlakatimiz joylashgan mintaqada kuchli va halokatli zilzilalar ro'y berishi mumkinligini bildiradi. Maslalan, 1902-yilda Andijonda 9 balli, 1976-1987-yillarda Gazlida 7-8 balli, 1966-yilda Toshkentda 7,5 balli kuchli yer silkinishlari sodir bo'lgani, ko'plab insonlarni fojiali halok bo'lishiga, turli darajadagi vayrongarchilik va halokatli oqibatlarga olib kelganligini aytib o'tish lozim. Asosan zilzila yuz berishi xavfi va boshqa bir qator jihatlarda mamlakat hududida ko'p qavatli baland binolarni qurishga jiddiy e'tibor berilishiga to'sqinlik qilgan. Vaholanki, deyarli har kuni yuzlab zilzilalar bo'lib turadigan, Sharqiy Osiyoda – to'rtta litosfera plitasi (Yevrosiyo, Hind-Avstraliya, Filippin va Shimoliy Amerika) chegarasi hududida joylashgan Yaponiyada balandligi 200 metrdan ortiq bo'lgan o'nlab binolarni qurilganini hech kim istisno etmaydi. Yaponiya bunday tipdagi binolarni qurish uchun arxitektura sohasida yetarli salohiyat va tajribaga ega. Yaponiyadan boshqa jahonning ko'plab seysmik mintaqada joylashgan mamlakatlarida ko'p qavatli bino-inshootlar bunyod etilgan.

Yuqoridagilardan xulosa qilib aytish mumkinki, bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi, xususan Farg'ona mintaqasida istiqomat qilayotgan va yuqori sur'atlar bilan o'sib borayotgan aholi soni, uni o'sib borishini hisoblagan holatda aholini zamonaviy va qulay sharoitlarga ega bo'lgan ko'p qavatli turarjoy binolarini qurish, har bir qarich hududdan samarali foydalanish maqsadida ko'p qavatli aholi turarjoy binolarini qurish uchun joyning tabiiy va iqtisodiy geografik xususiyatlariga alohida e'tibor berishni talab etadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi 2017-yil 7-fevral, PF-4947 sonli Farmoni.
2. Ahmadaliyev Y.I. Yer resurslaridan foydalanish geokologiyasi. – T.: “Fan va texnologiya”, 2014.
3. Xidiraliyev K.E. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – T.: “Fan va texnologiya”, 2014.
4. www.stat.uz

Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Қўлдошева Г.М., Турсунбоева Н.Ю. (Тошкент, ТДПУ)

ҚАШҚАДАРЁДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, иқтисодийнинг турли жабҳаларида – санъат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, шунингдек, ижтимоий соҳалар – соғлиқни сақлаш, спорт, таълим тизими кабиларда катта амалий ишлар ўз ифодасини топмоқда. Шу билан биргаликда юртимизда маънавий муҳит ва маданий ҳаётни яхшилашга қаратилаётган қатор яхши амаллар тарихий кадриятларимизга, аجدодларимизга бўлган юксак эътибор намунасидир.

Ўзбекистон қадимдан жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан бири бўлиб келган. Бу юртдан кўплаб алломалар, олиму фузалолар, буюк саркардалар етишиб чиққанлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Яна шунингдек, мамлакатимиз улуғ авлиё-анбиёларнинг юрти-ки, бундай аждодлар туғилиб ижод этган тупроқда яшашдек шарафга муяссар бўлганимиз қалбларда фахр туйғусини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов “**Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган**”, деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Аждодларимиз қолдирган меросни асраб-авайлаш, уларнинг амалга оширган ишларини дунё аҳлига етказиш, яшаган жойлари ва қабрларини ободонлаштиришга қаратилган ишлар бугун бардавом бўлмоқда. Ислом дини оламида машҳур бўлган авлиёлар, уламоларнинг қабрларини зиёратгоҳга айлантириш ва шу орқали ушбу ҳудудларга сайёҳларни кенг жалб этган ҳолда туризмни ривожлантириш жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Туризмни ривожлантириш учун ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш энг аввало, унинг тарихий-маданий потенциалини билишга қизиқишни кучайтиришга боғлиқ. У тарихий ёдгорликлар, мемориал зиёратгоҳлар ва бошқа маънавий-маданий ёдгорликлар, халқ хунармандчилиги, музейларни ўз ичига олади. Тарихий-маданий мерос барча ижтимоий-маданий муҳитни бор анъаналари ва урф-одатлари, маиший турмуш хусусиятлари билан бирга қамраб олади. Деярли барча зиёратгоҳлар туристлар учун билимга қизиқиш уйғотади [1, б.-79].

Ҳозирги кунда дунёда 10 дан ортиқ зиёрат туризмнинг йирик марказлари мавжуд бўлиб, улар орасида Ислом қадриятлари ҳукмрон бўлган Ўрта Осиё давлатларининг борлиги мамлакатимизда ушбу тармоқни ривожлантириш имкониятлари катталигидан далолат беради.

Бу борада 2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонининг имзоланиши соҳанинг ривожланишидаги асосий қадамлардан бири бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатида мамлакатимизнинг туристик имкониятларига алоҳида тўхталиб ўтиб, “**...биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур**”, эканлигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Шу боисдан, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида, жумладан, мамлакатимизнинг жанубида туризмнинг қатор турлари, айниқса зиёрат туризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Мустақиллик йилларида Шахризабдаги Оқсарой, Дор ус-Сиёдат ва Дор ут-Тиловат мажмуалари, Қаршидаги Кўк Гумбаз ва Одина мажмуалари, Абдулазизхон, Сардоба мадрасаси каби тарихий объектларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва ободонлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди [Аллаёров Р.Х., Каракулов Н.М., 2014].

Вилоятда жами 1024 та, шундан 882 та археологик ёдгорликлар, 182 та архитектура ёдгорликлари, 37 та зиёратгоҳлар ва 23 та ҳайкалтарошлик ёдгорликлари мавжуд. Қашқадарёда зиёрат туризмни ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлар бўйлаб турлар уюштириш мумкин.

Қарши шаҳри: Одина – Кўкгумбаз – Шарофбой мадрасаси – Хожа Абдулазиз мадрасаси.

Қарши тумани. Султон Абул Хайр Мозандароний – Имом Муъин Ан-Насафий – Ҳазрати Шиблий – Етти туғ ота – Хўжа Шамсиддин Муҳаммад Ҳафиз Шерозий.

Ғузор тумани. Мири Жанда ота – Мусофир ота – Қумчўп ота – Тоҳир ва Зухра.

Қамаши тумани. Лангар ота – Ўғлонжон ота.

Шахрисабз тумани. Гумбази Сайидон – Шамсиддин Кулол – Эшонпир – Чубин – Кундузак.

Яккабоғ тумани. Макка Саид ота – Хўжаилғор ота – Тутак ота.

Китоб тумани. Ҳазрати Башир – Ҳазрати Султон.

Чироқчи тумани. Шоввоз ота – Сарикамиш ота.

Касби тумани. Муродбахш ота – Муҳаммад Садир Ислон – Саидо Насафий.

Косон тумани. Абдурауфхон Халифа – Ғойиб ота – Ҳазрати Қусам Шайх.

Миришкор тумани. Исоҳ ота – Кўҳна Фазли.

Қашқадарёда зиёрат туризмни ривожлантириш ва кўплаб сайёҳларни диний зиёрат туризмига жалб этиш мумкин бўлган қуйидаги қадамжоларни таърифлаб ўтиш жоиз.

Абу Муин Насафий зиёратгоҳи. Қарши тумани Қовчин қишлоғида жойлашган қадамжо. Ушбу зиёратгоҳ қалом илмининг буюк намоёндаларидан бири Абу Муин Насафий номи билан боғлиқ бўлиб, бу буюк зот Абу Мансур Мотуридий асос солган мотурудия талимотининг дунёда кенг тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган алломалардандир. Абу Муин Насафийнинг катта бобоси Мақхул Насафий Имом Мотуридийнинг шогирди бўлган. Араб олими Хайриддин аз-Зириклий “Ал-Аълон” асарида ва Умар Ризо Қаххола “Муъжам ал-муаалифийин” асарида Абу Муин Насафийнинг 1027 йили Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилганини зикр этган. Унинг вафоти ҳақида эса ақсар манбаларда 1114 йил кўрсатилган.

“Дор ут-Тиловат” мажмуаси – Кўк гумбаз масжиди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Сайидон мақбаралари ва хужраларидан иборат бўлиб, улар, асосан, XIV аср охири – XV асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. “Дор ут-Тиловат” сўзи “Қуръон ўқиладиган ёки тиловат қилинадиган жой” маъносини англатади.

Ушбу мажмуадаги Кўк гумбаз масжиди буюк олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонида 1434-1435 йилларда қурилган. Мирзо Улуғбек масжидни отаси Шохруҳ номидан бобоси Амир Темур шарафига бунёд эттирган. Кириш пештоқи равоғида уларнинг номлари ва қурилиш санаси битилган.

Мажмуадаги яна бир табаррук маскан ҳисобланган Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси XIV аср охирида барпо этилган. Шайх Шамсиддин Кулол ал-Фохурий Амир Темур ҳамда унинг отаси Тарағай Баҳодирнинг устози ва пиридир. У 1370 йилда вафот этган. Амир Темур устози қабри устига мақбара қурдирган.

Гумбази Сайидон мақбараси ҳам “Дор ут – тиловат” мажмуасида жойлашган бўлиб, 1437 йилда Мирзо Улуғбек фармони билан қурилган. Мақбара ичида XV-XVII асрларга оид бир нечта қабр тошлари бор. Бу қабр тошлари термизлик саййидларга тегишли. Маълумки, саййидлар Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) авлодларидан бўлиб, улуғ зотлар ҳисобланади. Шунинг учун мақбаранинг номи Гумбази Сайидон, яъни Саййидлар гумбази деб номланган.

Шайх Шаҳобиддин Умар (Мир Жанда ота) зиёратгоҳи. Халқ орасида Мир Жанда ота номи билан машҳур бўлган зиёратгоҳ Ғузор шаҳрида Ғузордарёнинг чап қирғоғида жойлашган мақбара ва қабристондан иборат. Ушбу зиёратгоҳдаги қабристонда Шайх Шаҳобиддин Умар ҳазратлари дафн этилган. Шайх Шаҳобиддин Умар хижрий 539(милодий 1144) йилда Бағдод шаҳрида туғилиб, хижрий 632 (милодий 1234) йилда 90 ёшда Ғузор шаҳрида вафот этган [Жўраев А., 2015]. Шайх Шаҳобиддин Умар ҳазратларига Шарқ мамлакатлари ва араб дунёсида катта ҳурмат билан қарашади. Ушбу зотнинг пири Қодирия тариқатининг сўфиларидан бири бўлмиш Абдулқодир Филонийдир.

Шайх Абдулла хўжа ибн Муҳаммад (Мусофир ота) зиёратгоҳи. Халқ орасида Мусофир ота номи билан машҳур бўлган зиёратгоҳ Ғузор туманидаги энг қадимги муқаддас жойлардан бири. Ушбу зиёратгоҳ Мусофир ота ва уларнинг сингиллари Ҳадича аяга атаб қурилган кичик мақбаралар ва қабристондан иборат. Халқ ривоятларига кўра, Мусофир ота мақбарасини соҳибқирон Амир Темур бунёд эттирган эканлар. Мусофир ота

зиёратгоҳи “Олтин мерос” Халқаро хайрия жамғармаси рўйхатига киритилган муқаддас кадамжодир.

Султон Сайид Аҳмад Вали (Ҳазрати Башир) зиёратгоҳи. Китоб туманида жойлашган ёдгорлик. Мирзо Улуғбек замондоши ва дўсти Султон Сайид Аҳмад Вали номи билан боғлиқ. Бу мажмуа катта ҳонақоқ ва макбарадан иборат. Ҳазрати Башир Ясавия ва Накшбандия тариқатларини чуқур ўзлаштирган улуғ зот бўлиб, эл орасида катта эътибор қозонган. Ривоятларга кўра, бу зот Мирзо Улуғбекка Али Қушчини шогирдликка тавсия этган эканлар.

Юқоридаги каби ўнлаб зиёратгоҳлар истиқболда сайёҳлар учун хизмат қилиши мумкин. Жойларда сайёҳларга қулай хизматларни йўлга қўйиш ушбу соҳанинг ривожини учун хизмат қилади. Қашқадарёда туризмни, шу жумладан зиёрат туризмни ривожлантириш орқали минтақадаги йирик уламоларнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси оммалашади. Шу боисдан диний, маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган объектлар бўйлаб турлар уюштириш, туристик йўналишлар бўйича хариталар ишлаб чиқиш, зиёратгоҳларнинг Қашқадарёнинг табиий географик хусусиятлари билан уйғунлашган ҳолдаги ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бундай тадбирларни амалга ошириш орқали маданий кадрларимиз билан бир қаторда буюк авлиё ва уламоларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромни кўрсатган бўламиз. Шу аснода минтақаларни иқтисодий даражаси яхшиланишига, аҳоли фаровонлиги ортиб боришига эришган бўлар эдик.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Маматқулов Х.М., Бектемиров А.Б., Норчаев А.Н. Халқаро туризм. – Т., 2009.
3. Аллаёров Р.Х., Каракулов Н. Қашқадарё вилояти сайёҳлик салоҳияти ва туризмни ривожлантириш истиқболлари // Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари. Илмий-назарий конференциянинг мақолалар тўплами. – Т., 2014 йил. – Б. 72-74.
4. Жўраев А. Ғузур тарихи. – Т.: Завқли қалам НМУ, 2015.

Ахунбобоев М.М., Умироқов О.А., Усанов.А.А. (Гулистон, ГулДУ)

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Муроҷатномасида ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиб : ”Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, имконият ва жавобгарлигини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман” деганларида жуда ҳақ эдилари. Ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш албатта шу ҳудудни бошқариб турган раҳбарларга, қолаверса ҳудуднинг табиий ресурсларига, табиий иқлимий шароитига тарихий риволаниш тенденцияларига, аҳолисининг келиб чиқишига ва қатор бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

1963-йилда асосан Мирзачўлнинг кенг сарҳадларини ўзлаштириш мақсадида ташкил этилган Сирдарё вилояти Республикамининг мавжуд 14та регионлари орасида иқтисодий салоҳияти суст ривожланганлиги билан ажралиб туради. Аммо шуни алоҳида таъкидалаш жоизки бир қатор кўрсаткичлар бўйича эса, республикада етакчи ўринларни эгаллайди. Хусусан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги билан Сурхондарё вилоятидан кейин иккинчи ўринни, саноат ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси бўйича Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Наманган вилоятларидан юқорилиги, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг 84.1 %ни бериши бўйича эса республикада биринчи ўринда туриши билан ажралиб туради.

Сирдарё вилоятининг иқтисодий ривожлантиришда биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг 2011-йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантириш” йилли деб эълон қилиши вилоят иқтисодий салоҳиятининг ошишида муҳим рол ўйнади, чунки Сирдарё вилояти деярли барча турдаги фойдали қазилма бойликларига эга эмас (кум-шағал материаллари, ғишт-черепица хомашёси бундан мустасно). Шу сабабдан ҳам вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ягона ва тўғри йўл эди.

2011-2017-йиллар давомида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик анчайин ўсди . 2013-йилда у саноат махсулотининг 36.8%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017-йилда 44.9%ни ташкил этди, яъни 4 йил ичида 8.1%га ошганини кўришимиз мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улушини туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда 2017-йил, 2016-йилнинг январ-декабр ойларига нисбати вилоятнинг туманлар кесимида қуйдагича ўзгаришни кўришимиз мумкин бўлади: Мирзаобод туманида 9.6% , Боёвут туманида 6.1% ва Гулистон шаҳрида 4.6% бирликка кўпайганлигини кўрамиз.

Қуйида берилган диаграммада вилоят туманлари кесимида, 2016 ва 2017 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўсиши берилган.





Диаграмма таҳлилли шуни кўрсатмоқ-ки, туман ва шаҳарлар кесимида ўсиш Мирзаобод (9,6%), Боёвут туманлари (6,1%) ва Гулистон шаҳрида (4,6%) ўсиш кузатилган бўлса, аксинча айрим туман ва шаҳарларда ўсиш суърати пасайиб борганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Янгиер шаҳрида (41,4%)га, Сардоба туманида ((12,5%),Оқ олтин тумани (9,9%) ларида 2016 йилга нисбатан ўсиш пасайганлигини кўрамиз. Қолган туман ва шаҳарларда бу кўрсаткич унчалик фарқланмайди.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллий ёки давлат улушининг ҳолатига қараб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эҳтиёжни аниқлашимиз мумкин. Масалан Ширин шаҳарида саноат ишлаб чиқаришида давлат улушининг катталиги (98,6%) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сустривожланишига олиб келган. Республикамиздаги энг йирик Сирдарё ИЭСининг шу ҳудудда жойлашганлиги ва шаҳар аҳолисининг ҳам асосан шу корхонада фаолият кўрсатаётгани ҳам таъсири сезиларлидир. Аксинча, Мирзаобод туманида саноат ишлаб чиқариши ҳажмида маҳаллий улушининг катталиги (69,9%) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юқори тарзда ривожланишига олиб келган.

Jami sanoat ishlab chiqarish xajmida maxalliy va davlat ulushi yuqori bo'lgan korxonalar tomonidan ishlab chiqarilgan sanoat maxsulotlari ulushi.



Адабиётлар:

1. Mirziyoyevning Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi
2. Қ. Абдушукуров, И Абдушукурова. Ислом Каримов миллий ғоя, мафкура ва маънавият ҳақида Гулистон 2015
3. Сирдарё вилояти статистик маълумотномаси.
4. А.Солиев Ўзбекистон географияси. Тошкент.2014

Murodova D.S., Suyarova N. (Qarshi, QarDU)

TABIIY VA IQTISODIY RESURLARDAN FOYDALANISHNING EKOLOGIK MASALALARI

Atrof muhitni ifloslanishdan saqlash, tabiiy boyliklardan oqilona foydalanish ko'p jihatdan aholining ekologik savodxonlik darajasi, ekologik madaniyatiga bog'liqdir. Aholining ekologik savodxonlik darajasini oshirish shu kunning eng ustivor vazifalaridan hisoblanadi. Tabiat va jamiyat o'zaro uzviy bog'langan, tabiat va jamiyatning o'zaro aloqadorlik tizimida inson markaziy o'rin egallaydi. Binobarin, aholi tabiat va jamiyatning ajralmas bo'lagidir.

Tabiatga ta'sirning kuchayishi aholi sonining keskin oshishi bilan ham bog'liq. Mamlakatimiz aholisi ham nisbatan tez ko'paymoqda. Masalan, 1959 yilda O'zbekiston aholisi 8,7mln kishini tashkil etgan bo'lsa, 2016 yil boshida 32,5 mln kishiga ortdi. Shu davrlarda tabiiy zahiralari va boshqa iqtisodiy imkoniyatlardan foydalanish mamlakatda shaharlar va ularda yashaydigan aholi sonining tez ko'payishiga ta'sir ko'rsatdi. O'zbekistonda 1959 yildagi 103 ta shahar 2016 yilda 119 ta va ulardagi aholi soni 1mln kishidan 15,3 mln kishigacha ortdi. Qashqadaryo viloyatidagi shaharlar 6 tadan 12 taga, aholi soni esa 67 ming kishidan 1326,6 ming kishiga yetdi.

Shu yillarda Qarshi cho'li o'zlashtirildi. Yangi yerlarni sug'orish uchun qator suv omborlari va kanallar qurildi. Yangi yerlarda paxtadan yuqori hosil olish uchun me'yoridan ko'proq mineral o'g'itlar solinganligi natijasida tuproqning tarkibida zaharli moddalar ko'paydi, o'simlik va hayvonot turlari miqdori keskin kamaydi, tabiat muvozanati buzila boshladi. Yangi o'zlashtirilgan va sug'oriladigan yerlarda drenajlar loyiha bo'yicha qurilmadi. Natijada yer osti suvlarining sathi ko'tarildi va tuproqning sho'rlanishi yil sayin ortib bordi. Viloyatda sug'orilib dehqonchilik qilinadigan yerlarning 44 foizi sho'rlanib, ekologik holati buzilgan. Bu jarayonning yil sayin kuchayishi natijasida Qarshi cho'li doirasida joylashgan Mirishkor, Koson, Muborak,

Nishon, Qarshi tumanlaridagi yangi o'zlashtirilgan yerlarning ekologik sharoitlarining buzilishiga olib keldi.

O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy rivojlanishi suv resurslaridan samarali foydalanish bilan bog'liq. Suv resurslari ayniqsa tanqis bo'lgan janubiy va janubi-g'arbiy viloyatlarning tog' va tog' oldi zonalarida tabiiy o'rmonzorlarning keskin kamayishi davom etmoqda. Ma'lumki, O'zbekistonda, shu jumladan Qashqadaryo viloyatida ham o'rmon bilan qoplangan maydonlarning 50% dan ziyodrog'i tog'li hududlarga to'g'ri keladi. Ammo o'rmonlardan yoqilg'i, qurilish va chorva yaylovlari sifatida foydalanishning ortib borishi oqibatida Dehqonobod, G'uzor, Qamashi, Kitob, Shahrisabz va Yakkabog' tumanlaridagi archazorlarning maydonlari keskin kamaydi. Qarshi cho'lida saksavulzorlar yangi yerlarning o'zlashtirilishi va yer osti mineral zaxiralaridan noto'g'ri foydalanilganligi sababli qisqarib bormoqda. Natijada tog' va cho'l hududlarida eroziya jarayonlarining kuchayishi va cho'l hududida shamol eroziyasi tufayli atmosfera ifloslanmoqda.

Qashqadaryo viloyatining shimoli –sharqiy va O'rta Qashqadaryo zonalarida aholi zich joylashgan. Shahrisabz – Kitob botig'i voha aholisini yer osti ichimlik suvi bilan ta'minlaydigan zonadir. Yer osti chuchuk suvlaridan sanoat va qishloq xo'jaligida ancha katta miqdorda foydalanilishi tufayli Shahrisabz –Kitob botig'ida yer osti suvlari sathining chuqurligi dastlabki 13 m dan 27 m gacha pasaydi.

Viloyat aholisini toza ichimlik suvi bilan ta'minlaydigan Shahrisabz- Kitob botig'idan keragidan ortiq darajada ko'p suv so'rib olinishi natijasida yer osti suvinig kamayishi, pasayishi, bu zonada tabiiy o'rmonzor, bog'zorlarning kamayib ketishiga va o'z navbatida, toza havo muammosini paydo qilmoqda.

Aholining ko'payishi bilan qishloqlarning yiriklashib borishi keskin ekologik vaziyatni keltirib chiqarmoqda. Viloyatda 1045 ta qishloq va 12 ta shahardan faqat Qarshi va Muborak shaharlarida kanalizatsiya mavjud. Qolgan shahar va qishloqlarda kanalizatsiya inshootlari qurilmagan. Ayniqsa aholi 5000 va undan ortiq kishi istiqomat qiladigan qishloqlarda kommunikatsiya, sanitariya-gigiyena sharoitlari past darajada bo'lganligi, suvning tanqisligi, qishloqlarning doirasimon, to'rtburchaksimon joylanishi va kengayib borishi, zamonaviy yo'llarning yo'qligi tufayli chang to'zonlarning ko'tarilishi oqibatida qishloqlarning ekologik holati, havoning buzilishi ortib bormoqda. Bu holat qadimdan sug'oriladigan hududlar Shahrisabz, Yakkabog', Qamashi, Qarshi, Kasbi, Koson, G'uzor tumanlarida keskin ekologik vaziyatni vujudga keltirmoqda. Shuning uchun yirik aholi manzilgohlari va shaharlarda kanalizatsiya qurilmalarini yaratish va obodonchilikka katta e'tibor berish muhim ekologik tadbirlardan biridir.

Zaharli gazlarning ko'payib borishi tufayli ekologik holat viloyatda yomonlashmoqda. Sho'rtangaz zavodi 500 ming aholi yashaydigan hududda joylashgan. Hozirgi G'uzor, Nishon, Qarshi tumanlari aholisi va xo'jaliklariga gaz zaharining ta'siri sezilarlidir.

Hozirgi kunda faqatgina Muborak zavodi 100km² dan ko'proq maydonga sezilarli ta'sir etmoqda. Keyingi paytda "Klous va Skott" texnika apparatlari kabilarning qurilishi bilan zavodning ekologik holati biroz yaxshilanmoqda. Ammo bu tadbirlarga qaramasdan havoning ifloslanishi ko'payib bormoqda.

Usmanov M.R., Quvondiqov B.K., Urdusheva S.K. (Jizzax, JDPI)

MILLIY IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA TURIZMNING O'RNI

Turizm Respublikamiz iqtisodiyotida qishloq xo'jaligi, sanoat, transport va boshqa makroiqtisodiy tarmoqlar qatori o'zining munosib o'rniga ega bo'lishi uchun yetarlicha imkoniyatga ega. Ammo uzoq yillar bu imkoniyatdan to'liq va samarali foydalanilmadi va hozir ham mamlakatimizga xorijiy turistlarning tashrifini ko'paytirish, qiziqishini oshirish, tashrif buyurgan turistlarga sifatli xizmat ko'rsatish dolzarb masalalardan biridir.

O'zbekiston sharoitida turizmni hozirgi zamon talablariga javob bera oladigan darajada rivojlantirish uchun yetarlicha turistik resurslarning mavjudligini hisobga oladigan bo'lsak,

mazkur sohaning iqtisodiyot rivojlanishi uchun g'oyat muhim ahamiyatga ega ekanligini ko'rish mumkin. Ayni vaqtda, Respublikamizda turizmning rivojlanishi nafaqat amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarga, balki mavjud turistik resurslardan samarali foydalanish darajasiga ham bevosita bog'liqdir. Turistik-rekreasiya sohasi rivojlangan davlatlar tajribasiga e'tibor beradigan bo'lsak, mamlakatga sayyohlarning qanchalik ko'p tashrifi va ular keltirgan daromad miqdori shuyerdan yaratilgan xizmatlar narxiga emas, balki uning sifatiga, rang-barangligiga bog'liq ekanligini ko'ramiz.

Mazkur yo'nalishda Respublikamizda ham Prezident va Oliy Majlis qarorlari qabul qilinib, ularning ijrosi ta'minlanayotganligini ko'rishimiz mumkin. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1992 yil 27 iyuldagi «O'zbekturizm» milliy kompaniyasini tashkil etish, 1999 yil qabul qilingan «Turizm to'g'risida»gi qonuni, joriy yilning 22-fevralidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida bo'lib o'tgan videoselektor yig'ilishi turizm sohasining rivojlanishiga katta turtki bo'ldi.

Ushbu qaror va farmonlar asosida o'tgan davr mobaynida respublikamizning ko'pgina mintaqalaridagi tarixiy, diniy obidalar, buyuk siymolar qabrlari, dahmalari, masjid - madrasalarini qaytadan tiklash va ta'mirlash ishlari amalga oshirildi. Buning natijasida turistik resurslarning soni yanada ko'paymoqda va ularning ahvoli ancha yaxshilanib bormoqda. Yana shuni aytish mumkinki, Respublikamizga turistlar oqimini ko'paytirish maqsadida 2018-yilning o'tgan qisqa davri ichida ham bir qancha ishlar amalga oshirildi. Masalan, 10-fevralidan boshlab Yaponiya, Janubiy Koreya, Singapur, Malayziya, Indoneziya, Turkiya va Isroildan kelayotgan turistlarga mamlakatimizda 30 kungacha vizasiz bo'lishga ruxsat berildi. Bundan tashqari, 39 mamlakat fuqarolariga viza berish tartibi soddalashtirildi.

Turizm sohasidan tushgan daromadlarning 21,2 %i xorijiy turistlar hisobidan kelayotgan bo'lsa, 78,8%i ichki turistlar hisobiga to'g'ri keladi.

O'zbekistonga tashrif buyurayotgan xorijiy turistlar soni 2013-yilda 1million 890 ming, 2014-yilda 1million 905 ming kishi, 2015-yilda 1million 924 ming kishi, 2016 yilda 2157,7 ming kishiga yetgan. 2017-yilda esa 2 million 700 mingdan oshib ketgan. Ko'rinib turibdiki, xorijiy turistlar tashrifi so'nggi yillarda o'tgan yillarga nisbatan 112-125% o'sib borgan. Ammo ko'rsatkich sifat jihatidan tahlil qilinsa, qarindoshlarini ko'rish, davolanish, o'qish yoki tijorat kabi maqsadlarda kelayotganlar soni ko'pchilikni tashkil etishi va shunga bog'liq ravishda YaIMda turizmning ulishi juda past (1% atrofida) ekanligi ko'zga tashlanadi. 2014-yilda turizmning O'zbekistonning YaIM ga qo'shgan daromadi 1317.1 milliard so'm (YaIM ning 0.9% i)ni tashkil qilgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 2015-yilda 1368.6 milliard so'mni tashkil qilgan hamda band ishchi kuchining 0.8%i mazkur sohada ishlagan.

Respublikamizda turizm va rekreasiya sohasini rivojlantirish, hududlar bo'yicha ularning tarmoqlarini to'g'ri joylashtirish va samaradorligini oshirish muammolarini hal etishda quyidagi vazifalarni bajarishga alohida ahamiyat berish talab etiladi:

-hududlarda turistik-rekreasiya landshaftlaridan foydalanish imkoniyatlarining optimal strukturasi shakllantirish;

-tabiiy turistik-rekreasiya resurslarini muhofaza qilish, ulardan ratsional foydalanish, ularni takror ishlab chiqarish bo'yicha xo'jalik tadbirlarini baholash;

-tabiiy turistik-rekreasiya resurslaridan foydalanishning samaradorligini baholash.

Yuqridagi ma'lumotlarni tahlil qilib shunday xulosa yuritish mumkinki, dunyo iqtisodining kelajakdagi «lokomotivi» hisoblangan turizm sohasi Jahon yalpi mahsulotining 10 foizini berayotgan paytda, bu ko'rsatkich Respublikamizda 1-2 foizdan oshmayotganligi va bu sohada hali juda ko'p ishlar amalga oshirilishi kerakligini ta'kidlab o'tish lozim. Zero Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda sayyohlik- mamlakatimiz iqtisodiyotining strategik tarmog'idir.

Adabiyotlar:

1. <https://www.stat.uz>;
2. Mamatqulov X.M. Xalqaro turizm. Ma'ruzalar matni. – Samarqand, 2008;

Azimova S.N., Suyunov D.S. (Jizzax, JDPI)
TOG`LI HUDUDLARNING DEMOGRAFIK TAHLILI
(Zomin tumani misolida)

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda iqtisodiy -ijtimoiy o`zgarishlarga mos ravishda demografik jarayonlar ham o`ziga xoslik bilan rivojlandi. Tog`li hudud hisoblanadigan, hamda o`zining betakror tabiati bilan boshqa tumanlardan ajralib turadigan Jizzax viloyatining Zomin tumanida aholi sonining o`shishi, hududiy joylashuvi, tug`ilish va o`lim ko`rsatkichlari, yosh va jins tarkibi kabi ko`rsatkichlar o`ziga xosligi bilan boshqa tumanlardan alohida ajralib turadi. Tahlillardan ma`lum bo`lishicha mustaqillik yillarida Zomin tumanining aholisi dinamikasi o`sib borishi bilan karakterlanadi. Masalan: aholi soni 1991-yilda 82431 kishini tashkil etgan bo`lsa, 1995-yilga kelib 91114 kishini tashkil etgan. 2000-yilda esa bu ko`rsatkich 99692 kishiga yetgan. Tumanda aholi soni yiliga o`rtacha 2177 kishidan ortib borgan. Har 5 yilda esa 2015-yilgacha o`rta hisobda 16500 kishidan ko`payib borgan. Yillar davomida eng yuqori ko`rsatkich kuzatilib, 2010-yilda aholi 2009-yilga nisbatan 35600 kishiga oshganligini ko`rish mumkin. Bunday o`zgarishni esa tabiiy ko`payishning ortganligi, o`lim ko`rsatkichlarining kamayganligi, hamda tumanga doimiy yashash uchun ko`chib keluvchilar soni ko`payganligi bilan izohlash mumkin. Yillar davomida aholi soni o`shishining nisbatan susayganligi aholi sonining o`zgarishini qanday omillarga bog`liq holda ro`y berganligini tahlil qilishga zarurat uyg`otadi.

1-jadval **Zomin tumani shahar va qishloq aholi soni**

№		1991	1995	2000	2005	2010	2015	2017
1	Mavjud aholi soni	82431	91114	99692	105684	141300	164938	154638
2	Shahar aholisi	23834	28431	30112	31735	47788	71171	94485
		28.9	31.2	30.2	30.0	33.8	43.1	61.1
3	Qishloq aholisi	58597	62683	69580	73949	93512	93767	60153
		71.0	68.8	69.8	69.9	66.2	56.8	

Izoh: Kasr suratida mutloq miqdor, mahrajida nisbiy miqdor. Manba: Zomin tuman statistika bo`limi ma`lumotlari

Jadvaldan ko`rinib turibdiki yillar davomida aholi soni ortib borgan. Qishloq aholisining ko`pligini tumanda 12 ta qishloqlar borligi va bu qishloqlarda tuman aholisining asosiy qismi yashashi bilan izohlash mumkin. 1991-yilda qishloq aholisi 71%ni tashkil etib, yillar davomida bu ko`rsatkich pasayib borgan. Shahar aholisi soni esa nisbatan ortib borgan. 2015-yilga kelib shahar aholisi 43.1% ni tashkil etib, 2010-yilgiga nisbatan 9.3% ga ortgan. Bu ko`rsatkichlar esa qishloq aholisining shaharlarga ko`chib kelishi hisobiga shahar aholisi soni ortganligini ko`rsatadi. 2017-yilga kelib Zomin tumani maydoni qisqarib, aholi soni 154638 kishini tashkil etdi. 2017-yilda aholi 2016-yildagiga nisbatan 13636 kishiga kamaygan. Qishloq aholisi esa 38.9%ni shahar aholisi esa 61.1%ni tashkil etdi. Bu o`zgarishlarni Zomin tumaniga shahar maqomi berilib tuman hududi turistik maskanga aylantirilishi va asosan paxta, bug`doy

ekinlarini yetkazib beruvchi qishloqlar esa Zarbdor tumani tarkibiga kiritilishi bilan izohlash mumkin. Aholi sonining ko'payib borish omillaridan biri tabiiy ko'payishdir.

Zomin tuman aholisining tabiiy o'sishi 2-jadval

№		2010	2011	2012	2013	2014	2015
1	Tug'ilganlar soni	3226	2958	2836	3682	3948	4236
2	O'lganlar soni	563	540	600	691	740	705
3	Tabiiy ko'payish	2663	2418	2236	2991	3208	3531

Manba: Zomin tuman statistika bo'limi ma'lumotlari.

Mustaqillik yillarida tabiiy ko'payish ortib bordi. Bundan ko'rinib turibdiki aholi soning ortishi o'lim ko'rsatkichlarining qisqarganligi hisobiga yuz berdi. Mustaqillikdan oldingi yillarda esa o'lim ko'rsatkichlari yuqori bo'lgan. Aholi sonining ortib borishida tabiiy ko'payishning yuqoriligi muhim omillardan ekanligining yorqin ifodasini yuqoridagi jadvaldan ko'rish mumkin. Tabiiy ko'payishga sabab aholi turmush tarzining yaxshilanib borayotganligi, tibbiy xizmat ko'rsatish sifati oshib borayotganligida ko'rish mumkin. So'nggi yillardagi tuman aholisi tarkibidagi jinsiy farq ham o'ziga xos jixatga ega. Aholining jinsiy tarkibidagi farq nisbatan xotin-qizlar sonining ortiqiligini ko'rsatadi.

Zomin tumani aholisining jinsiy tarkibi 3-jadval

		2010	2011	2012	2013	2014	2015
1	Erkaklar	59176	80024	75025	76940	78349	82391
		48	52.1	48.7	48.4	48.5	49.9
2	Xotin-qizlar	73476	73476	79029	81760	83264	82547
		52	47.9	51.3	51.5	51.5	50.0
3	Jami:	141300	153500	154054	158700	161613	164938

Izoh: Kasr suratida mutloq miqdor, mahrajida nisbiy miqdor. Manba: Zomin tuman statistika bo'limi ma'lumotlari

Aholi tarkibida xotin-qizlar ko'pligiga sabab go'daklar o'limida o'g'il bolalar soni ortiqiligi hamda, tug'ilayotgan go'daklar ichida qiz bolalarning ko'pligi, hamda tumandan ko'chib ketuvchilar asosan erkaklar ekanligi bilan ifodalash mumkin. Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki tuman aholisi muntazam ko'payib bormoqda. Bu esa xizmat ko'rsatish sohalari hamda ta'lim tizimini yanada rivojlantirish, hamda yangi ish o'rinlari yaratish kabi dolzarb masalalarni hal etish choralarini ko'rishni talab etadi.

Adabiyotlar:

1. Zomin tumani statistika bo'limi ma'lumotlari.
2. Soliyev A. O'zbekiston geografiyasi. Toshkent. "Universitet" 2014. 404b

URGUT TUMANINING RIVOJLANISHIDAGI HUDUDIY GEOGRAFIK JIHATLAR

Mamlakatimizning ma'muriy tarkibini tashkil etgan viloyatlar turli tabiiy, iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish imkoniyatlari va darajalariga ega bo'lganidek, har bir viloyat ma'muriy tarkibiga kiruvchi tumanlarning ham tabiiy geoeklogik sharoiti, agroiqlimiy resurslari va iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanish imkoniyatlar, bu imkoniyatlardan foydalanish xususiyatlariga ko'ra rivojlanish darajalari ham turlichadir. Har bir tuman o'z xususiyatlariga ko'ra viloyatda alohida o'ringa ega bo'ladi.

Samarqand viloyatining ma'muriy tarkibi 14 ta qishloq tumandan iborat, bu tumanlar ning ko'pchiligi tekislik (voha)lar mintaqasi va tog' oldi, tog'lik mintaqa tumanlariga bo'linadi. Ayni tafovut viloyatning iqtisodiy ixtisoslashuvi, xo'jalik tizimining hududiy tashkil topishi va ijtimoiy rivojlanishida o'z aksini topgan. Samarqand viloyatining tumanlarining tarixi, ularning xo'jalik tizimining shakllanishi ham tabiiy geoekologik sharoitlariga ko'ra ajratiladi. Samarqand viloyatida tarixiy, hududiy va ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan alohida o'rin egallagan Urgut tumani viloyatning janubi-sharqiy qismida joylashgan. 1926 yil 29 sentyabrda tashkil etilgan. Maydoni 1,12 ming km². Aholisi 427,2 ming kishi (2017), asosan, o'zbeklar, shuningdek, tojik, rus, arman, tatar, uyg'ur va boshqa millat vakillari ham yashaydi. Aholi soni bo'yicha Urgut tumani viloyatda yetakchilik qiladadi, uning aholisi Kattako'rg'on tumanining viloyatga bo'ysunuvchi shu nomli shahar bilan qo'shib hisoblaganda ham ko'prok hisoblanadi.

1 - jadval

Urgut tumanida aholining tabiiy ko'payish ko'rsatkichlari

Yillar	Tug'ilish‰	O'lim‰	Tabiiy ko'payish‰
1979	42,7	8,6	34,1
1989	40,2	6,5	33,7
1998	37,8	5,9	31,9
2000	28,1	5,2	22,9
2004	22,9	5,2	17,7
2005	23,2	4,4	18,8
2007	22,6	4,8	17,8
2008	22,7	4,9	17,8
2010	24,5	5,0	19,5
2014	23,7	4,7	19,0

Jadval Urgut tuman hokimligi ma'lumotlari asosida tuzildi

Urgut tumanida yirik qishloqlar ko'p. Yangi shaharchalar orasida bunday demografik salohiyatga ega bo'lganlari: Urgut tumanida - Uramas (29,2 ming), G'us (28,9 ming), Jartepa (18,4 ming), Ispanza (20,9 ming) O'rtacha zichligi 1 km² ga 310,9 kishi (2015). Tumanda 1 shahar (Urgut), 12 qishloq fuqarolari yig'ini bor. Markazi — Urgut shahri.

Urgut tumani hududi Zarafshon tog' tizmalarining davomi bo'lgan Chaqilikalon va Qoratepa tog'larining yon bag'irlarida, o'rtacha 1000 metr balandlikda joylashgan. Sharqiy, janubiy va g'arbiy qismlari past - baland tekislik bo'lib, bir qancha soyliklar bor. Tog' yon bag'irlari slanes va ohaktosh qoyalaridan iborat, daryo vodiylari tor, chuqur, qirg'oqlari tik. Adirlar g'ovak va bo'sh cho'kindi jinslardan tashkil topgan. Adirlardagi soylarning vodiylari keng. Ohaktosh jinslaridan tuzilgan joylarda - g'orlar (Kiyev g'ori va b.) bor. Chaqilikalon va Qoratepa tog'lari orasidagi Taxtaqoracha dovoni (1675 m.) orqali Katta O'zbekiston trakti o'tadi. Urgut kuchli seysmik hududlardan biri bo'lib, 7 balli zonaga kiradi. Omonqo'ton yaqinida va

Chaqilikalonda marmar, ohaktosh, marganes, mis, volfram va boshqa foydali qazilmalar bor. Iqlimi keskin kontinental. Yanvarning o'rtacha temperaturasi — 1,5°, eng past temperatura — 25°, iyulning o'rtacha temperaturasi 24,4°, eng yuqori temperatura 49°. Yillik yog'in 459—500 mm. Yog'inning ko'p qismi qishda (34%) va bahorda (48%) tushadi. Oqqo'rg'on, G'ijduvonsoy, G'ussoy, Urgutsoy, Kamongaronsoy, Qoratepasoy, shuningdek, Darg'om, Yangiariq, Yangi Urgut, Yangi Qozonariq va boshqa kanallar bor. Tuproqlari, asosan, bo'z tuproq. Qum, shag'al, qo'ng'ir, kashtan tuproqlar ham uchraydi.

Urgut tumani viloyatdagi maydoni, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash, qurilish va mahalliy sanoat tarmoqlari rivojlangan hududlardan biri. Urgut tumanining Samarqand viloyat tog'li tumanlar ichida alohida o'rnini quyidagi mezonlar belgilab byeradi:

- ▶ Tuman aholi soni jihatdan myehnat resurslarini yyetkazib byerishda ahamiyatga egadir;
- ▶ Tuman hududidan respublika ahamiyatiga ega Taxtaqoracha dovoni orqali Katta O'zbek trakti o'tadi. Bu yo'l viloyatning ham iqtisodiy geografik o'rnini belgilashda katta ahamiyatga egadir;
- ▶ Tuman tabiiy sharoiti va agroiqlimiy resurslari dyehqonchilik va chorvachilikdan tashqari sanoat tamoqlarini rivojlantirish mumkin bo'lgan hudud;
- ▶ Tumandagi aholi punktlari mavjud imkoniyatlardan to'liq foydalanish orqali rivojlanishi mumkin;
- ▶ Tuman ulkan rekreatsion resurslarga ega va ular orqali nomoddiy ishlab chiqarish sohasini shakllantirish mumkin.

Tumandagi 800 dan ziyod korxonaning 52 tasi o'rta, 261 tasi kichik, 506 tasi mikrofirmalar. Marmarni qayta ishlash, g'isht, shlak - beton plitalar ishlab chiqariladi, tamaki fermentatsiyasi, meva, go'sht, sutni qayta ishlash, non pishirish, qandolatchilik, har xil yaxna ichimliklar ishlab chiqaruvchi korxonalari bor. Avtomobil, muzlatkich, televizor va radioappaturalarni ta'mirlash korxonalari ishlab turibdi. Urgut tumanida hunarmandchilik qadimdan rivojlangan.

Akademik V.V.Bartold "Mo'g'ullar bosqini davrida Turkiston" kitobida Samarqandda o'n ikki bo'lis bo'lib, ulardan biri Sanjarfig'on ekanligini, u Samarqandning sharqi-janub tomonida joylashganligini yozadi. Bo'lis hokimligining qal'asi bo'lgan Zanjirbog' xarobasi hozirgi Jo'raptepa qishlog'ining yonida joylashgandir. Bu hokimlikning qo'rg'oniga tog'dagi chashmalardan maxsus yer osti sopol quvurlar orqali suv keltirilgan.

Temuriylardan Zahiriddin Bobur ham bir necha marta Urgutda bo'lgan edi. U toj-taxt uchun kurashib, Shayboniyxon bilan yovlashib yurgan kezlarda Urgut qo'rg'oniga kelganini "Boburnoma"da yozib qoldirgan. Bu qo'rg'onning qoldiqlari hozirgacha saqlangan bo'lib, endilikda uning o'rnida Urgut shahri shifoxonasi joylashgan. Mahalliy aholi haligacha bu yerni qo'rg'on shifoxonasi deb ataydi.

Sanoat mintaqada tarkib toptirish ahamiyatiga ko'ra, xo'jalikning har qanday tarmog'idan ustun turadi. U ichki va mintaqalararo savdo - iqtisodiy aloqalarning murakkab tizimini shakllantirib, hududiy ishlab chiqarish komplekslari ko'pchiligining asosini tashkil qiladi

Urgut tamaki fabrikasi tamaki sanoati korxonasi, quritilgan tamaki barglarini fermentatsiyalaydi. 1978 yilda qurilgan. 1994 yildan "O'zBAT aksiyadorlik jamiyati" O'zbekiston - Buyuk Britaniya qo'shma korxonasi tarkibida. 1994 - 2003 yillarda fabrika rekonstruksiyasi uchun 25 mln AQSh dollari investitsiya qilindi. Bir yilda 15 000 tonna tamaki bargini qayta ishlash quvvatiga ega. Fabrikada eng zamonaviy texnologiyalar o'rnatilgan. Samarqand sigaret fabrikasiga xom ashyo yetqazib beradi..

2 - jadval

**Urgut tumanining asosiy ijtimoiy - iqtisodiy ko'rsatkichlari
(2016 yil 1 yanvar holatiga)**

№	Nomi	O'lchov birligi	miqdori	O'tgan yilga nisbatan o'sish surati, % da
1	Sanoat mahsulotlari	Mlrd. so'm.	137,1	123,8

2	Xalq istemol mollari ishlab chiqarish	Mrd. so'm.	91,9	115,8
3	Qishloq xo'jalik mahsulotlari	Mrd. so'm.	258,3	108,3

Jadval Urgut tuman hokimligi ma'lumotlari asosida tuzildi

Yuqoridagi jadvaldan ham ko'rinib turibdiki, tumanda sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish ham, xalq iste'mol mollari ishlab chiqarish ham, qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirish ham 2015 yilda 2016 yilga nisbatan o'sgan. Bu ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, tuman nafaqat viloyat balki, respublika miqyosida ham iqtisodiy rivojlanish darajasi yuqori bo'lgan mintaqalardan hisoblanadi. Urgut tumanining Samarqand viloyat tog'li tumanlar ichida alohida o'rnini quyidagi mezonlar belgilab beradi:

- ▶ Tuman aholi soni jihatdan mehnat resurslarini yetkazib berishda ahamiyatga egadir;
- ▶ Tuman hududidan respublika ahamiyatiga ega Taxtaqoracha dovoni orqali Katta O'zbek trakti o'tadi. Bu yo'l viloyatning ham iqtisodiy geografik o'rnini belgilashda katta ahamiyatga egadir;
- ▶ Tuman tabiiy sharoiti va agroiqlimiy resurslari dyehqonchilik va chorvachilikdan tashqari sanoat tamoqlarini rivojlantirish mumkin bo'lgan hudud;
- ▶ Tumandagi aholi punktlari mavjud imkoniyatlardan to'liq foydalanish orqali rivojlanishi mumkin;
- ▶ Tuman ulkan rekreatsion resurslarga ega va ular orqali nomoddiy ishlab chiqarish sohasini shakllantirish mumkin.

Aholi turmush farovonligi darajasi sanoat va qishloq xo'jalik mahsuloti hajmi bilangina emas, balki ijtimoiy sohani rivojlantirish ahvoli, darajasi, asosan byudjetning tibbiyotni, uy - joy qurilishini rivojlantirish hamda xizmat ko'rsatishni tashkil qilish nazarda tutilgan qismi bilan ham bog'liq. Binobarin, iqtisodiyotni inson tomonga, beistisno bir oilaning kundalik zaruriyati va hayotiy ehtiyojlari, aholining individual talablari tomonga yo'naltirish ishlarimizning o'zagi bo'lib qolmoqda. Sanoat mintaqada tarkib toptirish ahamiyatiga ko'ra, xo'jalikning har qanday tarmog'idan ustun turadi. U ichki va mintaqalararo savdo - iqtisodiy aloqalarning murakkab tizimini shakllantirib, hududiy ishlab chiqarish komplekslari ko'pchiligining asosini tashkil qiladi. Tumanning ekologik sharoiti va agroiqlimiy resurslarining umumiy sharoiti yaxshiligini nazarda tutib va mehnat resurslari bilan ta'minlanganligini hisobga olgan holda tumanni iqtisodiy va ijtimoiy rivojlantirishda quyidagilarni muhim ahamiyatga ega dyeb ko'rsatish mumkin:

- Tuman qishloq xo'jaligida mahsulotlar turini ko'paytirish;
- Tuman sanoatini asosan qishloq xo'jalik mahsulotlarini qayta ishlashga ixtisoslashtirish;
- Magistral avtomobil yo'lining o'tganligini hisobga olib, transportga va yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish sohasini takomillashtirish;
- Tuman rekreatsion resurslarining boy imkoniyatlaridan foydalanishni yo'lga qo'yish va turizm sohasini rivojlantirish;

Tuman aholi punktlarini xizmat ko'rsatish sohalari, rekreatsion va turistik sohalarga mos ravishda shakllantirish va aholini yangi faoliyat sohaslariga o'rgatish. Tumanning iqtisodiy imkoniyatlari yuzaga chiqarishda tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni tashkil qilish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar:

7. Soliev A. S. tahriri ostida. Qishloq joylar demografiyasi – T., 2005.
8. Soliev A. S. Nazarov M. “O'zbekiston qishloqlari” T., 2010 y.
9. Soliev A. S. Nazarov M. Qurbonov SH. “O'zbekiston hududlarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi ” T., 2011 y.
10. Internet saytlar: <http://geo.1september.ru>

Haydarova S., Sattorova Sh., Norbo'tayeva R. (Jizzax, JDPI)

**JIZZAX VILOYATI CHO'L TUMANLARIDA AHOLI MEXANIK HARAKATINING
HUDUDY JIHATLARI**

Aholining demografik rivojlanishi, miqdor jihatidan o'zgarishi, hududiy joylashuvi va zichlik xususiyatlari hududiy iqtisodiy taraqqiyotga bevosita ta'sir etuvchi omillardir. Demografik jarayonlar ya'ni, tug'ilish, o'lim, nikohga kirish va ajralish shuningdek hududga ko'chib kelishi va ketishi doimiylik xarakteriga ega bo'lib ishlab chiqarish va iste'mol jarayonlarining o'zgaruvchanligiga sabab bo'ladi.

Jizzax viloyatining aholi joylashuvi o'ziga xos geografik xususiyatga ega. Bu asosan, aholining ah'anaviy yashash hududlari ya'ni tog' va tog' oldi hududlari hamda XX asr ikkinchi yarmida o'zlashtirish natijasida aholi yashash hududlariga aylantirilgan hududlar. Bunday hududlarda aholi joylashuvi ishlab chiqarishning rivojlanishi omiliga asosan amalga oshirilgan va qishloq xo'jaligida asosan paxtachilik tumanlari sifatida shakllantirilgan. Cho'l tumanlarida aholi punktlari reja asosida ma'lum masofaviy tizimga muvofiq bunyod etilgan va ular transport yo'llari orqali bog'langan. Sobiq ittifoq davrida ushbu aholi punktlari respublikaning turli joylaridan aholini o'ziga bevosita va bilvosita jalb qilish salohiyatiga ega edi. Bunday salohiyat aholining ko'plab ko'chib kelishi va viloyatda migratsiya saldosining doimiy musbat ko'rsatkichini ta'minlashga xizmat qilgan.

Mustaqillik yillarida cho'l tumanlaridagi aholi punktlari aholini o'ziga jalb qilish qobiliyatini yo'qotgan edi. Aksincha, aholining hududiy joylashuv omillari qonuniyatlariga asosan aholini o'zida ushlab turish salohiyatini ham yo'qota bordi. Xususan, yaqin 2011 yillarda ham Jizzax viloyati ch'ol tumanlaridan aholining ko'chib ketish intensivligi natijasida viloyatda aholi migratsiyasi saldosi doimiy manfiy ko'rsatkichga ega edi. 2011 yil hisobida viloyatning barcha tumanlarida aholi migratsiya saldosi manfiy bo'lib, o'sha yilda viloyatdan 3786 kishi chiqib ketgan. Ch'ol tumanlarida migratsiya saldosining manfiy ko'rsatkichi Mirzacho'l tumaniga tegishli bo'lib, -1035 kishiga yetgan edi. Ayni vaqtda ch'ol tumanlarida migratsiya saldosi manfiyligiga qolganligi barobarida aynan Mirzacho'l va Zarbdor tumanlarida aholi migratsiyasining musbat ko'rsatkichi ushbu tumanlarning jami ko'rsatkichlaridagi musbat holatni yuzaga keltirgan.

Jizzax viloyati ch'ol tumanlarida aholi migratsiyasi nisbatlari

№	Tuman, shahar	O'rtacha aholi soni. Ming kishi		Ko'chib kelganlar soni. kishi		Ko'chib ketganlar soni. kishi		Migratsiya saldosi. kishi	
		2011	2017	2011	2017	2011	2017	2011	2017
1	Arnasoy	38,9	43,0	396	427	704	564	-308	-137
2	Do'stlik	54,5	61,1	584	485	710	601	-126	-116
3	Zarbdor	53,3	63,5	343	690	452	564	-109	126
4	Zafarobod	42	47,1	241	350	779	469	-538	-119
5	Mirzacho'l	41,7	46,4	972	799	2007	483	-1035	316
6	Paxtakor	62	69,2	283	521	574	565	-291	-44
	Ch'ol tumanlari bo'yicha jami	292,4	330,3	2819	3272	5226	3246	-2407	326

Jizzax viloyat statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan tuzildi.

Ko'rinib turibdiki ch'ol tumanlarida migratsiya jarayoni davriy o'zgaruvchan va beqarordir. Umumiy holatda ko'pchilik tumanlarda manfiy saldoning saqlanib turishi barqaror jarayonga aylanishi va ushbu hududlarda aholi rivojlanishi bilan birga iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishga birmuncha salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin:

- ✓ Hududlar aholisining miqdoriy kamayishi;
- ✓ Demografik jarayonlarning umumiy sustlashuvi;
- ✓ Hududda mehnat resurslarining kamayishi;

- ✓ Ishlab chiqarish sohalorida ishchi kuchining yetishmasligi va ba'zi sohalarning butunlay faoliyatdan to'xtashi;
- ✓ Demografik jarayonlarning sustlashuvi natijasida xizmat ko'rsatish sohalorida samaradorlikning pasayishi.

Bu holatlar hududlarning umumiy iqtisodiy ijtimoiy taraqqiyotini muvofiq rivojlantirishda har tomonlama muammoli vaziyatlarni keltirib chiqaradi. Binobarin viloyat tumanlaridagi aholining mexanik harakatini yahlil qilish va uning ko'lamiga baho berish dolzarb masaladir. Ayni vaqtda viloyat tumanlarining iqtisodiy salohiyatidan foydalanish uchun samarali usullari qo'llanmoqda, xususan tumanlar aholi punktlarining shahrchalarga aylantirilishi va sanoat korxonalarining bunyod etilishi borasidagi ishlar bunga misol bo'la oladi. Ayni kunlarda Do'stlik tumanidagi Manas QFY ning shahrcha ko'rinishiga keltirilishi uchun qilinayotgan ishlar va shu kabi tadbirlar viloyat cho'l tumanlaridagi aholi punktlarining aholini o'ziga jalb qilish qobiliyatini tiklash va rivojlantirishga katta turtki bo'lishi mumkin.

Adabiyotlar:

1. Soliyev A. O'zbekiston geografiyasi.-T.: Universitet, 2014.
2. Hakimov Q., Adilova O. Jizzax viloyati geografiyasi. – Jizzax, 2015.
3. Jizzax viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari.

Qayumova Z.M., (Samarqand shahar 42-sonli maktabi o'qituvchisi).

Xudoyberdiyev SH., Toshboyev I. (Jizzax,JDPI)

ARABISTON YARIM OROLIDA JOYLASHGAN MAMLAKATLARNING QISHLOQ XO`JALIGIGA TAVSIF

Janubiy-g'arbiy Osiyo subregioni Arabiston yarim oroli mamlakatlari hududida qishloq xo'jaligi o'ziga xos karakteriga ega. Bu mamlakatlarida qishloq xo'jaligining chorvachilik bo'limi dehqonchilikka nisbatan ancha taraqqiy etgan. Saudiya Arabistoni, Birlashgan Arab Amirliklari, Yaman, Ummon, mamlakatlarida asosan qo'ychilik rivojlangan soha xisoblanadi.

Saudiya Arabistonida 18 mln dan ortiq, Yaman mamlakatida 6 mln ortiq qo'ylar boqiladi. Quvayt, Qatar, mamlakatlarida yirik shohli qoromolchilik ustunlik qiladi. Umuman keyingi yillarda bu hudud mamlakatlarida chorvachilikning ekstensiv turiga nisbatan, intensiv turi jadallik bilan rivojlanmoqda. Ya'ni zotdor mollar soni ko'payib bormoqda. Parrandachilik ham tez rivojlantirilmoqda (BAA Qatar, Quvayt).

Arabiston yarim oroli mamlakatlarida dehqonchilik ham o'z navbatida reja asosida rivojlantirilmoqda. Bu hududda dehqonchilikning bug'doy, tariq, dukkakli ekinlar, paxta, kofe, xurmo va sitrus mevaligiligi, sabzavotchilik, polizchilik yildan-yilga hosildorlikni oshirish uchun turli hil ishlar amalga oshirilmoqda.

Arabiston yarim orolida joylashgan mamlakatlarining qishloq xo'jaligi rivojlanishini har bir mamlakat misolida ko'rib chiqadigan bo'lsak;

Saudiya Arabistoni mamlakatining qishloq xo'jaligi juda tez rivojlanmoqda, qishloq xo'jaligi mamlakat yalpi Milliy maxsuloti daromadining 10% ni beradi. Asosiy qishloq xo'jalik ekinlari, bug'doy, arpa, sitrus, xurmo. Mamlakat xurmo yetishtirish bo'yicha jahonda ikkinchi o'rinda turadi. Islom dinida xurmo jannat mevasi deb ataladi. Mamlakatning qirg'oq bo'ylarida sug'orib dehqonchilik qilinadigan xududlarda paxta ham yetishtiriladi. Islom dinida xalqumi halol deb yurituvchi baliqchilik (omar, qisqichbaqa) ham keyingi yillarda jadal rivojlantirilmoqda. Qishloq xo'jaligi baliqchilikdan tashqari dur va qora korall yig'ish ishlari olib boriladi.

BAA lari umum hududining 18 % i qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlar, qolgan 9% kam foydalaniladigan va foydalanilmaydigan yerlardir. Mamlakat qishloq xo'jaligida mehnatga layoqatli aholining 5 % band bo'lib bu mamlakat dehqonchiligida asosan xurmo, sabzavotlar, ko'plab tarvuz, sitrus mevalari yetishtiriladi. Ammo mamlakatda oziq-ovqat maxsulotlari aholi ehtiyojining atiga 25 % nit a'minlaydi, qolgan 75 % oziq ovqat chetdan import bo'ladi. Hattoki bu mamlakatda toza ichimlik suvining 60-70 % chetdan keltiriladi.

Ummon sultonligi mamlakati qishloq xo'jaligida mehnatga yoroqli aholining 60% band. Ummon sultonligi hududining 78 % qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlar hisoblanadi. Mamlakatda dehqonchilikning barcha turi yaxshi yo'lga qo'yilgan. Asosiy ekinlari xurmo va banan bo'lib, buning 70 % eksport qilinadi. Mamlakatda baliqchilik va chorvachilik yaxshi rivojlantirilgan. Har yili 100.000 t ga yaqin baliq ovlanadi va uning 78 % i eksport qilinadi.

Yaman iqtisodiyotining asosiy tarmoqlari – yer xo'jaligi, paxtachilik, qaxva va mevachilik. Mamlakatida qishloq xo'jalik ishlab chiqarishni yaxshilash, erkin iqtisodiy hududlar yaratish siyosati avj oldirilgan. Qishloq xo'jaligi Ya.M.M ning 25 % ni ta'minlaydi. Mamlakatda xurmo kofe, kungaboqar, bug'doy, arpa tariq, sabzavotchilik va bog'dorchilik yaxshi rivojlantirilmoqda. Ko'plab dehqonchilik mahsulotlarini export qilish bilan birga aholi ehtiyojiga loyiq oziq ovqatning 70 % ni chetdan keltirishga majbur. Qoramolchilik va baliqchilik katta ahamiyatga ega. Azaliy iqtisodiyot tarmog'iga, oziq-ovqatni va mamlakatga valyuta tushumlarining asosini tashkil etuvchi baliqchilik hisoblanadi. Shuningdek Qizil dengizda dur yig'ish va qayta ishlash bilan shug'ullanadi.

Qatar davlati hududi asosan tekislik bo'lishiga qaramay bu mamlakatda dehqonchilik uchun foydalaniladigan yerlar kam hisoblanadi, ya'ni jami maydonining 11 % da dehqonchilik qilinadi. Bu mamlakat dehqonchiligida xumo, banan, bog'dorchilik yetakchi sohalar hisoblanadi. Qatar mamlakati ham aholi ehtiyojiga loyiq oziq-ovqat mahsulotlarining 66 % ni chetdan iport qiladi. Qatar mamlakatida dehqonchilikka nisbatan intensiv chorvachilik va baliqchilik rivojlangan sohadir.

Quvayt mamlakatida haydaladigan yerlar deyarli yo'q bo'lganligi uchun qishloq xo'jaligining rivojlanishi juda sustdir. Mamlakat asosan neftni sotish bilan shug'ullanligi uchun barcha oziq-ovqat mahsulotlarini, hattoki toza ichimlik suvini ham to'liq chetdan keltiradi ya'ni import qiladi.

Ko'rinib turibdiki, Arabiston yarim orol mamlakatlari ichidan Quvayt davlatida barcha oziq-ovqat mahsulotlarini va toza ichimlik suvini to'liq chetdan olib keladigan mamlakat hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Dunyo mamlakatlari. Ensiklopediya. –T.: “Davr nashriyoti” 2013.
2. Qayumov A. Sierov I. Tillboeva M. Jaxon mamlakatlari iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi. 2006 yil.

G'apparov A. N., Hakimov B., Asqarov T.A. (Jizzax, JDPI) XALQARO MEHNAT MIGRATSIYASI RIVOJLANISHINING IJTIMOY GEOGRAFIK JIHATLARI

Dunyoda migratsiya muammolari kishilik jamiyati shakllangandan beri mavjud va o'tmishda migratsiyani vujudga keltirgan omillar ayni kunlarda ham saqlanib turibdi, hatto ularning dolzarbligi yanada ortgan, chunki hozirgi zamon texnologiyalarining taraqqiyoti axborot va aloqa bilan bog'liq muammolarni hal etadi. Davlatlar o'rtasidagi demografik va iqtisodiy tafovutlar chuqurlashuvi, odamlarning chegaralardan o'tishi ko'rinishidagi “tabiiy reaksiya”ni vujudga keltirdi.

Hozirgi zamonda migratsiya muammolari milliy va xalqaro darajada olib boriladigan davlat siyosati muhokmalarida markaziy o'rin tutadi. Migratsiya muammolari ijtimoiy rivojlanish masalasi bo'yicha 1995 yil Kopengagenda o'tkazilgan oily darajadagi Butunjahon uchrashuvlarida, Ayollar muammosi bo'yicha Pekinda 1995 yilda o'tkazilgan Butunjahon 4-konferensiyasida, BMTning aholi punktlari bo'yicha Istambuda bo'lib o'tgan 2-konferensiyasida va shuningdek, 2001 yili Durbanda o'tkazilgan irqchilik, irqiy kamsitish, ksenofobiya va kelishmovchilikning boshqa ko'rinishlariga qarshi kurashga bag'ishlangan Butunjahon konferensiyasida ko'rib chiqilgan. 1998 yili Gaagada aholi va rivojlanish bo'yicha bo'lib o'tgan Xalqaro konferensiya qarorlarini amalga tatbiq etish doirasida migratsiya va rivojlanish masalalari bo'yicha Texnik Simpoziumbo'lib o'tdi, keyinchalik BMT iqtisodiy va ijtimoiy

komissiyalari tomonidan bunday texnik muzokaralar mintaqaviy darajada Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasi uchun tashkil qilindi.

Xalqaro migrantlarning ko'payish jadalligi rivojlangan davlatlarda 2005 yuligacha ravojlanayotgan davlatlardan ko'ra ortiq edi. Undan keyingi yillarda nisbat o'zgardi. Ravojlanayotgan davlatlardan chiqayotgan migrantlar sonining o'sish jadalligi (qochoqlarni hisobga qo'shganda) ravojlangan davlatlardan chiqadigan migrantlar sonidan ortib ketdi. Bu o'sish yiliga umumiy miqdorga nisbatan 2% ga yetdi. Agar qochoqlar hisobdan chiqarilsa bu ko'rsatkich 1,6% ni tashkil etadi. Ayni vaqtda qochoqlar soni juda tez ko'paymoqda. 2016 yil hisobida Yer yuzidagi qochoqlar soni 64 mln kishidan oshgan. Ularning ichida xalqaro qochoqlik maqomidagilar 42 mln kishidan ortiq, qolganlari mamlakat ichida va qochoqlik maqomiga o'tish arafasidagi kishilardir. Qochoqlar sonining o'sishi yiliga 300 000 kishiga yetgan.

Mehnat migratsiyasining turli mamlakatlarda qaysi tipga kiritilishidan qat'iy nazar, ularning asosiy mohiyati ishchi kuchi yetishmasligi muammosini hal etishdir. Binobarin har qanday migratsion tizimlarni qiyosiy tahlil qilishning tayanch nuqtasi ishchi kuchi yetishmasligining belgilanishi, baholanishi va prognoz qilinishini aniqlashdan iborat bo'lishi zarur, chunki, bu kuchlarning yetishmasligining ko'lami, ahamiyati va davomiyligi hukumatning mehnat migratsiyasini qabul qilishga undaydi.

Migratsiya jarayonini harakatlantiruvchi kuchlar rang-barang va murakkab xarakterga ega. Migratsion jarayonlarning eng muhim sabablari qatoriga hayot darajasidagi notenglik, urbanizatsiyaning o'sish ko'lami, fuqarolikmojarolari va inson huquqlarining buzilishi, shuningdek, oldin ketgan migrantlar tomonidan migratsion tizimlarning shakllantirilishi kabi sabablar kiritilishi mumkin. Ravojlanayotgan davlatlardan chiqqan migrantlar har qanday turdagi ish o'rinlarini egallashlariga qaramasdan, ular odatda bandlik shkalasining eng quyi pog'onasida to'planadilar, bu shkalaning yuqori uchida yuqori malakali mutaxassislar turadi. Bunday mutaxassislar boshqa mamlakatlarga yuqoriroq ish haqi va yaxshi imkoniyat izlab boradilar. Bu migrant-mutaxassislarning ko'pchiligi, ya'ni $\frac{1}{3}$ qismi, bir boy mamlakatdan ikkinchisiga, ayniqsa Atlantika okeani ortiga, Osiyodagi yangi industrial rivojlangan davlatlarga ko'chib o'tadilar, shuningdek ayni kunlarda Markaziy va Sharqiy Yevropa, Janubiy Amerika davlatlari o'rtasida ham shunday harakat amalga oshmoqda. Yuqori malakali migrantlarning pst rivojlangan davlatlarga ko'chishi xorijiy investisiyalarning xalqaro harakati bilan bog'liq ravishda yuzaga keladi.

Ko'plab davlatlar boshqa mamlakatlardan keladigan mutaxassislarga ijobiy qaraydilar. Masalan, Avstraliya va Kanada ravojlanayotgan davlatlardan keladigan mutaxassislarning immigratlar sifatida mamlakatga kirishlarini yengillashtiradigan punktlar tizimini ishlab chiqqanlar.

AQSHda ham mamlakatga chaqirilgan mutaxassislarning hududga kirishi uchun vaqtinchalik viza olishlarini yengillashtiradigan choralar qo'llanilgan.

Xalqaro migratsiyada ayollar ulushi 1960 yilda 47% ni tashkil qilgan bolsa, 2015 yilga kelib 49% ga yetdi. Bu ayniqsa rivojlangan avlatlarda oilalarni birlashtirish tamoyilining ahamiyati ortganligini bildiradi. Shu bilan birga endilikda ayollarning ko'pchiligi asosiy oila boquvchisi sifatida mustaqil ravishda migratsiyada qatnashmoqdalar. Bu iqtisodiy va ijtimoiy o'zgarishlar natijasi bo'lib, bu o'zgarishlar qabul qiluvchi rivojlangan davlatlarda aholining qarishi va bu holat sogliqni saqlash sohasida ayol ishchi kuchlariga talabning oshishida ko'rinaodi. Yana boshqa bir sabab farovonlikning ko'tarilishidir. Ravojlanish jadalligi yuqori bo'lgan Chili, Malayziyaya va shularga oxshash ba'zi mamlakatlarda farovonlikning oshishi natijasida xorijlik xizmatkorlarni yollash odat tusiga kirmoqda. Mehnat migratsiyasining feminizatsiyasi (ayollashuvi) Osiyoda aniq naoyon bo'lmoqda, bu hududda yiliga yuzlab ayollar malaka talab qiladigan va qilmaydigan ish izlab emigratsiya qiladilar, ularning ko'pchiligi uy xizmati va ko'ngi ochar sohalarga, shuningdek kam holatlarda tibbiyot hamshiralari va o'qituvchi o'rnini egallaydi. Ayol ishchi kuchining asosiy manbalari bo'lgan mamlakatlar – Indoneziya, Filippin, Shri-Lanka va Tailand hisobalanadi, 2015 yilda Filippindan chiqqan

ayollar, yangi ishga qabul qilingan migrantlarning 61% ini tashkil qilgan. 2014 va 2015 yilda Indoneziyada rasmiylashtirilgan emigrantlarning 78% ini ayollar tashkil qildi. XXI asrning birinchi o'n yilligida Shri – Lankadan chiqqan migrantlar umumiy 858 000 kishiga yetgan bo'lsa, ularning 590 000 nafari ayollar edi, ularning ko'pchiligi Yaqin Sharq mamlakatlariga uy xizmatchisi sifatida ishga joylashdilar.

Xizmatlar savdosi bo'yicha Bosh kengash doirasida migratsiyaning zamonaviy jarayonlarini tartibga solishning yangi mexanizmlari amalga joriy etildi.

Zamonaviy dunyoda migratsiya muammolari demografik tendensiyalar orasida markaziy o'rin tutadi. Yiliga millionlab erkak va ayollar o'zlari va oilalarining xavfsizligi uchun makon izlab vatanlarida chiqib ketadilar. Ularning ko'pchiligi alohida mamlakatlardagi iqtisodiy rivojlanish darajasidagi tafovutlar, ish haqi to'lovidagi milliy ayirmachilikning mavjudligi, rivojlanayotgan davlatlardagi ishsizlikning kuchayishi (keyingi vaqtlarda bu hodisa postsotsialistik davlatlarda ham kuzatiladi), kapitalning xalqaro hrakati va xalqaro korporatsiyalarning faoliyati ta'sirida migratsiya qiladilar.

Ko'pchilik hollarda migratsiya jarayoni qo'shni davlatlar o'rtasida yuz beradi. Ta'kidlash joizki, global axborot tizimining ochiqligi va transport xarajatlarining arzonlashuvi natijasida geografiya endilikda ko'pchilik uchun jiddiy to'siq emas.

Xalqaro migratsiya haqida so'z yuritganda migratsion harakat boshlanadigan va tugaydigan mamlakatlar bo'yicha farqlarni aniq belgilash lozim. Agar mamlakatda o'z fuqarolarini emigratsiga jo'natish va ularning qaytib kelishi bo'yicha maqsadli siyosat olib borilsa, bunday mamlakat jo'natuvchi mamlakat deb ataladi, agar o'z hududida xorijliklarni qabul qilish, ish bilan ta'minlash maqsadini rivojlantirsa, bunday mamlakat qabul qiluvchi mamlakat nomini oladi. Buni O'zbekiston va Koreya Respublikasi yoki Rossiya Federatsiyasi o'rtasidagi munosabatlar misolida ko'rish mumkin.

O'zlarini qabul qiluvchi mamlakatlar toifasiga qo'shuvchi davlatlarda xorijliklarni qabul qilish va ular mehnatidan foydalanish borasida siyosat yurgizish mexanizmi aniq shakllantirilgan bo'ladi. Jo'natuvchi davlatlar ham o'z maqomlariga muvofiq ijtimoiy institutlariga ega bo'ladilar, hamda fuqarolar emigratsiyasi, xorijdagi o'z fuqarolarini himoya qilishga qaratilgan siyosat olib boradilar.

Ba'zi mamlakatlarda har ikkala siyosatning mexanizmlari shakllantirilgan bo'ladi, shunday bo'lsada, ikkala yo'nalishning biri albatta ustivor o'rin tutadi va mamlakatning migratsion siyosatini belgilaydi.

Hozirgi kunda borgan sari ko'proq davlatlar jo'natuvchi, qabul qiluvchi va transit (o'tkazuvchi) sifatida migratsion jarayonlarda qatnashmoqda. Ba'zi mamlakatlar barcha yo'nalishda ish olib boradi. Jo'natuvchi mamlakatlar toifasiga mamlakat hududida ishchi kuchlarining chiqib ketishi va kirib kelishi bir vaqtda ro'y berayotgan migratsion o'tish bosqichidagi, yoki mehnat resurslari chiqib ketishi barqarorlashgan davlatlar, yoki ashkillashtirilgan mehnat migratsiyasiga yaqinda o'tgan davlatlar kiritiladi. Har qanday darajadagi jo'natuvchi davlatlar ba'zi o'xshash muammolarga duch keladilar. Bu muammolar quyidagilardan iborat:

- Mehnat migrantlarining noqonuniy va majburiy ishlatilishi, hamda mehnat migrantlarini jo'nash oldidan, yetib borgandan keyin va joylarda zarur yordam bilan ta'minlash, bandligiga ko'maklashish amaliyoti bilan bog'liq qiyinchiliklar;

- Rivojlangan yangi mehnat bozorlarida tashkillashtirilgan mehnat migratsiyasining afzalligini muvofiqlashtirish va rasmiy kanallar bo'yicha pul jo'natmalari oqimlarini kuchaytirish, shuningdek bu jarayonlarning rivojlanayotgan davlatlarga ta'sirini ko'paytirish muammolari. Bir vaqtning o'zida malakali mehnat resurslari emigratsiyasining salbiy ta'sirini kamaytirish;

- Mehnat migratsiyasi sohasidagi muammolarni hal qilishda institutsional salohiyat va tashkilotlararo harakatni shakllantirish;

▪ Mehnat migrantlarini himoya qilish, mehnat bozorlarini tavsiya qilish va nolegal migratsiyaning oldini olish maqsadida qabul qiluvchi mamlakatlar bilan hamkorlikni kuchaytirish.

Ko'pchilik davlatlar migrantlar manbai sifatida ham, qabul qiluvchi davlat sifatida ham ahamiyatga egadir. Masalan, Kanada an'anaviy tarzda qabul qiluvchi mamlakatdir, shu bilan birga ko'plab malakali mutaxassislarni asosan AQSHga jo'natadi. Ayni holat Osiyoda ham kuzatiladi. Tailand o'ziga Myanma, Kamboja va Laosdan ko'p miqdordagi past malakali migrantlarni qabul qiladi va o'z fuqarolarini Isroil, Yaponiya va Tayvan kabi davlatlarga yuboradi.

Barcha ro'yxatga olingan migrantlarning taxminan yarmi rivojlanayotgan davlatlarning biridan ikkinchisiga ko'chib o'tadilar. Darhaqiqat, mehnat migratsiyalarining salmoqli qismi ish haqida o'zaro katta farq bo'lmagan mamlakatlar o'rtasida kuzatiladi. Masalan migrantlarning salmoqli qismi Gaitidan Dominikan Respublikasiga, Burkina Fasodan Kot d – Ivuarga, Misrdan Iordaniyaga, Indoneziyadan Malayziyaga, Argentinaga qo'shni mamlakatlardan kirib keladilar. 2 mln dan ortiq Osiyolik ishchilar qisqa muddatli shartnoma asosidagi ishni izlab o'z qit'asidagi yoki dunyoning boshqa mintaqadasidagi mamlakatlarga o'tadi.

Rivojlanayotgan davlatlar ishchilarining rivojlangan davlatlarga migratsiyasi XX asrning so'nggi o'n yulliklari davomida muntazam o'sib bordi, lekin 1998 yilda migrantlar sanoati rivojlangan davlatlar ishchi kuchining umumiy salmog'ida 4,2% dan ortiq emas edi. Bu salmoqning o'sishi ko'proq AQSHga to'g'ri keladi (rivojlanayotgan davlatlardan keladigan migrantlarning 81% i). Ayni holda Kanada va Avstraliya hissasiga 11% to'g'ri kelgan. Yevropa Ittifoqi hududida migrantlar Fransiya, Germaniya, Italiya va Buyuk Britaniyaga yo'nalgan keying yillarda bu nisbat birmuncha o'zgardi.

Adabiyotlar:

3. Karimov I.A. "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q" Toshkent: "O'zbekiston". 1998.
4. Mirziyoyev Sh. "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz". T; "O'zbekiston", 2017.
5. Aybulatov N.A. Geoekonomika-M,1999
6. Dugin A.G. Osnovi geopolitiki.-M.,1992
7. Kolosov V.A. Politicheskaya geografiya; prgnozi` i metodi-L, 1988
8. Tixonravov Yu.V. Geopolitika.-M.. 2000

III – ШУЪБА

КУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, СУВ РЕСУРСЛАРИ, АТРОФ - МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ю.Б. Рахматов, У.Б. Турсинова (Навоий, НДПИ)

СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ (Навоий вилояти мисолида)

Маълумки, инсониятнинг яшаш тарзи, ҳаёти сув билан боғлиқ. Ўрта Осиёда йилдан-йилга сув ресурслари танқислигининг ошиб бориши кўпгина геоэкологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Региондаги вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бугунги кунда тикланадиган ер усти сувлари деярли тўлиқ ўзлаштирилган. Бу ердаги сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси-суғорма деҳқончилиқдир. Аҳоли сонининг тез ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиши шароитида сувга бўлган талаб янада ортади. Ўрта Осиёда ҳозирги кунда мавжуд бўлган сув етишмаслиги шароитида сув ресурсларининг келажақда, нисбатан жуда оз бўлса ҳам, барқарор камайиб бориши жиддий муаммони келтириб чиқаради.

Бу ҳол Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммоларини олдинги қаторга қўймоқда. Кейинги йилларда сувга талабчан ерларнинг кенгайиши, турли саноат корхоналарининг ривожланиши ва шаҳар

аҳолисининг ортиши натижасида республикамизнинг кўплаб ҳудудларида сув танқислиги сезилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов 2012-йил 15-июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида сув ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш масаласи доимо диққат марказида бўлиши даркорлигини алоҳида таъкидладилар: «Бугунги кунда бир метр куб сувни фермер даласига етказиб бериш мамлакатимиз миқёсида давлатга ўрта ҳисобга 23 сўмга Сурхондарё вилоятида эса 30 сўмга, тушмоқда. Агар вилоятга йилига 3.8 миллиард метр куб ҳажмида сув етказиб берилаётганини ҳисобга олсак, бунинг учун давлат бюджетидан 115 миллиард сўм маблағ сарфланаётгани ён бўлади. Шундай экан, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш вақти келди»⁵. Маълумки, кейинги йилларда иқлимнинг глобал исиши ҳақида, бу жараённинг ўз навбатида ёгин миқдорига ва у орқали дарёлар сув миқдорига таъсири тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Бу ҳолатни турли тўйиниш манбаларига эга бўлган дарёлар мисолида ўрганиб чиқиш ва сув ресурсларидан фойдаланиш тизимини бўлғуси иқлим шароитларига мослаб такомиллаштириш масаласи жуда муҳим бўлиб қолмоқда. Иқлим ўзгаришлари қандай тарзда бориши тўғрисида олимларнинг фикрлари бир хил эмас. Мисол учун, Г.Е.Глазирин ҳамкасблари билан [2] 1986йил ҳолати бўйича таъкидлашларича, бу масалада иқлимшунослар орасида 5 хил фикр мавжуд: 1) қаттиқ исиш; 2) ўртача исиш; 3) 80-йиллар ҳолатининг сақлангани ҳолда об-ҳавонинг кескин тебранишлари; 4) ўртача совиш; 5) кучлироқ совиш. Ҳозирги даврда ҳам бу ҳолат ўзгаргани йўқ.

XX - асрда бошланган глобал исиш кейинги 1000 йил ичида кузатилган бундай ходисалар орасида ўхшаши йўқ деб, тан олинган. Ҳавонинг ўртача йиллик глобал ҳарорати 100 йил ичида $0,6 \pm 0,2^\circ\text{C}$ га кўтарилган. Аммо, ҳавонинг бундай исиши 100 йиллик ичида бирдек кечмади. XX асрни 3 қисмга бўлишади: 1) 1910-1945 йиллардаги исиш; 2) 1946-1975 йилларда кузатилган бироз совиш ва 3) 1976 йилдан кейинги нисбатан кескин исиш даври. Натижада 1990 йиллардаги ўн йиллик ўтган асрнинг энг иссиқ ўн йиллиги, 1998 йил эса энг иссиқ йил бўлди. Бу асрда кузатилган энг иссиқ 10 та йил 1983 йилдан кейин, 8 таси эса 1990 йилдан кейин кузатилди. 2000 йил 1961-1990 йиллар учун ҳисобланган ўртача ҳарорат меъёридан юқори ҳароратли бўлган ва орқама-орқа келган йилларнинг 22-си бўлди [3]. 1998, 2000 ва 2010 йиллар энг иссиқ йиллар бўлди. Республикаимизнинг текислик қисмида Т.Р.Спекторман ва С.П.Никулиналарнинг [4] маълумотлари бўйича, 2000 йилда 1961-1990 йиллардаги меъёрга нисбатан $1,13^\circ\text{C}$ га иссиқроқ бўлгани, 2000 йил, 1941 йил ўтган асрнинг энг иссиқ йиллари бўлганлиги маълум. Ҳарорат аномалияси 1°C дан катта бўлган 6 та йилдан 4 таси (1995, 1997, 1999 ва 2000 йиллар) ўтган асрнинг охириги ўн йиллигига тўғри келган. Ёз ойларида кўпчилик метеостансияларда максимал ҳароратнинг пасайиши қайд этилган.

XX - асрнинг охириги ўн йиллигида (1991-2000 й.й) ўртача йиллик ҳарорат қиш мавсумида бутун Ўзбекистон ҳудудида меъёрдан юқори бўлганлиги, баъзи ҳудудларда бу фарқ $1,2-1,5^\circ\text{C}$ ни ташкил этганлиги; баҳор ва ёз фаслида эса ҳароратнинг бир оз пасайиши қайд этилган [4]. Шундай бўлишига қарамасдан бизга маълумки Навоий вилояти ҳудуди Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган бўлиб, азалдан Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиб келмоқда. Ўтган асарнинг 70-йилларида келиб Қизилтепа, Кармана туманлари ҳудуди ҳамда Малик чўл зонаси Аму-Бухоро канали орқали Амударё суви билан таъминланиб келмоқда. Яқин вақтлардан бошлаб Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарлари ҳам Амударё суви билан таъминланадиган бўлди. Вилоят ҳудудида 2016-йил давомида жами бўлиб $2335614,1$ минг м^3 ($2176647,1$ минг м^3 2015-йилда) сувдан

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012-йил 15-июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи.//Ислом Каримов. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларни изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд- Тошкент, «Ўзбекистон», 2012-280 б.

фойдаланилган. Шундан Зарафшон дарё сувидан 1623400,1 минг м³ (1517448,1 минг м³ 2015 йилда), Аму-Бухоро канали орқали Амударё сувидан эса 640594 минг м³ (590983,5 минг м³ 2015 йилда), ер ости сувларида 71620 минг м³ (68215,5 минг м³ 2015-йилда). Бундан ташқари вилоят ҳудудида ер ости ва булоқлар сувдан Нурота тумани тўлик 40300,0 минг м³ Хатирчи тумани 6 фоиз, Конимех тумани ва Томди туманлари 18 фоиз фойдаланилади. Вилоят ҳудудида фойдаланиб келинаётган сув заҳираларини тармоқлар ўртасида тақсимланган қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин: 2016-йил давомида ишлаб чиқаришга 889785,5 минг м³ (884791,5 минг м³ 2015 йилда), ичимлик суви сифатида 85221,4 минг м³ (83718,3 минг м³ 2015 йилда), суғоришга 1335926,8 минг м³ (1185562,1 минг м³ 2015-йилда) сув сарфланган бўлиб, 24680,4 минг м³ (22585,2 минг м³ 2015-йилда) сув йўқотилган. Вилоят ҳудудида фойдаланиб келинаётган сувларнинг бир қисми корхона ва ташкилотлар томонидан оқова суви сифатида ташланган, яъни меъерий тозаланган 644821,5 минг м³ (64214,7 минг м³ 2015-йилда), ифлосланган 4897,2 минг м³ (4658,9 минг м³ 2015-йилда), тозаланган 83220,4 минг м³ (78155,52 минг м³ 2015-йилда) ҳажмида сув ташланган. Вилоят ҳудудидаги суғориш тизимидаги зовур тармоқлари 2016-йилда 624500,1 минг м³ (620845,3 минг м³ 2015-йилда) сув ташланган бўлиб, бу сув миқдори Оёқ-Оғитма ташламасига 102355 минг м³ (98745 минг м³ 2015-йилда), Шўр ариқ зовурига 13848 минг м³ (135,52 минг м³ 2015-йилда), Тудакўл сув ҳавзасига 12765 минг м³ (12420 минг м³ 2015-йилда), Зарафшон дарёсига 26784 минг м³ (26235 минг м³ 2015-йилда) ташланган.

Вилоят ҳудуди бўйича 2016-йил қишлоқ хўжалигини сув билан суғориш тизимида сарфланган сув миқдорини 2015-йил билан солиштирилганда 158967 минг м³ сув кўп фойдаланилганлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш корхоналарида сувдан айланма фойдаланиш эса 1134165,2 минг м³ ни (1131592,5 минг м³ 2015-йилда) ташкил қилиб, сувдан қайта фойдаланиш 347975,2 минг м³ (343350,8 минг м³ 2015-йилда) ни ташкил қилади. Бугунги кунда вилоят ҳудудида 1860 донга ер ости сув қудуқлари мавжуд бўлиб, шундан 568 тасидан фойдаланиб келинмоқда. Қолган 1292 таси қишлоқ хўжалигининг насослар станциясига қарашли бўлиб, уларнинг анча қисми Нурота, Томди, Конимех, Учқудуқ туманлари ҳудудида жойлашган. Сувдан оқилонга фойдаланишни йўлга қўйиш «Сув қонуни»да кўрсатиб ўтилган меъерий, услубий ва қонуний ҳужжатлар базасини яратиш мақсадга мувофиқдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики вилоят ҳудудида халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида сувга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, шўр ювиш, ғалла, пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини меъерийда суғоришни ташкил қилиш, сувдан мақсадли фойдаланиш бўйича қаттиқ тартиб ўрнатиш зарурлигини қайд қилинишига қарамасдан баъзи ҳолларда сувдан фойдаланиш қонунлари бузилмоқда.

Вилоят табиатини муҳофаза қилиш бошқармаси билан 2016 йилнинг ёз ойида ўтказилган кузатувлар жараёнида Қизилтепа туманига қарашли Ўрта чўл, Кармана туманига қарашли Малик чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш вақтини олиб бориш, маҳаллий ўғитни шарбатлаш, қўллатиб суғориш каби салбий ҳолатлар аниқланди ва бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш, завур тармоқларига ташланадиган оқова сувларни камайтириш, сувдан оқилонга фойдаланишни йўлга қўйиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Шундай экан, сувдан фойдаланган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, сувдан хўжасизларча фойдаланилган ҳолатларда иқтисодий жавобгарлик ва сувдан тежамли ҳамда самарали фойдаланилганда иқтисодий рағбатлантириш жорий қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари сувдан оқилонга фойдаланиш мавзусида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, айниқса «14 март дарёлар сув ва ҳаётни асраш учун ҳаракатлар куни», «27-март Бутун жаҳон сув куни» мавзусида семинарлар ўтказиш катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари. 20-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012 -280 б.
2. Глазырин Г.Е., Рацек И.В., Щетинников А.С.. Изменение ледникового стока рек Средней Азии в связи с возможными изменениями климата // Тр. САРНИГМИ. –в. 117(198). – 1986. – С. 59-70.
3. Груза Г.В., Ранькова Э.Я. Обнаружение изменений климата: состояние, изменчивость и экстремальность климата //Метеорология и гидрология. -№ 4.-2004. –С. 50-66.
4. Спекторман Т.Ю., Никулина С.П. Мониторинг климата, оценка климатических изменений по территории Республики Узбекистан // Оценка изменений климата по территории Республики Узбекистан, развитие методических положений оценка уязвимости природной среды. – Бюллетень №5. Ташкент: САНИГМИ, 2002. –С. 17-25.

Навоий Давлат педагогика институти, география ўқитиш методикаси кафедраси доценти- Ю.Б. Рахматов. E-mail: yu_gaxmatov_b@mail.ru

Гўдалов М. Р., Хакимов Б. Б., Бердикулов Ж. (Жиззах, ЖДПИ)

ЙИРИК СУВ ҲАВЗАЛАРНИНГ АТРОФ МУҲИТ МИКРОИҚЛИМИГА ТАЪСИРИ (Жиззах вилояти мисолида)

Жиззах вилояти ҳудудида мавжуд йирик сув ҳавзаларини ҳар томонлама ўрганиш, айниқса уларни атроф-муҳит ландшафтлар микроиқлимга таъсирини тадқиқ этиш муҳим илмий, илмий-амалий ва ҳўжалик аҳамиятига эга. Йирик сув ҳавзаларидан ирригация иншоотлар, вилоятда жуда яхши ривожланган. Бунинг сабаби, вилоятда суғорма деҳқончилик асосий тармоқ эканлиги билан боғлиқ. Вилоятда ирригация иншоотларига каналлар ва сув омборларни, ундан ташқари насос станциялари, тўғонлар (дамба), коолекторлар, ариқлар, коризлар ва бетон ариқ (лоток) ларни киргизиш мумкин.

Жиззах вилояти ҳудудида бир неча йирик сув ҳавзалари – антропоген кўллар ҳам бор. Буларга, Айдар-Арнасой кўллар тизими, Арнасой, Жиззах, Қоровултепа ва Зомин сув омборларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу сув омборлар вилоятдаги 300 минг гектарга яқин ерларни суғоришга хизмат қилади ва шунингдек атроф-муҳит микроиқлимга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Биз куйида Жиззах вилояти ҳудудидаги йирик сув ҳавзаларига қисқача таъриф бериб ўтамиз.

1969 йил Ўрта Осиё табиий ўлкаси учун энг серёғин йил бўлган эди. Шу йили Сирдарё ҳавзасидаги сув тошқинлар таъсирда, Чордара сув омборидан 21 км³ сув Арнасой ботиғига ташланган. Натижада, Арнасой ботиғига ташланган сувлар, Тузкон ва Айдаркўл ботиғидаги сувлар билан кўшилиб, ягона Айдар-Арнасой кўллар тизимини ҳосил қилди. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг морфометрик ўлчамларига қарайдиган бўлсак, майдони 3702 км², сув ҳажми 44,1 км³, узунлиги ғарбдан-шарқга 350 км ва эни шимолдан-жанубга 2 км дан 40 км гача масофани ташкил этади.

Жиззах шаҳри яқинида Жиззах сув омбори 1973 йилда куриб битказилган, у Сангзор дарёсидан сув олиб, ҳажми 100 млн м³ ни ташкил этади. Бу сув омбори атрофдаги жойларнинг сув билан таъминланишини яхшилади ва 5 минг гектар янги ерларни суғоришга имкон беради.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шарқий қисмида, яъни Чордара сув омборининг сувлари тушадиган жойида Арнасой сув омбори курилган. Арнасой сув омбори 2003 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, сув сиғими 730 млн м³ ни ташкил этади ва асосан Мирзачўл ва Дўстлик туманлари сув билан таъминлайди.

Жиззах вилоятининг жануби-шарқий ҳудудларини сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 1978 йилда Қоровултепа сув омбори куриб битказилди. Қоровултепа

сув омборининг сув сиғими 53 млн м³ бўлиб, Зарафшон дарёсининг Туятортар каналидан сув олади. Сув омбор Ғаллаорол ва Бахмал туманларини сув билан таъминлайди.

Зоминсув дарёсининг паст тоғли геоморфологик комплексида ҳажми 52,1 млн м³ бўлган Зомин сув омбори қурилган. Зомин туманининг сувга бўлган эҳтиёжини 40 % и Зомин сув омбори таъминлайди.

Жиззах вилояти ҳудудини суғоришда сув омборлари билан биргаликда ирригация каналларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Жиззах вилояти суғориладиган ерларни сув билан таъминлашда Шимолий Мирзачўл (ҳозирги Дўстлик) ва А.А.Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл каналларининг аҳамияти каттадир. Бу каналларнинг бошланиши Сирдарё дарёсидаги Фарход гидроузели бўлиб, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларини (Дўстлик канали Қозоғистон республикасини ҳам) сув билан таъминлайди. Мирзачўл ерларининг қон томири ҳисобланадиган бу каналларга ҳам қисқача таъриф бериб ўтамиз.

Дўстлик канали – Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ҳудудидан оқувчи канал ҳисобланади. Дўстлик канали Сирдарёнинг Фарход гидроузелидан сув олади ва унинг узунлиги 116 км ни, сув ўтказиш имконияти 230 м³/с ни ташкил қилади. Канал бошдан охиригача тупроқ ўзандан оқади. Каналда 6 та тўғон, сув сарфи 0,2 дан 50 м³/с гача бўлган 45 та шохобча каналлар ва 3 та эҳтиёт ташламалар: шарқий ташлама (40 м³/с), шимолий ташлама (18 м³/с) ва охириги ташлама (17 м³/с) қурилган. Канал Чордара сув омборига ташлама билан тугайди. Дастлаб канални 1891 йилда князь Н.К.Романов қаздирган. Канал қурилиши 6 йил давом этган ва Николай I ариғи деб аталган, узунлиги 84 км бўлган. Канал сувни Хўжанд шаҳридан қуйида Қўштегирмон ва Бекобод қишлоқлари оралиғида Сирдарёдан олган. Каналдан биринчи марта 1895 йилда Мирзачўлга сув оқизилган, 1897 йил тўла ишга туширилган ва 7600 гектар ерни сув билан таъминланган. 1918 йилгача князь Романов номи билан юритилган ва уни халқ Князариқ (Кеназариқ) деб атаган. 1918-38 йилларда Шимолий Мирзачўл канали, 1938-1996 йилларда С.М.Киров, 1996 йил июл ойидан Дўстлик канали номини олди.

Дўстлик канали 1945 йилда Фарход ГЭС нинг ташлама каналига уланди. Кейинги йилларда канал узайтирилди ва сув ўтказиш имконияти оширилди. Каналдан 2 та йирик тармоқ – Ўнг тармоқ ва Чап тармоқ (Малик тармоғи) чиқарилди. 1972 йилдан каналда хўжаликлараро каналларга сув тақсимлаб бериш теле ва автоматик тизимлари ишлайди.

Ҳозирги кунда Дўстлик канали 318 минг гектар ерни сув билан таъминлайди, шундан 100 минг гектар Сирдарё вилояти, 98 минг гектар Жиззах вилояти ва 120 минг гектар Қозоғистон республикаси ҳудудига тўғри келади. Дўстлик каналидан Жиззах вилоятида, асосан Мирзачўл ва Дўстлик туманлари сув олади.

А.А.Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл канали – Ўзбекистондаги йирик каналлардан бири. Сирдарё ва Жиззах вилояти ҳудудидан ўтади. Фарход гидроузелининг уловчи каналидан бошланади (Бекобод шаҳридан 7 км узоқликда). Жанубий Мирзачўл канали ва унинг йирик тармоқлари 1957-1962 йилларда қурилган. Мирзачўлнинг жанубида, шарқдан ғарбга томон оқади ва узунлиги 127,7 км. Бош қисмида сув ўтказиш имконияти 545 м³/с. Дўстлик каналига ўхшаб 2 тармоққа – 1-Жиззах машина канали ва 2-Жиззах машина каналарига бўлинади. Каналнинг 35 км да Янгиер шаҳри жойлашган, қуйи қисми Жиззах шаҳридан 10-20 км шимолроқдан ўтади ва бир қанча майда каналларга бўлиниб кетади. 345 минг гектардан ортиқ ерларни суғоради, шундан 153,6 минг гектар Сирдарё вилоятига, 191,8 гектар Жиззах вилоятига тўғри келади.

Каналда 80 дан зиёд гидротехника иншооти, бошқариш шлюзлари, 6 та автомобиль ва 4 та темир йўл кўприги, 9 та сув тўсгич иншоот, 44 та қулоқ, 6 та дюкер ва 12 та сел ўтказкичлар қурилган. 1954-1971 йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш ишларига раҳбарлик қилган А.А.Саркисов (1907-1971) номи берилган.

Ҳозирги кунда Дўстлик ва Жанубий Мирзачўл каналлар сувидан фойдаланишнинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Бу муаммолар шундаки, собиқ иттифоқ даврида ирригацион тартибда ишлашга мўлжалланган Тўхтагул сув омбор, 1992 йилдан бошлаб

энергетик тартибда ишлашга ўзгартирилди. Шу сабабли Сирдарё оқимининг катта қисми қиш даврида (7,6 дан 8,7 км³ гача), ёзда эса кам миқдорда (3,5-5,9 км³) оқизилмоқда.

Тўхтагул сув омборидан 1970-2012 йиллар давомида фойдаланиш тартиби

Сув оқизилиши	Оқизилган сув ҳажми, км ³				
	Лойиҳанинг бошида (1970 йиллар)	Ўртача 16 йил (1976-1991 йиллар)	Ўртача (2000-2001 йиллар)	Ўртача (2001-2002 йиллар)	Ўртача (2003-2012 йиллар)
Вегетация даврида	8,5	8,1	5,9	3,5	4,5
Вегетациядан ташқари (қиш)	2,8	2,7	8,4	7,6	8,7

(А. Юлдашов маълумоти асосида).

Ирригация иншоотлари йирик сув ҳавзалари сифатида атроф-муҳит микроклимининг ўзгариши ва экологик шароити ўзгарган ҳудудларнинг кўлам жиҳатдан кенгайишига сабаб бўлади. Бундай ирригация иншоотлари инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилсада, улар учун турли муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Сув совиганда ўздан ҳавога анча миқдорда иссиқлик чиқаради, сув ҳаводан исиганда эса ундан кўп миқдорда иссиқлик олади. Бир см куб сув 1⁰ С совиганда чиққан иссиқлик 3134 см куб ҳавони 1⁰ С га иситади. Умуман сувнинг, жумладан йирик сув ҳавзаларининг микроклимга ниҳоятда кучли таъсир этишининг сабаби ана шундадир. Сув иссиқлик сифимининг катталиги, секин исиб секин совиши натижасида вилоятнинг йирик сув ҳавзалари яқинида ҳарорат ёзда одатдагидан бироз пастроқ (2-3⁰ С), қишда эса бироз юқорироқ (3-5⁰ С) бўлиши кузатилади.

Бизнинг ҳудудимиз қурғоқчил иқлимга эга бўлганлигидан ер юзасидан буғланиш 200 мм атрофида, лекин сувли юзадаги (йирик сув ҳавзаларидаги) буғланиш мумкин бўлган буғланишга (648-1547 мм) тенг. Ҳавода сув буғларининг кўпайиши ўз навбатида нисбий намликни 10-15 % га ортишига олиб келади. Бу эса қиш ва баҳор ойларида туманли кунларнинг чўзилишига сабаб бўлади (40 кун ва ундан ортиқ).

Бундан ташқари вилоят текислик қисмида ярим асрдан ортиқ интенсив суғоришдан фойдаланиш ҳамда очик ва ёпиқ дренаж тизимларининг тўла ишламаслиги ер ости сувларининг сатҳининг кўтарилишига, оқибатда тупроқларнинг жадал шўрланишига олиб келади.

Шундай қилиб йирик сув ҳавзалари атрофида ўзига хос микроклим – экологик шароити ўзгарган ҳудудлар шаклланган. Эҳтимол ҳарорат ва нисбий намликнинг бундай кичик ўзгаришлари аҳамиятсиздек кўринар, лекин, мана шу кичкинагина ўзгариш қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда анчагина муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Айдар-Арнасой кўллари тизимида нисбий намликни ортиши (15-20 %) Шимолий Нурота тоғ ёнбағри қишлоқлари (Фориш тумани) да, боғ ва узумзорларни шира босиши, донли ва дуккакли экинларда қорақуя касаллигининг кўпайишига олиб келмоқда. Шунингдек, экологик шароитнинг бундай ўзгариши тоғ ҳамда чўл яйловлари маҳсулдорлигига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Йирик сув ҳавзаларнинг микроклимга таъсирини ҳамда экологик шароити ўзгарган ҳудудлар муаммосини ҳал қилиш уларни тўла ва чуқур, илмий асосланган тарзда комплекс ўрганиш лозимдир.

Usmanova R., Sobirova G. (Qarshi, QarDU)

SUV RESURSLARINI O'RGANISHDA EKOLOGIK TARBIYANI SHAKLLANTIRISH

Inson uchun tabiatdan juda ko'p narsalar in'om etilgan. Ulardan eng asosiysi, hayot manbai suvdir. Suv nafaqat modda va energiya tashuvchi balki, olimlarning olib borgan ilmiy kuzatishlaricha axborot tashuvchi ekanligi keyingi ilmiy tadqiqotlar natijasida ma'lum bo'ldi. Yoshlarning ekologik bilimi, ongi va madaniyatini oshirish ekologik ta'lim-tarbiyani chuqurlashtirish shu kunning dolzarb masalalaridandir. Kadrlar tayyorlash bo'yicha Milliy dasturda eng zarur vazifalardan biri iqtidorli va iste'dodli yoshlar bilan ishlashni takomillashtirishni nazarda tutadi. Milliy dasturni amalga oshirishning sifat talablaridan kelib chiqib, iqtidorli va iste'dodli talabalarni tarbiyalash oliy ta'lim muassasalari oldidagi vazifalardan biridir. Shu jihatdan amaliy ishlar qobiliyatiga ega mutaxassis kadrlar tayyorlashda nazariy metodik bilimlar asosiy omil hisoblanadi. Masalan, Qashqadaryo viloyat suv resurslaridan foydalanish to'g'risidagi amaliy mashg'ulotni olib borishda ekologik tarbiyani shakllantirish uchun ta'limning o'qitish usullarini qo'llagan holda talabalarga bilim berish katta samara beradi. Avvalo, Qashqadaryo viloyati suv resurslari, uning daryolari, soylari, ko'llari, suv omborlari, muzliklari, yer osti suvlari, buloqlari haqida ma'lumot beriladi.

Qashqadaryo viloyati qishloq xo'jalik ekinlarini yetishtirish uchun qulay iqlimiy sharoitlarga ega bo'lsada, ammo o'lkada yilning katta qismida namning yetishmasligi kuzatiladi. Aholining ehtiyoji va iste'moldan kelib chiqqan holda ayniqsa xo'jalikni tashkil etish va rivojlantirish natijasida tabiiy sharoit va tabiiy resurslarga bo'lgan talab yildan-yilga ortib bormoqda. Qashqadaryo viloyati daryolari asosan tog'li va tog' oldi hududlarida sertarmoq bo'lib, katta- kichik soy va jilg'alar juda ko'pdir. Hidrografik to'ring ko'pchiligi bosh daryolar va ularning irmoqlaridan suv olib atrofda yerlarga tarqalib ketuvchi irrigatsiya kanallaridan, ariqlardan, shuningdek zovur va kollektorlardan iborat. Qarshi cho'ligacha daryolar yetib bormaydi, ya'ni daryolarning quyilish qismigina joylashganligi bayon qilinadi.

Viloyatda daryolarning bunday taqsimlanishi yog'in miqdori turlicha ekanligi bilan bog'liq. Masalan, viloyatning tekislik qismida yillik yog'in miqdori 145-230 mm, adirlarda 300-370 mm, tog'larda esa 400-650 mm ni tashkil etadi. Yog'inning asosiy qismi asosan bahor oylarida tushishi bilan tavsiflanadi. Daryolarda to'lin suv davri may-iyun oylarida kuzatiladi. Bu davrda esa sug'orishga bo'lgan ehtiyoj xali katta bo'lmaydi. Shuning uchun ham qishloq xo'jalik ekinlarini sug'orishda suv omborlarining roli katta bo'lib, ekin maydonlaridan yuqori hosil olish mumkin.

Qashqadaryo havzasida 13 ta suv omboribo'lib, eng kattasi Tallimarjon (foydali suv hajmi 1400 mln m³), Chimqo'rg'on (foydali suv hajmi 380 mln m³) suv omborilari hisoblanadi. Viloyatdagi kichik suv omborlari Nug'ayli (foydali suv hajmi 2,5 mln m³) va Sho'robsoy (foydali suv hajmi 0,3 mln m³) hisoblanadi. Viloyat arid hududda joylashganligi sababli Qashqadaryo va uning irmoqlari suvi deyarli to'liq sug'orishga sarflanadi. Qashqadaryo havzaning yerusti suv resurslari 42,4 m³/s ni tashkil qiliadi. Havzada shakllanadigan suv resurslari aholi, ishlab chiqarish va qishloq xo'jaligini va boshqa tarmoqlarni suv bilan to'liq ta'minlay olmaydi. Shuning uchun Qashqadaryo viloyatiga Qarshi bosh kanali (QMK) bo'yicha Amudaryo va Zarafshon daryolaridan suv beriladi va Tallimarjon suv ombori bilan boshqariladi. Amudaryodan suvni Tolimarjon suv omboriga yettita suv nasos orqali olinadi. Bu ishlar amalga oshirilgandan keyin havzalararo oqimni yetkazishga iste'mol qilinadigan suvning 80% to'g'ri keladi.

Qashqadaryo viloyatida ko'p yillik o'rtacha oqim miqdori 1,28 km³ ni tashkil etadi. Suv resurslari tog'oldi tekisliklari va tog' yonbag'irlari, Qarshi cho'li hududidagi ekin maydonlarini sug'orish, sanoat korxonolari va aholini ichimlik suvi bilan ta'minlash uchun foydalaniladi. Ammo ayni ekinlar vegetatsiyasi davrida suvning tanqisligi kuzatilishi, suvdan tejab-tergab foydalanishni taqozo etadi.

Viloyatda aholi sonining ortib borishi (2017-yil 3197,4 ming kishi, 2016 – yil esa 3089,4 ming kishi), urbanizatsiya jarayonining oshishi (2016–yil 1326,6 ming kishi, Qarshi shahrida 264,4 ming kishi), sanoat korxonalarining ko'payib borishi, yerlarning o'zlashtirilishi suvga bo'lgan ehtiyojni yildan-yilga oshirib bormoqda. Qashqadaryo viloyatida sug'oriladigan yerlarning maydoni 532,8 ming gektarni tashkil qiladi. Sug'oriladigan maydonning katta qismida

g`alla (254,9 ming ga.) va paxta (160,5 ming ga.) yetishtiriladi. Ayniqsa, viloyatning Respublika ahamiyatiga molik bo`lgan bir qator yoqilg`i energetika-sanoat korxonalari mavjudligi suv resurslaridan tejab va zamonaviy foydalanishni taqozo etadi va bir qator ekologik muammolarni keltirib chiqaradi.

Qashqadaryo viloyatida ochiq suv havzalariga tashlanayotgan oqova suvlarning tarkibini tahlil qilib o`rganib borish suv havzalarini muhofaza qilishda muhim ahamiyatga egadir. Ma`lumki, suv manbalarini ifloslanishi har tomonlama korxonalar va tashkilotlardan chiqayotgan sanoat va maishiy oqova suvlarning tozalanishi darajasiga bog`liq. Tog`li hududlardan keladigan yerusti suvlarining sifati asosan qoniqarli bo`lib, daryolar tekislikka chiqqunch gidrologik tartibi xo`jalik faoliyati natijasida o`zgarib boradi. Yani Qashqadaryo suvining sifati boshlanishidan quyi qismiga tomon yomonlashib boradi. Masalan, Chimqo`rg`on stvoridagi suvlar ifloslanish indeksining yillik ko`rsatkichi 1997-yildan boshlab II toifa toza suvlarga muvofiq, 2000 va 2006 yillar bundan mustasno, chunki bu yillarda suv sifati III toifa o`rtacha ifloslangan suvlarga mos bo`lgan. Qashqadaryo viloyatida Kitob-Shahrisabz manbai bo`yicha yerosti suvlari umumiy qattiqligi ortganligi kuzatildi – 9-12 mg-ekv/l; O`ngsohil manbai bo`yicha – 10-12 mg-ekv/l; Chapsohil manbai bo`yicha yerosti suvlari minerallashuvi 2,5-3 g/lni, umumiy qattiqligi – 35-44 mg-ekv/l; o`rbiy Qashqadaryo bo`yicha 18-50 mg-ekv/l; Guzar – 35-40 mg-ekv/l va Langar bo`yicha 10-11 mg-ekv/lni tashkil qildi.⁶

O`zbekistonda suv ta`minotini yaxshilash uchun Jahon banki, Osiyo Taraqqiyot banki va taqdim etilayotgan xorijiy investitsiyalarni jalb qilish yo`li bilan ichimlik suv ta`minoti tizimlarini takomillashtirish loyihalari amalga oshirilmoqda. Qashqadaryo viloyatida Dehqonobod va Kitob-Shahrisabz mintaqaviy suv quvurlari qurildi. Ushbu loyihalar asosida ajratilgan kreditlar hisobiga Qashqadaryo viloyati tumanlari va Qarshi shaharida ham ichimlik suvi ta`minoti loyihalari bajarilmoqda. Viloyatning Qamashi, Kitob, G`uzor kabi tumanlarida aholini ichimlik suvi bilan ta`minlanishi yaxshilandi.

Qarshi shaharorti oqova suv tozalash inshoati loyihaviy quvvati 30 ming kv m suvni biologik usulda tozalash imkoniyati bo`lib, hozirgi kunda 27600 m² suvni biologik usulda tozalab dasht kollektoriga tashlamoqda. Ochiq suv havzalariga oqova suvlarning tashlanishi natijasida daryolar suvi minarallashuvi darajasi ortib, undan ichimlik suv sifatida foydalanish imkoniyati yo`q. Bundan ko`rinib turibdiki suv havzalari ham miqdor ham sifat jihatidan ifloslanib bormoqda.

Shahrisabz shahar suv tozalash inshoati 1991-yil boshida ishga tushirilgan bo`lib, quvvati 16 ming m³ ga teng viloyatimizda yaxshi ishlaydigan tozalash inshoati hisoblanadi. Shu hisobdan Qashqadaryo daryosiga tushayotgan zararli moddalar miqdorini birmuncha pasayishiga sabab bo`ldi.

Suv resurslarini sifatini muhofaza qilish uchun sanoat korxonalaridan chiqayotgan oqova suvni tozalab, qayta ishlatish, oqova suvlardan sug`orishda foydalanish chora-tadbirlarini ishlab chiqish lozim. Sanoatda suvdan foydalanishning aylanma tizimiga o`tish va tozalash usullarini takomillashtirib borish zarur.

Yuqoridagi ma`lumotlarni o`zlashtirish natijasida talabalar atrof muhitni muhofazasi, o`lka boyligini asrash, tabiat resurslaridan oqilona foydalanish chora-tadbirlarini ishlab chiqish lozimligini, ayniqsa dunyo talabiga javob beradigan oqova suvlarni tozalash qurilmalarini ixtiro qilish dolzarb masala ekanligini zamonaviy texnologiyalarga tayangan holda suvni tozalash inshoatlarini yaratish lozimligini anglab yetadi.

⁶ Ўзбекистон республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза – 2008 (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) 47.б.

Каршибаева Л.К., Ишонкулова К.К., Эргашева С.А. (Гулистон, ГулДУ)
**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНГАНЛИК
ҲОЛАТИ**

Сирдарё вилояти сув ресурслари билан яхши таъминланмаган ва йирик табиий сув хавзасига эга эмас. Энг йирик дарё-Сирдарё транзит ҳисобланади. Бу хусусият қўшни Жиззах вилояти учун ҳам хос, лекин Жиззах вилояти ерлари қўшимча яна Туркистон тоғининг шимолий ён бағридан бошланувчи доимий ва вақтинча оқимга эга бўлган (Санзор ва Зомин) сой ва дарёчалар сувидан ҳам фойдаланади. Республикадаги сув ресурсларининг 6,2 %и Сирдарё ва 5 %и Жиззах вилоятига тўғри келади. Сирдарё вилоятининг асосий суғориш манбаи бўлиб Сирдарё дарёси ҳисобланади ва унинг вилоят ерларини суғоришда, ирригация, мелиорация тадбирларини амалга оширишда аҳамияти беқиёсдир. Икки йирик канал – Дўстлик ва Жанубий Мирзачўл шу манбадан бошланиб барча туманлар ерларини суғоради.

Вилоятда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишга, олдин ҳам, ҳозир ҳам катта аҳамият берилмоқда. 1948 йилда Сирдарё сувини 20 метр баландликка кўтариб берадиган тўғоннинг (Фарход сувомбори) қурилиши энг аввало, Мирзачўл ерларида суғориш ишларини янада ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мирзачўл ерларини қон томири ҳисобланмиш "Шимолий Мирзачўл" (ҳозирда "Дўстлик") каналини қурилиши ва ишга туширилиши аҳамияти беқиёсдир. Канал қурилиши 1901 йилдан 1915 йилгача давом этди. Дастлаб унинг сув ўтказиш қуввати 50 куб. м. секундга тўғри келиб, 24 минг гектар ерни сув билан таъминлаган. Каналнинг сувидан баҳраманд бўлувчи ер майдонлари узлуксиз кўпайиб борди, 1940-1941 йиллар хашар йўли билан канал кенгайтирилиб, дамбалари ва қирғоқлари мустаҳкамланди, натижада янги қисмлар қўшилди, 98 км. узунликдан 113 км.га етказилди. 1951 йил канал сувидан фойдаланадиган ерлар майдони 122 минг гектарга етказилиб, уни сув ўтказиш қуввати 160 куб.м/сек.ни ташкил қилди.

"Дўстлик" канали 1907-1913 йилда ер ўзанли ярим тўкма-ярим қазма ўзи оқар ҳолатда қурилган бўлиб, Фарход Гидроэлектростанциясининг ташламаси орқали сув олади. Ҳозирда канал бош иншоотининг энг кўп сув ўтказиш қобиляти 230 м³/сек бўлиб, шаҳар худудидаги қисмидан 154 м³/сек сув оқиб ўтади. Каналнинг умумий узунлиги 117 км.ни ташкил этиб, шундан 68,6 км қисми Ўзбекистон Республикаси, 48,4 км қисми қўшни Қозоғистон Республикаси худудларидан ўтади. Каналга бириктирилган умумий суғориладиган ер майдони 236 минг гектарни ташкил этади, шундан Ўзбекистон Республикаси худудида 100 минг гектар ва Қозоғистон Республикаси худудида 136 минг гектар.

Канал тубининг ўртача эни 35 метр, устки ўртача эни 50 метр, қурилиши баландлиги 8 метр, ён қиялиги $m=1,5$ ни ташкил қилади. "Дўстлик" каналдан охириги 10 йилда ўртача йиллик сув оқими ҳажми 2,5 млрд. м³ ни ташкил этган. (Сирдарё ҳақиқати).

Жорий йилнинг 2 сентябр куни каналдан сув бериш тўхтатилиб айланма канал қурилди ва 10 м³/сек сув қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга етказиб берилди. 5-сентябр куни каналнинг икки жойида тўсиқлар ўрнатилиб, канал тубидаги қолдиқ сувлар насослар ёрдамида чиқариб ташланди. Бетон ишларини ташкиллаштириш мақсадида соатига 60 м³бетон қоришмаси тайёрлаш қувватига эга икки дона бетон узели ўрнатилади. 10-сентябрдан бошлаб канал туби ва қияликларига 15 см қалинликда сув ўтказмайдиган кимёвий қўшимчалар аралаштирилиб бетон ишлари олиб борилди. Ишлар 2-сменада ташкил қилиниб, қунига 400 м³бетон ётқизилди. Бетоннинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида диаметри 10мм, қадами 30x30 см армосетка ишлатилди. Бетон чокларига филтрацияни камайитириш мақсадида эни 1-метрлик геомембрана қўлланилди. Бетон ишлари сифатини ошириш учун вибраторлардан фойдаланилди.

1956-1961 йиллар Жанубий Мирзачўл каналини қуриш ишлари ниҳоясига етказилди. Унинг узунлиги 124 км.ни, сув ўтказиш қуввати 350 м.куб.сек.ни ташкил

қилади, сув билан таъминлайдиган майдони 410 минг гектарга тўғри келади. Бугунги кунда вилоят суғориш тармоқларининг умумий узунлиги 610,8 км, шундан 298,3 километри бетон ўзанли, 312,5 километри ер ўзанли ҳисобланади. Мавжуд сув тармоқларининг 488,0 километри қониқарли аҳволда бўлса, 122,8 километри қониқарсиз аҳволда.

Шунингдек, минераллашган сувларнинг ер сатҳига яқин жойлашиши ва тупроқнинг шўрланиши, суғориладиган ерлар сифатини пасайтиради, ҳамда ернинг иқтисодий маҳсулдорлигини камайтиради. Вилоят ҳудудида сизот сувларининг сатҳи 0-1,5 метргача бўлган ерлар майдони 3,3 %, 1,5-3 метргача 84,9 % ва 3 метрдан паст бўлган ерлар майдони 11,8 %. Вилоят туманлари доирасида қарайдиган бўлсак 1,5-3 метргача бўлган майдонлар Сайхунободда 96,9 %, Ховосда 94,6 %, Мирзаободда 85,7 % ва қолган туманларда 85,0 % атрофида. Бу ҳудудлар иккиламчи шўрланишга тез берилувчандир. Бундай ҳолатнинг вужудга келиши: сувдан оқилона фойдаланмаслик; алмашлаб экиш агротехикасининг издан чиққанлиги; гидротехник иншоотларнинг яхши ишламаслиги каби муаммолар билан боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Сирдарё ҳақиқати газетаси октябрь сони.
2. А.Солиев Ўзбекистон географияси.-Т.: Университет, 2014.- 152 б.

Каримов И.Э., Камолов М.Н. (Жиззах, ЖДПИ)

Эргашев О. У.

ЖДПИ Ҳузуридаги ХТХҚТМО Ҳудудий маркази

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АГРОСАНОАТИ ВА ТУЯТОРТАР КАНАЛИ

Туятортар канали Самарқанд вилояти Ургут туманининг жанубий шарқида аниқроғи Роботхўжа деб номланадиган ҳудуддан бошланиб, вилоятнинг маркази Жиззах шаҳригача яқинлашиб боради. Бу каналнинг узунлиги 96 км. Туятортар канали Самарқанд вилояти Булунғур туманининг кўплаб хўжаликлари, ҳамда Жиззах вилоятининг Бахмал, Галлаорол, Жиззах туманларидаги 37,5 минг гектарга яқин экин майдонларни суғорадиган асосий сув манбаи ҳисобланади. Ҳаттоки, айрим қишлоқлар аҳолиси ундан ичимлик суви сифатида ҳам фойдаланади.

Ҳар йили минглаб тонна картошка, сабзи, пиёз, ловия, буғдой, арпа, помидор, бодринг, шолғом, олма, ёнғоқ, ўрик, шафтоли, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш учун Туятортар канали сувидан фойдаланишади. Ундан насослар ёрдамида минглаб гектар лалмикор ерларга сув етказиб берилади. Сув танқис, аммо боғлар барпо этиш учун қулай бўлган лалмикор майдонларда олма, ўрик, шафтоли каби сархил мевалар берадиган интенсив боғлар барпо этилмоқда. Чорвачиликни ривожлантиришда ҳам канал сувидан кенг кўламда фойдаланилади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Туятортар канали милодий I - аср бошларида кичик бир ариқ сифатида қазилган. Унинг пайдо бўлишида Зарафшон дарёси қирғоғидан унча узоқ бўлмаган жойда, ҳозирги Фармонтепа ҳудудида қалъа қурилиши сабаб бўлган. Айрим тарихий манбаларда ёзилишича, Фармонтепа қалъаси қурилаётган пайтда, Туятортар ариғи орқали жуда миқдорда сув Зарафшон дарёсидан шимол томонга оққан деган тахминлар бор ва бу ҳақиқатга яқин кўринади.

Ўтган асрнинг 70- чи йилларида “Фан ва турмуш” журналида, 2000 ёшли Эскитуятортар канали ҳақида илмий мақола чоп этилган. Худди шундай маълумотни Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокировнинг “Маърифат сабоқлари” номли китобида ҳам ўқиш мумкин. Баъзи, мутахассислар Туятортар каналининг ёшини XVI асрдан, Абдуллахон II давридан ҳисоблашади. Абдуллахон II даврида канални ўша даврга хос мукамал қилиб қазилганлиги тўғри, чунки бу канални қазिश учун ўн минглаб одамлар жалб қилинганлиги ҳақида тарихий маълумотлар мавжуд.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1556-1585 йилларда Бухоро хони Абдуллахон II томонидан Зарафшон дарёсидан Кармана, Чаҳорминор, Жондорга сув йўллари барпо этилган, мавжудлари эса қайта таъмирланиб яхши сув иншоотига айлантирган. Ўша йилларда Сангзор дарёсидан Жиззах чўлини, Туятортар каналдан Самарқанд атрофидаги ерларни ўзлаштириш учун фойдаланишган. Ана шу даврларда Зарафшон дарёсининг Самарқанд худудига оқиб келган жойи, Роботхўжадан бошлаб ўн минглаб одамлар қўл меҳнати орқали Туятортар каналини қайта таъмирлаган.

Бу канални қазिशга борган кишининг яқинлари келиб, уни қўлидан кетмонни олмагунча ишни давом эттирган. Баъзи одамлар канал қазिशга кетаётганда ўғли бир ёшда бўлган бўлса, отасининг кетмонини бориб олгунча отаси ишлаган. Ўша даврда Бухоро хони шайбонийлар сулоласидан бўлган Абдуллахон II ҳақида шундай ривоят бор. Хон канал сувидан фойдаланиш мақсадида шу атрофдаги майдонларда қовун эктирган.

Қовун пишгандан сўнг полиздан яхши бир қовунни олиб келишини буюрган. Абдуллахон II ўғлига олиб келинган қовунни сўйишни буюрган. Хоннинг ўғли қовунга пичоқ солганда, қовун ичидан қизил сув оққан. Шунда ўғли Абдуллахон II га бу халқнинг қони деб, канал қазишни тўхтатишни сўраган. Абдуллахон II шу пайт қиличини қинидан суғириб, ўғлини чопиб ташлаган. Бу ҳолни кўриб турган беклар ва халойиқ бош кўтармай канални қазиб битиришган. Шунинг учун, ичи қизил қовунни халқимиз ҳанузгача “Абдуллои” қовуни дейишади.

Туятортарни қазилиши канал атрофида халқнинг кўпайиши ва уларнинг турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатган. Ҳозирги кунда ҳам юз минглаб аҳоли канал сувидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Нима учун, канал Туятортар номини олган. Норасмий маълумотларга қараганда, канални қазишда туяларнинг хизмати катта бўлган ва шуни ҳисобига каналга Туятортар номини беришган.

Бу ҳақида шундай бир ривоят бор. Ўтмишда бир ҳукмдор канал қазиш учун ўз сарҳадидан одамларни қазиш ишларига жалб қилган. Бойларнинг ҳам хизматкорларини қазиш ишларига олишган. Бир авлиё сифат одам, оиласи ва хизматкорлари билан шу худудда яшар экан. Подшоҳ мулозимлари келиб, ундан канал қазишга юзта одам беришини сўраган. Шунда соҳиб каромат подшоҳ мулозимларига қараб юзта одам берайми ёки юзта одамнинг ишини бажара оладиган бир одам берайми деб айтибди.

Шунда ажабланган мулозимлар, подшоҳ ҳузирига бориб, воқеани батафсил баён қилишибди. Бўлган воқеадан ажабланган ҳукмдор майли ўша бир кишини олиб келинлар деб айтибди. Мулозимлар қайтиб бориб, авлиёга ўша бир кишини беринг дейишибди. Шунда у бир мужрик кишини мулозимлар билан ҳукмдор олдига жўнатади. Уни кўрган ҳукмдор қаттиқ ғазабланади ва қинидан қилични суғирибчопиб ташлайди. Абдуллахон II топшириғига биноан, уни жасадини туяга ортиб орқага жўнатиб юборади.

Туя ҳар доим юрган йўлидан қайтиб жасадини бойнинг ҳузурига олиб келади. Воқеадан хабар топган бойни жаҳли чиқади, юз киши берганим билан, улар канални қайси йўналишдан қазиш кераклигини билмас эди, аммо мана шу одам каналнинг қайси йўналиш бўйича қазиш кераклигини биларди. Бу гапни эшитган элчи уни ҳукмдорга етказди ва подшоҳ, туя йўналишини аниқлаб канални қазишга фармон беради.

Маҳаллий халқ орасида канални Туятортар деб аталишига шу ривоят асос бўлган деган нақл бор. Ҳозирда Зарафшон дарёсидан канал орқали 50-55 куб сув оқади. Собик СССР даврида қиш фаслининг охирида Жиззахдан кўплаб мардикорлар келиб, ҳар йили канални тозалаб кетишган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида техника (экскаваторлар) ёрдамида канал жуда кенг қилиб қайта қазилган. Агар, XX асрнинг бошида каналдан 10-15 куб сув оққан бўлса, бу кўрсаткич 1960 йилларга келиб 25-30 кубни ташкил қилган. Маълумки, Туятортар канали энг аввало қишлоқ хўжалик экинларини суғориш ва қолаверса минтақа аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида барпо этилган. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса ҳам, канал ўз аҳамиятини йўқотмади, аксинча ҳозир ҳам, шу худудда истиқомат қилувчи халқларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Сўнги пайтларда атроф-муҳитни ҳамда табиий ресурсларни, жумладан энг қимматли неъматлардан бири бўлган сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан, сувни ифлос қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш, замонавий тежамкор технологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган далаларда томчилатиб суғориш тизими жорий қилиш муҳим вазифалардан биридир. Хулоса қилиб айтганда, канал сувига ҳар хил чиқиндиларни ташламаслик, сувини тоза сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т., 2001-2010.
2. Ҳакимов Қ.М. Жиззах вилояти топонимлари. -Жиззах. 2014.
3. Ҳакимов Қ.М.,Адилова О.А. Жиззах вилояти географияси. -Т., 2015.
4. www. wikipedia.uz

Jumayeva M.B., Narzullayev N. (Navoiy, NDPI)

MAMLAKATIMIZ QISHLOQLARIDA AHOLINI MARKAZLASHGAN SUV BILAN TA'MINLASHNING O'ZIGA XOSLIGI

Ичимлик суви бугун бутун yer yuzi aholisi uchun dolzarb hisoblanadi. Bugun O'zbekistonda qishloq aholisiga barcha komunal xizmatlarni sifatli yetkazib berishga imkoniyat bermoqda. Bu ko'rsatkich mustaqillikning ilk yillaridan toki bugunga qadar yaxshi tomonga o'sib bormoqda.

Insoniyat yashashi uchun kerak bo'ladigan eng buyuk ne'mat suv hisoblanadi. Global muammoga aylangan ichimlik suvi muammosi bu ne'matni qadirlashga undan oqilona foydalanishga undamoqda. Bugungi kunga kelib ichimlik suvi O'zbekistonni ham chetlab o'tmayapti bunga sabab daryolarimizning juda katta qismi qo'shni mamlakatlardan boshlanadi. Bu esa yurtimizda suv inshootlarini qurishda katta ahamiyat berish zarurligiga undaydi.

Qishloqlarimizdagi aholini toza ichimlik suvi bilan taminlash muammosini hal etish zarur hisoblanadi buning sababi inson istemolida suvning ahamiyati juda yuqori hisoblanadi. Ichimlik suvi qo'yilgan talablarga to'la javob bera olsa turli xil yuqimli kasalliklar uchramaydi.

Shahar aholisini xo'jalik ichimlik suvi bilan ta'minlashda Davlat standarti qo'yadigan talablar qishloq aholisiga ham taaluqlidir.

Qishloq sharoitida aholi turar joylari bir-biridan uzoq joylanganligi, rayon va shaharcha markazlari bilan qishloq orasidagi masofa olisligi markazlashgan ichimlik suvi qurilishi uchun ancha mablag' talab etadi. Qurilish sarflari ko'p bo'lganidan ko'pincha katta bo'lmagan qishloq ichimlik suvlari qurishga to'g'ri keladi ba'zan mahalliy ichimlik suvlari qurilishi bilan cheklanadi.

Qishloq ichimlik suvlari inshootlarini qurishda sanitariya nuqtai nazaridan asosan quyidagi ikki vazifa ko'ndalang bo'ladi:

1) qishloq ichimlik suvlari uchun shunday suv manbai tanlanishi lozimki, toki u suvi ishlanganda gigiyenik standart talabiga javob bersin. Suv fermalarida, korxonalarda va yana qayerlarda ishlatilmasin, bu talab o'z kuchida qolaveradi. Suvni chorvachilga ham, boshqa ehtiyojlar uchun ham ishlatilmasin, baribir toza bo'lishi kerak;

2) qishloqda quriladigan ichimlik suvlari inshooti asosan qishloq aholisini sifatli suv bilan ta'minlash masalasini hal etishi, so'ngra sanoat korxonalari, ferma va boshqa obyektlarni suv bilan ta'minlash lozim.

Qishloqlarda ichimlik suvlari inshootlari-skvajina quduqlari yoki ochiq suv havzalariga qurilgan suv olish qurilmalari, nasos stansiyalari yoki bosimli rezervuarlar bo'lsa, ichimlik suvlari tarmoqlarini aholi yashaydigan joylarga uzaytirish juda muhimdir. Bu sanitariya shifokorlarining nazaridan chetda qolmasligi kerak.

O'rtacha qishloqlar aholisi uchun sutkali suv sarfi 300 litrga yetishi mumkin. Qishloq ichimlik suvlarini loyihalash shuni ko'rsatadiki, suvning asosiy qismi aholi va jamoa muassasalarining ehtiyojlarini qondirish uchun ketadi, qolganini ishlab chiqarishga sarflanadi.

Qishloq sharoitida yer osti suvlaridan iloji boricha foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bunda ichimlik suvlari tizimi skvajina quduqlari, suv chiqaruvchi nasos stansiyalari, suv yig'ish uchun bosimli suv minoralari va suv tarqatish tarmoqlaridan iborat bo'ladi.

Qishloq aholisi chashma suvlaridan ham foydalanishlari mumkin. Masalan, sekundiga 5-6 litr suv beradigan chashma bir mahalla aholisini ta'minlay oladi. Tog' yon bag'irlarida ko'pincha chashmalar yer tagidan otilib chiqib, aholini suv bilan ta'minlaydi. Bunda suvni kata hovuzlarda tindirib, aholiga quvurlar orqali tarqatsa bo'ladi. Agar suvning sifati gigiyenik jihatdan javob bermasa, uni tindirish, filtirlash va xlorlash tavsifiya etiladi.

Mabodo yer osti suvlaridan qishloq sharoitida foydalanishga imkon bo'lmasa, ochiq suv havzalaridan foydalanishga to'g'ri keladi. Bunda vodoprovod inshootlarida oddiy sust filtrlardan foydalaniladi.

Qishloq joylarida artezian quduq suvlaridan mustaqil foydalanish tavsifiya etilmaydi, chunki har kim o'zi uchun artezian quduq kovlab, undan foydalanaversa yer osti suvlari ifloslanishiga imkon tug'iladi, ularni nazorat qilish mushkullashadi.

Keyingi yillarda qishloq aholisini sifatli suv bilan ta'minlash uchun yangi fikrlar va loyihalar paydo bo'la boshladi. Ulardan ko'zlangan maqsad ichimlik suvi tizimini bir qancha qishloqlar va tumanlar bilan birgalikda barpo etish, yig'ilgan mablag'ni to'g'ri sarflash, qolaversa, aholini talabiga javob beradigan ichimlik suv bilan ta'minlashdir.

Bunday ichimlik tizimlarini qurish sanoat korxonalarini ham, jamoa va davlat xo'jaliklarini ham, aholini ham to'la suv bilan ta'minlashi imkonini beradi. Ko'pgina mitaqaalarda suv manbalarini bo'lmasligi, suvlar hajmining kamligi yoki yuqligi suv tarmoqlarini guruh bo'lib qurishni taqozo etadi. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek "Biz qishloqni shaharga etolmas ekanmiz shaharni qishloqqa olib kelaylik" deb aytganlari o'z tasdig'ini topdi. Prezent qarori bilan qishloqlarda namunali uylarini tashkil etilishi esa qishloq aholisiga qulaylik bilan birga ularni toza ichimlik suvi bilan taminlash imkonini berdi. Bugungi kunda esa prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tashabbuslari bilan "Obod qishloq dasturi" amalga oshirilishi chekka chekka qishloq aholisining ham toza ichimlik suvi bilan taminlashiga erishilmoqda. Quduq suvlari istemol uchun yaroqsiz hisoblanadi. Keyingi yillarda aholini istemol suvlarini gigeynik talablarga javob berishiga katta ahamiyat berilmoqda. Bu esa kasalliklar turini kamayishiga olib keladi.

Adabiyotlar:

1. Rafiqov A.A. Geoekologik muammolar Toshkent O'qituvchi 1997 y.
2. Alibekov L.A. Ekologo-geograficheskie problemi Sentralnoy Azii, Samarqand, 2010, 416 b.
3. Znamiya drujba (gazeta) 20 noyabr 2015 g., № 93(3581)

Каримов И.Э., Абдуллаев И.Х. (Жиззах, ЖДПИ). (Тошент, ТДПУ)

СУВ ОМБОРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАШ

Инсоният тарихида кишиларнинг озиқ - овқатга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши дарё ва сой сувларини тўғонлар ёрдамида тўсиш, улардаги сувларни йиғиш ва сақлаш муҳим масалалардан ҳисобланган. Шунинг учун арид ҳудудларда, яъни сувга эҳтиёж катта бўлган жойларда, сунбий сув ҳавзаларини қурилган кўп йиллар давомида инсонларнинг чучук сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам берган.

Энг қадимги сув омборлари Нил дарёси водийсида, эрамиздан олдин 3000 йилларда, қадимги Миср давлатида қурилган. Бу ҳақда тарихий манбаларда, қолаверса, археологик топилмаларда ва бугунги кунда ҳам излари топилиши билан ифодаланмоқда.

Ўлкамизда, тарихий маълумотларга кўра, Ўрта Осиё давлатлари ҳудудида кичик сув омборлари – ховузлар эрамиздан олдинги II асрнинг бошларида қурилган. Уларни қуришдан мақсад кичик сойлар сувини тўплаб, сўнг ундан суғориш ва бошқа хўжалик ишларида фойдаланиш бўлган.

Жиззах вилояти ҳудудида эса, X асрда барпо этилган Хонбанди сув омбори энг қадимий сув иншооти ҳисобланади. Бу сув омбори Писталитоғ дарасининг (Фориш тумани) энг тор жойида қурилган бўлиб, тўғоннинг баландлиги 15 м дан ортиқ бўлган ҳамда унинг косаси 1,5 млн м³ гача сувни сиғдира олган.

XIX асрнинг охири XX бошларидан сув омборлари нафақат суғорма деҳқончиликда балки, иқтисодиётнинг бир қанча тармоқларида яъни, ичимлик суви таъминоти, электр энергияси, кемачилик, балиқчилик, тошқинларга қарши қурашиш каби масалаларни ечиш учун қурилган. Бугунги кунда уларнинг иқтисодиётдаги, айниқса, қишлоқ хўжаликдаги аҳамияти жуда каттадир.

Сув омборларнинг табиатда ўхшаш аналоглари деярли йўқ. Фақат шаклига кўра улар тўғон ва сўрилма кўлларга ўхшаш бўлади. Ҳозирги кунда мутахассислар сув омборларининг умумий кўриниши, сув тўплаши шарт-шароитлари, тўғоннинг қурилиши усуллари буйича уларни қуйидаги гуруҳларга ажратадилар:

- ёпиқ сувомборлари;
- очик сувомборлари.

Ёпиқ сувомборларига сув сақланадиган катта-кичик ер ости қурилма- резервуалар қиради. Бундай сув иншоатлари темирдан, темир – бетондан, тош ва бошқа материаллардан қурилади. Улар оқимни кунлар, hafta, ой баъзан мавсумлар буйича бошқаришга мўлжалланади. Ўлкамизда жуда қадимдан мавжуд бўлган сардобаларни ҳам ана шундай сув омборлари типига киритиш мумкин.

Очик сув омборлари икки хил булади:

1. Дамбали сувомборлари;
2. Туғонли сувомборлари.

Дамбали сувомборлари қуйидаги кўринишларда учрайди:

- а) бир томонлама дамба, нишаб жойида селдан сақлаш мақсадида қурилади;
- б) айлана дамба, ясси горизонтал жойида қурилади;
- в) ярим қовланган дамба, сув омбори сув сиғимини катталаштириш мақсадида қурилади.

Бугунги кунда сув омборларини шаклига кўра ҳам ажратилади, яъни улар учбурчак, овал, кўпбурчакли, мураккаб шаклга эга, бир неча қисмдан иборат бўлган кабиларига бўлинади. Бундан ташқари уларни иқтисодиётда фойдаланиш мақсадига кўра ҳам типларга ажратиш мумкин.

Юқорида қайд этилгандек, сув омборларидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин ва шунга боғлиқ ҳолда вазифалари ҳам турлича булади.

Маълумки, кўпчилик ҳолларда сув омборлари дарёлар водийсида, туғон қуриш йўли билан барпо этилади. Бу хилдаги сув омборлари энг кўп тарқалган ва уларнинг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида аҳамияти жуда катта.

Сув омборларининг туғонлари вазифасига кўра икки турга бўлинади:

- а) сув сатҳини кўтаришга мўлжалланган туғонлар. Улар энергетика, сув транспорти, дарё ёки каналдан сув олиш мақсадларида қурилади;
- б) сувни тўплаш ва дарё оқимини бошқариш мақсадида қурилган туғонлар.

Ҳозирги кунда ягона мақсадда туғон қуриш кам учрайди. Кўпчилик туғонлар мажмуали – комплекс мақсадларни кўзлаб қурилади.

Жиззах вилоятида ҳам кўплаб сувомборлари қурилган бўлиб, улар асосан қишлоқ хўжалик ва дарё сувлари оқимини бошқариш учун барпо этилган. Бунга Жиззах вилоятидаги Жиззах, Зомин, Қоровултепа, Хўжамушкент, Новқа ва Сармиш сув омборлари мисол бўла олади. Уларнинг барчасида бугунда комплекс равишда фойдаланиш ишлари йўлга қўйилмоқда: балиқчилик, рекреация, спорт ва бошқалар.

Бугунги кунда сув омборлари морфологик тузилишига кўра ҳам ажратилади: дарё водий сув омборлари ва котловина - кўллар турларига бўлинади.

Водийлардаги сув омборлар одатда бевосита дарёларда тўғон қуриш орқали барпо бўлади. Бунга вилоятдаги Арнасой сув омбори мисол бўла олади.

Котловина сув омборлари эса табиий ботикларда қурилади. Бу ерда сув йиғиладиган майдон 100 м² кам бўлса ховуз деб аталади.

Бундан ташқари сув омборлари сув билан таъминланишига кўра икки турга ажратилган:

- ўзан сувомборлари;
- тўлдириладиган сувомборлари.

Ўзан сувомборлари дарё ёки сойлар водийларида баланд тўғонлар қуриб сув оқимини бевосита тўсиш йўли билан барпо этилади. Бундай сув омборлари кўпчилик ҳолларда энсиз ва чўзиқ шаклда бўлади. Уларнинг тўғонолди қисми энг чуқур бўлиб, ундан дарё ўзани бўйича юқорилаган сари чуқурлик камайиб боради. Мазкур турдаги сув омборларини қуриш иқтисодий нуқтаи-назардан анча тежамлидир.

Тўлдириладиган сувомборлари дарё ўзанидан четда жойлашган табиий чуқурликлар, ботикларни сувга тўлдириш йўли билан барпо этилади. Ботиклар етарли даражада чуқур бўлмаса, уларнинг атрофи дамбалар билан кўтарилиб ёки тубини чуқурлаштириш йўли билан сув сифими орттирилади. Улар дарё ўзанидан четда бўлганлиги сабабли сув махсус каналлар орқали келтирилади. А.Б. Авакяннинг фикрига кўра, сувомборлари географик жойлашувига кўра тоғ, тоғолди, текислик ва денгизбўйи турларига ажратилган. Одатда тоғ сув омборларининг тўғон баландлиги 300 м ва ундан юқори, тоғолди сув омборларининг тўғон баландлиги 50-100 метргача боради. Текислик сув омборлари 30 метр, денгизбўйи сув омборларининг тўғонининг баландлиги эса, 5-10 метргача бўлади.

Сув омборлар – антропоген мажмуа бўлиб, инсон томонидан бевосита бошқариладиган объектдир. Бироқ улар кучли табиий омиллар таъсири остида бўлиши уларнинг динамикаси ва ривожланишига катта таъсир қилади. Шунинг учун ҳам сув омбори, ўрганиладиган объект сифатида, бошқарилиши ва фойдаланишига кўра “табиий” ва “техноген қўрилма” ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди. Бу эса ўз навбатида сув омборларни “табиий - техноген” тизим деб қарашга имкон беради. Сув омборлар фаолияти табиий муҳитга сезиларли, баъзида эса жуда кучли таъсир кўрсатади. Яъни улар жойлашган ҳудудда табиий ва хўжалик комплекслари ўзгаришига олиб келади. Демак, сув омборларини ўрганиш, тадбиқ этиш бугунги кунда долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга, қатор фан ва мутахассисликлар жалб қилиниши керак бўлган масалалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Авакян А. Б. Водохранилища и окружающая среда.- М Мысль 1982. с 41-54
2. Никитин А. М. Водохранилища Средней Азии.- Ленинград 1991. с 13- 21
3. Расулов А.Р. Ҳикматов Ф. Ҳ. Айтбоев Д.Р. Гидрология асослари.- Т. Университет. 2003. 40-49 б.

Саттаров С.М., Ахунбобоев М.М., Джураев М.Э. (Гулистон, ГулДУ)

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУВ РУСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсонлар қадимдан қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритишган. Шу сабабли сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга интилишган. Сирдарё вилоятининг асосий сув манбаи Сирдарё дарёси ҳисобланади. Вилоятда асосий эътибор суғориладиган ерларга (287,8 минг га) қаратилганлигини инобатга оладиган бўлсак суғориш тизиларининг аҳамияти нақадар катта эканлигини тушуниб етамиз. Вилоят ерларини асосан қуйидаги каналлар сув билан таъминлайди:

- Дўстлик канали - узунлиги вилоят худудида 76 км бўлиб, 100 минг гектарга сув беради.
- Жанубий Мирзачўл канали - узунлиги 93 км бўлиб, 176 минг гектарга сув беради.
- Сирдарё ўзанидан насос станциялар орқали 17,3 минг га майдон суғорилади.

Вилоят буйича 221,2 минг га майдон ўзи оқар сув билан таъминланган, 69,4 минг га насослар билан суғорилади.

Вилоятда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Республикамизда суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг ўртача балл бонитети Наманган, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларида ширкат хўжаликлари давридаги кўрсаткичга нисбатан 1, Қашқадарё вилоятида 1,5, Самарқанд вилоятида 2,3, Сирдарё вилоятида эса 2,5 балл ошганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

1918 йилда Туркистонда суғориш ишларини амалга ошириш учун 50 млн. сўм ажратилган бўлса, бу маблағнинг маълум бир қисми Мирзачўл ерларида 500 минг десятина ерларга сув чиқаришга сарфланиши кўзда тутилган эди (Л.Т. Турсунов, 1981). 1948 йилда Сирдарё сувини 20 м. баландликка кўтариб берадиган тўғоннинг (Фарход сув омбори) қурилиши энг аввало, Мирзачўл ерларида суғориш ишларини янада ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мирзачўл ерларининг қон томири ҳисобланмиш "Шимолий Мирзачўл" ("Киров" ҳозирги "Дўстлик") каналининг қурилиши ва ишга туширилишининг аҳамияти беқиёсдир. Канал қурилиши 1901 йилдан 1915 йилгача давом этган. Дастлаб унинг сув ўтказиш қуввати 50 куб м/с. га тенг бўлиб, 24 минг гектар ерни сув билан таъминлаган. Каналнинг сувидан суғориладиган ер майдонлари узлуксиз кўпайиб борди, 1940-1941 йилларда хашар йўли билан канал кенгайтирилиб, дамбалари ва қирғоқлари мустаҳкамланди, янги қисмлар қўшилди ва узунлиги 98 км дан 113 км га етказилди. 1951 йил канал сувидан фойдаланадиган ерлар майдони 122 минг гектарга етказилиб, унинг сув ўтказиш қуввати 160 куб м/с. ни ташкил қилди. Ҳозирги кунда «Дўстлик» каналининг узунлиги 116 км, сув ўтказиш қуввати 230 куб м/с. сув билан таъминлайдиган майдони 318 минг гектарга етказилган (100 минг га. Сирдарё ва 94 минг га. Жиззах вилоятлари, 120 минг га. Қозоғистон Республикаси). Йилдан-йилга каналнинг барча гидротехник жиҳозлари ўз вақтида қайта таъмирланиб, сувнинг шимилишини камайитиришга ҳаракат қилинмоқда. Каналнинг иш режими ҳозирги кунда автоматлаштирилган. Канал сувидан фойдаланишнинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Чунки энг катта сув омборлари Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари худудларида бўлиб, улардан сув олишга республикамиз кўп маблағ сарфлайди.

Республикамизда амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар учун ҳар йили жуда катта маблағлар ажиратилиб келинмоқда, масалан 2008-2015 йиллар давомида 1 трлн. 648 млрд. сўм. маблағ ўзлаштирилган.

Бу маблағлар асосан: Қурилган ва реконструкция қилинган: коллектор тармоқлари - 6,7 минг км; коллектор тармоқлари - 6,7 минг км; насос станциялар - 170 дона; тик дренаж қудуқлари - 1255 дона; кузатув қудуқлари - 5593 дона.

Таъмирланган ва тикланган: коллектор тармоқлари - 106,1 минг км; насос агрегатлари - 246 дона; тик дренаж қудуқлари - 6751 дона; сув ўлчаш иншоотлари - 348 дона, каби ишларга сарфланиб келинмоқда.

Вилоятда ер ости сувларининг ҳам аҳамияти катта. Вилоят худуди гидрогеологик жиҳатдан Тошкент олди артезиан ҳавзасининг жанубий ва жануби-шарқий қисмларини банд этган, ўртача мутлақ баландлиги 253-264 м дан иборат, шимоли-ғарбга томон кучсиз нишабликка эга, ясси юзали Мирзачўл ҳавзасида жойлашган.

Ер ости сувлари, айниқса грунт сувлари ер юзасига яқин бўлганлигидан геосистемаларнинг шаклланиши ва ривожланишида аҳамиятли .

Кўп йиллик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят худудида кенг ўзлаштириш ва суғориш ишлари бошланишидан аввалги даврда асосан ер ости сувлари чуқур жойлашган худудлар ва автоморф тупроқлар тарқалган. Ярим асрдан кўп давом

этаётган суғорма деҳқончилик таъсирида ҳудуднинг аксарият қисмида гидрогеологик шароит ўзгарган, ер ости ва сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб, чуқурлиги 1,5-3,0 м атрофида бўлиб қолди. (Вилоятдаги суғориладиган ерларда 2015 йилдаги маълумот асосида 89,8 минг га ерлардаги сизот сувларининг сатҳи 0-2 м гача чуқурликда бўлса, 198 минг га ерлардаги сизот сувларининг сатҳи 2 м дан чуқурда жойлашган).

Адабиётлар:

1. А.Солиев Ўзбекистон географияси. Тошкент.2014
2. Сирдарё вилояти статистик маълумотномаси.
3. Ўзбекистон география жамиятининг ахборотномаси.Тошкент ЎзМУ – 2011

Джураев М.Е., Хайитов Е.П., Холбутаев Ф. (Гулистон, ГулДУ)
**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СУВ ЗАХИРАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ИФЛОСЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.**

Сув - табиатнинг қимматбаҳо ресурси бўлиб, биосферанинг мавжудлигини таъминловчи моддалар алмашилиши жараёнларида ўта муҳим роль ўйнайди. Сувнинг қудратли кучи ҳақида академик В.И.Вернадский шундай ёзади: «Сув бизнинг сайёрамизнинг шаклланишида хал қилувчи роль ўйнаган. Ҳеч қандай табиий куч ўз таъсири бўйича энг асосий, энг қудратли, геологик жараёнларни тартибга солишда сув билан беллаша олмайди». Кейинги йилларда кўллار ва дарёлар сувда антропоген евтрофикасия ҳодисаси кенг тарқалмоқда.Бу ҳодисанинг моҳияти шундаки ,бунда кундалик турмушдан чиққан оқова сувлардаги биоген моддалар айниқса азот ва фосфор бирикмалари кам ҳаракат кўл сувларига тушиб тўпланади ва ундаги гидро кимёвий ҳамда гидро биологик режимни бузади. Оқибатда сув таркибида кўк яшил сувўтлари кўпайиб кисларод камайиб боради.Чунки кислароднинг кўп қисми бактериялар томонидан органик қолдиқларни парчалашга яъни сувўтларини чиришига сарфланади. Сувда чиринди миқдори кўпайиб оксидланиш – тикланиш жараёни бузилади ва анаэроб ҳолат вужудга келади. Бундай сувлар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади.

Сувнинг ифлосланишини айниқса саноат корхоналари кўп жойлашган ҳудудларда жумладан Тошкент ва Фарғона вилоятларида юқори бўлмоқда.

Республиканинг сув манбааларидаги сув тозалиги бўйича 6 типга бўлинади:

-тоза сувлар-тоғ жилғаларининг сувлари (Писком, Оқбулок, Теракли, Оқсув) бу сувларда биоген моддалар миқдори кам, минераллашиш даражаси паст оғир металллар ва пестицидалар белгиланган меърдан ошмайди.

-кучсиз ифлосланган сувлар–тоғ олди ҳудудларнинг сойлари (Оқтошсой, Угам, Оҳангарон, Ғовасой, Омонқўтан сойлари Чорвоқ ва Ҳисор сув омборлари). Бу сувларда биоген моддалар ва минераллар миқдори олдинги типда кўра кўпроқ.

-камроқ ифлосланган сувлар-тоғ олди ҳудудлари ва текисликда жойлашган аҳоли пунктларидан оқиб ўтадиган сувлар (Чирчиқ, Оҳангарон, Норин, Қорадарё, Зарафшон, Чимқўрғон, Қайроқхум ва Туямуйин сувомборлари). Бу сувларда минераллашиш, биоген моддалар ва бошқа ифлосликларнинг миқдори белгиланган меърдан 2-3 маротаба юқори.

-бироз камроқ ифлосланган сувлар-асосан дарёларнинг қуйи оқимларидан учрайди (Чирчиқ дарёсининг Чирчиқ саноат мажмуидан қуйи қисмида Қўқон дарёсининг Қўқон шаҳридан қуйи қисмида). Бу сувларда пистецидлар миқдори меърдан 3-5 марта минераллашиши эса 4-5 мартагача юқори.

-ифлослаган сувлар-шўланган тупроқнинг сизот сувлари тўланадиган захкашлар ҳамда саноат ва турмушдан чиқадиган оқова сувлари кўшилиб ифлосланган сувлар. Амударё ҳафзасида Оролбўйи ҳудудларида Бухоро воҳасида камроқ Фарғона воҳасида учрайди. Бу сувдаминераллашиш 3-5 марта юқори бўлиб улар таркибида оқова сувлардаги ифлос бирикмалар мавжуд.

-ўта ифлосланган сувлар-аҳоли зич жойлашган ва саноати ривожланган шаҳарларда ва улар атрофида учрайди. Бу сувлар айниқса Тошкентдан оқиб ўтадиган Солар дарёсининг шаҳардан қуйи қисмида. Чирчиқ дарёсининг Солар билан қўшилгандан кейинг қисмида кўп учрайди. Бу сувларда оғир металллар меёрдан 40-50 баравар юқори бўлиб турли хилдаги мураккаб бирикмалар ва заҳарли моддалар миқдори кўп.

Кўкон, Фарғона ва Марғлон шаҳарлари ер ости сувларининг сифати жуда ёмон, бу сувларда азот бирикмалари меёридан 10 бараваргача нефт маҳсулотлари ва феноллар эса 100 бараваргача кўп.

Тошкент вилояти ҳудудларида саноат корхоналари кенг ривожланганлиги учун мавжуд сув захиралари тўғридан тўғри ифлосланади. Чирчиқ, Янгийўл, Ангирен, Олмалиқва Тошкент шаҳарларидан ташланаётган заҳарли моддалар миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда. Чирчиқ «электрокимёсаноат» ва Ўзбекистон қийин эрувчан ва иссиқбардош металллар комбинат (ЎЗҚИМК) лари сувни ифлослантирувчи асосий манба ҳисобланади.

Аҳоли кўпайиб борар экан ўз эҳтиёжи учун турли саноат корхоналарини қайта ишлаш технологияларини яратади, қишлоқ хўжалигини ривожлантиради охир-оқибат атмосферага тупроқга сувга жуда кўпмиқдорда ингридинтлар ташлайди.

Комунал-маиший корхоналари сувга бутун,азот гуруҳи хлоридлар, сульфатлар ва нефт маҳсулотларини ташлайди.

Енгил саноат корхоналари сувга нефт маҳсулотлари азотли минераларнинг барчасини фасфотларни ташлайди.

Тоғ-кон қазиб олиш ва уларни қайтаишлаш ташкилотлари атрофига,сувга нефтмаҳсулотлари оғир металллар рух, кадмий, марганиц, мишяк ва бошқаларни сувга ташлайди.

Коллектор зовур сувлари ёрдамида яхши тупроқга кўп миқдорда минерал тузлар ташланади.

Ўтказилган текширишларнинг натижасига кўра сувни ифлослантирувчи таксик моддаларни Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари энг кўп миқдорда чиқаради.

Табиий сув манбалари ер ости минерал тузлари билан ифлослаганда ичиб бўлмайдди. Ифлосланган сувлар 20-30 км масофагача оқиб боради ва сувларни ичимлик ҳолатини бузади. Сув манбалари зарарланганда унинг ичидаги экотизим бузилади.

Адабиётлар:

1. З.Абдалова, Д.Ёрматова«Экология» Тошкент «Иқтисод молия»2013.
2. П.Султонов «Экология ва атроф-муҳит муҳофаза қилиш асослари» Тошкент «Муסיқа» нашириёти 2007.
3. А.Рафиқов «Экология» Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашириёти Тошкент 2004.

Xolmirzayev J.E. (Jizzax, JDPI)

JIZZAX VILOYATI SUV RESURLARINING TARQALISHIDA GEOMORFOLOGIK STRUKTURALAR

Har qanday xududning iqtisodiy jixatdan rivojlanishi tabiiy sharoit, tabiiy boyliklar, suv resurslari va joylashgan geomorfologik strukturalariga bevosita bog'liqdir. Qulay tabiiy sharoit va boy tabiiy resurlar har qanday mamlakat yoki xudud qdratining asosi bo'lib hisoblanadi. Hozirgi paytda tabiiy resurslardan juda ham keng ko'lamda foydalanish natijasida tabiatda yangi antropogen tabiiy-xududiy majmualar vujudga kelib, ularning maydoni va ko'lami tobora ortib bormoqda. Суғориб ишлов бериладиган ерлар жамият тараққиётининг барча босқичларида юқори баҳолаиб келинган. Ма'lumki, qishloq xo'jaligini yuritish tabiiy sharoit va tabiiy resurslarga, aniqrog'i suv resurslari va o'zining geomorfologik strukturasiga bog'liq. Hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakatimizda yer va suv resurslaridan, jumladan, sug'oriladigan

va lalmi yerlardan oqilona va samarali foydalanish hamda ularni muhofaza qilish shu kunning eng dolzarb masalasidir.

Xususan Jizzax viloyati suv resurslarining tarqalishi eng avvalo shu joyning reliefi geomorfologik holati, hamda yer osti tuproq qatlamlarining joylashish strukturalariga bog'liqdir. Viloyat xududida tabiiy suv resurslari notekis taqsimlangan, tog'li rayonlarda daryo tarmoqlari yaxshi rivojlangan bo'lib, tekisliklarda dadryolar yo'q. Sug'orishda Sirdaryo, Sangzor, Zominsuv, va Tuyatortar kanali orqali Zarafshon suvidan foydalaniladi. Jumladan Jizzax viloyati geomorfologiyasiga nazar tashlaydigan bo'lsak, Jizzax viloyati Mirzacho'l okrug tabiiy geografik o'rniga ko'ra janub tomondan Nurota, Molguzar va Turkiston tizmalari bilan, g'arbdan Qizilqum (okrug) cho'llari bilan, sharqiy qismidan Sirdaryo vodiysining o'rta qismi bilan, shimol tomondan ochiq tekislik ya'ni shartli ravishda O'zbekistonning Qozog'iston bilan bo'lgan davlat chegarasi orqali o'tadi. Janubi-sharqda esa 8 km kenglikdagi Xo'jand darvozasi orqali Farg'ona vodiysidan ajralib turadi. Mirzacho'l vohasi tektonik jihatdan bir xil emas. Vohaning tekislik qismi shimoli-g'arbga nishab bo'lib, dengiz sathidan o'rtacha balandligi 250-300 m ni tashkil etadi. Viloyatning shimoliy qismi Mirzacho'l tekisligining keng tekislik, janubi tog' oldi balandliklari hamda botiqliklarga ega bo'lgan o'ziga xos o'zaro genetik bog'liq relyefi bo'lib, ko'pincha bu genetik bog'liqlik olib boriladigan geomorfologik tadqiqotlarda qarama-qarshi fikrlarning yuzaga kelishiga sabab bo'lgan. Chunki janubiy qismi 4000 metrgacha baland mintaqalashgan zonani tashkil qilsa, shimoliy qismi aksincha tekislik va pasttekislikni tashkil qiladi. Uning shimoli-g'arbiy qismining dengiz sathidan balandligi esa 230 m, janubi-sharqiy qisminiki 350 m, Sirdaryo sohillari 250 m, janubi, ya'ni tog' oldi zonalarining dengiz sathidan balandligi 450-530 m ni tashkil etadi. Hududning asosiy nishabligi deyarli oqimsiz, nihoyatda ulkan botiqsimon maydonga yo'nalgan. Sirdaryoning suvi qadimdan mana shu botiqqa sizib chiqadi. Mirzacho'l ana shu sizot suvlardan (tabiiy yog'inlarni ham qo'shganda) har yili qariyb 150-200 ming tonna tuzni shimib yutadi. Tabiiy nishab deyarli yo'qligidan, har yili faqat 5 ming tonnaga yaqin tuz chiqarib tashlanadi. Demak, bu botiq hududga sug'orishdan ilgari ham tuz oqib kelganligidan dalolat beradi (G'. Yo'ldoshev, 2008). Shuning uchun ham nafaqat Jizzax viloyatining balki respublika miqyosida yerlarni geomorfologik hixatdan taxlil qilganimizda eng past botiq sifatida o'rganishimiz mumkin. Bina bizda yetarlicha sabablar bor, jumladan:



- Geologik va geomorfologik jihatdan eng pastda joylashganligi
- Hududdagi barcha yer osti va yer usti suvlarining shimolga tomon oqishi.
- Suvlarning harakati nafaqat respublikamizdan balki, qo'shni respublika Qozog'istondagi Chordara suv omboridan han oqib kelishi.
- Butun viloyat (Jizzax va Sirdaryo) viloyatlaridagi iflos tashlama oqova sizot suvlari kollektorlar orqali sizib kelishi kabi omillar Viloyatning haqiqatdan ham qarama-qarshi geotektonik strukturaga ega ekanligidan dalolat beradi.

Jizzax viloyatda ko'llar ko'p emas, faqat okrugning tabiiy qismidagi sho'rxok, botqoqlashgan botiqlar o'rnida zovur (drenaj)lar xamda tashlandiq suvlarning to'planishidan vujudga kelgan Aydar, Tuzkon va Arnasoy ko'llar tizimi vujudga kelgan. Ularning umumiy maydoni 3702 km² bo'lib, 44,1 km³ suv to'plangan. Aydarko'l botig'ining markaziy qismida, Arnasoy, Tuzkon va Aydarko'l ko'llari bo'lib, ular xozirgi vaqtda birlashib yagona Aydarko'l ko'llar tizimini tashkil qiladi. Aydarko'l ko'llar tizimi g'arbdan sharqqa 350 km uzunlikga ega bo'lsa, shimoldan janubga 2 kmdan 40 km oraliqdagi kenglikga egadir. Botiq landshaftlarining o'zgarishida muxim o'ringa ega bo'lgan Aydarko'l ko'llar tizimining paydo bo'lish tarixiga nazar solsak, dastlab ko'llar tizimi orasida Tuzkon ko'li vujudga kelganligi ma'lum.

Jizzax viloyatini kompleks o'rganish va shu asosda ulardan samarali foydalanish va muhofaza qilishning geografik asoslarini ishlab chiqish bugungi davr talabini toqozo etadi.

Adabiyotlar:

1. Baratov P.B. O'zbekiston tabiiy geografiyasi. Tashkent O'qituvchi 1996. 145-147 betlar.

2. Baratov P.B. Tabiatni muhofaza qilish. Toshkent. O'qituvchi, 1991
3. Қ.Ҳақимов, М.Ғўдалов. Жиззах вилояти географияси. Жиззах. Сангзор. 2004

Акзамов В.Б. (Jizzax, JDPI)

Жиззах давлат педагогика институти ШЎР СУВ ВА ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ

Организмнинг нормал фаолияти унинг ички муҳитининг бир хиллигидадир. Организмга ош тузининг узок муддат тушуши мазкур механизмнинг сезиларли силжишига сабабчи бўлади (Айзман и.др 1992). Маълумки ўрта Осиё минтақасида, айниқса орол ва унга яқин ҳудудларда тупроқ ва сув таркибида минерал тузларнинг ва заҳарли кимёвий моддаларнинг миқдорини кескин ошиб кетишига сабабчи бўлмоқда (Новицкий. 1992). Натрий миқдорининг озик овқатларда ва сувда ошиб кетиши оддий ҳолат сифатида қабул қилинмоқда.

Барча кимёвий моддаларнинг биринчилар қаторида овқат ҳазм қилиш тизимига тушушини ҳисобга олсак, улар мазкур органлар фаолиятига салбий таъсир қилмасдан қолмаслиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам узок муддат натрий хлор тузи эритмасини истеъмол қилиш қандай салбий оқибатларга олиб келиши янада долзарб эканлиги маълум бўлади.

Шунинг учун бир ой муддатда сув ўрнига 1.0%; 2.0%; ва 3.0% ош тузи эритмасини истеъмол қилган оқ каламушларда овқат ҳазм қилиш тизимидаги гидролитик функцияларига таъсири ўрганилди. Оддий шароитдаги тажрибалар виварий шароитида оқ каламушлар (Вистар линияси)да олиб борилди. Ичган шўр сув миқдори ўлчагичлари мавжуд сув ичиш қурилимасидан фойдаланилди. Ҳайвонларнинг вазни электрон тарозиларда тортилди. Биз олдимизга қўйилган мақсадга эришишимиз учун узок муддатли (5,15 ва 30 кунлар) тажриба ташкил этдик.

Ҳар бир тажриба турида 4 та гуруҳ ҳайвонлари иштироки назарда тутилади. 1- гуруҳ назоратдаги (контрол) гуруҳ: 2,3 ва 4 гуруҳлар эга тажриба гуриҳи ҳисобланиб, улар 1,0%, 2,0%, ва 3,0% NaCl тузи эритмаси сув ўринида ихтиёрий ичирилди.

Овқат ҳазм қилишда иштирок этадиган α -амилаза фермент фаоллигини ошқозон ости беши аралашмасида (гомогенат) сахараза ферменти фаоллигини эса узун ингичка ичакдаги шиллиқ қаватдан олинган аралашма академик А.М.Уголев томонидан ишлаб чиқилган ва янгиланган усулда аниқланди. (Уголев . А.М. 1969)



Текширишлар натижаси

Узоқ муддат сув ўрнида ҳар-хил концентрацияли NaCl эритмаси истеъмол қилинган ҳайвонларнинг ошқозон ости бешидаги α -амилаза, ингичка ичакдаги сахараза ферментлари фаоллиги қуйидагича ўзгаради.

α -амилаза. Берилган 1-расмдан кўриниб турибдики, тажриба бошлангандан кейинги 5-суткада тажриба учун олинган сув ўрнида 1.0%, 2.0%, ва 3.0%ли ош тузи истеъмол қилган каламушларнинг ошқозон ости беши ферменти α -амилаза фаоллиги барча гуруҳларда, масалан: 2-гуруҳда -10.7% га , 3- гуруҳда 18.9%га ва охириги гуруҳда эса 26.3% га сусайди. 15 суткада эса фермент фаоллиги сусайиши барча тажриба гуруҳларида сақланиб қолинди. (барча ҳолатларда $P < 0.001$). Тажрибаларимизнинг 30-кунда эса кескин сусайиши 2.0% ва 3.0% NaCl эритмаси истеъмол қилинган ҳайвонларда 60% ва 55.5% қисқариши кузатилди. 1.0 % эритма истеъмол қилган гуруҳда эса бу курсатгич 25% ни ташкил этади.

(1-расм)

(2-расм)



Саҳараза. Тажриба ҳайвонларидаги ингичка ичакнинг шиллик қаватида жойлашган ушбу фермент фаоллиги бўйича: 1.0% NaCl эритмаси истеъмол қилганларида (контрол ҳайвонларга нисбатан) 5-суткада 1.1% га 15-суткада 7.4% га ва охириги 30-суткада эса 15.6% сустлашган. ($P < 0.001$) 3 ва 4-тажриба ҳайвонларида ҳам энзим фаоллиги кескин тушиб кетиши 15-суткада 18.7%; 26% га ; 30-кунда эса 20.2% ва 27% ларга пасайиб кетди.


Узоқ муддат ҳар-хил ош тузи эритмаси истеъмол қилган ҳайвонлар вазнининг ўзгариши.

1.0% NaCl эритмаси истеъмол қилган ҳайвонларда тажрибанинг 5- кунда 15 ва 30-кунларида ҳам ўзгариш кузатилмади.

Ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинган шўр сув эритмаси таркибидаги NaCl миқдори.

Даствлабки 5-кун ичида контрол каламушлар (100 гр вазнига нисбатан олинганда) ўртача 17.96 мл оддий ичимлик суви истеъмол қилди. Бу кўрсаткич 2-гурухда (1.0% NaCl) 20.06 мл ни ташкил қилади. 2.0% ли эритма истеъмол қилганлар 26.2 мл, яқунловчи гуруҳда эса бу кўрсаткич ўртача 14.13 мл ни ташкил этди. Тажриба мухлатининг 15-суткасида 2,3 ва 4-гурухларида 67.8; 97.1 ва 44.2мл (100 гр вазнига нисбатан) шўр сув истеъмол қилишди.

(3-расм)



Сув ўрнига ҳар-хил концентрацияли NaCl эритмасини мажбуран истеъмол қилган каламушларнинг вазнининг ўзгариши ва истеъмол қилган шўр сувдаги тузлар миқдори .

Белгилар: И - дастлабки вазн. NaCl эритмалари а-контрол ; б, в ва г - 1,0%ли; 2,0% ва 3,0%ли ош тузи эритмалари.



30-кунда ҳам бу кўрсаткич 2-гурухда 147.8 мл; 3- гуруҳда – 197.1 мл; 4–гурухда эса 86.1 млни ташкил этди. Организмдаги 100 гр оғирлигига тушадиган ош тузининг бир

кунлик миқдори 0.04; 0.14 ва 0.08 гр. Шундай қилиб, бир ой давомида NaCl тузининг энг кўп миқдори 3-гуруҳда яъни 2.0% эритма истеъмол қилган ҳайвонларда кузатилди.

3-гуруҳда (2.0% ли NaCl эритмаси истеъмол қилган ҳайвонларда) дастлабки 5-кунда ўзгариш кузатилмади. 15-кунда эса (контрол ҳайвонларга нисбатан) 17.3%. 30-кунда эса 46.6% тана вазнининг кескин тушиб кетиши аниқланди.

4-гуруҳ ҳайвонларида ҳам вазн тушуши кузатилди, аммо 3-гуруҳдагидек эмас.

Узоқ муддат ичимлик суви ўрнига шўр сув (1.0%; 2.0% ва 3.0% NaCl эритма) ичган ҳайвонларда углеводларни ҳазм қилишда иштирок этадиган α -амилаза ва сахараза ферментлари фаоллигининг кескин тушиб кетиши ҳайвонларнинг вазнининг пасайишига сабабчи бўлади.

Шундай қилиб, шўрланиш даражаси юқори бўлган ош тузи эритма-ларининг ҳазм аъзоларига мунтазам тушиб туриши, организмда углеводларнинг нормал ўзлашишига салбий таъсир қилади. Натижада организм ўз фаолиятига бениҳоя зарур бўлган бундай моддаларга нисбатан кучли эҳтиёж сезади ва сунъий танқислик юзага келади. Бу эса ўз навбатида ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Бинобарин, юқоридаги бундай ўзгаришлар организмга тушаётган эритмалар таркибидаги NaCl миқдorigа бевосита боғлиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Айзман Р.И , Биструшкин С. К. , Склянов Ю.И. Водно-солевой обмен материнского и плодового организмов при гидротации в различные периоды беременности // Физиол. журн. им. Сеченова. -1992. –Т. 78, №6. –С. 97-104.
2. Новицкий Э.Б. Лес на осушенном дне Арала // Жизнь и экономика. -1992. –Т12. –С. 43-45.
3. Уголев А.М. Мембранное пищеварение: Полисубстранные процессы, организация и регуляция. –Ленинград: Наука, 1969. –С 358.

Абдуназаров Ҳ., Алмардонова Д., Пардаева Ш. (Сурхондарё, ТерДУ)

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРДАН ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ –ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Табиатда ўсадиган кўпгина ўсимликлар ўзининг шифобахш хусусиятига эгадир. Ер юзида доривор ўсимликларнинг 10-12 минг тури бор. 1000 дан ортиқ ўсимлик турларининг кимёвий, фармакологик ва дориворлик хоссалари аниқланган. Қадим замонлардан бери инсон ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни турли касалликларни даволашда фойдаланиб келмоқда.

Қадимда Ҳинд табобати дори-дармонлари ҳақидаги маълумотларни машҳур ҳаким Сушрут (Эрамузгача бўлган IV асрда яшаган.) ўзининг “Акор-веда” номли китобида ёзиб қолдирган. Ушбу китобда 700 та шифобахш ўсимликларга тавсиф берилиб, улардан фойдаланиш омиллари баён этилган. Мазкур асарлардан ҳозирги вақтда ҳам анъанавий Ҳинд табобатчилигида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Кейинчалик Ҳинд табобати ҳақидаги “Акор-веда” китоби асосида Тибет табобати ҳақида ҳикоя қилувчи “Чжуд-ши” (тўрт асос) китоби яратилган. Мазкур китобда Ҳинд табобатининг барча асослари сақланган ҳолда Хитой табобатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар билан бойитилади.

Буддизм динининг кенгайиб бориши билан биргаликда Тибет табобати аста-секин Хитой, Япония, Мўғулистон, кейинчалик Россиянинг Бурятия ўлкаларида тарқалади. Бироқ Бурятия Тибет ва Ҳиндистондан узоқда жойлашганлиги, бу ердаги табобатчилар кўпгина доривор ўсимликларни маҳаллий ўсимликлар билан алмаштиради.

Қадимги Мисрда ҳам шифобахш гиёҳлардан дори тайёрлайдиган табобат соҳиблари кўп бўлган. Улар табиат бағридан микробларни сингдирмайдиган моддаларни

хам топишган. Бунга 4-5 минг йиллар илгари мўмияланган одам жасадларининг ҳозирги кунгача сақланиб келинганли яққол мисол бўлади.

Бундан 25 аср илгари яшаб ўтган ҳаким Бян Цао ўзининг Хитой табобати қомуси бўлган "Нэй-цзин" асари ҳозирги кунгача машҳурдир.

Эрамининг II-III асрларида яшаган Хитой табиби Жун Фэн эса ушбу асар асосида дунёда биринчи "фармакология" китобини ёзган ва ушбу китобда доривор ўсимликларнинг мингга яқин турининг тавсифи берилган.

Қадимги Юнонистонда ҳам шифобахш гиёҳларни излашга катта эътибор қаратилган.

Рим империяси ҳатто Крит оролида доривор ўсимликлар ўстирувчи плантациялар ва махсус "илдиз кесувчи" дори тайёрловчилар бўлган.

Қадимги русда ҳам доривор гиёҳларнинг шифобахшлиги жуда қадрланган. Бу ерда шифобахш гиёҳларнинг сирти махфий сақланиб авлоддан-авлодга васият қилиб қолдирилган.

Доривор ўсимликлар билан шуғулланувчиларни "знахаря" деб аталган. Улар айна пайтда табиблик билан шуғулланишган.

XV асрнинг ўрталарида Киевда дорихоналар очилиб, шифобахш ўсимликлар савдоси йўлга қўйилган.

1709-йилдан эътиборан доривор ўсимликларни саноат асосида йиғиб олиш ва ундан дори тайёрлаш бошлаб юборилди.

Россиянинг Лубна шаҳрида 1809 йилда доривор ўсимликлар билан савдо қилувчи биринчи хусусий дорихона очилган. Мазкур дорихона шаҳардан ташқаридаги дорихона ва дўконларни ҳам доривор ўсимликлар билан таъминлаб турган. Ҳалқ табобатида доривор ўсимликлардан фойдаланиш Ўрта Осиёда дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан анча илгари бошланган. Ўрта Осиёлик олимлар Шарқ табобати илмини чуқур ўрганиб, доривор ўсимликларга оид қўплаб асарларни бошқа тиллардан араб тилига таржима қилишган. Бу борада Ўрта Осиёлик буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур "Тиб қонунлари" асарини яратган. Ибн Сино ўзининг ушбу асарида 900 га яқин доривор ўсимликлардан фойдаланиш усуллари ёритиб берган.

Айниқса ўз замонасининг машҳур ҳакимлари бўлган Хоразмлик Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Бакир Муҳаммад бин Закария Ар-Розий, Шарафиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоҳий, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Абу Мансур Бухорийлар ҳам Шарқда табобат илмининг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Археологик тадқиқотлар шундан далолат берадики, Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби шаҳарларда дорихоналар мавжуд бўлган. Бу ерда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан олинган хомашёдан турли дори-дармонлар тайёрланган. Айниқса Темурийлар давлатчилиги даврида Балх, Самарқанд, Шахрисабз, Навоий замонасида Хиротда табобат илми билан шуғулланувчи олимларга кенг имкониятлар яратиб берилган.

Мустақиллик йиллари республикамизда доривор ўсимликлардан ҳалқ табобатида ва тиббиётда фойдаланиш учун катта имкониятлар яратилди. Ўзбекистон табиати ўзининг бетакрорлиги, қулай табиий шароити, бу ерда хилма-хил ўсимликлар дунёсининг вужудга келишига замин яратган. Ҳозирги вақтда республикамизда доривор ўсимликларнинг 577 тури мавжуд бўлиб, улардан 250 тури илмий табобатда ишлатилмоқда. Республикамининг тоғ ва тоғ олди районлари ўсимликлар оламига бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерларда қирққулоқ, равоч, ялпиз, кийикўт, мингбош, алқор, зирк, зира, андиз ва бошқа ўсимлик турлари ўсади. Бундан ташқари Эфир мойларига ва алколлоидларга бой ўнлаб ўрганилмаган ўсимликларни ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, уруғи ва илдиз тугунақларини кўчириб келтириб алоҳида плантациялар ташкил қилиб, иқлимга мослаштириб кўпайтириш мумкин. Сўнгги йилларда республикамизда ўсадиган ноёб доривор ўсимликлардан сифатли дори дармонлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Бу борада презедентимизнинг 2017 йил 3-майдаги “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги фармони шифобахш ўсимликларга бой, экологик соф фармацевтика саноати марказига айлантириш, турли ноёб доривор гиёҳлардан сифатли дори-дармон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда республикаимиз заминидида ўсувчи доривор ўсимликларидан оқилона фойдаланган ҳолда улардан соф экологик сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, уларни табиатнинг бир ажралмас қисми сифатида муҳофаза қилишимиз бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том Тошкент. Ўзбекистон. 2017
2. Холматов.Х.Х. Қосимов.А. И. Доривор ўсимликлар-Тошкент: Ибн Сино номидаги нашриёт- матбаа бирлашмаси 1998 й-б
3. Холиқов.К. Ўзбекистон жанубидаги доривор ўсимликлар-Тошкент: “Меҳнат” 1992-б

Абдуназаров Х., Сатторов А. (Сурхондарё, ТерДУ)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ НОЁБ ТАБИАТ - АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Сурхондарё вилояти ўзининг нафосатли гўзал мафтункор табиати билан машҳурдир. Воҳанинг гўзал сўлим табиати бу ерга меҳмон бўлиб келган ҳар бир сайёҳларнинг диққат эътиборини ўзига доимо тортиб келмоқда.

Вилоят ер усти тузилишининг мураккаблиги бу ерда Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий тармоғи бўлган Бойсун ҳамда Кўхитанг тоғларида табиатнинг ноёб, ғаройиб ҳамда мафтункор гўшаларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Айниқса вилоятнинг Бойсун ва Сариосиё туманларида бундай масканларнинг мавжудлиги воҳа табиатининг бетакрор эканлигидан далолат беради. Ана шундай гўзал табиат ёдгорликларидан бири Сариосиё туманидаги Сангардак қишлоғида жойлашган Сангардак шаршарасидир. Шаршара булоқ сувларидан ҳосил бўлиб, денгиз сатҳидан 3-минг метр баландликдан отилиб чиқиб ноёб табиат мўъжизасини намоён этади. Шаршара суви 150 метрдан ортиқ баландликдан атрофдаги қояларга урилиб оқади. Шаршара атрофидаги ҳудудларда анжир, наъматак, узум каби дарахт ва бутасимон ўсимликлар ўсади. Сангардак шаршарасини ҳосил қилувчи булоқлар сувни қоялар ичида жойлашган кўлдан олади. Мазкур шаршара “ Шаршара-мозор “номи билан машҳур бўлиб, ҳар йили зиёратчилар билан гавжум бўлади. Унинг атрофида сержило камалак ҳосил бўлиб, бу ерга келган сайёҳларни ҳайратга солади. Шаршаранинг ўнг томонида ундан 200 метр баландликда маҳаллий аҳоли томонидан “Жавзо суви” деб аталадиган ғаройиб булоқ жойлашган. Қизиғи шундаки, булоқ бир йилда бир марта фақат жавзо (май) ойида тоғ бағридан сув оқа бошлайди. Ушбу ой тугаши билан тоғ бағридан оқаётган сув ҳам тўхтайдди. Кишиларни ҳайратга соладиган бу ғаройиб жумбоқ ҳалигача илмий асосда ўрганилмаган. Бундан ташқари Сангардак тоғларида сангардак булоғи, қора булоқ, сирсой булоқ. Ширин булоқ каби булоқлар жойлашган.

Вилоятнинг яна бир табиат- археологик ёдгорликлардан Бойсун тоғ тизмасида жойлашган. Республикаимизнинг йирик археологик қўриқхонаси бўлган тешиктош ғоридир. Тешиктош ғори Мачайдаги зовталаш сой дарасида денгиз сатҳидан 1500-1600 метр баландликда жойлашган бўлиб, унинг бўйи 7, эни 20, узунлиги эса 21 метрни ташкил этади. Ғорнинг шифти тешик бўлгани учун гулхан ёқилса тепадаги туйнукдан чиқиб кетаверган. Шунингдек ғорда 1,5 метр қалинликда 5 маъданий қатлам бўлиб, ҳар бир қатламдан биттадан, баъзиларида иккитадан диаметри 40 сантиметр, сатҳи 2 метрга етадиган гулхан қолдиқлари топилган. Ғор ичида гулхан излари, тошдан қилинган

Ўчоқнинг ўрни, тош ва суякдан ясалган меҳнат қуроллари, 3000 та тош буюм, 2,5 мингдан кўпроқ чакмоқ тош парчалари, 10 мингдан ортиқ суяк синиқлари топилган. Қадимги Тешиктош ғори одамлари асосан овчилик ва йиғувчилик билан шуғулланиб, қоплон, буғу, ёввойи от, айик, айниқса тоғ эчкиларини кўплаб овлашган.

Ушбу ғор 1938 йилда археолог олим А.П.Окладников раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи илмий жихатдан ўрганиб, бу ердан 8-9 ёшли неандертал боланинг бош суягини топган. Бу тарихий археологик топилма бундан 100-40 минг йиллар олдин яшаган аждодларимизнинг белгиси эканлиги илмий жихатдан асослаб берилди. 1949 йил антрополог Герасимов бош суяги асосида Тешиктош одамнинг юз тузилишини тиклаган. 1973 йили антрополог Алексеев Тешиктош ғори одамни тўла ўрганиб чиқди. Олимнинг фикрига кўра скелет аёл кишиники бўлиб, инсон эволюциясининг неандертал фазасига мансублигини аниқлаган.

Сурхондарё вилоятида табиат билан боғлиқ тарихий-археологик ёдгорликдан бири–мезолит даврига оид ибтидоий тасвирий санъат ёдгорликлари бўлган Зараутсой расмлари ҳисобланади. Зараутсой вилоятнинг Шеробод туманида жойлашган. Зараутсой 1912 йилда И.Фёдоров томонидан топилган. Бу ерда мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб 200 дан ортиқ расмлар чизилган. Унда одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, бурама шохли эчки, жайрон, тоғ эчкиси, ҳашорат), турли буюмлар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар) ниқобланган одамлар ўзига хос асосида ҳаётий қилиб ишланган.

Зараутсой суратлари асосида Шерободда инсониятнинг илк босқичи яшаб ўтганлиги тўғрисида кўплаб қимматли материаллар илмий-археологик жихатдан тўла асослаб берилди. Зараутсой ибтидоий санъатининг ноёб ёдгорлиги сифатида “Ёдгорликларни муҳофаза қилиш”, “Қизил китоб” ига киритилган.

Вилоятимизга ташриф буюрадиган маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб этадиган табиат ёдгорликларидан бири Бойсун туманидаги Сайроб чинори ҳисобланади. Ушбу чинорнинг ёши 950йилга яқин. Тарихнинг турли тарихий даврларида икки туп кўхна чинор танасидаги каттақон ковақдан илгари аскарлар қароргоҳи, қишлоқ кенгаши идораси, кутубхона, мактаб, чойхона, сартарошхона сифатида фойдаланилган. Ҳозирги вақтда эса унинг ичида музей ташкил қилинган. Сайроб чинори табиий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган.

Хулоса қилиб айтганда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари кескинлашиб бораётган ҳозирги вақтда табиатнинг ноёб географик-археологик ёдгорликларини муҳофаза қилиш, улардан ташқи ва ички туризмни ривожлантиришда самарали фойдаланиш мазкур табиатнинг ноёб масканларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир кишининг бурчи бўлиши керак.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.” Ўзбекистон”, 2016.
2. Баратов П.Ўзбекистон табиий географияси .-Т.”Ўқитувчи”,1996.
3. Рўзиев А.Сурхондарё вилояти .-Т.;”Жайхун”,1996.

Shodiyev S.R., Narzullaev N. (Navoiy, NDPI)

ATMOSFERA HAVOSINING EKOLOGIK XUSUSIYATILARI (NAVOIY SHAHRI MISOLIDA)

Hozirgi kunda respublikamizda ekologik vaziyat nihoyatda achinarli axvolda ekanligi endilikda hammaga ma'lum. Bu narsa tabiiy resurslar butun planetamiz miqyosida jadal foydalanilayotgan va kishilarning tabiatga ta'siri nihoyatda kuchayib borayotgan hozirgi paytda katta ahamiyat kasb etmoqda. Bu muammoning muhimligi yana shundaki, kelajakda davlatlar rivojlanishning iqtisodiy asoslari va butun insoniyatning salomatligi bevosita tabiiy muhitning sog'lomligi bilan belgilanadi.

Navoiy shahri respublikamizdagi tashkil topgan eng yosh shaharlar qatorida tursada, bu hudud juda qadimdan havosi toza, tabiati soʻlim bir diyor sifatida mashhur boʻlib kelgan. Biz yashayotgan qadimiy Navoiy shahri 1992 yilning 27 yanavrida Prezidentimizning qaroriga binoan qayta tiklangan Navoiy viloyatining markazi sifatida faoliyat koʻrsatmoqda. Navoiy shahrining aholisi 2017 yilning 1-yanvar holatida 148,5 ming kishini tashkil etadi. Maydoni esa 14,2 ming km² ga teng. Shaharda kimyo va metallurgiya sanoatlari yaxshi rivojlangan. Shahar Zarafshon vodiysida, Turkiston va Zarafshon tizmalari orasida joylashgan. Shimol va gʻarbdan Qizilqum choʻli bilan janub tomondan Qarnab va Qarshi choʻllari bilan oʻralgan. Iqlimi keskin kontinental, yozi juda issiq. Yozda juda quruq va sovuq qishda qisman nam, yogʻinli kunlar 41, shamolning tezligi oʻrtacha 3,0 m/s.

Ayniqsa, Amir Temur, Jahongir Mirzo, Mirzo Ulugʻbek, Mirzo Bobur singari tarixiy siymolar qatorida Bahovuddin Naqshband, Ali Qushchi, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi olimlar ham Navoiy shahri tuprogʻiga toʻxtab oʻtib, bu yurtning tuprogʻi unumdor, shahar va uning atrofi uzumzor va bogʻlar bilan burkangan deb taʼriflaganlar.

Navoiy shahri soʻlim tabiati va oʻziga xos meʼmorchilik sanʼati, muxtasham qurilishlari va imoratlari bilan hozirgi kunda minglab kishilarni oʻziga jalb qilib kelmoqda.

Soʻnggi yillarda aholi sonining ortib borishi, koʻplab sanoat korxonalarining barpo qilinishidan atmosferaning ifloslantirilishi, koʻchalarda avtomobillarning koʻpayishidan shaxar ob-havosi oʻzgara boshladi. Natijada atmosfera tarkibida inson organizmi uchun zararli va zaxarli moddalar (vodorod peroksidi, xlor, ammiak, serovodorod, karbonat angidrid va hakoza) ortib borishi kuzatilmoqda. Navoiy shaharida joylashgan viloyat gidrometeorologiya markazi xodimlari hamda Navoiy davlat pedagogika instituti olimlari tomonidan atmosfera ifloslanishini nazorat qilib turish va tegishli tavsiyalar berish yoʻlga qoʻyilgan. Gidrometeorologiya markazi maʼlumotlarini taxlil qilganimizda Navoiy shahrida atmosfera tarkibida fenol-0,002 mg/m³ (0,7 PDK), changning-0,5 mg/m³ -1,0 PDK yuqori miqdori kuzatilgan.

Havoning qolgan aralashmalari bilan ifloslanish darajasi: oltingugurt dioksidi, uglerod dioksidi, azot oksidi va dioksidi, sulfatlar boʻlishi mumkin boʻlgan darajadan deyarli yuqori emasligi qayd qilindi. Atmosfera havosining ifloslanish darajasi 2006-2017 yillar davomida sulfatlar, azot dioksidi va chang doimiy darajasida bir xil boʻlib kelganligini koʻrish mumkin. Azot dioksidi va uglerod oksidi atmosfera tarkibida baʼzi yillarda pasayish hollari kuzatilgan. Azot oksidi va fenolning yuqori boʻlmagan oʻsishini koʻrish mumkin. Baʼzan esa fenolning mumkin boʻlgan miqdoridan ham eng yuqori barqaror holati kuzatilgan. Ammiak miqdori 2006 yildan boshlab kuzatib borilgan va bugungi kunda oldingi yillarga nisbatan kamayganligi kuzatilmogʻda. Shahar atmosferasi ifloslanishi darajasiga sanoat korxonalari, avtotransport chiqindilari va shaharda tozalik holatining talabga javob bermasligi sabab boʻlmoqda. Viloyat tabiatni muhofoza qilish boshqarmasi maʼlumoti boʻyicha shahar havosi har yili qariib 40,2 ming tonna karbonat angidrid gazi, 12,3 ming tonna boshqa xil gazlar (is gazi, ammiak birkmalari, vodorod sulfidi), simob va benzin bugʻi bilan ifloslanadi. Shahar havosida tarkibida, ayniqsa karbonat angidrid gazining miqdori haddan ziyod ortib borayapdi. Navoiy davlat pedagogika instituti Tabiiy fanlar fakulteti olimlari hamda viloyat gidrometeorologik markaz xodimlari bilan hamkorlikda har bir kvadrat kilometr maydonga yiliga taxminan 27.887 ming tonna zaharli moddalar oʻtirishini aniqlashdi. Bu havoning normal xolatiga nisbatan ancha koʻp demakdir.

Kuzatishlar vaqtida biz oʻz diqqatimizni shahar hududida joylashgan Navoiyazot, Elektrokimyo, Sement, Paxta tozalash korxonalariga qaratdik. Bu korxonalar joylashgan xududlarda atmosfera havosi nihoyatda ogʻir ahvolda. Maʼlumki yozda havo issiq va quruq boʻlganligi tufayli, shu bois havoga chang koʻp koʻtariladi, quruq fasllarda shahar koʻchalarining oʻz vaqtida tozalanmasligi va vaqti -vaqti bilan suv sepib turilmasligi ham chang koʻtarilishiga olib keladi. Shahar havosining ifloslanishda avtotransport hissasi ham katta. Hoziri kunda ularning soni 96 mingdan ortiq. Bir avtomobil sutkada bir kilogrammga yaqin tutunli gaz chiqaradi. Shu gazning besh grammi karbonat angidrid, 0,7 grammi ammiakli birikmalar, is gazi, vodorod sulʼfid va alʼdigidlardan iborat, qolgani esa tutundir.

Shahar havosi har sutkada taxminan 70,0 tonna karbonat angdrid gazi, 10,2 tonna boshqa xil gazlar (is gazi, ammiak birikmalari, vodorod sul`fidi, al`degidlar) simob va benzin bug`i bilan ifloslanadi. Shahar havosi tarkibida ayniqsa karbonat angdrid gazning miqdori ortib bormoqda.

Bu xolat aholi o`rtasida ateroskleroz, yurak tomir kasalliklari, surunkali bronxit, o`pka raki, bronxial asitma, asab xastaliklariga duchor bo`lmoqdalar.

Kishilar organizmining nomuvofiq ta`sirlarga, yuqumli viruslarga qarshiligi, tabiiy immuniteti susayishi oqibatida allergiya kasalliklari paydo bo`lmoqda.

Shuning uchun shahar havosi ifloslanishining oldini olish uchun quyidagi tadbirlarni amalga oshirish zarur:

1. Shahar havosini ifloslantirayotgan sanoat korxonalarining chang va gaz tutqich moslamalari bilan ta`minlash, ularning faoliyatini nazorat ostiga olish zarur.
2. Avtomobillarni gaz asosida ishlashga o`tkazishni to`la ta`minlash, shahar ko`chalari tozaligi, havosi musafoligi tadbirlarini o`tkazish.
3. Shuningdek ko`chalarni ko`kalamzorlashtirish, yangi bog`lar, gulzorlar va xiyobonlar bunyod etish zarurdir. Bu tadbirlarni amalga oshirishda umumxalq hasharini tashkil qilib, shahar aholisining ishtirokini to`la ta`minlash maqsadga muvofikdir.
4. Fikrimizcha, ekologik muammolarni hal qilishga aholi to`la jalb qilinmaganli, buning asosiy sababi joylardagi ekologik sharoit va muammolarning etarlicha yoritilmasligi hamda axolining ekologik savodxonligini oshirish bilan yunalishni muvofiklashtirib turuvchi ilmiy-amaliy markazlar ijobiy ishlarni amalga oshirmayotganliklaridadir.

Adabiyotlar:

4. Alibekov L.A. Ekologo-geograficheskie problemi Sentralnoy Azii, Samarqand, 2010, 416 b.
5. Salimov X.V. Ekologiya (o`quv qo`llanma) Navoiy, «konchi-texproekt», 2015, 270 b.
6. Znamiya drujba (gazeta) 20 noyabr 2015 g., № 93(3581).

Usmanova R., Baxriddinova M. (Qashqadaryo, QarDU)

YER RESURLARINI TABIIY GEOGRAFIK JARAYONLARDAN MUHOFAZA QILISH XUSUSIDA

Ma`lumki, har qanday mamlakatning yer maydoni uning muhim milliy boyligi sanaladi. Yer resurslaridan oqilona foydalanish maqsadida davlatimiz tomonidan siyosiy, huquqiy, tashkiliy, iqtisodiy va ijtimoiy ahamiyatga ega bo`lgan chora tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shu jihatdan umummilliy boyliklar orasida yerning ahamiyati yetakchidir. Yer barchani boqadi, to`ydiradi. Zotan yer tabiiy resurs va qishloq xo`jaligida asosiy ishlab chiqarish vositasi bo`lganligidan boshqa zahiralardan farq qiladi.

Yerning sifatini belgilab beruvchi ko`rsatgichlar yerdan foydalanish, uni muhofaza qilish choralarni ko`rish uchun asosiy omildir. Tuproq qoplaminin degradatsiyalashuvi – sho`rlanish, eroziyaga chalinish, cho`llashish kabi tuproq qashshoqlashuvida ifodalanadigan jarayonlar yerni qishloq xo`jaligida foydalanishga yaroqsiz holatiga keltirishi barchaga ma`lum. Biroq, bu umumiy holat bo`lib, bu borada eng avvalo qishloq xo`jaligida foydalanadigan yerlar, xususan sug`oriladigan yerlar katta ahamiyatga ega.

Qashqadaryo viloyatining hududiy doirasida 2016 yil ma`lumotlariga ko`ra ekin ekiladigan maydonlar 532,8 ming gektarni bo`lib, haydaladigan yerlar 679,2 ming ga, ko`p yillik daraxtzorlar 37,6 ming ga, bog`lar 18,5 ming ga, tokzorlar 10,0 ming ga, tutzorlar 8,9 ming ga, ko`chatzorlar 0,2 ming ga, bo`z yerlar 22,2 ming ga, yaylovlar 1408,4 ming ga, aholi tomorqa yerlari 79,7 ming ga, shundan sho`rlanmagan maydonlar 272 870 gektar, kuchsiz sho`rlangan maydonlar 182009 gektar, o`rtacha sho`rlangan yerlar 47860 gektar va kuchli sho`rlangan maydonlar 12840 gektarni tashkil etadi. Paxta yekilgan maydon 160,5 ming ga, galla maydon 254,9 ming ga ni tashkil etadi.

Jami yer fondi va umumiy qishloq xo'jaligi yerlari tarkibida ekin yerlar, jumladan sug'oriladigan yerlar uncha katta maydonlarni egallamaydi. Shu bois, mavjud sug'oriladigan yerlardan samarali foydalanish, ularning meliorativ holatini yaxshilash va unumdorligini, qishloq xo'jaligining samaradorligini oshirish muhim va dolzarb ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda sug'oriladigan yerlarning 8 foiziga yaqini yoki 325 ming gektari meliorativ holati yomon yerlar hisoblanadi. Bu o'z navbatida, tuproqlar sho'rlanish darajasining yuqoriligi hamda yer osti suvlari sathining ko'tarilishi tufayli yuz bergan. Ko'p yillar davomida qishloq xo'jaligi ekin maydonlarida hosildorlikni oshirish maqsadida yerni haddan ziyod ko'p mineral o'g'itlar bilan oziqlantirish, ekinlarni kasallik va zararkunandalardan himoya qilish maqsadida zaharli kimyoviy vositalaridan foydalanilib kelingan.

Qashqadaryo viloyatida sug'oriladigan dehqonchilik zonalarida qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishiga tabiiy geografik jarayonlardan suv eroziyasi, shamol eroziyasi, gravitatsion jarayonlar, sel hodisalari, loyqa bosishi, botqoqlanish, sho'r bosish, qatqaloq hosil bo'lishi hodisalari eng ko'p salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Qashqadaryoda tabiiy sharoiti, yer usti tuzilishi, tog' jinslari va iqlim sharoiti tekisliklardan tog'larga tomon o'zgarib borganligi sababli tabiiy geografik jarayonlar, ularning intensivligi va fasliylik xususiyatlari ham tekislikdan tog'larga tomon o'zgaradi.

Tabiiy geografik jarayonlarning qishloq xo'jaligiga ta'siri ularning ro'y berish sur'atiga, maydoniga, yo'nalishiga bog'liq. Bu xususiyatlar mavsumiyliги sababli o'zgarib turadi. Ayniqsa, hudud relyefining turli shakllariga tog'larga, adirlar, tog'oldi qiya tekisliklari, daryo terrasalari, tekisliklar va qirlarga, daryolar deltalari va boshqa xil relyef shakllariga turli xil tabiiy geografik jarayonlar xosdir.

Relyef shakllariga qarab tabiiy geografik jarayonlar turlari o'zgaradi. Masalan, tog'larda qurumlar hosil bo'lishi va surilma hodisalari, tuproqning yuvilishi, lyoss va lyossimon gil, qumoq jinslardan tashkil topgan tog'oldi qiya tekisliklarida esa jarlarning hosil bo'lishi, tuproq yuvilishi, gruntning cho'kishi hodisalari, daryolar vodiylari va yuqori terrasalarida esa sel oqimlari jinslarining to'planishi, sug'orma eroziya, pastki terrasalar, botiq, pastqam yerlarni loyqa bosishi, tekislik yerlarda tuproqni sho'r bosishi, quruq yerlarda qum to'zishi kabi tabiiy geografik jarayonlar hodisalari ro'y beradi.

Qashqadaryo havzasining tog'li va tog'oldi qiya tekisliklarida relyef va yonbag'irlarning qiyaligi yerning yuza qismida tarqalgan jinslarni, yog'in miqdori va uning fasllari bo'yicha taqsimlanishi tuproqning va tuproq osti jinslarining yuvilishiga sabab bo'ladi. Aksincha, o'simliklar, ularning zichligi, tuproq xususiyatlari, hayvonot dunyosi tuproqlarning yuvilishini sekinlashtiradi yoki tezlashtirishini ko'rish mumkin.

Qashqadaryo havzasining tog'li hududlarida (Dehqonobod, Qamashi, Yakkabog') surilmalar ko'p tarqalganligining guvohi bo'lish mumkin. Surilmalarning ro'y berishida esa tog' jinslarining tarkibi va yotish holati, yonbag'irlarning qiyaligi, yer osti suvlari asosiy rol o'ynaydi. Yonbag'irlar ekspozitsiyasi, o'simlik qoplami ikkinchi darajali omillar bo'lib, surilish hodisasini tezlashtirishi yoki sekinlashtirishi mumkin.

Gidroiklimiy omillarda ayniqsa, haroratning sutkalik va fasliy keskin o'zgarib turishi, yog'inlar miqdorining fasliy taqsimlanishi, yer usti va yer osti suvlari, tuproqning yuvilishi, jarlarning hosil bo'lishi, surilma hodisalari va botqoq bosishining intensivligini belgilaydi. Qashqadaryo viloyati iqlimi uchun keskin kontinentallik qishning qisqa bo'lishi va beqarorligi, yozning uzoq davom etishi va issiqligi, tekislikdan tog'larga tomon qurg'oqchilik kamayib borishi, yog'in miqdorining ortib borishi xosdir. O'rtacha yillik yog'in miqdori Qarshida 187 mm dan tog'larda Hazrati Bashirda 850 mm gacha o'zgaradi va yog'in oylar bo'yicha juda notekis taqsimlanganligini kuzatish mumkin. Eng ko'p yog'in tekisliklarda mart oyiga, tog' etaklarida va tog'larda aprel-mayga to'g'ri keladi. Yoz oylarida yillik yog'in miqdorining atigi 2-2,5% i tushadi. Yog'in miqdorining bunday notekis taqsimlanishi bahor oylarida tuproq yuvilishi, jarlar hosil bo'lishining kuchayishiga sabab bo'ladi.

Tekisliklarda esa yog'inning juda kamligi, tuproqdan namning ko'p bug'lanishi tuproqlarni sho'r bosishini kuchaytiradi. Havo haroratining sutka va yil davomida keskin

o`zgarib turishi nurashni kuchaytirib, tog`oldi rayonlarida sel oqimining hosil bo`lishiga yordam beradi. Biogen omillar o`simlik qoplami, tuproqlar va hayvonot dunyosi tabiiy geografik jarayonlarning rivojlanishiga birgalikda ta`sir ko`rsatadi. Tuproq yuvilishi, cho`llarda shamol deflyatsiyasining intensivligi o`simlik qoplaminin qalinligiga bogliq va bu jarayonlar o`simlik qoplami yordamida boshqariladi.

Ayniqsa, Qashqadaryoda garmisel, afg`on shamollarining bo`lib turishi oqibatida tuproqning mayda zarralarini uchirib ketishi kuzatiladi. Viloyatning tekislik qismida tarqalgan asosiy tuproq tiplarining mexanik tarkibi shamol tuproqni uchirishi uchun qulay natijada tuproq hosildorligi kamayishi kuzatiladi. Dehqonchilikda sug`orish rejimini to`g`ri belgilash va sug`orish texnikasini mukammallashtirish tuproqlarni sho`r bosishining oldini oladi va ekin hosilini ham oshiradi.

Qishloq xo`jaligida ekin maydonlari sifatida foydalaniladigan yerlarning asosiy qismi Qarshi qiya tekisligidagi Koson, Mirishkor, Nishon, Qarshi, Muborak va Kasbi tumanlarida joylashganki, bu tumanlarda yerlarning sho`rlanishi va zaxlanishiga qarshi kollektor-zovurlar barpo etish, mavjudlarini rekonstruksiya qilish talab etiladi. Yakkabog`, Qamashi, Kitob, G`uzor, Chiroqchi, Shahrisabz kabi tog`oldi qiya va to`lqinsimon tekisliklarida joylashgan tumanlarda tuproq eroziyasiga qarshi tadbirlarni qo`llash ham muhim ahamiyat kasb etadi. Qashqadaryo viloyatining 1/4 qism maydoni tog`lar bilan band bo`lib, bunday tog`lararo dehqonchilik maydonlarida yerlarning unumdorligini oshirishga qaratilgan tadbirlar katta ahamiyat kasb etadi. Umuman keskin kontinental iqlimli mamlakat janubida joylashgan turfa tabiatli Qashqadaryo viloyati dehqonchiligi uchun avvalo irrigatsiya keyin esa melioratsiya tizimlarini barpo etish isbot talab qilmaydigan haqiqatdir.

Xulosa qiladigan bo`lsak, yer resurslaridan foydalanishda tabiiy jarayonlar ta`sirida tabiat muvozanatining buzilishini oldini olish zarur bo`ladi. Shuning uchun tabiatga har qanday ta`sir ko`rsatishdan oldin tabiiy geografik jarayonlarga ta`sir ko`rsatuvchi hamma omillarni va keyin qanday o`zgarishlar bo`lishi mumkinligini hisobga olmoq kerak. Yer resurslarini muhofaza qilishda iqtisodiy javobgarlikni yo`lga qo`yish; kollektor va zovur tarmoqlarini ta`mirlash; meliorativ chora - tadbirlarni uzlyksiz olib borish va boshqalarni amalga oshirish lozim.

Ўринов.Б.С., Абдураззақов М.Ф. (Навоий, Нав ДПИ)

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Сайёрамизда ҳаётнинг барқарор давомийлиги табиий мувозанатга боғлиқ. Бу мувозанат Ердаги ҳаёт эволюциясининг дастлабки босқичида юзага келган. Ибтидоий одам ов қилиш, балиқ тутиш, ўсимликларнинг илдизи ва ҳосилини йиғиш билан чекланган. Ана шу даврдан бошлаб инсоннинг табиатга таъсири бошланган. Вақт ўтиши билан цивилизация натижасида ушбу таъсир кучайиб борди. “Экология” атамаси грекча сўз бўлиб, “айкос”-“яшаш жойи”, “макони”, “логос”-“таълимот” деган маънони билдиради. “Экология” атамаси немис олими Эрнест Геккель томонидан 1866 йили таклиф этилган. Образли қилиб айтганда, экология бу, ўз уyiда қандай яшаш кераклигини ўргатувчи фандир.

Замонавий экология бундан 140 йил аввал немис олими Эрнест Геккель таърифлаб берган “экология” тушунчасидан фарқ қилади. Эрнест Геккелнинг фикрича, ҳар қандай организмнинг тадрижий ривожланишига фақат вужуд ичида кечадиган соф биологик, биофизик, биокимёвий ва бошқа жараёнлар таъсир этибгина қолмай, унинг тараққиётига ташқи муҳит ҳам фаол таъсир кўрсатади. Бугун экология ўз ичига 100 дан ортиқ фанларни камраб олган кўп қиррали фандир. Эътироф этиш керакки, табиат ҳодисаларига оид тушунча ва таълимотлар такомиллашиб, эволюцион тарзда ривожланиб бориши, инсон билан табиат 3 ўртасидаги боғлиқлик IX-XV асрларда яшаб ижод қилган Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Жайҳоний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. IX-асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган, уйғониш даврининг

донишманди, кўп қиррали олим Абу Наср Форобий инсон ва унинг моҳиятини чуқур ўрганди ва бой маълумотларга эга бўлди.

Буюк олим Абу Райҳон Беруний ўзининг “Сайдана” асарида эса 1116 турдаги дориворга, шундан 750 хил ўсимлик ва 101 та ҳайвонга батафсил таъриф беради. Буюк юртдошимиз илмий меросининг амалий аҳамияти шундаки, у ўзининг илмий-назарий тадқиқотлари, тажрибаларида табиатдаги барча ҳодисалар муайян табиий қонуният асосида юз бериши, ташқи кучнинг таъсири уни издан чиқариши мумкин, деган хулосага келади. Бу эса бугун ўз исботини топган ҳақиқатдир. Берунийнинг табиий ва сунъий танлашга оид фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир. Ал-Хоразмий ўзининг “Китоб сурат ул-арз” номли асарида 637 та ноёб табиат маскани, 209 та тоғнинг географик тафсилотини берган. Денгизлар, дарёлар ва океанлар ҳавзаси шакли, уларда жойлашган ороллар ҳақида муҳим маълумотлар берганлар.

Ибн Сино “экология” атамаси бўлмаган вақтлардаёқ, экология масалаларига тўхталиб, инсон саломатлигини сақлаш борасида ташқи атроф- муҳит ва ички организмлар ўрнига катта аҳамият берди. У турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишида атроф-муҳит омиллари сабаб бўлиши, ҳаво, сув, овқатнинг ўрнини эътироф этди. Ўша замонда микроскоп бўлмаганлигига қарамай, юқумли касалликларни кўзга кўринмайдиган майда, жонли зарралар келтириб чиқаришини, яъни макрухлар - микроорганизмлар сабабчи экани тўғрисидаги фикрни айтган. Ибн Сино ўзининг ушбу китобида экология ва гигиенага оид кўп масалалар ечимини ёзиб қолдирган. Жумладан, у “агар ҳавода чанг ва бошқа ғуборлар бўлмаганда эди, умри янада узок бўлар эди”, дея атмосфера ҳавосини ифлосланишдан асрашни уқтирган.

Долзарб экологик муаммолар ечимига оид чора-тадбирлар Бугунги кунда табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларда мутаносиблик йўқолгани, инсоният табиатдан фойдаланишда табиат қонунларига эмас, аксинча, шахсий манфаатларига асосланиб фаолият кўрсатиши оқибатида табиатдаги мувозанатнинг сезиларли даражада бузилгани, яъни дунёнинг турли бурчакларида: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби табиий офатлар рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Буларнинг барчаси эндиликда инсоннинг ўзига ва унинг соғлом табиий муҳитда яшашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида фан-техника тараққиётининг жадал суръатларда ривожланиши, аҳоли сонининг кескин ошиши табиий захиралардан кенг фойдаланган ҳолда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни янада кўп ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Маълумки, сўнгги 50 йил ичида ер юзи аҳолиси деярли уч маротаба кўпайган, рўйхатга олинган транспорт воситаларининг сони 10 маротаба, электр станциялари қуввати 21 мартага, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш 7 маротаба, тошкўмирдан фойдаланиш - 3,6 маротаба, газ ишлатиш – 15 маротаба ортган, буғдой ишлаб чиқариш 4 баравардан кўпроққа, ёғоч истеъмоли 14 маротаба, алюминий ишлаб чиқариш 15 бараварга, қоғозга бўлган талаб 5 бараварга ҳамда сўнгги 40 йил давомида балиқ овлаш йилига 18 млн. тоннадан 100 млн. тоннага ошди. Шуни қайд этиш керакки, ер юзида 2 млрд.дан зиёд аҳоли тошкўмирдан фойдаланади. Ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 80 %и анъанавий углеводород хом ашёси асосида ишлаб чиқарилади. Табиий бойликларнинг 80% и 20 % аҳоли томонидан истеъмол қилинади.

Фан ва техника тараққиёти шароитида инсон хўжалик фаолияти натижасида. Агар тезлик билан атмосфера ва сув бойликлари покиза сақланмаса, тупроқнинг эрозияга учраши ва ифлосланишига чек қўйилмаса, ўсимлик ва ҳайвон турларини камайиб кетишининг олди олинмаса халқ хўжалиги жуда катта зарар кўради, аҳоли саломатлигига катта таъсир кўрсатади, наслимиз бузилади, оқибат натижада ўлкамизни келажак авлодга «қашшоқлашган» ҳолда мерос қилиб қолдиришга тўғри келади.

Адабиётлар:

- 1.Баратов Р. Табиатни муҳофаза қилиш.Т.1995
- 2.Назаров М,Тожиева З. Ижтимоий география .Т.2003

Joniyev O.T., Rahmatova F. U. (Navoiy, NavDPI)
INSON VA TABIAT O'ZIGA XOS MURAKKAB TIZIM

Tabiat o'ziga xos murakkab tizim bo'lib, inson va jamiyat uning hosilasidir. Inson tabiatdan havo, suv, oziq-ovqat, mineral, yoqilg'i xomashyolarni oladi va o'z ehtiyojlarini qondiradi hamda hayot faoliyati davomida unga o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Ekologiya muhit omillarining o'simlik va hayvonlar organizmiga ta'sirini, organism va populyatsiyaning muhit omillariga ko'rsatadigan reaksiyalarni, populyatsiyalar soni va tizimini bir xil saqlovchi mexanizmlarni (jarayonlarni), tabiiy guruhlarning biologik mahsuldorligini, biogeotsinozlar yoki ekosistemalarning harakatlanish qonuniyatlarini va biosferani o'rganadi. Inson borki, hayot uchun kurashadi, tabiatning barcha injiqliklariga moslashishga intiladi,

Har bir kishi tabiat in'omlaridan foydalanadi, quradi, bunyod etadi. Odatda, inson biror maqsadni ko'zlab tabiatning muayyan bir sohasida ijobiy yoki ko'pincha salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Hozirgi zamon ekologiyasi odam va biosfera o'rtasidagi o'zaro munosabat masalalarini jadal o'rganmoqda. Hozirgi ekologiya faqat tirik organizmlar o'rtasidagi munosabatlarni yoki organizmlardan yuqori turuvchi tizimlarga xos qonuniyatlarni o'rganish bilan chegaralanib qolmay, tabiat bilan jamiyat o'rtasidagi munosabatlarni eng optimal yechimlarni asoslab berishi zarur. Shu bilan bir qatorda, ekologiyaning ijtimoiy mavqeyi ham oshib borayotganligini ko'rishimiz mumkin. Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib shuni aytish joizki, hozirgi zamon ekologiyasi-tabiat va jamiyatda kechadigan jarayonlarni ta'riflash mumkin.

Darhaqiqat, tabiat- tabiiy muhit va resurslardan oqilona foydalanish tarixiy taraqqiyotining birinchi pog'onalaridayoq inson oldida turgan asosiy muammolardan hisoblanadi. Biz bilamizki, sayyoramiz bo'ylab atrof-muhit holati kundand-kunga salbiy tomonga o'zgarib bormoqda, dunyo aholisining uchdan biri toza ichimlik suvi bilan yetarlicha ta'minlanmagan, to'rt dan biri savodsiz, ayrim mamlakatlarda insonlar salomatligi yomonlashib, bolalar o'limi yuqori, turli mintaqalarda har- xil urushlar va nizolar avjiga chiqmoqda, inson ehtiyoji uchungun zarur bo'lgan ko'plab ne'matlar kamayib bormoqda.

Aholi sonining yildan yilga oshib borishi sanoat va transportning rivojlanishi, fan-texnikaning taraqqiy etishi, insonning biosferaga ko'rsatayotgan ta'sir doirasini kengaytirib bormoqda. Bu esa o'z navbatida ekologik muammolarning kelib chiqishiga sabab bo'lmoqda. Insonning tabiatga ko'rsatayotgan ta'siri bilan bog'liq holda tabiatning insonga aks ta'siri, ya'ni uning iqtisodiyotiga, hayotida xo'jalik ahamiyatiga molik bo'lgan jarayonlar, tabiiy hodisalar bilan bog'liq har qanday hodisalar tushuniladi.

Atrof-muhitga zamonaviy fan va texnika taraqqiyotining ta'siri natijasida ekologiya tushunchasi o'ta kengayib ketdi. Inson ekologiyasi degan tushuncha paydo bo'ldi.

Inson ekologiyasi insonning atrof-muhitga va aksincha tabiat va atrof-muhitning insonga ko'rsatayotgan ta'sirini ko'rishimiz mumkin. Insonning tabiatga nisbatan o'tkazayotgan salbiy ta'sirlari natijasida unumdor yerlar eroziyaga uchrab unumsiz yerlarga aylanmoqda, dasht ekosistemi degan tabiiy ekosistemalar deyarli yo'qolib bormoqda, inson qo'li tegmagan o'rmonlar ham juda kam qolgan. Yer yuzi quruqligidagi o'rmonlar maydoni 75% dan 25% gacha kamaygan.

Bizga ma'lumki, tabiatni muhofaza qilishning huquqiy asoslari Respublika- mizning konstitutsiyasining 50, 54, 55 va 100-moddalarida o'z aksini topgan, fuqarolarning ushbu sohadagi huquq va majburiyatlari, atrof-muhitga munosabat va boshqaruv tizimi faoliyatini belgilangan.

Jumladan, 50-modda "Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga majburdir"lar deyiladi. 100-moddada esa atrof-muhitni muhofaza qilish mahalliy hokimlik organlari vazifasiga ta'kidlangan. Olimlarning aniqlashicha, kislorod 10 yil mobaynida yer kurrasida mavjud tirik organizmlar orqali o'tadi. Inson va uning faoliyatining atmosferaga ta'siri masalasi butun dunyo ekologlari va mutaxassislarining e'tibor markazida turadi. Chunki, yuksak ekologik muammolar: koinotda sodir bo'layotgan ozon qatlaminin o'zgarishi,

kislotali yomg'irlarning tez-tez yog'ib turishi va boshqalar atmosferaning antropogen zararlanishi tufayli sodir bo'lmoqda.

Ekologiya tabiat bilan tirik organizmlarning uzviy bog'lanishini ifoda etar ekan, u shubhasiz tabiatni muhofaza qilishning ilmiy asoslarini tashkil etishda va ekologik bilimlar, kishilarning ekologik muhitni sog'lomlashtirishning asosiy mezonlardan biri haqiqiy madaniyatli insonni tarbiyalash hisoblanadi.

Tabiatni asrash, uni ekologik muhitni yaxshilash uchun ihota daraxtzorlarni ko'paytirish, toza ichimlik suvidan tejab foydalanish, tuproqlarni eroziyadan saqlash, atmosferaga zaharli birikmalarni kamroq chiqarish, ayni paytda dolzarb muammo sifatida butun dunyoni tashvishga solayotgan global muammolarning yechimini topishda biz ham bevosita ishtirok etishimiz, nafaqat ishtirok etishimiz, balki faol bo'lib atrof-muhitni asrashga jalb qilmog'imiz lozim. Tabiat va atrof-muhitni avaylab-asrashimiz har -birimizning burchimizdir.

Adabiyotlar:

1. I.Hamdammov., Z.Bobomurodov, E.Hamdammova "Ekologiya" T. 2009.
2. P.S.Sultonov., B.P.Ahmedov "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish asoslari" T.2004.
3. S.Mustafoyev S. O'roqov, P.Suvonov "Umumiy ekologiya" T. 2006.

¹Rahmonqulov U., ²Usmonjonova H.U., ¹Avalboyev O.N.,
(¹Jizzax, JDPI). (²Jizzax, JPI)

SMOLA BERUVCHI *FERULA TADSHIKORUM* TURIDAN OQILONA FOYDALANISH

Ferula L. turkumi vakillari jahonda 200 ga yaqin turni tashkil qilib, O'zbekistonda ularning 64 turi mavjud. Ular dorivor, oziqabop, yem-xashak, asalchil, smola beruvchi o'simliklardir [1,3].

"Asa-foetida" deb nomlangan smola asosan O'rta Osiyo kovraklari – *F. foetida*, *F. tadshikorum*, *F. foetidissima*, *F. kuhistanica*, *F. kokanica*, *F. sumbul*, *F. diversivittata*, *F. karatavica* va *F. varia* turlari ildizlaridan tayyorlangan.

Hozirgi vaqtda smola asosan *F. foetida*, *F. tadshikorum* ildizlaridan tayyorlanib, har yili yuzlab tonna xom-ashyo chetga eksport qilinmoqda. Bu holat o'simlik zahiralarning kamayib ketishiga olib kelmoqda. Chet ellarda esa kovrak smolasiga bo'lgan talab yil sayin ortib bormoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2018 yilning yanvar oyida Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlariga qilgan tashrifi chog'ida mahalliy aholining kovul, kovrak, shrinmiya va boshqa foydali o'simliklardan oqilona foydalanishni bilishlari, ularni ko'paytirish ishlari bilan shug'ullanish lozimligini alohida ta'kidladi. Qarshi shahrida 2018 yilning 29 yanvar kuni innovasion loyihalar bilan tanishish jarayonida mamlakatimiz rahbari viloyatda 1000 gektardan ortiq lalmikor maydonlarga kovrak o'simligining urug'idan ekib, plantatsiyalar tashkil etish haqidagi bizning taklif etgan loyihamizni qo'llab- quvvatladi. Ushbu loyihani amalga oshirish ishlari boshlab yuborildi va bu turlarning urug'lari bu yil 200 gektardan ortiq maydonga tavsiyamiz asosida ekildi. Keyingi 2-3 yil davomida bu miqdor 1000 gektarga yetkazilish mo'ljallanmoqda.

Respublika Prezidentining 2018 yilning 20 martida qabul qilgan "Respublikada kovrak plantatsiyalarini tashkil etish va ularning xom ashyosini qayta ishlash hajmlarini ko'paytirish hamda eksport qilish chora-tadbirlari to'g'risidagi " qarori asosida kovrak smolasi miqdori O'zbekistonda 2023-2026 yillar davomida 2550 tonnaga etkazilishi va 9500 gektar maydonga kovrak urug'i ekish mo'ljallanmoqda. Faqat Qashqadaryo viloyatida bu miqdor 252 tonnaga, uning maydoni 1000 gektarga etkazilishi ko'zda tutilgan [2].

Ushbu rejalarni amalga oshirish uchun smola beruvchi kovraklarni biologiyasini o'rganish, ularni urug'laridan ko'paytirish usullarini ishlab chiqish dolzarb muammo hisoblanadi.

Biz *Ferula L.* turkumi turlarining biologiyasi, tarqalishi va muhofazasi bo'yicha ancha yillardan buyon ilmiy izlanishlar olib bormoqdamiz [3].

F. foetida va *F. tadshikorum* turlari monokarp o'simliklar hisoblanib, ular hayotining oxirgi (8-10) yillarida gullab, urug'lab, so'ngra quriydi. Bu ikkala turdan ham smola olish maqsadida foydalaniladi, lekin *F. tadshikorum* turi smolasi narxi yuqoriroq baholanadi, shuning uchun ham bu turning tabiiy zahiralari keskin kamayib ketmoqda.

Ferula tadshikorum M. Pimen. - Uljon kovrak (tojik kovragi) - ko'p yillik monokarp o'simlik, poyasi bittadan, balandligi 1,5-1,8 m., asosining diametli 5-9 sm, o'tkir sarimsoq hidli, siyohrang, tuksiz bo'lib, baquvvat vertikal ildizpoyali.

Barglari mayin, tez so'luvchan ustki yuzasi tuksiz, pastki yuzasi kulrang mayin tukli. Ildiz bo'g'zidagi barglari qisqa va yo'g'on bandli, plastinkasi yirik, uzunligi 40 sm, kengligi 30 sm, elleptik shaklida keng uchburchaksimon, uch karra qirqlgan, birinchi tartib segmentlari ikkilamchi-uchlamchi patsimon qirqlgan. Oxirgi bo'lagining uzunligi 20sm gacha, eni 7-9 sm gacha bo'lib ular lansetsimon yoki tuxumsimon- lansetsimon, barg chekkalari arrasimon qirqlgan.

O'simlikning gul to'plami keng ro'vaksimon, soyabon gullari ikki xil: markaziy soyabon gulning diametri 7-10 sm, 10-16 nurli, yonsoyabon gullari uzun bandli, 1-2 tadan iborat bo'lib, markaziy soyabongul asosida joylashadi, soyabongulchasi 10-15 gulli.

Mevasi (merikarpi) 1,3-1,7 sm uzunlikda va 0,5-0,7 sm kenglikda, uzunchoq yoki teskari tuxumsimon, yapaloq, qo'ng'ir rangli, chekka qobirg'asi o'tkir.

O'simlik mayin tuproqli, mayin shag'alli tuproqlarda, dengiz sathidan 400-1800 m balandlikda tarqalgan. Bu tur Pomir-Oloy tizmasining janubi-g'arbiy qismi endem o'simligi hisoblanadi.

Uljon kovrak - *Ferula tadshikorum* M. Pimen. (tojik kovragi) o'simligining urug'larini Qashqadayo va Jizzax viloyatlarining lalmikor maydonlarida ekib tajribalar o'tkazib kelmoqdamiz.

Bu o'simlik mahsulotiga bo'lgan talabni qondirish, hamda uning genofondini saqlab qolish uchun tabiiy sharoitda urug'ini ekib ko'paytirishni tavsiya etamiz. 2009 yildan boshlab Qashqadaryo viloyatining Dehqonobod tumanida, Jizzax viloyatining Arnasoy, Forish va Sharof Rashidov tumanlarining fermer xo'jaliklarida bu turni sinov tariqasida urug'idan ekib ko'paytirish ishlari bilan shug'ullanib kelmoqdamiz. Natijalar shuni ko'rsatdiki, bu o'simlik urug'lariga ma'lum biologik, fiziologik ishlov berilganda, uning unuvchanligi 70-80 % gacha boradi.

Turli hududlardan yig'ilgan *Ferula tadshikorum* turi urug'larining absolyut (ming donasining) og'irligi 28,1 dan 30,2 gr gacha bo'lishi quyidagi jadvalda berilgan (1-jadval).

1-jadval

Turli hududlardan yig'ilgan *Ferula tadshikorum* turi urug'larining absolyut (ming donasining) og'irligi

T.r.	Yig'ilgan joyi	Absolyut og'irligi, gr
1	Boysun tog'ining g'arbiy qismi, Gala qishlog'i atrofidan, h=1400 m	28,1
2	Boysun tog'ining g'arbiy qismi, Yangiqishloq atrofidan, h=1400 m	30,2
3	Boysun tog'ining g'arbiy qismi, Xo'jaipok qishlog'i atrofidan, h=1450 m	29.6

Jizzax viloyatining Arnasoy tumanida "Shifo-kovrak" fermer xo'jaligi tashkil etilib, bu yerda kovrak urug'larini lalmikor maydonlarda ekib o'stirish ishlarini 2015 yildan boshlab amalga oshirmoqdamiz. Dastlabki natijalar bu hududlarda kovrak o'simligi yaxshi o'sib rivojlanishini ko'rsatdi. Ularning uchinchi-to'rtinchi yilgi vegetasiyalari bir maromda rivojlanmoqda.

Kovrak o'simligi urug'lari kuzda-noyabr oyining oxiri va dekabr oylarida ekiladi.

Tajriba natijalari shuni ko'rsatdiki turli hududlardan yig'ilgan urug'lardan ekilgan bu o'simlik lalmikor yerlarda vegetasiyasini normal o'tkazar ekan (2-jadval).

2-jadval

Uljon kovrak o'simligining urug'lari yig'ilgan va ekilgan hududlar, hamda muddati

T.s.	Urug'			
	Yig'ilgan joyi	Muddati	Ekilgan hudud, maydoni	Muddati
Surxondaryo viloyati				
1	Bobotog'dan	2008.V11	Dehqonobod tumanu, Yangi qishloq fermer xo'jaligi, .0.4 ga	2009.X1
Qashqadaryo viloyati				
2	Boysun tog'idan	2010.V11	Dehqonobod tumani, 0.4 ga	2010 .X11
3	Dehqonobod tumanidan	2014.V11.	Arnasoy tumani, O'ktam fermer xo'jaligi hududiga, 0.4 ga	2014.X11
4	Dehqonobod tumanidan	2015 V11	Arnasoy tumani, Shifo kovrak fermer xo'jaligi, 4.0 ga	2015.X11
5	Dehqonobod tumanidan	2017.V11	Arnasoy tumani, Shifo kovrak fermer xo'jaligi, 0.5 ga	2017.X11

Shunday qilib, uljon kovrakning urug'lari ekilgan maydon 6 gektarga yaqin bo'lib, ushbu hududlarda bu o'simlik bir meyyorida o'sib rivojlanmoqda va ushbu maydonlardagi kovrakzorlardan 5-7 - yillaridan boshlab o'simlik smolalari olish mo'ljallanmoqda.

Ekilgan maydonlarda urug'larning unib chiqishi fevral oyining oxiri va mart oyining boshlarida kuzatildi. Ikki va undan keyingi yillari o'simlikning kurtaklaridan unishni boshlanishi mart oyining boshida, havo harorati +5 gradusdan oshganda kuzatiladi. Barglarning rivojlanishi mart oyining boshidan may oyining ikkinchi yarmigacha davom etadi. Ularni turli yillardagi o'lchami quyidagi jadvalda berilgan (3-jadval).

3-jadval

Uljon kovrak barglarining, ildizining turli yillardagi o'lchamlari

Yillar	Birinchi chinbarg plastinkasi, sm			Ildizi, sm		Og'irli gi, gr	Urug'palla barg, sm	
	bo'yi	eni	bandi	bo'yii	eni		bo'yi	eni
1	6.5	2.0	4.0	11	0.2	2.0	6.5	0.4
2	1-bargi-6,0	3.0	6.0	15	0.7	5.0		
	2-bargi-11,0	5.6	5.5					
	3-bargi-5,5	2.5	4.5					
3	1-barg-12,0	20.1	6.0	20	2.0	10.0		
	2-barg-20,0	22.0	7.1					
	3-barg-12,0	22.1	5.0					
4	1-barg-5,0	3.2	3.0	30	3.0	20.0		
	2- barg-20,0	20.1	7.0					
	3-barg-21,0	20.3	6.5					

Jadvaldam ma'lumki, kovrakning barglari o'lchamlari, ildizning og'irligi yil sayin ortib boradi.

Kuzatishlar shuni ko'rsatdiki, Arnasoy tumanining lalmikor qum tuproqli yerlarida uljon kovrak o'simligi urug'idan yaxshi o'sadi, vegetatsiyasining birinchi va to'rtinchi yillari o'simlik normal rivojlanmoqda.

Xulosa qilganda, *F. tadshikorum* turi urug'larini lalmikor maydonlarda ekib ko'paytirish natijasida bu turning genofondini saqlab qolinadi, chetga eksport qilish uchun mo'ljallangan smola miqdori ortadi, ushbu loyiha natijasida yuzlab odamlar ish bilan ta'minlanadi.

Adabiyotlar:

1. Коровин Е.П. Род *Ferula L.* // Флора СССР. Изд. АН СССР. М. –Л. 1951. Т. 17. С. 62-155.
2. O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2018 yilning 20 martidagi PQ-3617 Qarori.
3. Rahmonqulov U, Avalboyev O.N. "O'zbekiston kovraklari". -Toshkent. 2016. "Fan va texnologiya" nashriyoti. 244-bet.

Jumayeva M.B., Yuldoshova Sh.S. (Navoiy, Nav DPI) NAVOIY VILOYATI MISOLIDA O'RMON XO'JALIGINI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI

Tabiatda biror ortiqcha narsaning o'zi yo'q, barchasining o'rni zaruriyati bor. Masalan bizning go'zal diyorumizni daraxtlarsiz tasavvur qilish mumkin emas. Holbuki, jahon geografiyasiga nazar tashlaydigan bo'lsak ba'zi bir hududlarda umuman daraxt o'smaydi. Daraxt o'smaydigan yerda esa odamlarning yashashi qiyin. "Tabiat bilan til topishsang, hech vaqt kambag'allashmaysan. Seni odamlarning fikr mulohazalari emas tabiat boqadi", - deydi faylasuflarimiz.

Darhaqiqat, inson xo'jalik faoliyati tabiatning rivojlanishiga ta'sir etuvchi eng muhim omil bo'lib hisoblanadi va aksincha tabiatning ham, o'simlik dunyosi va daraxtlar ayniqsa o'rmonzorlarning inson salomatligi va faoliyatidagi o'rni beqiyos.

O'rmonzorlar insoniyat uchun zarur bo'lgan kislorodning 60 % ini ishlab chiqarib, tuproqni shamol va suv eroziyasida saqlaydi. Sel, suv toshqini, qor ko'chkisi, tuproq siljishi kabi tabiiy hodisalarning oldini olishda g'oyat muhim ahamiyatga ega. Shuningdek o'rmonlar keng ma'noda toza suv saqlovchi, tuproq va havodagi namlikni mo'tadillashtirib turuvchi, yog'och, ikkilamchi mahsulotlar, mevalar, dorivor va ozuqa o'simlar beruvchi manbaadir

O'rta Osiyo va O'zbekiston sharoitida o'rmon- qurilish va kimyoviy xomashyo manbayi emas balki ekologik tizim yoki landshaftlarni bir me'yorda ushlab turuvchi manbaa sifatida qaraladi. Chunki bu mintaqada umumiy maydoni 1% da oshmaydigan siyrak daraxtzor va butazorlar mavjud. O'zbekistonning o'rmon xo'jaligi o'simlik va hayvonot dunyosi, jumladan, noyob manzarali va mevali daraxtlar hamda dorivor o'simliklarning ko'pligi va xilma-xilligi bilan ajralib turadi. Bugungi kunda o'rmon fondining 300 dan ortiq o'simlik va 180 dan ortiq hayvon turlari "Qizil kitob"ga kiritilgan.

Mustaqillik yillarida O'zbekistonda o'rmon xo'jaligi sohasida keng qamrovli islohotlarning amalga oshirilishi natijasida respublikamizda o'rmon fondi yer maydoni hajmi sezilarli darajada ko'paydi. Bugungi kunda davlat o'rmon fondi yerlari hajmi respublika umumiy yer maydonining 25,2 foizini tashkil etadi. Ushbu ko'rsatkich mustaqilligimizning dastlabki yillarida 5,3 foizdan oshmas edi.

Respublikamiz o'rmon resurslarining boy salohiyatidan to'la-to'kis va oqilona foydalanishni ta'minlash, o'rmon xo'jaligi boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish, o'rmon fondi yerlaridan foydalanish samaradorligini oshirish, sohaga ilg'or ilmiy texnika yutuqlarini joriy qilish, shuningdek xorijiy investetsiyalarni yanada faol jalb etish va ekologik turizmni rivojlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 11-maydagi "O'zbekiston respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasini tashkil etish to'g'risida"gi PF 5041-sonli Farmoni qabul qilingan edi.

Ushbu Farmonga ko'ra O'zbekiston Respublikasi Qishloq va Suv xo'jaligi Vazirligi huzuridagi O'rmon xo'jaligi bosh boshqarmasi Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlarda bo'linmalariga ega bo'lgan O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi tashkil qilindi va bu qo'mita zimmasiga bir qancha vazifalar yuklandi.

Bu Farmon ijrosining amalda bajarilishi esa Respublikamizda davlat o'rmon fondini davlat tomonidan boshqarish samaradorligini oshiradi va soha faoliyatini sifat jihatidan yangi pog'onaga ko'taradi;

-o'rmon resurslaridan samarali va oqilona foydalanish va ularni qayta tiklash, keng ko'lamda ko'paytirishni joriy etish, o'rmonlarni muhofaza qilish va ulardan samarali foydalanish, sanoat ko'lamida manzarali va mevali daraxt va butalar plantatsiyalarini yetishtirishni kengaytirishni ta'minlaydi;

-respublikamizning tuproq-iqlim sharoitlariga moslashtirilgan manzarali daraxt va buta o'simliklari ko'chatlarining yangi navlarini yaratish, ilmiy asoslangan istiqbolli texnologiyalarni ishlab chiqish, eksportbop ko'chatlarning yangi navlarini yaratish, seleksiya ishlari samaradorligini oshiradi;

-o'rmon fondi potensialidan yanada samarali foydalanish, hududlarning ekologik holatini yaxshilash, qo'shimcha daromad olish va yangi ish o'rinlari yaratishga erishiladi;

-dorivor o'simliklarni madaniy holda yetishtirish hamda ularni chuqur qayta ishlashga ixtisoslashgan tashkilotlar tuzilishiga erishiladi;

-iste'mol bozorining qishloq xo'jaligi, jumladan, asalarichilik, baliqchilik, chorvachilik mahsulotlari va xalq iste'moli tovarlari bilan to'ldirilishini ta'minlaydi.

Har yili respublika bo'yicha o'rmon xo'jaliklari tomonida o'rtacha 42 ming gektar maydonda o'rmon barpo qilish amalga oshiriladi, shundan 39 ming gektari cho'l mintaqasiga to'g'ri keladi. Bu borada ayniqsa Navoiy viloyatida olib borilayotgan ishlar samarasi yildan yilga ortib bormoqda. Masalan birgina O'zbekistonning oltin sandig'I bo'lgan Qizilqum sahrosining bepoyon kengliklarida sahroni o'zlashtirish, uni yashil maskanga aylantirish ishlari keng miqyosda amalga oshirilmoqda. Navoiy viloyati O'rmon xo'jaligi bosh mudiri M.Eshmo'minovning ta'kidlashicha joriy yilning may oyi boshlarigacha saksovluzorlar maydoni 5,5 ming gektarga kengayadi. Saksovlul ko'chatlarini esa Aydarko'l, Konimex va Tomdi tumanlari O'rmon xo'jaliklari yetkazib berishi ko'zda tutilgan. Ayni paytda Qizilqumdagi saksovlul daraxtlari umumiy maydoni 30 ming gektardan ortiq maydonni egallaydi..Ta'kidlash joiz saksovlul ekish bilan cho'l qumlari mustahkamlanadi, cho'l yaylovlaridagi o'simliklar saqlanadi, bundan tashqari qari saksovlul daraxtlari mahalliy aholi uchun eng yaxshi o'tin vazifasini bajaradi.

Navoiy viloyatida cho'l o'rmonchiligini rivojlantirish ilmiy markazini tashkil etish, Navbahor tumanida tomchilatib sug'orish usulida bodom va pista plantatsiyalari ochish va qator shu kabi istiqbolli loyihalar ishlab chiqilgan. Bu yo'nalishda viloyatda qilinishi ko'zda tutilgan ishlardan yana biri Nurota tumanida intensiv pista plantatsiyalarini barpo qilishdir. Bizga ma'lumki Nurota tumani tog'lik va adirliklardan iborat. Shu sababli bu hududda qishloq xo'jalik ishlab chiqarishni izchillik bilan intensivlash, mavjud yer resurslarining hosildorligini oshirish, moddiy texnika ba'zasini mustahkamlash, intensive texnologiyani fan va ilg'or tajriba yutuqlarini jadal joriy etish asosida qishloq xo'jalik ishlab chiqarishning jadal suratlarini ta'minlashdan iborat. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev Navoiy viloyatiga tashrifi doirasida Nurota tumanida 10 ming gektar lalmi yerda tashkil etiladigan intensiv pista plantatsiyalari loyihasi bilan tanishdi. Ushbu loyiha qiymati 21 milliard so'mni tashkil etadi. O'zbekistonda mavjud texnologiyalar asosida ekilgan pista 11-12 yilda hosilga kiradi. Yangi plantatsiyalarni takomillashgan texnologiya asosida barpo etish ko'zda tutilgan. Ya'ni ko'chatxonada yetishtirilgan niholga navdor pista kurtagi payvand qilinadi. Ushbu texnologiyada ekilgan pista 7-8 yilda hosilga kiradi. Uning bir tupida 1,5-2 kilogramm pista olish mumkin. Ushbu pista plantatsiyalari 2018-2021-yillardavomida barpo qilinishi ko'zda tutilgan, bu plantatsiyalarkelajakda nafaqat oziq-ovqat manbai balki hosil bergunga qadar va undan keyin ham kislorod manbai vazifasini o'taydi.

O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligi davlat qo'mitasi o'rmonchilikda ilg'or davlatlar tajribasidan foydalanib, "O'zbekiston Respublikasi O'rmon xo'jaligiini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi"ni ishlab chiqdi. Ushbu konsepsiya Respublikamizni "yashil hudud"ga aylantirish va mavjud muammolarni bartaraf etishga xizmat qilishi ko'zda tutilgan.

Adabiyotlar:

1. “Ekologiya huquqi”. Tosh. 2001y. Adabiyot jamg’armasi nashriyoti
2. Alibekov L.A. Ekologo-geograficheskie problemi Sentralnoy Azii, Samarqand, 2010, 416
3. Internet ma’lumotlari.

Қиличева Г. (Сурхондарё. Термиз, 28-мактаб)

ХУРМО ЎСИМЛИГИНИНГ БИОЛОГИК ВА ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хурмо қимматли субтропик ўсимлик бўлиб, меваси йирик, тўйимли ширин ва пархезбоп мева ҳисобланади. Хурмо энг қадимий маданийлаштирилган дарахтлардан бири бўлиб, унинг мевасини Осиё қитъаси халқлари севиб истеъмол қилишади. Европаликлар бу мевани кўп вақт ширин мевалар қаторига кўшишмаган. Сабаби, улар хурмоларни пишмасдан туриб тахир ҳолида еб юришган.

Хурмо ноябрь-декабрь ойларида пишиб этилади. Унинг 500 га яқин турлари бор. Бу дарахт Юнонистон, Исроил, Испания, Америка, Австралия, Кавказ, Ҳимолай тоғларида ўсади. Уларнинг айримларининг ёши 300-500 йилга етган. Хитой ва Японияда эса унинг тахир турлари ўстирилади. Бунинг асосий сабаби, дарахт ёғочи ниҳоятда мустаҳкам бўлиб, қадимда бундай ёғоч нархи бўйича олтин ва фил суяги нархи билан рақобатлаша олган. Ҳозирги вақтда Хитой ва Японияда ушбу дарахт ёғочидан мебеллар тайёрланади. Ўзбекистонда ҳам хурмонинг бир қанча навлари ўстириб етиштирилади.

Хурмо янгилигида истеъмол қилинади. Қоқи ҳам қилинади ва спиртли ичимликлар тайёрлашда ишлатилади. Пишиб етилган хурмо таркибида кўп миқдорда витамин ва минерал моддалар мавжуд. Унинг таркибидаги магний, йод, темир, В гуруҳи витаминлари, бета-каротин (витамин А), витамин С борлиги инсоннинг асаб тизими, бутун организмни меърада ишлашини таъминлайди. Бир дона хурмода А витаминига бўлган кундалик эҳтиёжларини 70% и қондирилади. Айниқса юрак хасталиги бор беморларда хурмо истеъмол қилиш тавсия этилади, сабаби унда юрагимизга зарур калий элементи бор. Бундан ташқари у қон босимини тушириш, организмдан ортиқча сувни чиқариб юборишга ёрдам беради. Хурмо мевасининг таркибида темир элементи борлиги учун, уни кам қонли беморларга тавсия этилади. Мева таркибида 20 % глюкоза мавжуд. Таркибидаги йод бўқоқ касаллигини даволашга ёрдам беради. Хурмо меваси организмни шамоллашга ва инфекцияларга қарши курашишида ҳам ёрдам беради. Бу мева кучли антиоксидант ҳисобланади. Унинг таркибидаги А витамини иммунитетни мустаҳкамлабгина қолмай инсон терисининг соғлом бўлишини таъминлайди. Кўзни равшан қилади, организмда онкологик ўсмаларни ҳосил бўлишининг олдини олади. Хурмонинг ватани Хитой ҳисобланади. Ўрта Осиёга 1910-1914 йиллар олиб келинган ва кўпайишига уриниб кўрилган. Хурмо ўсимлиги 1935 йилда Денов шаҳридаги жанубий Ўзбекистон тажриба майдонида экилди ва бу ерда кўчат ҳам тайёрланади ва 0,5 гектар майдон хурмозор боғ барпо этилди. Шундан сўнг катта миқдорда хурмо кўчатлари тайёрланиб, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Фарғона водийси ва Ўзбекистоннинг бошқа кўпгина ҳудудларига тарқатилди. Хурмонинг ёввойи ҳолдаги икки тури бор: Кавказ хурмоси; Вергин хурмоси. Ҳозирги хурмолар Кавказ хурмосига пайванд қилинган. Кавказ хурмосига Шарқ хурмоси пайванд қилинади. Уларнинг 800 дан ортиқ нави мавжуд. Шулардан 7-8 таси Ўзбекистонда етиштирилмоқда.

Хиакуми нави – 6-8 метр баландликда ўсадиган қалин баргли дарахт. Гули четдан чангланлигини яхши кўради. Асосий чангловчи зинджинару нав хурмо ҳисобланади. Меваси катта, 200-250 грамм, ҳатто 400 граммгача бўлади. Узоқ муддат сақланади. Касалликларга ва соғлиққа чидамли нав.

Зинджимару нави дарахти баланд, шарсимон бўлиб ўсади. Бу нав ҳамма хурмо дарахтларига энг яхши чангловчи ҳисобланади. Меваси 100-130 грамм жигаррангда, икки ойгача сақланади. Ширин ва мазали. Дарахти 19-20 °С совуққа чидайди, ҳосилдор нав.

Денауский-сахарный нави Деновдаги жанубий мевачилик, узумчилик тажриба станциясида олимлар Б.С Розанов ва Н.Г.Шеряевлар томонидан яратилган нав бўлиб, ўта ширин, 25,5% қандли,мазали,ичи шоколадсимон кора, меваси 2-3 ой сақланади, оғирлиги 120-155 гр серҳосил.Дарахти 7-8 метр баландликда ўсади. Совуққа бошқа хурмоларга нисбатан чидамли, 21-22⁰С ҳароратгача чидайди.

Томопан нави – меваси йирик, 400 гр ва ундан ортиқ.

Гоша-гаки нави – сақлашга яроқсиз, пишганда истеъмол қилинади. 19 % қанди бор. Меваси 150-200 грамм бўлади.

Пионер-Ўзбекистана нави- ҳам Деновда Жанубий Ўзбекистон тажриба станциясида Б.С.Розанов ва Н.Г.Шеряев томонидан яратилган. Дарахт ўртача баландликда 5-6 метр, гули фақат урғочи, бир жинсли, Зинжи-мару нав хурмо яхши чанглатади. Меваси 105-135 грамм, икки ойгача сақлаш мумкин. Янги пайтда 21,5% қанди бўлади. Ўртача ҳосилдор совуқ ва ўта чидамли, меваси узоққа ортишга ярамайди.

Хурмо экилгандан сўнг 3-4 йилда ҳосилга киради.10-12 йилда тўлиқ ҳосил беради.100 йил ва ундан ортиқ умр кўради. Хурмонинг 400-500 ёшли дарахтлари ҳам учрайди. Хурмо ёруғсевар, намга талабчан, қуруқ ҳавога ҳам чидамли ўсимлик.

Хулоса қилиб айтганда ўзининг инсон организми учун витаминга бой ҳамда дориворлик хусусиятига ега бўлган хурмо ўсимлигининг етиштиришни кенг йўлга қўйиш орқали халқимизнинг кундалик озиқ-овқат истеъмоли рақибидан хурмо мевасига бўлган эҳтиёжини қондириш эвазига инсон саломатлигини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада тадбиркорлик фаолиятини кўллаб қувватлаш орқали, хурмо етиштирадиган ихтисослашган хўжаликларни ташкил этиш ҳамда шахсий томорқа хўжаликларида хурмо етиштиришни кўпайтириш орқали халқимиз дастурхонининг ушбу мевага бўлган талабини қондириш ҳамда ортиқчасини ташқи бозорга экспорт қилиш бугунги кундаги энг муҳим масаларидан биридир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. М.Мирзаев, М.Собиров-“ Боғдорчилик”, Тошкент,“Меҳнат” нашриёти 1987 йил.
3. Мевачилик ва тоқчиликка оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати . 4. Тошкент “Ситнор ЕНК” нашриёти 2011 й.

Imomova D.A., Imomova Sh. Sh. (Jizzax JDPI)

DORIVOR O'SIMLIKLARGA EKOLOGIK MUHITNING TA'SIRI

Atrof muhitni, o'simliklar olamini muhofaza qilish insoniyat uchun juda katta hayotiy ahamiyatga ega. Insonlar tabiatdan foydalanib, uning asrlar davomida tashkil topgan tabiiy manzarasini o'zgartirib, tabiatga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Sanoat tarmoqlari va qishloq xo'jaligining rivojlanib borishi va tabiiy maydonlarning keng miqyosda o'zlashtirilishi ekologik muvozanatning buzilishiga olib kelmoqda. Natijada o'simliklarning kamayib ketish xavfi tug'ilmoqda. Bu esa o'simliklar dunyosidagi genofondning kamayib ketishiga sabab bo'lmoqda. Har qanday turning yo'qolishi uni tiklab bo'lmaydigan oqibatlariga olib keladi, binobarin, yovvoyi o'simliklar qishloq xo'jaligida ekiladigan madaniy navlarni kashf etilishida manba sifatida juda katta ro'l o'ynaydi. O'zbekiston Respublikasi hududida hozir 4500 ga yaqin tabiiy holda o'sadigan o'simlik turlari mavjud. Ular orasida jiddiy muhofazaga muhtoj ko'pgina kamyob va endemik turlari bor.

Keyingi yillarda tabiatga ayovsiz foydalanish natijasida juda ko'p dorivor o'simliklarga ziyon yetkazilmoqda. Xususan, Qizilqumda Shirinmiya o'simligining 1,5 m gacha bo'lgan qismi kovlab olinib xorijga eksport qilinmoqda. Uning ildizi dorivorlik ekologik muhitning buzilishi tufayli O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitob“iga kirgan yovvoyi anor (*Punica granatum L*), qoratog' chalovi (*Stipa karataviensis Roshev*), mayda moviygul (*Lappula parvula Nabiev et Zakirov*), boshmaldoqsimon noneya, (*Nonea calceolaris Nikif & Parij*), Fedchenko kovragi

(*Ferula fedtschenkoana* Koso-Pol), shashirsimon pufakbo'g'im (*Komarovia anisosperma* Korovin), Hisor dionisiyasi (*Dionysia hissarica* Lipsky), bezchali zo'rcha (*Silene paranadena* Bondarenko et Vved), Jizzax kovragi (*Cousinia dshisakensis* Kult), lemann lolasi (*Tulipa lehmanniana* Merckl), Lyudmila boychechagi (*Gagea ludmilae* Levichev) turlarini ko'rsatishimiz mumkin. Bunday „Qizil kitob“ga kirgan turlar O'zbekiston hududidagi jami o'simliklarning 10-12% tashkil etadi. Respublika qo'riqxonalarida muhofaza qilinayotgan o'simliklarning umumiy holatini nisbatan yaxshi bo'lishiga qaramay, ko'plab dorivor o'simliklarning tabiiy zaxiralari yildan-yilga keskin kamayib ketmoqda. Zero, bugungi kunda qo'llaniladigan dorivor vositalarning 38-40% ni o'simliklardan olinadigan preparatlar tashkil etadi. Ba'zi og'ir kasalliklarni davolashda ishlatiladigan muhim ahamiyatga ega bo'lgan dorivor preparatlarni (yurak glikozidlar, qator alkaloidlar, terpenlar, saponinlar hamda boshqa biologik faol moddalar) shu vaqtgacha sintez yo'li bilan olib bo'lmagan. Ularni olish manbai hozircha o'simliklar bo'lib qolmoqda.

Sog'liqni Saqlash Vazirligi tomonidan chop etilgan dorivor vositalarning rasmiy ro'yxatida tibbiyotda ishlatiladigan 282 tadan ortiq shifobaxsh o'simliklar keltirilgan. Kimyoviy sanoat korxonalarida bugungi kunda 254 turdan ortiq fitopreparatlar ishlab chiqarilmoqda. Shu dorivor preparatlar 152 tur dorivor o'simliklardan olingan 172 xil maxsulotlardan tayyorlanadi. Shu ko'rsatilgan dorivor mahsulotlar vatanimizda yovvoyi holda o'sadigan dorivor o'simliklardan tayyorlanadi. O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitob“idagi dorivor o'simliklarga oq parpi (*Aconitum talassicum* Popov), sumbul kovragi (*Ferula sumbul* Hook), oloy hiyoli (*Physochlaina alaica* Korotkova ex Kovalevsk), olga shtubendirfiyasi (*Stubendorffia olgae* R. M. Vinogr), Aflotun piyozi (*Allium aflatunense* B. Fedtsch), piskom piyozi (*Allium pskemense* B. Fedtsch), kachimsimon yetmak (*Allochrose gypsophiloides* Schischk), Viktor omonqarasi (*Ungernia victorus* Vved. ex Artjuschenko), sarxush bo'zulang (*Lagochilus inebrians* Bunge), Amudaryo oqto'shasi (*Paraeremostachys transoxana* Adylov), gulxayribarg qoraqat (*Ribes malvifolium* Pojark) kiradi. Quyidagi o'simliklarning ayrimlari haqida to'xtalib o'tamiz.

Sarxush bo'zulang bo'yi 30-60 sm ga yetadigan ko'p yillik o'simlik. Poyasi tik o'sadi, 4 qirrali, shoxlanmagan yoki shoxlangan. Barglari 3-5 bo'lakka bo'lingan bo'lib, poyasi bilan shoxlarida qisqa bandi bilan ketma-ket joylashgan. Gullari poyaning yuqori qismida 4-6 tadan joylashgan. Tojibarglari oqish. Iyun-avgustda gullab, iyul-sentabrda mevasi yetiladi. 1957-1960 yillarda Samarqand viloyatining 2 ta yerida ekib o'stirilgan. 1960-yildan buyon O'zbekiston FA „Botanika“ ilmiy ishlab chiqarish markazining Botanika bog'ida ekiladi. Dori preparatlari qon ivishini tezlatish va qon bosimini pasaytirish ta'siriga ega bo'lgani uchun o'pkadan, burundan, yaralardan va boshqa joylardan qon oqishini to'xtatish hamda bavosil, gemofiliya, gipertonianing I-II darajali kasalliklarini davolash uchun qo'llaniladi. Bo'zulang „Qizil kitob“ga kiritilgani sababli uni tabiiy o'sish joylaridan yig'ishga ruxsat etilmaydi.

Dori tayyorlash va foydalanish: Dorixonalardan o'simlikning quritilgan guli va bargi aralashmasidan olib, yarim litr choynakka to yarim bo'lguncha solinadi-da, ustiga to'ldirib qaynab turgan suv quyib 2-3 soat damlab qo'yiladi. So'ng dokadan o'tkazib shifokor ko'rsatmasiga qarab kuniga 3-4 mahal 1 osh qoshiqdan ichiladi. Teri kasalliklarida o'sha joy yuviladi.

Oq parpi bo'yi 1,5 m ga yetadigan, ko'p yillik, tugunak ildizpoyali o't. Ildizpoyasi tugunaklarning yonma-yon qo'shilishidan hosil bo'lgan. Poyalari oddiy, tik o'suvchi. Poyaning yuqori qismida joylashgan bargalari bandsiz, qolganlari poyada ketma-ket joylashgan. Tarkibida 0,5-2,55% alkaloidlar (akonitin, zangorin va boshqalar) bor. Iyun-iyul oylarida gullab, iyul-avgust oylarda meva beradi. O'zbekiston FA Botanika bog'ida madaniyashdirilgan. Hozirgi kunda Chotqol, Zomin qo'riqxonalarida muhofaza qilinmoqda. Parpi tugunagining damlamasi xalq tabobatida o'pka sili, radikulit, bod va boshqa shamollash kasalligini davolash uchun ishlatiladi.

Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, dorivor o'simliklarning tibbiyotda tutgan o'rni kun sayin ortib bormoqda. Bejiz emaski, hozirgi vaqtda dorivor o'simliklarga bo'lgan talab va ehtiyoj ularni yetishtiruvchi va tayyorlovchi davlat idoralari oldiga hal qilinishi kerak bo'lgan

qator masalalarni qo'yadi. Xullas, farmasevtika laboratoriyalarini dorivor o'simlik mahsulotlari bilan ta'minlash, yovvoyi holda o'sadigan va o'stiriladigan dorivor o'simlik mahsulotlari miqdorini ko'paytirish, yovvoyi holda o'sadigan dorivor o'simliklarni tabiiy sharoitda saqlab qolish, ularni muhofaza qilish va ko'paytirish, dorivor o'simliklarni tabiiy sharoitda saqlab qolish, ularni muhofaza qilish va ko'paytirish, dorivor o'simliklarni davlat va jamoat xo'jaliklarida ko'plab ekish shular jumlasiga kiradi.

Xalq sog'lig'ini saqlash, kasalliklarning oldini olish, avlodlarni sog'lom qilib tarbiyalab yetishtirish masalalariga ahamiyat berar ekanmiz, o'z vaqtida va tez yuqori malakali tibbiy yordam ko'rsatish, kasallikni davolash va oldini olishning asosiy omillardan biri hisoblangan yaxshi ta'sir etuvchi dorivor o'simliklar, ulardan olinadigan va tayyorlanadigan preparatlar hamda boshqa vositalarni ko'plab yetkazib berishga bor imkoniyatlarni ishga solmog'imiz kerak. Mazkur dorivor o'simliklarning „Qizil kitob“ ga kiritilishi mutaxassislar, davlat idoralari, jamoat tashkilotlari oldiga qo'riqxonalar va buyurtmaxonalarni kengaytirish, xomashyo uchun yig'iladigan o'simliklarga litsenziyalar joriy etish kabi bir qancha masalalarni qo'yadi.

O'simlik dunyosini muhofaza qilishda keng omma ishtirok etgan taqdirda ijobiy natijalarga erishish mumkin. Shundagina biz kelgusi avlodlar uchun nabotot olamining bebaho boyligini saqlab qoldirgan bo'lamiz.

Adabiyotlar:

1. Kursanov L. I., Golenkin M. I. "Botanika" Toshkent-1972
2. Xolmatov X. X. Qosimov A. I. "Dorivor o'simliklar" Toshkent-1994
3. To'raqulov Y. "Molekulyar biologiya" Toshkent-1992
4. Hojimatov Q., Olloyorov M. "O'zbekistonning shifobaxsh o'simliklari va ularni muhofaza etish" Toshkent-1988
5. Nig'matov A.N. "Ekologiya" Toshkent-2006

Xoliqova M.O., Musayeva N.X. (Navoiy, Nav DPI)

YOSHLARDA EKOLOGIK TA'LIM-TARBIYANING ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISHDAGI TUTGAN O'RNI

Yoshlar - jamiyatning tub negizi, aholining ilg'or qatlami, kelajakning ishonchli egalari. Har bir davr yoshlarining bilim darajasi, dunyoqarashi, o'y-fikri, ma'naviy qiyofasiga qarab o'sha jamiyatning ertangi kunini aniq tasavvur etish mumkin. Binobarin, masalaga shu jihatdan nazar solsak, bugun mamlakatimizda har tomonlama sog'lom va barkamol avlodni voyaga yetkazishga qaratilayotgan yuksak e'tibor, unib-o'sib kelayotgan yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash yo'lida qilinayotgan ko'pdan-ko'p tarixiy ishlar zamirida bitta buyuk maqsad - u ham bo'lsa, ertaga Vatanimizning tayanchi va suyanchi bo'lishga qodir chinakam ishonchli vorislarni ko'rishdek qutlug' niyat borligi biz yoshlarni quvontiradi va yanada ko'proq mas'uliyat yuklaydi.

Mustaqillikka erishilgach, aniqrog'i, 1991 yilning 20 noyabrida "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to'g'risida"gi qonunning qabul qilinishi bilan mamlakatimizda yoshlarga e'tibor masalasi davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan edi. Ushbu qonunning 1-moddasida: "Yoshlarga oid siyosat O'zbekiston Respublikasi davlat faoliyatining ustuvor yo'nalishi bo'lib, uning maqsadi yoshlarning ijtimoiy shakllanishi va kamol topishi, ijodiy iqtidori jamiyat manfaatlari yo'lida imkoni boricha to'la-to'kis ro'yobga chiqishi uchun ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy, tashkiliy jihatdan shart-sharoit yaratish hamda ularni kafolatlashdan iboratdir", - deya mustahkamlab qo'yilgan. O'z-o'zidan, davlatning bu jarayondagi asosiy vazifasi - yoshlarning jamiyatga turli xil salbiy oqibatlarisiz kirib kelishini ta'minlash, ularning o'z huquq va erkinliklarini to'la amalga oshirishlarini kafolatlashdan iborat. Bu esa, davlatning yoshlarga oid siyosatini amalga oshirishida o'z ifodasini topadi.

Davlat tomonidan yoshlarning ta'lim olishiga, shuningdek iqlim o'zgarishi, bioxilma-xillikni asrash, cho'llanishning oldini olish, tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish kabi

ekologiya va atrof-muhitning dolzarb muammolarini hal qilishda yoshlar o'rnini ko'tarishga katta e'tibor berilmoqda. Iqlimdagi global o'zgarishlarga yevropadagi ko'rilmagan qorli qahraton qishlar, dunyoning katta shaharlaridagi suv toshqinlari kabi tabiatning salbiy ko'rinishlari guvohlik bermoqda. Bu holatda biz global iliqlikning tub sabablarini aniqlashimiz va iqlim o'zgarishini yumshatish uchun har birimiz ne qilishimiz, muammoni hal qilishda qanday ulush qo'shishimiz mumkinligini bilishimiz kerak. Shu munosabat bilan aholi axborot olishini oshirish o'zgargan iqlim sharoitiga ko'nikishga yordam beradi, energo tejovchi texnologiya va texnikalar O'zbekistonning kelajakda barqaror rivojini ta'minlaydi. Butun dunyo bo'ylab minglab peshqadam yoshlar iqlim o'zgarishi oqibatlariga kurashda bir yoqadan bosh chiqarib harakat qilmoqdalar.

Atrof tabiiy muhitni boshqarish boshqaruv tizimining umumiy oliy ustunliklari qatoriga kirib bormoqda. Atrof tabiiy muhitni boshqarish tizimi ekologik masalalarni tashkil qilish tartibi va bosqichma-bosqich yechimini topish manbalarini joylashtirish, tabiiy jarayonlarga muntazam baho berish hamda vazifalarni taqsimlash orqali ta'minlanadi.

Boshqarish elementlaridan biri sifatida tatbiq etilgan tabiatni muhofaza qilishni boshqarish tizimi menejment hududining yaxshi belgisi hisoblanadi va investisiyaviy tortish kuchini oshiradi. Tabiatni muhofaza qilishni boshqarish tizimini tatbiq etish maksimal imkoniyatlar orqali ekologik katastrofalarning oldini olish imkonini beradi. Tabiatni muhofaza qilishni boshqarish tizimi sohasi siyosati va ekologik xavfsizlikni ta'minlashdan asosiy maqsad – atrof muhitga bo'lgan huquqni, xo'jalik va boshqa ta'sirlar natijasida vujudga kelayotgan salbiy faoliyatdan himoya qilish hamda ifloslantirish oqibatlarini tugatib, uni ogohlantirish hisobiga, atrof-muhitning sifatini sog'lomlashtirish va yaxshilashdan iborat.

Atrof-muhit himoyasidagi muhim tarmoqlarning biri nafaqat ishlab chiqarish jihatidan yuklamani kamaytirish, balki kundalik hayotga tejamkorlik qoidasini tatbiq etishdir. Shu maqsadda cheklangan tabiiy zahiralari, atrof-muhitning ifloslanishi va iqlim o'zgarishi sharoitida aholini, jumladan, yoshlarni mavjud resurslarni tejash, iqtisod qilish, ishlab chiqarish va atrof-muhit muhofazasiga jalb etish tabiatga ehtiyotkorona va mas'uliyat bilan munosabatda bo'lishning yangi etikasini shakllantiradi.

Bu bilimlar omborini shakllantirishga, yoshlar imkoniyatlarini tatbiq etish sohalarini aniqlash bo'yicha bilimlarga ega bo'lish faoliyatni yo'lga qo'yish bo'yicha ma'lumot berishga zamin yaratadi. Mazkur vazifani bajarishda yoshlarni o'qitish, kasbiy ko'nikmalarni egallash salohiyatini oshirish jalb etishni mexanizmini ishlab chiqish hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. “O'zbekiston XXI asr busag'asida: xavfsizlikka taxdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari”. T.: 1997.
2. Baratov P. va boshqalar “Tabiatni muhofaza qilish”. T.: 1995.
3. To'xtayev A, Xamidov A “Ekologiya asoslari va tabiatni muhofaza qilish” T.: 1994.
4. Shodimetov Yu. “Ijtimoiy ekologiyaga kirish”. T.: 1994.
5. Xolliev I., Ikromov A. “Ekologiya”. T.: 2001.

Гозиева М. Т. (Жиззах, ЖДПИ академик лицейи)

Усманов М.Р., Артиқов С. (Жиззах, ЖДПИ)

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ГЭОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистонда геоэкологик вазиятларнинг кескинлашуви ва геоэкологик муаммоларнинг келиб чиқиши, экологик мувозанатларнинг бузилиши ва унинг оқибатлари: XX-асрнинг 60-йилларидан эътиборан фан-техника тараққиёти жадаллашуви туфайли ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши кучайиб саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, транспорт, қурилиш тез суръатларда ўсиб борди. Бунинг натижасида янги ерларни ўзлаштириш дарёларнинг сувларидан суғориш учун фойдаланиш, катта

ҳажмда минерал хом ашёларни халқ хўжалиги ишлаб чиқаришига киритиш, кўплаб транспорт воситаларини ишлаб чиқариш босқичига қадам қўйилди.

Бунинг натижасида табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар сезиларли даражада ўзгарди. Инсоннинг табиий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш борасида табиат бойликларидан эҳтиёжга яраша фойдаланиш, уларни мунтазам тиклаб бориш ва бошқа тамойилларга тўлиқ амал қилмаслик туфайли жойларда экологик вазият чигаллаша борди, баъзан буҳрон ҳолатлар юз бера бошлади. Чунки табиатнинг ўз-ўзини тозалаш, барқарорлик, етказилган зиёнларни тиклаб олиш хусусиятлари ўтган асрнинг 60-70-йиллари, хусусан, 80-йиллаирда, энг юқори чегарасига етиб қолган ва жойларда ҳатто ўтиб ҳам кетган эди. Бунинг оқибатида экологик мувозанат инсон таъсири кучайган жойларда асрий турғунликдан чиқиб, ўзгариш томонга бурилди. Ҳа, инсон табиатни минг йиллар давомида жиддий ўзгартира олмаган бўлса ҳам, лекин кейинги 30 йил мобайнида унга “эришди”, табиат билан инсон ўртасида муносабатлар жиддийлашмоқда. Бунинг ёрқин мисоли бўлиб, Марказий Осиёда Орол денгизи сатҳининг тушиб кетиши натижасида Оролбўйи экологик шароитнинг ниҳоятда тез суръатларда бузилиши ва бунинг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларини кенг миқёсда кузатиш мумкин.

Нафақат Орол муаммоси воҳаларнинг мелиоратив ахволининг ёмонлашаётгани, текислик яйловларда чўллашишнинг хуружи, тоғ этаклари ва ён бағирликларда яйловлар маҳсулдорлигининг пасайиб бораётганлиги ва бошқа экологик муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсирнинг кескинлашиб бораётганлигини вақтинчалик оддий табиат “воқеаси” деб таърифламоқ хатодир. Чунки, табиат бойликларидан, унинг чегараланган турларидан беҳисоб фойдаланиб бўлмайди. Дунёда ҳамма моддий нарса ўлчовли бўлгани каби ер курраси бойликлари ҳам ҳдди шундай аниқ ўлчовлидир, ундан тежаб фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон иқлимий-географик хусусиятлари инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатларига, экотизимлар шаклланиши ва ривожланиш жадаллигига жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон мисолида кенг миқёсли ва минтақавий ижтимоий экологик муаммоларнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг бир-бирини келтириб чиқаришини кузатиш мумкин. Ўзбекистоннинг биосферага антропоген таъсири аста-секин табиатнинг ўз-ўзини тартибга солиш функциясининг биопродукцион жараёни барқарорлигини ва жадаллигини пасайтирди. Бу кенг миқёсда биосферадаги мувозанат бой берилиши хавфини юзага келтирмоқдаки, бу ижтимоий экотизимларнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай ҳолат айниқса кейинги ўн йилликда авж олди. Табиат қонунлари қўпол равишда бузилди. Чекланган воҳа участкаларида ўнлаб экологик жиҳатдан зарарли кимёвий ишлаб чиқариш иншоотлари қурилди. Улар маҳсулотининг аксарияти хом ашё сифатида Республика ташқарисига олиб чиқиб кетилди. Аҳолига заҳарланган ҳаво, ер ва сувдан ташқари ҳеч нима қолдирилмади.

Орол денгизи худудидagi вазият деярли инсон назоратидан чиқиб кетди. Оролбўйи экологик фалокат минтқсига айланди. Ҳаво ифлосланиши, у орқали бошқа экотизимларнинг ифлосланиши саноат корхоналари, барча турдаги транспорт воситаларининг зарарли чиқитларини кўплаб ҳавога чиқаришлари, заҳарли химикатлар ишлатилиши туфайли юз бермоқда.

Ўзбекистон гидрология ва метеорология маркази маълумотларига қараганда ўтган асрнинг 90-йилларнинг бошларида минтақадаги атмосферага чиқараётган заҳарли моддалар умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи Ўзбекистон Республикаси (61 %) хиссасига тўғри келади. Шуниси ҳам борки, Республика фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки барча асосий қоришмалар бўйича етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Фақат углеводородлар жиҳатдан Туркменистон хиссаси кўпроқ эди, углеводородлар эмиссияси бўйича Республика чиқиндилари таркиби 47 % ни ташкил этади.

Муҳофаза этиладиган ҳудудларда табиатни муҳофаза қилиш, ҳамда табиатдан ер ресурсларидан фойдаланишдаги аҳамияти бирорта илмий ишда тўлақонли ўрганиб чиқилмаган (бундай ишлар фақат вилоят, водий ва даражасида қисман кўрилган ҳолос);

- ҳудуднинг тупроқ турларини алоҳида туманнинг ўзи учун карталаштирилганига анча вақт булди. Бу вақт оралиғида антропоген тайзиқ натижасида тупроқларнинг таркиблари ўз кўринишини жуда катта майдонларда ўзгартирди. Бу ҳолат алоҳида янги маълумотлар билан бойитилган карталарида ўз аксини топмаган;

Ўзбекистон ҳудудида геология, иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг комплекс ўрганилиши бўйича кўп йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилган, лекин бу тадқиқотларнинг илмий таҳлили ҳали тўлиқ амалга оширилмаган, уларнинг геоэкологик аҳамияти очиб бериш долзарб масала ҳисобланади.

Бу вазифаларни бажариш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади;

- тупроқларини ўрганиш, ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш бўйича тадқиқотларнинг илмий натижалари ва уларда илгари сурилган илмий ғоялар, йўналишлар ва қарашларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан ер ресурсларидан фойдаланишдаги аҳамияти бирорта илмий ишда тўлақонли ўрганиб чиқилиши;

- айнан Ўзбекистон учун ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини акс эттирувчи тўлиқ маълумотлар банки ва ер ресурсларининг ҳозирги геоэкологик ҳолати тавсифланмаган ва баҳоланмаган табиатидан фойдаланиш, табиатини муҳофаза қилиш борасида етарли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши.

Табиатнинг ноёб, диққатга сазовор объектларига ғорлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, шаршаралар, ер қатламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, ўзига хос булоқлар, катта ёшли дарахтлар киритилади. Табиатнинг бундай объектлари илмий, рекреация, туризм, саёҳат, нафосат маскани мақсадларида ўрганилади ва муҳофаза қилинади. Табиатнинг гўзал, ранг-баранг, ҳаво ва суви мусаффо, табиати шифобахш ландшафтлари ҳам махсус муҳофаза қилинади. Чунки, бундай ландшафтларни асил ҳолида сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш, улардаги табиий жараёнлар ва экологик мувозанатнинг вақт давомидаги қонуний ўзгаришларини тадқиқ қилиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари. 7-сон. –Т. Адолат. 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2015 йил январь. № 1 (1345).
3. Б.В.Эрофеев Земельное право: –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2012. -348с.
4. Зокиров. Ғ. З., Раҳмонов К.Р. Ўзбекистоннинг шифобахш масканлари. Тошкент, Ибн-Сино,2010.
5. Рафиқов А. Геоэкологик муаммолар. Тошкент, Ўқитувчи, 2009.
6. Ғуломов П.Н. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. Тошкент. 1990.

Joniyeв Otabek Toxirovich (Navoiy, NDPI)

NAVOIY SHAHAR SANOAT MAJMUASINING RIVOJLANISHI VA EKOLOGIK MUAMMOLARI

Navoiy viloyatning hozirgi kundagi maydoni 111 ming kv.km. ga teng, bu jihatdan u eng katta viloyat hisoblanadi. Respublikamiz ma'muriy birliklari ichida faqat Qoraqalpog'iston Respublikasidan kichikdir. U Andijon va Sirdaryo viloyatlaridan qariyb 30-barobar, qo'shni Buxoro viloyatidan 2,5marta kattadir. Hatto dunyoning ko'plab mamlakatlari Niderlandiya, Buyuk Britaniya kabi davlatlardan kattaligini ham e'tirof etish lozim. Viloyat hududining

ko'lamini O'zbekiston Respublikasi hududining 24,7 foiziga yoki qariyb $\frac{1}{4}$ qismiga teng, Zarafshon iqtisodiy rayonining $\frac{2}{3}$ qismiga teng. Ammo viloyat hududining asosiy qismi cho'l zonasida joylashganligi, mahalliy sug'orma suv manbalariga yetarlicha ega emasligi, buning ustiga asosiy suv manbasi bo'lmish, Zarafshon daryosi ham viloyatning janubiy qismidan oqib o'tishi o'lka tabiatining salbiy sifatlaridan sanaladi. Shuning bilan bir qatorda viloyatning geografik o'rni uning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy ravnaqi uchun qulay imkoniyatlarga ega. Viloyat hududidan qadimda Buyuk Ipak yo'lining o'tganligi ham uning geografik o'rni bilan bevosita bog'liqdir. Bundan tashqari viloyat hududi ko'lamining kattaligi davlatlararo yo'l va aloqalar tugunida joylashganligi, uning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy rivojiga ko'mak beradigan omillardan sanaladi. Shuningdek, Navoiy viloyatining erkin iqtisodiy industrial zonaga aylantirilishi ham fikrimiz isbotidir.

Avvalo shuni ta'kidlash kerakki, viloyat sanoat geografiyasi o'ziga xos xususiyatga ega. Bu yerda sanoat korxonalarini hamda aholi manzilgohlari tasmasimon (chiziqsimon), ya'ni asosiy yo'llar yoqasida joylashganligi ko'zga tashlanadi. Korxonalarining cho'l sharoitida aynan shu ko'rinishda joylashuvi ular o'rtasida ishlab chiqarishni ijtimoiy tashkil etishda, xususan kooperatsiya aloqalari, shuningdek, ishlab chiqarish samaradorligiga erishishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday hududiy holat esa viloyatda tegishli mineral xomashyo bazasi yetarli ekanligini, aholi joylashuvi va shaharlar tipi ham asosan 40-50 yillar mobaynida sanoatning rivojlanish natijasi ekanligidan dalolat beradi.

Masalaga shu jihatdan yondoshganda iqtisodiy tarmoqda, sanoat korxonalarining hududiy tarkibida ham o'ziga xos xususiyat ko'zga tashlanadi. Masalan, Navoiy sanoat majmuasi qudratli elskar (Kurpchish materiallari bazasiga ega. Ushbu sanoat rayon asosini og'ir sanoat egallaydi, yengil va oziq-ovqat sanoatining ulishi katta emas. Ta'kidlash kerakki, hudud sanoat tarmog'ini izchil sanoat tugunlari, ya'ni sanoat korxonalarini bir joyda mujassamlashuvi mintaqaning aglomeratsiyalashuv darajasi 5-% beradi. Navoiy shahrida ishlab chiqarish kuchlarining taraqqiy etishi tabiiy resurslarning o'zlashtirilishi, Ushbu shahar sanoat majmuasi asosan uning hududida shakillanib kelmoqda ishlab chiqarish kuchlarini tez sur'atlar bilan rivojlanish uchun yetarlicha tabiiy va iqtisodiy imkoniyatlarga ega.

Navoiy viloyati mineral xomashyo manbalariga boy bo'lib, Tog'-kon kimyo hamda qurilish materiallari sanoati kabi tarmoqlarini rivojlantirish uchun negiz bo'la oladi;

-Mintaqa shahar hosil qiluvchi tarmoqlari qatorida sanoati, transport omillarining ulushi kuproq;

-Shaharda infra-tuzilma tizimi ham ancha yaxshi rivojlangan;

-Mintaqa aholisining tez sur'atlar bilan ko'payib borayotganligi, bu yerda ishlab chiqarish kuchlarini yanada rivojlantirish imkonini beradi.

Ma'lumki, shaharlarda ishlab chiqarish va iste'mol chiqindilaridan muhofaza qilish, o'z navbatida, tabiiy resurslardan oqilona va kompleks foydalanish hamda ekologik toza texnologiyalarni amaliyotga tatbiq etish muammolari bilan o'zviy bog'liqdir. Davlat tomonidan bunday muammolarni hal etish maqsadida hozirgi kunda 10-dan ortiq xalqaro shartnomalar imzolandi, 30-dan ko'proq davlat qarorlari qabul qilindi.

Viloyat hududida ekologik vaziyatning inson salomatligiga salbiy ta'siri respublikamizdagi eng yirik sanoat markazlaridan biri bo'lgan Navoiy shahrida ancha murakkabdir. Ayniqsa, shahardagi kimyo zavodlari muhim o'rin tutadi, kimyo zavodlaridan atmosferaga chiqarilayotgan chiqindilar aholi o'rtasida kasallik turlarini ko'payishiga sabab bo'lmoqda.

Ekologiyani muhofaza qilish va atrof-muhitni asrab-avaylash hozirgi global tabiiy o'zgarishlar sharoitida ayniqsa muhim ekanligi alohida ta'kidlandi. Ushbu maqsad doirasida 2017-2021 yilga qadar yaxshilangan suv manbalaridan va sanitariya xizmatlaridan bahramand bo'ladigan shahar va qishloq aholisining ulushini ko'paytirish ko'zda tutilgan.

Adabiyotlar:

1. Baratov R. Tabiatni muhofaza qilish. T. 1995.
2. Nazarov M, Tojiyeva Z. Ijtimoiy geografiya. T. 2003.

3. Rafiqov A.A. Tabiatda ekologik muvozanat. T.1990
4. To`xtayev. A. Ekologiya. T.1998
5. To`xtayev A., Hamidov A. Ekologiya asoslari va tabiatni muhofaza qilish. T.1994.

Авалбоев О.Н., Исоқова К., Саидова И. (Жиззах, ЖДПИ)
**НУРОТА ТОҒИДАГИ КАКЛИК (*Alectoris chukar* (J.E. Gray, 1830)) НИНГ
 БИОЛОГИЯСИ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

Нурота тоғлари – Туркистон тизмасининг шимоли-ғарбий тармоғи бўлиб, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида, жанубдан Зарафшон водийси, Сангзор дарёси водийси ва шимолдан Қизилкум чўли билан чегараланади. Нурота тоғлари бир-бирига параллел икки тизма – Шимолий ва Жанубий Нурота тоғларидан иборат. Шимолий Нурота тоғлари жануби-шарқий қисмини Қўйтош тоғлари ишғол қилган. Нурота тоғлари шимоли-ғарбга томон 170 км чўзилган. Ўртача баландлиги 1000-1500 м. Нурота тоғларининг ғарбий қисми аста-секин пасая бориб, Кармана чўлига қўшилиб кетади.

Нурота тоғи атрофидаги қолдиқ тоғлар – Писталитоғ, Учқулоч, Эгарбелистоғи, Балиқлитоғлар ўзаро бир-бирига анча яқин жойлашган. Бу қолдиқ тоғларнинг барчаси жануби-шарқдан шимолий-ғарбга қараб чўзилиб, Нурота тизмасига параллел жойлашган. Уларнинг энг йириги Писталитоғ хисобланиб, узунлиги 40 км, кенлиги 4 км бўлиб, энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 557 м ни ташкил этади. Бу қолдиқ тоғларда тахминан 550-600 ўсимлик турлари мавжуд.

2017 йил давомида табиий шароитда, Нурота тоғ тизмасига кирувчи Балиқлитоғнинг жануби-ғарбий қиялигида кузатишлар олиб борилганда каклик (*Alectoris chukar* (J.E. Gray, 1830)) нинг учраши аниқланди. У жойнинг тупроғи тошли-шағалли кумтупроқдан иборат бўлиб, сийрак ёввойи бодомчалар ва ҳар хил ўтли ўсимликлар жамоасидан ташкил топган.

Каклик (*Alectoris chukar* (J.E. Gray, 1830)) Товуксимонлар (*Alliformes*) туркумига мансуб куш.

Товуксимонлар туркумига ўртача катталиқдаги ёки йирик (80 г дан 6 кг гача) бўлган ерда юрадиган паррандалар кириб, 250 га яқин турни ўз ичига олади. Булар орасида ўртача катталиқдагилари кўпчиликни ташкил этиб, майда ва йириклари кам бўлади. Тумшуғи қисқа, бир оз бўртиб чиққан, боши унча катта эмас. Бўйни қалта, тана тузилиши миқти, қаноти қисқа ва сербар бўлади. Бу уларга тез ва вертикал кўтарилишига ёрдам беради. Тез ва оғир учади. Фақат айрим турларигина узокқа учади. Оёғи ўртача узунликда, бақувват. Бармоғи қаттиқ, узун эмас. Тирноғи қисқа, бир оз эгилган. Яхши юради ва югуради. Пат қоплами зич ва қаттиқ.

Жинсий диморфизм кўп турларининг ранги ва ўлчамларида сезилади. Нарлари одатда макиёнига қараганда йирикроқ ва очикроқ рангли бўлади. Турли-туман ландшафтларида: текисликлардан тортиб, баланд тоғларгача, тундрадан то тропикларгача яшайди. Кўпчилиги ерда яшайди, баъзи турлари дарахтларда ўтиради ва ўша ерда озикланади. Кўпчилик қисми ярим ўтроқ ҳолда яшайди, камдан-кам турларигина учиб ўтади. Асосан ўсимликлар билан, айрим ҳолларда ҳайвонлар билан озикланади, бироқ ёш полапонлари ҳайвонот озукасини кўпроқ ейди.

Кўп турлари полигам. Тухумдан жўжа очиб чиқади. Одатда бир йилда бир марта кўпаяди. Полигам турларида гуруҳ бўлиб урчиш кузатилади. Бу вақтда нарлари ҳар хил ҳолатда туриб, ўзига хос товуш чиқаради ва бир-бири билан рақобатлашади. Тухум қўйиш вақтида 2-25 тагача бўлади. Тухумини 12-30 кун босиб ётади. Қушларнинг бу туркуми жуда катта хўжалиқ аҳамиятига эга.

Ўзбекистонда каклик (*Alectoris chukar* (J.E. Gray, 1830)) кўпчиликка яхши маълум. Какликнинг тумшуғи ва оёқлари қизил бўлади. Нарининг пешонаси қора, бош тепаси кўкимтир кул ранг бўлиб, қизғиш ғубори бор. Томоғи ва бошининг икки ёни оч сариқ,

четлари қора йўлли, бу йўл тумшук асосидан бошланиб, кўзга, сўнгра жиғилдон билан томоқ чегарасига ўтади. Какликнинг жиғилдони билан кўкраги оч ҳаво ранг-кўк, пастки қисми сарғиш. Икки ёнидаги патларида занг, қора ва кўнғир тусли кўндаланг йўллари бор. Оёқлари пихли. Оғирлиги 800 г гача боради. Макиёни тўқ кул ранг, жуссаси кичикрок, оёқларида пихи йўқ.

Каклик жуда хушёр, жуда тез югуради, лекин узоқ масофага уча олмайди.



Каклик Жанубий Европада, Кичик, Ўрта ва Марказий Осиёда тарқалган. Бир вақтлар Қримда йўқолиб кетган эди, ҳозирги вақтда қайтадан иқлимлаштирилмоқда. Ўрта Осиё тоғлари ва тоғ ёнбағирларида ўтроқ ҳолда ҳаёт кечиради. Жумладан, республикамизнинг ҳамма тоғларида, айниқса, Боботоғ, Кўхитанг тоғларида, Ҳисор тизмасининг тармоқларида, Зарафшон, Туркистон, Нурота тоғларида ва Чотқол тизмасининг тармоқларида, Қизилқумнинг паст тоғлари ва Устюрт жарликларида учрайди.

Какликнинг ёз ойларида баланд тоғлардаги қоялар ўртасида ва эрта тонгларда арчазорларда ва кечга яқин ҳамма томондан қақағлаши эшитилади. Какликлар эрталаб дон ва ҳашаротларни чўкиб еб, булоқларнинг ёнига тушади, бу ерда уларни кўпинча, туплар орасига яшириниб олган овчилар тўрларини ёзиб кутиб туришади. Каклик тўрға тушиши билан овчи арқонни тортади, чўчиб кетган какликлар эса тўрға ўралишиб қолади. Тутилган какликлар қафасда сақланади. Кўпинча улар товуклар билан бирга бемалол юришади ва эгаси ёнидан учиб кетмайди.

Каклик моногам куш. Кузатишларга қараганда, апрел ойида макиёни чуқурлиги тахминан 10 см ча келадиган кичкина чуқур қазиб, унга эски хазон ёки хас-хашак ёзади. Инини қия жойларга, тошларнинг остига, арча ва бошқа дарахт ҳамда буталарнинг тагига қўяди. Каклик апрел ойдан июн ойигача тухум қўйиши аниқланган. Макиёни 6 тадан 19 тагача тухум қўяди. Тухумларининг ранги ҳар хил. Оқ пўчоғда турли шаклдаги майда нукталари бор. Жўжалари тухумдан 20 кунда чиқиб, ҳонаки товукларнинг жўжалари каби ота-онасига дарров эргашиб кетаверади. Эркак каклик ҳам, макиёни ҳам жўжаларини ўзи билан бирга олиб юради.



Каклик ўсимликларнинг куртаклари, барглари, дон ва уруғлари, ҳашоротлар ва уларнинг личинкалари билан озикланади.

Сентябр ойида какликлар катта гала бўлиб олади. Тоғларга кўп қор ёққанда какликлар дарё водийларига ва қишлоқларнинг атрофларига тушади. Бу қушлар учун энг оғир вақт бўлади. Улар дон топа олмаса, дарё ва сойларнинг қирғоқларида кўкариб турган ўт ва йўсин билан кифояланишга мажбур бўлади. Қалин қор ёққан вақтда ҳаваскорлар тўда-тўда бўлиб олишиб какликларни бир ёнбағирдан иккинчи ёнбағирга ҳайдайдилар. Какликлар тез чарчаб, қалин қорга ботиб қолади. Бундай ов усули тақиқланган бўлиб, бу усулда каклик овлаган одамлар қонун йўли билан жавобгарликка тортиладилар. Қишда какликлар доимо гала бўлиб яшайди. Тунда эса қояларнинг бирор жойида тўпланишади. Тунги дам олиш жойи одатда, доимий бўлади, буни кундузи тезак ва тўкилган патларнинг кўп тушишига қараб билиш мумкин.

Какликни овлашга фақат ноябр ва декабр ойларида рухсат этилади. Бу рухсатномани овчилик инспекцияси беради.

Какликнинг гўшти жуда маъзали бўлганлиги учун овланади, шунингдек, декоратив сайроқи қуш сифатида тўр қафасда боқилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, какликларни асрашимиз, уяларини бузмаслигимиз, полапонларига озор етказмаслигимиз ва қонун доирасида ҳимоя қилишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Богданов О.П. Ўзбекистон ҳайвонлари. –Тошкент. “Ўқитувчи”, 1983, -Б. 1-320.
2. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби, II-том. -Тошкент, “Чинор “ЭНК”, 2009, -Б. 1-238.
3. Лаханов Ж.Л. Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи. -Тошкент. “Ўқитувчи”. 1988.

Бакирова С. М. (Жиззах, Ғаллаорол т. 25- мактаб)

Муротова Т. Х. Саматова Н. М. (Жиззах, ЖДПИ)

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ҳозирги вақтда табиатни муҳофаза қилиш катта долзарб муаммога айланиб бормоқда (Буларнинг барчаси одамларда экологик онг ва маданиятни яхши шаклланиш даражаси билан боғлиқ бўлса керак). Фан ва техниканинг юксак тараққий этаётган, аҳоли сони тез ўсаётган бу даврда табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни

муҳофаза қилиш дунё мамлакатллари учун тарихий зарурият ҳамда, энг муҳим вазифа бўлиб қолди.

Бу муаммонинг муҳимлиги ва зарурийлиги табиий ресурсларнинг сарф бўлиши, баъзи бутунлай тугаб қолиш ҳамда, табиатда инсон жамияти учун ноқулай бўлган экологик ўзгаришларни келиб чиқиши жараёнлари билан аниқланади. Бу эса ишлаб чиқариш кучлари тараққиётига тўсқинлик қилади ва ниҳоят ер шарида умуман ҳаёт учун катта хавф туғдириши мумкин.

Табиатдаги мувозанатнинг бузилиши ва табиий ресурсларнинг қисқариб бориши аввало ер шарида саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқдир. Хўжалик юритишнинг интенсив тизими табиий ресурсларнинг талон-тарож қилиниши натижасида бир авлод олдида сайёранинг кўпгина жойларини чўлу-биёбонларга айлантириб уни қашшоқлаштирмоқда.

Табиий ресурслар моддий ресурсларнинг тугамас манбаи эканлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин табиатнинг бу хусусияти унинг бойликларидан рационал ва илмий асосда фойдалангандагина шаклланиши мумкин. Мактабда экологик тарбия дарс жараёнида ва синфдан ташқари ишларда амалга оширилади.

Дарс жараёнида табиатни қўриқлашнинг илмий асосларини очиб берилса, синфдан ташқари ишларда эса ўқувчиларнинг ўзлари табиатни қўриқлаш ишларида бевосита қатнашадилар. Бу ишлар бир-бирини тўлдиради ва иккаласини бир вақтда олиб борилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ўқувчиларда экологик онг ва тараққиётни шакллантириш учун уларга экологик тарбия беришнинг асосий формаси – бу дарсдир, чунки дарсда барча ўқувчилар қатнашади ҳамда билим ва кўникмага эга бўлиш имкониятига эга бўлади.

Ўқувчиларда экологик маданиятини шакллантириш усуллари ҳақида гап кетганда экологияга оид, тарбияга доир материалларни география ва биология курсларининг ҳар бир мавзуларидан топшиш мумкин. Бу материал ўргатилаётган дарс мазмуни билан узвий боғланган ва унга асосланган бўлиши керак. Ўқувчиларда экологик тарбияни, маданиятни шакллантириш ўқувчининг педагогик маҳоратига дарсда қўлланиладиган усул ва воситаларга ҳам боғлиқдир. Буларнинг ичида ўқувчиларни ҳодисаларни кузатишга, таққослашга, хулоса чиқаришга ундайдиган усул ва воситалар катта фойда келтиради. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларда табиатнинг муҳофаза қилинишининг зарурлигига ишончни шакллантиради, уларнинг—табиат бойликларига тўғри муносабатда бўлиш, эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ қилишда ижодий ташаббускорликни ривожлантиришда муҳим асос бўлади.

Экологик тарбия бўйича ўқувчиларга берилган назарий билимларни уларнинг амалий фаолияти билан мустаҳкамлаш зарурдир. Синфдан ташқари ишлар, энг аввало ўлкашунослик ишлари шу мақсадга хизмат қилади. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги кўпгина тушунчаларни ўқувчилар аниқ ўлкашунослик материали асосида ўзлаштира олишлари мумкин. Географик ўлкашунослик ўқувчиларга экологик билимларни бериш ва уларни тарбиялаша муҳим рол ўйнайди.

Узлуксиз экологик маданият худди экологик онг каби қуйидаги тартибда шклланиб боради:

1. Оила-боғча-мактаб(гимназия, лицей)
2. Олий ўқув юрти(ёки ўрта махсус ўқув юрти)
3. Ишлаб чиқариш корхонаси – маҳалла

Албатта бу тизим шартли бирин-кетин бўлиши шарт эмас.

Экологик маданиятни шаклланишида оила катта миқёсида таъсир этади, шунингдек, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот ва ҳақозо), кучли мутахассислар, дин арбобларининг гаплари ҳам ўз таъсирини баъзан жиддий тарзда кўрсатади.

Умуман экологик тарбия бўйича ўқувчиларга берилган назарий билимларини уларнинг амалий фаолияти билан мустаҳкамлаш зарур. Синфдан ташқари ишлар, энг

аввало ўлкашунослик ишлари бу мақсадга хизмат қилади. Табиатни кўриқлаш тўғрисидаги кўпгина тушунчаларни ўқувчилар аниқ ўлкашунослик материаллари асосида ўзлаштири олишлари мумкин. Шунинг учун географик ўлкашунослик ўқувчиларга экологик билимларни бериш ва уларни тарбиялашда экологик маданиятни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Ўқувчиларнинг экологик маданиятининг шакллантиришнинг услубий жиҳатлари куйидагиларда кўринади:

1. Болалар боғчасидаги тарбияда
2. Ўрта умумтаълим мактабидаги таълим-тарбияда
3. Олий ўқув юрталарида билим олишларида
4. Мактабдан ташқари ишларда, жумладан, ўлкашунослик тўғараги ишларида, ўлкашунослик тўғараги ёки табиатни кўриқлаш бурчагини ташкил қилганда, табиат кечалари ўтказишда, ҳар хил географик конкурслар ташкил қилганда, табиатга ва ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсиялар уюштирганда ва бошқаларда
5. Ўзи яшайдиган маҳалла ободончиликларида қатнашишда
6. Худудни кўкаламзорлаштириш ишларида қатнашишда.

Мактабларда, маҳаллаларда катта – кичик кўламдаги шанбаликлар ёки озодалик кунлари ташкил этилганида ўқувчиларнинг ундаги иштирокига баъзан жиддий эътибор қаратмаймиз. Зеро, ватан остонадан бошланади дейишганидек ҳар куни ховли, кўча, эшик олди супуришга ва сув сепилиб нураган жойларни мунтазам таъмирланиб туришга ўргатиб бора олсак уларнинг экологик онгига сайқал берган бўламиз .

Дарҳақиқат халқимизнинг қадимги урф-одатлари, анъаналари, табиат тўғрисидаги катта маънога эга бўлган доно ҳикматларига минг йиллар давомида қулоқ солиб улардаги тавсияларга итоат қилиб келинган, бундан буён ҳам, айниқса, ҳозирги мустақиллик шарофати катта эркинликлар берган бир пайтда уларга катта ҳурмат билан қарашимиз ва ҳаётда жуда синалган одатларимизга, қадриятларимизга содиқ қолишимиз ёшларга булар тўғрисида тез-тез гапириб туришимиз, ундашимиз ҳам қарз, ҳам фарздор.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида. Тошкент. Ўзбекистон 1997.
2. Рақибов Ж. Дарсларда ва амалий машғулотларда янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар. Фарғона 2009
3. Шодеметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. Т.;1994
4. Нигматов А. Экология нима? Т.; 2005
5. Экологик таълимда барқарор ривожланиш таълими(мактаб таълими учун ўқув методик қўлланма) (А.Н.Нигматовнинг умумий таҳрири остида)Т.; 2007

Kayumova M.M., Saparova M., Aralova Yu. (Jizzax, JDPI)

Baxtiyorova M.SH. (Jizzax, JPI akademik litseyi o'quvchisi)

O'ZBEKISTON O'SIMLIKLARI VA HAYVONOT DUNYOSINING XILMA-XILLIGI HAMDA ULARNING QISQARISH SABABLARI

O'zbekiston tabiatining biologik va landshaftlar xilma-xilligi milliy boyligimizning ajralmas qismidir. Bu boylik bir necha ming yillik evolutsiya davomida yuzaga kelgan hamda ajdodlarimiz tomonidan bizga qoldirilgan merosdir, zimmamizda bu merosni avlodlarga xilma-xil va borqaror tizim ko'rinishida qoldirishdek ulkan va masuliyatli vazifa turibdi. So'ngi bir necha o'n yillar davomida tabiatdan oqilona foydalanmaslik oqibatida O'zbekistonning flora va faunasiga anchagina yetkazildi. O'zbekiston Respublikasi xududida 4500 ga yaqin o'simlik turi bo'lib, shundan 577 tasi dorivor, 103 tasi bo'yoqli va 560 tasi efemer moyli. O'simliklarning 10-12% muhofazaga muxtoj. O'zbekiston qizil kitobiga 147 o'simlik oilasi kiritilgan. Bularning ko'pi dorivor o'simliklardir. Sanoat va texnikaning rivojlanishi bilan atmosfer, gidrosfera va litosferaning tobora ifloslanishi sodir bo'lmoqda. Bu esa faqat o'simlik va hayvonlarning rivojlanishigagina emas, balki inson hayotiga ham xavf solmoqda. Avvalombor, bu sobiq SSSR

da markazlashgan rejalashtirish asosida yirik qishloq xo'jaligi va sanoat loyihalarini amalga oshirish bilan bog'liq edi, bunda atrof va ijtimoiy muhidda bo'ladigan tasiri etibordan chetda qolardi. Bunday rejalashtirishda O'zbekistonga arzon qishloq xo'jalik va geologik hom ashyo yetkazib beruvchi ichki eksporter sifatida qaralgan. Bularning hammasi O'zbekistonda ekologik vaziatning yomonlashuviga olib keluvchi salbiy jarayonlarning rivojlanishiga sabab bo'ldi.

Sobiq ittifoqda zamonaviy uskuna, texnika va texnologiyaglari taminotisiz gaz qazib olinishi va uning eksportini jadallashtirish – Ustuyurt yassi tkisligi va shimoli-g'arbiy Qizilqumning g'oyat nozik ekologik tizimlari biologik tanazzulga yuz tutishiga olib keldi. Chirchiq-Ohangaron sanoat majmuasi kimyo va tog' kon sanoati korxonalarining chiqindilari atmosfera havosi va tuproqlarni keng ko'lamda ifloslantirib, tazyiqqa tasirchan tog' ekologik tizimlarini va aholi salomatligini jiddiy xatar ostiga qo'ydi.

O'rni va tabiati bo'yicha yahlid biogeografik mintaqada joylashgan O'rta Osio davlatlari o'zlarining tabiiy boyliklari muhofazasi uchun javobgardirlar. Ularning mustaqillikka erishishlari bilan bo'g'liq bo'lgan siyosiy va ijtimoiy o'zgarishlar landshat va biologik xilmaxillikni saqlab qolish, borqaror rivijlanish va ekologik xavsizlikni taminlashda benazir imkoniyatlar tug'dirdi. O'zbekistonning O'rta Osiyo mintaqasidagi bir qancha biogeografik o'lkalar tutashgan hududida joylashganligi uning hayvonot olamining nihoyatda rang-barangligini belgilaydi. Cho'l va sahrolardan iborat keng tekisliklar, tog'-dashlar, o'rmonlar, yaylovlar, to'qayzorlar, suv havzalari, madaniy landshaftlar-bularning barchasi o'ziga xos faunistik majmualarga ega ekotizimlarni tashkil etadi. Respublika faunasi juda qadimiy bo'lib, u murakkab ginetik rishtalar bilan bog'langan. Bu o'lkada Turon va Turkiston endemik turlarining ahamiyati katta. Shu bilan birgalikda tarixiy o'tmishda bu yerga boshqa o'lkalardan Markaziy Osiyodan, Hindi-Xitoydan, O'rta Yer dengizi atroflaridan, Yevro Osiyo cho'llaridan kirib kelgan hayvon guruhlarining ham muayyam o'rni mavjud.

Faunaning bir qismi esa Uzoq Sharq, Kavkazorti, Yevropa va Amerikadan olib kelib iqlimlashtirilgan yoki tasodifan kelib qolgan turlardan iborat. Umuman olganda zamonaviy O'zbekiston faunasida umirtqali hayvonlarning 677 turi (sut emizuvchilar-108, qushlar-432, sudralib yuruvchilar-58, amfibialar-2 va baliqlar-77 turi mavjud, umurtqasiz hayvonlar turlari esa 15 mingdan ortiq.

So'ngi o'n yillar davomida, tabiatdan nooqilona foydalanishning kuchayishi oqibatida, O'zbekistondagi ko'plab hayvon turlari kuchli antropogen tasir ostida qolib, ularning yashash joylari va soni qisqarqdi, ba'zilari esa butunlay yo'q bo'lib ketdi. Ayniqsa ov obektlari sifatida katta amaliy ahamyatga ega bo'lgan sutemizuvchilar va qushlarning yirik turlari, shuningdek inson tomonidan ayovsiz o'zlashtirilayotgan, tashqi ta'sirga unchalik chidamli bo'lmagan ekotizimlarning tarqalishi cheklangan va endemik turlari katta xavf ostida qoldi. Jumladan Turon yo'lbarasi, gepard, Turkman qoplani, Orol sulaymon balig'i kabi hayvonlar umuman yo'q bo'lib ketdi. Qoplon, sirtlon, to'xta tuvaloq, Sirdaryo va Amudaryoning kichik va katta kurak burunlari, Orol bahrisi kabilari-yo'q bo'lib katishi arafasida turibdilar. Ustuyurt va Buxoro qo'ylari, morxur, qora quloq, O'rta Osiyo qunduzi, oqbosh o'rdak, vishildoq, marmar churрак, yurg'a tuvaloq, oqbovur, Farg'ona targ'il kaltakessakchasi, Orol mo'ylabdori, cho'rtansifat oqqayroq, ayrim mollyuska va hashoratlar yo'q bo'lib ketish xavfi ostida qolganlar. Ko'plab hayvon turlarining soni hozirda tanglik poyonida bo'lmasa-da, lekin uzluksiz kamayib bormoqda. Bularning barchasiga sabab-hududlarning xo'jalik maqsadlarida o'zlashtirilishi, atrof muhidda ifloslanishi, biologik resurslaridan meyersiz foydalanishdir.

O'zbekiston qishloq xo'jaligi asosini sugoriladigan dehqonchilik tashkil etdi. Oxirgi o'n yillar maboynida sug'oriladigan maydonlarini kengaytirish maqsadida Mirzacho'l, Jizzax, Qarshi, va Surxon-Sherobod cho'llari, Farg'ona vodiysining markaziy qismi, Tiyanshan va Pomir-Oloy tizmalarining g'arbiy etaklaridagi adirlar o'zlashtirildi. Sug'orish tufayli o'zlashtirilgan hududlarda ekologik vaziyat tubdan o'zgardi.

Bunday sharoitga moslasha olmagan ko'plab cho'l hayvonlarining soni keskin kamayib ketdi. Jayron, yulg'atuvaloq va boshqa hayvon turlari ariallarining qisqarishi-uning yorqin dalilidir. Tekisliklardagi yirik daryolar o'zanlaridagi o'zgarishlarni ham shular julasiga kiritish

mumkin. To'qayzorlarning aksariyat qismi kasib tashlanishi natijasida, hamda suv rejimining o'zgarishi tufayli tanazzulga yuz tutdi. Bu esa, o'z navbatida, to'qayzorlarda yashovshi Buxoro bugusi, tustuvuq va boshqa endemik kenja turlar yashash joylarining keskin qisqarib ketishiga olib keladi.

Yirik gidroinshootlarning qurilishi, Orol dengizi suv sathining pasayib ketishi va suvning o'ta sho'rlanishi sababli uning faunasi butunlay yo'q bo'lib ketdi, qisqichbaqasimonlar va mollyuskalarning ko'plab endemik turlari yo'q bo'lib ketish xolatiga kelib qoldi.

Tog'-kon sanoatining jadal suratlar bilan rivojlanishi, daraxt va butalarning kesilishi va chovochilikda yoylovlardan haddan tashqari keng foydalanish natijasidagi yerlarning nurashi, rekreatsiya foydalanishining uyg'unlanishi-ularning barchasi tog' ekotizimlarining o'zgarishi va ko'plab umurtqasiz hayvonlarning va o'simliklarning yashash joylari yo'q bo'lib ketishi sabab bo'lmoqda.

O'zbekistonda so'ngi yillarda biologik xilma-xillikni saqlab qolish borasida bir qancha jiddiy tadbirlar amalga oshirilmoqda. Ularni yanada jadallashtirish-kamyob va yo'q bo'lib ketayotgan hamda sonini tiklashga xizmat qilishi kerak. Respublikada tashkil qilgan oltita tog' (Hizor, Zomin, Kitob, Nurota, Surxon, Chotqol), Uchta chol-yo'qay (Qizilqum, Baday-To'qay, Zarafshon) qo'riq xonalari, ikkita milliy bog' (Zomin, Ugom-Chotqol), to'qqizta buyirtma xona (Arnosoy, Dengizko'l, Qoraqir, Qarnabcho'l, Qo'shrobot, Sayg'oqli, Sarmish, Sudoche) va ikkita tabiiy yodgorlikdan (Vardanza, Yozyovon) iborat ekologik tarmoq hayvonot olami va o'simliklarning majmuviy muxofazasiga va ulardan foydalanishga xizmat qilmoqda. Nafaqat respublikamizda balki butun mintaqada yagona, kamyob o'simlik va hayvonlarni ko'paytirish, ularni saqlash va reproduksiya qilish bilan "Jayron" eko markazi ham alohida muhofaza qilinadigan hudud maqomiga ega.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Qizil kitobi. Ikkinchi jilt hayvonot olami Toshkent. "Chinor ENK" 2006 yil.
2. O'zbekiston Respublikasi Qizil kitobi. Ikkinchi jilt o'simlik olami Toshkent. "Chinor ENK" 2009 yil.
3. Baratov P. O'zbekiston tabiiy geografiyasi "O'qituvchi" nashriyoti 1996 yil.

Xudanov U. O., Hazratqulov M. D., Aliyev M. G`. (Jizzax, JDPI)

KOLLAGEN TOLALARNING EKOLOGIK AHAMIYATI

Tabiatda o'simliklarda eng ko'p uchraydigan birikma selluloza bo'lib ular o'simliklarni eng ko'p qismini tashkil etadi. Xuddi shunday tabiatdagi inson va hayvon organizmlarida eng ko'p tarqalgan birikma kollogen tolalar (biriktiruvchi hujayralar) oqsili hisoblanadi. Oqsil bu bir qancha aminokislotalarni o'zaro birikib (polimerlanib) hosil qilgan murakkab birikmasidir. Bunda aminokislotalar o'zaro *peptid* bog'lari (– CO – NH –) yordamida bog'lanadi. Mazkur tolalar inson organizmida 30 % gacha va undan yuqori bo'ladi.

Kollagen tolalar har bir tirik organizm uchun juda muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur tolalar tirik organizmlarda biriktiruvchi to'qimalar asosini tashkil etadi. Bu to'qimalar juda yumshoq va o'zini tez tiklash xususiyatiga ega. Uning bu xususiyati tirik organizmlar uchun juda muhim ahamiyatli hisoblanadi. Chunki bu xususiyat orqali hayvonlar va insonlar jarohatlari bitishi ya'ni *Regeneratsiya* hodisasi yuz beradi. Regeneratsiya hodisasi sudralib yuruvchilar *Kaltakesak* da kuchli rivojlangan bo'ladi.

Kollagen tolalar hozirgi kunda ko'p sohalarda ishlatiladi. *Masalan:* Tibbiyotda jarrohlik amaliyotida kesilgan joylarni choklashda (asosan ichki organlarni) foydalaniladi. Bunda sigirning biriktiruvchi to'qimalari (asosan Ichagi) dan foydalaniladi. Chunki ichki organlarni boshqa tolalar bilan choklab bo'lmaydi. Faqat toza ipak tolasi bilan choklash mumkin (chunki u ham ipak qurtining biriktiruvchi hujayralaridan tashkil topgan oqsildan iborat) lekin bu amaliyot sigirdan olingan toladan ko'ra ancha qimmatga tushadi, shu bois sigir ichagidan olingan tolalarni qayta ishlash bir muncha arzon tushadi. Sigir ichagi ham chiqindi hisoblanadi biz bu qayta

ishlash orqali ekologiyani ham bir muncha tozalaymiz. Bundan tashqari biz qo'y, echki va boshqa hayvonlarni biriktiruvchi to'qimalaridan foydalanishimiz mumkin.

Lekin sigir ichagidan olingan biriktiruvchi to'qimalarni boshqa hayvonlarning biriktirish to'qimalariga qaraganda o'zini tez tiklash qobiliyati bir muncha tezroq amalga oshadi. Chunki sigir har bolalaganda undagi eski (qari) hujayralar o'lib o'rniga yangilari hosil bo'ladi. Bu jarayon sikli qisqa va tez bo'lganligi sababli unda hujayralar tez tiklanadi. Shu sababli ham ko'p bolalagan sigirlar kam bolalagan sigirlarga qaraganda sog'lomroq va baquvvatroq bo'ladi.

Kollagen tolalar tez tiklanish xususiyati tufayli *Parfyumeriya* sanoatida keng miqyosda foydalaniladi. Bu oqsil eskirgan tolalarni o'z o'rnini yangisiga bo'shatib beradi bu esa terining xususan yuz terisini taranglashtiradi undagi ajinlarni yo'qotib teriga tiniqlik baxsh etadi. *Parfyumeriya* sanoatida mahsulotlar asosan sigir ichagidan emas, balki tovuq oyoq hujayralaridan olinadi.

Bundan tashqari bu tolalar kuchli kuyish 2 – darajali, 3 – darajali va 4 – darajali kuyishlarda kuyib yo'q bo'lib ketgan teri sohasini qayta tiklash uchun ishlatiladi. Bunda bu toladan olib laboratoriyada o'stiriladi, unga kerakli sharoit beriladi. So'ng hosil bo'lgan tolalar o'zaro birikib juda nozik yupqa teri qatlamini hosil qiladi. Bu qatlam bemorning teri kuyish sohasiga qo'yiladi. Bu hosil qilingan teri qatlami juda yupqa va yumshoq hamda nozik bolganligi sababli u juda tez kupayadi va terini tez bitishini taminlaydi.

Kollagen tolalarni ishlab chiqarish va qayta ishlash iqtisodiy daromad hamda ekologik jihatdan toza hisoblanadi. Chunki biz yuqorida takidlaganimizdek mazkur tolalar sigir ichagidan olinadi bu esa chiqindi sifatida chiqarilayotgan ichaglardan tabiatni tozalaydi. Ushbu ichaglar agar tabiatda qolsa yani qayta ishlanmasa ekologiyaga juda katta ta'sir etadi. Masalan ushbu ichaglarni tabiatda chirib yo'q bolib ketishi uchun bir necha yil talab etiladi. Bundan tashqari bu ichaglar chirib bitguniga qadar xar hil kasallik tarqatuvchi hashorotlarni va hayvonlarni ko'payishiga olib keladi. Jumladan xar hil parazit tashuvchi chivinlar, pashshalar, va o'lat kasalligini tarqatuvchilari bo'lib hisoblangan kemiruvchilar ya'ni kalamushlar va sichqonlarni juda ko'p miqdorda ko'payib ketishiga sabab boladi. Bu esa o'z – o'zidan insonlarning sog'ligiga ham juda katta salbiy ta'sir ko'rsatadi. Hattoki buning oqibatida yangidan yangi kasallik turlari ham kelib chiqishi mumkin. Bu ichaglarni chiqindi sifatida chiqarilishiga sabab bu ichaglarni insonlar tomonida iste'mol qilinmasligi va ularni to'g'ri kelgan joylarga tashlab ketishlari sabab bo'lmoqda. Bu chiqindilar yuqoridagi holatlardan tashqari atmosferaga ko'p miqdorda zaharli gazlar chiqaradi. Bu esa hozirgi global muammolardan eng muhimi hisoblanadi.

Demak biz ushbu ichaglardan unumli foydalanib, ulardan kollagen tolalarni ishlab chiqarishimiz kerak. Bu o'z navbatida bizga iqtisodiy daromad va shu bilan birgalikda ekologiyani toza saqalaydi hamda tabiatni muhofaza qiladi. Zero shu sayyorada, shu o'lkada o'zimiz yashaymiz uni toza tutish esa o'z qo'limizdadur, loqayd va etiborsiz bo'lmaylik. Birinchi prezidentimiz aytganlaridek

«Dushmandan qo'rqma u nari borsa hayoting uchun xavflidir, loqayd va etiborsiz odam esa butun bir millatni hayoti va kelajagi uchun xavflidir».

I.A.Karimov.

Adabiyotlar:

- 1) U. Xudanov, T.J.Qodirov, N.Shodiev. Sozdaniya polifunksionalnix kompozitsiy dlya effektivnogo ispolzovaniya pri obrabotke koji i mexa. "Aktualnye problemy otrasley ximicheskoy texnologii" Buxoro 2015 11-12-noyabr 223 b.
- 2) U. Hudanov., Q.Ergashev. "Chemistry and ecology collagen waste". //Journal. Sceitifik equiring in the contemporary world therotikal basics and innovate approach. Vol 5. P. 47-51. 2015y.
- 3) I.A.Karimov " Yuksak ma'naviyat, yengilmas kuch"
- 4) www.Referat.uz
- 5) www.biokimyo.uz

Кубакова К.К., Алмаматова З. (Жиззах, ЖДПИ)
**ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

Республикамизнинг гўзал табиати, ер ости ва усти бойликлари, халқ хўжалигини ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқлар, баркамол шахсни камолга етказиш мақсадида қабул қилинган «Соғлом авлод» Давлат дастури, соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунлар, табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўрта асрларда яшаган улуғ алломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари, уларнинг маънавий қарашлари, ҳадислар, ҳикматли ҳикоялардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда табиатни илмий-назарий, ҳиссий-эстетик жиҳатдан ўрганишни тўғри йўлга қўйиш – инсоннинг табиатга нисбатан онгли, маънавий-ахлоқий муносабатлари меъёрларининг асосини ташкил этадиган юксак ватанпарварлик бурчининг шаклланишига замин тайёрлайди⁷.

Инсоният жамият пайдо бўлгандан буён кишиларнинг табиатга, атроф-муҳитга муносабатидаги ҳар қандай қараш ва ёндашувлар, табиатнинг сиру асрорларини билишга бўлган инсоннинг фаол интилиши даврлар силсиласида сараланиб, ундаги табиатни улуғлашга доир фикрлар, қарашлар, расм-русум ҳамда тамойиллар вақт ўтиши билан ўзига хос қадрият даражасига кўтарилиб борган. Сўнгра эса эл-элат, миллатнинг шаклланиши билан улар миллий умуминсоний, табиий, ижтимоий қадриятлар сифатида туркумлашиб, инсон дунёқараши, интилишлари, табиат ва унинг неъматларига нисбатан маъсулиятли муносабатининг шаклланишига туртки берган.

Миллий қадриятлар жамият маданиятининг ўзига хос таркибий қисми сифатида инсоннинг табиатга онгли, маъсулиятли муносабатини мустаҳкамлаш ва трансформация қилиш эҳтиёжи натижасида шаклланган. Чунки жамият ҳам, шахс ҳам табиатдан мутлоқ ажралган ҳодиса эмас, балки унинг мавжуд шаклларида биридир. Бинобарин, миллий қадрият табиий ижтимоий амалиёт натижаси сифатида шаклланган тарихий-маънавий ҳодиса бўлиб, у шахс амалий фаолиятида экологик онг ва дунёқарашнинг шаклланиш мезони сифатида ўз аксини топади. Ўз навбатида, шахснинг экологик тафаккури, қадриятларга муносабати у яшаб турган минтақанинг табиий географик иқлим шароити, турмуш мароми билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бу омилларнинг таъсири ҳамда ўзаро алоқадорлиги унинг экологик дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутди. Ана шу табиий-географик муҳитнинг миллий қадриятларимиз, кишиларимиз руҳияти, ҳамда табиатга муносабати шаклланишидаги ўрни, табиий муҳитнинг инсон тараққиётидаги аҳамияти жуда катта.

Табиат унсурлари бўлмиш сув тупроқ, ўсимликдан бемақсад фойдаланиш увол ҳисобланган. Ҳукмрон маънавий мезонга кўра уволга йўл қўймаслик учун бир мисқол ҳам ҳом ашёни бежис ишлатмаслик керак эди. Энг қадимий аждодларимизнинг табаррук удумлари-ер ва сувни, олов ва ҳавони эъозлаши, бир сўз билан айтганда, табиатни, унинг барча унсурларини қадрлаши уларга эҳтиром кўрсатиши, уларнинг ҳар заррасини кўз қорачигидек асраши ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиши эътиборга молик жиҳатлардир. Табиат ва инсоннинг ўзаро уйғунлиги бизнинг энг қадимий манбааларимизда ҳам илоҳий қадрият сифатида улуғланган.

Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган анъана ва қадриятга айланган “Гул байрамлари”, “Дарвешона”, “Чой момо”, кузги “Узум сайли”, “Қовун сайли”, кишки”Яс-юсун”, “Гап-гаштак”, Қор хат”, “Қурилтой” каби маросим ва байрамлар, деҳқонлар ҳаёти, турмуши, мавсумий меҳнат жараёнида ва маънавий оламида чуқур из қолдирган ҳамда улар ҳар бир шахсда экологик онг ва дунёқарашни бойитиш, табиат неъматларини қадрлаш йил фаслларида табиатда рўй берадиган гўзаллик ва ҳуснкорликдан завқланиш,

1. Толипова Ж.Биология ўқитиш методикаси.-Т.: Билим, 2004, - 160 бет.

меҳнатнинг қадрига етиш ва инсонийликни улуғлаш каби фазилатлар шаклланишига хизмат қилган.

Маълумки кишининг кайфияти табиат билан йил фасллари алмашиб туриши билан узвий боғлиқ. Кўклам келиб гул мавсумининг бошланиши билан киши кайфияти чоғ бўлади. Ўзбек халқи азалдан гулни севиб эъзозлаб келган, меҳнат аҳлининг гул ўстириши, уни дид билан парвариш қилиши, шунингдек, уларни ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёру дўстларга тақдим этиш одатлари маълум.

Халқимиз табиат неъматларига гулларга, дарахтларга ҳам илоҳий қадрият сифатида эътибор берган. Хусусан тоғ саловати бўлган арчага алоҳида меҳр билан караган. Ривоят қилишларича обихаёт, яъни тириклик сувини яратган Лукмони Ҳаким, уни ичишга кўнгли бўлмайдидидаги сувни ёш арча тагига тўккан эмиш. Арча дарахтининг узоқ яшаши ва доим ям-яшил бўлиб туришига сабаб ана шундан эмиш. Ҳозир ҳам ҳатто икки минг ёшга кирган арчалар учрайди.

Айни пайтда мевали дарахтга ўзига хос меҳр ва ризқ-рўз манбаи сифатида қараш халқимизнинг ҳаётбахш унутилмас маросим ва қадриятлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, табиатдаги мавжудотларни алқаш, улуғлаш билан боғлиқ анъаналар ҳам инсон феъл-атворида, хулқ-маданиятига таъсир этувчи анъана ва маросимлар қаторига кириб, муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Адабиётлар;

1. Толипова Ж. Биология ўқитиш методикаси.-Т.: Билим, 2004, - 160 бет.

Qarshiboyeva N.H., Mavlonova S. X., Maxammadiyev D.M. (Jizzax, JDPI)

NUROTA QO'RIQXONASIDA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA "QIZIL KITABI"GA KIRITILGAN LOLADOSHLAR (*Liliaceae*) OILASINI MUHOFAZA QILISH

Hozirgi zamon insoniyat tarixida O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitobi“ning nashr etilishi tabiatda biologik xilma – xillikni saqlab qolishga qaratilgan harakatlarning amaliy bosqichiga o'tilganidan dalolat beradi. Ushbu kitob o'simlik va hayvonot olamini muhofaza qilish uchun asosiy davlat hujjati sifatida muhim milliy ahamiyatga ega bo'lishidan tashqari, mamlakatlarning ularni (o'simlik) muhofaza qilishga taaluqli xalqaro konvensiya va bitimlarni imzolash paytida o'z zimmlariga olgan majburiyatlarining ham ifodasidir.

A.I.Vvedenskiy va S.S.Kovalevskayalarning ma'lumotlariga qaraganda O'rta Osiyoda lolalarning 63 ta turi o'sadi. Bu yerdan ular Osiyoga, Yevropaga, Shimoliy Afrikaga tarqalib ketgan.

Lola turlarini o'rganishga atoqli botanik olim, O'rta Osiyo yovvoyi o'simliklarning katta bilimdoni, biologiya fanlari nomzodi. A.I.Vvedenskiy ulkan hissa qo'shgan. U lolalarning 12ta yangi turlarini kashf etgan va *Tulipa* L. turkumining dunyoda eng mashhur bo'lgan tizimlaridan birini ishlab chiqqan.

O'rta Osiyoning yovvoyi o'suvchi lolalarini o'rganish biologiya fanlari doktori, professor Z.P.Bochanshevaning nomi bilan uzviy bog'liq. Z.P.Bochanshevaning 1962 yilda O'rta Osiyo va Kavkazda o'suvchi yovvoyi lolalar to'g'risidagi materiallarga boy bo'lgan „Lolalar“ nomli monografiyasini chop etadi. Bu kitob mutaxassislar orasida katta qiziqish uyg'otadi va 1981 yili Golloniyada ingliz tilida qayta nashr etiladi.

O'zbekiston lolalarini Sh.Tojiboyev va R.Qodirov (2010) tomonidan ham o'rganilgan.

Nurota tog' - yong'oqzor qo'riqxonasi 1995 –yilda ma'muriy jihatdan Forish tumaniga tegishli bo'lgan Nurota tog'larining shimoliy yonbag'irlarida tashkil etilgan.

Maydoni 22,5 minga. dan iborat. Shundan 2599 ga maydoni o'rmonlar bilan qoplangan. Qo'riqxonada d/s.550-2100 m . mutloq balandlikda joylashgan.

Qo'riqxonaning asosiy vazifasi shu hududning flora va faunasini xalqaro va O'zbekiston „Qizil kitobi“ga kiritilgan turlarning yong'oqning tabiiy xilma-xilligini saqlash hamda tog' – dasht landshaft mintaqalar ekologiyasini o'rganish va muhofaza qilish metodlarini ishlab chiqarishdan iborat.

Qo'riqxonada o'simliklarning 629 turi o'sadi.

Shundan O'zbekiston „Qizil kitobi“ga kiritilgan turlari (2006- yil) 35 tur bo'lsa ,hozirgi kunda 48 tur (2009- yil) vakillari kiritilgan.

O'zbekiston respublikasi hududida lolaning 25 turi va 1 ta turchasi o'sadi,shundan 18 turi O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitobi“ga kiritilgan (2009), shundan 4 ta turi eng noyob (kamyoblik darajasi-1)hisoblanadi.

Nurota qo'riqxonasida lolaning 7 turi o'sishi aniqlanib , shundan 3 tasi (*T.buhseana*, *T.lehmanniana*, *T. sogdiana*) cho'l zo'nasi hisoblanadi.

Hozirgi „Qizil kitobi“dan lolalarning 3ta turi(2009y.) chiqarilgan (*T.turkistanica*, *T. sogdiana*, *T.buhseana*).

Tulipa korolkowii Regel- Korolkov lolasi

*Tulipa affinis*Z. *Botsch.*- Qardoshli lola

Tulipa micheliana *Hoog.*- Mihel lola

Tulipa turkestanica Regel- Turkiston lolasi

Tulipa lehmanniana *Merclin*- Lemann lola

Tulipa sogdiana *Bunge*- Sog'd lolasi

Tulipa buhseana *Boiss.*- Buze lolasi

O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitobi“ ga kiritilgan Loladoshlar (*Tulipa* L.) oilasi.

№	O'zbekcha nomi	Ilmiy unvoni	Uzunligi sm	Kamyoblik darajasi	Tarqalishi
1	Vvedenskiy lolasi	T.vvedenskiy Botschantz	20-35	2	Ohangaron daryosi
2	Mixel lola	T.micheliana T.M.Hoog	20-30	2	Nurota tizmasi
3	Farg'ona lola	T.ferganica Vved	15-40	2	Farg'ona viloyati
4	Lemann lola	T.lehmaniana Merckl.	15-25	3	Nurota tizmasi
5	Korolkov lola	T.korolkovii Regel	10-20	2	Nur., Turkiston tizmasi
6	Qardoshli lola	T.affinis Botschantz	15-25	2	Nurota tizmasi
7	Foster lolasi	T.fosteriana Irving.	10-50	1	Zarafshon tizmasi
8	Oritiya lola	T.orithyioides Vved.	7-12	1	Hisor tizmasi
9	Changchi ipi tukli lola	T.dasystemon (Regel) Regel	10-20	2	Ugom.Hisor tizmasi
10	Sertuk lolasi	T.lanata Regel	15-40	2	Hisor tizmasi
11	Kaufmann lolasi	T.kaufmanniana Regel	10-50	3	Toshkent, Namangan
12	Tubergen lolasi	T.tubergeniana T.M.Hoog	10-40	1	Hisor tizmasi
13	Ulug'vor lola	T.ingens T.M.Hoog	15-25	2	Sam.,Qashq.,Surx
14	Shubhali lola	T.dubia Vved	10-25	2	Toshkent,Namangan
15	Pushtakli lola	T.carinata Vved.	15-50	2	Qashq.,Surx
16	O'zbekiston lolasi	T. uzbekistanica Botschantz	10-20	1	Qashqadaryo

17	Greyk lolasi	T.greigi Regel	10-45	2	Toshkent,Namangan
18	Sharipov lolasi	T.scharipovii Tojibaev.	15-20	2	Namangan viloyati

Xulosa. 1. Nurota qo'riqxonasida O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitobi“ning 2009 yilgi nashirida 47 tur (2006 yil nashiri uchun 35 tur) kiritilgan .

2. O'zbekiston Respublikasining „Qizil kitobi“ ga kiritilgan (2009 yil) Loladoshlar oilasining jami 18 turi kiritilgan .

3. Nurota qo'riqxonasida lolaning 7 turi aniqlanib , (*T.korolkovi*, *T.affinis*, *T.micheliana*, *T.lehmannianna*) shundan 3 tasi (*T.buhseana*, *T.lehmanniana*, *T.sogdiana*) cho'l zonasi turlari hisoblanadi. Hozirgi O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitobi“ dan lolaning 3ta turi chiqarilgan (*T.turkestanica*, *T. sogdiana*, *T. buhseana*.)

4. Bu kitob yosh avlod tarbiyasi da faol hayotiy munosabatning, ekologik madaniyat va ongning yuqori saviyada shakllanishida, insonlarni tabiat muhofazasi masalalariga ijodiy yondashuvini rag'batlantirishda munosib xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Бешко Н.Ю. и др. “Нуратинский горно-орехоплодовый государственный заповедника” //Экологія хабарномаси. 2007г. №3,25-33стр

2. Бешко Н.Ю.Род *Tulipa* L. Во флоре Нуратинских гор.// Биохилма- xillikni saqlashda muhofaza hududlarining roli” mavzusidagi ilmiy – amaliy anjuman materiallari 4-5. 06.2012 y 45-50 b.

3. Tojiboyev K.Sh., Qodirov R.U. „O'zbekiston lolalari” Toshkent. Sharq” 2010 y.

4. O'zbekiston Respublikasi „Qizil kitobi”. 1-jild T.: «Chinor ENK» 2009.

Soatov B.B., Xomidova S.A., Odilov D.B. (Jizzax, JDPI)

O'ZBEKISTONDA QUSHLARNI MUHOFAZA QILISHNING AMALIY YO'LLARI

Tabiatni muhofaza qilish uning boyliklaridan oqilona foydalanishga, tabiat inson manfaatlarini ko'zlab ongli ravishda o'zgartirishga, tabiat boyliklari va umuman tabiatni, uning go'zalligi, musaffoligini saqlab qolishga va boyitishga qaratilgan barcha tadbirlar majmuasidir. Tabiatni muhofaza qilish tadbirlari majmuasiga davlatlar, xalqaro tashkilotlar, jamoat, ilmiy-texnik, ishlab chiqarish, iqtisodiy va ma'muriy tashkilotlar, har bir odam tomonidan amalga oshiriladigan tadbirlar kiradi.

Hozirgi vaqtda inson yashab, to'xtovsiz munosabatda bo'lib kelayotgan tabiiy muhim uzoq geologik davrlar (4,5-4.7 mlrd. yil) mobaynida birqancha omillarning birgalikda ta'sirida, ya'ni Quyosh nuri, Yerning massasi, gravitatsiya kuchi, ko'lami, aylanma harakatlar, havo va suv qobiqlarining vujudga kelishi va o'zgarishi, ekzogen jarayonlar ta'siri, organik dunyoning paydo bo'lishi va taraqqiyoti ta'sirida tarkib topgan. Tabiiy muhitning holati o'zaro ta'sir etib turuvchi ko'p omillarning murakkab majmuyida tarkib topgan tabiiy muvozanatga bog'liq. Chunki, bir joyning iqlimi Quyosh nurining tushish burchagiga, ya'ni geografik kenglik, yer yuzasining tuzilishi, shamollar, okeanlarning, uzoq yaqinligi, oqimlari va boshqalarga; o'simiklar qoplami esa iqlim, yer yuzidagi tog' jinslari, rel'yef, tuproqlarga bog'liq. Bu tabiiy omillarning birortasida ro'y bersa, tabiiy muvozanat buziladi, bu esa tabiiy muhitda o'zgarishlarga sabab bo'ladi. Ba'zan, tabiatning biror komponentiga ko'rsatilgan ta'siri hech kutilmagan katta o'zgarishlarga, xususan xavfli o'zgarishlarga olib kelishi mumkin.

Har qanday tirik mavjudot o'z atrofini o'rab turgan tabiiy muhit bilan o'zaro ta'sirda bo'ladi, undan o'ziga kerakli narsalarni oladi, shu muhitda moslashadi, muhit tarkibiga, undagi modda va energiyaning aylanma harakatiga ma'lum darajada o'zgarish kiritadi. Organik dunyoning tabiiy muhit, yangi turlarning paydo bo'lishi, raqobatli turlar sonining ko'payishi yoki kamayishi va atrof muhitning o'zgarishi natijasida o'zgaradi.

Fauna va floradan rejasiz foydalanish yoki inson faoliyati bilan bog'liq boshqa sabablar tufayli XVI asrning oxirlaridan XX asrning 70 yillarigacha umurtqali (*Vertebrata*)

hayvonlarning 250 turi va kichik turlari butkul yo'qolib ketdi [1]. 80-yillardan boshlab har yili o'rtacha 1 ta hayvon turi va 50 ga yaqin o'simlik turi yo'qolib bormoqda. Qushlar (*Aves*) va sutemizuvchi (*Mammalia*) larning 1000 dan ortiq turi yo'qolib ketish arafasida turibdi [4].

Inson tabiiy sharoit va boyliklaridan ko'p maqsadlarda foydalanadi. Bu esa ayni paytda, tabiatni tegishli chamuho faza qilishni ham taqazo etadi. Bular xo'jalik, sog'liqni saqlash va gigiyena, nafosat (estetika), turizm, ilmiy hamda tarbiyaviy maqsadga muvofiq foydalanish. Maqsadga muvofiq foydalanish tabiat boyliklaridan mamlakat yoki butun insoniyat manfaati yo'lida foydalanish demakdir. Bunda hozirgi va kelajak avlodning manfaatlarini ko'zlab faoliyat yuritish nazarda tutiladi. O'z taraqqiyotini oldindan uzoq muddatga ilmiy asosda rejalashtira oladigan va tabiiy muvozanatni o'zgartirmasdan foydalana oladigan jamiyatgina taraqqiyotga erishadi.

Tabiatni muhofaza qilish borasida har yili o'tkazladigan bayram "Xalqaro qushlar" kuni 1-aprelda nishonlanadi. [3]. Bayram tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, ko'pgina manbalarda qushlar kuni 1906 yildan - Qushlarni muhofaza qilish Xalqaro Konvensiyasi imzolangan vaqtdan boshlab nishonlanishi yozilgan. 1906 yildan bunday konvensiya qabul qilinmagan. Aslida, 1902 yilda Qishloq xo'jaligiga foyda keltiruvchi qushlarni muhofaza qilish Xalqaro konvensiyasi qabul qilinib, 1905 yildan kuchga kirgan. Ushbu hujjatning qabul qilinishi Qushlar kunini nishonlashga asos bo'ldi. Qushlar kuni qadimdan qushlarning qishlash joylaridan qaytib kelishi (migratsiya) ga bag'ishlangan bolalar bayrami hisoblangan. U ilk marta Konvensiya qabul qilinishidan oldin 1894 yilda maktab o'qituvchisi Chariz Babkok tashabbusi bilan AQSh dagi Oiti-Siti shaharchasida (Pensilvaniya shtati) nishonlangan. Matbuot va jamoatchilik ko'magida bu bayram tez orada butun mamlakat bo'ylab ommalasha boshlagan. Bayramning asosiy maqsadi - yovvoyi qush turlarining xilma-xilligi va sonini saqlash, ularga nisbatan yoshlarda mehr va g'amxo'rlik hissini tarbiyalashdir. Yer yuzida 9600 ga yaqin qush turi mavjud. O'zbekiston hududida 460 dan ortiq tur uchraydi. Hozirgi vaqtda qushlarning ko'plab turlari yo'qolib ketish arafasida turibdi.

Qushlar populyatsiyasini saqlab qolishda ularga in yasash, inlarni qulay joylarga o'rnatish eng xavfsiz usuldir. Chug'urchuq (*Sturnus vulgaris*) va chittak (*Panurus biarmicus*) uyalarida, asosan, turli zararli hasharot va ularning lichinkalari bilan oziqlanuvchi hasharotxo'r qushlar uyalaydi. Bu qushlar bog' va o'rmon daraxtlarining zararkunandalariga qarshi kurashda katta foyda keltiradi. Qushlarining 50 dan ortiq turi mavjud bo'lib, ular tuzilishi va joylashishiga ko'ra bir-biridan farqlanadi [7]. Xalqaro tabiatni muhofaza qilish ittifoqi ma'lumotlariga ko'ra, havoda zaharli gazlar miqdori ko'payishi natijasida qushlarga qiron kelmoqda. Keyingi 30 yilichida Yevropada qushlarning 100 dan ortiq turi yo'qolib ketgan. Shimoliy Amerikada esa so'nggi 40 yil qushlar ikki baravar kamaygan. Vaziyatdan xulosa chiqargan mutaxassislar jahon jamoatchiligini havoga zaharli gazlar chiqarilishini kamaytirishga chaqirmoqda. Respublikamizda ham Qushlarni muhofaza qilish to'g'risida bir qancha tadbirlar va turli xil qarorlar qabul qilingan. Xususan, 1995 yilda "Biologik xilma-xillik to'g'risida" gi, 1997 yil "Yo'q bo'lib ketish xavfi ostidagi yovvoyi fauna va flora turlarining xalqaro savdosi to'g'risida" gi, 1998 yilda "Ko'chib yuruvchi hayvon turlarini muhofaza qilish to'g'risida" gi, 2001 yilda "Xalqaro ahamiyatga ega, ayniqsa, suvda suzuvchi qushlarning yashash joylari bo'lgan suv-botqoq hududlari to'g'risida" gi konvensiyaga qo'shildi [2]. Muhim ekologik sanalardan 15 aprel "Ekologik bilimlar" kuni, 2011 yildan boshlab esa Qushlarni muhofaza qilish jamiyati tashabbusi bilan 1 aprel "Xalqaro qushlar" kuni nishonlana boshlandi. Ushbu jamiyat sa'y- harakati bilan qushlarning bir qancha turlari muhofaza ostiga olingan bo'lib, mazkur ekologik sanaga bag'ishlab muntazam ravishda tadbirlar o'tkazilib kelinmoqda.

O'zbekistonda 10 dan ortiq o'rmon xo'jaligi, 9 ta qo'riqxonalar, 2 ta milliy bog' bir qancha buyurtmaxonalar mavjud [4]. Ularda tabiat yodgorliklari, kamayib ketgan o'simlik va hayvonlar qo'riqlanadi va o'rganiladi hamda ko'paytiriladi. O'zbekistonda tabiatni muhofaza qilish respublika jamiyati, 12 ta viloyat va Qoraqalpog'iston jamiyati, O'zbekiston geografiya jamiyati, EKOSAN, bir qancha ilmiy ommabop va ilmiy jurnallar, radio va televideniya, vaqtli matbuot Tabiatni muhofaza qilish haqidagi bilimlarni targ'ib qilmoqda. Aholi o'rtasida tabiat, undan

oqilona foydalanish va muhofaza qilish haqidagi bilimlarni targ'ib qilish, aholining geografik, ekologik madaniyatini ko'tarish Tabiatni muhofaza qilishda katta ahamiyatga ega. Jumladan, tabiatni, uning boyliklarini muhofaza qilish, geografik ekologiya o'quv kurslari o'rta-maxsus va oliy o'quv yurtlarining tabiatshunoslik mutaxassisliklari biz talabalarga ham maxsus kurslar sifatida o'qitilmoqda.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. "O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari". –Toshkent. 1997.
2. Nig'matov A.N. O'zbekiston Respublikasining ekologik huquqi. -Toshkent. 2004.
3. Rafiqov A.A. Geoekologik muammolar. –Toshkent. 1997.
4. To'xtayev L., Hamidov A., Ekologiya asoslari va tabiatni muhofaza qilish. –Toshkent. 1994.
5. G'ulomov P.N. Inson va tabiat. –Toshkent. 1990.
6. O'zbekiston Respublikasi "Qizil kitobi". 2006.
7. "O'zbekiston hayvonlari" Bogdanov O.P., Toshkent." O'qituvchi" 1983y. 120-bet.

Мавланов Х., Солиева С., Қодирова С. (Jizzax, JDPI)

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ШУ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

Биологик хилма-хиллик жаҳон ҳамжамияти (ҳар бир давлат) учун иқтисодий, экологик ва маданий эстетик эҳтиёжларни қондиришнинг ҳаётий манбаи ҳисобланади.

Дунё бўйича ҳозирги вақтда биологик хилма-хилликни сақлаш, биологик объектларни инвентаризациялаш, камёб ва йўқолиб бораётган турларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикаимиз қадимдан биохилма-хиллиги борасида ниҳоятда бой ўлка ҳисобланган. Марказий Осиё давлатларида учрайдиган 7000 тур ўсимликнинг 4500 га яқини Ўзбекистонда учраши бунинг яққол мисолидир.

Бу борада Жиззах вилояти флораси ҳам ўсимлик турларининг кўплиги билан ажралиб туради. Академик К. Тожибоевнинг (2017) маълумотига кўра, Жиззах вилоятида 2000 га яқин гулли ўсимликлар учраб, шулардан 563 тури ем-хашак, 450 тури доривор, 312 тури асал берувчи, 398 тури манзарали, 140 тури озиқ-овқат ва 155 тури эфир мойли ўсимликлар ташкил этади. Булардан ташқари алкалоид сақловчи, ошловчи модда берувчи ва ранг берувчи ўсимликлар ҳам учрайди. Жиззах ўзининг флораси ва фаунаси табиий манзаралари ва биохилма-хиллиги билан бой ўлка бўлиб, бежиз "хизрнинг назари тушган юрт" дейилмаган.

Лекин охириги йилларда вилоятининг табиатига нисбатан аёвсиз муомалада бўлиши, табиий экосистемаларни бузиш, зўриқтириб мол боқиш, унинг неъматларидан нотўғри (режасиз) фойдаланиш натижасида ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами инсонлардан азият чекмоқда. Табиат+ҳайвонот+инсоният бутун битта занжир, яъни экотизим эканлигини, унинг бузилиши, бутун тизимни издан чиқаришимизни унутмаслигимиз керак. Табиатга бўлган муносабат шу аҳволда давом этса, келажакда жаннат макон деб таъриф берилган ҳудудда саҳроланиш жараёни тезлашиб, оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга шу кунда вилоятда табиий ҳолда ўсувчи лолалар, ширач, етмак, коврак, ковул, зира, астрагал, омонқора бозулбонг, шувоқ, саксовул, ранг, равоч, дўлана, писта, мингбош, кийикўт каби ўсимликлар заҳирасини ва майдонларини қисқариб бораётганлигини келтириш мумкин.

Ўсимликлар оламига инсон томанидан аёвсиз таъсир кўрсатилаётган ҳозирги кунда флорамиз вакиллариининг экобиологиясини биологик хилма-хиллигини илмий асосда ўрганиш, йўқолиб кетиш арафасида турган турлар ценопопуляциялари мониторингини олиб бориш, фойдали маҳаллий флора турларининг интродукциясини амалга ошириш уларни коллекцион питомникларни яратиш, ўсимликлар уруғларини махсус генбанкларга

жойлаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланди. (Белолипов И.В.-2015, Мадумаров Г.А.-2016).

Республикамизда қабул қилинган қуйидаги: “Табиатни муҳофаза қилиш” (1992 йил 9 декабр), “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш” (1997 йил 26 декабр), “Биологик ресурслардан фойдаланиш” (2014 йил 20 октябр) қонунлар бу борадаги ишларнинг оқилона режали ташкил этишни йўлга қўймоқда.

Республикамиз вилоятлари биохилма-хиллигини сақлашда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар катта аҳамиятга эга. Қўриқхонада инсоннинг хўжалик фаолияти бутунлай тақиқланади, табиий комплекс асл ҳолида сақланади, биохилма-хиллик ҳаёт жараёнида табиий ҳолда кечади.

Жиззах вилояти табиатининг биологик хилма-хиллигини сақлашда ҳудуддаги ташкил этилган қуйидаги қўриқхона ва буюртмаҳоналар роли бениҳоя каттадир.

Зомин давлат қўриқхонаси 1928 йилда ташкил этилган. 1900-3500 метр баландликда жойлашган. Майдони 26848 га. Ўсимликларнинг 700 тури мавжуд, шундан 13 тури “Қизил китоб” га киритилган. Бу ҳудудда арчанинг 3 тури муҳофаза қилинади (Зарафшон арчаси, Савр арчаси ва Туркистон арчалари).

Ҳайвонларнинг 152 тури бўлиб, шундан 16 тури “Қизил китоб”га киритилган, қуйидаги ноёб ҳайвонлар: қўнғир айик, тўнғиз, силовсин, бўри, тоғ эчкиси, архар, жайра, куён, каклик, қийғир, бургут, болтаютар, ҳимолай куркаси, тоғ қарғаси, қалқонтумшуқилон, чипорилонлар учрайди ва ҳимоя қилинади. Қўриқхонада 4 та эндем ва 2 та субэндем тур учраши аниқланган ва бу турлар ҳозирги вақтда алоҳида ҳимояга олинган.

Нурота давлат қўриқхонаси 1975 йилда ташкил этилган. Майдони 17752 га. Ўсимликларнинг 814 тури мавжуд бўлиб шундан 29 таси “Қизил китоб” га киритилган. ширачанинг 3 та, анзурнинг 3 та, лоланинг 5 та, астрагалнинг 5 тури бунга мисол бўла олади. Бу қўриқхонада ёнғоқнинг қимматбаҳо турлари учрайди. Шу жумладан қўриқхонада нодир ҳайвонлардан Северцов қўйлари кўпайтирилади. Шундан хўжалик аҳамиятига эга бўлган зирк, олма, анор, жийда, ўрик, бодом, наъматак, сафора, дўлана, арча, терак, чинор каби ўсимликлар кўпайтирилади ва муҳофаза қилинади.

Зомин миллий табиат боғи 1977 йил ташкил этилган. Майдони 244 га, ўсимликлар дунёси 800 турдан ортик, 20 тури “Қизил китоб” га критилган, 100 дан ортиғи доривор ўсимликлардир. Бу боғнинг ўсимликлар қоплами 3 типга мансуб, дашт, ўрмон ва алп.

Табиий биохилма-хилликни сақлашда давлат заказникларининг (буюртма ҳудудларининг) роли ҳам жуда каттадир. Бу ўринда Айдаркўл ҳудуди заказниги (буюртма ҳудуд) қўплаб ҳайвонлар, қушлар ва табиий ўсимликлар қопламининг сақланиши алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Жиззах вилоятининг чўл ва ярим чўл ҳудудларида жойлашган Ғаллаорол ва Фориш туманларининг инқирозга учраган яйловларида (антропоген, техноген ва зўриқтириб мол боқиш натижасида) юзага келган майдонларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш борасида олиб борган изланишларимиз керакли самарасини берди.

Биз фойдали, озиқабоп ўсимликлари камайиб йўқолиб бораётган инқирозга учраган яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 10 га яқин қурғоқчиликка чидамли серҳосил озуқабоп ўсимликларни экиш йўли билан инқирозлашган яйловларнинг ҳосилдорлигини 10-15 бараборга оширишга эришдик. Бу мақсада биз олимлар томонидан экологик оғир шароитларда синаб кўрилган қуйидаги ем-хашак ўсимликларидан фойдаландик (саксовул, чагон, қатрон, изен, кейреук, шувок, терескен ва янтоқ).

Шу кунларда юқорида келтирилган ўсимлик турларининг уруғларини топиб уларни уруғдан кўпайтириш шароити йўқлиги туфайли бу борада махсус уруғчилик билан шуғулланадиган фермер хўжалиklarининг ташкил қилинишини мақсадга мувоффиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Белолопов И.В., Тўхтаев Б.Ё., Қаршибоев Х.К, “Ўсимликлар индукцияси” Гулистон-2015.,32 б.
2. Тожибоев К.Ш., Бешко Н.Ю. “Кадастр редких и эндемичных растений Джизакского и Навоийского вилоятов республики Узбекистан. Биоразко образье Узбекистана” Ташкент,2017. с .200-208.
3. Мадумаров Г.А. “Ўсимликлар биохилма-хиллигини мухоаза қилиш, ўсимликлар ҳаётӣ стратегияси ва репрадукцияси” Гулистон- 2016., 4-6 б.

Soatov B.B., Odilov D.B., Obilov A.A. (Jizzax, JDPI)

RESPUBLIKAMIZDA CHIQINDI MAHSULOTLARDAN OQILONA FOYDALANISHDA ZAMONAVIY INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH CHORA TADBIRLARI

Bugungi yuksalish va yangilanish jadal suratlar bilan rivojlanayotgan davlatimizda chiqindilarga boʻlgan bee`tiborlik insonni ozgina tabini xira qilish bilan, bir qatorda xavotirga ham solmoqda. Buning yorqin misoli o`laroq shaharning piyodalar yurish yo`lakchalaridagi ayrim holatlarga ko`z yumib bo`lmaydi. Masalan qadoqlangan maxsulotlar: polietilen paket va qog`oz maklaturalarga har qadamda duch kelish mumkin. Bu holatning oldini olish uchun faqat ekologik va tozalikka javob beruvchi shaxslar mas`ul emas. Xalqimizda „ o`z uyingni o`zing asra” degan naql bejizga aytilmagan demak bu holatning oldini olish uchun harbirimiz javobgarmiz. O`zbekistonda qattiq maishiy chiqindilarni alohida yig`ish va olib ketish tizimi joriy qilingan bo`lib u 2017- yilning 15- iyuldagi qarori bilan tasdiqlangan bo`lib qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni yigish va chiqarib ketish qoidalari nazarda tutilgan. Tasdiqlangan qoidalar O`zbekiston Respublikasi hududidagi barcha istemolchilar va tashkilotlar uchun majburiy hisoblanadi. Qoidalar qattiq maishiy chiqindilarning ko`chalar, ariqlar, suv yo`llari hamda harakatlanayotgan transport vositalari piyodalar yo`lakchalariga tashlashni taqiqlaydi. Lekin etibor berib qoraydigan bo`lsak piyodalar yurish yo`lakchalarida deyarli chiqindi solinadigan qutilarni uchratmaymiz, bu esa o`z navbatida aholining ham be parvoligiga sabab bo`lmoqda.

Respublikamiz Prezidentining 2017- yil 21- apreldagi farmoniga muvofiq „ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish” davlat boshqaruv tizimi takomillashtirildi.[1]. Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish davlat qo`mitasi qayta tashkil etilib, uning zimmasiga ekologik holatni yaxshilash, maishiy chiqindilarni yig`ish, saqlash, tashish, utilizatsiya qilish va qayta ishlash borasida ko`pgina vazifalar qo`yilgan.

Shuningdek 2017-2021 – yillarida maishiy chiqindilar bilan bog`liq ishlarni tubdan yaxshilash yuzasidan kompleks qaror qabul qilinib moliyalashtirish manbalari belgilab berilgan. Bugungi kunda chiqindilarni yig`ishda va tashishda transport vositalarida umumlashgan holda barcha chiqindilar aralash (kompkeks) tashiladi. Bu esa chiqindilarni qayta ishlash korxonalarida turlarga ajratishda qiyinchiliklarni vujudga keltiradi. Shu boisdan chiqindi qutilarga ham alohida etibor qaratashimiz joiz deb bildik. Ular quydagicha bo`lsa, ajratish uchun ancha qulay bo`ladi. Chiqindilarning asosiy qismini polietilen, qog`oz (maklatura) va ho`l (oziq ovqat qoldiqlari) chiqindilar tashkil etiganligi sababli, chiqindi solinadigan qutilar maxsus uchta bo`lakka bo`linadi va ularning har biriga qaysi turidagi chiqindi solinishi haqida yorliq yopishtiriladi va alohida rang bilan ajratiladi. Bu usul ham aholiga chiqindilarni tashishda va ulardan foydalanishda qulaylik imkonini yaratadi.

Chiqindilarsiz hayot kechirish ular bilan bog`liq bo`lgan kasaliklarning oldini olish uchun bu usul va innovatsion texnologiyalar keng holatda ommaga taqdim qilinishi kerak. Bugungi kunda yurtimizning 53 foiz aholisiga sanitar tozalash hizmati ko`rsatiladi halos, shundan atigi 15 foizi xususiy sektor hissasiga to`g`ri keladi.[2]. Deyarli barcha qishloqlarda maishiy chiqindilarni yig`ish saralash va tashish umuman yo`lga qo`yilmagan.

Bugungi kunda sayyoramizda 5 milliard tonnadan ziyod chiqindi to`plandi. Ularning atigi 30 foizigina qayta ishlanadi, bu esa qolgan 70 foiz chiqindining muammoga aylanib o`z yechimini kutayotganligidan dalolat beradi. O`zbekistonda 186 ta chiqindi poligonlari bo`lib,

ularga 33,4 mln tonna chiqindi ko'milgan.[3]. Jumladan Respublikamizning markaziy qismida joylashgan Jizzax viloyatida 10 ta chiqindi xona bo'lib ular deyarli talabga javob bermaydi, shundan 4 tasidagina ta'mirlash ishlari olib borilgan. Viloyat hududida 5 ta chiqindini qayta ishlash korxonasi ro'yxatdan o'tgan. Misol tariqasida „Yevroplast“ plastik chiqindilarni qayta ishlash korxonasi o'z faoliyatini qayta tikladi. Ikkilamchi qog'ozga topshirilgan qog'oz chiqindilarini qayta ishlash korxonasi viloyatda yo'q, ular qayta ishlash uchun Toshkentga olib ketiladi. Bundan tashqari kimyoviy korxonalar tomonidan ishlatib bo'lmaydigan ko'mir kukunidan ko'mir briketi ishlab chiqarilmoqda. Mahsulot chiqarishdagi keraksiz kimyoviy chiqindi moddalar esa tuproqqa zararli ta'sir ko'rsatishi aniqlandi.

Chiqindi turli yuqumli kasallik manbayiga aylanishi hechkimga sir emas xususan chiqindilardan ajralayotgan zararli va qo'lansa gazlar nafas olish tizimining ko'pgina kasalliklarini keltirib chiqishiga sabab bo'ladi. Undagi turli mikroblar, gepatit, sil xastaligi, gripp kabi yuqumli kasalliklarning ko'payishiga sharoit yaratadi[4]. Ayni paytda Jizzax shahridan 1 kunda 80 tonna chiqindi mahsulotlar olib chiqiladi. Barcha maishiy chiqindilar Jizzax shahridan 24 km uzoqlikdagi 21,2 ga maydonda joylashgan chiqindi poligoniga olib kelib ko'miladi.

Aksariyat hollarda chiqindilardan kun qizigan pallada gazlar ajralib chiqishi oqibatida yonib ketadi, bazan shahar va tumanlardagi choyxonalardan maishiy chiqindilar bilan qo'shilib, keltirilgan o'chmagan cho'g'lar chiqindi xonada yong'in kelib chiqishiga sabab bo'ladi. Jizzax shahrida chiqindi tashish avtoulavlari mavjudligiga qaramasdan hanz shaharning ko'rkini bazi bir mitti dahalarda uyilib yotgan va mahallalar ichidagi yo'l chetiga chiqarib tashlangan politelen paketlardagi chiqindilar shahar ko'rkiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Viloyatimizda 2017–yil 16 – yanvar holatiga ko'ra jami 293 ta chiqindi yig'ish maydonchalari 554 ta chiqindi yig'ish kontenerlari mavjud bo'lib 1 mln 324,9 ming nafar aholiga ega[5] Jizzax viloyati uchun bu juda ham kam. Davlat sanitariya epedimologik nazorat markazi Jizzax viloyati boshqarmasining malumotiga ko'ra yana 2255 ta qo'shimcha chiqindi yig'ish maydonchalari 889 ta chiqindi kontenerlari o'rnatilishi zarur.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz kerakki viloyat hududida tozalikni saqlash, chiqindi orqali tarqqaladigan turli yuqumli kasalliklarni oldini olishga imkon beradi, shu bilan bir qatorda chiqindilardan foydalanish imkoniyatini yaratadi va aholi turar joylarini obodonligini ta'minlaydi va iqtisodiy jihatdan ham foyda olish imkonini beradi bu esa davlat iqtisodiyotida ayni sohaning rivojlanishiga ham turki bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev. „Harakatlar strategiyasi“ Toshkent-2017 „Adolat“
2. Ekologiya xabarnomasi. 2016
3. Nig'matov.A.N. „O'zbekiston Respublikasining ekologik huquqi“. Toshkent 2004
4. E.I. Musaboyev, A.Q. Bayjanov, „yuqumli kasalliklar epidemiologiyasi va parazitologiyasi“ Toshkent -2006 „O'zbekiston milliy ensiklopediyasi“ Davlat ilmiy nashriyoti.
5. Gazeta.uz., (<http://uznature.uz>). <http://uznature.uz/print/pdf/3028>

Azimova D.E., Ziyadullayev Q.O., Abdualimova D.A. (Jizzax, JDPI) O'SIMLIKLARINING EKOLOGIK MUAMMOLARGA QARSHI KURASHISHDAGI AHAMIYATI

Unumdorlik xususiyatiga ega bo'lgan yer yuzasining ustki g'ovak qatlami **tuproq** deyiladi. Tuproqlarning tabiatdagi va jamiyat hayotidagi ro'li g'oyat beqiyosdir. Tuproq biosferadagi modda aylanma harakatida asosiy ro'l o'ynaydi. Tuproq organizmlar uchun hayot muhiti, ozuqa manbai hisoblanadi, moddalarning kichik biologik va katta geologik aylanma harakatida muhim ro'l o'ynaydi. Tuproq qattiq, suyuq, va gazsimon komponentlardan iborat bo'lib, iqlim, tog' jinslari, o'simliklar va hayvonlar, mikroorganizmlarning o'zaro murakkab ta'siri natijasida hosil bo'ladi. 1 gramm tuproqda milliondan ortiq sodda hayvonlar va tuban o'simliklar uchraydi.

Tuproq tugaydigan va tiklanadigan resurslarga kiradi. Tuproq tarixiy tarkib topgan murakkab, mustaqil tabiiy jism bo'lib, o'zgaruvchan dinamik hosiladir. Yer yuzi turli qobiqlari o'rtasidagi aloqadorlik tuproq orqali amalga oshadi. Tuproq tabiiy landshaftlarning asosi hisoblanadi. Biosferada bajaradigan faoliyatiga qarab tuproqni organik hayot zanjirining eng muhim xalqasi deb yuritsa bo'ladi. Tuproqda u yoki bu mikroelementlar yetishmasligi yoki ortiqchaligi organizmlarning rivojlanishi va insonning sog'lig'iga bevosita ta'sir ko'rsatadi; Tuproq kasallik tarqatadigan; ko'plab mikroorganizmlar uchun zarur hayot muhiti hisoblanadi.

Dehqonchilikning yuzaga kelishi bilan tuproqning kishilar hayotidagi ahamiyati keskin oshib ketgan. Inson o'zi uchun zarur bo'lgan barcha oziq mahsulotlari va ko'plab boshqa vositalarni bevosita yoki bilvosita tuproqdan oladi. Yer yuzidagi hozirgi mavjud tuproq qatlami jamiyat taraqqiyoti natijasida kuchli o'zgargan. Insoniyat tarixi davomida 2 mlrd gektardan ortiq unumdor tuproqli yerlar yaroqsiz holga keltirilgan. Har yili sayyoramizdagi qishloq xo'jaligi uchun yaroqli yerlar maydoni sho'r bosishi, emirilishi natijasida 5-7 mln gektarga kamaymoqda.

Yer yuzi tuproq qatlamining hozirgi holati birinchi navbatda kishilik jamiyatining faoliyati bilan belgilanadi. Inson tuproqlarga ijobiy va salbiy ta'sir ko'rsatadi. Inson tuproqlarning hosildorligini oshirishi, yerlarning holatini yaxshilashi mumkin. Shuning bilan birga shahar qurilishi, atrof-muhitning ifloslanishi, agrotexnik tadbirlarning talabga javob bermasligi natijasida tuproqlar bevosita yo'q qilinishi, yaroqsiz holga kelishi, yemirilishi mumkin. Hozirgi kunda tuproqlar maydonining kamayishi uning tiklanishidan minglab marta tezroq amalga oshmoqda. Tabiatda shamol va suv ta'sirida tuproqlarning emirilishi yoki eroziyasi kuzatiladi. Inson faoliyati natijasida tezlashgan suv va shamol eroziyasi amalga oshadi, jarlar hosil bo'ladi.

Antropogen eroziya tuproq resurslaridan noto'g'ri foydalanishning oqibati bo'lib, uning asosiy sabablari o'rmon va to'qaylarni qirqib yuborish, yaylovlarda chorva mollarini boqish normasiga amal qilmaslik, dehqonchilik yuritishning noto'g'ri metodlaridan foydalanish va boshqalardir. Turli ma'lumotlarga ko'ra har kuni yer yuzida eroziya natijasida 3500 ga unumdor tuproqli erlar ishdan chiqadi. Suv eroziyasi ko'proq tog' oldi va tog'li rayonlarda, shamol eroziyasi tekisliklarda kuzatiladi. Chang bo'ronlari natijasida bir necha soat ichida tuproqning 25 santimetrgacha bo'lgan qatlamini shamol butunlay uchirib ketganligi haqida ma'lumotlar mavjud. Eroziya jarayonlarining oldini olish va unga qarshi kurash uchun ko'plab chora-tadbirlar ishlab chiqilgan. Bularga o'simlik qoplarni tiklash, agrotexnik tadbirlarni to'g'ri olib borish, yashil himoya qalqonlarini bunyod qilish, gidrotexnik tadbirlarni rejali o'tkazish va boshqalar kiradi.

Radiusi 104-103 sm ga teng zarralar **chang** deb hisoblanadi. Chang havodagi aerozollar va boshqa mayda qattiq moddalar yig'indisidir. Yozdagi yuqori havo harorati tuproqning ustki qatlami kurib qolishiga sabab bo'ladi. Shamol va transportlar harakati tufayli havoga katta miqdorda mayda chang zarralari kutariladi. Ayrim hollarda 1 kub metr havoda bir necha o'n gramm chang bo'lishi mumkin. Chang, gazlar kishining ko'ziga va nafas yo'llariga tushib, shamollash va hatarga olib keladi. Kvars changi silikozga, ya'ni, upkaning og'ir kasallanishiga sabab buladi. Hozirgi vaqtda gaz va changlarni ushlab qoluvchi turli moslamalar bor. Ammo bu masalada o'rmon daraxtzorlarining ahamiyati katta. Daraxtlarning shox-shabballari yerga tushayotgan changlarning 42-75% ini ushlab qoladi.

Barg yaproqlari keng bulgan daraxt turlari, masalan: chinor, yeng'oqlarning shox-shabballari changni kuproq ushlab qolishi mumkin. Yong'oqning 1m² barglari yuzasiga 10 gramm chang yig'iladi. Yaproqlarning yuza qismi notekis va g'adir-budur bo'lgan holda chang ko'proq ushlanadi (qayrag'och, qog'oz daraxti). Qayrag'ochning barglari terak barglariga nisbatan 6 marta ko'proq changni ushlab qoladi. Yoz faslida 1 ga terakzor 340 kilogramm, 1 ga qoraqarag'ayli o'rmonzor 30 tonna, qayrag'ochzor 37 tonna va emanzor 54 tonna chang yig'ishi kuzatilgan. Kashtan daraxti ham changni yaxshi ushlab koladi. Bir dona katta yoshdagi kashtan daraxti havoning eni 20 m, balandligi 10 m va uzunligi 100 m bulgan hajmi doirasida avtomobillardan chikadigan zaxarli gazlarni tozalashi mumkinligi shved olimlari tomonidan isbotlangan. Boshqa daraxt turlaridan farqli o'laroq kashtan ushbu gazlarni parchalagan holda

o'zi deyarli zarar ko'rmaydi. O'rmonlarning holati qanchalik yaxshi bo'lsa, ular shuncha ko'proq kislorod chiqaradi va karbonat anhidrid gazini qabul qiladi. Masalan, 1 ga eng yaxshi daraxtzor (1 bonitetli o'rmonzor) har yili 4,6-6,5 tonna SO_2 ni singdirib, yon-atrofga 3,5-5,0 tonna O_2 ni chiqaradi. O'rmon o'zining hayoti davomida karbonat anhidrid gazini bir xil miqdorda o'ziga singdirmaydi. Masalan, qoraqarag'ayzorlar, 20 yoshda 9 tonna SO_2 ni o'ziga singdiradi (1ga maydondagi qoraqarag'ayzor) 60 yoshda esa 13 tonna, keyinchalik bu ko'rsatkich kamayadi. O_2 ishlab chiqarishda o'rta yoshdagi o'rmonzorlar yuqori ko'rsatkichga ega. Daraxtlar turlariga qarab har xil darajada kislorod ishlab chiqaradi. Agar 1 ga qoraqarag'ay daraxtzorlarining SO_2 ni o'ziga singdirish ko'rsatkichini 100% deb qabul qilsak, 1 ga tilog'ochzorniki 120%, qorag'ayzorniki 160%, to'qayzorlarniki 250%, emanzorniki 450%, terakzorlarniki 700% bo'ladi. Orol dengizining qurishi natijasida 5 mln ga maydon ochilib qoldi. Natijada, shu qurigan maydonlardan atmosferaga millionlab tonna chang va tuz zarralari shamol ta'sirida ko'tarilib, Orolbo'yi mintaqasidagi sharoitga salbiy ta'sir ko'rsatib kelmoqda.

Adabiyotlarda keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra, Orol dengizining qurigan maydonlaridan bir yilda 13 dan 231 mln tonnagacha tuz zarralari havoga ko'tarilmoqda. Shu sababli yog'in-sochin mineralizatsiyasi 6-7 marta ortdi. Bunday jarayonlarga qarshi kurashlardan biri - shu maydonlarda saksovul, qandim, cherkez, qum akatsiyasi, yulg'un va boshqa cho'l o'simliklarining urug'lari hamda nihollarini ekib, o'ziga xos ihotazor barpo etilishi ijobiy natija bermoqda. U yerda olib borilgan tadqiqot ishlari shuni kursatadiki, bu o'simliklar shamol eroziyasiga qarshi kurashda yaxshi samara berib, mikroiklim yaxshilanishiga olib kelmoqda. Ushbu o'simliklar o'zlarining shox-shabballari ostiga qum, tuz va chang zarralarini to'plab, qumli tepaliklar paydo qilmokda. Bu esa tuz va chang zarralari atmosferaga kutarilishiga qarshilik qilib, ushbu maydonlarning meliorativ holatini yaxshilamoqda. Masalan, bir tup qora saksovulning bo'yi 250 sm, shox-shabbasining diametri 280 sm ga teng bulganda, uning ostida balandligi 55 sm, diametri 280 sm ga teng kum uyumi shakllandi. Ushbu qum uyumi tarkibida 2,7 tonna qum, 0,01 tonna tuz bo'lgan. Bir tup yulg'unning shox-shabbasi ostida bo'yi 170 sm, diametri 700 sm teng qum uyumi yig'ilib, uning tarkibida tuzning miqdori 0,25 tonna, chang miqdori esa 52,3 tonnani tashkil etgan. Sho'rxok qumli maydonlarda sorotan va korabarak butalari o'sgan bo'lib, ular ham qum, tuz, chang zarralarini o'zlarining shox-shabballari ostiga yig'ib, shamol ta'sirida havoga ko'tarilishiga qarshilik qilgan holda atrof-muhitni yaxshilashga ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bir gektar shorxok maydondagi 3956 tup sorotan butalari esa 1305 kubometr qumni yiqqan.

Bu dalillarni keltirishdan maqsad, ixota o'rmonzorlari tuz va chang zarralarini ushlab qolib, ekologik muammolarni bartaraf etishda ahamiyati katta ekanligini ta'kidlashdir. Ular tufayli Orol dengizining qurigan qismida yaylovlar paydo bo'lyapti. Barpo etilayotgan o'rmon ihotazorlari havoni kislorod bilan boyitib turishi bilan ham ahamiyatlidir.

Tadqiqotlardan ma'lumki, 4 yoshli saksovulli ixotazorlar 1158 kg/ga miqdoridagi SO_2 gazini o'ziga singdirib, havoga 835 kg/ga kislorod chiqaradi. Rixter cherkezi esa 1548 kg/ga SO_2 gazini uziga singdirib, havoga 1116 kg/ga kislorod chiqaradi. Yana bir jihati, yaratilgan ihotazordagi daraxt va butalar ildizi yordamida sizot suvlari bug'lanib, ularning chuqurligini pasaytiradi, bu esa tuzlarning tuproq ustki qismiga ko'tarilishiga yo'l quymaydi. Atrof-muhit mikroiklimini yaxshilab, tuproqni shamol eroziyasidan saqlaydi. Bularning hammasi jamuljamlikda yirik ekologik muammolarning oldini olishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. I. Xamdorov, Z. Bobomurodov. Ekologiya. Toshkent 2009 y. 31- 40 b.
2. X. Tursunov. Ekologiya fanidan uslubiy qo'llanma. Tashkent, 2010 y. - 254s.
3. Ekologiya xabarnomasi. Tashkent, 2010 y. - 25s.

Eshanqulova D., Ziyadullayev Q.O., Abdualimova D.A. (Jizzax, JDPI)
**SHAHAR EKOLOGIYASINI YAXSHILASHDA DARAXT VA BUTALAR
KOMPATITSIYASINING O'RNI**


Hozirgi davrda juda ko'p shaharlarimiz yaqinida sanoat korxonalarini barpo etilmoqda. Buning natijasida shahar ekologik sharoiti yanada yomonlashishi mumkin. Shu sababli shaharlarni yanada chiroyli qilish va ularning ekologik sharoitini yanada yashilash uchun daraxt va butalardan manzarali o'simlik sifatida foydalanish juda katta ahamiyatga ega. Shahar ekologik sharoitini yaxshilash uchun daraxt va butalarning quyidagi kompozitsion shakllarini keltirishimiz mumkin: soliterlar (gazonda ekilgan yakka daraxt); o'simliklar guruhlari; o'rmon massivlari va kichik o'rmonlar; qatorlab ekilgan daraxtzorlar; hiyobonlar; yashil to'siqlar; yashil devorlar; xarhil shakl berib ekilgan ekinzorlar; chirmashib o'suvchi o'simliklar.

Soliterlar – bu yakka holda o'suvchi daraxt yoki butalar. Bunday turda joylashtirishda alohida o'simliklarning manzaraboplik xususiyatlari inobatga olinadi: o'sish jadalligi; shox-shabbasining shakli; barglari; gullari va mevalarining rangi.

Soliterlar uchun quyidagi daraxt va butalarni tanlash mumkin: eman, sharq chinori, lenkoran akatsiyasi, lola daraxti, dumaloq shaklli oq akatsiya, yirik bargli jo'ka, majnun tol, virgin archasi, qrim qarag'ayi, qora qarag'ay, chubushnik, oddiy ligustrum va boshqalar. Soliterlar ochiq joyga ekiladi, bunda ularni gazon soliterlari deyiladi, yoki bunday daraxtlar yo'lkalarning oxiriga ekiladi va istiqbolli soliterlar deb ataladi. Gazonlar fonida konussimon yoki sharsimon (dumaloq) shox-shabbali daraxtlarni ekish tavsiya etiladi. Istiqbolli soliterlarda shox-shabbasi yoyilib o'suvchi daraxtlar chiroyli ko'rinadi; suv yonida ayniqsa majnultol kushmanzara ko'rinish hosil qiladi. Soliterlar yaratish uchun katta yoshdagi daraxtlardan yoki standart ko'chatlardan foydalaniladi, avvalo ular guruhlab ekiladi keyinchalik, bittadan daraxt yoki buta qoldiriladi.

Guruh - nazar solganda yaxlit ko'rinadigan o'simliklar majmuasi. Hajmiga ko'ra guruhlar kichik (2-3 talik) o'rta (4-7) va katta (8-16) ga bo'linadi. Tuzilishiga qarab oddiy va murakkab guruhlarga ajratiladi. Oddiy guruhlar faqat daraxt yoki butalarning bitta turidan, hamda bir nechta turidan tashkil topadi. Murakkab guruhlar ham daraxt ham butalardan yaratiladi. Murakkab guruhlarda va har xil turli guruhlarda o'simliklar bo'yiga va shox-shabbasining shakliga ko'ra tanlanadi. Guruhlar tig'iz bo'lishi mumkin, bunda tig'iz shox-shabbali daraxtlar ishlatiladi, jo'ka, dala zarangi va boshqalar, hamda nafis, panjarasimon, ularda nafis shox-shabbali daraxt turlari qo'llaniladi (gledichiya, safora va boshqalar). Guruhdagi o'simliklarning o'zaro uyg'unlashuvi uchun shox-shabbasining shakli yon shoxlarining tuzilishi, bargining qalinlik darajasi, ekologik va manzaraboplik jihatdan bir-biriga mutanosibli nazarda tutiladi.

Butalardan tashkil topgan guruhlarni yaratishda har xil turlarning bir vaqtda gullashi yoki mavsumga qarab, har xil vaqtda gullashiga e'tibor qaratiladi. Guruhdagi daraxtlar orasidagi masofa, odatda, 3-4 metrni tashkil etadi. Bu masofani ikki baravarga qisqartirish mumkin, lekin, kelgusida siyraklatish sharti bilan. Guruhdagi butalar orasidagi masofa o'simliklarning hajmiga qarab 0,5-1,5 metr bo'ladi. Guruhlarda daraxt va butalar aralash ekilganda ularning orasidagi masofa 1-3 metrni tashkil etadi.



1-rasm. Manzarali daraxt va butalardan barpo etiladigan kompozitsiya
1-oq qayin; 2-virgin archasi; 3- manzarali butalar (forzitsiya, zirk, deysiya)

1-rasmda keltirilgan kompozitsiya daraxt va butalar guruhini o`zida mujassam etadi. Bu uni har tomondan tomosha qilish imkoniyatini yaratadi. Kompozitsiyaning ichki tuzilishi shunga mos holda taqsimlangan: mavsumiy manzaraviylik va daraxtlar bo`yining markazdan chekka qismga qarab pasayib borishi ta`minlangan. Rasmdagi daraxt va butalarning balandligi oxirgi kattaligi bo`yicha tasvirlangan.

Kompozitsiyaning asosiy xususiyatlari: *Sovuqqa chidamliligi.* Guruhdagi daraxtlar sovuqqa ancha chidamli hisoblanadi, virgin archasi qishda ham doim yashil bo`lib turadi. Ushbu guruhda forzitsiya biroz sovuqqa chidamsizroq bo`lib, qish qattiq kelganda novdalarini sovuq urishi mumkin. Lekin kunlar isishi bilan yana kurtak chiqarib yangi novdalar hosil qiladi. *Talabchanlik xususiyati.* Barpo etiladigan kompozitsiya maxsus parvarish (yozda soyalatish va qishda o`rab qo`yish) va maxsus oziqlantirish (doimiy sug`orish, mineral va organik o`g`itlar berib borish) ni talab qilmaydi. Dastlabki yillari begona o`tlardan tozalash, har zamonda sug`orib turish va yil oxirida qisman shakl berish ishlarini o`tkazish kifoya qiladi. *Foydalanish muddati.* Ushbu kompozitsiya kamida yigirma yil ichida kesib tashlash, qayta ekish, bo`lish va boshqa ishlarni talab qilmaydi. Barcha daraxtlar uzoq umr ko`ruvchi hisoblanadi. Daraxtlar o`z manzaraviylik xususiyatini yo`qota boshlasagina, ularni yoshartirish uchun kesish ishlarini o`tkazish mumkin. *Mavsumiylik.* Yilning xoxlagan faslida ushbu kompozitsiya qaysidir xususiyati bilan ajralib turadi (xatto qishda ham). Erta bahorda forzitsiya yorqin sariq rangda gullaydi va doim yashil daraxtlar fonida chiroyli manzara hosil qiladi. Yozda esa turli xil yashil ranglar (och yashildan to to`q yashilgacha) nyuans uslubini hosil qiladi. Kuzda esa forzitsiyaning barglari sarg`ish rangga kiradi. Qishda virgin archasining ninabarglari qizg`ish jigarrang tusga kiradi. Ushbu kompozitsiyani quyidagi tuproq iqlim sharoitlariga ekish tavsiya etiladi: - quyosh nuri yaxshi tushadigan; - ishqoriylik darajasi kam tuproqlar; - namlik bilan o`rtacha ta`minlangan tuproqlar; - o`rtacha unumdor tuproqlar. Daraxt va butalarning shoxlari tutashmagan dastlabki yillarda tuproqdagi namlikni saqlash maqsadida mulchalash tavsiya etiladi. Kompozitsiyani o`z uslubiga ko`ra tabiiy manzara hosil qiladi va uni sayr qilinadigan yo`lak bo`yidagi maysazorning markaziy qismiga, binolarning va istirohat bog`ining old qismiga hamda kirish qismidagi markaziy va yon parterlarga joylashtirish mumkin.

Xulosa va tavsiyalar. Manzarali daraxt va butalarni guruh holidagi joylashtirishda yil bo'yi gullab turuvchi yoki ketma-ket gullovchi turlarni ekish va balandligi bo'yicha to'g'ri joylashtirish kerak.

Daraxtlar orasidagi masofa 3-4 m, butalar orasidagi masofa esa shox-shabbasining hajmiga ko'ra 0,5-1,5 m qilib joylashtirish maqbul hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Axmetov A.O. Aholi yashash joylarini ko'kalamzorlashtirish. Ma'ruzalar matni. – T.: ToshDAU, 2001.
2. Qayimov A. Aholi yashash joylarini ko'kalamzorlashtirish. - Toshkent, 2012.

Бакирова Д. М. (ЖДПИ академик лицейи ўқитувчиси)

Ғайбуллаев А. А. Пардабоева Н. Н. (Жиззах, ЖДПИ)

ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МАДАНИЙ ВА ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ

Инсон табиат оғушида яшайди, ижод этади, фаолият кўрсатади, унинг кўркем манзараларидан завқ олади, саховатли марҳаматларидан баҳраманд бўлади. Табиат у қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, ўзгача гаштли фусункор бўлиши мумкин. Бизни ўраб турган табиатнинг кўркем манзараси нафақат қушлар кўшиғи, мусаввирлар, шоирлар, бастакор-машшоқлар, хонандалар учун илҳомбахш кўринибгина бўлиб қолмасдан, балки кишиларнинг руҳиятини енгиллаштирувчи маънавий озуқа берувчи табиий манба бўлиб ҳам хизмат қилади.

Табиатнинг маҳсули ҳисобланиш ҳар бир киши, атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ёшлар ташкилоти ер қуррасида яшовчи жониворлар тақдири, уларнинг ҳаёти устида қайғуришни ўзларининг муқаддас бурчи деб ҳисоблашлари керак. “Она” табиатга нисбатан меҳр, ҳурмат уйғотиш, уни эъзозлаш кўп жиҳатдан ота-оналар, мураббийлар, педагогларнинг берган тарбияси, тушунтириш ишларига ҳам боғлиқдир. Бевосита табиат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган айрим маълумотларни келтириб ўтиш айни муаддао бўларди. Латвияда мактаб ёшигача бўлган болаларда табиатга ҳурмат билан қараш, унга нисбатан эстетик ҳиссиётни уйғотиш тажрибалари олиб борилиб, ижобий натижалар олинган.

Болалар боғчасида табиатсеварлар тўғарагининг фаоллари “яшил косиблар” гуруҳига сафарбар қилинган, шунингдек Латвия университетининг биология, география факультети талабалари ҳам жалб этилган. Улар ўз навбатида болаларнинг ёши, билим кўламини инобатга олган ҳолда, уларнинг тафаккурига етиб борадиган даражада табиат тўғрисида, ўсимликлар олами ҳақида, ҳайвонот дунёси борасида қизиқарли ва мароқли суҳбатлар ўтказганлар. Улар табиат билан узвий боғлиқ бўлган мавзуда энг яхши расм учун танловлар ўтказишган, ўлка табиатининг сўлим жойларига экскурсия-томоша сайрини уюштиришган.

Латвияда мактабгача бўлган болалар учун табиат манзарлари намойишини ўтказганлар, унда турфа гулларнинг ранг-баранглиги, доривор ҳосиятли ўсимликлар, сабзовот-резаворлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берганлар, амалий машғулотлар билан мустаҳкамлаб борганлар. Бунда ҳар бир машғулотда ёши беш-еттига тўлган 200 га яқин болалар иштирок этганлар. Амалий машғулотлар кўламида ниҳоллар, сабзовот, гул намуналарини қандай ўтказиш, парваришлаш, фойдали қўзиқоринларни қандай танлаш ва қирқиб олиш борасида ҳам телевидениеда кўрсатувлар уюштирилади.

Шуни қайд этиш керакки, катта кишиларнинг ҳатти-ҳаракати ёшлар учун ўрнак сабоқ бўлиши табиий. Мабодо болалар бор хонадонда катталар уй ҳайвонларига, жониворларга нисбатан шафқатсиз бўлсалар (мушук, кучукчаларни улоқтириб ташлаш, заҳарлаш ва бошқалар), у ҳолда шу уйда яшаётган тарбия топаётганларнинг жониворларга нисбатан қаҳрлари қаттиқ бўлиши турган гап. Гоҳо, болалар кўз ўнгида турли қурилишлар

туфайли манзара кашф этиб турган, ҳамда, мевали ўсимликлар аёвсиз қирқилади. Янада ачинарлиси шуки, айрим хўжалик, муассаса раҳбарлари томонидан мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари жалб қилиниб дарахтлар кестирилади.

Инсон табиат қўйнида яшар экан, унинг беминнат саҳовати, инъом ва марҳаматидан баҳраманд бўлади. Мурруватли кўркам, саҳоватли кенг табиатни эъзозлаш, унга бўлган мухаббат инсон қалбида ёшлигидан уйғонади ва даврлар ўтиши билан шаклланади. Мурғак қалбнинг она табиатга бўлган хурматини орттиришда кенг жамоатчилик қолаверса ота-она ва ўқитувчиларнинг ҳиссаси салмоқли ўрин тутди.

Бу борада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш катта аҳамият касб этади:

- Табиат борасидаги билимларни кенгайтиришга имконият яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қонунчиликни ёритиб бориш.

- Ёшларнинг ўз фуқоролик бурчларини англаб етишларини тушунтириш.

- табиатни муҳофаза қилиш ишларига ёшларни жалб этиш.

- табиат бойликларини ҳимоя этувчи давлат мутасадди ташкилотлари билан узвий боғланган ҳолда фаолият кўрсатиш.

Мактабларда, ўрта махсус, касб-хунар коллежларида ва олий ўқув юртларида, саноат ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек фермер хўжаликларида, маданият уйларида, оқибат ресурс марказларида, табиатсеварлар клуби, ёшлар ижодхонлари, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, ўлкашунослик музейлари, табиат бурчанлари ташкил этилиб, уларда ўлканинг табиати, бойликларини кўрсатадиган, ҳимоя этадиган тадбирлар ташкил этиш катта аҳамият касб этади.

Табиат муҳофазаси талқин этиладиган кечалар ташкил этилиб, уларда ўқитувчи педагоглар, олимлар билан ёшларнинг мулоқотини ўтказиш ҳам ҳайирли тадбирлардан ҳисобланади. Ўлка бўйлаб биологик сафарларда ёшларни жалб этиш, уларни табиатнинг кўркам намуналари бўлмиш набодот олами, ҳайвонот ҳамда қушлар дунёси билан таништириш уларда табиатга нисбатан иштиёқини оширмай қўймайди. Ҳали табиатни бирорта ҳужжатда, манбаларда қайд этилмаган янги-янги ажойиб ёдгорликларни топиш, мўжизали манзараларни кашф этиш, уларни ҳимоя қилиш таҳсинга лойиқ тадбирлардан ҳисобланади.

Ёшларнинг газета ва журналларда, шунингдек радио ҳамда телевидениеларда доимий рўнлар ташкил этиб, уларнинг саҳифаларида, кўрсатувларда, эшиттиришларда табиатни мадҳ этувчи, унинг эҳсонларини муҳофаза этувчи маълумотлар ёритилиши шарт. Табиат муҳофазаси бўйича ишлаб турган муассасаларда табиатни мадҳ этиладиган, уни муҳофаза этишга бағишланган ҳаваскорлик филмлари, фотосуратлар, расмлар, шунингдек мақола ва очерклар учун танловлар ўрнатилиши ҳам атроф-муҳитни покиза сақлаш борасида, унинг неъматларини ардоқлаш, ҳимоя этишда катта ёрдам берувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Даврий равишда республика, вилоят, туманларда слётлар, ёш олимлар, мутахассислар, фаолларининг табиат муҳофазаси муаммолари бўйича семинарларни ўтказиш зарур. Ёш табиатшунослар уюшмалари, ёш саёҳатчилар клублари, ёшларнинг ижодиёт кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилиши лозим.

Сайёҳлар макани, дам олиш гўшалари (туристик базалари), кўркам манзилгоҳларда табиат муҳофазаси мавзусига бағишланган бурчаклар, кўргазма-стендлар муттасил равишда янгилаб турилиши керак. Фаслга қараб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг оммавий ҳолда ўтказилиши, Наврўз баҳор байрамларини табиат муҳофазаси билан олиб боориш кутилган натижа беради. Бу борада “Қушлар куни”, “Гуллар байрами”ни ўтказиш ҳам ижобий тадбирлардан ҳисобланади.

Кўркам қушлар, дам олиш масканларига илк бор келган кишиларга табиат муҳофазаси бўйича маслаҳат бериш, уларни нодир ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами номлари билан таништириш зарур амаллардир. Сайр қилувчилар, сайёҳларни маълум бир йўналиш билан уюштиришда албатта табиатга озор бермаслик масалалари асосий ўринда турмоғи лозим. Дам олишга чиққанлар ўзлари дам олган жойларни

ифлослантирмасликлари, топтамасиликлари, гиёҳларни пайҳон қилмасликлари даркор. Бу борада кенг ва чуқур тушунтириш ишлари олиб борилиши лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Нигматов А. Табиий география фанларининг назарий муаммолари. Т.; 2010
2. Турсунов Х.Т. Экология ва барқарор ривожланиш. Т.;2009
3. Турсунов Х.Т. Раъимова Т.У. Экология. Т.; 2006
4. Набиев М. Отабоев Ш. Инсон ва биосфера. Т.; 2010
5. Нигматов А. Экология нима? Т.; 2005
6. WWW.icc.ch

Imomova D.A., Ortiqova M., Fayzullayeva S. (Jizzax, JDPI)

О'РИК О'СИМЛИГИНИ ШИФОБАХШЛИГИ ВА УНИ МУHOFAZA QILISH

Mustaqillikka erishganimizdan keyin yurtimizning barcha viloyatlarida ulkan o'zgarishlar yuzaga keldi. Aholining tinch totuv hayot kechirishi, yerdan unumli foydalanishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratildi. Yurtboshimiz ta'kidlaganidek yurtimizning eng katta boyliklari yer resurslaridan xalqimiz uchun oqilona foydalanishga imkon yaratildi.

О'рик- ra'nodoshlar oilasiga mansub ko'p yillik daraxt o'simliklar hisoblanadi. O'rik o'simligi ham juda qadimgi madaniy o'simliklardan sanaladi. O'rikning shifobaxshlik xususiyati butun xalqimizni o'rikka bo'lgan ehtiyojining ortishiga sabab bo'lmoqda. O'rik XV asrlardan boshlab madaniy tur sifatida xalq xo'jaliklarida ekila boshlagan. O'rik asosan urug'i orqali ko'payadi. Madaniy o'riklar yovvoyi turlarining payvandlanishi orqali yaratilmoqda. O'rikning yovvoyi turi hozirgi kunda madaniy turlar uchun payvand tag sifatida ishlatilmoqda. O'rikning guli tarkibida ham, mevasi tarkibida ham asal-shira juda ko'p miqdorda mavjud.

O'rik asosan namlik yetarli bo'lgan, harorat ham normal sharoit bo'lgan hududlarda bimalol o'sa oladi. O'rikning mevasi tarkibida 26% glyukoza (fruktoza) mavjud. Qishloq xo'jaliklarida, bir qancha fabrikalarda o'rikdan bir qancha maxsulotlar tayyorlanadi. O'rik o'simligi yetishtirishda ko'p mehnat talab qilmaydi. O'rikzorlarni hududiy barpo etishda ham ularning iqlim sharoitiga qanchalik darajada chiday olishi nazarda tutilgan holda qator oralig'i uzunasiga 4-5 m, bo'yiga esa 5-6 metr qilib ekiladi. O'rikning mamlakatimiz bo'ylab erta va kech pishar navlari ko'plab ekiladi. O'rik daraxtining o'rtacha bo'yi 8-10 metrgacha, shoh-shabbasi esa sharsimon, juda keng bo'ladi. O'rikning diametrik esa 40-60 sm gacha yetadi. Ba'zi o'riknavlarining yog'ochlik qismidan qimmatbaho mebel buyumlari yasashda keng foydalaniladi. O'rik o'simligi o'rtacha 70-100 yil umr ko'radi.

O'rik qadimdan xalqimiz sevib iste'mol qiladigan va bozor rastalaridan har doim o'z o'rnini bo'shatmagan qadimiy madaniy o'simlik turlari xisoblanadi.

O'rik o'zining shifobaxshlik xususiyati bilan mevalar orasida alohida o'rinni egallaydi. Uning shifobaxshlik xususiyatlari qadim zamonlardan ma'lum bo'lgan va uni ota - bobolarimiz doimo iste'mol qilib kelishgan.

O'rikning nafaqat bizning yurtimizda balki boshqa davlatlarda ham keng miqiyosda iste'mol qilishadi. Aniq ma'lumotlarga qaraganda Hindistonning shimoliy viloyatlaridan birida Xunza degan qabila yashagan. Mazkur qabila a'zolarining asosiy oziqasi o'rik va o'rik mahsulotlari bo'lgan. Qizig'i shundaki Xunzaqabilasi odamlari o'rta xisobda 100 yil umr ko'rishgan ekan.

Buyuk alloma tibbiyot asoschisi Abu ali ibn Sino o'zining "Tib qonunlari" kitobida o'rikning xususiyatlari ustida ham to'xtalib o'tgan. Uning aytishicha "O'rik" me'da uchun shaftolidan ko'ra muvofiqdir. Turshak suvi tashnalikni qoldiradi. Sovuq mijozli kishilar esa o'rikni toza asal bilan iste'mol qilishi kerak. Ivtilgan turshak tana haroratini tushurishda yordam beradi. O'rik mag'zining yog'i vabo sil kasalliklarini davolashda yordam beradi. Bundan

tashqari Ibn Sino o'rik va uning yelimidan oshqozon va ichak faoliyatini yaxshilashda foydalangan.

Tarkibi. O'rik mevasining tarkibida 27 % gacha qand moddasi, 2-5 % gacha organik kislotalar (olma, limon, uzum kislotalari), pectin, kraxmal, oshlovchi moddalar, temir, mis, kalsiy, magniy tuzlari, vitaminlardan C, PP, B₁₅, glikozid, amigdalın va karotin kabi foydali moddalar bor. O'rikning mag'zini tarkibida 59 % gacha moy, oqsil moddalari bor,

Xalq tabobatida qo'llanilishi: o'rikning turshagi qadimdan meda-ichak yo'lini maromlashtiruvchi, qabziyatdan holi etuvchi darmonbaxsh omil sifatida is'temol qilinadi. O'rik turshagi to'yimli ozuqa sifatida ham qadrlaniladi. O'rikdan tayyorlangan chanqoq bosdi ichimlik safroni haydaydi, hayajonli qonni tinchlantiradi, kekirishdan holi etadi. Ovqatni hazm qilib bo'lmasdan turib, shuningdek qiyin hazm bo'ladigan ovqat bilan o'rikni is'temol qilish tavsiya etilmaydi.

Xalq tabobati amaliyotida yurak og'riganda, xafaqon kasalligida o'rik mag'zidan choy tayyorlab ichish tavsiya etiladi. O'rik mag'zi va boshqa dorivor o'simliklar bilan tayyorlangan damlamasi nafas yo'llarining yallig'lanish kasalliklarida, ko'kyutalda ham is'temol qilish tavsiya etiladi. Homilador ayol shuningdek tug'gan onalarga turshak, bargak is'temol qilish tavsiya etiladi. Bargakning tabiiy asal bilan yanchilgani ko'z quvvatini oshiruvchi omil sifatida is'temol qilinadi.

O'rik ziqnafas azobidan holi bo'lishga yordam beradi, inson organizmini yuqumli kasallikdan nisbatan bardoshli bo'lishini ta'minlaydi.

Adabiyotlar:

1. Mirzayev.M.M., Sobirov.M.K. «Bog' dorchilik» Toshkent «Mehnat» 1987 y
2. Ro'bakov. A., Ostrouxova. S.«O'zbekiston mevachiligi». Toshkent 1981y.

Мавлонов Х., Солиева Г., Эшонкулова Н. (Жиззах, ЖДПИ) КОВУЛЗОРЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Республикамызда ўсимликлар дунёси нихоятда бой бўлиб (4500 тур), ундан оқилон ва самарали фойдаланиш ҳамда дунё эътиборида бўлган биологик хилма-хилликни келажак авлод учун сақлаш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Республикамыз ўсимликлар оламининг кўплаб турлари халқ хўжалиги учун қимматли хом-ашё берувчи ўсимликлар ҳисобланади. Шулардан бирига ковул ўсимлиги киради. Ковул *Carragidaceae* оиласига мансуб бўлиб, бизда унинг *Carraris spinosa* тури кенг тарқалган.

Бу ўсимликнинг ватани Осиё ҳисобланиб шу кунда, ер юзида эътибор катта бўлиб Шимолий Африка, Алжир, Франция, Испания, Италия, Кавказда ва Ўрта Осиёда маданийлаштирилмоқда. (Саввагеева Л.Ю.,2001).

Айниқса охириги йилларда ковул ўсимлиги майдонлари маҳаллий халқ томонидан аёвсиз пайхон қилинмоқда. Меваси, унинг гуллаб уруғ беришга йўл қўйилмаяпти. Охириги 10 йил мобайнида унинг табиатда уруғидан кўпайиши баъзи ҳудудларда 10-15% дан 0,5-1,0 % тушиб қолган. Бу борадаги ишларни илмий асосга қўйишни тақозо этади. Фориш тумани банд шаҳарчаси яқинидаги 5 минг гектар табиий ковулзорнинг муҳофазага олингани эътиборга лойиқдир.

Ковул бизнинг шароитимизда кўп йиллик иссиқга чидамли, тиканли, ётиб ўсувчи чалабута (Зокиров К.З.1973). Бўйи ўртача 100-150см, диаметри 120-220 см бўлиб, бир тупда 80 тагача поялар ҳосил қилади. Гули ўткир хидли. Вилятимизда 2 та тури кенг тарқалган ок ва қизилпушти гуллайди. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, жуда кучли ривожланган. Вегетациясининг биринчи йили охирида илдизининг узунлиги 150-180 см га етиб, кейинги йилларда 15 метргача чуқурликга етиб боради. (Эсонкулова Н. 2014) Ковул Фориш, Зомин, Ғаллаорол, Жиззах ва Бахмал туманлардаги сой, яйлов ҳамда адирларда кенг тарқалган. Баъзи сойлар унинг номи билан аталганлиги бу ўсимликнинг қадимдан вилятимизда кенг тарқалганлигидан далолатдир. Ковулнинг гуллаши май ойидан

бошланиб, сентябрь охиригача давом этади. Уруғининг пишиши эса июль ойдан октябрь ойигача чўзилади. У серуруғ бўлиб, битта мевада 600 тагача майда буйраксимон кўнгир рангдаги уруғни ҳосил қилади. Ноябрь ойининг охирларида хаво харорати 0 дан паст бўлганда, бу ўсимлик вегетацияси тугаб, ер устки қисми тўла қуриydi. Табиий шароитда ковул 15-20 йил яшайди.

Ковулнинг меваси паст калорияли пархезбоп танқис ҳисобланган озик-овкатлар сирасига киради. Сифатли мева олиш учун унинг мевасини унча катта бўлмаган, 3-5 мм. ҳали бутунлай очилишга улгурмаган даврда эрталаб салқинда териб олиш тавсия этилади. Шу усулда териб олинган яшил мевалар тузланади. Ундан тайёрланган салат, зиравор ва дамламалар дармон берувчи ва иштаҳа очувчи овқат сифатида тановул қилинади. Ўртача қалинликда бўлган ковулзорлардан 25 центнердан қуруқ хашак олиш мумкин. Ковулнинг яна бир аҳамияти унинг яхши асал берувчи ўсимлик. Ковул гули бир кунда янтоқ гулидан 33, олмадан 47, ёввойи олмадан 220-225 мартадан кўпроқ нектар ишлаб чиқаради. Бир гектар ковул майдонида бир йилда 900-1000 килограммгача шифобахш асал етиштириш мумкин. Бу ўртача 20 млн. сўмлик иқтисодий самара дегани. Ковул ўзининг шифобахшлиги бўйича полифармаген ўсимлик ҳисобланади. Унинг табобатдаги ўрни кўп қирралидир. Антисептик, сийдик ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи, асаб, ангина, кичима, ревматизм, бруцеллоз, қандли диабет, қон босими, жигар хасталиги, сарик каби касалликларни даволашда унинг илдиз, новда, барг, гул ва меваларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Абу Али Ибн Сино ковул илдизи билан подагра, бўғим оғриқлари, радикулит каби касалликларни даволаган. 1955 йилда тиббиётда биринчи марта Химолай Драк компанияси томонидан жигар касалликларини даволаш учун Лив-52 препарати ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилган ва ҳозирда у самарали фойдаланилаёпти. Препаратнинг асосий қисмини, яъни 65 % миқдорини ковул маҳсулотлари ташкил этади.

Ковул тиклим шароити оғир намлиги, унумдорлиги паст, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун бутунлай яроксиз бўлган худудларда ҳам яхши ривожланиш хусусиятига эга. Бу ўсимликни кўпайтириш агротехникаси мураккаб ва маблағ талаб эмас.

Ковулни уругидан экиб кўпайтириш учун ерни чуқур қилиб (25-28 см) ҳайдаш шарт эмас. Ерни 10-15 см чуқурликда чизеллаб юмшатиш етарли ҳисобланади. Яна ҳам кам харажат қилиш учун ҳар бир метр оралигида 15-20 см ерни юмшатиб, унга уруг экиш ёки кўчат ўтказиш усулидан фойдаланиш мумкин. Бир гектар майдонга 0,5 -1 кг уруг сепиш керак. Уруғнинг тупроққа кўмилиши 2-3 см дан ошмаслиги керак. 1 гектар майдонда экилган ўсимлик туплари, сони 10 минг атрофида бўлиши меёрда ҳисобланади. Туб ва қатор оралиқлари 1 метрдан бўлса бизнинг шароитимизда яхши ўсиб ривожланади.

Ковулнинг иқтисодий самарадорлиги катта. Аввало бу ўсимлик жой, тупроқ танламайди. Уни табиий шароити оғир бўлган худудларда ҳам экиб, кўпайтириш мумкин. Яна бир томони, экилгач ундан кўшимча харажатларсиз 20-25 йил даромад олса бўлади. Бунда аввало яхши уруг берадиган ковул майдонларини танлаб, уруг йиғишни ва уругчиликни йўлга қўйиш керак.

Ковулнинг ҳар томонлама фойдалилигини ҳисобга олиб, аҳолининг шахсий томорқаларида ҳам уни экишни тавсия қиламиз.

Адабиётлар:

1. Зокиров К.З. Каперс и перспективы его использования. Т.: ФАН, 1972.-12с.
2. Савватеева Л.Ю. Экология человека и продукты питания. 2001.-9с.
3. Эшонкулова Н.Т., Ахмедова З.Р., Каперс термксерофит перспективное растение для создания биотехнологических продуктов питания и фармацевтика. Биохилмахилликни сақлаш. Тошкент. 2014.-207 с.

Ғ.Ғ.Хамраев., А.С.Мажидов. (Жиззах, ЖДПИ)
ОРОЛНИ АСРАШ УМУМИЙ, ГЛОБАЛ МУАММО СИФАТИДА

Инсониятнинг ўз тараққиёти жараёнида табиатга нисбатан турлича муносабатда бўлиши ўз-ўзини замонавий билим ва кўникмаларининг вужудга келишига олиб келади. Бунинг натижасида XX аср инсоният англаб етмаган экологик муаммоларни шакллантириб, жамиятда экологик онг ва маданият тўғрисидаги дунёқарашни ривожлантирди. Бундай кўриниш тарихий ривожланиш жараёнида Марказий Осиё минтақасига ҳам ўзининг бевосита таъсирини ўтказа берди. Ушбу ҳолат “инсон антропологик фаолиятининг таъсири Марказий Осиё региониде секин-аста табиатни бошқариш вазифасини сусайтира борди. Унинг регион муносабатида чидамлилиги, биохосилдорлигининг тушиб кетиши кишиларнинг безовта бўлишига олиб келмоқда, табиатдаги мувозанатнинг бузилиб бораётгани объектив хавф туғдирмоқда.⁸

Маълумки, ўтган асрда мустабид совет тузуми широитида дастуриламал бўлиб қолган “Инсон табиатнинг хўжайини” деган сохта мафқуравий даъво, хўжалик юриштининг яроқсиз усуллари, табиий ва минерал хомашё захираларидан ваҳшийларча фойдаланиш каби иллатлар экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Ўзбекистонда ернинг ниҳоят даражада шўрланиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, ернинг захарланиши ва бузилиши, ҳаво бўшлиғи, ерусти ва ерости сувларининг ифлосланиши экологик муҳитни ёмонлаштириб борди.⁹

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши натижасида кўплаб сув омборларининг қурилиши, умуман, сув исрофгарчилиги туфайли Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларида Орол денгизига қуйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди. Оқибатда, денгиз 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувининг ҳажми 54 фоизга камайди.¹⁰ Сув қирғоқдан 70-100 км.га чекинган жойларда бўронлар натижасида йилига 50-70 минг тоннагача туз атмосферага кўтарилгани кузатилган.¹¹ Орол бўйида экологик аҳволнинг ёмонлашуви, сувдаги минераллашувнинг ошиши натижасида қишлоқ аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касалликларни чалингани аниқланган. Масалан, Қорақолпоғистонда ич терлама юқумли касаллиги билан касалланганлар собиқ Иттифок даражасидан 25 баробар кўп бўлган.

Агар Японияда тузилган ҳар 1000 нафар бир ёшгача бўлган чақалоқдан 5 таси, Канадада 7 таси ўлган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 45,9 тани, Қорақолпоғистонда эса 60 тани (1989 йилга кўрсаткич) ташкил этган.¹²

Чўл-у саҳроларни ўзлаштириш борасидаги дабдабали тадбирлар, пахта монокультурасининг кучайиши, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйлаб суғориш тизимларини жадал сифатда қуриш ишлари Орол фожиасини келтириб чиқарди. Денгизнинг сув қочган 4 млн гектардан ортиқроқ туби қумли, шўрхоқ саҳрога айланди. Ундан кучли шамол, бўрон орқали кўтарилган туз, чанг-тўзонлар атроф-муҳитни, одамлар соғлигини ёмонлаштирмоқда. Ошқозон раки, тубер кулёз, қорин тифи, камқонлик, сийдик йўллари ва жигар тоши, қон босими ва бошқа касалликлар кўпайди. Болалар ва хотин-қизлар ўлими кўпаймоқда.¹³

Йилига 90 кунлаб давом этадиган кучли бўрон туфайли 15-75 миллион тонна тузли қумлар атмосферага кўтарилиб 300-500 км масофага ёйилмоқда. Оролнинг қуриб бориши

⁸ Отабоев Ш ва бошқалар. Экологияда маданият ва маънавий муаммолари. Т.: “Нишон ношир”, 2009, 45-бет.

⁹ Қ.Усмонов, М.Содиқов. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.й.) Т.: Шарқ, 2014, 189-бет.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммити ялпи мажлисидаги нутқи. // Постда. 2010. 25 сентябрь.

¹¹ “Ҳаёт ва иқтисод” журнали. 1991. №2-сон, 56-бет.

¹² Охрана здоровья в СССР. М. 1990, стр.12.

¹³ Қ.Усмонов, М.Содиқов. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.й.) Т.: Шарқ, 2014, 190-бет.

экологик кулфат даражасига етди, унинг атрофида яшайдиган қарийб 35 млн. киши хавф-хатар остида қолди.

Дарҳақиқат, Орол денгизининг қуриши дастлабки пайтлардаёқ илмий жамоатчиликни ташвишга солган. Лекин шўро сиёсати бу муаммога деярли эътибор қаратмаган. Асосий мақсад ер майдонини кенгайтириб, пахта ҳосили олиш бўлган.¹⁴

Тоталитар тузум даврида Орол денгизининг сувга эҳтиёжи ҳисобга олинмади. Натижада унга етиб борадиган сув ҳажми 60 км.куб ўрнига 9-12 км.куб бўлиб қолди. Бунга сабаб собиқ Иттифоқда ўша пайтда гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш учун дарёнинг юқори қисмларида сув омборлари ва тўғонларининг қурилишидир.

Денгиз сувининг шўрланганлик даражаси 5-6 мартагача ортиб, қуриган денгиз ўрнида ҳосил бўлган Оролқум саҳроси майдони 5,5 миллион гектарга етди. Унинг Оролбўйи минтақаларига келтираётган зарарли оқибатларини биз юқорида таъкидлаб ўтдик.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Орол денгизининг сатҳи кескин пасая бошлади. 80-йилларга келиб бу масала муҳокамага ташланди, 80-йиллар қизғин баҳс-мунозаралар олиб борилди. Лекин афсуски, муҳокамаю бошқотиришларнинг фойдаси бўлмади. Денгиз қуришда давом этаверди.

Марказий Осиё давлатлари сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси (ДСХМК) сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва ҳимоялаш, уларни бошқариш муаммоларини ҳал этиш мақсадида 1992 йил 18 февралда Олмаота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари келишувига асосан ташкил топган. Комиссия ўз фаолиятини тенглик, одиллик ва ўзаро фикр алмашиш асосида олиб борди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 23 мартдаги қарорига асосан, ДСХМК ва унинг бўлимлари Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таркибига киради ва халқаро ташкилот мақомига эга. Комиссия зиммасига сув ресурслари тақсимотини такомиллаштириш ҳамда сув бериш ва сув ўтказиш графиклари, сув сифати бўйича қабул қилинган қарорларни зудлик билан амалга ошириш каби вазифалар юклатилган.¹⁵

Шу ўринда яна қуйидаги тарихий воқеани таъкидлаш керакки, 2008 йил 12 март куни Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини энгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтган эди. Мазкур конференцияда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Нидерландия, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, молия институтларидан вакиллар, иқлим ўзгариши ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича таниқли олимлар ва мутахассислар иштирок этди.¹⁶

Конференция ишида Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари, экологиянинг аҳоли генофонди ва саломатлигига таъсири, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари, Орол бўйида турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари каби муҳим масалалар кўриб чиқилган эди.

Ва шунингдек, Орол ҳавзасидаги экологик ҳолат оқибатларини юмшатиш бўйича БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги давом этмоқда.

2013-2016 йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилган Ўзбекистон томонидан “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳолатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар” Дастури таклиф этилиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 68-сессиясида қабул қилинган ва Бош Котиб

¹⁴ “Ёшлик” журнали. 2017, №8 сон, 9-бет.

¹⁵ “Ёшлик” журнали. 2017, №8 сон, 8-бет.

¹⁶ “7 иқлим” газетаси. 20.03.2008. 12(196)-сон.

Пан Ги Муннинг шахсан қўллаб-қувватлаши билан 2013 йил 16 сентябрда расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

2014 йил сентябрда Урганч шаҳрида ташкил этилган халқаро Конференцияда БМТ, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молиявий институтлар вакиллари, 26 мамлакатдан келган олимлар ва тадқиқотчилар қатнашди. Орол ҳавзасидаги экологик ҳалокат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорлик қилишга бағишланган ушбу анжуман натижасида миллий ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш учун умумий ҳажми 3,2 миллиард АҚШ долларида кўпроқ шартнома ва битимлар имзоланди.¹⁷

Хулоса қилиб айтганда, Орол фожиаси асоратларини камайтириш, вазиятни ўнглашда минтақадаги давлатларнинг яқдиллиги энг муҳим ўрин тутди. Халқаро ҳамжамият ва ташкилотларнинг кўмаги ҳам белгиланган лойиҳаларни тез ва кенг миқёсда амалга оширишга ёрдам беради. “Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо этмоқда” – деб таъкидлаган эди мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида.

Ҳозирга келиб Орол денгизини аввалги ҳолига тиклаш мушкул, лекин Марказий Осиё давлатлари ҳамжиҳатликда Оролбўйи худудида экологик ҳолатни сақлаш, қуриган денгиз тубидан учаётган тузларни ихота дарахтзорлари ва бугазорлар барпо этиш йўли билан камайтириш, сув тежовчи суғориш усуллари қўллаб, Оролга тушаётган сувни ошириш, жилла курси, барқарор ушлаб туришга эришиш мумкин.

Кузиева С.У. (Жиззах, ЖДПИ)

УДК: 547.963.3.5811.633.51

ИЗУЧЕНИЕ РИБОСОМ ХЛОРОПЛАСТОВ ХЛОПЧАТНИКА

Выделенные методом дифференциального центрифугирования с применением тритона X100, рибосомы хлоропластов и цитоплазмы хлопчатника имели желтоватую окраску. Суспензия хлоропластных и цитоплазматических рибосом давала типичный спектр поглощения в ультрафиолетовом свете с максимумом поглощения при $E_{260/280}$ нм = 1,69 и минимум при $E_{260/235}$ нм = 1,55.

Рибосомы хлоропластов содержит 42-58% белка и у различных видов растений близки по соотношению РНК/белок (1,1-1,20). Содержание белка в рибосомах пластид незначительно отличается от содержания белка в цитоплазматических рибосомах, но выше, чем в рибосомах прокариот (Юрина Н.П., 1974; Гуликова О.М., 1974). Изучение содержания РНК и белка в препаратах рибосом хлоропластов и цитоплазмы, выделенных из семян, проростков, а также листьев хлопчатника, показало, что они являются достаточно чистыми по отношениями $E_{260/235} = 1,62-1,65$; $E_{260/280} = 1,86-1,80$; а по содержанию РНК и белка незначительно различались в процессе роста и развития хлопчатника 46,4-53,6; 48,5-51,5 соответственно.

Гомогенность препаратов цитоплазматических и хлоропластных рибосом доказана электронно-микроскопическими исследованиями и ультрацентрифугированием в линейном градиенте сахарозы и в градиенте плотности хлористого цезия.

Коэффициенты седиментации хлоропластных и цитоплазматических рибосом хлопчатника были равны 70 S и 80 S соответственно. Поскольку рибосомы хлоропластов резко отличаются от рибосом цитоплазмы по коэффициенту седиментации – соответственно 70 S и 80 S, были все основания говорить о генетической близости хлоропластов и бактерий.

Однако исследование рибосом хлоропластов в градиенте плотности CsCl показало, что по плавучей плотности рибосом хлоропластов ($\rho = 1,56$ г/см³) отличаются от рибосом

¹⁷ “Ёшлик” журналы. 2017, №8, 11-бет.

бактерий ($\rho = 1,64 \text{ г/см}^3$) в большей степени, чем от рибосом цитоплазмы ($1,53 \text{ г/см}^3$) (Филиппович И.И., 1979).

Плавающая плотность рибосом хлоропластов и цитоплазмы хлопчатника $1,57$ и $1,53 \text{ г/см}^3$, соответственно не отличается от плавучей плотности рибосом пластид и цитоплазмы других объектов (Филиппович И.И. и др., 1979; Одинцова М.С., 1977).

Исследуя рРНК высокоочищенных хлоропластов рибосом 8 видов высших растений (Rossi L., et al. 1970), выявили, что содержание ГЦ-пар в рРНК хлоропластов составляет $55,9$ мол.%, а в рРНК цитоплазмы – $54,6$ мол.%. В двух растениях из восьми, а именно в фасоле и в шпинате, содержание ГЦ-пар в 23 S рРНК было выше, чем в 16 S рРНК и составляло соответственно $56,7$ мол.% и $56,5$ мол.% против $54,1$ мол.% и $54,6$ мол.%. Относительное содержание пиримидиновых нуклеотидов обычно несколько ниже в рРНК хлоропластов, чем цитоплазмы. Наибольшие различия обнаруживаются в величине отношения цитодиловая кислота/адениловая кислота. Для большинства изученных рРНК хлоропластов это отношение $= 1,0$ ($0,90 - 0,97$ для высших растений, $0,80$ для *Euglena* и *Chlorella*), в то время как для цитоплазматической рРНК она равна $1,04 - 1,10$. рРНК хлоропластов характеризуется более высоким, чем в цитоплазматической рРНК, уровнем метилирования азотистых оснований по сравнению с рибозой (Chua N.H., et al. 1974).

Биогенез рибосом хлоропластов и цитоплазмы хлопчатника исследовали по включению меченых C^{14} -аминокислот и C^{14} - уридина. Включение C^{14} -аминокислот в рибосомные белки 2-х дневных проростков на $61,3\%$ выше, чем в рибосомные белки листьев хлопчатника.

Биогенез хлоропластных рибосомных белков судя по включению как отдельных аминокислот, так и смеси C^{14} -аминокислот, происходит менее интенсивно, чем цитоплазматических рибосомных белков.

Литература:

1. Рахматов Н.А. «Физико-химическая характеристика ДНК и рибосом хлоропластов хлопчатника». - Дисс.док.биол.наук.- Ташкент, 1990.- 280с.
2. Юсупов Т.Ю. «Изучение структуры митохондриального генома хлопчатника». - Автореф.док.биол.наук.- Ташкент, 1994.- 43с.
3. Guclerri G. et al. "Species specificity of ribosomal proteins from chloroplast-ribosomes of higher plants electrophoretic studies". ВВА, 1970.- V199.- P.203-209.
4. Одинцова М.С., Юрина Н.Г. «Рибосомы митохондрий». Биохимия, 1977.- Т.42.- №8.- С.1346-1360.
5. Lowry O.H., Rosenbrouch H.J., Randeli K.S., "Protein measurement with the polin phenol reagent": J. Biol:Chem. 1951.- 193.- №1.- P. 265-275.
6. Спирин А.С., «Спектрофотометрическое определение суммарного количества нуклеиновых кислот», Биохимия, 1958.- Т.23.- С.656-661.

Соатов Б.Б., Аберкулов Э. А., Ҳақимов Б.Б. (Жиззах, ЖДПИ)

ЗОМИН ДАВЛАТ ҚҶРИҚҲОНАСИ ОРНИТОФАУНАСИ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Республикамизда атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Атроф муҳитни асраш, соғлом авлодни дунёга келтиришда тозаликни ўрни беқиёс эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Бунга мисол қилиб табиатда флора ва фаунани асраб қолиш мақсадида ташкил этилган, Жиззах вилоятида жойлашган Зомин давлат қўриқхонасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Зомин Давлат қўриқхонаси, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Зомин туманлари ҳудудида жойлашган бўлиб Зомин миллий табиат боғи ҳамда қўшни Тожикистон Республикаси Давлат чегараси билан чегарадош. Ҳозирда унинг майдони $26,840$ га ни ташкил этади [1].

Ноёб табиий арчазорларни ва арчазорлардаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг табиий ҳолда сақланишини таъминлаш мақсадида 1928-йилда Туркистон тоғ тизмасида Зомин тоғ арчазорлари давлат қўриқхонаси ташкил этилди. Қўриқхона денгиз сатҳидан 1700 метрдан 4029 метр баландликда эга уч зонани тоғларнинг пастки қисми, ўрта ва баланд қисмларини ўз ичига олади [2]. Худуднинг жанубий қисми Туркистон тоғ тизмасининг тик жойлашган жарликларидан иборат бўлиб мергел ва лёссуглинкасмон тупроқ қатламлари билан қопланган [3]. Қўриқхона худудида Зоминсув ва Сангзор дарёларининг ирмоқлари ҳисобланган Кўлсой ва Ғуралаш сойлари оқади.

Худуднинг озуқага бойлиги, ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги ўз навбатида бир неча турдаги умуртқали ва умуртқасиз организмларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Қўриқхонанинг орнитофаунаси ниҳоятда хилма-хил бўлиб 100 дан ортиқ куш турлари бўлиб, доимий равишда табиат мухлисларини ўзига жалб этиб келади.

Қушлар ҳайвонот оламида ўзига хос ўринни эгаллайди. Қушлар ҳар хил зараркунанда ҳашаротларни кириб ўрмон ва қишлоқ хўжалигида катта фойда келтиради. Шунингдек улар ўз гўзаллиги билан кишига завқ беради. Қушлар табиатнинг ажралмас қисми бўлиб, табиатда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган синф ҳисобланади.

Туркистон тоғларида қушлар синфини дастлаб Н. Зарудний, Л. Степанян, Х. Солихбоев, О. Богданов, М. Остапенко ва бошқалар томонидан ўрганилган [4].

Тоғнинг ўрта қисми ва сойларида яқин жойларида асосан чумчуқсимонлар вакилларида Тоғ жиблажибони (*Motacilla cinere*), ниқобли жиблажибон (*Motacilla personata*), қора пешонали қарқуноқ (*Lanius minor*), зарғалдоқ (*Oriolus oriolus*), чуғурчук (*Sturnus vulgaris*) ҳамда зағизғон (*Pica pica*) ва бошқа куш турлари кенг тарқалган. Кенг баргли арчазорларда ва ўрмонда асосан паст ҳароратда яшашга мослашган Оддий болтатумшук (*Coccothraustes coccothraustes*), арча қайчитумшук (*Loxia curvirostra*), арча болтатумшук (*Mycerobas carnipes*) куш турлари, баҳор ва ёз мавсумида йиртқич кушларнинг бир неча турлари тошқирғий (*Accipiter badius*), сариқ сор (*Buteo rufinus*), кичик бургут (*Hieraetus pennatus*), бургут (*Aquila chrysaetos*), болтаютар (*Gypaetus barbatus*), кал жўрчи (*Neophron percnopterus*), тасқара (*Aegypius monachus*), оқ бошли кумой (*Gyps fulvus*) кабилар уя қуриб кўпаяди. Худудда қушлар учиб ўтадиган ва уя қуриб кўпаядиган қушлар илмий ҳодимлар ва нозирлар томонидан доимо назорат қилиб борилади. Ҳозирги фан техника ривожланган бир вақтда экологик пирамиданинг энг юқори поғоналарини эгаллаган қушлар (*Aves*) синфининг уялаб бола очадиган жойларини муҳофаза этиш ҳамда Қизил Китобдан жой олган куш турларини сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Сўнги вақтларда иқлим ўзгариши ва инсонлар томонидан табиатга берилаётган салбий таъсирлар афсуски кўпайиб бормоқда. Бу эса айни шу худудларда турларининг таркибига салбий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиз худудида муйначиликни ривожлантириш мақсадида, айрим ҳайвонларни иқлимлаштириш натижасида Америка қитъасидан келтирилган сут эмизувчи сув ҳайвони ҳисобланган Америка норка (*Mustela vison*) ларининг иқлимга тез мослашиб кўпайиши туфайли қўриқхона орнитофаунаси оиласи таркибига сувчумчуқсимонлар (*Cincludae*), лайлаксимонлар (*Cicconidae*) ва бир қанча оилаларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу йиртқич сут эмизувчилар жуда тез кўпайиши ва юқорида кўрсатилган оила вакиллари озуқаси ҳамда айрим ҳолларда уясини эгаллаб олиниши, уларнинг популятсиясига жиддий хавф солмоқда.

Табиатдаги узвий боғлиқлик, турлараро муносабатлар узоқ йиллик эволютсия жараёнда шаклланиб келган. Флора ва фаунанинг ўзаро муносабатлари бузилишига ҳозирги кунда инсоннинг бевосита ва билвосита кўрасатаётган таъсирини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бундай нохуш воқеаларни олдини олиш чоралари бор албатта. Булардан энг муҳими табиатда қурилаётган ҳар қандай иншоот, завод ва корхоналарни қуришдан олдин уларнинг лойиҳасини мукамал даражада тузиш ҳамда иншоотлардан чиқадиган заҳарли кимёвий моддаларнинг ташқи муҳитга ва ҳайвонот оламига таъсирини мукамал даражада ўрганиб, кейинги босқич ишлаб чиқаришга жорий этилса мақсадга мувофиқ

бўлар эди. Акс ҳолда бундай жараён йиллар давомида табиатга ўз салбий таъсирини кўрасатиши муқаррар. Качонки биз инсонлар, табиатдан оқилона фойдаланганимиздагина экология ва атроф - муҳит ҳамда экологик пирамида каби муҳим қонуниятларни бузмаган ҳолда биохилма-хилликни барқарор ҳолатида сақлаган бўламиз.

Адабиётлар:

1. Летопись природы Зааминского заповедника. Книга 5. 2001. -Джизак. (рукопись).
2. Абдуллаев С., Турсунов Л. Туркистон бўз тупроқларининг айрим агрокимёвий хоссалари. –Тошкент. 1996.
3. Митропольская Ю.А, Кашкаров Р.Д. Хищные птицы - Современные проблемы сохранения редких, исчезающих и малоизученных животных Узбекистана. Материалы республиканской научно - практической конференции. -Ташкент. 2016.

Ачилова Н.Т., Ишонқулова Д.У. (Жиззах, ЖДПИ)

СУРХОН-ШЕРОБОД БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИНИНГ ФЛОРАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон флорасидаги турлар хилма-хиллигини сақлаб қолиш, тиббиёт, давлат аҳамиятига эга бўлган турларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, камёб ва эндемик турларни муҳофаза қилишнинг турли усуллари ишлаб чиқиш муҳим вазибалардан бири ҳисобланади. Табиатдаги хилма - хилликни муҳофаза қилишни бир қатор шакллари мавжуд бўлиб, уларқўриқхоналар, буюртмахоналар, миллий боғлар, Қизил китоб ва б.

«Қизил китоб»нинг нашр этилиши мутахассислар, давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари олдига қўриқхоналар ва буюртмахоналарни кенгайтириш, ёввойи ўсимликларни сотишни тақиқлаш, хом ашё учун йиғиладиган ўсимликларга лицензиялар жорий этиш каби бир қанча масалаларни қўяди. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишда кенг омма иштирок этган тақдирдагина ижобий натижалар беради. Шундагина биз келгуси авлодлар учун наботот оламининг бебаҳо бойлигини сақлаб қолдирган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ботаник-географик районларини ажратиш ва уларни замонавий флористик тадқиқотларнинг энг асосий бирлиги сифатида қабул қилиниши, бу борада келгусида олиб борилиши лозим бўлган асосий йўналишлар ва тадқиқот ҳудудларини аниқлашга замин яратди [1]. Ўзбекистон ҳудудини ботаник-географик районлаштириш схемасида Тоғли Ўрта Осиё провинцияси 8 та округ, 23 та район, Турон провинцияси 8 та округ 15 та районга ажратилган. Ғарбий Ҳисор округи 5та ботаник-географик районга бўлинади: Қашқадарё, Бойсун, Кўхитанг, Тарқопчиғай ва Сурхон-Шеробод.

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони Амударёга қуйиладиган Сурхондарё ва Шерободдарё оралигида жойлашган Сурхон-Шеробод водийси ва унинг шимолгача чузилган тоғ олди ҳудудларини ўз ичига олади. Ботаник - географик районнинг иқлими қуруқ субтропик, ўсимликлар қоплами асосан гипсли олажинсли тупроқда тарқалган. Ҳудудда Ўрта Осиёнинг бошқа тоғ олди ҳудудлари сингари қадимдан деҳқончилик ривожланган воҳа ҳисобланади [1].

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони бир қатор дала экспедициялари ўтказилган объект бўлиб, асосан геоботаник ва ресуршунослик тадқиқотлари олиб борилган. Бу ҳудуддан тўпланган гербарий намуналарининг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Марказий гербарийсида (TASH)сақланмоқда.

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флорасининг рўйхати шакллантирилмаган. Ушбу ботаник географик районда камёб эндем ва субэндемлар учрайди [1].

Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони флораси эндем турларнинг бой таркиби билан ажралиб туради. Илмий манбаларнинг таҳлилига кўра бу ҳудудда бир

қатор тор тарқалиш доирасига эга бўлган эндем турлар бўлиб, улар сарасига *Allium rhodanthum* Vved., *Cephalorhizum oopodum* Popov et Korovin., *Dipsadi turkestanicum* Vved., *Hammada eriantha* Botsch., *Phlomododes baburi* Adylov, *Zygophyllum bucharicum* B.Fedtshva бошқалар учрайди [1].

Маълумки, Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида учрайдиган «Қизил китоб»га (2009) киритилган ўсимликлар 13%ни ташкил этади [2]: *Anemone baissunensis* Juz., *Astragalus psludoeremophysa* Popov., *Astragalus alexeji*, *Astragalus rubri-galli*, *Chesneya tribuloides* Nevski., *Dipsadi turkestanicum*, *Sphaerosciadium denaense* (Schischk) Pimenov et Klyukov, *Lipskya insignis*, *Cephalorhizum oopodum* Popov et Korovin, *Tulipa lanata* Regel, *Plocoma botschantzevii* (Lincz) M.Backlund et Thulin, *Plocoma trichophulla* (Popov ex Tscherneva) M.Backlund et Thulin, *Eulophiya turkestanica* (Litv.)Schlecht, *Euphorbia densiusculiformis* (Pazij) Botsch, *Euphorbia triodonta* Prokh, *Cladium martii* (Roem et schult.) K.Richt, *Platanus orientalis* L., *Stembergia lutea* (L) Spreng, *Eremurus alberti* Regel, *Eremurus baissunensis* O.Fedtsch, *Phlamoides baburi* (Adylov), *Cousinia spryginii* Kult., *Oligochaeta vvedenskyi* (Popov) Tscherneva, *Sphaerosciadium denaense* (Schischk) Pimenov et Klyukov.

Камёб ва эндем турларнинг янада камайиб бориш сабабларни чорва молларининг бетартиб боқилиши, гуллари чиройли ўсимликларнинг аҳоли томонидан қовлаб олиниши, урбанизация, атроф муҳитнинг ифлосланишидир. Ҳозирги вақтда уларни муҳофаза қилиш чоралари тўлиқ ишлаб чиқарилмаган, лекин Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ходимлари томонидан муҳофаза чоралари ишлаб чиқарилмоқда.

Адабиётлар:

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал, 2016. Т. 101, №10. – С. 1105-1132.
2. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби 2009. Т. «ChinorENK» №748-3284/2009.

Жўлбоев Т.А., Абдуалимова Д.А., Маматмурадова Ф.Б. (Жиззах, ЖДПИ)

ҲАЁТ ҚОБИҒИДА СОДИР БЎЛАДИГАН ЖАРАЁНЛАР

Жамиятнинг табиий шароит ва ресурслардан фойдаланиш кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Фан ва техниканинг жадал ривожланиши натижасида инсоннинг атроф муҳитга бўлган таъсир воситалари кучайиб, бутун-бутун ўлкаларда экологик шароит яъни атроф муҳит хусусиятлари ўзгариб бормоқда. Жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабат сифат жиҳатдан янги босқичга ўтади. Шунинг учун жамият олдида табиий бойликлардан оқилона фойдаланиб, уни сақлаб қолиш ва табиий махсулдорлигини оширишгина эмас, балки инсоннинг табиатга кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирини ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Бу муаммони ҳал этиш учун табиатда доимо рўй бериб тураётган жараёнларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш зарур. Сайёрамизда ҳаёт 3 млрд. йил илгари пайдо бўлган. Ҳамма организмлар миллиардлаб йиллар давомида ривожланди, тарқалди, ривожланиш жараёнида ўзгарди ва ўз навбатида Ернинг табиатига – ўзлари яшайдиган муҳитга таъсир кўрсатди.

Тирик организмлар таъсирида ҳавода кислород миқдори ортди, карбонат ангидрид миқдори камайди. Яшил ўсимликлар-атмосферадаги кислороднинг асосий манбаи. Дунё океани сувининг таркиби ўзгаради. Литосферада органик йўл билан ҳосил бўлган тоғ жинслари пайдо бўлди. Кўмир ва нефть конлари, охактош ётқизикларининг кўпчилиги тирик организмлар ҳаёт фаолиятининг натижасидир. Шундай қилиб, тирик организмлар табиатни ўзгартирувчи муҳим омилдир.

Биосфера ҳақида таълимотнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, чегараларини аниқлаш ва Ерда унинг ролини белгилашда академик В.И.Вернадскийнинг хизматлари катта. Биосферанинг хусусияти моддаларининг биотик айланма ҳаракатидан турли хил хоссалари жиҳатидан янги моддаларнинг ҳосил бўлишидан иборатдир. Бир неча миллиард йил давом этган эволюция биосферада берк система ҳосил қилди: ўсимликлар карбонат

ангидридни ютади, кислородни ажратиб чиқаради яъни продуцентлар; хайвонлар кислородни қабул қилади, ўсимликларни ейди ва карбонат ангидрид ажратиб чиқаради яъни консументлар. Ўлик хайвонлар ва ўсимликларни бактериялар, замбуруғлар, қайта ишлайди. Ана шу содда организмлар ўлган ўсимлик ва хайвон таналарини емиради, юксак ўсимликлар учун зарур бўлган минерал ёки оддий органик бирикмаларига айлантиради. Охирги махсулотларнинг парчаланиш ва емирилиши ана шу жараённинг узлуксиз давом этишига олиб келади.

Ерда ҳаёт кислородли атмосфера пайдо бўлмасдан анча олдин вужудга келган. Дастлабки организмлар ва фотосинтезловчи ўсимликлар сувда пайдо бўлган, чунки планета устида азот экрани вужудга келмасдан олдин ҳаёт ультрабинафша нурланишдан яхшироқ ҳимоя қилинган. Дастлабки тирик организмлар пайдо бўлишидан кислородли атмосфера пайдо бўлишига қадар камида 1-1,5 миллиард йил вақт ўтган бўлса керак. Кислородли атмосфера моддаларнинг биотик айланишидан тахминан 3,5 миллиард йил кейин пайдо бўлган.

Ўсимлик ва хайвонлар пайдо бўлиши натижасида биосфера эволюцияси мураккаблашган ва организмларнинг ўзаро боғлиқлиги вужудга келган. Эволюция процессида муҳит манбаларининг ҳаёт томонидан ўзлаштирилиши тобора тўлиқ бўла борган, чунки фақат турлар пайдо бўлмасдан, балки биогеоценозлар ҳам таркиб топган.

Биогеоценоз бир типдаги ўсимликлар туркумидан иборат бўлиб, унга шу турдаги хайвонлар, жумладан, микроорганизмлар, тегишли ер юзаси, ва сув режими, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам киради.

Биосфера экологиясининг умумий схемаси ана шундай. Бунда шу нарса аниқ кўринадики, популяция регуляция механизмлари ва биогеоценозлар структурасини билиш биосфера функциясини бошқаришнинг, яъни табиатни муҳофаза қилиш бош масаласини ҳал қилишнинг ягона йўлидир.

Ноосфера инсоннинг аклий фаолияти асосий омилга айланган биосфера. Биосферанинг олий даражада ривожланган босқичи. Одам пайдо бўлиб, фан, маданият таракқиёти натижасида вужудга келган.

В.И.Вернадскийнинг фикрича, Ер юзиде инсоннинг пайдо бўлиши, биосферанинг ривожланишида янги босқич бўлди ва ҳозирги вақтда биосферанинг келажаги инсон қўлида бўлиб қолди.

Адабиётлар:

1. Sulstonov R.S. Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish asoslari.-T . “Musiqqa”, 2007.
2. Эргашев А.Э., Шералиев А.Ш., Сувонов Х.А., Эргашев Т.А. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент “Фан”. 2009.
3. X.V.Salimov Ekologiya. O’quv qo’llanma. Navoiy-2015.
4. www.ziyonet.uz
5. www.nature.ru

Ortiqova M., Fayzullayeva S. (Jizzax, JDPI)

O’ZBEKISTON SHIFOBAXSH O’SIMLIKLAR XUSUSIYATLARI VA ULARNI MUHOFAZA QILISH

Insoniyat o’zining ibtidosidan boshlab yashash uchun kurashib kelgan. U o’zining hayoti vafaoliyati davrida turli qiyinchiliklarga, to’siqlarga, noqulay sharoitlarga, turli hastaliklarga uchrab, bunday nohush vaziyat va aziyatlardan chiqishga, shifo topishga harakat qilgan.

Insoniyatni o’z quchog’ida olib turgan tabiat butun jonzotlarga oziq-ovqat manbai, hayot baxshida etganmakonbo’libginaqolmasdan, balki turli hastaliklardan holi qiluvchitabiiyomillari bilan ham davolarxazinasidir.

Quyida biz tabiat xazinasini hisoblanmish ayrim o’simliklarning shifobaxsh xususiyatlari haqida bayon qilamiz.

Yong'oq ming hosiyatli daraxt sifatida e'zozlanadi. Yong'oqning to'yimli mag'zidan tortib qobig'igacha, metindek yog'ochdan tortib bargigacha tabobat olamidaqadr topgan. Yong'oq juda qadim zamonlardanbuyonxalq tabobatidaatroflich qo'llanilib kelinadi.

Buyuk bobokalonimiz Abu Ali ibn Sino yong'oqning xususiyatlari to'g'risida shunday deydi: yaprog'i va qobig'i burishtiruvchi bo'lib, qon oqishiga qarshi foydasi bor. Yog'i yel yaraga, saramasga va ko'z atrofidagi oqma yaralargafoyda qiladi. Yong'oqning murabbosimijozi sovuq me'daga foydalidir. Yong'oq, ayniqsa qovuriligani kindik ustiga sepilsa, ichak og'riqlarini bosadi va ichni to'xtatadi. Yong'oq murabbose sovuq mijozli buyrakka foydalidir. Buni iste'mol qilish mayda gijjalarni va qovoq urug'simongijjani haydaydi.

Xalq tabobatida yong'oqning xomligidagi qobiq shipasi gusk (eczema, qichima (germatoz) kabi teri kasalliklarini davolashda ishlatiladi. Xalq tabobatida yong'oqni me'da ichak yallig'lanishida, ich ketishida va illatli shorinchaga (diatez, nekroz (podagra) kasalliklarida iste'mol qilinadi.

Krijovnik – qoyachindoshlar (toshyoralar) oilasiga mansub buta o'simliklar turkumi. Krijovnik mevalari iste'mol etiladigan shifobaxsh ne'matlardan hisoblanadi. Uning tarkibida 8,2 – 11 %qand moddasi, 1,2-1,7% organik kislotalar, 0,9 % pektin moddalari, karotin, C (60 mg %ga qadar), B, R darmondorilari mavjud.

Krijovnik mevalari ishtaha ochadi, oshqozon – ichak faoliyatini yaxshilaydi, organizmga quvvat bag'ishlaydi.

Krijovnik shunday sarhilligicha iste'mol qilinishidantashqari, undan turli shirinliklar, jumladan, murabbo, sharbatlar, kisel, marmelad, konservalar tayyorlashdaishlatiladi. Sharbat va konservalar qilish uchun o'simlikning hali qiyomiga yetib pishmagan mevalari ishlatiladi.

Za'faron – forscha so'zda “bargimas”, arab tilida esa “hasad” deb ataydilar. Uning asosiy iste'mol qilinadigan qismi gulidagi ipga o'xshash tolalaridir. Bu tolalar giyohshunoslar tilida “kalolo” deb ataladi. Unda o'ziga hos kuchli hid, tabiiy atir taxirroq ta'm va biroz achchiqlik bor. Tarkibida yog', mineral tuzlar, yelim, rang va boshqa bir necha xil dorivor moddalar bor.

Za'faron me'daga quvvat beradi, yo'talni quvadi. Uni qaynatib yoki choy qilib og'izga solinsa tish og'rig'ini qoldiradi. Tishni qurt yeyishidan asraydi, chirishni oldini oladi. Uni xalqda hursand qiluvchi va shodlik keltiruvchi o'simlik sifatida bilishadi. Ozon gaziga o'xshash ta'siri bo'lib, kulgu keltiradi.Za'faron ko'zga surkalsa, ko'zga jilo beradi, yosh oqishini – traxomaning tuzalishiga va qoldirishga ko'mak qiladi. Uni qaynatib burunga tomizilsa, qattiq bosh og'rig'iga qarshi va uyqusizlikka qarshi foydalidir. Ko'z ustiga surkalsa, ko'z qizarishini yo'qotadi. Uning iste'mol uchun miqdori 3 grammdan 5 grammgachadir.

Ukrop (shivit)- sovuq xiltlarni pishiruvchi, og'riqlarni tinchlantiruvchi va yellarni haydovchidir. Uning yog'i ham shunday ta'sirga ega. Unda yetarli darajada yumshatish xususiyati bor. Mijozi pishuruvchanlik va orhuvchanlikka yaqin, lekin u qizdiruvchanroqdir. Ukrop shishlarni pishiradi. Uning kuli g'ovak yaralarga foyda qiladi. Uning yog'i asab og'rig'i hamda uxlatuvchi, uning shirasi esa quloq og'rig'iva quloqdagi rutubatlarni qurituvchi sifatida ishlatiladi. Ovqatni yuqorida suzib chiqishidan va to'lib ketishidan paydo bo'lgan hiqichoqqa ishlatiladi.

Atrofimizni o'rab turgan yashil tabiatimiz shunchalik boyki, undagi shifobaxsh o'simliklar xilma-xilligi va o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Odam organizmida uchraydigan har bir hastalikni davolashda dorixonalardagi sun'iy dori vositalaridan emas, balki tabiiy o'simliklarning xususiyatlarini yaxshi bilgan holatda qo'llash samarali natija beradi.

Adabiyotlar:

1. Abu Ali in Sino “Tib qonunlari”– Abdulla Qodiriy nomidagiMeros nashriyoti. 1993 yil.
2. M.Nabiyev, E.Jo'rayev, H.Hayrullayev “Tabiiy davolar” Toshkent “O'qituvchi” – 1994 yil.
3. G'iyosiddin Jaza'riy “Giyohlar tilga kirganda” Toshkent – 2013 yil.

Шайматов С.Р., Икромов Ю. (Жиззах, ЖДПИ)

ОРОЛ ДЕНГИЗИ АТРОФИДАГИ ҲОЗИРГИ АХВОЛ ВА УНИ

БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги вақтнинг долзарб муаммоларидан бири экологик муаммолардир. Инсонларнинг табиат устидан ҳукумронлик қилиши, ўсимлик ва ҳайвонот оламига эътиборсизлиги, табиат ва сув захираларидан нотўғри фойдаланишга олиб келмоқда.

Инсонлар ўз манфатлари учун табиатни хизмат қилишга мажбур этар экан, миллионлаб йиллар давомида шаклланган мувозанатни бузади ва ўзгартиради. Бунинг оқибатида аста-секин йиллар давомида ўз натижасини кўрсатиб бораверади. Табиатдаги инсон фаолиятининг келтириб чиқарган оқибатларига Орол денгизи қуришини мисол қилиб олишимиз мумкин. Дунёдаги йирик ички сув хавзаларидан бири бўлган Орол денгизи ўз атрофидаги ландшафт комплексларига ижобий таъсир этиши текширишлар натижасида тўла тасдиқланган. Инсоният фаолияти натижасида Амударё ва Сирдарё сувининг каналлар орқали олиб суғориладиган ер майдонлари кенгайиб борди, ана шу ўзлаштирилган ерларда пахта, шоли, мева ва бошқа сабзавот экинлари етиштириб, мўл-кўл ҳосил олинмоқда.

Аммо 1960 йиллардан бошлаб Орол денгизига қуйиладиган сув миқдори кескин камая бошлади. Бунга сабаб Амударё ва Сирдарёдан жуда кўплаб каналлар орқали сув олиниши натижасида Оролга борадиган сув миқдори кескин камая бошлади.

Кейинги қирқ тўрт йил давомида Амударё ва Сирдарёнинг суви суғориш учун фойдаланиши туфайли Орол денгизининг сатхи 22,6 м. гача пасайган, ҳажми 968 км. кубга камайган, майдони 51,3 минг кв. км. га қисқарган. Шўрланиш даражаси 9-11 г/л дан 72 г/л га етган. Сув сатҳининг пасайиши натижасида денгиз сувининг шўрланиш даражаси ошди, унинг кимёвий таркибида катта ўзгаришлар юз берди. Буларнинг ҳаммаси денгизда яшайдиган организмларга катта салбий таъсир кўрсатди, жуда кўплаб балиқ турлари денгиз минтақасидаги 174 тур ҳайвонлар сони 38 тагача қисқарди. Денгиз сатҳининг пасайиши туфайли атрофдаги ерларда грунт сувининг чуқурлашиб кетишига сабабчи бўлган. Шу туфайли ҳозирги вақтда денгиз атрофида ўсадиган 300 минг гектарга яқин қора саксовул ўрмонлари қуриб кетиш арафасида турибди. Маълумки саксовул ўрмонлари ёқилги манбаи бўлиб қолмасдан ажойиб ем-хашак базаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳозирги кунда чорва ҳайвонлари учун фойдаланиладиган 100 минг гектар янтоқ, 117 минг гектар буян (солodka) эгалдайдиган майдонлар йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди» Кейинги йилларда пичанзорларнинг тарқалиш ареали 600 минг гектардан 73 минг гектарга қисқарган.

Ҳозирги кунга келиб денгизнинг қуриган қисмида бир неча миллион гектарлик кум - шўр сахро вужудга келган. Денгизнинг қуриган тубидан ҳар йили тўфонлар, шамоллар натижасида туз чанглари атмосферагача кутарилиб 200 км кенликда ҳаракатланмоқда. Ҳаводаги туз миқдори 5-12 фоизга етади. Бу ҳолат туқайзорлар, турли ўсимликлар, қушлар ва ҳайвонлар турларининг йўқолишига олиб келмоқда.

Ичимлик сувида туз миқдори 2-4 грамм литрни ташкил этади, аслида эса ичимлик сувида туз миқдори бир г/л. гача бўлиши керак. Оналар ва болалар ўртасида турли хил касалликлар билан касалланиши ҳолатлари ортди, улар ўртасида ўлим даражаси ортди.

Орол минтақасида яшайдиган аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Орол денгизи атрофидаги ҳозирги ахволни бартараф қилиш бўйича бир қанча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Худуддаги мавжуд сувлардан туғри ва маданиятли фойдаланиш янги тадбирларни ишлаб чиқиш. Очiq каналларни бетонлаштириш,

суғориладиган худудларда сувни меъёрида тақсимлаш, янги суғориш (томчилатиш, ёмғирлатиш) усулларини жорий этиш, сел сувларидан оқилона фойдаланиш кабилар Орол сувини купайтириш билан бирга унинг хавзасида табиий ижтимоий иқтисодий жараёнларини яхшилаиди.

Маълумотларга караганда минтақада катта хажмдаги сув қазиб олинган фойдали қазилмалар ўрнини тўлдиришга сарф этилар экан. Шу сувларни тежаш мақсадида унинг ўрнини қоплайдиган янги илмий технологик усулларни жорий этиш мақсадга мувофикдир.

Сувдан фойдаланишга оид минтақалар стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Орол денгизининг қуриган ўрnidан қум ва тузларнинг шамол учуришига қарши чора кўриш мақсадида сунъий ўрмонлар яратиш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, ёмғир сувларини йиғиб Оролга хайдаш эгат ораляб суғоришдан воз кечиш, узлуксиз экологик таълимни йулга куйиш Ўрта осие аҳолиси орасида сувдан фойдаланиш маданиятини таркиб топтириш зарур.

Оролнинг қуриган ўрnidан қум ва тузларнинг шамол билан учурилишига қарши чора кўриш учун сунъий ўрмонлар яратиш (оқ ва қора саксовул, қандим, черкез);

- оқава сувларни тозалаб Оролга хайдаш;
- сел сувларини йиғиш ва ундан фойдаланиш;
- сардоба сувидан фойдаланиш;
- бетон лотоклардан фойдаланиш;
- томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиш;
- аҳолининг барча қатламлари орасида сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини барқарорлаштириш;
- Ўрта Осие аҳолисида сувдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш.

Агар биз юқорида Оролни сақлаб қолиш борасида санаб ўтган тақлифлардан тўғри фойдаланишни йулга кўйсақ, Ўрта Осиеда, жумладан Республикамизда сув танқислигини йўқотишга мувоффақ бўламиз ва Орол денгизининг ўз ўрнида сақлаб қолинишига эриша оламиз, чунки Орол денгизи келажакда ҳам ҳалқимиз кўнглига ажойиб инъомлар ҳадя қилиши муқаррар.

Жўлбоев Т.А., Зиядуллаев Қ.О., Маматмурадова Ф.Б. (Жиззах, ЖДПИ)

ЭНЕРГЕТИКА ВА АТРОФ – МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Энергетика, электр энергияси, энергоқурилмалар, атроф-муҳитга таъсир, иссиқлик энергетикаси. Нефть, газ, кўмир, ядро энергетикаси кабилар халқ хўжалигининг барча тармоқлари ичида энергетика атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатади. У ниҳоятда катта тезлик билан ўсди, қуввати ҳам кўпайди.

Электроэнергияга бўлган талабнинг тобора ўсишини ҳозирги кунда турли хил йўллар билан таъминлаш мумкин: кўмир, нефть, газ қазиб олишни кескин кўпайтириш ёки қазиб олинган ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш. Энергетиканинг атроф-муҳитга таъсири жуда хилма-хил бўлиб, асосан энерго қурилмаларининг турлари билан аниқланади.

Жаҳон амалиёти кўрсатмоқдаки, энергетика, кимё ва ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари мутлоқ зарарсиз бўлаолмайди. Инсоннинг талаби атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатиб, ўзининг соғлигига зарар етказмасдан қондирилиши лозим. Шубҳасиз, энергия манбалари ичида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш экологик энг тоза ҳисобланади.

1. Иссиқлик энергетикаси, электроэнергия ишлаб чиқариш структурасида ҳозирги кунда ИЭСлар етакчи ўринни эгаллайди. МХДда қазиб олинадиган органик ёқилғининг

1/3 қисми шу тармоққа кетади. Бу органик ёқилғи ёқиши жараёнида нафақат энергияга айланади, балки миллион тонналаб олтингургурт оксиди, азот қўш оксиди, қурум ва бошқа нарсаларга айланади. Буларнинг тахминан 14% атмосферага ташланади.

ИЭСларнинг окова сувлари технологик циклларнинг чиқиндилари билан ифлосланган бўлиб, таркиб ванадий, никель, фтор, феноллар ва нефть махсулотлари мавжуд бўлиб, улар сув ҳавзаларига ташланганда ҳавзадаги сувнинг сифатини ўзгартиради ва сув организмларига таъсир кўрсатади.

2.Ядро энергетикаси, атом энергиясининг муаммолари ҳозирда миллионлаб одамларни ҳавотирда солмоқда. Турли хил фикрлар билдирилмоқда. Айримлар уни келажакда янада ривожлантириш тарафдори, бошқалар эса, мавжуд. АЭСларнинг барчасини йўқотишни таклиф қилишмоқда. Бундай таклиф айниқса Чернобиль ва ҳалокатидан кейин кўпайди.

Дунёда электр энергия ишлаб чиқаришнинг 25 %и ядро энергетикасига тўғри келади. АЭСларда электр энергия ишлаб чиқариш – бу экологик тоза манба ҳисобланади ва бугунги кунда ис газ ичиқармай энергия олишнинг ягона йўли. АЭСлар қатор қулайликларга эга:

а) Кўпгина давлатларда АЭСларда ишлаб чиқарилган энергия бошқа станцияларда (нефть, газ ҳаттоки кўмир ёқиб) олинадиган энергияга нисбаттан анча арзон;

б) АЭСлари мавжуд давлатлар ўзининг ички энергияга бўлган талабини тўла қондиради;

с) Ядро энергетикасини ишлатиш саноат учун қимматбаҳо хом ашё бўлган нефть кўмир, газ каби ёқилғилардан рационал фойдаланишни таъминлайди:

д) Ядро энергетикаси – экологик тоза манбалардан бири, агар улар яхши ишласа, унинг атроф-муҳитга таъсири бошқа манбалардан кўра анча кам.

Атом станциялар пайдо бўлгандан ҳозирга қадар учта йирик ядро ҳалокатлари содир бўлган: 1957 йил Уиндскейлида (Буюк Британия) реакторда авария бўлган, 1979 йилда “Тримал Айленд” АЭСида (АҚШ) ва 1986 йил Чернобиль, 2012-2013 йилларда Япония АЭСида.

Бу ҳалокатлардан кейин айрим давлатлар ядро энергетикасини ишлатишни тўхтатиш борасида иш олиб бордилар.

3.Гидроэнергетика, гидроэлектростанциялар учун энергоресурсларнинг сарфланмасдан тикланиши, энергиянинг экологик тоза тури, нархининг арзонлиги қувватининг юқорилиги ва халқ хўжалик мақсадларидан сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш характерлидир. Бироқ, электростанцияларнинг қурилиши катта ер майдонларининг сув босиши билан боғлиқ, бу эса табиатга зарар етказади.

Қишлоқ хўжалиги нафақат сув омборлари қурилишига кетган унумдор ерларни йўқотади, балки гидроузеллар қурилган дарёларнинг қўйи қисмларида ҳам катта зарар кўради. Чунки бундай ҳолда дарёнинг баҳорги тўлиб оқиши пасаяди. Намлик кам бўлган яйловларда ҳосилдорлик пасаяди.

4.Энергиянинг альтернатив манбалари, энергиянинг ноанъанавий тикланадиган манбалари куёш нури, денгиз қалқиши, ернинг ички ҳарорати, органик чиқиндилар гидроэнергетика тобора кўп қўланилмоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистон олимлари томонидан халқ хўжалигида ишлатиладиган турдаги гелиоқурилмалар таклиф қилинган. Улардан уйларни иситиш, ток билан таъминлаш ва бошқа кўпгина мақсадларда фойдаланиш мумкин.

5.Геотермал энергетика, геотермал сувлардан фойдаланиш табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан қараганда анча қулай.

Ер қаъри иссиқлик энергиянинг бой манбаларига эга. Тахминий рақамларга қарасак, 3км чуқурликгача бўлган қатламдан 8-10¹⁷ к Дж геотермал энергия олиш мумкин экан.

Ер тагидаги иссиқ сувлардан фойдаланадиган биринчи электростанция-Италияда XX асрнинг бошида қурилган. Кейинчалик Янги Зеландия, АҚШ ва Японияда қурилди.

Геотермал сувлар кўпгина кучли минералланган. Уларни бевосита ишлатиш осон эмас. Геотермал энергиянинг потенциали анча паст, яъни скважинадан чиқаётган сув ёки буғнинг ҳарорати баланд эмас. Бу эса бундай энергиянинг ишлатилиши эффе́ктивлигига таъсир этади. Ҳозирги пайтда электр энергия олиш учун иссиқлик келтирувчи манбанинг ҳарорати 150 дан паст бўлмаслиги керак. Бундай ҳолда у бевосита трубиналарга юборилади. Бундай йўл билан олинган энергиянинг нархи анча қиммат бўлади.

6.Қуёш энергияси, ерга келадиган қуёш энергиясининг миқдори дунёда ишлаб чиқарилаётган энергия миқдоридан тахминан 20 баробар кўп. Бироқ қуёш оқимининг зичлиги кам, шунинг учун бу энергияни тўплаш жуда қийин. Натижада энергия қимматга тушади. Ҳозирги кунда яхши ишлаб чиқилган йўналиш-бу қуёш энергиясини потенциал иссиқликка айлантириш. Бу уйларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қурилишда ишлатади. Қуёш нуруни электр энергияга айлантириш орбиталарда жойлашган кучли геостанцияларда мумкин.

7.Шамол энергияси, электрэнергиянинг альтернатив манбалари орасида фақатгина шамол атроф-муҳитга зарар етказмасдан етарли миқдорда энергия олиш имкониятини беради.

8.Тўлқинлар энергияси, экологик тоза ҳисобланади. Бундай энергиядан фойдаланиш денгиз сувининг энергияси қишда уйларни иситса, ёзда салқинликни таъминлайди.

Кўриб ўтилган энергиянинг альтернатив манбалари локал аҳамиятга эга бўлиб, давлатнинг ёқилги энергетика структурасини тубдан ўзгартира олмайди. Бироқ келажакда энергиянинг экологик тоза манбаларидан фойдаланиш кўпаяди.

Адабиётлар:

1. Sultonov R.S. Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish asoslari.-T . “Musiq”, 2007.
2. Эргашев А.Э., Шералиев А.Ш., Сувонов Х.А., Эргашев Т.А. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент “Фан”. 2009.
3. X.V.Salimov Ekologiya. O’quv qo’llanma. Navoiy-2015.
4. www.ziyonet.uz
www.nature.ru

Xoldorova G., Mahmudova Sh., Beknazarova I. (Jizzax, JDPI)

OROL VA OROLBO’YI TABIATIDAN FOYDALANISHNING ISTIQBOLLARI

Xalqimiz juda qadim zamonlardan suvga e’tiqod qo’yib, yozning eng jazirama kunlarida “Suv sayli” o’tkazgan. Ota – bobolarimiz “Suv tabiat in’omi, hayot manbai”, deb bejiz aytishmagan. Har tomchi suvni gavhardek qadrlab, bog’ – rog’lar yaratishgan. Biz esa suvdan xo’jasizlarcha foydalanishimiz natijasida Orol muammosining tug’ilishiga sababchi bo’ldik. Sirdaryo va Amudaryoning belgilangan yerga to’la yetib bormasligi natijasida bugun O’rta Osiyo uchun ahamiyatli bo’lgan Orolning butunlay yo’qolish xavfi bo’ldi. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasi 72-sessiyasidagi nutqida “Bugungi kunning eng o’tkir ekologik muammolaridan biri – Orol halokati” ekanligini ta’kidlab o’tdi. Amudaryo va Sirdaryo havzalari suv resurslaridan foydalanish to’g’risidagi konvensiyalar loyihalarini qo’llab-quvvatlashini qayd etdi hamda xalqaro hamjamiyatni Orol dengizi butkul qurishining oldini olishga chaqirdi. Orol dengizi va Orol bo’yi muammosi olimlarning, mutaxassislarining va keng jamoatchilikning diqqat e’tiborini jalb qilmoqda. Orol dengizining qurish sabablari va uning ekologik, ijtimoiy va iqtisodiy oqibatlarini ilmiy mushohada yuritgan holda ushbu maqolada yoritishga harakat qilamiz.

XX asrning 60 yillaridan boshlab Orol dengizining sathining tez suratlarda pasayishi butun bir mintaqada – O’rta Osiyoda, jiddiy ekologik va ijtimoiy – iqtisodiy oqibatlarga olib kela boshladi. Natijada maskur muammo ko’plab olimlar, mutaxassislarining tadqiqot obyektiga aylanib qoldi. Bugungi kunda bu muammolar juda keskinlashadi, biroq Orol muammosi

mohiyatan to'la o'rganilganicha yo'q, muammoning ba'zi jihatlari hali har tomonlama o'rganilishi, bu sohada tegishli ilmiy xulosalar ishlab chiqilishi lozim.

Orol sathining ma'lum bir mutlaq balandlikda saqlab qolish uchun hozir turlicha fikrlar o'rtaga tashlanmoqda. Ba'zilar Kaspiy dengizidan boshlab maxsus kanal qazib uni Orol bilan tutashtirish Orol muammosini hal qilish lozim deydilar. Shuningdek, boshqa ko'pgina xar xil fikrlar ham mutaxassislarning vazifasi. Lekin shuni aytish kerakki, Orol muammosini hal qilish tub moxiyati bilan suv resurslaridan oqilona foydalanishni amalga oshirishga bog'liq. Lekin shuni aytish kerakki, yaqin kelajakda Orol dengizini avvalgi ko'lamda (o'lchamlarda) tiklash haqiqatdan uzoqda. Orol bo'yidagi ekologik krizisni kompleks tugatish va butun Orol deltasi hududi bo'yicha olib borilishi kerak. Tuzli chang va tuzlarni ko'tarilishi, qumlarni ko'chib yurishini to'xtatish, xususan qumlarni Amudaryo va Sirdaryo deltalariga bostirib kirishini oldini olish maqsadida ularni mustahkamlash, tuz to'zishi mumkin bo'lgan joylarni shamolga berilishini oldini olish uchun ma'lum tadbirlarni qo'llash amaliy ahamiyat kasb etadi. Bu borada fitomelioratsiya tadbiri yaxshi samara berishi aniqlangan. Eol relyefi mavjud bo'lgan mintaqalarda psamofitlarni ekish bilan qumlarni mustahkamlash borasida hozirda yaxshi natijalarga erishilmoqda.

Dengizning qurigan qismiga O'zbekiston hududida har yili kamida 25 ming gektar maydonga qora saksovul, qandim, cherkez, yulg'un va boshqa butalar ko'chatlari ekilmoqda. 1980 yillarda ekilgan ko'chatlar ancha yirik bo'lib qumlarni mustahkamlashdagi xizmatlari katta maydonlarda yaxshi sezilib turibdi. Xuddi shunday usulni qoldiq sho'rxoqlarda ham mahalliy rel'yef xususiyatlarini e'tiborga olib ekishni tashkil qilish samara berishi mumkin, bunda asosan galofitlar (qora saksovul, yulg'un, qorabaroq) o'stirish mumkin bo'ladi (Rafiqov 2006).

Har qanday hududdan foydalanish istiqbollari ishlab chiqish va muhofaza qilish tadbirlarini belgilab olishda landshaft va rayonlashtirish xaritalari muhim ilmiy geografik asos vazifasini bajarishi mumkin. Orol tabiiy geografik okrugi doirasida landshaft tipologik birliklarni tahlil qilish yordamida Qizilqumyoni, Shimoliy Sirdaryo deltayoni, Sharqiy Orolqum, Janubiy Amudaryo deltayoni, Markaziy Orolqum, Garbiy Orolqum va Ustyurtyoni tabiiy geografik rayonlari ajratildi va tavsiflandi. Chunki, okrug hududi yaqinda dengiz suvidan bo'shaganligi sababli tabiiy geografik jihatdan kompleks o'rganilmagan, tabiiy resurslar nuqtai nazaridan o'rganish, tadqiq qilish va foydalanish yo'llari ishlab chiqilmagan. Bundan tashqari, bu yerdagi tabiiy geografik komplekslarning ko'pchiligi shakllanib ulgurmagan, yildan-yilga o'zgarishda va o'zaro o'rin almashinish sodir bo'lmoqda. Hudud yuzasi harakatchan qumli grunt dan iboratligi, o'simlik qoplami shakllanib ulgurmaganligi sababli hozirgi vaqtda xo'jalikda deyarli foydalanilmaydi.

Orol tabiiy geografik okrugi yer yuzasi yaqinda suvdan bo'shagan hududlar bo'lganligi bois, oldingi tub qirg'oq doirasidagi Mo'ynoq va Aralsk shaharlari va bir qancha aholi manzilgohlarini (Uchsoy, Qozoqdaryo va b.) aytmaganda umuman aholi yashamaydigan hududlar sirasiga kiradi. Bu hududning yirik shaharlar va tuman markazlaridan uzoqda joylashganligi va magistral yo'llarning yo'qligi, ichimlik suvining tanqisligi, borlari ham kuchli darajada minerallasganligi, mehnat resurslarining yetishmasligi, yaqin kelajak, okrug tabiiy resurslarini o'zlashtirish murakkabliklar tug'diradi. Tabiiy geografik sharoit va resurslardan foydalanish darajasi va xarakteri tabiiy omillarga bog'liq bo'lib ular hududda xo'jalikdan foydalanish yo'nalishlarini belgilab beradi. Masalan, Qizilqumyoni rayonining g'arbiy qismi olib borilgan tadqiqotlardan ma'lum bo'lishicha yem-xashak o'simlik turlari hudud florasining asosiy qismini tashkil qiladi (jadval).

1-jadval

Xo'jalikdagi ahamiyati	Turlari	
	Soni	Umumiy flora ga nisbatan % hisobida
Yem xashak	120	88.89

Qum va sho'rxaklarni mustaxkamlovchi	50	37.04
Efir-moyli va alkaloidli	43	31.85
Dorivor	38	28.15
O'tin	32	23.70

Janubi-g'arbiy Orolqum hududida tarqalgan o'simliklarning xo'jalikdagi ahamiyati bo'yicha nisbati (S.Sherimbetov bo'yicha, 2009)

Shunday bo'lishiga qaramasdan suvidan shugulanmaydigan o'simliklar bilan qoplanishi (qoplam darajasi 15-25 %) uchun kamida 5-10 m flora tarkibining boyishi uchun 10-15 undan ko'p yillar talab qilinadi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, sho'rxoklarda tuz miqdori haddan tashqari ko'p (15-25, ba'zan 35 %) bo'lib, natijada, dengiz suvidan bo'shagan dastlabki maydonlarda o'simliklar qoplaminig shakllanishi nihoyatda sust bormoqda. Dengiz suvidan bo'shagan yerlarning o'simliklar bilan qoplanish sur'atini tezlashtirish uchun albatta inson aralashuvi zarur va ayniqsa, fitomeliyativ tadbirlarni jadal qo'llashni talab qiladi. Orol dengizi qurigan tubining o'simliklar bilan qoplanish masalasi o'zbekistonlik va qozog'istonlik geobotanik olimlarning, jumladan, S.K.Kabulov, A.Baxiyev, Sh.Kamolov, L.N.Kurochkina, L.A.Dimeyevlar ilmiy izlanishlarida o'z aksini topgan.

Dengizning janubiy qurigan qismida O'zbekiston Botanika institutining tajriba maydoni mavjud bo'lib bu yerda Sh.R.Samolov va boshqalar tomonidan saksovol, izen, tersken, chogon va shirinmiya kabi o'simliklarning o'sishi va rivojlanishi ustida ish olib borilmoqda. Ular yog'ingarchilik nisbatan ko'p bo'lgan yillari fitomeliyatiya hosildorligi yuqori bo'lishi aniqlashgan. Ushbu tajriba maydonidagi tuproqlarda chirindi miqdori 0,51-0 foizni tashkil etishi, lekin vaqt o'tishi bilan bu miqdor kamayib boriishi kuzatilmoqda. Bunga sabab o'simlik dunyosining kamligi, borlari ham shamol eroziyasi ta'sirida har xil chang tuz qumlar bilan parchalanib uchib ketishi ushbu kuzatish maydonidagi 5-7 yoshli psammofit o'simliklar hosil bergan yog'ingarchilik kam bo'lgan yillari esa miqdori ancha kam bo'lishi kuzatilgan. Hozirgi vaqtga kelib, fitomeliyantar tuproq yuzasini 60-70 foizgacha ko'pdir.

Keyingi yillarda Orol dengizi qurigan tubida saksovolzorlar barpo etishga katta ahamiyat berilmoqda. Chunki, saksovol o'simligi xo'jalik ahamiyatiga egaligidan tashqari

deflyatsiya jarayonlarini kamaytiruvchi omil sifatida ahamiyatlidir. Orol muammosi yuzasidan bir qator mamlakatlar (Germaniya, Fransiya, Italiya va boshqa) olimlari bilan muzokaralar olib borilmoqda. BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrish 2017 yil 10 iyun kuni O'zbekistonga tashrif buyurdi va va bu yerdagi haqiqiy holatning guvohi bo'ldi. Ularning asosiy loyixalarida ko'zlangan asosiy maqsad Orol dengizi qurigan tubidagi qum va boshqa yengil tarkibdagi jinlar deflyatsiyasini oldini olish uchun saksovol ko'chatlarni ekishni amalga oshirishdan iborat bo'lmoqda. Oxirgi 20 yil davomida Orol dengizining qurigan tubi doirasida 200 ming gektar maydonda (yiliga 20 ming gektargacha) saksovol ko'chatlari ekilishlari amalga oshirildi. Orol tabiiy geografik okrugida ma'lum bir hududni muhofaza qilish zonasi sifatida ajratish maqsadga muvofiqdir.

Hozirgi vaqtda Orol krizisidan chiqish uchun eng muhim chora-tadbirlar aholining yashash sharoitini va uning sog'ligini yaxshilashdan iborat bo'lishi kerak. Bunga uni toza suv bilan ta'minlashni yaxshilash, kanalizatsion sistemalar, tozalovchi inshootlar qurish, yadoximikatlarni qo'llashni to'xtatish, daryo suviga tozalanmagan va drenaj suvlarini tashlashni to'xtatish, aholiga meditsina xizmati ko'satishni keskin ravishda yaxshilash va boshqalar kiradi. Undan keyingi muhim vazifalar sug'orish sistemalarini va inshootlarini qaytadan yaxshilash, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi strukturalarini o'zgartirish va mukammallashtirish, xo'jalikni yuritishning yangi formalarini joriy qilish va boshqalardan iborat.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston milliy entsiklopediyasi. 6-jild. Miriy-Parxish. T.: "O'zbekiston milliy entsiklopediyasi" davlat ilmiy nashryoti. 2003 y.
2. Rafiqov A. "Geoekologik muammolar" T.: "O'qituvchi", 1997 y

Мажидов А.С., Машрабов Ж. (Жиззах, ЖДПИ)

ЭКОЛОГИК ВА ТАБИАТ МУХОФАЗАСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирни кузатиш, тадқиқ этиш узоқ тарихий жараёнга эгадир. "Табиат – жамият" тизимида табиат бекиёс даражада устун ҳуқуққа, кўламга ва салоҳиятга эгадир. Бугунги кунда табиат қонунларини ўрганиш, табиий ресурсларнинг ривожланиши, ўзаро боғлиқлигининг даражаси, экологик тизимдаги муайян табиий ресурс, тур ва компонентлар сифат ва миқдорий ўзгаришлари, уларга бўладиган таъсир доираларини аниқлаш, табиат илмини ўрганиш ғоят долзарб масаладир.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш – жамиятда ер, ерости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, табиий ходисалар ва экологик комплексларни сақлаш, қайта тиклаш, атроф-муҳитнинг биологик хилма-хиллигини таъминлаш билан боғлиқ қоида-талаб, чора-тадбирларнинг йиғиндиси ҳисобланади.¹⁸

Бизга маълумки, ер юзасининг умумий сатҳи 510,2 млн.км.квадрат бўлиб, шундан 29,2 фоизигина қуруқликдан иборатдир. Қолган 70,8 фоизи денгиз ва океанлар ҳиссасига тўғри келади. Ишлов бериладиган ер майдонлари эса 11 фоиз, яйлов ва ўтлоқлар 23 фоиз, ўрмон ва бутазорлар 31 фоиз, аҳоли яшайдиган ҳудудлар атиги 2 фоиздир. Ер сатҳининг қолган қисмини эса тоғлар, чўллар, музликлар, ботқоқликлар ёки кам маҳсулдор ерлар ташкил этади.¹⁹

Шунга қарамадан инсонлар она – ерда ўзлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 88 фоизини етиштирмоқдалар.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, жаҳондаги ҳайдаладиган майдонларнинг асосий қисми Шимолий ярим шарқда – Ғарбий ва Шарқий ва Жанубий Сибирда, Шарқий, Жанубий – Шарқий ва Жанубий Осиёда, Канада ва АҚШ текисликларида жойлашган.²⁰ Табиат неъматлари, она – Ер имкониятлари ҳақида гап кетганда жамият ҳаётида яйловлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Чунки улар инсоният истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўн фоизга яқинини етиштириб берди. Ўрмонлар эса сайёраимизнинг "ўпкаси" ҳисобланиб, уларнинг бизнинг эркин нафас олишимиз ва кундалик турмушимиз учун ниҳоятда зарурдир.

Афсуски, кейинги йилларда табиат ва унинг бойликларига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ер фонди тузилмасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада минг-минглаб гектар майдонлар яроқсиз ҳолга келиб қолаётир. Кейинги 50 йил давомида жами аҳоли сони салкам уч баробарга етиб, дон етиштириш 4, нефть маҳсулотлари истеъмоли 7, газ 15, тошкўмир 3,6 ва ёғоч ишлаб чиқариш 14 мартага кўпайган.²¹ Чўлланиш жараёнлари оқибатида эса ҳозирги кунда 900 млн.гектар майдон буткул саҳрога айланиб улгурди.

Узоққа бормайлик, собиқ мустабид тузуми даврида қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши натижасида кўплаб сув омборларининг қурилиши, умуман, сув исрофгарчилиги туфайли Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан Орол денгизига қуйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди. Оқибатда денгиз 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувининг ҳажми 54 фоизга камайди.²² Сув

¹⁸ О.Каримова. Ҳуқуқшунослик. Т.: Шарк, 2013, 135-бет.

¹⁹ Мураббий – кадрятлар тарғиботчиси. Жиззах, "Сангзор", 2012, 208-бет.

²⁰ Мураббий – кадрятлар тарғиботчиси. Жиззах, "Сангзор", 2012, 208-бет.

²¹ Ўша манба. 209-бет.

²² Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг БМТ саммити Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. "Постда", 2010, 25 сентябрь.

кирғоқдан 70-100 км.га чекинган жойларда бўронлар натижасида йилига 50-70 минг тоннагача туз атмосферага кўтарилгани кузатилган.²³

Денгиз сувининг шўрланганлик даражаси 5-6 мартагача ортиб, қуриган денгиз ўрнида ҳосил бўлган Оролқум саҳроси майдони 5,5 млн.гектарга етди, ундан ҳар йили қарийб миллион тонналаб қум – чанг ва заҳарли тузлар атмосферага, Оролбўйи минтақаларига тарқалапти.

Орол денгизининг қуриши дастлабки пайтлардаёқ илмий жамоатчиликни ташвишга солган. Лекин шўро сиёсати бу муаммога деярли эътибор қаратмаган. Асосий мақсад ер майдонини кенгайтириб, пахта ҳосили олиш бўлган.²⁴

Дарҳақиқат, табиий ресурслардан ноўрин фойдаланиш антропоген таъсирларнинг ортишига, иқлим ўзгаришларига ҳам олиб келаётганини ҳам унутмаслик лозим. Кейинги 15 йилда Ер юзасидаги ўртача ҳарорат энг юқори даражага чиқди. Олимларнинг фикрича, карбонат ангидрид газини ташламалари ҳозирги миқдори сақланса, 2055 йилга келиб Ер юзидаги ўртача ҳарорат 4⁰С га кўтарилиши мумкин.

Энди эътиборимизни қуйидаги фикрларга қаратамиз. Европа давлатлари ҳукуматлари энергетик ресурслар учун кураш даврига тайёргарлик кўриш зарурлиги ҳақида огоҳлантира олишди. Гап шундаки, Арктикадаги фойдали қазилмалар сабабли глобал исийш Россия ва Ғарб ўртасида келишмовчилик келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳақда Брюсселда чоп қилинадиган маърузага асосланиб, худди шундай хулосага келиш мумкин. Ҳужжат Европа Иттифоқининг икки нафар амалдори – ЕИнинг ташқи сиёсат бўйича комиссари Хавьер Солана ва ташқи алоқалар бўйича еврокомиссар Бенита Ферреро – Вальдер томонидан тайёрланган.²⁵

Етти варақали маъруза муаллифлари 27 та мамлакат раҳбарларини “энергетик ресурсларга эгаллик қилиш ва уларни назорат қилиш учун фаол рақобат туфайли” келгуси ўн йилда “жиддий низолар” юзага келишидан огоҳлантиради. Яна ҳужжатда айтилишича, глобал исийш боис Европада хавфсизлик масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Табиат маъмурий чегараларни тан олмайди, албатта. Экологик тангликни битта ёки бир неча давлатнинг уриниши билан бартараф этиб бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, халқаро экологик ҳамкорлик принциплари илк бор 1972 йилда, БМТнинг атроф-муҳит муаммоларига бағишланган Стокгольм конференцияси Декларациясида умумлаштириб, унда инсоннинг она-табиат олдидаги асосий бурчлари ва ҳуқуқлари белгилаб берилган эди. 1992 йил июн ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш масалаларига бағишлаб ўтказилган Конференциясида 179 да давлат раҳбарлари, делегатлар ҳамда халқаро нодавлат ташкилотларининг 3 мингдан зиёд вакиллари иштирок этдилар.

Хулоса қилиб айтганда, бутун дунёда биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф-муҳитни химоя қилиш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергияни тежайдиган технологияларни тадбиқ этиш, шунингдек, ер ресурсларини самарали бошқариш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. Экологик чора-тадбирларда кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ҳар бир фуқаронинг соғлом яшаш ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир.

²³ “Ҳаёт ва иқтисод”. 1991, №2-сон, 56-б.

²⁴ “Ёшлик”. 2017, №8-сон, 9-бет.

²⁵ “7 иқлим”. 20.03.2008, №12-сон.

IV – ШЎБА.
ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФЙДАЛАНИШ ВА ТОПОНИМИКА

Аббасов С.Б., Ярашев Қ.С. (Самарқанд, СамДУ)
ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Республикамизда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида устувор соҳа деб эълон қилинган таълимнинг такомиллаштирилиши, энг аввало, унинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга йўналтирилган. Бу турли йўналишлар бўйича ҳал этилаётган фавқулодда мураккаб, мажмуавий муаммодир. Улардан бири таълим тизимини бошқариш механизмини такомиллаштириш ва қайта қуришни ўз ичига олади.

Республикамиз давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ҳамда қатор чора-тадбирларни амалга оширишни белгилаб берди. Буларга Давлат Таълим Стандарт (ДТС)¹ларини жорий этишни, янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни тақозо этди. Бундан ташқари ДТСларни кадрлар тайёрлаш сифатига таъсири масаласи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014; Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва ҳукуратимизнинг қонун ва қонуности ҳужжатларда асослаб берилган.

Республикамиз таълим тизимида ДТСларнинг ўрни ва ахамияти жуда муҳим бўлиб, унинг рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатига таъсири масаласи, такомиллашган ДТСларни соҳа ривожланган хорижий таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш натижасида олий таълимнинг такомиллаштирилган ДТСлари янгидан-янги имкониятларни юзага келтиради. Такомиллаштирилган ДТСларнинг малака талаблари ва уларнинг бажарилиш сифати мониторинги республикамиз олий таълим тизимида ДТС талабларини бажарилишини кафолатлайди.

Таълим жараёнига такомиллашган ДТСларни жорий этиш, кадрлар тайёрлашни ягона стандартга келтириш масалалари ҳозирги кунда дунё миқёсидаги муҳим масалалардан биридир. Таълим жараёни учун ягона стандартларни ишлаб чиқиш масаласи ниҳоятда мураккаб жараёндир. ДТСларни такомиллаштириш юзасидан Перегудов Л.В. (1998, 1999), Перегудов Л.В., Саидов М.Х. (2002), Гулямитдинов С.З., Перегудов Л.В. (1998), Шукшунов В. (1996), Олдройд Д., Ахлидинов Р., Хожаев А., Жиянходжаев К. (1999), Касьмова Н.А. (2013), Краснова Г.А. (2002), Роберт Янг, Перегудов Л.В., Зинурова Р.Г. (1999), Albrecht D., Ziderman A. (1993), Woodhall H. (1983), Carlson S. (1992) ва бошқаларнинг илмий ишларида, шу билан бирга ДТСларни ишлаб чиқишни ва такомиллаштиришга доир масалалари республикамизда амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган²⁶. Бироқ, ушбу манбалардаги маълумотлар таҳлили шуни

¹ Давлат Таълим Стандарти кейинги ўринларда ДТС деб қискартирилди.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. -Тошкент, 1997 йил, 29 август №463; Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. -Тошкент, 1997 йил 29 август, №463; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори; Ўзбекистон

кўрсатадики, ДТСлар доимий такомиллашиб борадиган таълим сифатини таъминловчи асосий ҳужжат бўлганлиги сабабли, ушбу соҳада доимий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этиш ўринли.

Республикамизда жаҳон андозаларига мос келадиган ДТСларни ишлаб чиқиш зарур, чунки таълим даражасига ва мулкчиликнинг барча шакллари учун мажбурий бўлган ўқув юкнамалари ҳажмларига қўйиладиган асосий талабларни шулар белгилаб беради. Шундай қилиб, давлат таълим стандартлари, қонунларга мувофиқ:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишни;
- таълимни ривожлантириш, уни моддий-техник жиҳозлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришни;
- таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялаш тартибини, шунингдек, педагог ва илмий кадрларни аттестациялаш тартибини белгиловчи ва тартибга солувчи асосий ҳужжатдир.

Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

ДТСларни ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчилари, яъни ишлаб чиқариш корхоналари етакчи ходимларини иштирокини ва уларни масъулиятини ошириш лозим. Бугунги кунда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчилари бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари бевосита иштирок этмайди. Мисол учун гидрометеорология соҳаси асосий истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Гидрометеорологик марказ ҳамда унинг вилоятлардаги бошқармалари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳисобланади. ДТСни ишлаб чиқишда улар доимий иштирок этиш лозим ва унда ўз тақлифларини доимий қиритиб бориши шарт. Ҳозирги кунда ДТСни ишлаб чиқишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси талаб даражасида эмас.


Бугунги кунда янги ДТСларни ишлаб чиқиш ва уларни экспертизасини амалга ошириш учун таянч ОТМлар қошида турдош ОТМлар ва ишлаб чиқаришнинг малакали ходимларидан иборат доимий фаолият юритадиган илмий-методик кенгаш тузиш лозим. Сабаби фан ва тараққиёт илғор суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда таълим ва уни ташкил этишнинг асоси бўлган ДТСлар жуда ҳам мукамал даражада бўлиши лозимлигини давр талаб этмоқда. Ишлаб чиқиладиган малака талаблари маълум вақт давомида амалий тажрибадан ўтиши керак. Ана шундагина ДТСдаги камчиликлар бартараф этилади. Бундай камчилликларга таълим йўналиши ривожланган мамлакатлардаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини амалдаги ДТСларга киритилмаганини кўрсатиш мумкин.

ДТСларнинг мослашувчан (эгиловчан) лигини янада ошириш лозим. Сабаби хорижий ОТМлар билан талабалар алмашинуви ҳолатларида айрим муаммолар кўзга ташланади. Масалан, Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастурига мувофиқ бир ўқув семестрини Европанинг ривожланган ОТМларида ўташ мақсадида бир нечта талабалар грант ютиб олишганда айрим ўқув жараёнини бузилишига доир муаамолар юз бермоқда. Айтайлик Германия университетларида 1 семестр ўқиш имкониятини қўлга киритган талаба у ерга бориб бошқа, яъни бизнинг ўқув режамизга мос келмайдиган фанларни ўқишмоқда, натижада улар ўзлари таҳсил олаётган ОТМга қайтиб келганда фанлардан фарқлар юзага келмоқда.

Венн диаграммаси усулида Ўзбекистон ва Германия стандартларидаги

Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори ва ҳ.к.

таълим жараёнинг умумий кўрсаткичларини қиёсий таққослаш



**Манба: Илмий адабиётлар ва расмий маълумотлар таҳлили асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди*

А - Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология йўналиши таълим жараёнинг умумий кўрсаткичи хусусиятлари: *боиланиши* - 4 йил академик лицей ёки касб-ҳунар коллежидан сўнг; *давомийлиги* - 4 йил; *таълим олувчилар сони* - 25-30; *ўтиши жойлари* - университетлар, гидрометеорология илмий-текишири институту (гмити) ва ўзбекистон фанлар академиясининг илмий текишири институтлари; *таълим берувчилар* - мутахассислиги бўйича магистр дипломига эга профессор-ўқитувчилар, малака ошириши курсини тугатган олий маълумотга эга бўлган профессор-ўқитувчилар, илмий текишири институтларининг гидрометеорология ва гидрология бўйича етакчи олимлари ва мутахассислари; *таълим жараёнини кузатиши ва назорат қилиши* - университет ўқув-устубий бўлими, кафедра мудири, илмий раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар, ГМИТИ, ЎЗФА илмий текишири институтидаги жавобгар шахслар.

Б - Германияда гидрометеорология йўналиши таълим жараёнинг умумий кўрсаткичи хусусиятлари: *боиланиши* - ўрта умумий таълим, ўрта махсус таълимдан сўнг; *давомийлиги* - 4 йил; *таълим олувчилар сони* - 25-30; *ўтиши жойлари* - университет қошидаги табиий фанлар департаментлари, илмий лаборатория комплекслари, илмий текишири институти ва марказларида, илмий гуруҳларда, турдои университетларда; *таълим берувчилар* - университет профессор-ўқитувчилари, илмий-ўқув марказлари профессор-ўқитувчилари, таклиф қилинган етакчи мутахассис-олимлар ва профессорлар; *таълим жараёнини кузатиши ва назорат қилиши* - университет раҳбарлари, тегишли департамент раҳбарлари ва илмий раҳбарлар.

В - таълим жараёнинг умумий кўрсаткичларини Ўзбекистон ва Германия таълим стандартлари ўхшаш жиҳатлари: *давомийлиги* - 4 йил; *таълим олувчилар сони* - 25-30; *ўтиши жойлари* - университет қошидаги табиий фанлар департаментлари, илмий лаборатория комплекслари, илмий текишири институти ва марказларида, илмий гуруҳларда, турдои университетларда; *таълим берувчилар* - университет профессор-ўқитувчилари, илмий-ўқув марказлари профессор-ўқитувчилари, таклиф қилинган етакчи мутахассис-олимлар ва профессорлар.

ДТСга танлов фанлар блокига киритиш учун тавсия этиладиган фанлар рўйхатини илова қилиш керак. Агар танлов фанлари рўйхати илова қилинмаса соҳа бўйича мутахассис тайёрлайдиган ОТМларнинг ишчи ўқув режасида танлов фанлари ҳар хил бўлади, шу билан бир қаторда танлов фанларининг намунавий дастурлари ҳам ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ДТСни ва намунавий ўқув режани ишлаб чиқишда фанларни ёки уларни номларини ўзгартириш масаласига жиддий эътибор бериш шарт. Масалан, амалдаги ДТСда Гидрометрия фани такомиллашган ДТСда гидрометрия ва сув кадастри, ёки Мелиоратив гидрология фани Мелиоратив гидрология ва сув хўжалиги ҳисоблашлари шаклида ўзгартирилди. Ушбу ҳолат навбатдаги аттестация ва аккредитация жараёнларида айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Сабаби гидрометрия фанидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги грифи билан дарслик яратилди, энди уни яна қайта ишлаб чоп этиш жуда катта ҳаражат талаб этади. Эски дарсликдан фойдаланиб кадр тайёрласак, унда ҳам ўзига хос муаммолар келиб чиқади.

Таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифати муаммоларига тизимли ёндашиш зарур. Омиллар бутун мажмуини улар боғлиқлиги ва алоқадорлигида, бир занжирнинг халқлари сифатида бошқариш зарур. Ҳар томонлама мукамал ДТС ишлаб

чикилиб, амалиётга жорий этилганда ҳам агар уни ижрочилари, яъни профессор-ўқитувчилар, талабалар ёки ўқув-услугий таъминот, моддий-техник таъминот талаб даражасида бўлмаса, унда сифатли кадр тайёрлаб бўлмайди. Агарда ҳамма шароит бўлса-ю профессор-ўқитувчи фаолиятини самарали ташкил эта олмаса, бу ҳолатда қандай қилиб таълим сифатини кўтариш мумкин, ёки аксинча талаба юқоридаги талабларга жавоб бермаса, бу ҳолатда ҳам таълим сифатини ошириб бўлмайди. Мазкур занжирдан бирор халқанинг тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимида узилиш содир бўлишига олиб келади.

Таълимнинг сифати директив ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросига бевосита боғлиқдир. Глобаллашиш шароитида режалаштирилган истиқбол инновацион дастур доирасида миллий менталитет негизида таълимнинг халқаро даражада стандартлашувини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Хусусан, мазкур дастур доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилган:

◆ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг такомиллаштирилган негизида рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш омилларини шакллантириш;

◆ Олий таълимнинг ДТСлари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига зарурий ўзгаришларни киритиб бориш ҳамда уларга мос ўқув-услугий адабиётларнинг янги авлодини яратиш;

◆ Фанларнинг ўқув-услугий таъминотини янада мукамаллаштириш орқали мустақил таълим учун шарт-шароитни яхшилаш;

◆ Янги педагогик технологияларни ўзида мужассамлаштирган инновацион дастурий дидактик комплекс яратиш лозим ва ҳ.к.

Никадамбаева Х.Б. (Ташкент, НУУз), Зайнутдинова Д.К., Неъматуллаев Д. (Джизак, ДжГПИ)

КЕЙС-СТАДИ КАК СОВРЕМЕННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ ГЕОГРАФИИ В ВУЗАХ

В условиях стремительно возрастающего потока информации, новых методов и технологий, перед высшими учебными заведениями встала серьезная проблема: при ограниченном времени учебного процесса обучить студента и современным технологиям, что является неотъемлемой частью настоящего времени. За последние десятилетия во всем мире, в том числе и в Узбекистане принято достаточное количество директивных документов об изменении образовательной практики. С 1997 года в Узбекистане активно проводилась работа по внедрению Национальной программы подготовки кадров. Одобренная мировой общественностью, она уточнена и подкреплена другими нормативными и директивными документами: Законом об образовании, Постановлениями Кабинета Министров. Цель национальной программы – воспитание высокообразованного поколения, гармонично развитых и активных членов общества. Традиционные методы обучения (восприятие информации и ее заучивание) сегодня не актуальны ни по затрачиваемому времени, ни по качеству восприятия. В настоящее время необходимо стремиться к тому, чтобы в центре образовательного процесса был студент, а не преподаватель. Он должен активно участвовать в поиске информации, анализировать и выбирать необходимую ее часть, вырабатывать и демонстрировать собственную точку зрения, а также стремиться стать высокоподготовленным специалистом.

В современном географическом образовании студентов на первый план выходит задача создания условий и ресурсного обеспечения для функционирования среды, способствующей формированию компетентностей обучающихся. Решить данную задачу

можно используя современные образовательные технологии, в том числе и метод кейс-стади (case study).

Обучающая практическая ситуация кейс-стади (от англ. case – набор, конкретная ситуация, study – обучение) – это метод обучения, основанный на реальной ситуации из жизни организации или же искусственно созданной ситуации, воссоздающей типичные проблемы, возникающие в организационной жизни и требующей от обучающихся поиска. Метод кейс – стади является не только методическим нововведением, он напрямую связан с изменениями в современной ситуации в образовании. Также следует отметить, что метод направлен не столько на освоение конкретных знаний, или умений, сколько на развитие общего интеллектуального и коммуникативного потенциала студента и преподавателя. Основная функция **метода case-study** – учить студентов решать сложные неструктурированные проблемы, которые невозможно решить аналитическим способом. Кейс активизирует обучающихся, развивает информационные и коммуникативные компетентности, оставляя обучаемых один на один с реальными ситуациями. Процессуальную структуру метода кейс-стади определяет следующая последовательность действий:

I этап. Подготовительный. Преподаватель: выбирает тему кейса; если не пользуется уже готовым кейсом, то разрабатывает кейс; разрабатывает учебно-методическое обеспечение кейса, подготавливает инструкцию участникам для самостоятельного решения кейса; определяет критерии оценки (экспертизы) вариантов разрешения проблемной ситуации; накануне занятия предоставляет студентам кейс и его методическое обеспечение для индивидуальной работы; знакомит участников с целями, условиями, правилами и критериями оценки анализа и решения практической проблемной ситуации, изложенной в кейсе; представляет инструкцию; предлагает самостоятельно провести анализ и решение проблемы. Студенты: готовят письменный анализ и решение ситуации.

II этап. Введение в учебное занятие. Преподаватель: знакомит со структурой учебного занятия; напоминает правила работы в группе и проведения дискуссии; проводит актуализацию знаний участников по теме кейса.

III этап. Основной. Преподаватель: разделяет обучающихся на группы (4-6 человек), предлагает обсудить итоги индивидуальной работы с кейсом, подготовить сообщение по анализу и решению ситуации и оформить его в виде плаката для презентации. Студенты: проводят совместный анализ индивидуальной работы, определяют важнейшие аспекты ситуации, основные проблемы и способы их решения, оформляют результаты нахождения взаимоприемлемого варианта решения. Правила организации работы с кейсом в мини - группах: время работы от 15 до 40 мин; численность группы от 4 до 6 человек; группы не должны контактировать; у каждой группы должен быть большой лист для записи решения и альтернатив; каждая группа самостоятельно выбирает спикера, отвечающего за презентацию. Преподаватель объявляет о начале презентации групповой работы.

Спикеры групп представляют вариант решения задачи, отвечают на вопросы и уточняют свои предложения. Обычно выступление спикера длится не более 10-15 минут. Его нельзя перебивать, вопросы задаются только после его выступления.

Студенты: дают оценку, выражают отношение к вариантам решений, предложенными другими группами, выбирают оптимальный вариант. Общая дискуссия длится не более 20-25 минут. Широкое участие в дискуссии всех участников должно быть мотивированно. Преподаватель – организатор дискуссии: задаёт вопросы, подаёт реплики, напоминает теоретический материал.

IV этап. Рефлексия групповой работы: оценка эффективности работы групп, диагностика групповых ролей и результата групповой работы. Преподаватель: совместно с экспертами проводит оценку предложенных решений,

обобщает результаты и представляет одно из возможных экспертных решений или собственный вариант решения кейса.

Наличие в структуре кейс-метода споров, дискуссий, аргументации довольно сильно тренирует участников обсуждения, учат соблюдению норм и правил общения. Ещё больше нагрузка на преподавателя, который должен быть достаточно эмоциональным в течение всего процесса обучения, разрешать и не допускать конфликты, создавать обстановку сотрудничества и конкуренции одновременно, и самое главное, обеспечивать соблюдение личностных прав студента.

Подводя итоги, хочется отметить, что метод кейс-стади имеет очень широкие образовательные возможности, представляя собой перспективу в создании нового типа познавательных ресурсов, которые эффективно привлекают интерес к разнообразным сферам жизни, мотивируют на постоянное обучение и позволяют самостоятельно обогащаться и развиваться на протяжении всей жизни.

Литература:

1. Никадамбаева Х.Б. «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси (олий таълим тизими мисолида). -Т.: Мумтоз сўз. 2016. – 264 бет.
2. Никадамбаева Х.Б., Рўзиева Д.И., Карабазов З.А. “Ўрта Осиё табиий географияси”ни интерфаол методлардан фойдаланиб ўқитиш методикаси. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ нашриёти, 2017. – 224 бет.

Усмонов М.Р. Жумабоев Т.Ж. (Самарқанд, СамДУ)

Самъяев А.К. (Самарқанд, СамДУ ҳузуридаги ХТХҚТМО ҳудудий маркази
география фани катта ўқитувчиси)

ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН КОМПЕТЕНЦИЯЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида янги давр бошланди. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосида ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмади. Бунинг учун фан ўқитувчиларнинг компетенцияси, ўқувчиларни ўз фанга қизиқтириши, педагогик ва психологик жиҳатдан етук бўлишини талаб этади.

Компетенция (лотинча *competere* - мос келиш) –қўзланган натижаларга эришиш учун билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш қобилиятини намойиш эта олишни билдиради.

География фанидан шакллантирилиши лозим бўлган компетенциялар:

- табиий ходиса ва жараёнларни кузатиш;
- табиий ходисаларни аниқлаш (ўлчаш);
- табиий жараён ва ходисаларни ҳамда экологик таъсирни тушунтириш;
- амалий и шва тажрибалар ўтказиш;
- географик билимларни амалиётда қўллай олиш.

Демак, бугунги кун география фани ўқитувчиларига қўйиладиган компетенциялар ва ўқувчилар компетенцияларини шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун кейинги йилларда география ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда уларнинг компетенцияси аниқлаш муҳимдир. Хориж тажрибаси асосида ўқитувчилар компетенцияларни ўрганиш ва ўқув дастури ва режаларини ишлаб чиқиш қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда география таълими жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида 3 та йўналишда олиб борилмоқда.

1. Барча ўқувчилар учун ягона ўқув режаси ва дастури асосида (Шарқий Европа ва МДХ) давлатлардир

2. Бир неча асосий фанлар қаторида айрим курсларни факультатив тарзида ўрганиш (АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Канада, Европанинг кўпчилик мамлакатларида)

3. Барча ўқувчилар учун ўрганиш мажбурий бўлган фанлар қаторида кўшимча факултатив машғулотлар (Филиппин, Франция, Япония ва кўпчилик мамлакатларда) ўтказиш.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар, гарчи, умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, фарқ қилади (Абдуллаева ва бошқ, 2017).

Маълумки, Германия Федератив Республикаси Европанинг энг ривожланган давлатларидан бири ҳисобланади. Унинг тараққий этиши бевосита таълим тизимининг ўзига хос ривожлантириши ва мактаб таълими тизими ва малака ошириш марказларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. ГФР ўқитувчилари малака ошириш тизими ихтиёрий бўлиб, ўқитувчининг ўтиладиган фандан малакага бўлган хоҳиши ва эҳтиёжи пайдо бўлган тақдирда масофавий ёки бевосита малака ошириш марказларида ўзининг малакасини оширади. Бунинг учун ҳар бир федерал ерларда етарлича шарт-шароитлар яратилган.

Германия мактабларида ўқувчиларга бериладиган билим ва кўникмалар аввало уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириб борилади. Бу ерда индивидуал ёндошув анча юқори эканлиги кузатилди. Демак, ўқувчиларга бериладиган билим ва кўникма ҳамда вазифа ва топшириқлар қай даражада бажара олиши унинг компетенциясига боғлиқдир. Берлин Мюгельзе таълим маркази профессори Маша Клейшмитд таъбири билан айтганда берилган билим ва кўникмага ҳамма ҳам бир вақтнинг ўзида жавоб бера олмаслиги, топшириқларни бажара олмаслиги мумкин. Шунинг учун ўқувчининг психологик ҳолати ва компетенциясидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш лозимдир, деб таъкидлайди.

Имтиҳон вазифаси ҳамма учун бир хил: “Дарахтга чиқинглар!”



(Расм муаллифи Ҳанс Трахлер га тегишли)

Бу расмда кўриниб турибдики, ўқувчиларга берилган вазифалар бир хил бўлсада, уни бажариш даражаси ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва имкониятларидан келиб чиқади. Шунинг учун ўқувчига индивидуал ёндошган ҳолда интерфаол методларни қўллаган ҳолда дарс бериш методикасини танлаш ўқитувчидан талаб қилинади.

Билим олувчи компетенцияси қачонки, қобилият, билим, тушуниш, ҳаракат қилиш, кодирлик, тажриба қабилар шакллангандагина яхши самара беради. Шунинг учун ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида уларнинг компетентлик даражасини аниқлаш, малака ошириш тизимида гуруҳларга ажратиб мақсадли ўқитишга ва тажриба алмашишга замин яратади. Қуйидаги чизмада компетенция ҳақида гап кетганда қуйидаги жиҳатларга ва талабларга жавоб бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган (2-чизма).

Компетенциялар ҳақида қачонки



© Маша Клайншмидт Бройтигам 2009

Берлин таълим тизимида рақамли ўқув воситаларини қўллаш стратегияси ва иш-ҳаракат майдонлари шакллантирилган. Масалан, Берлин масофавий таълим мастер режаси“нинг амалга ошиши бир қанча этапларда олиб борилади:

- ўқувчилар учун информацион технологиялари борасидаги компетенция профилларини аниқлаш
- педагогик ходимлар учун информацион технологиялари борасидаги талаб профилларини аниқлаш
- педагогик ходимлар учун малака ошириш концепсиясини ишлаб чиқиш
- Таълим соҳасида информацион технологияларини натижали қўллаш учун тузилиш моделларини ишлаб чиқиш
- техник инфраструктура учун моделлар

Ўқувчиларда информацион технологиялари борасидаги компетенция профилларини қўллаб қувватлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Булар қуйидагилар:

- информацион технологиялари борасидаги компетенция профилларини умумий режаларга киритиш
- ўқув-дидактик ва ўқув-педагогик концепциялар
- мос ўқув муҳитини яратиш
- рақамли ўқув контентини яратиш
- ахборот технология ва ўқув платформаларини яратиш
- назорат.

Мультипликаторларнинг квалификацияси мумкин бўлган малака ошириш модуллари:

- ✓ масофавий ўқитиш концепцияси (Дидактика)
- ✓ онлайн-сенарийлар яратиш директивалари
- ✓ контент-ишлаб чиқариш асослари
- ✓ коллаборатив сенарийларни ривожлантириш
- ✓ шахсий масофавий таълим лойиҳасига устозлик қилиш
- ✓ масофавий таълимда ҳуқуқий саволлар

✓ тармоқларни ишга тушириш

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, географ ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизимида уларнинг компетенциясини аниқлаш ва шу асосида ўқитишни ташкил этиш, ўқув дастури ва режаларини ишлаб чиқишда аҳамият бериш давр талабидир. Чунки, бугунги кун бозор талаби етук ва ҳар томонлама компетентлиги юқори бўлган кадрларга эҳтиёж сезмоқда.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев И.Х., Сафарова Н.И., Алимова Н.М. География фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар.-Тошкент, 2017
2. Ата-Мирзаев О.Б. О современной системе г географических наук. «Амалий география фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари» – Тошкент: 2008
3. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. 2013 й. Тошкент
4. Маматкаримов А. Қизикарли география. –Т.: —Тафаккур, 2011
5. Клайшмитд М. Lehrplan und Unterrichtsentwicklung. Berlin, 2009

Amanbaeva Z.A., Xamdamova X. (Toshkent, TDPU)

“MASHINASOZLIK MAJMU'I” MAVZUSINI O'QITISHDA KEYS STADI METODIDAN FOYDALANISH SAMARASI

Ta'lim sifatini oshirishda so'ngi yillarda kuchli islohatlar olib borilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 28 maydagi «Malakali pedagog kadrlar tayyorlash hamda o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarini shunday kadrlar bilan ta'minlash tizimini yanada takomillashtirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida» qabul qilgan Qarorida zamonaviy fikrlovchi pedagogik kadrlar tayyorlashga, ta'lim jarayonida ilg'or pedagogik uslub (“Case- study” uslubi, loyihalar uslubi, hamkorlikda o'qitish, «amaliy o'yin», interfaol ta'lim uslubi va boshqalar) va axborot–kommunikatsiya texnologiyalari, shuningdek, elektron ta'lim resurslari va multimedia taqdimotlaridan foydalanishni yo'lga qo'yishga alohida e'tibor qaratilishiga urg'u berilgan. Ta'lim jarayonida pedagogik va axborot texnologiyalaridan o'z o'rnida unumli foydalanish orqali nafaqat malakali pedagoglar tayyorlanadi, balki ular ushbu texnologiyalardan foydalanish ko'nikmasiga ham ega bo'lib boradilar. Bo'lajak pedagoglarni pedagogik texnologiyalardan foydalanish ko'nikmasi bilan qurollantirishda geografiya fanlar tizimining o'rni ham beqiyosdir.

Keys-stadi inglizcha “case”-aniq vaziyat, stadi-ta'lim so'zlarining birikuvidan hosil qilingan bo'lib, geografiyada ham aniq vaziyatlarni o'rganish, tahlil etish va ijtimoiy ahamiyatga ega natijalarga erishishga asoslangan ta'lim metodidir. Mazkur metod muammoli ta'lim metodidan farqli ravishda real vaziyatlarni o'rganish asosida aniq qarorlar qabul qilishga asoslanadi. Keys o'quv jarayonida ma'lum bir maqsadga erishish yo'li sifatida qo'llanilsa, metod xarakteriga ega bo'ladi, biror bir jarayonni tadqiq etishda bosqichma-bosqich, ma'lum bir algoritm asosida amalga oshirilsa, texnologik jihatni o'zida aks ettiradi.

Quyida biz “Mashinasozlik majmui” mavzusini o'qitishda keys metodidan foydalanib, insonning ishlab chiqarishga bo'lgan ta'sirini, mashinasozlik tarmoqlaridan -avtomobilsozlik misolida ko'rib chiqamiz.

O'quv faoliyatidan kutiladigan natijalar:

Mashinasozlik tarmoqlari. Ularning bir biriga aloqasi nimada ekanligini tushuntirib berish;

Ishlab chiqarish bilan inson o'rtasidagi aloqadorlik, mashinasozlik tarmoqlarining rivojlanish jarayonlarni aniqlash;

Mavzuni o'rganish jarayonida yuzaga keladigan muammolarni aniqlash va ularni yechishda nazariy bilimlarini qo'llash;

muammoni aniqlash va yechishda optimal metodlarni tanlash.

Ushbu keysni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun oldindan talabalar quyidagi bilim va ko'nikmalarga ega bo'lmoqlari zarur:

Talaba bilishi kerak: Mashinasozlik tarmoqlari, ularning bir-biri bilan aloqasi nimada ekanligini tushunib olishlari;

Ishlab chiqarish bilan inson o'rtasidagi aloqadorlik, mashinasozlik tarmoqlari rivojlanish jarayonlarni bilishlari;

Talaba amalga oshirishi kerak:- mavzuni mustaqil o'rganishi, muammoning mohiyatini aniqlashtirishi, g'oyalarni ilgari surishi, tushunchalarni aniqlay olishlari va tizimga solishi, tegishli adabiyotlar orqali olgan bilimlaridan mantiqiy xulosa chiqarishi, tahlil qilish va zarur bilimlarni o'zlashtirishi.

Talaba ega bo'lmog'i kerak:- kommunikativ ko'nikmalarga; taqdimot ko'nikmalariga; hamkorlikdagi ishlar ko'nikmalariga; muammoli holatlarni tahlil qilish ko'nikmalariga.

1-KEYS: Mashinasozlik tarmoqlarining rivojlanish haqida umumiy tushuncha

Keys bayoni: Avtomobilsozlikda mahsulot ishlab chiqarishda ko'pgina sanoat tarmoqlari mahsulotlaridan foydalaniladi. Masalan, qora va rangli metallurgiyada ishlab chiqarilgan metallar (po'lat, alyuminiy va boshqalar), kimyo sanoatining mahsuloti hisoblangan sintetik kauchuk, qurilish materiallar sanoatida tayorlangan oyna va boshqalar. Avtomobilsozlik o'z navbatida boshqa tarmoqlar rivojiga ham katta ta'sir ko'rsatadi (masalan, neft sanoati). O'zbekistonda avtomobilsozlik zavodi aynan Asaka shahrida joylashganligi sababi nimada?

Keys savollari: 1. Sizingcha, avtomobilsozlik sanoatining rivojlanishi nimalarga bog'liq?

2. Aytingchi, nima sababdan O'zbekistonda avtomobilsozlik zavodi aynan Asaka shahrida joylashgan?

3. Avtomobilsozlik zavodining Asaka shahrida joylashganligi shahar rivojlanishiga ta'siri qaysi omillarda ko'rinadi?

Manba: Moddiy ishlab chiqarish asoslari. N.Safarova, Z.Amanbayeva, A.Gapparov. Toshkent. 2013y

2. "O'zbekiston avtomobilsozligi" mavzusiga doir materiallar.

3. "O'zbekiston iqtisodiy atlas va "O'zbekiston transporti kartasi.

Talabalar uchun ko'rsatmalar: 1. Keys mohiyatini yetarlicha anglab oling.

2. "O'zbekiston avtomobilsozligi" mavzusiga bo'yicha o'zlashtirgan bilimlaringizni tizimlashtiring.

3. Aytingchi, nima sababdan "O'zbekiston avtomobilsozligi" aynan Asaka shahriga to'g'ri kelmoqda?

3. "O'zbekiston avtomobilsozligi" ning dunyo avtomobilsozligida o'rni qanday?

4. Tizimlashtirilgan bilimlaringiz va kartadan o'rgangan ma'lumotlaringizga tayangan holda muammoning sababini toping.

5. Yechimni bayon eting.

Keysni yechish jarayonida: 1. Talabalar keysni mohiyatini yetarlicha anglab oladi.

2. "O'zbekiston avtomobilsozligi" mavzusiga bo'yicha o'zlashtirgan bilimlarini tizimlashtiradi.

3. Nima sababdan O'zbekiston avtomobilsozlik korxonasi aynan Asaka shahrida joylashganligi tahlil qilinadi? Aytingchi, "O'zbekiston avtomobilsozligi" ning dunyo avtomobilsozligida o'rnini aniqlaydi?

4. Tizimlashtirilgan bilimlari va kartadan o'rgangan ma'lumotlariga tayangan holda muammoning sababini topadi.

5. Talaba yechimini bayon etadi.

Talaba yechimi.

O'qituvchining yechimi: Bizga ma'lumki dunyo avtomobilsozligida mahsulot ishlab chiqarishda ko'pgina sanoat tarmoqlari mahsulotlaridan foydalaniladi. Ishlab chiqarishni joriy etishda masalan, qora va rangli metallurgiya korxonalariga yaqinligi, ishlab chiqarilgan metallar (po'lat, alyuminiy va boshqalar), kimyo korxonalarining mahsuloti hisoblangan sintetik kauchuk, qurilish materiallar sanoatida tayorlangan oyna va boshqalar soha rivojlanishiga o'z hissasini qo'shmoqdalar.

O'zbekistondagi dastlabki avtomobilsozlik zavodining aynan Asaka shahrida joylashganligida ham yuqoridagi omillar nazarda tutilgan. Ya'nikim zavod uchun muqum joy-

avvalgi Andijon motor zavodi hududi-o'zni tog'ri kelishi, mehnat resurslari yetarli ekanligi, avtomobilsozlik o'z navbatida boshqa tarmoqlar rivojiga ham katta ta'sir ko'rsatishi (masalan, neft sanoati) nazarda tutilgan.

O'zbekiston avtomobilsozligining dunyo avtomobilsozligidagi o'zni katta. Dunyo bo'yicha avtomobillar ishlab chiqaruvchilar qatoridan joy olganligi: (28 o'rin), O'zbekiston avtomobillarini xorij va qo'shni davlatlar e'tirofida ekanligi, bir necha yil "Yil avtomobili" nominatsiyasini olganligi (Rossiya, SPARK), eksport mahsulotlari safidan keng o'rin olganligi O'zbekistonning avtomobil sanoatida eng katta yutuq hisoblanadi. Bunday misollarni samolyotsozlik, kemasozlik tarmoqlari bo'yicha ham keltirish mumkin.

Pedagoglarning turli mavzular bo'yicha muammoli vaziyatlarni keltirib chiqarishlari, o'quv mashg'ulotlarini mazmunli, qiziqarli bo'lishida va vaziyatdan chiqib keta olishi, vaziyatga to'g'ri baho bera olishida bu kabi metodlardan unumli foydalanish talabalarda bilim, ko'nikma va malakalarini shakllanishida muhim o'rin tutadi.

Adabiyotlar:

1. J.G'.Yo'ldoshev, S.A.Usmonov. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. Toshkent, 2008.
2. O'.Q.Tolipov, M.Usmonboyeva. Pedagogik texnologiyalarning tadbqiqiy asoslari. Toshkent "FAN" nashriyoti. 2006 y.
3. N.Safarova, Z.Amanbayeva, A.Gapparov. Moddiy ishlab chiqarish asoslari. Toshkent. 2013y.

Ibragimov L.Z., Davranova M.A. (Samarqand, SamDU)

TA'LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY DAVLATLAR METODLARIDAN FOYDALANISH

***Anotatsiya:** Mazkur maqolada mamlakatimizda ta'lim tizimini yanada rivojlantirish va salohiyatini oshirish uchun ayrim rivojlangan davlatlarning ta'lim metodlarini o'rganish borasida fikr mulohazalar keltirilgan. Shuningdek, yuqori natijalarga erishishib kelayotgan davlatlarning tajribalari ko'rsatib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:** ta'lim tizimi, innovatsion texnologiyalar, o'quv jarayoni, xorijiy davlatlar, ta'lim sifati, milliy dastur, xalqaro dastur, umumiy o'rta ta'lim.*

So'nggi yillarda mamlakatimizda ta'lim sohasini sifat jihatdan yanada yaxshilash, ta'lim sohasini rivojlantirish uchun innovatsion texnologiyalarni joriy etishga katta e'tibor qaratilmoqda. Ayniqsa oliy ta'lim tizimida o'z yo'nalishlari bo'yicha dunyoning yetakchi ilmiy-ta'lim muassasalari bilan yaqin hamkorlik aloqalari o'rnatish, o'quv jarayoniga ilg'or xorijiy tajribalarini joriy etish, ayniqsa, istiqbolli pedagog va ilmiy kadrlarni xorijning yetakchi ilmiy-ta'lim muassasalarida stajirovkadan o'tkazish va malakasini oshirish borasidagi ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. Albatta bu kabi say harakatlar yosh avlodlarning bilimli bo'lib voyaga yetishida katta ahamiyat kasb etadi. Yoshlarning bilimini oshirish, dunyoqarashini yanada kengaytirish uchun xorijiy davlatlar bilan a'loqada bo'lish, ularning ta'lim tizimini o'rganish va lozim bo'lsa yangi metodlarni yanayam mustahkamlab, yosh avlodni oson va yuqori samarali ta'lim tizimini joriy etib, ularning bilim salohiyatini yanada oshirishdan iboratdir.

Ma'lumki, o'zgarishlar davrida ta'lim tizimi ijtimoiy jarayonlardan kelib chiqqan holda shiddat bilan rivojlanishni taqozo etadi. Ta'lim orqali jamiyatda kelajakdagi vazifalarni bajarishga qodir bo'lgan yangi avlod shakllantiriladi. Xususan, joriy yilning 16-iyun kuni Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning Uchtepa tumaniga tashrifi chog'ida maktab bilan kollejlarda o'rtasidagi bog'liqlikni mustahkamlash va tajriba sifatida 11 yillik umumiy o'rta ta'limni tiklashga qaratilgan tashabbuslari keng jamoatchilik va ota-onalar tomonidan yuksak baholandi [1]. Dunyoda ta'lim sifati, saviyasi va darajasini aniqlab beruvchi PISA (O'quvchilarni ta'limdagi yutuqlarini baholash xalqaro dasturi), PIRLS (Matnni o'qish va tushunish darajasini aniqlovchi xalqaro tadqiqot), TIMSS (Maktabda matematika va aniq fanlar sifatini tadqiq qiluvchi xalqaro monitoring) [2] kabi bir qator xalqaro dasturlar mavjud bo'lib, ular rivojlangan davlatlardagi ta'lim sifatini yanada oshirishdagi mezon sifatida keng qo'llanilib kelinmoqda.

Umuman olganda O'zbekistonda ham mana shunday xalqaro dasturlarning ta'lim tizimini baholash va monitoring qilishdagi ishtiroki mavjud emasligi yoki o'quvchi yoshlar bilimlari darajasini baholash yoki monitoring qilishning **"Milliy dasturi"** yaratilmaganligi, hududlar kesimida yoshlar tomonidan u yoki bu fanni o'zlashtirish darajasining sifati va soxada amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar ko'lamini belgilab borish va tegishli islohotlar o'tkazish imkoniyatini cheklab qo'ymoqda. Shuningdek, boshlang'ich va umumiy o'rta ta'lim muassasalaridagi o'qitish darajasining islohotlar tempidan ortda qolayotganligi yaqin kelajakda yuqori malakali kadrlar tanqisligini keltirib chiqaradi. Shuni inobatga olgan holda yurtimizda bu sohani rivojlantirish uchun quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

1. Xalqaro ta'lim sifati baholash dasturlarida O'zbekistonning ishtiroki masalasini atroflicha o'rganib chiqish va ushbu dasturlarda ishtirokini ta'minlash;
2. Xalqaro tajribadan kelib chiqqan holda o'quvchi yoshlar bilimlari darajasini baholash yoki monitoring qilishning **"Milliy dasturi"**ni yaratish;
3. Ilm-fan yutuqlarining eng ilg'or natijalari va adabiyotlarning ingliz tilida nashr qilinishini inobatga olgan holda, maktablarda ingliz tilini o'rgatuvchi turli xorijiy dasturlarni tadbiq etish masalasini ko'rib chiqish;
4. Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim–tarbiya berishga mas'ul mutaxassislarning malaka talablarini aniq mezonlar orqali belgilab qo'yish va yosh avlodning umumiy ta'limga yo'naltirilishida butunlay masulligini qonun bilan belgilab qo'yish;
5. Maktabgacha ta'lim hamda umumiy o'rta ta'lim muassasalaridagi guruh va sinflarda xalqaro tajribada sinalgan usullardan kelib chiqqan holda o'quvchilar sonining maksimal hamda minimal ko'rsatkichlarini belgilab qo'yish;
6. Sinflardagi o'quvchilar sonining maksimal hamda minimal ko'rsatkichlarini belgilashda rivojlangan davlatlar tajribalaridan foydalanish va joriy qilish (sinfdagi o'quvchilar sonini kamaytirish);
7. Psixologik testlar yordamida boshlang'ich sinflardagi iste'dodli bolalarni ajratib olib 8-9 yoshlilar uchun har bir maktabda ixtisoslashgan sinflar tashkil etish [3] kabilarni ko'rishimiz mumkin.

Aytish lozimki, yurtimizda ta'lim tizimini yanada rivojlantirish va salohiyatini oshirish uchun ayrim rivojlangan davlatlarning ta'lim metodlarini o'rganish, yuqori natijalarga erishishi kelayotgan davlatlarning tajribalarini jorish etish maqsadga muvofiqdir. Shu o'rinda ayrim davlatlar ta'lim metodlarini ko'rib o'tamiz.

Chexiya ta'lim tizimi ham o'ziga xos bo'lib, hozirgi vaqtda ta'lim tizimida yuqori natijalarga erishmoqda. Mamlakatda 1948 umumiy majburiy ta'lim haqida Qonun qabul qilingan. Mamlakatda o'qitish ta'limi quyidagicha: bolalar bog'chalari (3-5 yosh, 80 %), 1 yillik tayyorlov guruhlari mavjud. Maktab ta'limi (6-16 yosh); asosiy maktab – 8 yillik (ikki bosqichli) bulib, boshlang'ich (I-IV) va to'liqsiz o'rta (V-VIII) sinflardan iborat. To'liq umumiy ta'lim – o'smirlarning 20% ini qamrab oladi. Bu maktabda 4–yillik gimnaziya bo'lib, differensial ta'lim beriladi. Gimnaziyaning bitirayotgan o'quvchilar imtihon topshirishadi, olingan yuqori natijalar oily o'quv yurtiga kirish huquqini beradi. Kasb-hunar ta'limi (4 yil) – o'rta ma'lumot va kasb-hunarga yunaltiriladi (95%) [4].

Ta'lim tizimi yuqori darajada rivojlangan davlatlardan biri Germaniya bo'lib, mamlakat Yevropda qolaversa butun dunyoda ham o'zining ta'lim tizimi bilan ko'plab davlatlar uchun namuna ham hisoblanadi. Mamlakatda majburiy ta'lim 6 yoshdan 18 yoshgacha bo'lgan bolalarga tegishli bo'ib, bu jarayon 12 yil davom etadi. Bundan 9 yillik (ba'zi bir hududlarida 10 yil) maktabda to'la haftalik o'qishini bitiradi, keyin hunar texnika bilim yurtlarida to'la bo'lmagan haftalik o'qishida o'qiydilar. O'qish davlatga tegishli maktablarida bepul ta'lim olishadi. Xususiy maktablar esa ancha kam. Boshlang'ich maktablarda o'qish 6 yoshdan boshlanib 4 yil davom etadi (mamlakat poytaxti Berlin shaxrida 6 yil). Dastlabki ikki yil o'qish davomida bolalarga baho qo'yilmaydi. Boshlang'ich maktabda 4 yillik o'qishdan keyin o'quvchilar yo'nalish bosqichidagi maktabga o'tadilar. Bu yerda 5-6 sinf bosqichidagi yo'nalish

maktab tipiga bog'liq yoki bog'liq bo'lmagan holda maxsus dastur asosida o'qitiladi. Bunda bolalarning ota-onalari maktab tipini tanlash yoki o'zgartirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Xulosa. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda shuni aytish mumkin, avvalo maktablarga boradigan pedagog kadrlarni sifatiga alohida e'tibor berish lozimdir. Bunday holatda har bir oliy ta'lim muassasasi jahonning yetakchi ilmiy-ta'lim muassasalari bilan yaqin hamkorlik aloqalari o'rnatish, o'quv jarayoniga xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan ilg'or pedagogik texnologiyalar, o'quv dasturlari va o'quv-uslubiy materiallarini keng joriy qilish, o'quv-pedagogik faoliyatga, master-klasslar o'tkazishga, malaka oshirish kurslariga xorijiy hamkor ta'lim muassasalaridan yuqori malakali o'qituvchilar va olimlarni faol jalb qilish, ularning bazasida tizimli asosda respublikamiz oliy ta'lim muassasalari moslashtirish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh. Mirziyoyevning "Umumiy o'rta, o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni. "Xalq so'zi", 2017 y.
2. Suyunov O.J. "Pedagogika va psixologiya" fanidan o'quv uslubiy majmua. Samarqand. 2013 y.
3. Tojiyev S. O'zbekiston ta'lim tizimi – jahon standartlari darajasida. 2012. <http://uza.uz>.
4. Xolmaxmatov A. Ta'lim sifatini baholash va monitoring qilishning ayrim ilg'or tajribalari o'rganildi va takliflar ishlab chiqildi. Fuqarolik jamiyati shakllantirishni monitoring qilish mustaqil instituti. <http://nimfogo.uz>, 2017 y.
5. Melikuzieva M., Mamajonova X.. Ta'limning interfaol metodlari vositasida dars o'tish bo'yicha o'qituvchilar uchun metodik tavsiyalar. Fan va texnologiya. 2014, 44 b.
6. Yaponiyani dunyoning eng zo'r mamlakatlaridan biriga aylantirgan ta'limning 10 xususiyati. <http://xabardor.uz>, 2017 y.

Аманлаев А. (Жиззах, ЖДПИ), Ўринов Шухрат (Жиззах, ЖПИ)

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш орқали таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёев¹ хурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси - ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир¹ деб таъкидлаб ўтдилар. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш борасида назарий-методологик асосларни яратган "Таълим тўғрисида" ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият тараққиётида интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар бир инсон мамлакатнинг буюк келажагини яратиш деганда, биринчи навбатда, ўз келажаги, фарзандлари, эл-юрти келажаги назарда тутилади. Буюк аждодлари, алломалари, бой маданий мероси билан фахрланиб яшаётган халқимиз орасида бугунги кун Хоразмийлари, Фарғонийлари, Берунийлари, Ибн Синолари етишиб чикмоғи даркор. Бунинг учун эса ҳар бир катта ёшли фуқаро шу Ватан фарзандларига фидойи кўмакчи

¹ Ш.Мирзиёев .Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016.16-б

бўлмоғи лозим. Ёшларга катта умид ва ишоч билан қараган биринчи Президентимиз: “Бугунги кунда ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга дадил қадам қўймоқда. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман”,² –деб таъкидлаган эди. Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилади.³

Узлуксиз таълим чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларининг мукамал уйғунлигида иборатдир. Мазкур таълим сифатини турли компонентлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усуллар ва услубларнинг таълим жараёнига оқилона татбиқ этилиши таъминлайди. Шу ўринда анъанавий ва замонавий таълим технологиясининг мазмунига қисқача эътиборимизни қаратсак. Анъанавий таълим бериш асосан таълим олувчига ёндашиш бўйича назоратли-насиҳатгўй, эгаллаб бўлинган усул бўйича қайта тиклашли, таълим олувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини бостирувчи, қатъий ташкил этилган бўйсунлишга асосланган жараёндир. Бу жараён асосини таълим берувчи – китоб - таълим олувчи ташкил этади. Бунда билим - бирдан бир мақсад этиб белгиланади ва ҳар бир хато-жазоланади ҳамда ўқитувчи тайёр билимларни оғзаки баён қилади.

Дарс жараёнида инновацион педагогикага асосланган таълим технологиясини қўлланилганда эса: технологик ёндашувга асосланган таълим бериш жараёни шахсга йўналтирилган таълим ва таълимга тизимли - ҳаракатли ёндашишга асосланади. Таълим олувчи - таълим жараёнининг марказий эгаси. Муносабатларнинг инсонпарварлиги ва эркинлиги, ўқишга мажбурлашдан воз кечиш, табақалаштириш ва индивидуаллаштириш, умумий таълим олувчининг ақлий ривожланиш даражаси ва ушбу фанни улар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига олиб келади.

Умуман олганда, таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талаба (ёки ўқувчи) нинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларнинг талаба (ёки ўқувчи) ларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Мавзуимиздан келиб чиққан ҳолда эндиги эътиборимизни қуйидаги ривоятга қаратсак:

“Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди ва унга мурожаат қилиб: “Мен очман, менга ёрдам бер!”. Донишманд қуйидагича жавоб берибди: “Мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бир оз вақт ўтгач, худди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман, бу узоқ қа қийин, лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла.”⁵

Юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, яхши ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи) га “қармоқ ясашни” ўргатиши ва ақли талаба (ёки ўқувчи) эса уни

² И.А.Каримов. Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажагимизнинг гаровидир. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2012, -б-36.

³ Ишмухаммедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар.-Т., 2008,-б-3.

⁵ Ишмухаммедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар.-Т., 2008,-б-23.

ўрганиши лозим. Талаба (ёки ўқувчи)лар “қармоқ яшашни” қанчалик тез ва мустаҳкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бировларга муҳтож бўлмасдан ўз “ўлжаларига” эга бўладилар. Мана шундай вазифаларни амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар жуда кўл келишини тадқиқотчилар томонидан турли таълим муассасаларида ўтказилаётган кўпгина педагогик тажрибаларнинг натижалари тасдиқламоқда.⁶

Инсон комилликка интилсагина, ўзини ўзи ҳар хил номаъқул хатти-ҳаракатлардан тия олсагина ва аниқ қонунларга бўйсуниб яшашни ҳаёт тарзига айлантириб ололсагина жамиятнинг умумий маънавий қиёфаси бой ва ранг-баранг бўлади.

Хулоса қилиб, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантикий яқунига етказишимиз зарур⁷.

Адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев .Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016.59-б
2. И.А.Каримов. Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажагимизнинг гаровидир. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2012, 87-б.
3. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар.-Т., 2008,123-б.

Абдумўминов Б.О. (Термиз, ТерДУ)

АРХЕОЛОГИК ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ПЛАНИНИ ТУЗИШДА ЗАМОНАВИЙ ГЕОДЕЗИК АСБОБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Археология инсониятнинг ўтмиш тарихини ўрганишда археологик экспедициялар натижасида топилган ибтидоий маконлар, қишлоқлар, шаҳарлар, муҳофаа ва сув иншоотлари, қоятош расмлари ҳамда бошқа буюмларга суяниб иш кўрувчи фандир. Археологик экспедицияларда вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва бошқа жойларда моддий маданият ёдгорликларини дала – тадқиқот йўли билан ўрганилади. Археологик экспедициялар ва гуруҳларнинг иш услуби уч поғонали бўлиб, археологик қидирув, синов ва қазиларни амалга оширишдан иборат. Унинг вазифаси ёдгорликнинг пайдо бўлиш даври, қанча яшагани ва бошқа хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Археологик қидирув ва археологик қазув давридаёқ археологик манбаларни ўрганиш бошланади. Қидирув ва қазув чизмалар чизиш, суратга тушириш ва кундалик юритиш билан қатъий хужжатлаштириб борилади. Қидирув жараёнида куйидаги воситалардан фойдаланилади: пиёда юриш - ер устидаги ашёларни ўрганиш; транспорт ёрдамида - йирик археологик ёдгорликлар харитага туширилади; ҳаводан кузатиш - самолёт ёрдамида аэрофотосурат олиш орқали қадимий сув иншоотлари ва муҳофа деворлари кузатилади; сув ости археологияси - кўпинча океан ва денгизларда сув остида қолган ёдгорликларни ўрганади.

Мустақилликдан сўнг археология соҳасига катта эътибор қаратилди. Мавжуд археологик ёдгорликлар ҳудудини аниқлаш, уларнинг план ва хариталарини яратиш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Шу жумладан археологик қидирув ишларида замонавий геодезик асбоблардан кенг миқёсда фойдаланиб келинмоқда. Бундай геодезик асбобларга электрон теодолитлар, электрон нивелирлар ҳамда GPS приёмниклари киради.

⁶ Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар.-Т., 2008,-б-15.

⁷ Ш.Мирзиёев .Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. 15-б

Ҳозирги кунда Россия, Германия, АҚШ, Швейцария давлатларида турли хил аниқликдаги GPS приёмниклари ишлаб чиқарилмоқда (1-расм). GPS приёмниклари Американинг глобал GPS тизими орқали ишлайди. GPS тизими ўзининг ишлаш имкониятларига кўра Россиянинг ГЛОНАСС тизимига ўхшашдир. Унинг асосий вазифаси тезлик векторининг таркибини ташкил қилувчи, фойдаланувчи координаталарини юқори аниқликда аниқлаш ва вақтнинг тизим шкаласига боғлашдан иборатдир. ГЛОНАСС Россиянинг Мудофаа соҳасига хизмат қилгани каби GPS тизими ҳам АҚШ Мудофаа вазирлиги учун ишлаб чиқилган ва унинг бошқарувида ҳисобланади. GPS орбитал гуруҳи 28 та навигацион космик аппаратдан иборат. Уларнинг ҳаммаси Ер атрофида айланиш даври 12 соатга тенг бўлган айлана орбиталарда жойлашган. Ҳар бир йўлдош орбитасининг баландлиги тахминан 20 000 км га тенг.




1-расм. GPS приёмниклари, а - штативга ўрнатиладиган GPS, б – қўлда кўтариб юришга мўлжалланган GPS, в – штативга ўрнатилган GPS.

GPS приёмниклари ёрдамида археологик қидирув олиб борилаётган жойнинг координатасини тезкорлик билан аниқлаш имкони мавжуд. Бундан ташқари археологик қидирув ишлари ўтказилаётган ҳудуднинг планини олиш муҳим ишлардан бири ҳисобланади. План олиш ишларида жойнинг координаталари GPS приёмниклари ёрдамида аниқланади, ҳудуднинг нисбий баландлигини аниқлашда электрон нивелирлардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда АҚШ, Россия, Германия, Хитой, Япония каби ривожланган давлатларда электрон геодезик асбоблар ишлаб чиқарилмоқда. Буларга мисол қилиб Dini 11, Dini 21, Carl Zeiss (Германия), Dini 12, Dini 12Т, Dini 22 Trimble, (АҚШ), DNA 03, DNA 10, Leica (Швейцария) рақамли нивелирлар ва электрон теодолитларни келтириш мумкин. Улар ёрдамида жойнинг планини тез ва аниқ ўлчаш имконияти мавжуд. (2-расм)



2-расм. Электрон геодезик асбоблар. а – электрон теодолит, б – электрон нивелир, в - электрон асбобларда план олиш ишлари.

Археологик қидирув ишлари олиб борилаётган ҳудуднинг плани олиб бўлингач, камерал ишлар амалга оширилади. Камерал ишларда тўпланган маълумотлар асосида компьютерда археологик қидирув ишлари олиб борилаётган ҳудуднинг плани чизилади. (2-расм)



а)



б)

3-расм. Камерал ишлар: а-тўпланган маълумотларни компьютерда ишлаш, б-жойнинг плани.

Умуман олганда юқоридаги ишлар кетма-кет амалга оширилади ҳамда археологик кидирув ишларини бажаришда замонавий техникалардан фойдаланиб, археологик кидирув ишлари олиб борилаётган ҳудудлар планларини олиш, археологик карталар тузиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Охунов З.Д., Геодезиядан практикум. - Т., “Университет”, 2009.
2. Л.В.Быков, А.Л.Быков, М.В.Лашов, Л.В.Татаурова. Геодезическое обеспечение археологических исследований. Вестн. Омского университета. 2012. № 3. С. 85-93

Xudoyberdiyeva I.A. (Navoiy, NDPI)

GEOGRAFIYA TA'LIMI JARAYONIDA PEDAGOGIK MUNOSABATLARNI INSONPARVARLASHTIRISH VA DEMOKRATLASHTIRISH

Demokratlashtirilgan jarayonni insonparvarlashtirish o'quv-tarbiyaviy jarayonining maqsadini amalga oshirish, tahsil oluvchilarning o'quv-bilish va ma'naviy ehtiyojlarini qondirish, o'quv mehnatining xarakteri va mazmunini o'zgartiradi va shaxsning uyg'unlikda rivojlanishiga qulay psixologik muhit yaratadi.

O'zbekiston Respublikasi Kadrlar tayyorlash milliy dasturining amaldagi bosqichi ta'lim muassasalarini maxsus tayyorlangan pedagogik kadrlar bilan ta'minlash, ularning faoliyatida raqobatga asoslangan muhitni vujudga keltirish, o'quv tarbiya jarayonini sifatli o'quv adabiyotlari va ilg'or pedagogik texnologiyalar bilan ta'minlash kabi qator vazifalarni amalga oshirishni ko'zda tutadi.

Ushbu vazifalarni amalga oshirish har bir ta'lim muassasasining shu jumladan, pedagogika oliy o'quv yurtlarining bevosita vazifasi sanaladi.

Ta'lim-tarbiya jarayonida pedagogik texnologiyalarni muvaffaqiyatli qo'llash uchun geografiya o'qituvchilari maxsus metodik bilim va ko'nikmalarni egallashlari, pedagogik amaliyotda zarur bo'ladigan metodik tayyorgarlikka ega bo'lishlari lozim.

Pedagogik texnologiya – o'qitish shakllarini optimallashtirish maqsadida o'qitish va bilimlarni o'zlashtirish jarayonida inson salohiyati va texnik resurslarni qo'llash, ularning o'zaro ta'sirini aniqlashga imkon beradigan tizimli metodlar majmuasidir.

Bu yerda inson salohiyati deyilganda o'qituvchining pedagogik va o'quvchilarning bilish faoliyati, texnik resurslar deganda o'qitish metodlari va vositalari nazarda tutilmoqda.

Geografiyani o'qitishda o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish va ta'lim samaradorligini oshirishga imkon beradigan texnologiyalarni guruhlashtirishda dastlab quyidagilarga asosiy e'tiborimizni qaratishimiz lozim:

1. O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish va ta'lim samaradorligini oshirishga imkon beradigan texnologiyalarning o'ziga xos xususiyatlari.
2. O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish va ta'lim samaradorligini oshirishga imkon beradigan texnologiyalarning turlari.

O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish va o'qitish samaradorligini oshirish masalasi Geografiyani o'qitish metodikasi fanining asosiy muammolaridan biri sanaladi.

O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish deganda, o'quvchilarda yuqori darajadagi motiv, bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishga bo'lgan ongli ehtiyoj, natijaning yuqoriligi va ijtimoiy normalarga mos hulqning paydo bo'lishi tushuniladi.

Mazkur tipdagi faollik har doim ham vujudga kelavermaydi, faqat o'qituvchining maqsadga muvofiq pedagogik ta'sir ko'rsatishi va qulay pedagogik-psixologik muhitni tashkil etish mahorati tufayligina vujudga keladi.

Geografiyani o'qitishda maqsadga muvofiq ta'sir ko'rsatish va qulay ijtimoiy-psixologik muhitni vujudga keltirishi o'qituvchi tomonidan qo'llanilgan pedagogik texnologiyalarga boq'liq bo'ladi.

O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish va ta'lim samaradorligini oshirishga imkon beradigan texnologiyalarning o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lishi bilan birgalikda, ta'lim jarayonida ta'lim beruvchi, rivojlantiruvchi, tarbiyalovchi, ijodiy faoliyatga yo'llovchi, kommunikativ, mantiqiy fikrlash, aqliy faoliyat usullarini shakllantirish, o'z faoliyatini tahlil qilish, kasbga yo'llash, mo'ljalni to'g'ri olishga o'rgatish, hamkorlikni vujudga keltirish kabi funksiyalarni bajaradi.

Ta'lim-tarbiya jarayoniga qo'yilgan buyurtmalarni bajarish uchun avvalo ta'lim jarayonini differensiallashtirish va individuallashtirish, pedagogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratlashtirish, ta'lim dasturlarini tanlashga yagona va tabaqalashtirilgan yondashuvni talab etadi.

Pedagogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratlashtirish texnologiyasi o'zida falsafa, psixologiya va pedagogikaning insonparvarlik g'oyalarini mujassamlashtiradi. Ushbu texnologiya diqqat markazida o'z imkoniyatlarini maksimal darajada amaliyotga qo'llaydigan, ijodiy va ijtimoiy faol, turli hayotiy vaziyatlarni anglab tahlil qiladigan, mo'ljalni ongli ravishda mustaqil, to'g'ri oladigan shaxsni shakllantirish g'oyasi turadi.

Pedagogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratlashtirish texnologiyasi orqali pedagogik jarayonda hamkorlik, g'amxo'rlikning vujudga kelishi, o'quvchilar shaxsini hurmat qilish va e'zozlash orqali shaxsning tahsil olishi, ijod qilish va o'z-o'zini rivojlantirishiga qulay ijtimoiy va psixologik muhit yaratiladi. Mazkur jarayonda o'quvchi o'z o'quv faoliyatining sub'ekti sanaladi va o'qituvchi bilan yagona ta'lim jarayonining ikkita sub'ekti hamkorlikda o'quv-tarbiyaviy vazifalarni hal etadi.

Pedagogning o'quvchi shaxsiga bo'lgan insonparvarlashtirilgan munosabati bolalarni sevish, ularning taqdiri uchun qayg'urishi, bolalarga bo'lgan ishonchning yuqoriligi, o'zaro hamkorlikning vujudga kelishi, muloqot madaniyatining yuqori darajada bo'lishi, o'quvchilarni to'g'ridan-to'g'ri majburlashdan voz kechish va aksincha ijobiy rag'batlantirishning ustunligi tufayli ta'lim jarayonidan ko'zlangan maqsadga erishish, bolalar faoliyatida uchraydigan kamchiliklarga chidamli bo'lish, ularni bartaraf etishning eng samarali yo'llarini qo'llashda namoyon bo'ladi.

Ta'lim-tarbiya jarayonini demokratizatsiyalash o'qituvchi o'quvchilarning fuqarolik huquqlarini tenglashtirish, o'quvchilarga tanlash huquqining berilishi, o'z fikri va nuqtai nazarini erkin bayon etish, ular bu borada xatoga yo'l qo'yishi mumkinligi, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va bolalar huquqlari Konvensiyasiga amal qilinishini taqozo etadi.

Demokratizatsiyalash ta'lim tizimidagi formalizm, byurokratizmni yo'qotib pedagogik hamkorlikni yuzaga keltiradi.

Demokratlashtirilgan jarayonni insonparvarlashtirish o'quv-tarbiyaviy jarayonining maqsadini amalga oshirish, tahsil oluvchilarning o'quv-bilish va ma'naviy ehtiyojlarini qondirish, o'quv mehnatining xarakteri va mazmunini o'zgartiradi va shaxsning uyg'unlikda rivojlanishiga qulay psixologik muhit yaratadi.

Adabiyotlar:

1 Tolipov O'. Q, Usmonboyeva. Pedagogik texnologiyalarning tadbqiqiy asoslari. Toshkent. "FAN" nashriyoti. 2006 y.

2.Yo'ldoshev J.G'.,Usmonov S.A".Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish".Toshkent,2008

Xoliqova M.O. (Navoiy, NDPI)
**DUNYO OKEANI MAVZUSINI O'QITISHDA INNAVOSION
TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Uzluksiz ta'lim tizimi uchun davlat ta'lim standartini ishlab chiqish va joriy etish to'g'risida" gi hamda "O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida" gi qaroriga asosan mamlakatimizda umumiy ta'limni qayta ko'rib chiqish va isloh qilish borasida ko'pgina samarali ishlar amalga oshirilib kelinmoqda.

Jumladan barcha fanlar, shu qatori geografiya fani bo'yicha ham yangi dasturlar tuzilib ularga muvofiq yangi va jahon standartlariga javob beradigan darsliklar yaratilib kelinmoqda.

O'quvchiga mavzuni tushuntirish, darsni zamonaviy texnologiyalar bilan boyitish va samaradorligini oshirishda o'qituvchining o'rni beqiyosdir. Yangilanayotgan pedagogik tafakkur talablariga ko'ra zamonaviy dars o'quv muassasasining mulkiy mansubligidan qat'iy nazar quyidagi xususiyatlarga ega bo'lishi lozim:

- ta'limning tarbiyaviy maqsadlarga bo'ysundirilganligi;
- o'quvchini komil shaxs sifatida shakllantirishga yo'naltirilganligi;
- ilmiyligi va izchilligi;
- tarbiyalanuvchining faolligi va mustahilligini ta'minlashga qaratilganligi;
- insonparvarlik yo'nalishiga egaligi;
- tizimliliigi;
- bilimlarni ongli ravishda o'zlashtirishga qaratilganligining amaliy ahamiyatga ega ekanligi va h.k.

Zero, o'rganilayotgan hudud haqida ma'lumot beruvchi birlamchi hamda birinchi darajali hududning dunyo okeani tabiiy resurslari hamda ularni baholash bilan ishlash salohiyatini shakllantirgan holda o'quvchi tafakkurida mamlakat taraqqiyoti va ertangi kuni uchun muhim bo'lgan geografiya fanining to'laqonli obrazini yaratish mumkin.

Bu esa o'qituvchidan har tomonlama mukammal bilim bilan birgalikda o'ziga xos qobiliyat – maxsus fan va pedogogik malakani talab etadi.

O'qituvchi o'quv jarayoniga kirib borar ekan undagi pedagogik va psixologik bilimlar miqdori, dars berish metodikasi va texnologiyasini egallaganlik darajasi uning ilmiy ba'zidan ham birinchi o'rinda turishini inobatga olish lozim.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgan bir davrda buyuk kelajak sari qadam tashlanar ekan, yoshlarni yagona milliy g'oya, milliy mafkura atrofida birlashtirish, tarbiyalash zarurati tug'ildi.

O'qituvchi zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanar ekan, albatta bunda birinchi navbatta fan, mavzu, o'quvchilar yoshi, kasbiy yo'nalitirilganligi va shu kabi bir necha jihatlariga ahamiyat berishi lozim. Geografiya faniga yo'naltirilgan umumta'lim va o'rta maxsus ta'lim muassasalarida darsni olib borish metodi boshqa muassasalarnikidan tubdan farq qiladi. Ya'ni o'quvchilarga geografiya fani nafaqat yaxlit bir predmet balki, uning har bir jihati komplekslar (komponent) asosida alohida bir kurs sifatida ham o'qitiladi.

Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi fanini zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan olib borish bugungi kunda o'zini oqlagan metodlardan biri bo'lib hisoblanadi. Zero, zamonaviy pedagogik texnologiya o'ziga xos va puxta yaratilgan pedagogik natijalarga erishish uchun, pedagogik tizimning barcha tashkiliy tomonlariga aloqador nazariy va amaliy (ta'lim doirasida) tadqiqotlar sohasi sifatida belgilanadi.

Umumta'lim va o'rta maxsus ta'lim tizimida ham o'qituvchi ham o'qituvchini o'z ustida ishlashga qiziqtiruvchi, harakatini faollashtiruvchi va jadallashtiruvchi texnologiyalardan biri

o`yinli texnologiyalar hisoblanadi. S.A.Shmakov fikricha o`yinli texnologiyalar nafaqat natijaga erishish, balki xoxishga ko`ra faoliyat jarayonining o`zidan zavqlanish uchun qo`llaniladi.

«Mening yangiligim» texnologiyasi

Bu usuldan mustaqil tanishish uchun uyga vazifa sifatida topshirilgan manbalar yuzasidan o`quvchilar fikrini aniqlash hamda baholashda foydalanish mumkin. Bu texnologiyada o`quvchilar individual – yakka holda harakat qiladilar. Buning uchun o`quvchilarga quyida keltirilgan misolidagi tarqatma material tarqatiladi.

Texnologiya bosqichma-bosqich amalga oshiriladi.

O`quvchi o`qituvchining ko`rsatmasi bilan A katakka o`zi mustaqil ravishda tanishib chiqqan istagan bir kitobining nomini yozadi. Masalan: Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi.

1. Qolgan, ya'ni B, V, G, D, kataklarga kitobga ta'rif, ya'ni materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi fani bilan tanishib chiqishi jarayonida o`quvchida ta`ssurot qoldirgan o`ziga xoslik yoziladi. Masalan: B) Kitobning tabiiy omillar ta'sirida dunyo okeanida sodir bo`ladigan jarayonlar; V) Sun'iy omillar ta'sirida dunyo okeanida sodir bo`ladigan jarayonlar haqida muallif tomonidan mustaqil yozilganligi; G) Hozirgi kundagi dunyo okeani muammolarining bayoni, hozirgi kun uchun ham dolzrab; D) Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi fanini o`rganish eng dolzarb o`quv qo`llanmaligi.

Ushbu usul vaqtni tejash bilan birgalikda omma oldida nutq so`zlashdan qo`rqadigan, tortinchoq o`quvchilarni ham baholashga, ularning fikrlash doirasi hamda qobiliyatini tekshirishda yordam beradi. Usulning o`ziga xosligi: O`qituvchi uy vazifalarni darsdan so`ng tekshirishi mumkin. Bunda barcha o`quvchilar 100 % baholanadilar.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. «Barkamol avlod-O`zbekiston taraqqiyotining poydevori», T. 1997.
2. Pedagogik mahorat jurnali, Buxoro, 2010 yil, 2-son.
3. Pedagogik mahorat jurnali, Buxoro, 2011 yil, 3-son.
4. Pedagogik mahorat jurnali, Buxoro, 2014 yil, 4-son.
5. Soatov A., Abduqosimov A. Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi, T. 2005

Xudoyberdiyeva I.A. (Navoiy, NDPI)

TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Mamlakatimizning ta`lim tizimida amalga oshirilayotgan islohatlar negizida to`lalgicha zamonaviy va raqobatbardosh kadrlar tayyorlash masalasi yotadi. Zero, yurtimiz jahon ta`limi talablariga tenglashayotgan bir sharoitda zamonaviy teran fikrlaydigan, intellektual va madaniy-estetik qadriyatlarga jahoniy o`lchovlar bilan yondasha oladigan barkamol avlodni tarbiyalash bosh maqsadga aylandi. Bu maqsadga erishish uchun yangi o`quv binolarini qurish, ularni zamonaviy didaktik vositalar bilan boyitish, davr talabiga mos keladigan darsliklar bilan ta`minlashdan tashqari o`qitish jarayonining samaradorligini oshirishda innovatsion pedagogik texnologiyalarning muhim ahamiyatga egaligini esdan chiqarimaslik kerak. Aynan o`sha pedagogik jihatlarini ilmiy-metodik asoslashda geografiya ta`limining o`ziga xos o`rni beqiyosdir. Ma`lumki, geografiya darslari maktab ta`limida 5-sinfdan boshlab o`tiladi. Geografiya fani o`quvchilarning ilmiy dunyoqarashini shakllantirishda, dunyo va undagi bo`layotgan voqea-hodisalarga geografik nuqtai-nazardan baholashda, qolaversa ekologik va estetik madaniyatni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. O`quvchilarning bu kabi fazilatlarini rivojlantirish o`qituvchidan yuksak pedagogik mahorat talab etadi. Yangi asr geografiya o`qituvchisi o`quvchilarning bilim, ko`nikma va malakalarini rivojlantirishda chuqur pedagogik-psixologik bilim va tajribaga ega bo`lishlari kerak. Innovatsion texnologiyalarni mahoratli, tajribali va ijodkor o`qituvchilar yaratadilar. O`qituvchi esa undan samarali foydalana

olsagina, o'qitishda yangi natijalarga erishadi. Chunki, aniq maqsadga yo'naltirilgan innovatsion texnologiyalar oldindan rejalashtiriladi va natijasi kafolatnadi.

Innovatsion texnologiyalarni geografiya darslariga joriy etishda o'qituvchining darsni to'g'ri tashkil eta olishi hamda boshqaruvchanlik qobiliyati birinchi o'rinda turadi. Texnologik yondashuv asosida geografiya ta'limini tashkil etishda o'qituvchi va o'quvchi uchun qulay sharoitlar ta'minlanishi muhim ahamiyatga egadir. Bu qulayliklarni quyidagilar bilan izohlash mumkin: birinchidan, sinflarda kichik yosh geograf guruhlarini tashkil etish; ikkinchidan, sinf xonalarini geografiya ta'limi maqsadlariga mos jihozlash; uchinchidan, o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarni baholab borish va h.

Hozirda Respublikamizning barcha ta'lim muassasalarida mutaxassislar tayyorlashning sifatini yaxshilashga katta ahamiyat berilmoqda va bu borada katta izlanishlar olib borilmoqda. Bu izlanishlarning aksariyati o'qitish maqsadi va uning yuqori natijalarga erishishda, ta'limga interfaol usullar, innovatsion pedagogik texnologiyalarini kiritish orqali ta'lim samaradorligini oshirishga yo'naltirilgan bo'lib, hammaning diqqat e'tiborida turibdi.

Geografiya ta'limiga innovatsion texnologiyalarni joriy etishning ahamiyatli jihatlaridan biri-bu o'quvchilarning o'z fikr va g'oyalarini bayon qilishga yo'naltirilgan harakatlarning rag'batlantirilib borilishidadir. Masalan, 5-sinf geografiya darsligidagi «Yer yuzining kashf etilishi va o'rganilishi» mavzusiga qaraylik. Bunda yer yuzida asosiy geografik kashfiyotlar to'g'risida qiziqarli ma'lumotlar keltirilgan. Agar bu mavzuni ana'naviy tarzda o'qituvchi gapirib berib, so'ngra o'quvchilarga uyga o'qib kelish topshirilsa, o'quvchida zerikish paydo bo'ladi. Lekin, o'sha mavzuni o'quvchilar bilan birgalikda sahna ko'rinishda; Nosir Hisrav, Xristafor Kolimb, Fernan Magellan, Vasko da Gamma va h. kabi sayyoh olimlarning obrazlarini yaratish orqali tushuntirilsa hamda sayohat davomida turli xil muammoli vaziyatlar hosil qilinsa, o'quvchilarning geografiya faniga bo'lgan qiziqishlari ortadi.

Ushbu usullar vaqtni tejash bilan birgalikda omma oldida nutq so'zlashdan qo'rqadigan, tortinchoq o'quvchilarni ham baholashga, ularning fikrlash doirasi hamda qobiliyatini tekshirishda yordam beradi. Usullarning o'ziga xosligi: O'qituvchi uy vazifalarni darsdan so'ng tekshirishi mumkin. Geografiya darslarining turli bosqichlarida har xil interfaol usullardan foydalansa bo'ladi. Masalan, o'quvchilarning bilimini tekshirish qismida: «B.B.B», «Aqliy hujum», «O'rgimchak to'ri», «Tayanch signallar», «Blis savol-javob» kabi usullardan foydalanilsa yaxshi natijalarga erishish mumkin. Yangi mavzuni o'rganish qismida esa «6x6x6», «Bumerang», «Kichik guruhlarda ishlash», «Munozara usuli», «Davra suhbat», «Ro'lli o'yinlar», «Yozma baxs» kabi usullarni qo'llash o'quvchilarni mustaqil bilim egallashi va shu egallangan bilimni boshqa o'rtoqlari bilan baxslashish, muloqatda bo'lish davomida eslab qoladilar va bu bilan birga nutq madaniyatini ham rivojlantiradilar. Shunday metodlar ham borki, bu usul orqali o'tilgan darsni mustahkamlash bilan birga yangi mavzuni ham samarli qilib tashkil qilish mumkin. Bu usulga geografiya ta'limi uchun maxsus bo'lgan «Kemalar usuli» misol bo'ladi. Bu usul 5, 6,9-sinflarda sinab ko'rib, tajribadan o'tgan. U o'quvchilarda «Kema o'yini» nomi bilan yaxshi ta'ssurot qoldirgan va katta qiziqish uyg'otganligi barcha biz kabi geograflar uchun sir emas.

Geografiya o'qituvchisining yuksak pedagogik mahorati, bilim darajasi, shubhasiz ta'lim tarbiyaning muhim omillaridan biridir. Chinakam pedagogik mahoratli, nutq ustasi bo'lgan o'qituvchi rejada ko'rsatilgan darsni shunchaki bayon qilib bermaydi. Avvalo, uni fikrlari bilan to'lg'azib qiyomiga etkazadi, so'ng ko'rgazmali qurollar, misollar va topshiriqlar tayyorlaydi. Agar o'qituvchi bor kuchini materiallarning mazmunini qayta bayon qilishga qaratsa, darsiga nisbatan bolalarda qiziqish uyg'ota olmaydi. Ayonki, qiziqish yo'q joyda. Shubhasiz, eslab qolish bo'lmaydi. Demak, o'qituvchi dars materialini qanchalik yaxshi bilsa, uni interfaol usullar, yangi pedagogik va axborot texnologiyalarni qo'llab, o'quvchilarga yetkaza bilsa, natijada o'quvchilarning ham darsga bo'lgan qiziqishlari ortadi va geografiya ta'limi samaradorligi yanada oshadi.

Adabiyotlar:

1.I.A.Karimov.Yuksak ma'naviyat engilmas kuch.Toshkent 2008

- 2.Yo'ldoshev J.G'.,Usmonov S.A".Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish".Toshkent,2008
- 3.Internet ma'lumotlari.

Abdullayev S.I., Muqumova H.I., Nazarov M.G. (Qarshi, QarDU)
KURS ISHI – TALABALAR MUSTAQIL ISHLARI TIZIMIDA

Talabalarning mustaqil ishlarining asosiy shakllariga o'qituvchi tavsiya qilgan asosiy va qo'shimcha o'quv materiallarini o'rganish, amaliy topshiriqlarni bajarish, konspektlashtirish, annotatsiyalar va taqrizlar, ma'ruzalar, referatlar, esseylar, kurs ishlari, bitiruv malakaviy ishlar, shuningdek testlar, ishga aloqador o'yinlar, laboratoriya ishlari, tarqatma materiallar va boshqalar kiradi. Talabalar mustaqil ishlarining barcha shakllarini, ularning farqlarini bilishlari, o'qishda va amaliyotda qo'llay olishlari kerak. Talabalar tomonidan referat, kurs ishi (kurs loyihasi), bitiruv malakaviy ishi va magistrlik dissertatsiyasi ko'rinishidagi mustaqil ishlar bajariladi. Mustaqil ishlarining bu turlarining umumiyliigi shundaki, ularning barchasi mustaqil ijodiy, aqliy, qo'lyozma ishning natijasidir. Ammo, qo'yiladigan va albatta bajarilishi shart bo'lgan talablar nuqtai nazaridan ularning har biri o'zlarining muhim xususiyatlariga ega.

Mustaqil ishlar turlarini bajarish talabalarda mustaqil tahliliy faoliyat ko'nikmalarining shakllanishiga, ularning nazariy va kasbiy tayyorgarligining oshishiga, o'quv materiallarini yaxshiroq o'zlashtirishga imkon beradi. Mutaxassislarni tayyorlash sifatini oshirish o'quv jarayonining barcha shakllarini, shu jumladan kurs ishi yozishni takomillashtirishni taqoza etadi. Hozirgi paytda butun o'quv jarayonini uyushtirishda va shu jumladan talabalar tomonidan kurs ishlarini tayyorlashda e'tiborga olinishi va yo'naltirilishi lozim bo'lgan obyektiv o'zgarishlar sodir bo'lmoqda. Axborot texnologiyalarining tez rivojlanishi, "Internet" tizimining yuzaga kelishi kurs ishlarini bajarishning sermehnatligini yengillashtirish, ularning muammoliligining statistik ma'lumotlar bilan boyishi bo'yicha talabalarning imkoniyatlarini ancha oshiradi, kurs ishlari sifatining oshishiga imkon beradi.

Oliy o'quv yurtlarining o'quv jarayonida kurs ishlari muhim ahamiyatga ega. Kurs ishini bajarish talabalarni o'qitishning muhim bosqichi hisoblanadi. Kurs ishi - talabaning individual mustaqil bajaradigan, majmuy o'quv-ilmiy tadqiqoti bo'lib, uning oldida talaba tomonidan ma'ruza kurslarida, seminar va amaliy mashg'ulotlarda olingan nazariy va amaliy bilimlarni chuqurlashtirish, ilmiy-tadqiqot ko'nikmalarini singdirish va ilmiy ishlar tayyorlasning birinchi tajribasini berish vazifalari turadi. Bunday tadqiqot uning mazmunini ishlab chiqishga rasmiylashtirish qoidalariga amal qilgan xolda ijodiy yondashuvni taqoza etadi.

Kurs ishi ilmiy tadqiqot faoliyatining barcha asosiy unsurlarini o'zlashtirishni talab qiladi. Kurs ishini bajarish talaba tomonidan o'qituvchi rahbarligi ostida biror-bir juz'iy masalani mustaqil yechishdan yoki o'rganilayotgan fanning masalalaridan biri yoritiladigan, olingan natijalarni ochiq himoya qilish bilan tugaydigan tadqiqotni o'tkazishdan iborat.

Kurs ishining bosh maqsadi – talabalarda intellektual, axborot va boshqa jabhalarda chuqur bilimga ega bo'lishiga layoqatini rivojlantirish, ilmiy tadqiqot unsurlarini egallash, o'z-o'zini uyushtirishga, kasbiy ko'nikma va mahoratlarini ishlab chiqishga bo'lgan qobiliyatini rivojlantirish, olingan bilimlarni aniq ilmiy va ishlab chiqarish vazifalarini yechish uchun qo'llash, qabul qilinadigan qarorlarini hisoblash va asoslash ko'nikmalarini singdirishdan iborat.

Kurs ishi yozishdan maqsad o'tilgan predmet bo'yicha o'quv jarayoni davomida olingan bilimlarni talaba tomonidan mustahkamlashdan iborat. Kurs ishi tufayli o'qituvchiga talabalar tomonidan olingan bilimlar sifatini va bu bilimlarni kasbiy vazifalarni yechishga tatbiq etish qobiliyatini tekshirishni yengillashtirishga imkon beradi, ularning mustaqil ishlari qay darajada muvaffaqiyatli bajarilganligini, shuningdek, o'rganilayotgan o'quv faniga munosabatini tekshirishga imkon beradi.

Kurs ishini bajarish jarayonida talabalar fundamental va tatbiqiy sajiyadagi maxsus adabiyotlar, qonunchilik va me'yoriy aktlar, ma'lumotnoma va metodik adabiyotlar, loyihalash

va boshqa materiallar bilan ishlash ko`nikmasiga ega bo`ladilar. Talabalar faktik materiallarni, statistik ma'lumotlarni tanlashga, tizimlashga, ularni umumlashtirish va tahlil qilishga, muayyan xulosalar va taqliflar qilishga o`rganadilar.

Kurs ishlari talaba ishlayotgan muammo bo`yicha nazariy asoslariga doir bilimlarini va o`rganayotgan masala bo`yicha o`zining shakllangan tasavvurini namoyish qilaoladigan nazariy qismdan hamda ishda qo`yilgan vazifalarni yechish uchun aniq metodlar va metodikadan foydalana olishini ko`rsatish zarur bo`lgan amaliy qismdan iborat bo`ladi. Kurs ishi o`quv o`rganish davomida olingan nazariy bilimlarni mustahkamlash va chuqurlashtirish, talabalarni tadqiqot ishini mustaqil bajarishga tayyorlash, tadqiqot ishlarining dastlabki ko`nikmalarini egallash, ularning ijodiy salohiyatini rivojlantirish, talaba kasbiy kompetensiyalar va kasbiy vazifalarni mustaqil yechish ko`nikmasini shakllantirishga imkon beradi.

Amaliyot shuni ko`rsatadiki, terminologiyada "kurs ishi" yoki "kurs loyihasi" tushunchalari ba`zan chalkashtirib yuboriladi va ish kurs ishimi yoki kurs loyihasimi – buni darhol tushuntirib berish qiyin bo`ladi. Bunday yozma ishlarga ilk bor duch kelgan talaba uchun kurs ishi va kurs loyihasi orasidagi farq bilinmaydi.

Kurs ishi referativ, hisoblash-amaliy, tajriba-eksperimental yoki dasturiy-tadqiqot sajiyasida bo`lishi mumkin. Har bir oliy o`quv yurtining o`quv jarayoni nuqtai nazaridan qaralganda "kurs ishi" termini ilmiy-metodik yozma ishni anglatadi. Kurs ishi ijodiy ko`nikmalarni rivojlantirish, ilmiy tadqiqot asoslari bilan tanishtirish o`rganiladigan predmetlar bilan bog`liq bo`lgan masalalardan birini mufassal o`rganish maqsadida bajariladi. Kurs ishi talabaning bo`lg`usi ixtisosligi bilan bog`liq bo`lgan tor ixtisoslik yoki umumilmiy yo`nalishlarga daxldor bo`ladi. Yozma ishlarning bu turi "notexnikaviy kafedralar"da – tabiiy va ijtimoiy – gumanitar ixtisosliklarning dasturlarida o`rin olgan.

Kurs ishini bajarish jarayonida talabalar ijodiy sajiyaga ega bo`lgan o`quv-tadqiqot vazifalarini bajaradilar. Loyihalash faoliyatini taqoza etadigan kurs ishi **kurs loyihasi** maqomiga ega. "Kurs loyihasi" termini hozirgi o`quv jarayonida talaba tomonidan bajariladigan va kurs loyihasining sarlavhasida berilgan mavzu bo`yicha muhandislik yechimining muayyan variantining texnikaviy tahliliga ega bo`lgan yozma ish tushuniladi. Kurs loyihasida texnika qismidan tashqari bajarilgan muhandislik hisobi yoki ishlab chiqarishni boshqarish jarayonini tashkil etishga mansub bo`lgan iqtisodiy qism ham bo`lishi mumkin. Har bir kurs loyihasi batamom individual va talabada tanlagan ixtisoslikka doir amaliy vazifalarni ijodiy yechish kasbiy ko`nikmasi va mahoratining muayyan qismini rivojlantirishga qaratilgan.

Kurs loyihasi – texnika yo`nalishi bo`yicha kadrlar tayyorlovchi oliy o`quv yurtlari talabalari tomonidan o`quv yili (kurs, semestr) davomida bajariladigan mustaqil yozma ish. Kurs loyihalarini ishlab chiqish uchun talabalar aniq parametrlar va ma'lumotlar bo`lgan topshiriqlarni olishadi.

Kurs loyihasini bajarish jarayonida talabalar texnologik jarayonlarni loyihalashtirish, ishlab chiqarishni tashkil etish va rejalashtirish bo`yicha olgan nazariy bilimlarini mustahkamlaydilar, ilmiy tadqiqotda muayyan ko`nikma hosil qiladilar, ilmiy-texnika va maxsus adabiyotlar, namunaviy loyiha kabilardan foydalanishni o`rganadilar. Kurs loyihasini bajarish talabalarni bitiruv malakaviy ish bajarishga va magistrlik dissertatsiyalarini mustaqil bajarishga tayyorlaydi

Kurs loyihasining mazmuni muhandislik texnikaviy qarorlar variantlarini qiyoslashning texnik-iqtisodiy tahlili, inshootlar tarhini tuzish, inshootlar, mashinalar, apparatlar, stanoklar konstruksiyalarini ishlab chiqish va hisob qilish, shuningdek ishlab chiqarishni rejalashtirish va bosqarishni tashkil etishdan iborat. Kurs loyihasi uchun topshiriqlar individual bo`ladi. Ko`pgina oliy o`quv yurtlarida talabalar o`qish davrida 4-5 ta kurs loyihasi bajarishadi.

Muhandislik ixtisosligida kurs loyihasini yozish boshqa mutaxassisliklarda bajariladigan kurs ishidan ancha farq qiladi. Kurs loyihasining tuzilmasi kurs ishlaridagidek bo`lsada, uning matn qismida hisob-tushuntirish (tahliliy va hisob qismlari) va grafik qism (unga chizmalar, tarhlar, grafiklar va jadvallar kiradi) bo`ladi, ya`ni kurs loyihasi kurs ishidan birinchi navbatda

o`zida loyiha qismining borligi bilan farq qiladi. Bu loyihada tadqiq qilinayotgan mavzular bo`yicha tadbirlarning loyihasi va uning asosining hisoblari ishlab chiqiladi.

Kurs loyihasing matn qismi: mundarija – kirish – asosiy qism (boblar) – xulosa – adabiyotlar ro`yxati ko`rinishidagi an`anaviy qatordan iborat bo`lgan standart qoida bo`yicha bajariladi. Ammo, asosiy qismda boshqa boblar bilan bir qatorda “hisob qism” ham alohida bob sifatida ajratiladi. Matnlar va chizmalardan tashqari kurs loyihasi tarkibiga maketlar yoki modellar ko`rinishidagi “moddiy natijalar” ham kiritilishi mumkin.

Kurs ishi (loyihasi)ning asosiy maqsadlaridan kelib chiqadigan vazifalar quyidagilar:

- tegishli sikli bo`yicha nazariy bilimlarni tizimlashtirish va konkretlashtirish;
- zarur axborotni izlash va tahlilini ham o`z ichiga oladigan mustaqil tadqiqot ishi olib borishning dastlabki ko`nikmalarini egallash;
- dolzarb masalalarni mustaqil tadqiq qilish;
- har bir talaba uchun individual ijodiy qobiliyatni rivojlantirish;
- talabani ilmiy tadqiqot faoliyati olib borish shakllarini o`rganayotgan kishi sifatida bitiruv malakaviy ishini bajarishga tayyorlash;
- talabalarda nazariy muammolarni va amaliy misollarni asoslagan xolda mantiqiy fikrlash va bayon qilish mahoratini rivojlantirish;
- xizmat yozishmalarini, shuningdek amaliy tahliliy(loyihalar, biznes rejalar, xulosalar, sharhlar, yozishmalar , ma`lumotnomalar va boshqa) ishlarni bajarishni bilimdonlik bilan olib borish, rasmiylashtirish va tahrir qilish metodlarini o`zlashtirish.

Kurs ishi (loyihasi) o`quv jarayoni davomida bajariladi va o`quv predmetining tugashi arafasida himoya qilinadi. Talabalarning ijodiy salohiyatini rivojlantirishning boshqa shakllari – referatlar, taqrizlar, esselar, ilmiy ma`ruzalar va boshqalar orasida kurs ishlari yetakchi o`rinni egallaydi va faqat tugallanganligiga ko`ra bitiruv malakaviy ishlardan keyin turadi.

Мадрахимова З.М., Қаршибаева Л.К., Шарофиддинов М.Д.

(Гулистон, ГулДУ)

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

География методикасида асосий эътибор таълим жараёнига қаратилган бўлиб, ўқувчининг таълим олаётган вақтида нима қилиш кераклигига, ўқув таълимидаги фаолиятига, географик билимларни ўрганаётган вақтда ўқувчи қандай ишларни бажариши зарурлигига эътибор берилиб келинмоқда.

Ўқувчиларнинг географик билимларни ўрганиш жараёнидаги мантиқий мулоҳазалари ва мустақил тафаккури дарсни ўқитувчи томонидан ташкил этирилишига боғлиқ. Ўқитувчи ўқувчилардан мураккаб масалаларни ҳал этишни талаб этса, уларнинг зеҳний қобилиятларини ишга соладиган усулларни татбиқ этса олса, ўқувчилар ўша мураккаб масалаларни билишга интиладилар. Аввало ўқитувчи ўқувчилар ўрганадиган билимларнинг мазмунини таҳлил қилиб, ўқув ишларидаги усулларни аниқлайди. Шундан кейин ўқувчилар фикрини қайси воситалар билан ривожлантириш мумкинлигини билиб олади.

Ҳозирги инновацион таълим, ўқувчилардан билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш билан бирга, улардан ақлий фаолият усулларни ҳам эгаллаб боришни талаб этади. Билимларни эгаллаш ва уларни турли амалий ишларда татбиқ этиш жараёни (иккита географик объектни қиёслашда, улардаги умумийлик ва тафовутларни аниқлашга, харита ва бошқа билим манбалари асосида географик таснифини тузиш) да ўқувчилар турли кўникма ва малакаларни татбиқ этадилар. (Қурбонниёзов Р., 1992).

Ақлий фаолият усуллари билан таништириш аста-секин такомиллаштириб борилади. VI синф ўқувчиларини қиёсий усул билан таништириш боришда ўқитувчи икки географик объектни қай тарзда қиёслашни: дастлаб қиёсланадиган белгиларни аниқлаш,

кейин белгилари бўйича қиёслашни ва умумий белгилари бўйича хулоса чиқаришни тушунтириб беради.

Кейинчалик нисбатан мураккаброқ қиёслашни, чунончи, бир неча объект ва ҳодисаларни ўхшаш ва тафовут этувчи белгиларига кўра, сабабларини аниқлаб қиёслашни топшириш мумкин.

Шунингдек, дастлаб сабаб боғланишларни аниқлаш усули, ўқувчиларга ёғинларнинг тақсимланиши, тоғларнинг жойлашишига боғлиқлиги мисолида кўрсатилган бўлса, таълимнинг кейинги жараёнида мураккаб сабаб боғланишларни (рельеф билан иқлим) ва бошқа ҳодисалар (иқлим билан ўсимликлар, географик ўрни билан транспорт) ҳал этишда ҳам мазкур усулдан фойдаланишга ўргатиб борилиши лозим. Ўқувчилар фаолиятини активлаштириш мақсадида, илгари олинган билим ва кўникмаларни татбиқ этиш ва фикрлаш талаб этиладиган топшириқларни ҳал этиш талаб қилинади.

Ўқувчиларни ўқув фанига қизиқтириш мақсадида, табиий география курсларида геологик ва географик мазмундаги фан янгиликлари, космик тадқиқот янгиликлари, иқлимшунослик ва океаншунослик соҳасида эришилган ютуқлар, Арктика ва Антарктикадаги тадқиқотлар ҳақида маълумотлар билан, иқтисодий география курсларида Ўзбекистоннинг эришган ютуқлари ва жаҳон мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи ҳақидаги маълумотлар билан уларни таништириб бориш лозим.

Шунинг билан бирга мактабда ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантириш, мустақил билим олиш йўллариини ўрганиш, эгалланган билим ва кўникмаларни янги шароитда татбиқ эта олиш – муаммоли таълим деб юритила бошланди. (Сайдаматов Ф., 2001).

“Муаммоли” термини география таълими назарияси ва амалиётида таълим методи, таълим жараёни ва таълимга ёндашиши тарзида қўлланила бошланди. “Муаммоли” таълим –бу, аввало, география фанида вужудга келган гипотезалар, уларни синаш (текшириб кўриш) усуллари, хронологик илмий кашфиётлар, йирик олимлар ва ҳоказо билан, яъни янги илмий билимларни эгаллаш “технологияси” билан ўқувчиларни таништиришдан иборатдир. Юқоридаги тадбирлар таълимнинг барча метод ва воситалари билан амалга оширилиши мумкин.

Умуман, муаммоли таълим – ўқувчилар онгини ривожлантиришига, самарали фикрлашга, ижодий мустақилликка имкон беради. Муаммоли таълимда ўқувчилар олдида муайян муаммолар (ҳал қилиниши талаб этиладиган муайян масала, муаммолар) қўйилади, бу муаммоларни ўқувчилар мустақил ҳал этадилар.

Ўқувчиларга берилган муаммоли топшириқларни улар ўзларидаги билим ва кўникмаларни татбиқ этиш билангина ҳал эта олмасликлари мумкин. Топшириқни бажариш учун, ҳал этишнинг ўзига хос усулларни топиш ёки билим ва кўникмалардан янги шароитда ижодий фойдаланиш талаб этилади. Бундай ҳолда, одатда, муаммоли вазият вужудга келтирилади.

Ўқувчиларга топширилган вазифани ҳал этиш учун улардаги билим етарли бўлмаса муаммоли вазият вужудга келади. Материклар ва океанлар табиий географияси курсида табиат зоналарини ўрганишда муаммоли вазият вужудга келтиришга оид мисол келтирамиз. Ер шаридаги табиат зоналари, иқлим минтақаларига мувофиқ тарзда кенглик бўйлаб жойлашганлиги ўқувчиларга илгари ўрганилган курслардан маълум. Шу билан бирга ўқувчилар табиат зоналари харитасида бир хил кенгликда ҳар хил табиат зоналарини жойлашганлигининг гувоҳи бўладилар. Демак, ўқувчилардаги билим билан харитадаги маълумотлар орасида зиддият вужудга келади. Шундан қилиб муаммоли вазият келиб чиқади. Бундай таълим ўқувчилар тафаккурини, фаолиятини ривожлантиради.

Адабиётлар:

1. Қурбонниёзов Р. География таълими методикаси.- Т.: Университет, 1992.
2. Сайдаматов Ф. География ўқитиш методикаси.-ТДПУ, 2001.

Kayumova M.M., Berdiqulova G., Mamarasulova CH. (Jizzax, JDPI)
**GEORAFIYA DARSLARIGA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA
TEKNOLOGIYALARINI TADBIQ ETISH**

Yuqori malakali kadrlarni tayyorlash ta'lim jarayoniga yuqori samaradorlikka ega bo'lgan o'qitish texnologiyalarni qo'llash va keng ko'lamli axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishda tezkorlikka erishishni taqozo etibgina qolmasdan, ushbu maqsadlarning ijobiy natijaga ega bo'lishi, eng avvalo, yosh avlodga ilmiy bilimlar asoslarini puxta o'rgatish, ularda keng dunyoqarash hamda tafakkur ko'lamini hosil qilish, ma'naviy-axloqiy sifatlarini shakllantirish borasidagi ta'lim-tarbiyaviy ishlarni samarali tashkil etishga bog'liq.

Mustaqillik tufayli geografiya fanining taraqqiyotida ham olamshumul o'zgarishlar yuz berdi. Mamlakatimiz geografiasining salohiyatini oshirish, joriy etilayotgan uzluksiz ta'lim tizimida uning o'rnini belgilash hamda «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da belgilangan talablarni bajarish zamonaviy texnika vositalari va axborot texnologiyalari bilan o'quvchilarni qurollantirishni taqozo etmoqda.

Zamonaviy sharoitda innovatsion harakterga ega vositalar ham qo'llanilmoqda. Ularning texnologik-didaktik imkoniyati talabalarning o'quv-bilish faolligini oshirish bilan birga, o'qitish sifatini yaxshilab, samaradorligini oshirishga yordam beradi. Hozirgi kunda har bir ta'lim muassasasida tashkil etilayotgan o'qitish jarayonida kompyuter, skaner, videoko'z, videokamera, proektor, elektron doska, modem, telefon, internet, multimedia, mikrofon, karnay (kolonka), vebkamera, CD-ROM kabi texnik vositalar, ma'lumotlar ombori (bazasi) va vebinar texnologiyalar kabi innovatsion xarakterga ega vositalar samarali qo'llanilmoqda.

Umumiy o'rta ta'lim tizimida o'qituvchi tomonidan bajariladigan muhim vazifa o'quvchilarning olgan bilim, ko'nikma va malakalarini kelajak hayotida amalda qo'llash ya'ni kompetensiyaviy ta'lim-tarbiya berishdan iborat. Biz pedagoglar har bir o'quvchiga shaxs sifatida qarashimiz kerak. Sababi, maktab ostonasidan kirgan har bir o'quvchi – ertangi kundagi jamiyat a'zosi, kelajak egasidir. Yosh avlodga sifatli ta'lim-tarbiya berish uchun hozirgi taraqqiyot bosqichida bo'layotgan iqtisodiy-ijtimoiy va yangi texnologik o'zgarishlar, ta'lim tizimini yangi pog'onaga ko'tarish uchun ta'lim sohasida eng maqbul usullarni qo'llash ehtiyoji tug'ilmoqda. Ta'lim tizimida geografiya fanining o'zni bo'lakcha. Geografiya yer yuzasining tabiati, aholisi va xo'jalik faoliyatini o'rganuvchi ko'hna hamda navqiron fandır. Fanlar ichida geografiya fanidagidek ko'plab ma'lumotlarga va qo'shimcha manbalarga boy fanni uchratish qiyin. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish ta'lim tizimida ham izchil amalga oshirilmoqda. Chunki bu soha o'quvchilarga murakkab ilmiy tushunchalarni izohlashda, biron-bir hududning aniq tasvirini ko'rsatishda, turli interfaol mashg'ulotlarni o'tkazishda yengillik tug'dirmoqda. O'qituvchilar uchun dars o'tish jarayonida asosiy ko'makchiga aylanganligini aytib o'tish joizdir. Geografiya darslarida ma'ruza, og'zaki bayon, tushuntirish orqali ko'p samaraga erishib bo'lmaydi. Biz o'qituvchilar har bir darsda o'quvchilarni lol qoldirishni unutmashimiz kerak. Zero, "donolikka intilish lol qolishdan boshlanadi". Har bir geografiya o'qituvchisining o'z darslariga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishni avvalo Microsoft - Word, Excel, Power Point dasturlaridan boshlashi zarur.

Bugungi kunda yangi axborot texnologiyalarining yutuq va imkoniyatlaridan ta'limda foydalanish ta'lim samaradorligini oshirishning qudratli omili ekanligi shubhasiz bo'lsada, bu yutuq va imkoniyatlardan qanday qilib, qaysi usul, yondoshuv va nisbatda, qanday tamoyillarga asoslangan holda foydalanish masalasi dolzarb hisoblanadi.

Yuqoridagilar geografiya o'qitishda Axborot texnologiyalaridan foydalanish masalasiga ham taalluqli, albatta. Geografiyadan darsning turli bosqichlarida Axborot texnologiyalarini qo'llash, xar hil ta'limiy (o'quv) maqsadlarga erishishning samarali vositasi bo'lib qoladi. Chunonchi, masalan:

1) yangi materialni tushuntirishda multimedia propektori yordamida ekranga tushiriladigan interaktiv illyustratsiya;

2) O'quvchilar tomonidan dars paytida kompyuter texnologiyalari yordamida o'quv materialini mustaqil o'rganish jarayonida, bunda o'qituvchi tomonidan masalaning shartlari berilishi nazarda tutiladi;

3) Kompyuterli modellashtirishni yoki kompyuter modellashtirish bilan real eksperimentni birgalikda muvofiqlashgan holda qo'llash bilan laboratoriya ishlari ko'rinishidagi tadqiqotchilik faoliyatini tashkil qilishda. Shuni ta'kidlash joizki, real laboratoriya ishlariga nisbatan kompyuterni qo'llab bajariladigan ishlarda o'quvchilar eksperimentni mustaqil planlashtirishda, ularni o'tkazishda va natijalarini tahlil qilishda keng imkoniyatlarga ega bo'ladilar.

4) Bilim va malakalarni o'zlashtirish jarayonida qaytarish, mustahkamlashda;

5) Uyda sharoit (kompyuter) bo'lganda topshiriqni tegishli o'quv kompyuter dasturlarini ishlatgan holda bajarish.

Geografiya darslarini ATni qo'llab o'qitish, ayniqsa boshlang'ich tabiiy geografiya kursida dars samaradorligini sezilarli darajada oshirishi mumkin.

Bugungi kunda maktab o'quvchisi va o'qituvchilariga qo'yilayotgan talablardan biri EHM larini ishlatish va xalq ho'jaligining turli sohalarida qo'llanilishini boshqarishni taqozo etmoqda. Bu sohada jahon miqyosidagi raqobatlariga chidamli mahsulotlarni ishlab chiqarish uchun, avvalo yetuk mutaxassislarni tayyorlash bosh masala qilib olindi. Xalq ta'limi sohasidagi DTS talablarini mazkur yo'nalishlarni inobatga olgan holda yaratildi. Har bir maktab bitiruvchisi oldiga mustaqil ravishda informatika va HT bo'yicha keyingi hayotining unumli faoliyatida amalga oshirish imkoniyatlarini ochib beradigan kafolatli tayyorgarligini ta'minlashni maqsad qilib qo'ygan.

Adabiyotlar:

1. Taylaqov N.I. Uzluksiz ta'lim tizimi uchun informatikadan o'quv adabiyotlari yangi avlodini yaratishning ilmiy pedagogik asoslari. Monografiya. –T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat nashriyoti, 2005.
2. Мўминов О. Замонавий география дарсига қўйиладиган талаблар. –Т.: «Ўқитувчи», 1990.

Karimov I.E., Unarova G., Samatova N.M. (Jizzax, JDPI)

GEOGRAFIYA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNALOGIYALARDAN FOYDALANISHNING DOLZARBLIGI

Uzluksiz ta'lim tizimi oldiga qo'yilgan muhim vazifalardan biri ta'lim-tarbiya jarayonida innovatsion muhitni yaratish sanaladi. Avvalo, innovatsiya so'zining ma'nosini tahlil qilish lozim. Innovatsiya – inglizcha so'zdan olingan bo'lib, in – kiritish, novatsiya yangilik degan ma'noni beradi.

O'qitishda innovatsion muhitni yaratish o'qituvchidan ko'p qirrali izlanish va amaliy faoliyatni talab etadi.

Respublikamizda uzluksiz ta'limni joriy etish jarayonida ta'lim mazmuni yangilandi, o'quv dasturlari va o'quv fanlari bo'yicha DTS modernizatsiyalandi. Ushbu jarayon ta'lim-tarbiya jarayonining boshqa tarkibiy qismlari: o'qitish metodlari, vositalari va shakllarini innovatsiya kiritish orqali modernizatsiyalashni talab etmoqda.

Zamon bilan hamnafas pedagogik faoliyat yuritayotgan moderator o'qituvchilar yuqorida qayd etilgan talablarga monand holda o'qitishda interfaol metodlar, pedagogik va axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish bo'yicha dastlabki tajribalarni egallamoqda.

Respublikamizda joriy etilgan uzluksiz ta'lim tizimiga innovatsiya quyidagi yo'llar orqali tatbiq etilmoqda:

- Axborot va kommunikatsion texnologiyalar – texnologik innovatsiyalar;
- Ta'lim-tarbiya jarayonining mazmunini yangilash, uning borishi va o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtiruvchi texnologiyalar – pedagogik innovatsiyalar;
- Ta'lim sohasidagi zamonaviy iqtisodiy mexanizmlar – iqtisodiy innovatsiyalar;

- Ta'lim sohasidagi zamonaviy tuzilmalar – tashkiliy innovatsiyalar;

Ma'lumki, yuqorida qayd etilgan innovatsiyalar ta'lim-tarbiya jarayoniga kompleks holda joriy etilishi o'qituvchidan muayyan metodik bilim, ko'nikma va malakalar, shuningdek, pedagogik kompetentlik(layoqat)ni talab etadi.

O'qituvchining zamonaviy metodik bilim, ko'nikma va malakalarni egallashi, shuningdek, pedagogik kompetentlik(layoqat)ning mavjudligi uning o'z pedagogik faoliyatida barkamol shaxsni voyaga yetkazishni nazarda tutishiga asos bo'ladi.

Innovatsion ta'lim muhiti o'qituvchilardan qaysi bilimlarni egallash va amaliy faoliyatni talab etmoqda?

- O'qitishda innovatsion texnologiyalarni qo'llash yuzasidan amaliy faoliyati.
- O'qitishning moddiy-texnik bazasini mustahkamlashdagi amaliy faoliyati.
- O'qitishda kasbiy yo'naltirilganlikni amalga oshirishdagi faoliyati.

Ta'lim-tarbiya jarayonida innovatsion texnologiyalarni qo'llash yuzasidan o'qituvchining amaliy faoliyati quyidagi bosqichlar:

- Innovatsion texnologiyalarning metodologik asoslarini o'zlashtirgan holda uni pedagogik amaliyotda qo'llash yo'llarini belgilash;

- Innovatsion texnologiyalar talablari asosida ta'lim-tarbiya jarayonini loyihalash;

- O'qitishning barcha shakllari: ma'ruza, seminar, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari, auditoriyadan tashqari mashg'ulotlar, mustaqil ta'limning didaktik maqsadlarini e'tiborga olgan holda innovatsion texnologiyalarni tanlash va joriy etish;

- O'qitishning asosiy shakllari bo'lgan ma'ruza, seminar, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarida o'rganiladigan mavzuni mazmunini e'tiborga olgan holda axborot-kommunikatsion va pedagogik innovatsiyalarni uyg'unlashtirish va amalda qo'llash;

- Mazkur jarayondan olingan natijalarni tahlil qilish, umumlashtirish, talabalarning bilim, ko'nikma va malakalaridagi bo'shliqlarni aniqlash, ularni bartaraf etish yo'llarini belgilashdan iborat.

Oliy ta'lim muassasasida pedagogik faoliyat yuritayotgan professor-o'qituvchilar ta'lim-tarbiya jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish yuzasidan muayyan tajribalarni egallash barobarida, olingan natijalarni tahlil qilish, umumlashtirish, talabalarning bilim, ko'nikma va malakalaridagi bo'shliqlarni aniqlash, ularni bartaraf etish yo'llarini belgilash borasida ma'lum qiyinchiliklarga uchrayotganligi sir emas.

Professor-o'qituvchilar pedagogik faoliyatida vujudga kelayotgan mazkur qiyinchiliklar talabalar tomonidan o'zlashtirishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarni aniqlash va ularni baholash uchun foydalaniladigan nazorat topshiriqlarini xilma-xillashtirish jarayonida vujudga kelayotganligi sababli, shu muammoni o'quv qo'llanmada yoritish lozim deb topildi.

Hozirgi zamon testologiya fani amaliy fan bo'lib, tadqiqotchilar oldiga nazariy muammolar, matematik yondoshuvlar, model va metodlarni tavsifiya etmoqda.

Test metodining keng tarqalishi, rivojlanishi va takomillashuviga uning quyidagi afzalliklari:

- Test topshiriqlari tadqiqot maqsadiga muvofiq respondentlarning bilim, ko'nikma va malakalariga aniq baholash imkonini beradi;
- Ijtimoiy so'rovlarda ishtirok etgan ko'psonli respondentlarning fikr va mulohazalarini aniqlash va umumlashtirish imkoniyati mavjud;
- Tahsil oluvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini aniqlash va baholash jarayoni ob'ektiv amalga oshiriladi, baholovchi tomonidan sub'ektivizmga yo'l qo'yish oldini oladi.
- Turli guruh respondentlaridan olingan ma'lumotlarni qiyosiy-statistik tahlilini o'tkazish imkon berishi kabilar zamin yaratgan.

Shu kungacha o'qitishga an'anaviy yondoshuv asosida qarab kelindi. Unda "tayyor" bilimlarni uzatib berish modeli asosiy o'rin egallardi. Biroq, axborot-telekommunikativ tarmoqlarning rivojlanishi yuqori darajaga erishgandan so'ng bu usulda dars o'tish o'z

samarasini bermay qoldi. Talaba o'qituvchidan har soniyada yangilik kuta boshladi. Bu esa g'arb pedagoglari tomonidan dars o'tishning yangi interaktiv usullarini hayotga tadbiq etilishiga olib keldi.

Geografiya-o'zining fundamental fan ekanligi bilan boshqa fanlardan ajralib turadi. Talabalarni geografik bilimlar bilan qurollantirish uchun o'qituvchidan juda ko'p ma'lumotlar, yangiliklar hamda tabiat va jamiyatdagi har bir o'zgarishlardan o'z vaqtida voqif bo'lishi talab etiladi. Bugungi axborot asrida tahsil olayotgan har bir talaba tevarak atrofdan ro'y berayotgan har bir tabiiy va siyosiy-ijtimoiy voqea hodisalardan qisqa vaqt ichida boxabar bo'lmoqda va unga o'z munosabatini bildirmoqda. Shu ma'noda geografiya fani qisqa vaqt ichida turli axborot manbalarini yangilanishiga, boyib borishiga erishmoqda.

Adabiyotlar:

1. Karimov I. A. O'zbekiston buyuk kelajak sari.—Toshkent.: «O'zbekiston», 1998.—528 b
2. Аванесов В.С. Теория и практика педагогических измерений (материалы публикаций) Подготовлено ЦТ и МКО УГТУ-УПИ, 2005 г.
3. Baratov P. O'zbekiston tabiiy geografiyasi. –T., O'qituvchi, 1996
4. Дыранкова Е.Т. Знания и уровневые показатели их усвоения / Содержание и технология контроля за качеством среднего образования. Тез. докл. рег. научно-практ. конф. работников образования. Оренбург, 1998.
5. Котляков В.М. География – одна из основ современного естествознания // Земля Вселенная. 2011. № 6. С. 3–16
6. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Учебное пособие для студентов пед.вузов и системы повыш.квалиф.педкадров (Э.С.Полат и др). М.: Издательский центр "Академия", 2000-272 стр.
7. Tolipova J.O. Pedagogik kvalimetriya moduli bo'yicha ma'ruzalar matni va amaliy mashg'ulotlar. Toshkent-2015 y.

Muqumova H.E. (Qarshi, QarDU)

Hasanova N S.

Shaxrisabz 2-sonli davlat ixtisoslashgan maktab internati

Sindorov O'.A.

Samarqand 1-son pedagogika kolleji

GEOGRAFIYA DARSLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Maktab o'sib kelayotgan yosh avlodni ta'lim va tarbiyaga chorlovchi maskan hisoblanadi. Ta'lim va tarbiya maktabda birgalikda, uzviy aloqada olib boriladi. Dastlab tarbiya, keyin ta'lim. Tarbiya ta'lim olishga yo'l boshlovchi vosita bo'lib xizmat qiladi. Umumiy o'rta ta'limda ta'lim tarbiyaviy vazifalarni hal qilishda barcha o'quv fanlari singari geografiya o'quv kursining ham ahamiyati katta bo'lib, bunday ma'suliyatli vazifani amalga oshirishda geografiya o'qituvchisidan mahorat talab qiladi. Mamlakatning ertangi kuni, dunyoqarashi o'zgargan, yangicha fikrlaydigan, muvaffaqiyatli ish yuritadigan, yuksak malakali, chuqur bilimli yoshlarni tarbiyalash geografiya o'qituvchilariga ham ko'p jihatdan bog'liqdir. Keyingi yillarda maktab ta'lim-tarbiya tizimida zamonaviy ta'lim turlaridan axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan (AKT) keng foydalanilmoqda. AKTdan foydalanishning amaliy ahamiyati shundan iboratki, u o'qituvchi va o'quvchining mehnat unumdorligini va o'quv jarayonining samaradorligini oshiradi. Texnika vositalari qo'llanilgan darslarda bilimlarni o'zlashtirish jarayoni maqsadga muvofiq holda amalga oshiriladi, o'quv axboroti esa o'quvchilarga qulay ko'rgazmali shaklda yetkaziladi.

Shuningdek texnik vositalari yordamida o'tilgan har bir dars mavzuni bayon qilish sur'atini oshiradi, vaqtni tejashga imkon beradi. Bunday darslar o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undaydi hamda voqea va hodisalarni bir-biri bilan taqqoslash, ular orasidagi

o`xshashlik va tafovutlarni aniqlashga yordam beradi. Ishlab chiqarish va kishilik jamiyatning turli jabhalariga yangi axborot kommunikatsiya vositalari kirib kelganidek, ta`limda ham internet global kompyuter tarmog`ining rivojlanishi butun dunyo ta`lim tizimini takomillashtirish yangi yo`nalishlarini ochilishiga sabab bo`ldi. Birinchidan, o`quv muassasalarining texnik ta`minotini keskin o`zgarishi, dunyoviy axborot resurslariga keng yo`l ochilishi o`qitishning yangi shakl va usullaridan foydalanish zaruriyatini keltirib chiqardi.

Internet xizmatining tobora yuksalib borayotgani, o`qitish jarayonida undan to`g`ri va unumli foydalanishga bo`lgan ehtiyoj yurtimiz ta`lim tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyasining milliy strategiyasini izchil joriy etishni taqozo etmoqda. Ushbu strategiya o`zida ta`lim maskanlarini axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan ta`minlash orqali ta`lim sifatini oshirish, elektron o`quv darsliklarini yaratish, o`qituvchi va o`quvchilarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish bilim va ko`nikmalarini oshirish kabi jarayonlarni o`z ichiga oladi.

Kompyuterli darslar - o`quv jarayonida yangi zamonaviy yutuqlarga tayangan holda didaktikaning so`nggi texnologiyalari asosida tashkil etiladigan darsdir. Bunday darslar o`quv materiallarini tez va oson o`zlashtirish imkonini beradi. Darslarni sifatli qilib yaratish murakkab jarayon, ammo istiqbollidir.

O`rta maktabda geografiya o`qitish jarayonida kompyuter texnologiyalarini qo`llash masalasi nihoyatda ko`p qirralidir. Maktabda geografiya o`qitishning 3 asosiy yo`nalishi ajratib ko`rsatiladi:

- geografiya darslarida informatsion texnologiyalarni qo`llash;
- o`quvchilarning darsdan tashqari mashg`ulotlarini tashkillashtirish uchun informatsion texnologiyalarni qo`llash;
- axborot texnologiyalaridan o`quvchilarning bo`sh vaqtlarini to`g`ri tashkillashtirish uchun foydalanish.

Kompyuter texnologiyalari dasturiy ta`lim g`oyalarini taraqqiy ettiradi, o`qitishning eng yangi sinab ko`rilmagan texnologik variantlarini kashf etadi, ular esa zamonaviy kompyuter va telekommunikatsiyalarning ulkan imkoniyatlarini ro`yobga chiqaradi. Kompyuter texnologiyalarini qo`llash hozirgi zamon geografiyasini fan va o`quv predmeti sifatidagi rivojining eng muhim komponentlaridan biridir.

Ta`lim jarayonida multimediyalaridan foydalanish deyilganda esa kompyuterga matn, tovush, videotasvir, grafik tasvirlarni va turli (multiplikatsiya) animatsiyalarni kiritish, chiqarish, qayta ishlash, saqlash, texnologiyalari tushuniladi. Multimedia texnologiyalaridan foydalangan xolda ularni namoyish etish yoki eshitish orqali olinadigan bilim ta`lim jarayoni deb tushuniladi.

Geografiya fani qadimiy yer to`g`risidagi fan bo`lganligi sababli tabiat, jamiyat, tabiiy jarayon va hodisalarni o`qitish jarayonida internet tizimidan samarali foydalanmog`imiz kerak. Internet tarmog`ida turli geografiya mavzulariga oid veb-saytlar mavjud bo`lib, ulardan aniq maqsadlarda foydalanish, yangi saytlar ochish va ularning sonini ko`paytirish, shuningdek internetdagi bor mavzularni aynan ko`chirib olinishiga yo`l qo`ymaslik kerak.

Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohatlar tufayli O`zbekiston jamiyatning barcha sohalari, shu jumladan ilm-fan va ta`lim sohasini zamonaviylashtirish imkoniyatiga ega bo`lmoqda. Shu jihatdan jahon tajribasiga tayangan holda geografiya fanini o`qitishda ta`limning ilg`or usullari, zamonaviy axborot texnologiyalari va internetdan foydalanish ta`lim jarayoni samaradorligi va sifatini oshirishi bilan bir qatorda respublikaning jahon informatsion hamjamiyatiga muvaffaqiyatli integratsiyalashuviga ham keng imkoniyatlar yaratib beradi. O`quvchilarning kompyuter savodxonligini oshirish, maktabda zamonaviy ta`limiy axborotlashtirish texnologiyalarini qo`llash pedagogik jarayonni mukammallashtirishning va shu asosda yosh avlodning umumta`lim darajasini oshirishning yangi imkonlarini beradi. Jumladan VII sinfda O`zbekiston tabiiy geografiyasini o`qitishda texnika vositalaridan foydalanish o`quvchilarning shu darsga bo`lgan qiziqishini kuchaytiribgina qolmay, ma`naviy-siyosiy jihatdan rivojlantirishga katta ta`sir ko`rsatadi.

Masalan, O'zbekistonning asosiy foydali qazimalari mavzusini o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanilgan darsda o'quv axboroti o'quvchilarga qulay ko'rgazmali shaklda yetkazilish bilan birga o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undaydi. Bunda displeyda "O'zbekiston hududidagi foydali qazimalari" navbati bilan ketma-ket joy ola boshlaydi. ko'mir, neft, gaz, oltin, fosfor, mis rudasi, alyuminiy, oltin, temir, grafit, osh tuzi, kaolin, o'tga chidamli gil, oxaktosh, granit, marmar, gips, mineral suvlar zaxiralari va boshqalar. O'quvchi bu ma'lumotlarga ega bo'lgandan so'ng, navbatdagi tugmachani bosadi. "O'zbekistonning yoqilg'i foydali qazimalari" degan yozuv paydo bo'ladi va unga ko'mir, neft, gaz o'z ifodasini topadi.

O'quvchi navbatdagi tugmachani bosgandan so'ng, displey ekranida "O'zbekistonning yozuvsiz xaritasi" namoyon bo'ladi va unda kartaning yuqorisiga ko'mir qazilma boyligi, nomi pastiga esa qayerdan qazib olinishini, masalan, toshko'mir – Sharg'un va Boysundan, qo'ng'ir ko'mir Angrendan qazib olinadi. Yozuvsiz kartada esa ularning joylashish o'rnida shartli belgisi paydo bo'ladi. Bu jarayon shu tariqa davom eta boshlaydi. Neft – Farg'ona vodiysining Andijon, Polvontosh, Janubiy Olamushuk, Xo'jaobod, So'x Mingbuloqda, Surxondaryoda esa Ko'kaydi, Lalmikor, Xovdog', Qashqadaryoda Ko'kdumaloq tabiiy gaz – Gazli, Jarqoq, Muborak, Sho'rtan va h. Ekranida mavzu yuzasidan ko'rsatish tartib bilan davom ettiriladi. o'quvchilar "rangli va nodir" metallar bilan tanishtiriladi.

So'ngra displey ekranida "O'zbekiston foydali qazimalari" mavzusi bo'yicha savollar va test savollari hamda javoblari ketma ket tartib bilan ko'rinadi Bunday darslarda o'qitishning kompyuter texnologiyasi yordamida axborotni tayyorlash hamda uning vositasida o'quvchiga yetkazishda. o'qituvchidan va o'quvchilardan bir xil kompyuter savodxonligini talab etiladi.

Insoniyat XX asr nihoyasida bir turkum muammolarga duch keldikim, ular bevosita axborot texnologiyalarining jadal sur'atlar bilan rivojlanishiga bog'liq. Internet tarmog'idan noto'g'ri foydalanish salbiy oqibatlarini keltirib chiqardi. Bunday noxushliklarning oldini olishda umumiy o'rta ta'lim maktablarining ta'lim tarbiya jarayonlarida AKTdan keng va unumli foydalanish lozim. Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har bir darsni AKTdan foydalanib tashkil qilinishiga erishish lozim, shundagina o'quvchilar chuqur va puxta bilim egallay oladilar.

Ergashev O.U.

JDPI huzuridagi XTXQTMO hududiy markazi

GEOGRAFIYA TA'LIMIDA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH TEXNALOGIYASI

Geografiya ta'limida o'quvchilarning har tomonlama yetuk bilimdon bo'lib etishishda, ta'limni hayot bilan bog'lab borishda o'quv vositalarini geografik tassavur doiralari kengayishida, mavzuni tushunarli bo'lishida va puxta o'zlashtirishiga, turli o'quv ko'rsatmalari, ko'rgazmali qurollar geografik bilimlarni o'zlashtirishga keng imkoniyat yaratadi.

Bu haqida rus olimi K.D.Ushinskiy shunday degan edi: « Biz ravshan tassurotlarni ko'rish orqali hosil qilamiz, chunki biz o'zimiz eshitgan narsalardan ko'ra, ko'zimiz bilan ko'rgan narsalarni tassavur qilamiz. Ayni bir vaqtda ham ko'rish, ham eshitish, ham mushkul harakati yordami bilan hosil qilagan taassurot esa ayniqsa ravshan tassavur hosil qiladi va xotirada uzoq saqlanadi».

Bugungi kunda zamonaviy multimediali vositalaridan foydalanish ta'lim jarayoniga ularni tadbiiq qilish davr talabidir, ammo ta'lim samaradorligini oshirishda har bir fanning o'ziga xos xususiyatlari mavjuddir. Geografiya fani kabi hech bir fan ko'rgazmalilikni ko'p talab qilmaydi. Unda o'rganiladigan har bir mavzu uchun tabiatning bir bo'lagi tasviri yoki qandaydir asboblar zarurdir.

Darsning mazmunli bo'lishi uchun anashu tabiat bo'lagini sinf xonasiga kiritishimiz lozimdir. O'quvchilarni bir lahza bo'lsa ham tabiatning voqea, hodisa va jarayonlarning guvohi qildirishimiz muhim amaliy ahamiyatga ega. Buning uchun geografiya ta'limida didaktik

o'yinlardan va ko'rgazmali qurollar tayyorlashni puxta o'zlashtirish va amalda qo'llash lozim. Didaktika yun. didaktikos – "o'rgatuvchi, ta'lim beruvchi" degan ma'noni anglatadi.

Geografiya ta'limida didaktik o'yin texnologiyalaridan foydalanish usullari va yo'llarini o'rgatish, bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish maqsadida o'quv jarayonini tarbiyaga kiritilgan turli xil bilim manbalarida yanada takomillashtirishdan ibarat.

Geografiya ta'limida didaktik o'yin texnologiyalaridan foydalanish uchun o'qituvchi ko'rgazmali va texnik vositalarni tanlashda yani foydalanganda o'qitish jarayonini tashkil qilish turlarini, qo'llaniladigan pedagogik texnologiyalar bilan o'qitish metodlarini hisobga olish lozim. Uning ta'lim jarayonida yuqori natija berishi, o'quvchining istagi, intilishi, mustaqil fikrlashni ta'minlashga yo'naltirilishi noan'anaviy mohiyat kasb etadi. Demak, uzluksiz ta'limning barcha bosqichlarida ta'limni takomillashtirish, o'qitish vositalari o'quvchi faoliyatiga yo'naltirish, o'quv-bilish faoliyatini tashkil etish va uni boshqarish, shaxs sifatlarini shakllantirishga doir metodlarni qo'llashni talab etadi.

Geografik o'yinlarning asosiy xususiyatlari quyidagilardan iborat.

- geografik o'yinlar bilan dars o'tilganda o'quvchilarda rivojlantiruvchi faoliyat vujudga keladi. Bunday jarayonda ishtirok etayotgan o'quvchilar rollarini va vazifalarini erkin tanlashdi. Masalan, ekspeditsiya o'yinlarida kema darg'asi, boshqaruvchi, kuzatuvchi, kartograf, dengizchilar va boshqa rollar;

- geografik o'yinlar bilan shug'ullanish jarayonida ijodiy muhitni va munozaralari topshiriqlarni vujudga kelishi. O'quvchilar geografik o'yin davomida aniq bir rollar va vazifalarni bajarish jarayonida ijodiy ishlar bilan mashg'ul bo'lishadi, ma'lum bir muammolarni hamkorlikda yechishadi.

Quyida keltirilib o'tayotgan didaktik o'yinlarimiz o'quvchilar bilan ishlash jarayonida geografiya o'qituvchilari uchun kerakli vosita bo'la oladi va didaktik o'yinlar asosida dars o'tish bugungi kunda ancha yaxshi natija bermoqda.

XXI asr ajoyib ilmiy kashfiyotlar asri, inson koinot sirlari qo'yniga kirib borayotgan asr, axborot va g'oyat ulkan texnikaviy imkoniyatlar asri bo'ldi. Shu bilan birga, bu asrning oxiri milliy qadriyatlarning uyg'onish davri va behuda urushlardan holi bo'lgan milliy qadriyatlarga o'ziga xos tarzda qaytish davri bo'lib qoldi.

Shuningdek, buning uchun esa o'quvchilarning dars jarayonlaridan olgan bilimlari, egallagan ko'nikma va malakalari muhim ahamiyatga ega bo'ladi. Bunday yetuk kadrlarni tayyorlash uchun pedagogik texnologik elementlaridan foydalangan holda o'quv darslari olib borilishi talab qilinadi.

O'quv jarayonida didaktik o'yinlarning maqsadi talabalarni amaliy, laboratoriya ishlari hamda o'quv, adabiyotlari bilan mustaqil ishlay olishlarini ta'minlash uchun ularni o'quv materiallari bilan qurollantirishdan iborat. Ta'limda didaktik o'yinlarini o'quv jarayoniga tatbiq qilishda o'qitishning mazmunini takomillashtiruvchi shakl va metodlarini izlab topish masalalari muhim o'rin tutadi.

Bu boradagi izlanishlar ta'lim tizimidagi zamonaviy didaktik o'yinlarni joriy qilish bilan bog'liq ekanligini, ulardan maqsadli foydalanish o'quv jarayonining samaradorligini oshirishga olib kelishini ko'rsatmoqda.

Yuqorida bayon qilingan ma'lumotlarni tahlil qilish va maktabda pedagogik amaliyot davrida olib borilgan kuzatishlarimiz quyidagi xulosalarni chiqarishga imkon berdi.

1. Maktabdagi o'quv jarayonining sifati bir qator omillarga bog'liq bo'lib, ular orasida o'qitishning metod va usullari hal qiluvchi ahamiyatga ega. Ular bilimlarni ongli va chuqur o'zlashtirilishiga, o'quvchilarda mustaqillik va ijodiy faollikning rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ta'lim jarayonida o'quvchilarni o'quv materialiga bo'lgan qiziqishini shakllantirish va tarbiyalashning samarali vositalaridan biri didaktik o'yinlardir.

2. Didaktik o'yinlar o'quvchilarda tahlil qilish, mantiqiy fikrlash, tadqiq qilish, hisoblash, o'lchash, yasash, sanash, kuzatish, solishtirish, xulosa chiqarish, mustaqil qaror qabul qilish, guruh yoki jamoa tarkibida ishlash, axloq-odob o'rgatish, nutq o'stirish, til o'rgatish, yangi bilimlar o'rgatish va boshqa faoliyat turlarini rivojlantiradi.

3. Didaktik o'yinlarning asosiy turlari: intellektual (aqliy) va harakatli hamda aralash o'yinlardan iborat. Bu o'yinlar ishtirokchilarda aqliy, jismoniy, axloqiy, psixologik, estetik, badiiy, tadbirkorlik, mehnat va boshqa ko'nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi.

4. Geografiya ta'limida o'yinlardan dars jarayonida va sinfdan tashqari ishlarda foydalanish mumkin. Geografiya ta'limida foydalaniladigan o'yinlar juda xilma xil bo'lib, ularni mazmuni va foydalanish maqsadi bo'yicha informativ, mashqli, mustahkamlash, savol-javob, nazorat, vaziyatli-rolli o'yinlar kabi turlarga ajratish mumkin.

5. Didaktik o'yinlar imkoniyatlarini tahlil qilish, o'quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olish ta'lim mazmunining o'ziga xosligi geografiya kursi uchun o'yinlarning eng maqbul turlari – sayohat, kompleks ekspeditsiyalar, loyihalarni himoya qilish, matbuot konferentsiyasi, davra suhbatlari kabi o'yinlarni belgilash imkonini beradi. Ta'lim jarayonida bu o'yinlarni qo'llash o'quvchilarning bilimlari va malakalari sifatiga sezilarli ravishda tahsir qiladi, fanga bo'lgan barqaror qiziqishni shakllantirishga yordam beradi

Geografiya ta'limida didaktik vositalaridan foydalanish dars samaradorligini yanada oshiradi va o'quvchilarda ko'nikma va malakalarning shakllanishiga yaqindan yordam beradi. Buning uchun esa barcha geografiya ta'limida didaktik ko'rgazmali qurollar tayyorlashni puxta bilishimiz va amalda foydalanish dolzarb masala hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent.: O'zbekiston. 2017, 488 bet
2. Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. "Adolat" gazetasi – Toshkent.: 2017 yil, 21 aprel. №16 (1133), 1-2 bet
3. Babanskiy Yu.K. Hozirgi zamon umumiy ta'lim maktablarida o'qitish metodlari. O'qituvchi. 1990.
4. Azizxo'jayeva N.N. «Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat» -T.: 2003 – 174 b

Баратова Ф.У.

Ш. Рашидов тумани 50- мактаб ўқитувчиси

Эсиргапова Ю. А. Абдазов Ж. А. (Жиззах, ЖДПИ)

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Фан-техника инқилоби таълим тизимига замонавий ахборот технологияларини кириб келишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида таълим тизимининг сифатини, кўргазмалилигини ҳамда комплекслигини орттиришга олиб келмоқда. Бугунги кунни компьютер техникасиз тасаввур этиш қийин. Таълим тизимида компьютерлардан фойдаланиб электрон дарсликлар яратишнинг афзаллик томонлари ҳақида жуда кўплаб фикрлар билдириш мумкин.

Электрон дарсликлар бугунги кун география дарсининг самарадорлигини оширишда, унинг кўргазмалилигини, комплекслигини, қолаверса дарсининг айрим қисмларини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришда жуда катта услубий-дидактик аҳамиятга эга. Электрон дарсликлардан фойдаланишнинг асосий мақсади ўқув предмети материалларини қисқа вақт ичида ўқувчиларга тўлиқ ва аниқ етказиб бериш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ҳамда уларда фанга бўлган қизиқишни орттиришдан иборатдир.

География таълимида электрон дарсликлар асосида ҳар томонлама ривожланган ёшларни тайёрлашни кўзда тутди. Географиядан бериладиган билимлар таълим ва тарбия билан бирга қўшиб олиб борилади. Географик билимлар халқимизнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустахкамлаш учун хизмат қилмоғи лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга табиат ва жамият ҳақида умумий билимлар бериледи, бу билимлар эса, объектив дунёнинг ривожланиш қонуниятларини тушуниб олишга имкон беради. Хусусан, таълим вазифаларининг катта улуши мактаб географияси зиммасига тушади.

Мактаб географияси ўқувчиларни табиатнинг асосий компонент (таркибий қисм)лари ва табиат комплекси билан таништиради. Мактабдаги география курслари ўқувчиларга сайёрамизнинг ер юзаси ва унинг шаклланиш тарихи, иқлими, сувлари ва ер шари табиат зоналари ҳамда табиат ресурслари ҳақида билим беради.

Ўқувчилар мактаб географиясини ўрганар эканлар, ўзлари ҳали билиб улгурмаган ҳодисалар билан танишадилар ва уларнинг моҳиятини тушуниб етадилар. Фанни ўрганиш ўқувчиларни ҳаётни англаб олишларига имкон беради, табиат қонуниятларини билиб олишга ҳавас уйғотади. География таълими ўқувчиларга қуйидагиларни сингдиришни тақозо этади.

Биринчидан, ўрганиладиган географик объект пухта ўзлаштирилиши керак, бунинг учун ўқувчилар “Қаерда?”, “Нима?”, “Асли ўзи қандай?”, “Картада қандай берилган?” деган саволларга аниқ жавоб бера олсинлар. Бинобарин, мактабда ўрганиладиган барча география курсларида карта билан мунтазам равишда машқ қилиб бориш керак бўлади.

Иккинчидан, дастурда кўрсатилган географик объектларни мумкин қадар бевосита кузатиш, кузатиш имконияти бўлмаган тақдирда унинг жойланиш хусусиятини картадан аниқлаш лозим. Жойда кузатиш ишларини олиб бориш катта аҳамиятга эга. Кузатиш аниқ тасаввур, онгли тушунчаларни шакллантиришга имкон беради.

Учинчидан, ўқувчиларни географик ҳодисаларни кузатиш билан улар қайси сабабларга кўра бир-бирига боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этишини аниқлаб, “Қандай қилиб?”, “Нима учун шу ерда жойлашган?” деган саволларга жавоб бера олишга ўргатиш керак.

Мактаб география таълимининг энг асосий ва муҳим қисми ўқувчилар географик объектлар ўртасидаги алоқа ва боғлиқлик қонуниятларини аниқлай олишларидадир. География фанининг ўқитишни бундай кўйилиши ўқувчиларни географик мазмундаги фактлар устида ўйлашга ва географик муҳокамага ўргатади. Бевосита кузатиш ва карталарни бир-бирига солиштириш билан “Қандай қилиб?” ва “Нима учун?” деган саволларга жавоб бериш мумкин.

Тўртинчидан, ўқувчилар кишиларнинг географик объект ва ҳодисаларни ўрганиш натижасида улардан хўжалик фаолиятида, хусусан, табиат бойликларидан халқнинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида фойдаланиши ва табиатга режали таъсир кўрсатишни аниқлайдилар.

Мактаб географияси юқоридаги вазифаларни амалга ошириш билан бирга, ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради ва уларнинг тафаккурларини ривожланишига ёрдам беради.

Бироқ, бугунги кунда география фани бўйича тайёрланган электрон дарсликлар сони кўпчиликни ташкил этмайди ёки мактаб география фани ўқитувчиси таълимнинг замонавий техникалари, яъни компьютер, видеопроектор ва овозли воситалардан фойдалана олсада ўзи мустақил электрон дарслик ярята олиш малакасига эга эмас. Бу ўз навбатида бу масалани амалга оширишда маълум қийинчиликлар, ноқулайликлар келтириб чиқаради. Мавжуд электрон дарсликлардан фойдаланишда эса алоҳида меъзонларга асосланган услублар ҳанузгача услубчилар томонидан мукамал даражада ишлаб чиқилмаган.

География кабинетларида мавжуд бўлиши лозим бўлган географияга доир турли кўргазмали курулларни, таълимнинг техника воситаларини, географик карталарни маънан эскириб йўқолиб бораётганлиги уларни янгиларига алмаштиришдаги моддий етишмовчиликлар кўп мактаблардаги яшириш мумкин бўлмаган камчиликлардан биридир. Бу эса ўз навбатида фанни ўқувчиларга тўлақонли етказиб беришда муаммоларни келтириб чиқаради. Натижа ўз-ўзидан аён фанни тушунмаган ўқувчида

фанга меҳр уйғотиш анча мушкулдир. Шунинг учун бу камчиликларни бартараф этиш йўллари ўқитувчи ўзи қидириши лозим. Бу муаммони ҳал қилишда электрон воситалар, жумладан, электрон дарсликларни яратиш орқали ҳал қилиниши лозим.

Мақоланинг мақсади ўрта умумтаълим мактабларида география фанидан мавжуд электрон дарсликлардан фойдаланиш услублари бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, шу асосда қуйидаги асосий таклифларни бериш мумкин:

-мактаб география таълими мазмуни ва унга қўйилган талабларни ўрганиш;

-мактаб география дарсларида таълимнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларини таҳлил этиш;

-география таълимида мукамал электрон дарсликлар яратиш услубларини ишлаб чиқиш.

Электрон дарсликлар тайёрланиши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида қайд этилмоқда. Унинг таълимий хусусиятлари ўзининг комплекслиги, мавзулар бўйича барча материалларни қамраб олиши, кўргазмалиги, ўқувчилар учун дарслик билан ишлашга қараганда қулайлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, электрон дарсликлар ўқувчилар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишида тасаввурни бойитишга ҳам хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Дарьинский А.В. Методика преподавание географии. –Москва: Просвещение, 2010
2. Большая энциклопедия Кирилла и Мефодия 2001. Мультипортал WWW.KM.ru.
3. Картель Л.Н. Табыйй географиядан дидактик материаллар. –Тошкент: Ўқитувчи, 2011.
4. Курбонниёзов Р. География таълими методикаси. – Тошкент: Университет, 1992.
5. Курбонниёзов Р. Географик ўйинлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
6. Ғуломов П., Ваҳобов Ҳ., Пратов П., Маматқулов М. География. Ўрта мактабларнинг 7-синфи учун дарслик.
7. [http:// WWW.une.org](http://WWW.une.org)

Тотлибоева Д. А.

Жиззах шаҳар 10- мактаб ўқитувчиси

Ҳамдамова Г. М. Диехонбоева П. Х. (Жиззах, ЖДПИ)

ХАЛҚАРО ИНТЕРНЕТ ТИЗИМИДАГИ ЭНГ ОММАБОБ ЭЛЕКТРОН ЭНЦИКЛОПЕДИЯЛАР

Ҳозирга келиб интернет тармоғидан жуда кўплаб география фанига доир маълумотлар, интерактив маълумотлар, мультимедия дастурлари ўрин олган сайтлар ва мультипорталлар яратилмоқдаки, улардан фойдаланиб, янгидан-янги маълумотлар олиш имконияти пайдо бўлди. Буларга Россиялик мутахассислар томонидан яратилган “Новое тысячелетие Атлас Мира”, “Большая энциклопедия Кирилла и Мефодия 2017”, “Вокруг света” ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўқитувчи интернет тармоғи орқали география фанига оид турли хил адабиётлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан танишиш имконига эга. Бунинг учун электрон (виртуал) кутубхона хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Электрон кутубхона – турли маълумотлар жамланган интернет саҳифаси бўлиб, унда маълумотлар электрон кўринишда бўлади ва компьютерда жойлашади. Бу дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан туриб хориж география жамиятларининг нашрлари, географ олимларнинг янги нашрдаги китоблари билан танишиб бориш имкониятини яратади. Муҳими, бу маълумотлар доимо янгиланиб туради ва кутубхона хажми ҳам кенгайиб боради. Интернет тармоғида нафақат электрон кутубхона хизматидан фойдаланиш, балки унга маълумотлар киритиш ҳам мумкин.

Интернет тармоғининг сўнгги ютуқларидан бири масофавий таълим тизимининг йўлга қўйилганлигидир. Масофавий таълим тизимининг энг муҳим афзалликлари исталган ўқув юрти билан конференс алоқаларни йўлга қўйган ҳолда етук мутахассислар томонидан ўтказилаётган маърузаларни тинглаш, улар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш ва шу кабилардир.

Кейинги йилларда олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари интернет тизимидаги махсус сайтларда эълон қилиб борилмоқда. Бу ҳам фанимиз равнақи ва ундаги ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг энг муҳим қирралари саналади, қолаверса бу ҳолат ўқитувчиларга турли ахборот манбалардан фойдаланишлари, тадқиқот натижаларидан таълим соҳасида фойдаланиш имкониятини яратади. Бундай сайтларга иқлим ўзгариши ҳақидаги маълумотлар жамланган [WWW. Climate. uz](http://WWW.Climate.uz); [WWW. une. CH/conventions/](http://WWW.une.ch/conventions/); [WWW. unfccc.int](http://WWW.unfccc.int); [WWW. icc.ch](http://WWW.icc.ch); <http://WWW.une.org>, интернет сайтларини мисол қилишимиз мумкин. Бу сайтларда ЮНЕСКО-

Ўзбекистон “Иқлим ўзгаришлари ҳақида БМТ Доиравий Конвенцияси 6 моддасини амалга ошириш” лойиҳаси бўйича амалга оширилган тадқиқотларга доир маълумотлар билан танишиш мумкин.

Замонавий усулда дарс ўтишнинг муҳим талабларидан бири – компютер тизимини таълим соҳасига олиб кириш, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали ўқувчи ва талабаларни билим, малака ва кўникмаларни юксак даражада шакллантириш ҳамда у орқали жамиятимизга етук мутахассис кадрларни етказиб беришдир. Бу масалани ҳал қилишда ўқитувчиларимизда тинимсиз изланиш, янгиликларга интилиш талаб этилади. Зеро, бу борадаги энг оқилона йўл – интернет тармоғи орқали замонавий ахборот манбаларидан фойдаланиш борасидаги кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир.

Энциклопедия-лотинча сўз бўлиб тўлиқ доирадаги ўқиш деган маънони билдиради. Инсониятнинг тўпланган барча илмларининг мажмуага солиниб тарихий ривожланишини очиб берган қўлланма ҳисобланади. Энциклопедияда ҳар бир соҳаларининг алоҳида мужассамлашган ахборотлари тўпланган бўлади.

Энциклопедия- илмий маълумотларни кенг оммага етказиш учун, алоҳида фан ёки луғат кўринишда бўлади.

Илмий- оммабоп луғат ва маълумотлар ҳар хил мавзуларда бўлиб, барча ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлади.

Энциклопедияларнинг аҳамияти шундаки, улар дунё миқёсида тарқалиб кетган маълумотларни, янгиликларни, кашфиётларни бир тўпламга келтириб, кенг оммага етказиб беришдан иборатдир. Келажак авлодни билимли, ўз тарихини чуқур билувчи инсонлар бўлиб этишишига тўпланган маълумотларнинг аҳамияти жуда бекиёсдир. Энциклопедияни ҳозирги кўриниши XVIII асрда пайдо бўла бошлади. Энциклопедияни мукамаллаштиришига луғатлар катта аҳамият касб этган. **Луғат**- кишиларга сўзнинг келиб чиқиши ҳақида маълумот бериб, нима учун сўзлар пайдо бўлган деган саволга жавоб бермаган. Луғатларнинг камчилигини тўлдириш учун энциклопедияларни мукамаллиги ортиб борди. Ҳозирги кунда ҳалқаро интернет тармоғидаги энг оммабоп электрон энциклопедиялардан бири Кирилл ва Мефодий саналади. Кирилл ва Мефодий християн миссионерлари бўлиб, славян алифбосини, тарихий славян қўлёзмаларини ҳамда эски славян адабий тилини яратган инсонлар ҳисобланади. Кирилл ва Мефодий грек тилидан эски славян тилига асосий диний китобларни таржима қилганлар. Кирилл Мефодий энциклопедиясининг дастлабки электрон маълумотлари ҳалқаро интернет тармоғига 1996-йилда киритилган бўлиб, ҳар йили маълумотлар янгиланиб борилади. Интернет тармоғидаги Кирилл Мефодий энциклопедияси нашр қилинса 68 томли китоб ҳолатида бўлиб ҳар бир китоб 600 саҳифадан иборат бўлар эди. Ҳар йилдаги янгиланган вариантнинг электрон кўриниши, энг ишончли маълумотлар билан янгиланиб турилганлиги учун ундан фойдаланганлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

БЭКМ компания мақсадли равишда илмий тадқиқот ишларни амалга ошириб, Кирилл Мефодий электрон энциклопедиясини оммабоплигини қуйдаги маълумотлар асосида ошириб бормоқда:

- Жаҳонда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга асосланиб янгиликлар киритиш, эскирган маълумотларни ўчириш ёки қайта ишлаш йўли билан;
- Тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳақидаги авторлик мақолаларини кўпайтириш ҳамда кенгайтириш орқали;
- Мультимедияларининг имкониятларини кенгайтириш туфайли;
- Иллюстрация, аудио материаллар ведофромектлар, мультимедия-понамаралар хроника, видео тасмалар сони доимо кўпайтирилб борилаётганлиги учун;
- Янги мультимедия тасмалари ва интерактивлар пайдо бўлиши;
- Қидирув имкониятлари ортиб бораётганлиги;
- Маълумотлар сақлаш тармоғи кенгайганлиги;

Кирилл Мефодий электрон энциклопедияси куйидаги бўлимларга ажратилади:

- Тармоқлар;
- Регионал;
- Муаммоли;
- Шахсий;

Энциклопедиянинг янги имконияти, яъни, калит сўз ёрдамида керакли маълумотни кидириш тармоғи ривожланиб бормоқда.

“Вокруг света” электрон энциклопедияси халқаро интернет тармоғида 2006-йил 30 сентябрда рус тилида фаолиятини бошлади. Ундаги маълумотлар ва интерактив ресурслар нафақат, ёзма балки анимация усулида ҳам берилди бошлади. Ҳозирги кунда энциклопедия ер юзидаги барча мамлакатлар, океанлар, материклар, денгилар, йирик шаҳарлар ҳамда тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларни тинимсиз янгиланган тарзда фаолиятини олиб бормоқда.

Адабиётлар:

1. Ахборотлаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Қонуни: 1993 йил 7 майда қабул қилинган // Халқ сўзи.- 1993.- 8 май.
2. Каримов У. Электрон библиографик ресурслар яратиш технологияси ва манбалари / Масъул муҳаррирлар: М.А.Раҳматуллаев, М.Б.Бекмуродов; А. Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.- Т.: Фан, 2006.-194 б.
3. Каримов У., Раҳматуллаев М. Даврий нашрлар электрон каталогини яратиш технологияси. 2006.-82 б.
4. «Вопросы реформирования библиотечного дела Узбекистана» мавзусидаги “Бетгерхонлик – 2006” давра суҳбати материаллари тўплами / Таҳрир кенгаши: А.О. Умаров [ва бошқ.]; 2007. - 162 б.
5. www.climate.uz

Мамажонова М., Fayzullayeva S. (Jizzax, JDPI)

BOTANIKA DASRLARIDA INNAVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Bugungi kunda o‘zbek xalqi milliy o‘zligini anglash jarayonining jadallashishi munosabati bilan yosh avlod ma’naviy-ahloqiy tarbiyaning o‘rni hamda ahamiyati sezilarli darajada ortib bormoqda.

Xalqimizning ko‘p asrlik tarixi davomida shakllangan ma’naviylik va ma’rifiylik fazilatlarini yosh avlod qalbiga singdirishda madaniyat va sanoatning ahamiyati olib bormoqda. Shu bois jamiyatda ma’naviy va madaniy qadriyatlarning mustahkamlashtirish yosh avlodni milliy merosga tarixiy an’analarga hurmat, Vatanga muhabbat, mustaqillik g‘oyalari sadoqat, milliy qadriyatlarimizga muhabbat ruhida tarbiyalashda samarali omillardan hisoblanadi.

Biologiya ta'limi umumiy pedagogik jarayonining ajralmas tarkibiy qismi sifatida ta'limning umumiy maqsadlariga muvofiq o'quvchi shaxsini tarbiyalashga xizmat qiladi.

Biologiya-tirik tabiat, hayot uning kelib chiqish taraqqiyotning barcha jihatlarini haqidagi fanlar majmuasidan iborat bo'lib, umumta'lim maktablarida biologiya ta'limining roli shu fanning ta'limiy taraqqiyotidagi ahamiyati bilan belgilanadi.

Pedagogik texnologiya – o'qitish shakllarini optimallashtirish maqsadida o'qitish va bilimlarni o'zlashtirish jarayonida inson salohiyati va texnik resurslarni qo'llash, ularning o'zaro ta'sirini aniqlashga imkon beradigan tizimli metodlar majmuasidir.

Bu yerda, inson salohiyati deyilganda, o'qituvchining pedagogik va o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyati, texnik resurslar deganda o'qitish metodlar va vositalari nazarda tutilmoqda.

Pedagogik texnologiya- ta'lim jarayonining samaradorligini oshirish maqsadida o'qitish va bilimlarni o'zlashtirish jarayonida o'qituvchining pedagogik va o'quvchining o'quv-bilish faoliyatini uyg'un ravishda tashkil etish, mazkur faoliyati faollashtirish maqsadida, samarali o'qitish metodlari, vositalari va shakllarini qo'llash, ularning o'zaro ta'sirini aniqlashga imkon beradigan tizimlar majmuasidir.

Pedagogik texnologiyalarning uchta darajasi mavjud:

1. Umumiy didaktik daraja. Umumiy pedagogik (umumdidaktik, umumtarbiyaviy) darajada pedagogik texnologiyaning umumiy qonuniyatlari, konseptual asoslari, o'qituvchi va o'quvchining bilish faoliyatini tashkil etish va boshqarishning o'ziga xos xususiyatlari ishlab chiqiladi.

2. Xususiy metodik daraja muayyan bir o'quv fani, kursni o'qitish jarayonining maqsadi va vazifalarini amalga oshirish maqsadida ta'lim mazmunini o'quvchilar ongiga singdirishda foydalaniladigan o'qitish metodlari, vositalari va shakllarini majmuasi tushuniladi.

3. Lokal (modul) darajada ta'lim-tarbiya jarayonining ma'lum bir qismida mazkur qismning xususiy didaktik va tarbiyaviy maqsadini hal etishga qaratilgan texnologiya tushuniladi. Klaster, Venn diagrammasi, atamalar zanjiri, botanik diktantlar local texnologiyalarga misol bo'ladi.

Pedagogik texnologiyalarning yuqorida qayd etilgan uchta darajasi bir-birini to'ldiradi.

Hozirgi ta'lim tizimida hukmronlik qilayotgan an'anaviy ta'limni mazmunan yangilash va ta'lim – tarbiya jarayonini tashkil etishni tubdan o'zgartirishga qaratilgan texnologiyalarni didaktik maqsadlariga ko'ra guruhlarga ajratish mumkin:

1. Pedagogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratlashtirish asosidagi pedagogik texnologiya;

2. O'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish va ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirishga qaratilgan pedagogik texnologiya.

3. Ta'lim jarayonini tashkil etish va boshqarishning samaradorligini oshirishga qaratilgan pedagogik texnologiyalar.

4. O'quv materialini didaktik jihatdan takomillashtirish va qayta ishlash asosidagi pedagogik texnologiyalar.

5. Xalq pedagogikasi metodlaridan foydalanishga asoslangan pedagogik texnologiya.

Biologiya o'qituvchisi o'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish va boshqarishni takomillashtirish maqsadida avval darsning ma'lum bosqichda local (modul) darajada qo'llashi maqsadga muvofiq. Bunda avval yangi mavzu o'rganilib, o'quvchilarning o'zlashtirgan bilim, ko'nikma malakalarini nazorat qilish va baholashda nazorat testlari, turli o'yin mashqlar, musobaqa, trening o'tkazadi. O'quvchilarning bu faoliyatga kirishishi muayyan ko'nikma va malakalarni egallagandan so'ng, pedagogik texnologiyalarga asoslangan darslarni o'tkazishi, ya'ni xususiy metodik darajada qo'llashi mumkin.

Xususiy metodik darajada darsning barcha bosqichlari pedagogik texnologiya talablari asosida tashkil etiladi. Bunda o'qituvchi o'rganiladigan mavzuning ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlaridan kelib chiqqan holda qaysi texnologiyadan foydalanish, mazkur texnologiya asosida o'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etishning o'ziga xos xususiyatlari,

darsda o'quvchilarning bilishi lozim bo'lgan o'quv topshiriqlari, o'quvchilarning o'zlashtirgan bilimni nazorat qilish va baholash yo'llarini belgilashi lozim.

O'zbekiston Respublikasida amaliyotga joriy etilgan Kadrlar tayyorlash milliy dasturining amaldagi ikkinchi bosqichi ta'lim-tarbiya jarayoniga ilg'or pedagogik texnologiyalarini qo'llash, o'qituvchilarning ilg'or pedagogikva axborot texnologiyalari bilan tanishtirish orqali ularni yangi pedagogik texnologiyalarni yaratish va o'zlashjtirish yuzasidan maqsadli innavatsiya loyihalarini shakllantirishga jalb etishni ko'zda tutadi.

Adabiyotlar:

1. J.O.Tolipova, A.T.G'ofurov. Biologiya ta'limi texnologiyalari. T., "O'qituvchi", 2002
2. Azizxo'jayeva N.N. "Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat" Toshkent 2006 y

Ishonqulov B. JPI. Mamajonova M. (Jizzax, JDPI)

EKOLOGIYA DARSNI TASHKIL ETISH TAMOYILLARI VA INNAVATION TEXNOLOGIYALARI

Insoniyatning dastlabki shakllanishidan boshlab ta'lim katta rol o'ynagan. Hozirgi zamon ta'limida darsning shu darajaga yetishi uchun ming yillar vaqt sarf bo'ldi. Sinf-dars sistemasining asosiy didaktik tamoyillarini dastlab buyuk chex pedagogi Ya.A.Komenskiy bundan 400 yillar oldin o'zining "Buyuk didaktika" asarida ta'riflab bergan edi. Komenskiy davridan buyon dars tizimida va ta'lim metodida juda katta o'zgarishlar, yangiliklar sodir bo'ldi va xatto sinf-dars tizimidan voz kechuvchi guruhlar xam paydo bo'ldi. Shunga qaramasdan dars xozirgi kunda xam maktab, kollej umuman ta'lim tarbiya tizimining muhim komponenti sifatida o'z ahamiyatining yo'qotgani yo'q.

Dars pedagogik g'oyalarni amalga oshirish shakli bo'lib, o'qituvchi va o'quvchining doimiy muloqot qiladigan jarayoni xisoblanadi. Darsning asosiy maqsadi o'quvchilarning bilish faoliyatini xar tomonlama rivojlantirishdan iborat.

Ekologiya darsida o'quv-tarbiya jarayonining barcha elementlari o'zaro uyg'unlikda bo'ladi. Bular maqsad va mazmun, vositalar, metodlar, ta'limni tashkil etish shakllari bilan uzviy bog'liq.

Hozirgi zamon darsi xususiyatiga ko'ra o'zida quyidagilarni mujassamlashtirishi kerak.

1. Darsda ko'riladigan bilimlar mazmunining tarkibi. Bu bilimlar nafaqat geografik mazmun jixatidan puxta bo'lishi, balki o'zida metodologik bilimlarni xam mujassamlashtirishi zarur. O'rganilayotgan ob'ektning (materialning) ilmiy va ijtimoiy axamiyati, unga bo'lgan shaxsiy munosabatlar xam oydinlashtirilishi zarur.

2. O'rganilayotgan bilimlar mazmuniga mos bo'lgan ta'lim metodlari va vositalarini tanlash. Shunday qilinganda darsda o'quvchilar bilim faoliyati to'g'ri tashkil etiladi va rejalashtirilgan ta'lim natijalariga sinfnig o'zidayoq erishish imkoniyatlari tug'iladi.

3. Shunday ta'lim shakllarini tanlash kerakki, ular o'quvchilarning o'qishga va fanga bo'lgan qiziqishlarni, xavaslarini oshirsin.

4. O'quvchilarning mo'ljallangan (kutilayotgan) dars natijalariga erishishini ob'ektiv baxolash, ularga erishish yo'llarini dars boshidayok yetkazish.

5. Darsda ishchan vaziyat, o'zaro xurmat holatini vujudga keltirish. Ijodiy xamkorlikni barpo etish, bunda o'qituvchi-o'quvchi, o'quvchi-o'quvchi, o'quvchi-o'qituvchi munosabatlarini shakllantirish.

Ta'limda faol metodlarni qo'llash darsdagi mutloq shakllarini o'zgarishiga olib keladi. O'qituvchi materialni bayon qilishda, o'quvchilar bilimlarini tekshirishda ayniqsa faol metoddan unumli foydalanishi maqsadga muvofiq.

Xozirgi kunda keng qo'llanilayotgan dars-suxbat, dars tadqiqot, dars-konferensiya, xar xil vazifaviy o'yinlar o'quvchilarni darsga tayyorlashda, darsning ayrim bosqichlarida o'qituvchining o'rni bosa olish imkoniyatlarini yaratadi.

Bunday darslar o'quvchilarni o'qishga bo'lgan xavaslarni oshiradi. Noan'anaviy darslar o'quvchilarni bilim, ko'nikma va malakalar bilan qurollantiradi, balki ularni ijodiy izlanishga, bu tajribalarni boshqa o'quvchilarga berish yo'llarini xam o'rgatadi. O'quv xarakatlari o'qituvchi va o'quvchilar bilan muloxaza qilish va xulosa chiqarish bunday darslarning muxim qismi sanaladi.

Ta'limda texnologik yondoshuvning Ekologiya o'qitishga xam kirib kelishi an'anaviy metodlar bilan qiyoslash imkoniyatlarini yaratadi.

Xo'sh ta'limda texnologik yondoshuv nima?

- O'quvchilarning imkoniyatlari asosida maqsadlarni qo'yish va ularni yanada aniqlashtirish;

- Butun ta'lim jarayonini o'quv maqsadlariga erishishga yo'naltirish;

- Ta'limda kafolatlangan natijalarga erishishni ta'minlashga qaratish;

- Qo'yilgan maqsadlarga erishishda ta'limni korreksiya qilib borish (tuzatib borish);

- Natijalarni yakuniy baxolash.

Texnologik yondoshuvning muxim xususiyati shundaki, bu ta'limda ko'proq reproduktiv metodni qo'llashni ilgari suradi. Bu metod o'quvchini ko'proq mustaqil ishlashga va bilimlarni mustaqil egallashga undaydi. Ammo uning asosiy kamchiligi o'quvchi shaxsiga kam e'tibor qilinishidir. Demak, maqsadga erishish yo'lidagi eng muxim xususiyat o'quvchilarning individual qobiliyatlarini e'tiborga olishdir. Bunda ta'lim jarayonida erishilgan natijalar albatta baxolanib bir vaqtni o'zida korreksiya qilinib, tuzatilib borilishi kerak.

Shunday qilib, Ekologiya ta'limi jarayoniga pedagogik texnologiyani tadbiq etish ta'lim jarayonining o'zgarishiga sabab bo'ladi. Noan'anaviy ta'limda 4 ta komponent uyg'unlikda amalga oshiriladi. Bular: maqsad, mazmun, faoliyat, natija.

Yuqoridagi belgilar yordamida o'qituvchilarning darslarini baxolash imkoniyatlari paydo bo'ladi. Shunday qilingandagina mavjud darsning zamonaviy dars bo'la olish yoki bo'la olmaslik darajasini tekshirish imkoniyati tug'iladi. O'qituvchilarning zamonaviy pedagogik nazariyalarini bilishi, metodik maxoratlarini qay darajada egallanganligi, nimalarni bajarishi, o'quvchilarning bilimlarini egallashdagi qiyinchiliklar va xakozalarni aniqlashi mumkin bo'ladi.

Darslarga tayyorlanishda shu narsa unutilmasligi kerakki, xar qanday dars juda katta tarbiyaviy potentsialga ega. Uni o'tkazishda bosh rolni o'qituvchi egallaydi. Xar qanday zamonaviy ta'lim shakli, ta'lim metodini uyushtirish va ko'llash o'qituvchining o'rnini bosa olmaydi. Darslar va bilimlarning sifati o'qituvchiga bog'liq bo'lib, uning pedagogik maxorati, xayot tajribasi ko'pchilik xollarda butun sinfdagi o'quvchilarning bilim sifatini, kayfiyatini belgilaydi.

Adabiyotlar:

1. Ekologiyadan davlat ta'lim standarti – T: Xalq ta'limi, 2000. – №1. – B. 79-82.
2. To'xtayev A.S. Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish (fan dasturi). T. 2003 y.

Ҳақимов Қ.М., Қурбонова Э.К., Ниёзов Н.О. (Жиззах, ЖДПИ)

БОБУР ВА УНИНГ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИГАН ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР ҲАҚИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур нисбатан қисқа умр кўрган бўлса ҳам, жаҳон тарихида ўзига муносиб ўрин эгаллашга улгурган буюк сиймолардан биридир. Шу боис, Бобур шахси ва унинг ижоди асрлар давомида дунё олимларини қизиқтириб келган. Чунки Бобур фаолият кўрсатган соҳаларнинг қамрови кенг, агар унинг илмий-ижодий камолотини таърифласак жуда кўплаб соҳаларни санаб чиқишга тўғри келади. Унинг асарларида тилшунослик, элшунослик, диншунослик, номшунослик ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича қимматли маълумотларни топиш мумкин. Бобур шахси ва ижоди ҳақида

фақат МДХ мамлакатларида ўттиздан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари химоя қилинган.

Республика шошилишчи тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида фаолият кўрсатаётган тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирмахмуд Мирсайдуллаев, Бобур шахси ва ижодини ўрганиш баробарида, илк бор унинг тўлиқ касаллик тарихини ёзган. Шу билан бирга, таниқли олим ҳозиргача бизга номаълум бўлган Бобур Мирзонинг қиличи, муҳрлари, оригинал сурати, ханжари, байроғи ва бошқа Бобур номи билан боғлиқ ашёвий далилларни дунё музейларидан топиб, уларнинг тарихини чуқур ўрганган ва Бобур номидаги халқаро жамғарма фонди музейига нусхаларини тақдим қилган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо биринчи ўғил фарзанд кўрганида исм қўйиб беришни пири Хожа Ахрори Валийдан илтимос қилган ва устози чақалоққа Заҳириддин Муҳаммад деб исм қўйган. Бобуршунослар унинг болаликда эркатлиб айтилган “Бобур” исмини “форсча, бабр - “йўлбарс” сўзидан келиб чиққан деб тахмин қилишади. Бобур феъл-атворидаги довураклик, жаҳонгирлик, жасурлик сифатлари балки бундай аталишига асос бўлгандир.

Ўрта Осиё тарихи билан жиддий шуғулланган америкалик бобуршунос Ҳаролд Лэмб (1892-1962) ўзининг “Бобур - йўлбарс” романида шундай ривоятни келтирган: “... овчилар ғорга кириб қарашса, бир бола иккита йўлбарс боласи билан ўйнашаётган эмиш. Овчилар йўлбарс болалари билан Заҳириддин Муҳаммадни олиб саройга қайтишибди. Бу воқеа бир зумда шаҳарга тарқалиб, ҳазрати олийнинг ўғиллари йўлбарс билан олишибди, деган хабарни барча эшитибди. Ҳамма ҳайратдан ёқасини ушлабди. Шундан кейин боланинг асли исми ёнига бабр - “йўлбарс” лақабини қўшиб айтадиган бўлибдилар.

Ҳ.Лэмбнинг “Бобур-йўлбарс” асарини инглиз тилидан ўзбекчага ўттирган филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети доценти Ғофуржон Сатимов Бобур лақаби ҳақида яна бир хулосани баён қилган. Олимнинг ёзишича, Бобурнинг бу лақаб билан аталишига бобоси Юнусхон сабабчи. Невараси бир ёшга тўлиши муносабати билан уни йўқлаб келган она томонидан бобоси Юнусхон чақалоқни боши узра баланд кўтариб, “бу кичкина йўлбарс”, деб хитоб қилган. Ўшандан кейин шахзодани шу ном билан эркатлатган эканлар.

Маълумки, ҳар қандай исм бир тилдан бошқа тилга, бир ёзувдан бошқа ёзувга ўтирилганда ўша тил қоидалари ва имкониятларига мос тарзда баъзи ўзгаришларга учраши мумкин. Бобурнинг исми қандай ёзилиши ва унинг келиб чиқиши масаласи билан европалик бобуршунослар 19 асрдан бошлаб қизиқишган. Масалан, инглиз шарқшуноси Ҳенри Бевериж 1900 йили бу ҳақда махсус мақола эълон қилган. Рус шарқшуноси А.Н.Самойлович Бобур ягона тўғри талаффуз эканлиги рус шарқшунослари томонидан ҳал қилиб бўлинганини таъкидлаган.

Аммо, бабр сўзи кейинча, бобур шаклига ўзгарган деган фикрга эътироз билдирган олимлар ҳам йўқ эмас. Масалан, АҚШ даги Ҳарвард университетининг шарқ тиллари бўйича профессори, бобуршунос Вилер Текстон Бобур исмидаги “о” унлиси чўзиқ, “бабр” сўзида унинг ўрнидаги унли қисқа эканлигидан келиб чиқиб, мазкур фаразга эътироз билдирган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан аввал ҳам ва ундан кейин ҳам, темурий шахзодалар орасида Бобур исмли шахслар бўлган. Ана шулардан бири, Бойсунғур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобурдир (1422, Ҳирот - 1457, Машҳад). У темурийларнинг Хуросондаги ҳукмдори (1449-1457 й.) бўлган. Абулқосим Бобур 1422 йили, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан 61 йил олдин Ҳирот шаҳрида туғилган ва у ҳам туркий ва форсий тилларда шеърлар ёзган. Бойсунғур Мирзонинг ўғли Абулқосимга Бобур номи қандай берилганлиги тарихини ўрганиш керак бўлади.

Бугунги кунда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталган объектларни дунёнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Шулардан бири Қашдадарё вилоятининг Қамаш тумани ҳудудида жойлашган Бобуртепа қишлоғидир. 1500 йили Бобур Кешдан Ҳисорга бораётиб Лангар сойи ёқасида бир муддат тўхтаган ва бу ердаги қишлоқ кейинчалик Бобур номи билан аталган. Ҳиндистоннинг Ҳарияна штатидаги қишлоқлардан

бири Бобурпур деб аталади. Қишлоқ Панипат шаҳридан саккиз чақирим узокликда жойлашган. Шаҳардаги хотин-қизлар коллежи, қишлоқ ичидан оқиб ўтадиган анҳор, бозор, темир йўл бекати Бобур номи билан аталади. Мазкур қишлоқ Панипат жангидан кейин пайдо бўлган ва унда асосан, Мовароуннаҳр ва Хуросондан келиб қолганларнинг авлодлари истиқомат қилишади. Панипат жанги бўлиб ўтган жойнинг ёнидаги бир қишлоқда Бобур кўприги бор. Айтишларича, Бобур жангга тайёргарлик кўраётган вақтда артеллерия тўпларини олиб ўтиш учун мустаҳкам бир кўприк қурдирган ва у ҳозиргача унинг номи билан аталади.

Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистонда ҳам Бобур номли қишлоқлар бор ва уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Масалан, Тожикистоннинг тоғли Мастчоҳ туманидаги сўлим қишлоқлардан бирида, Бобурнинг онаси ва хотини ёз ойларида келиб дам олишган. Кейинча, бу қишлоққа Бобур номи берилган. Хусусан, Афғонистонда ўндан ортиқ кўрғон, қишлоқ ва боғлар Бобур номи билан аталади. Афғонистоннинг Ўғоч вилоятида катта бир қалъани қадимдан Бобур қалъаси деб атайдилар. Россия топонимияси таркибида Бабуриин, Бабуриинский, Бабурино каби номлар учрайди. Русларда Бабуриин, Бабуриов, Бабура каби фамилияларни ҳам учратиш мумкин. Покистонда Бобур қаздирган қудуқни маҳаллий аҳоли ҳозир ҳам фойдаланади ва уни Бобур қудуғи дейишади. Покистон ҳарбий ҳаво кучлари раҳбариятининг Бобурга бўлган муҳаббати тимсоли сифатида янги ишлаб чиқилган ракеталардан бирини уни номи билан атаганлар.

Бобур маҳоратли қиличбоз ҳам бўлган, у ўзи билан доимо олиб юрадиган қиличлардан бири ҳозир Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида сақланмоқда. Қиличнинг тиғ қисмида “бисмиллоҳ” деган ёзувни аниқ кўриш мумкин. Панипат жангида камарига тақиб юрган Бобурнинг ханжари ҳозирда Париждаги Лувр музейида сақланмоқда. Маълумки, Ўрта Осиё халқларида қадимдан белбоғга пичоқ ёки ханжар тақиб юриш расм бўлган. Сўнги вақтда дунёга машҳур “Coca-Cola” компаниясининг «Бобур» номли ичимлиги ҳам савдога чиқарилмоқда.

Дунё мамлакатларида Бобур номи билан боғлиқ бўлган бошқа объектлар ҳам кўплаб топилади. Ана шулардан бири “Бобур юлдузи” бошқотирмасидир. У бир нечта қисмлардан иборат, қисмлар тўғри йиғилса симметрик конструкция пайдо бўлади. Бундай бошқотирмани Европа ёшлари ақлини чархлайди деб, бўш вақтларида ундан фойдаланишни хуш кўрадилар. Парижда Бобур номи билан қадимий квартал, кафе, меҳмонхона аталган бўлса, Лондон, Деҳли, Нью-Йорк, Торонто, Тароз шаҳрларида унинг номи билан аталадиган ресторанлар фаолият кўрсатмоқда.

Қизиғи шундаки, Тюмень шаҳридаги ресторанлардан бирининг бош ошпази Ҳиндистонга бориб, у ердан “Бобур салати” ни тайёрлашни ўрганиб келган ва бу салатни ресторанга ташриф буюрувчилар хуш кўрар экан. Истанбул шаҳридаги “УКР-БОБУР” кондитер фирмаси “Бобур ширинликлари”ни ишлаб чиқармоқда, сифатли ва арзонлиги туфайли маҳаллий халқ ва шаҳар меҳмонлари уларни севиб истеъмол қилишади. Болгария давлатида эрта пишар, серҳосил, витаминларга бой “Планска Бабура” номли қалампир тури яратилган. Ушбу қалампир турини яратган селекционер “Бобурнома” ни ўқиб, буюк саркарда, шоҳ ва шоирнинг номини ўз кашфиётига қўйишга аҳд қилган дейишади.

Бобур номи билан боғлиқ, аммо ҳозиргача кўпчиликка маълум бўлмаган яна бир рўзғор буюми ҳақида гапириш ўринли. Бундан бир неча йил аввал Жиззах вилояти муסיқали-драма театри биносида ташкил этилган бир кўрғазмада Янгиобод тумани Чоканд қишлоғидаги мактаб музейи экспонатлари намойиш қилинди. Экспонатлар орасида катта мармар товоққа “Бобур бу товоқда ош еган” ёзувга кўзимиз тушиб қолди. Мактаб директоридан товоқ қандай қилиб мактаб музейига келиб қолганлиги тарихи билан қизиқдик. Тахминларга кўра, товоқ кўп йиллар давомида маҳаллий одамларнинг бирини уйда сақланган ва авлоддан авлодга мерос сифатида қолдирилган. Мустақилликдан кейин товоқ мактаб музейига тақдим этилган. Ҳозирги кунда бу сир-синаотга бой товоқ мактаб музейида сақланаётган бўлиши керак.

Мухтасар айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисқа ҳаёти давомида қаерларга борган бўлса, ёки қайси юртларни босиб олган бўлса ўзидан фақат яхши ном қолдирган. Шу сабабдан, ўша даврларда ҳам кўплаб географик объектлар унинг номи билан аталган ва ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда. Зеро, Ҳасанхожа Нисорий таъкидлаганидек, “Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир”.

Адабиётлар:

1. Бобур энциклопедияси. -Т.; “Шарқ”, 2014. 744 -б.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. -Т.; “Ўқитувчи”, 2012. 287 -б.
3. Мирсайдуллаев М. Бобур номи ила аталган. -Т.; “Мумтоз сўз”, 2014. 139 -б.
4. Қораев С. Топонимика. Ўқув қўлланма. -Т.; “Ўзб.файл.жам”. 2006, 320 -б.
5. Ҳасанов Ҳ. Ўртаосиёлик географ ва сайёҳлар. -Т.; “Ўзбекистон”. 1964, 360 -б.
6. Ҳакимов Қ. Топонимика. Дарслик. -Т.; “Мумтоз сўз”, 2016, 368 -б.

Валиева Ш.И. (Самарқанд, СамДУ)

ЎРТА ЗАРАФШОН ГИДРОНИМЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Инсоният тирикчилигини сувсиз тасаввур қилиш қийин. Кишилар азал-азалдан сувни муқаддас, деб билганлар. Топонимияда сув объектлари номлари, яъни гидронимлар энг қадимги географик номлар ҳисобланади. Шунингдек, гидронимларни тадқиқ қилиш тарихимизни англаш билан биргаликда, келажакда ирригацияни ҳамда гидрологик иншоотларни ривожига ва тараққиётга ҳисса қўшади.

Ўрта Зарафшон водийси қишлоқ хўжалигида, деҳқончилик ишларида асосан дарё ва булоқ сувларидан фойдаланади. Гидрологик иншоотлар номлари, яъни гидронимлар географик номлар орасида энг қадимги ва турғун турни ташкил этиб, улар минг йиллардан буён ўзгартирилмаган ҳолатда илмий адабиётларда ишлатилиши билан характерланади. Бундан ташқари, уларни сони ҳам кўп. Жумладан, биргина Дорғам ирригация тизимида 160 та канал ва ариқ, Нарпай каналидан 375 та ариқ сув олиши, бундан ташқари, юзлаб тоғ сойлари, булоқ, ҳовуз, кудуқ ва бошқа гидрообъектлар, уларнинг номлари масаласи гидронимларнинг топонимиядаги ҳиссаси катта эканлигини кўрсатади (Бегалиев Н.Б., Туробов А.М., 2015).

Маълумки, Самарқанд шаҳри дунё бўйича энг кўхна шаҳарлардан бири ҳисобланади. Ривоятларда шаҳар номининг келиб чиқишида сувнинг роли ҳақидаги ҳикоя ҳам бор. Унда шундай дейилади: “...шаҳарнинг бир ерида Самар деган шахс томонидан қазилган булоқ бор эди. Улус (халқ) ўшал булоқ теварагига йиғилишиб ўрнашган эдилар. Шу сабабдан у ўриннинг оти “Самарқанд” деб шуҳрат чиқарди” (Абу Тохирхожа Самарқандий, 1991.16 б). Самарқанд ҳақидаги маълумотларда шаҳар ва унинг маҳаллаларини суғорган йирик каналлар алоҳида тилга олинади. *Оби Маишад, Чокардица, Новадон, Сангин (Чашмаи Сиёб), Маздахин* ва бошқа ариқларнинг шаҳар ҳаётидаги ўрни қарийиб барча манбаларда қайд қилинган.

Вилоятдаги энг катта дарё бу Зарафшон дарёси бўлиб, у Зарафшон музлиги ва Матчоҳ, Фан, Киштут, Маҳан каби дарёлардан тўйиниб, дарё сувининг 90 фоизи водийнинг боғ ва экинзорларини суғоришга сарфланади. Шунинг учун бўлса керак, олимлар дарё сувининг ҳаётбахш аҳамияти туфайли уни “зар сочувчи” дарё номини беришган (Қораев 2005, 114).

Антик давр адабиётларида жумладан, Арианнинг “Искандар юришлари тарихи” асарида Зарафшон дарёси *Политимет* номи билан тилга олинади. Грек тилидан таржима қилинганда “*Кўпишуҳратли дарё*” номини англатади (Зоҳир Аълам, 2008, 87 б.).

Геолог олимлар эса гидроним таркибидаги “зар” (олтин) сўзига эътибор қаратишиб, дарё асосан қумлар билан бирга олтин заррачаларини оқизиб келтирган, дейдилар. Умуман олганда, Зарафшон гидроними тарихда ўндан зиёд номларда қайд қилинган. Чунончи, Политимет, Бухоро дарёси, Жирт (X аср), Жон, Кўҳак, Номик, Намик, Оби Кўҳак, Суғд дарёси каби номларда талқин қилинган (Музаффаров Т., 2011. 22 б.)

Самарқанд вилоятдаги иккинчи йирик суғориш тизими Дарғом канали бўлиб, у V асрларда барпо этилган. Ўрта асрларда канал номи *Барш* номи билан аталган. Канал Зарафшон дарёсидан ажралиб, Самарқанд, Тайлоқ, Пастдарғом туманлари қишлоқ хўжалигидаги экинларини суғоради. Сувининг ортиқчаси яна Зарафшон дарёсига қуйилади. Дарғом табиий ўзан ҳосил қилиб оқади. Археолог олимларнинг тақидлашича, Дарғом дастлаб Ургут тоғларидан бошланган сойларнинг баҳорги тошқин сувлари ҳосил қилган чуқур жарлик, ўздан оққан. Кейинчалик, у Равотхўжа қишлоғи ёнида қурилган тўғон орқали сув олган. Ушбу тахминлардан келиб чиқиб мутахассис олимлар канал ёшини икки минг йиллик эканлиги айтишади. Сабабиким, Дарғом номи дастлаб Клавдий Птоломейнинг (II аср) “Географик қўлланма” асарида Дарғоман шаклида келтирилган. Каналлардан шохобларга - ариқларга сув боғлаш учун ўрнатилган кичик ҳажмдаги махсус тўғонлар “дарғот” дейилган. Форс – тожик тилдан келиб чиққан бу сўз Дарғом номида ҳам ўз ифодасини топади. Бошқа манбаларда эса, Искандаргом, Искандарём шаклларида қайт қилинган. Суғд тилида “искандар” -баланд, юқори демакдир. Хинд-европа тилларида гом, ком, кам, ким- “дарё” деган маънони англатади. Демак, Дарғам, Дарғом “Баланд дарё”, “Тўғонли канал” маъноларини англатар экан.

Ҳозирги даврда Дарғом Юқори Зарафшон гидроузелидан сув олади. Инженерлик типиди 1913 йили қурилабошлаган бу сув иншооти 1930 йилда ишга тушган ва у Биринчи Май тўғони номи билан юритилар эди. Эндиликда у Равотхўжа тўғони деб аталмоқда.

Самарқанд вилоятининг қадимий гидронимларидан яна бири Нарпай канали ҳисобланади. Канал 9-10 асрларда яшаган Табарий, араб географи ибн Хавкал асарларида бу канал Наҳри Кай шаклида тилга олинган. Рус тарихчиси В.И Вяткин вақф хужжатларини ўрганиб, Сўғднинг энг обод қисмини суғориб келган бу каналнинг номи Наҳри Пай эканлигини исбот қилган. Наҳри Пай -яъни наҳр- арабча “арик”, “канал” деган маънони англатади ва бу сўз бора-бора Нарпай сўзи билан аталади.

Самарқанд ва унинг туманларини сув билан таъминлаш масаласи бу ерда турли сув иншоотларидан фойдаланишни талаб қилган. Самарқанд ирригация системаси терминологиясида ҳар хил терминлар билан ясалган гидронимларининг кўплиги ҳам шу билан изоҳланадики булар, *Коризгоҳ канали* (Самарқанд шаҳри), *Коризқудуқ* (Нуробод, Пахтачи), *Арнаарик* (Оқдарё), *Жонбулоқ* (Кўшработ), *Қуруқсой*, *Нова*, *Девхонасой* (Ургут), *Қўшқудуқ* (Нуробод), *Норқозоққўл* (Жомбой), *Эски Анҳор* (қадимги номи Манас) (Самарқанд тумани), *Тўққизҳовуз* (Пахтачи), *Дамхўжа*, *Сағанақ* (Иштихон), *Қорасув*, *Шаршар*, *Мирзакент коллектори* (Булунғур), *Нишабарик*, *Жуйруқарик* (Жомбой), *Бўзарик*, *Янгитарнов*, *Тарноварик*, *Қудратқубур*, *Тезарик* (Пойарик) каби минглаб номлар мисолида вилоят гидронимиясини ўрганиш мумкин.

Ундан ташқари Ўрта Зарафшон гидронимида Каттақўрғон сув омбори (1940-1967), Оқдарё сув омбори, Тўсунсой сув омбори, Оқдарё сув айирғичи, Дамхўжа гидроузели, Тосс, Шавот, Марказий Миёнқол каналлари ва бошқа номлар ҳам суғориш иншоотлари ҳақидаги кўплаб ҳикояларга мавзу бўлишлари мумкин.

Адабиётлар

1. Абу Тохирхўжа. Самария. -Т.: Камалак, 1991. - 336 б.
2. Бегалиев Н.Б., Туробов А.М. Самарқанд топонимияси. -Самарқанд, 2015. -120 б.
3. Зоҳир Аълам. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. -Т.: Yurist-media markazi, 2008. -184 б.
4. Музаффаров Т. Тайлоқнинг нурли излари. -Т.: 2011. -392 б.
5. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Тошкент, ЎМЭ, 2005.

Эшбоев Б.Т., Мўминова Ш.Ш. (Қарши, ҚарДУ)
**ТОҒЛАР ТАБИАТИ ВА ОРОНИМЛАРДА ТАБИЙ ГЕОГРАФИК
ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ТАВСИФИ
(ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

Географик номлар инсон яшаш тарзининг ажралмас қисми сифатида жамиятнинг муҳим бўғинини ҳосил қилади. Кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан буён атрофдаги географик объектлар ва табиат ҳодисаларини ўрганиш асосида уларни турлича номлар билан аташган.

Деҳқонобод тумани Қашқадарё вилоятининг тоғли туманларидан бири бўлиб, ҳудуднинг деярли барча қисми тоғ ва тоғолди адирлари, тоғ оралиғи водийларидан иборат. Тоғли ҳудудларнинг геоморфологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда турли экзоген жараёнлар, карст, суффозия, дарёларнинг емирувчанлик фаолияти таъсирида рельефи ниҳоятда парчаланган ва шу билан биргаликда хилма-хил оронимларни ҳосил қилган. Туман топонимлари таркибида оронимлар салмоқли ўрин эгаллайди, шунингдек ороойконимлар, орогидронимларнинг ҳосил бўлишида ҳам уларнинг ўрни катта. Ҳудуд оронимларида шунингдек, ўзига хос орографик ва оронимик терминлар жой номларида фаол қўлланилган бўлиб, топонимик позитивлик қонунияти асосида жуда кўплаб жой номлари ҳосил бўлган.

Ҳудуд оронимлари таркибида рельефнинг муҳим белгиларини англатувчи *камар, дара, даҳна, ўр, қир, тепа, тов, сой* ва бошқа бир қанча терминлар фаол қўлланилган. Тоғликлар нутқида *камар* сўзи тоғ ёнбағрининг тик жарликли, ўйик, ковак қисмларига нисбатан қўлланилади. Туманда *камар* термини асосида *Пачкамар, Даукамар, Қоракамар, Откамар, Қўшкамар, Камарқишлоқ* каби оронимлар ҳосил бўлган. *Даҳна* (форсча-тожикча) – тоғликлар нутқида кўп маъноларга эга бўлиб, даранинг тор, энсиз, сиқик жойи, дарага кириш йўлининг боши, даранинг бошланиш ё тугаш нуқтаси, тор жилғанинг ўзани қисқа жойи, ариқнинг майда шахобчаларга бўлинган жойи, банд ва ҳ.к. (Нафасов Т., 1993, 2009) сифатида жой номларида иштирок этган бўлиб, *даҳна, даҳана, дағана* шаклида топонимлар ҳосил қилади ҳамда аксар ҳолларда ороним ва гидронимларда фаол қўлланилади. *Даҳана, Оқдаҳана, Қорадаҳана, Қорадағана, Қуруқдаҳна* юқоридаги сифатларни ўз номида муҳрлаган.

Катта Ўрадарё ва Лангар дарёси оралиғида парчаланган, юқори қисмида ясси рельефга эга бўлган, палеогеннинг бўрсимон оҳактошларидан таркиб топган Лангар – Қорабел қирлари жойлашган. Т.Нафасовнинг таъбирича бирон сўз шарқ жой номлари системасида *лангар* сингари кўп тарқалган ва тарихий эмас (Нафасов Т., 1988). Қорабел топонимида *қора* – паст, қорсиз тоғ мазмунини беради. Умуман оронимияда *қора* сўзининг – паст, қорсиз, баъзан ўсимликсиз ҳолатини англатади. *Бел* сўзига Бобурнома, Девону луғатит-турк каби тарихий асарларда ҳам таъриф берилган бўлиб, довол, тоғнинг пасайган қисми тушунилади. Қорабел – паст доволли, ўтиш жойлари пастроқ бўлган тоғ мазмунини ўзида мужассам этган.

Қорабел тоғининг энг баланд нуқтаси (1292 м) Катта Чангарак чўққисидир. Форсча-тожикча *сангак, сангоҳ - тошлоқ* сўзининг ўзгарган шакли. Топоним дастлаб *сангак-чангак* шаклида бўлган, кейинчалик кўплик аффикси –*ак* қўшилиб, чангарак шаклини олган. Топоним таркибидаги сўнгиговушлар ўзаро ўхшаш бўлганлигидан топоним таркиби ўзгаришга учраган ҳамда *к* говуши *р* говушига айланиш жараёни юз берган. *Сангак* сўзининг тош, қоя шакли ҳам мавжуд. Чангарак – Тошлоқзор, тепалиқ, ўнқир-чўнқир тошлоқли қоя сифатида изоҳланиши мумкин. Шунингдек бу тоғда баландлик кўлами кичикроқ шу номдаги чўққи ҳам борки, ҳар иккала топонимга катта ва кичик сифатловчи сўз қўшиш асосида биридан иккинчиси фарқланади. Лангар қирларида Тоғорасой номли сойлик бўлиб, рельеф тузилиши тоғорага ўхшаш ботик тузилишда бўлганлигидан шу номни олган.

Ҳисор тоғлари жануби-ғарбий тармоқларининг бир қисмини шимолда Катта Ўрадарё, жанубда эса Кичик Ўрадарё водийси билан чегараланган Бобосурхон – Қорасирт

тоғлари ҳосил қилади. Бу тоғларнинг ўртача баланд минтақасини 1500-2600 метр баландликдаги тоғлар ҳосил қилади. Совуқбулоқ довонидан шарқда жойлашган бу минтақада тўлқинсимон ясси сувайирғичлар, эгарсимон, тик ёнбағирли қоятошли даралар, карст воронкалари ва ғорлар хилма-хил рельеф шакллари ҳосил қилади. Қорасирт топонимида *қора*–баланд, юқори, *сирт*–тоғ устидаги кичик ҳажмли текислик ёки текисликлар борлигини ифодалайди. Бобосурхон тоғининг ўртача баландлиги 900-1500 метрни ташкил этади. Бобосурхон (баъзан Бобосурхак) номи ҳам орографик термин билан боғлиқ топонимдир. *Бобо* сўзи жой номларида улкан, катта, буюк, муқаддас мазмунида қўлланилади. *Сурхак-сурхон-сурхоб* худуднинг қизғиш тупроқли ёки қизғиш сувли эканини билдиради. Бобосурхон – қизғиш тупроқли баландлик, тоғлик.

Чакчар тоғининг жануби-ғарбий қисми ва Қорасирт тоғининг шимоли-шарқий қисмида меридионал йўналишда Сариқия тоғи қад кўтарган. *Сари* сўзи фонетик жиҳатдан *сарик* сўзига ўхшаса ҳам улар турли маънога эга омонимлардир. Қозоғистон топонимиясида *сари* “кенг, чўзилган” деган маънони ифодалайди (Дўсимов З., 1977). Тожиқча-форсча *сари* – бош, юқори маъноларида келади, остона ёки қирғоқ шаклидаги мўғулча шакли, тараф, томон, йўналиш турини англатувчи *сари* сўзи ҳам мавжуд. Қуйи Қашқадарё туркманларининг *сарик-сари* уруғи бор, манғит, батош, қўнғирот ва бошқа уруғларнинг ҳам *сари* - *сариг* номли уруғи бўлган. Топонимнинг иккинчи таркибини ҳосил қилган *қия* – қоя сўзининг ўзгарган шакли. Сариқия (аслида Сариқоя) бош қоя, баланд, юксак чўққи, тик қоя мазмунини ифодалайди. Сариғўрим топоними Сариқия топонимига шаклан ўхшаш ва мазмун жиҳатдан ҳам синонимдир. Яғноб тилида ғор, сўғд тилида ғар – йирик думалоқ тош (Нафасов Т., 1988) маъносида қўлланилади. Демак Сариғўрим ороними ҳам тоғ юқориси, баландлик маъносида қўлланилган бўлиб, жойнинг рельеф хусусиятини ўз номида намоён этади.

Дехқонобод тумани Белибойли қишлоғининг жанубида ажойиб шаклга эга бўлган Қопқоқли Овуз тоғи жойлашган бўлиб орографик тузилиши худди қопқоқ оғзидек, овал шаклга эга бўлганлигидан шу ном билан аталган.

Кичик Ўрадарё водийсининг жануби-ғарбида ўртача баландликдаги Оқбоштоғ жойлашган. Унинг максимал баландлиги 2172 метрга етади. Топоним таркиби оқ+бош: туркий тилларда *оқ*–баланд, юксак, қорли тоғ, *бош*–оронимияда баланд тоғ, тоғнинг баланд қисми, тоғ чўққиси. Оқбош топаасосга кейинчалик турдош от номи бўлган *тоғ* сўзи қўшилиб Оқбоштоғ номи олан. Маҳаллий аҳоли ҳозир ҳам Оқбош деб аташади. Оқбоштоғ - баланд тоғ мазмунига эга.

Бобосурхон тоғининг ғарбдаги давоми ҳисобланган Кайпантоғ ҳам худди юқоридаги топонимик мазмуннинг ўзгинаси. Қадимги эроний тилда *кауфа*-тоғ, баланд тоғ, *-он*, *-ан* суффикси мавжудликни билдиради. Кайпантоғ - баланд тоғ, юксак тоғ демакдир. Дехқонобод шаҳарчасидан ғарбдаги Одамтош тоғ массиви (баландлиги 1279 метр) номи ўхшатиш асосида номланган. Тоғнинг баланд қояли қисми узоқдан қараганда одам кўринишига ўхшаганлиги учун унга шу номни беришган, *тош* термини эса тоғ ёки қоя маъносида қўлланилган. Дехқонобод туманининг жанубий қисмида Эллиқбош тизмаси жойлашган. Тоғ атрофдан кескин кўтарилган бўлиб, чўққи ва қоялари узоқдан қараганда ҳам яққол кўриниб туради. Шу туфайли маҳаллий аҳоли тоғни серчўққи тоғ, чўққи ва баланд қояларга сероб тоғ маъносини берадиган Эликбош номи билан аташгани бежиз эмас.


Дехқонобод тумани оронимларининг кўпчилиги рельефнинг муайян хусусиятларини ўз номида асрлар давомида маънавий бойлик сифатида сақлаб келмоқда ҳамда улар географик тадқиқотларнинг муҳим манбаи сифатида қадрланмоқда.

Адабиётлар:

1. Дўсимов.З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1977. - 174 б.
2. Нафасов Т. Ўзбек номномаси. Қарши: Насаф, 1993. -152 б.
3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1988. -288 б.

Умурзоқова У.Қ., Лапасов И.У., Худойбердиев Н.Х (Жиззах, ЖДПИ)
СИР ҚУЧГАН ТЕПАЛИК-ДОНҒАРА

Юртимизнинг ўзига хос гўзал ва бетакрор гўшалари жуда ҳам кўп. Ана шундай гўшаларни Жиззах вилоятининг кўплаб туманларида хусусан, Бахмал туманида жойлашган Данғара қишлоғида ҳам яққол учратиш мумкин. ”Ҳосиятли замин” деб Донғаратепа I-VII аср. Қулф-қалъанинг тахминий тикланган куриниши.



1.кушк, 2.ҳовуз, 3.ҳовли сахнаси, 4.йўл, 5.сопол қувур, 6.хужралар, 7.лой қоришма, 8.тегирмон тоши.

аталмиш Бахмал туманидаги Данғара қишлоғи Жиззах вилоятининг балки республикамизнинг энг чекка қишлоқларидан бири бўлиб, вилоятнинг жанубий шарқида Моргузар тоғларининг этагида жойлашган. Рельефи тоғлик ва тепаликлардан иборат. Қишлоқ ҳудудида икки тепалик мавжуд бўлиб, бу тепаликлар қишлоқнинг шу ном билан аталишига сабаб бўлган. Қишлоқда қарийиб бир асрдан буён яшаб келаётган Гиёс бобо қишлоқнинг келиб чиқиши ва шу ном билан аталишини қуйидаги фикрлари билан изоҳлайди: “Қишлоғимизнинг келиб чиқиш тарихи узоқ вақтларга бориб тақалади. Қадим замонларда бу жойнинг аҳолиси турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирган бўлиб, бу маҳсулотларнинг асосий қисмини буғдой ташкил қилган бўлиб. Қишлоқ аҳолиси бу катта майдонлардаги ҳосилни қўл ўроқлари ёрдамида йиғиштириб олган. Йиғиштириб олинган ҳосилни тоғ этагида хирмон қилиб, донини бир томонга, сомонини бир томонга тўплаганлар. Улар шунчалик баланд хирмон қилишганки, хирмонни узоқдан кўрган одамлар уни тепалик деб ўйлашган ва шу томонга қараб кела бошлаган. Келаётган одамларни кўриб, қишлоқ аҳолисида кўрқув пайдо бўлган. Улар, бу келаётган нотаниш кимсалар бизнинг йиғган хирмонимизни олиб кетади деб ўйлаган ва худодан шу икки тепаликни тупроққа айланиб қолишини қаттиқ илтижо қилган. Натижада бу икки буғдой ва сомон хирмонлари тупроқ тепаликларига айланиб қолган экан”. Ҳозирги кунда бу тепаликлар “Донғаратепа” деб номланади. Бу тепалик Бахмалдаги барча тепаликлардан тубдан фарқ қилади. Дон ва сомон уюмлари тасаввурини берувчи бу тепалик кексаларнинг айтишича, қадимда “Ноғоратепа” деб аталган. Бу икки тепалик ўзига хос тузилиши билан бошқа тепаликлардан тубдан фарқ қилиб, ҳанузгача инсонларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Тепаликлар бениҳоя баланд қўштепаликлар бўлиб, унинг устида пойдеворлар, марказий қисмида йирик тош ҳам мавжуд. Пойдеворлар табиий географик жараёнлар таъсирида емирилиб ўсимликлар дунёси билан қопланган. Дон ғарами тасаввурини берувчи тепалик усти тоғри тўртбурчак шаклида бўлиб, майдонининг ўлчами 34х34метр. Гир айланаси 42 та хужрадан иборат бўлиб, тоғ томондан ҳовлига битта кириш жойи бор. Ҳовли ўртаси кўтарилган. Тепалик пойида эрамиздан аввалги

топилмаларнинг синиқ бўлаклари сочилиб ётибди. Айтишларича бу масканда шоҳ казининг муҳташам кушки (туркий ва форс тилларида - далаҳовли; шаҳар ташқарисидаги қаср маъносини беради.

Қадимда баланд, баҳаво қилиб қурилган йингил иморатлар шундай ном билан аталган) бўлган эмиш: маликанинг қирқ канизига қирқ хужра, қўриқчи ва хизматкорга икки хужра. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бу тепалик ва унинг атрофи ўтмишда ниҳоятда обод ва гавжум жой бўлган. Икки тепалик орасидаги унча катта бўлмаган сойликда спол буюмлар яшаш учун лой қоришманинг жуда катта уюми, ҳали тарашланмаган тегирмон тоши бор. Демак, кўпгина уй- рўзғор буюмлари, ҳатто хиштлар ҳам шу ернинг ўзида таёрланган. Тегирмонлар учун тошлар ҳам шу ернинг ўзида тарашланган.

Ислом истилосидан сўнг бу тепаликлардан фойдаланиш зарурияти камайган ёки мақсади ўзгарган. Асосан мавжуд тепаликларнинг баъзилари ем кўнилги, бир нафас дам олиб ўтиш жойи бўлган. Чингизхонлар сулоласи даврида чопарлар, хабарчилар шундай тепаликларнинг бирортасида ҳориган от-уловларини совутган ёки, тайёр от-уловларни бетўхтов алмаштириб, кўзлаган манзиллари йўл юришда давом этганлар. Шундай “ем” типидagi тепаликларнинг аксарият қисмида чопарлар учун тайёрлаб қўйилган озиқ-овқатлар, сув захиралари, кийим-кечаклар, эгар-абзаллар доимий сақлаб турилган. Агар ғаним пайдо бўлиш хавфи туғилса, яшириниш учун кўздан пана махсус ихоталанган лаҳимлар, ўралар қазилган. Баъзи тепаликлар “маёқ” вазифасини ўтаган, баъзиларида эса нуфузли хонадонлар ўтов тикиб, тасарруфидаги ерларда бўлаётган ишларни назорат қилиб турганлар. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида бу тепаликлар тамирланиб, чор-атрофида гавжум, обод қишлоқлар бунёд этилган. Ўсман шаҳарчасидаги Усмон ота дахмаси устида қад ростлаган Қўрғонтепа шу даврларда қайта тикланган. Бундай тепаликлар Бахмалнинг тарихий-археологик ёдгорликлари ҳисобланади. Биз юқорида тақидлаган “Донғаратепа” ҳам шулар жумласидандир. Бу юзлаб тепаликлар бизни ўтмиш хотираларини ёд этишга даъват этиб туради.

Бу тепаликлар, қўрғонлар, “қулф-қалоа” лар ва қонли ғорларнинг сукут сақлаб туриши не-не суронли, шонли ва қонли даврларнинг тилсиз гувоҳидир. Худди шундай жойлар бағридан топилган осори-атиқаларгина узок ўтмиш сирларидан ҳайратли хикоялар сўзлайди.

Адабиётлар:

1. Саййид Азим. “Бахмалнома” Самарқанд, “Санғзор”, 2001.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т, ЎзМЭ, 2002.
3. Интернет сайтлар: www.jizzax.uz;

ЖОНКУЯР УСТОЗ, ФИДОИЙИ ОЛИМ ВА МЕХРИБОН ОТА.....3

I - ШЎБА.

ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Абдулқосимов А. А., Аббасов С.Б., Сабирова Н.Т. (Самарқанд, СамДУ).

Қизилқум ландшафтларини чўлланишида антропоген омилларнинг роли.....6

Рахматуллаев А., Мамажонов Р.И., Мирзоев А.И., Адилова О.А.

(Самарқанд, СамДУ, Жиззах, ЖДПИ). Ғўбдин тоғида шамол тезлигини ўлчаш бўйича олинган натижалар.....9

Sabitova N.I., Kayumova M.M., Abdullayeva N. (Toshkent, O`zMU, Jizzax, JDPI). Jizzax viloyatida yerlarni qayta sho`rланishining hududiy tofovutlari11

Абдуллаев И.Х. Усмонова Г.Э., Рузиева У.Т. (Тошкент, ТДПУ). Географик ғояларнинг ривожланишида эволюцион таълимотлар таъсири13

Рахматуллаев А.Р. , Адилова О.А., Турдиев Д.Э. (Самарқанд, СамДУ. Жиззах, ЖДПИ) Ғўбдин тоғи табиий ресурслари ва улардан фойдаланиш.....15

Sabitova N.I. , Abdullayeva S.I., Sattorova S.A. (Toshkent,O`zMU, Jizzax, JDPI). Jizzax viloyati tuproqlarining meliorativ holati.....16

Zikirov I.Ya., Sattarov S.M., Hakimov B.B. (Guliston, GulDU, Jizzax, JDPI) O`zbekistonda tabiiy geografik jarayonlarning tadqiq etilish tarixi.....19

Ғўдалов М.Р., Шоғдорев Т.А., Зиқиров Б.Я., (Жиззах, ЖДПИ). Айдар-арнасой кўллари аτροφ-мухитга таъсирини ўрганишнинг илмий-амалий жиҳатлари.....20

Сабирова Н.Т. (Самарқанд, СамДУ). Айдар-Арнасой кўллар тизимининг агроирригацион ландшафтлар билан алоқадорлиги таҳлили.....23

Абдумўминов Б.О. (Термиз, ТерДУ). Мутлоқ ва нисбий баландликларни аниқлаш усуллари.....25

Usmonov Yu. Q., Ubaydullayev D. K., Ko`chimova R. (Jizzax, JDPI). Jizzax viloyati tuproqlarini eroziyadan saqlash chora tadbirlari.....27

Абдумўминов Б.О., Хўжакулов Ж. (Термиз, ТерДУ). Турли минтақаларнинг баландликлар тизими.....28

Usmonov Yu.Q., Usmanov M.R., Borliboyev T.B. (Jizzax,JDPI) Jizzax viloyati tuproqlarining sho`rланish sabablari va sho`rланishga qarshi chora-tadbirlar.....31

Adilova O., Ismatov M., Mamatqulova F. (Jizzax, JDPI) Cho`llanishni rivojlantiruvchi tabiiy va antropogen omillar.....33

Иқомиддинова М. (Термиз, ТерДУ) Эрик (малла) рауденинг географик кашфиётлари.....35

Oblaqlov H.A., Namroyev Sh. (Navoiy. NavDPI). Insoniyat hayoti uchun atmosferani tasiri.....36

Ходжиматов А.Н., Юлдашов А.У., Садикова Д.Х., Рашидов А.А. (Тошкент, ТДПУ, Гулистон, ГулДУ, ЎзР Миллий гвардияси ХТИ) Хоразм воҳа ландшафтларининг мелиоратив шароитларини баҳолаш.....38

Mardonov Z.A., Pardaboyev S.B. (JDPI). Sangzor daryosi vohasida o`sadigan ayrim dorivor o`simliklar biologiyasi.39

Тошбоев З.М., Эргашева Д.А., Омонова М.Ў., Мусурмонова М.К. (Жиззах, ЖДПИ) Помир тоғларининг ўрганилиш тарихи.....41

Xoldorova G., Suyunov D., Begbo'tayev E. (Jizzax, JDPI. JPI.1-son Akademik lisey). Temuriylar -davrida geografik bilimlarning rivojlanishi.....46

II - ШЎЪБА.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ

- Комилова Н.Қ. Зайнутдинова Д.Қ. (Тошкент, ЎЗМУ). Ўзбекистонда болалар касалланишининг ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатлари.....49**
- Тожиева З.Н.(Тошкент, ЎЗМУ). Аҳоли сони кўпайиши ва жойланишини ўрганишнинг назарий-услубий масалалари.....50**
- Kalonov B.H. (Navoiy, NavDPI). Navoiy viloyatida aholini geografik joylashuyining o`ziga xos xususiyatlari.....52**
- Файзуллаев М.А. (Қарши, ҚарДУ). Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий хусусиятлари.....54**
- Калонов Б. Ҳ., Ҳасанова Н.М. (Навоий, НавДПИ). Навоий вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳудудий жойлашуви.....56**
- Ҳакимов Қ.М., Ерматова Н.Н. (Жиззах, ЖДПИ, Тошкент, Республика таълим маркази). “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси: имконият ва имтиёзлар ҳудуди.....58**
- Мухамедов О.Л., Шоғдорев Т.А. (Жиззах, ЖДПИ). Жиззах вилоятида чорвачилик тармоқлари ривожланишининг ҳудудий тафовутлари.....60**
- Қувондиқов О.Х., (Самарқанд, СамДУ). Самарқанд вилоятида боғдорчиликни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш масалалари.63**
- Ҳакимов Қ.М. Ниёзов Н.О. Уралова М.У. (Жиззах, ЖДПИ). Зиёрат туризмини ривожлантиришда муқаддас қадамжоларни ўрни.....64**
- Намозов Ж.А. (Тошкент, ЎЗМУ). Самарқанд вилояти ер - сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий таҳлили.....67**
- G'apparov A. N., Hakimov B., Mutalov J.U., Jumanova M.M. (Jizzax, JDPI). Jizzax viloyati urbanistik strukturasi hududiy tahlili.....69**
- Usmanov M.R., Juraxujayev D.D., Muhammedov J.S. (Jizzax JDPI). Jizzax viloyati ekoturistik imkoniyatlaridan samarali foydalanish.....74**
- Аллаёров Р.Х., Бўрибеков М.Ф., Хидиров М.Ш., Рахмонкулов А.Н (Тошкент, ТДПУ). Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларининг экотуристтик имкониятлари.....75**
- Облоқулов К.К. (Самарқанд СамДУ). Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг туристик имкониятлари (Зомин миллий боғи мисолида)77**
- Ахунбобоев М.М., Усанов.А.А., Умирзоқов О.А. (Гулистон, ГулДУ). Сирдарё вилояти аҳолисининг бандлик кўрсаткичлари ва таҳлили.....79**
- Usmanov M.R., Hayitboyeva S.R., Soipova N.Yu. (Jizzax, JDPI) O'zbekistonni turistik rayonlashtirishning ba'zi masalalari.....81**
- Холдорова Г. М., Ҳазраткулова Г. М., Муродова Г. (Жиззах, ЖДПИ). Жиззах вилоятида туризми ривожлантириш истиқболлари.....83**
- Норов Ш.Ш., Сувонов Б. (Навоий НавДПИ). Навоий вилоятида аҳолининг такрор барпо жараёнлари85**
- Oblaqulov N. A., (Navoiy, NavDPI). Navoiy viloyatida jahon miqyosida etrof etilgan tarixiy yodigorliklar.....87**
- Қодирова М.М. (Навоий НавДПИ). Саноат ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишда инфраструктура тармоқлари ва иқтисодий ижтимоий омилларнинг аҳамияти.....88**

Negmatov S.Q., Ismoilov U. (Navoiy, NavDPI). Jizzax viloyati ekoturizmi va sanoatining rivojlanishida ayrim xususiyatlar.....	90
Бердиқулова М.Т., Абдиҳолиқова Г. (Қарши, ҚарДУ). Қашқадарё вилоятининг ҳозирги демографик вазияти.....	91
Umarov N., Burxonov B., Qo'chqarova U. (Andijon AnDU). Farg'ona mintaqasi aholisini uy-joy bilan ta'minlashning ba'zi geografik jihatlari.....	94
Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Қўлдошева Г.М., Турсунбоева Н.Ю. (Тошкент, ТДПУ). Қашқадарёда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг географик жиҳатлари.....	96
Ахунбобоев М.М., Умирзоқов О.А., Усанов.А.А. (Гулистон ГулДУ). Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари таҳлили	99
Murodova D.S., Suyarova N (Qarshi, QarDU) Tabiiy va iqtisodiy resurslardan foydalanishning ekologik masalalari.....	101
Usmanov M.R., Quvondiqov B.K., Urdusheva S.K. (Jizzax, JizDPI) Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda turizmning o'rni.....	102
Azimova S.N., Suyunov D.S. (Jizzax, JDPI) Tog`li hududlarning demografik tahlili (Zomin tumani misolida)	104
Xoldorova G.M., Qoshoqova K.O., Shermatova D.M. (Jizzax, JDPI, Samarqand, SamDAQI Akademik litsey). Urgut tumanining rivojlanishidagi hududiy geografik jihatlari.....	106
Haydarova S., Sattorova Sh., Norbo'tayeva R. (Jizzax, JDPI) Jizzax viloyati cho'l tumanlarida aholi mexanik harakatining hududiy jihatlari.....	108
Qayumova Z.M., Xudoyberdiev Sh., Toshboyev I. (Samarqand, 42-maktab, Jizzax, JDPI). Arabiston yarim orolida joylashgan mamalakatlarining qishloq xo'jaligiga tavsif.....	110
G'apparov AN., Hakimov B., Asqarov T.A. (Jizzax, JDPI) Xalqaro mehnat migratsiyasi rivojlanishining ijtimoiy geografik jihatlari.....	111

III – ШҶЪБА

ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, СУВ РЕСУРСЛАРИ, АТРОФ - МУҶИТНИ МУҶОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Ю.Б. Рахматов, У.Б. Турсинова (Навоий, НДПИ). Сувдан самарали фойдаланишнинг геоэкологик муаммолари (Навоий вилояти мисолида)	114
Ғўдалов М. Р., Хакимов Б. Б., Бердиқулов Ж. (Жиззах, ЖДПИ). Йирик сув ҳавзаларнинг атроф муҳит микроиклимига таъсири (Жиззах вилояти мисолида).....	117
Usmanova R., Sobirova G. (Qarshi, QarDU). Suv resurslarini o`rganishda ekologik tarbiyani shakllantirish.....	119
Каршибаева Л.К., Ишонқулова К.К., Эргашева С.А. (Гулистон, ГулДУ) Сирдарё вилояти сув ресурсларининг таъминланганлик ҳолати.....	122
Каримов И.Э., Камолов М.Н. Эргашев О. У. (Жиззах, ЖДПИ. ЖДПИ Хузуридаги ХТХҚТМО Худудий маркази). Жиззах вилояти агросаноати ва туятортар канали.....	123
Jumayeva M.B., Narzullayev N. (Navoiy, NavDPI). Mamlakatimiz qishloqlarida aholini markazlashgan suv bilan ta'minlashning o'ziga xosligi.....	125
Каримов И.Э. ЖДПИ. Абдуллаев И.Х. (Тошкент, ТДПИ). Сув омборлари ва уларнинг тавсифлаш	126
Саттаров С.М., Ахунбобоев М.М., Джураев М.Э. (Гулистон, ГулДУ).	

Сирдарё вилоятида сув ресурсларидан фойдаланишнинг долзарб муаммолари.....	128
Джураев М.Е., Хайитов Е.П., Холбутаев Ғ. (Гулистон, ГулДУ) Ўзбекистондаги сув захиралари ва уларнинг ифлосланганлик ҳолати таҳлили.	130
Xolmirzayev J.E. (Jizzax, JDPI) Jizzax viloyati suv resurslarining tarqalishida geomorfologik strukturalar.....	131
Акзамов В.Б. (Jizzax, JDPI) Сув ва овқат ҳазм қилиш	133
Абдуназаров Ҳ., Алмардонова Д., Пардаева Ш. (Сурхондарё, ТерДУ). Доривор ўсимликлардан халқ табобатида фойдаланишнинг тарихий –географик жиҳатлари.....	135
Абдуназаров Ҳ., Сатторов А. (Сурхондарё, ТерДУ). Сурхондарё вилоятидаги ноёб табиат - археологик ёдгорликлари ва уларни муҳофаза қилиш.....	137
Shodiyev S.R., Narzullaev N. (Navoiy, NDPI). Atmosfera havosining ekologik xususiyatilari (Navoiy shahri misolida)	138
Usmanova R., Baxriddinova M. (Qashqadaryo, QarDU). Yer resurslarini tabiiy geografik jarayonlardan muhofaza qilish xususida	140
Ўринов.Б.С., Абдураззақов М.Ғ. (Навоий, Нав ДПИ). Экологик муаммолар ечимига оид чора-тадбирлар.....	142
Joniyeв O.T., Rahmatova F. U. (Navoiy, NavDPI). Inson va tabiat o'ziga xos murakkab tizim.....	144
Rahmonqulov U., Usmonjonova H.U., Avalboyev O.N., (Jizzax, JDPI). Smola beruvchi ferula tadshikorum turidan oqilona foydalanish.....	145
Jumayeva M.B., Yuldoshova Sh.S. (Navoiy, Nav DPI). Navoiy viloyati misolida o'rmon xo'jaligini rivojlantirishning istiqbollari.....	148
Қиличева Г. (Сурхондарё. Термиз, 28-мактаб). Хурмо ўсимлигининг биологик ва шифобахш хусусиятлари.....	150
Imomova D.A., Imomova Sh. Sh. (Jizzax JDPI). Dorivor o'simliklarga ekologik muhitning ta'siri.....	151
Xoliqova M.O., Musayeva N.X., (Navoiy, Nav DPI). Yoshlarda ekologik ta'lim-tarbiyaning atrof-muhitni muhofaza qilishdagi tutgan o'rni.....	153
Ғозиева М. Т. Усманов М.Р., Артиқов С. (Жиззах, ЖДПИ академик лицейи . Жиззах, ЖДПИ). Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни лойиҳалашнинг геэкологик асослари.....	154
Joniyeв Otabek Toxirovich (Navoiy, Nav DPI) . Navoiy shahar sanoat majmuasining rivojlanishi va ekologik muammolari.	156
Авалбоев О.Н., Исоқова К., Саидова И. (Жиззах, ЖДПИ) Нурота тоғидаги каклик (<i>alectoris chukar</i> (j.e. gray, 1830)) нинг биологияси ва уни муҳофаза қилиш.....	158
Бакирова С. М. Муротова Т. Х. Саматова Н. М. (Жиззах, Ғаллаорол т. 25- мактаб. Жиззах, ЖДПИ)	
Ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг услубий жиҳатлари.....	160
Kayumova M.M., Saparova M., Aralova Yu. Baxtiyorova M.SH. (Jizzax, JDPI. Jizzax, JPI akademik litseyi o'quvchisi) O'zbekiston o'simliklari va hayvonot dunyosining xilma-xilligi hamda ularning qisqarish sabablari.....	162
Xudanov U. O., Hazratqulov M. D., Aliyev M. G`. (Jizzax, JDPI) Kollagen tolalarning ekologik ahamiyati.....	164

Кубакова К.К., Алмаматова З. (Жиззах, ЖДПИ). Экологик дунёқарашни шакллантиришда миллий анъана ва қадриятларнинг аҳамияти.....	166
Qarshiboyeva N.H., Mavlonova S. X., Maxammadiyev D.M., (Jizzax, JDPI) Nurota qo'riqxonasida o'zbekiston respublikasida "Qizil kitobi"ga kiritilgan loladoshlar (<i>liliaceae</i>) oilasini muhofaza qilish	167
Soatov B.B., Xomidova S.A., Odilov D.B. (Jizzax, JDPI). O'zbekistonda qushlarni muhofaza qilishning amaliy yo'llari.....	169
Мавланов Х., Солиева С., Қодирова С. (Jizzax, JDPI) Жиззах вилоятида биологик хилма-хилликни сақлашнинг шу кундаги ҳолати.....	171
Soatov B.B., Odilov D.B., Obilov A.A. (Jizzax, JDPI). Respublikamizda chiqindi mahsulotlardan oqilona foydalanishda zamonaviy innovatsion texnologiyalarni qo'llash chora tadbirlari.....	173
Azimova D.E., Ziyadullayev Q.O., Abdualimova D.A. (Jizzax, JDPI) O'simliklarining ekologik muammolarga qarshi kurashishdagi ahamiyati.....	174
Eshanqulova D., Ziyadullayev Q.O., Abdualimova D.A. (Jizzax, JDPI) Shahar ekologiyasini yaxshilashda daraxt va butalar kompozitsiyasining o'rni.....	176
Бакирова Д. М., Ғайбуллаев А. А. Пардабоева Н. Н. (ЖДПИ академик лицейи ўқитувчиси. Жиззах, ЖДПИ). Табиатни муҳофаза қилишнинг маданий ва эстетик аҳамияти.....	179
Imomova D.A., Ortiqova M., Fayzullayeva S. (Jizzax, JDPI). O'rik o'simligining shifobaxshligi va uni muhofaza qilish.....	181
Мавлонов Х., Солиева Г., Эшонкулова Н. (Жиззах, ЖДПИ). Ковулзорлардан оқилонга фойдаланайлик.....	182
Ғ.Ғ.Хамраев., А.С.Мажидов. (Жиззах, ЖДПИ). Оролни асраш умумий, глобал муаммо сифатида.....	184
Кузиева С.У. (Жиззах, ЖДПИ). Изучение рибосом хлоропластов хлопчатника.....	186
Соатов Б.Б., Аберкулов Э. А., Ҳакимов Б.Б. (Жиззах, ЖДПИ). Зомин давлат кўриқхонаси орнитофаунаси ва уни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари.....	187
Ачилова Н.Т., Ишонкулова Д.У. (Жиззах, ЖДПИ). Сурхон-шеробод ботаник-географик районининг флораси ва экологияси.....	189
Жўлбоев Т.А., Абдуалимова Д.А., Маматмурадова Ф.Б. (Жиззах, ЖДПИ) Ҳаёт қобиғида содир бўладиган жараёнлар.....	190
Ortiqova M., Fayzullayeva S. (Jizzax, JDPI). O'zbekiston shifobaxsh o'simliklar xususiyatlari va ularni muhofaza qilish	191
Шайматов С.Р., Икромов Ю. (Жиззах, ЖДПИ). Орол денгизи атрофидаги ҳозирги ахвол ва уни бартараф қилиш йўллари.....	192
Жўлбоев Т.А., Зиядуллаев Қ.О., Маматмурадова Ф.Б. (Жиззах, ЖДПИ). Энергетика ва атроф – муҳит муҳофазаси.....	194
Xoldorova G., Mahmudova Sh., Beknazarova I. (Jizzax, JDPI). Orol va orolbo'yi tabiatidan foydalanishning istiqbollari.....	196
Мажидов А.С., Машрабов Ж. (Жиззах, ЖДПИ). Экологик ва табиат муҳофазаси ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	199

IV – ШЎЪБА.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш ва топонимика

- Аббасов С.Б., Ярашев Қ.С.**(Самарқанд, СамДУ). Давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.201
- Никадамбаева Х.Б., Зайнутдинова Д.К., Нейматуллаев Д.** (Тошкент, НУУз, ЖДПИ). Кейс-стади как современная технология обучения географии в вузах.204
- Усмонов М.Р. Жумабоев Т.Ж, Самъяев А.К.** (Самарқанд, СамДУ, СамДУ, хузуридаги ХТХҚТМО ХМ). География ўқитувчиларга қўйиладиган компетенциялар.....206
- Amanbaeva Z.A., Xamdamova X.,**(Toshkent, TDPU).“Mashinasozlik majmui” mavzusini o`qitishda keys stadi metodidan foydalanish samarasi.209
- Ibragimov L.Z., Davranova M.A.** (Samarqand, SamDU) Ta'lim tizimini rivojlantirishda xorijiy davlatlar metodlaridan foydalanish.211
- Аманлаев А., Ўринов Ш.**(Жиззах,ЖДПИ,ЖПИ). Замонавий таълимда инновацион технологияларнинг ўрни.213
- Абдумўминов Б.О.**(Термиз,ТерДУ). Археологик қидирув ишлари планини тузишда замонавий геодезик асбоблардан фойдаланиш.215
- Xudoyberdiyeva I.A.,**(Navoiy,NavDPI).Geografiya ta'limi jarayonida pedagogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratlashtirish.217
- Xoliqova M.O.,**(Navoiy,NavDPI). Dunyo okeani mavzusini o`qitishda innavosion texnologiyalarning ahamiyati.219
- Xudoyberdiyeva I.A.,** (Navoiy, NavDPI). Tabiiy geografiya darslarida innovatsion texnologiyalardan foydalanish.220
- Abdullayev S.I., Muqumova H.I., Nazarov M.G** (Qarshi, QarDU davlat universiteti) Kurs ishi – talabalar mustaqil ishlari tizimida.....222
- Мадрахимова З.М., Қаршибаева Л.К., Шарофиддинов М.Д.**(Гулистон, гулдавлатДУ университети) География таълимида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини такомиллаштириш.224
- Kayumova M.M., Berdiqulova G., Mamarasulova CH.**(Jizzax, JizDPI) Georafiya darslariga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini tadbiq etish.....226
- Karimov I.E., Unarova G., Samatova N.M**(Jizzax JizDPI) Geografiya darslarida innovatsion texnologiyalardan foydalanishning dolzarbligi.227
- Muqumova H.E, Hasanova N. S, Sindorov O'А.** (Qarshi, QarDU, ShaxrisabzDIMI, SamPK) Geografiya darslarida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish....229
- Ergashev O.U.** (Jizzax, JDPI huzuridagi ХТХҚТМОХМ) Geografiya ta'limida didaktik o`yinlardan foydalanish texnologiyasi.231
- Баратова Ф.У. Эсирганова Ю. А, Абдазов Ж. А.** (Жиззах, Ш. Рашидов тумани 50-м., ЖизДПИ) География дарсларида электрон дарсликлардан фойдаланишнинг афзалликлари.233
- Тотлибоева Д. А. Ҳамдамова Г. М. Диехонбоева П. Х.** (Жиззах, Жиззах шаҳар 10- м, ЖизДПИ) Халқаро интернет тизимидаги энг оммабоб электрон энциклопедиялар...235
- Мамажонова М., Fayzullayeva S.** (Jizzax, JizDPI) Botanika dasrlarida innavatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanish.237
- Ishonqulov B. JPI. Mamajonova M.** (Jizzax, JDPI) Ekologiya darsni tashkil etish tamoyillari va innavatsion texnologiyalari.....239

Ҳакимов Қ.М., Қурбонова Э.К., Ниёзов Н.О. (Жиззах, ЖизДПИ) Бобур ва унинг номи билан аталадиган географик объектлар ҳақида.	240
Валиева Ш.И. (Самарқанд СамДУ) Ўрта зарафшон гидронимлари ва уларни тадқиқ этиш масалалари.	243
Эшбоев Б.Т., Мўминова Ш.Ш. (Қарши, КарДУ) Тоғлар табиати ва оронимларда табиий географик хусусиятларнинг тавсифи (Деҳқонобод тумани мисолида)	245
Умурзоқова У.Қ., Лапасов И.У., Худойбердиев Н.Х (Жиззах, ЖизДПИ) Сир қучган тепалик-Донғара.....	247